**Yechimi.**  $h$  bilan voronkadagi suvning balandligini,  $r$  bilan voronka ustki qismi radiusini va  $v$  bilan voronka hajmini belgilab olamiz. Topishimiz kerak bo'lgan kattalik  $h=0.5$  bo'lgan paytdagi  $\frac{dh}{dt}$  ning qiymatidir. Masala shartidan ma'lumki,  $\frac{dV}{dt} = -0.03 \text{ sm}^3 / \text{sek}$ . Boshqa tomondan esa konus hajmi  $V = \frac{1}{3}\pi r^2 h$ .



Rasmdan ko'rish mumkinki (o'xshash uchburchaklar xossasiga ko'ra)  $\frac{r}{h} = \frac{1}{2}$  yoki  $r = \frac{h}{2}$ . Hajm formulasiga buni olib borib qo'ysak:  $V = \frac{1}{3}\pi \left(\frac{h}{2}\right)^2 h = \frac{\pi h^3}{12}$  ni olamiz. Suv balandligi vaqt o'tishi bilan o'zgarib borganligi uchun  $h = h(t)$  deb yozib olsak bo'ladi. Endi hajmdan  $t$  bo'yicha hosila olsak  $\frac{dV}{dt} = \frac{\pi}{4} h^2 \frac{dh}{dt}$  ni olamiz. Bu yerdan esa  $-0.03 = \frac{\pi}{4} h^2 \frac{dh}{dt}$  ni olamiz yoki  $\frac{dh}{dt} = -\frac{3}{25\pi h^2}$ . Suv balandligi  $h=0.5$  bo'lganda  $\frac{dh}{dt} = -\frac{3}{25\pi h^2} \approx -0.153 \text{ sm} / \text{sek}$  kelib chiqadi.

#### ADABIYOTLAR

1. Данко П.Е., Попов А.Г., Кожевникова Т.Я. Высшая математика в упражнениях и задачах. "Высшая школа", Ч1, Ч2, -М.1986.
2. Самнер Г. Математика для географов. М. "Прогресс", 1981.
3. Матейко О.М., Таныгина А.Н. Высшая математика для географов. В 2 ч. Минск: БГУ, 2011.

#### Hosila va uning tatbiqlari

**Rezyume.** Maqolada matematik usullarning samaradorligini oshirish usullari ko'rib chiqiladi, ular oliy matematika kursida kasbga yo'naltirish bo'yicha topshiriqlar to'plamini ko'rib chiqish orqali tahlil qilinadi;

**Kalit so'zlar:** daromad, maksimal foyda; aholi soni, reakciya tezligi, oqim tezligi.

#### Производный и его приложения

**Резюме.** В статье рассматриваются методы повышения эффективности математических методов анализируются они путем рассмотрения комплекса профориентационных задач в курсе высшей математики, приводятся примеры.

**Ключевое слово:** доход, максимальная прибыль; численность населения, скорость реакции, скорость потока.

#### Derivative and its application

**Summary.** This article discusses methods for increasing the effectiveness of mathematical methods; they are analyzed by considering a set of career guidance tasks in a higher mathematics course; examples are given.

**Key words:** income, maximum profit; population number, reaction tezligi, oqim tezligi.

**ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ РЕСУРСОВ В  
ПРЕПОДАВАНИИ МАТЕМАТИКЕ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ****Омаров Т.М.***Каракалпакский государственный университет*

Важнейшим средством повышения результативности всех сфер деятельности и фактором общественного развития в условиях глобальной информатизации общества выступают современные информационные и коммуникационные технологии, которые направлены на создание, сохранение, переработку и обеспечение наиболее эффективных способов представления информации потребителю, кроме этого данные технологии актуализируют проблему подготовки педагогических кадров, соответствующих требованиям современного общества [1, 364-368].

Вопросы информатизации образования рассматриваются в работах многих современных исследователей. В исследованиях Ганеева С.М., Ежовой Н.М., Иванова С.Г., Макарова С.И., Шульги Е.В., Никоновой Н.В. и др. подчеркивается необходимость использования электронных средств учебного назначения (ЭСУН) при изучении математики. В исследованиях авторы отмечают необходимость использования средств информационно-коммуникационных технологий с целью совершенствования организационных форм и методов обучения, воспитания, обеспечивающих развитие обучающегося, формирование умений осуществления самостоятельной учебной деятельности по сбору, обработке, передаче информации об изучаемых объектах, явлениях, процессах и т.д. [2, 19-27]. Многие исследования, проведенные по изучению использования информационно-коммуникационных технологий в основном ориентированы на автоматизацию процессов контроля результатов учебной деятельности, на тренировку построения графиков различных функций, на осуществление первичных вычислительных операций, на построение отдельных геометрических фигур. Кроме того, в них не уделяется должного внимания особенностям использования средств информационно-коммуникационных технологий с учетом специфики обучения математике на средней и старшей ступенях образования, развитию личности учащегося и его социализации в современном информационном обществе, а также повышению качества обучения на базе реализации возможностей информационных технологий [3, 35].

Однако на сегодняшний день следует отметить недостаточную реализацию дидактических возможностей информационно-коммуникационных технологий в обучении математике: обеспечение незамедлительной обратной связи между обучаемым и средством обучения, функционирующим на базе информационных технологий (ИТ); возможность обработки больших объемов информации за малые промежутки времени; наглядное представление на экране изучаемых объектов, процессов, как в виде моделей, так и в виде геометрических интерпретаций (диаграммы, графики, таблицы и пр.); архивное хранение больших объемов информации в базах и банках данных, их передача и обработка; автоматизация процессов вычислительной, информационно-поисковой деятельности, обработки результатов учебного эксперимента; автоматизация процессов контроля результатов усвоения.

Анализ практики использования средств информационно-коммуникационных технологий в процессе прохождения педагогической практики в средней школе показывает, что на уроках математики эпизодически используются лишь отдельные компоненты различных электронных ресурсов по некоторым темам для решения локальных педагогических задач. В связи с этим следует отметить недостаточную проработанность методических рекомендаций по использованию электронного ресурса (отдельно для учителя и ученика). И к сожалению, не существует также обязательной экспертизы педагогико-эргономического качества распределенного ресурса образовательного назначения, представленного в Интернет [4 850 с.]. Следует также констатировать тот факт, что в средних и старших классах средней школы при обучении математике осуществляется применение электронных ресурсов образовательного назначения без теоретического обоснования и соответствующего научно-методического обеспечения их использования. Не выявляются обобщенные подходы к соотношению того, какие виды средств информационно-коммуникационных технологий следует применять при осуществлении тех или иных видов учебной деятельности в процессе изучения математики, недостаточно теоретических подходов к стандартизации применения средств информационно-коммуникационных технологий в процессе изучения математики, в том числе к отбору и выделению тех содержательных линий изучения математики, освоение которых целесообразно в условиях систематической и целенаправленной реализации дидактических возможностей информационно-коммуникационных технологий [5, 37—46.]. Вышеизложенное определяет необходимость теоретического обоснования использования электронных ресурсов для преподавания математики и разработки научно-методического обеспечения ее реализации. Электронные средства обучения - это программно-методическое обеспечение для использования обучающимися в образовательном процессе по конкретному учебному предмету образовательной области на всех этапах образовательного процесса [6, 46].

Среди большого числа существующих электронных ресурсов можно выделить электронные учебники (ЭУ) по математике. Но, к сожалению, практически не встречаются такие учебники (где учитывалась бы специфика обучения), которые, с одной стороны, отражали бы полный учет структуры и закономерностей познавательного процесса, а с другой, учитывали бы психологические особенности школьников. С нашей точки зрения, совершенствование содержания образования с целью уплотнения учебного материала (путем создания ЭУ) предусматривает широкое использование современных способов формирования системы научных знаний, разработку четкой и доступной для школьников структуры изучаемого материала. Поэтому встает проблема модернизации учебной работы в направлении повышения эффективности обучения школьников. Применение

ЭУ обеспечивает решение этой проблемы наиболее эффективно, поскольку они выступают как новые интерактивные средства обучения, обладающие целым рядом дидактических достоинств и позволяющие качественно изменить методы, формы и содержание обучения.

Но, несмотря на имеющиеся проблемы, перспектива использования электронных ресурсов для преподавания математики достаточно обширная. Анализируя данные об использовании электронных ресурсов обучения на уроках математики, можно с уверенностью сказать, что они позволяют: повысить мотивацию обучения (в связи с развитием информатизации); представить на уроках максимальную наглядность; использовать на уроках разнообразные формы и методы работы с целью максимальной эффективности урока; формировать навыки подлинно исследовательской деятельности; использовать тестовые задачи с моментальной проверкой и выставлением компьютером отметки за выполненную работу (на разных этапах работы); обеспечить доступ к различным справочным системам, электронным библиотекам, другим информационным ресурсам. Раскрывая перспективы использования электронных ресурсов в процессе преподавания математики, необходимо отметить, что сами средства активно развиваются. Это позволяет ставить перед школьным образованием задачу подготовки учащихся к их систематическому применению в процессе ежедневной учебной деятельности, что готовит их к будущей профессиональной деятельности в условиях информатизации и глобальной массовой коммуникации современного общества.

Таким образом, для выполнения социального заказа общества необходимо целенаправленное использование электронных средств обучения в процессе изучения основ наук, в том числе и математики, в период получения общего среднего образования. В области математики это, прежде всего, формирование обобщенных подходов к реализации возможностей электронных средств обучения в целях поиска необходимой учебной информации, обработки информации об изучаемых в математике объектах и их отношениях, об их моделировании, исследовательской деятельности при изучении математических закономерностей. Важно подчеркнуть при этом, что ученикам должна быть предоставлена возможность, там, где это целесообразно, развивать и применять навыки использования электронных ресурсов в процессе изучения математики. Все это позволяет констатировать определенную значимость и необходимость выявления прикладных аспектов использования электронных средств в процессе обучения математике.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Баймулдина Н.С., Джаманкулова Н.О. Внедрение системы электронного обучения в вузах Республики Казахстан. // Бюллетень лаборатории математического, естественнонаучного образования и информатизации. Рецензируемый сборник научных трудов. Том 2 –г.Москва -2012 г., С.364-368
2. Абламейко С.В., Анищенко В.В., Вороничкий Ю.И. Национальный образовательный ГРИД-сегмент: стратегия развития и приложения // Суперкомпьютерные системы и их применение: Доклады третьей международной науч. конф.: Мн., - 2010. - Т. 1. - С. 19-27.
3. Роберт И.В., Панюкова С.В., Кузнецов А.А., Кравцова А.Ю. Информационные и коммуникационные технологии в образовании: учебно-методическое пособие. –М.: «Дрофа», 2007. – 35 с.
4. Тихонов А.Н. Интернет-порталы: содержание и технологии: сб. науч. ст. Вып 1/Редкол.: А.Н. Тихонов и др.; ГНИИ ИТТ «Информика». – М.: Просвещение, 2003. – 850 с.
5. Сиротина И.К. Интерактивная образовательная среда как фактор оптимизации процесса формирования математической культуры личности // Инновации в науке: материалы XI междунар. заочной науч.-практ. конф. Часть II (15 августа 2012 г). Новосибирск: Изд. «Сибирская ассоциация консультантов», 2012. — С. 37—46.
6. Викторова Ю.В. Использование электронного учебника для повышения эффективности обучения математике // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 4.

*Umumta'lim maktablarida matematika o'qitishda elektron resurslardan foydalanish muammolari va istiqbollari*

**Rezyume.** Maqolada o'quvchilarning matematikani o'rganish jarayonida elektron resurslardan foydalanish ko'nikmalarini ajratish va qo'llashning maqsadga muvofiqligi muhokama qilinadi.

**Kalit so'zlar:** axborot-qidiruv faoliyati jarayonlarini avtomatlashtirish, o'quv tajribasi natijalarini qayta ishlash.

*Problemy i perspektivy ispol'zovaniya elektronnykh resursov v prepodavanii matematike v sredney shcole*

**Резюме.** В статье рассматриваются вопросы целесообразности разбивать и применять навыки использовать электронных ресурсов в процессе изучения студентами математики.

**Ключевые слова:** информационно-поисковой деятельности, обработки результатов учебного эксперимента.

*Problems and prospects of using electronic resources in teaching mathematics in secondary school*

**Summary.** The article discusses the feasibility of breaking down and applying skills to use electronic resources in the process of students learning mathematics.

**Key words:** information and search activities, processing the results of educational experiments.

## КЎП КАНАЛЛИ СЕНСОРЛАР АСОСИДА ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ВАҚТ БЎЙИЧА СИНХРОНЛАШТИРИШ АЛГОРИТМИ

Рахимов Б.Н., Бабажанова А.Т., Алламуратова З.Ж.

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети*

**Кириш.** Сенсор маълумотларини синтез қилиш технологияси сўнгги йилларда ИТ соҳасида тадқиқотнинг маркази нуктаси бўлиб, аниқлигини юқорилиги ва афзалликлари туфайли кенг қўлланилмоқда. Сенсорларнинг синтези бу – сенсорлар маълумотларини ёки ундан ўлчаб олинган маълумотларни бирлаштириш, қайта ишлаш



ва синхронлаштиришдир. Сенсорлардан олинган маълумотларни синтези технологиясининг ютуқлари асосан, ишончилиги, фазо ва вақт бўйича кенг қамровлиги, ишончилигини ошириш, ноаниқликларни камайтиришдир. Ушбу мақолада реал вақт режимида сенсорлар синтезини қўллаш кўриб чиқилади. Вақтга асосланган ёндашув ўзининг юқори детерминистик хатти-ҳаракати туфайли реал вақт тизимини яратишда яхши асос бўлади. Сенсорлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш технологияси робототехника, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш ва масофадан зондлашдан тортиб жанг майдонини кузатиш, тактик вазиятни баҳолаш ва таҳдидларни баҳолаш каби соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Сенсорлардаги маълумотларни бирлаштириш технологияси ҳали ҳам интенсив тадқиқот соҳаси ҳисобланади. Мазкур соҳа бўйича бир нечта олимлар ўз тадқиқотларини олиб борганлар.

1980-йилларнинг бошларида Херман [1] ҳаво сенсорида олинган пассив стереотасвир маълумотларини бирлаштиришга эришди. Унинг ишида, геометрик маълумотларни босқичма-босқич бириктириш муаммосини тавсифлади. Ушбу ёндашув асосида [2] айланувчи ультратовуш сенсори ёрдамида мобил роботнинг моделини босқичма босқич қуриш учун ишлатилган. Мазкур методда маълумотларни синтез қилиш сифатида мантикий сенсорлардан олинган маълумотларни бирлаштиришнинг циклик жараёни ифодаланган. Вақт ўтиб, муаллифлар [2] қўллаган махсус услублари ва моделнинг аксарият қисмида ноаниқликлар мавжуд деб эътироф этилди. Брукс [3] ва Чатила [4] ноаниқликни манипуляция қилиш учун махсус усулларни наشر этдилар. 1985-йилларга келиб Смит ҳамда Чизман [5] Bayesian баҳолаш назариясини робототехника соҳасида қўллаш самарали эканлиги тўғрисида таклиф бердилар. Оптимал комбинацияланган натижа олинди ва бу Калман филтритининг оддий шаклига тенг эканлиги исботланди. Шу билан бирга Дурант-Уайт [6] робототехника ва идрок этишда ноаниқликни манипуляция қилиш бўйича сенсорли маълумотларин қайта ишлаш ва интеграциялаш усулларини келтирган. Баҳолаш назариясидан олинган бу усуллар рақамли ва аналог маълумотларни бирлаштиришда тавсия этиладиган ҳисоблаш асосини ташкил этувчи жараёнлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бундай асос учун муқобил ёндашув минимал энергия ёки минимал энтропия мезонларидан фойдаланишдир. Йиллар ўтиб Chunlei Lv [7], оптик тасвирлашнинг хусусиятига асосланиб, олинган тасвирни қайта ишлаш учун кўринадиган ва инфрақизил тасвирларни бирлаштиришга асосланган алгоритм таклиф этди.

Юқорида келтирилган усулларда сенсорлардан олинган маълумотларни синтез қилиш бўйича бир қанча ютуққа еришганлар, аммо ҳар хил турдаги кўп каналли сенсорлардан олинган маълумотларни синхрон бирлаштириш етарлича самара бермаган. Ушбу мақолада метеостанциялардан олинган маълумотларни аниқлигини ошириш мақсадида, махсус параметрларни ўлчаш учун ишлатиладиган сенсорлардан олинган маълумотларни синхрон қайта ишлаш муаммосига эътибор қаратилган.

1-жадвал. Маълумотларни бирлаштириш усулларини таҳлил қилиш жадвали

| № | Муаллифлар              | Фойдаланилган усуллари                                                                                                                                           |
|---|-------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Херман [1]              | ҳаво сенсорида олинган пассив стереотасвир маълумотларини бирлаштирган айланувчи ультратовуш сенсори ёрдамида мобил роботни жохон моделини қуришга имкон яратган |
| 2 | Брукс [3] ва Чатила [4] | ноаниқликни манипуляция қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борган манипуляция қилиш учун махсус усулларни таклиф қилган                                               |
| 3 | Смит ҳамда Чизман [5]   | Мобил робототехникани идрок этиш бўйича ноаниқликнинг аниқ моделини ишлаб чиқди Bayesian баҳолаш назариясидан фойдаланган                                        |
| 4 | Дурант-Уайт [6]         | ноаниқликни манипуляция қилиш бўйича сенсорли маълумотларни қайта ишлаш усулларини келтирган интеграциялаш усулларини келтирган                                  |
| 5 | Chunlei Lv [7]          | тасвирни қайта ишлаш учун кўринадиган ва инфрақизил тасвирларни бирлаштиришга эришган тасвирларни бирлаштиришга асосланган алгоритм                              |
| 6 | Yani Zheng [8]          | Сув сатҳини аниқлаш учун кўп каналли оптик толали сенсорларга асосланган IoT аниқлаш тизими IoT аниқлаш тизими ишлаб чиқилган                                    |
| 7 | Muna Al-Razgan [9]      | Симсиз сенсор тармоқлардан фойдаланиб босим, ифлосланиш, товуш ва ҳарорат каби ходисаларини кузатиш тизимини яратган WSN ва MECни бирлаштириш учулини            |

Кўп каналли сенсорлардан бир вақтда маълумотларни синхронлаштириш ҳар қандай тизимнинг муҳим қисми ҳисобланади. Метеопараметрлар билан боғлиқ бўлган тизимларда вақт бўйича синхронлаштириш ўзгарувчан метеомаълумотларни тўғри интерпретация қилиш ҳамда тўғри ҳисоблаш учун муҳим ҳисобланади [7]. Фазода ҳаракатланаётган объектга метеопараметрларнинг ўзгариши таъсир қилади. Ушбу параметрлардан шамол йўналиши ва тезлигининг таъсири сезиларли даражада бўлиб, дақиқасига ўз йўналишини ўзгартириши ва маълум мақсадларга эришишда хатоликлар вужудга келмоқда [8]. Маълумотларни синхрон қайта ишлаш тизимнинг узлуксиз синхрон ишлашини таъминлаш учун бир нечта сенсорлардан келаётган маълумотларни қабул қилиш ва қабул қилинган маълумотларни  $t$  вақт давомида синхрон қайта ишлаш,  $s$ ,  $v$ ,  $T_v$ ,  $\alpha_w$ ,  $w$ ,  $H_0$  қийматларини топиб белгиланган виртуал тузатмалар жадвалидан [8] фойдаланиб  $t\theta$  вақтда экранга ҳамда ҳаракатлантирувчи блокга узатади (1-расм).




Расм 1. Маълумотларни қайта ишлаш тизимининг блок схемаси.

Келтирилган тизим учта босқичдан иборат бўлиб, биринчи қатламда датчик ва ёрдамчи қурилмаларни ўз ичига олади, Оптоэлектрон тизим ҳаракатланаётган объектни,  $t$  вақтда ҳамда унинг  $v$  тезлигини аниқлаш вазифасини бажаради. Дальномер-ҳаракатланаётган объектга  $s$  масофасини ўлчовчи қурилма ҳисобланади. Кичик метеостанцияда махсус параметрларни ўлчаш учун 4 та сенсорлар жойлаштирилган бўлиб, улар белгиланган махсус параметрлар атмосфера температураси  $T_v$ , шомол тезлиги  $w_0$  ва йўналиши  $a_w$ , атмосфера босими  $H_0$  бўйича  $t$  вақтда маълумотларни синхрон қайта ишлаш учун SD кардга ва интернет орқали серверга жўнатади. Иккинчи босқичда олинган маълумотларни йиғиш ва операторга юбориш қатлами бўлиб [10], датчиклардан олинган ўлчов маълумотларини йиғади ва маълумотларни бошқариш блокига узатади. Сервердаги маълумотлар махсус формулалар [9] ёрдамида вақт бўйича қайта ишланади, ҳамда олинган натижаларни қарор қабул қилиш учун операторга юборади.


Учинчи босқич бошқарув қатлами бўлиб, синтез қатлами томонидан тақдим этилган атроф-муҳит маълумотлари асосида бошқарув қарорларини қабул қилувчи бошқарув дастурини ўз ичига олади [12].

Метеопараметрларни ўлчаш учун температура сенсорида  $N_1$  канали орқали  $t_1$  вақтда, намлик сенсорида  $N_2$  канали орқали  $t_2$  вақтда, шомол йўналиши ва шомол тезлиги сенсорида  $N_3, N_4$  канали орқали  $t_2, t_3$  вақтда, босим сенсорида  $N_5$  канали орқали маълумотларни серверга юборади [13].



Расм 2. Сенсорлардан олинган маълумотларни вақт бўйича бирлаштириш усули.

Кичик метеостанциядан олинган маълумотлар реал вақт мобайнида ишлаши учун ўлчашга кетадиган вақтни ҳисобга олиш керак бўлади [14]. Аниқликни ошириш мақсадида сенсорлардан олинган маълумотлар маълум параметрларни ўлчашга мўлжалланган сенсорларнинг ўлчов вақтлари турлича бўлиб, уларни бир даврда тугаш нуктаси  $\theta$  деб белгилаб олинади.




Расм 2. Маълумотларни синхрон ишлаши учун метеопараметрларни вақт бўйича ўлчаш даврлари.

Маълумотларни синхрон ишлаши учун маълум параметрлар бўйича сенсорлардаги ўлаш учун кетадиган вақтлари  $t_1, t_2, t_3, t_4$  муҳим ҳисобланади [15]. Бир нечта сенсорларнинг ўлчов даври  $t_0$  битта нуқтада тугамаслиги сабабли, энг катта қийматли ўлчов вақтини  $\text{Max} = t_4$  деб белгилаб оламиз. Қолган параметрлар ўша топилган қиймат бўйича цикл давомида ўлчайди.

$t_0, t_1, t_2, t_3$  ўлчаш учун кетадиган вақт топилади. Бунда ўлчаш учун кетадиган вақтнинг максималини топиб оламиз ва қолган параметрлар ўша топилган қиймат бўйича цикл давомида ўлчанади. Ҳар бир параметрни ўлчаш учун кетадиган вақти  $\text{Max} = t_4$  га тенг бўлса, ёки  $t_0, t_1, t_2, t_3$  циклларининг тугаш даври  $t_4$  нинг тугаш даври билан тенг бўлса  $\Theta$  вақт метеопараметрларни ўлчашнинг Start нуқтаси деб олинади. Ҳамда қарор қабул қилиш блокига юборилади [16].

Аниқлик даражасини ошириш мақсадида фазода жисм ҳаракатланаётган троекториясига бўладиган таъсирларни ҳисобга олган ҳолда, метеопараметрларни ўлчаш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш учун кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда синхрон қайта ишлаш алгоритми таклиф этилади.

Кўп каналли сенсорларни бир вақтда (оптоэлектрон тизим, дальномер, ўлчов сенсорлари - шомол тезлигини ва йўналишини, атмосфера босмини, атмосфера температурасини ўлчаш) маълумотларни синхрон қайта ишлаш блок-схемасига мос равишда 2-расмда унинг функционал алгоритми келтирилган.



Расм 3. Маълумотларни вақт бўйича қайта ишлаш алгоритми

Алгоритм циклдан бошланади, оптоэлектрон тизим, дальномер, кичик метеостанция маълумотларини узлуксиз ҳар 5 сонияда ўқиб олади. Оптоэлектрон тизим ва дальномер объектнинг тезлигини, масофасини узлуксиз ўлчаб башорат координатасини аниқлаш учун серверга юборади [17].

Башорат координатасини аниқлаш блокида кичик метеостанциядаги маълумотлар ўзгариш фарқлари куйида келтирилган формулалар ва махсус жадваллар ёрдамида аниқланади. Формулалар орқали отиш бурчаги аниқланади. Натижа экранга ва ҳаракатлантирувчи блокга юборилади.

**Хулоса.** Ушбу мақолада сенсорлар синтези учун асос ҳамда тадқиқотлар таҳлил қилинди. Сенсор маълумотларини вақт бўйича бирлаштириш учун блок-схема ва алгоритм ишлаб чиқилди. Бу тамойиллар қилинган тадқиқот ишларининг тизимлар кетма-кетлигини қуришда олинган усулларга асосланади. Метеостанциялардан олинган метеомаълумотларни бирлаштириш муаммоси ўрганиб чиқилган ва метеомаълумотларни вақт бўйича бирлаштириш усули таклиф этилган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. M. Herman, T. Kanade, "Incremental reconstruction of 3D scenes from multiple complex images", Artificial Intelligence vol-30, 1986, pp.289
2. J. L. Crowley, "Navigation for an Intelligent Mobile Robot", IEEE Journal on Robotics and Automation, 1 (1), March 1985.
3. R. Brooks, "Visual Map Making for a Mobile Robot", Proc. 1985 IEEE International Conference on Robotics and Automation, 1985.
4. R. Chatila, J. P. Laumond, "Position Referencing and Consistent World Modeling for Mobile Robots", Proc 2nd IEEE International Conf. on Robotics and Automation, St. Louis, March 1985.
5. R. Smith, P. Cheeseman the Estimation and Representation of Spatial Uncertainty", International Journal of Robotics Research 5 (4), Winter, 1987
6. H. Durrant-Whyte, "Consistent Integration and Propagation of Disparate Sensor Observations", Int. Journal of Robotics Research, Spring, 1987.
7. Chunlei Lv and Lihua Cao, Target Recognition Algorithm Based on Optical Sensor Data Fusion, Hindawi Journal of Sensors Volume 2021, Article ID 1979523, 12 pages <https://doi.org/10.1155/2021/1979523>
8. Yani Zheng , 1 Gaurav Dhiman , 2 Ashutosh Sharma , 3 Amit Sharma, 4 and Mohd Asif Shah. An IoT-Based Water Level Detection System Enabling Fuzzy Logic Control and Optical Fiber Sensor. Hindawi Security and Communication Networks Volume 2021, Article ID 4229013, 11 pages <https://doi.org/10.1155/2021/4229013>
9. Muna Al-Razgan, Taha Alfakih. Wireless Sensor Network Architecture Based on Mobile Edge Computing. Hindawi Security and Communication Networks Volume 2022, Article ID 9073220, 16 pages <https://doi.org/10.1155/2022/9073220>
10. M.Mendel Meteorology in field artillery ballistic calculations Journal of Physics: Conference Series doi:10.1088/1742-6596/2090/1/012149

11. А.Г.Арзумян, О.Ж.Севоян, О. А. Гомцяян Радиотехнические средства передачи, приема и обработки сигналов Национальный политехнический университет Армении 2016.
12. Zhiyuan Zhang, Yuwen Liu, Jun Li Research on Improving Artillery Firing Accuracy by Using Meteorological Data along Ballistic Trajectory for Artillery Firing. Journal of Physics: Conference Series 1325 (2019)
13. L. Baranowski Meteorological messages for anti-aircraft artillery. Zeszyt 141 nr 1/2017, str. 7- 23 ISSN 1230-3801
14. Rakhimov B.N., Rakhimov T.G., Berdiyev A.A., Ulmaskhujayev Z.A., Zokhidova G. Synchronous data processing in multi-channel information measuring systems of radiomonitoring. // Compusoft, vol. 8, no. 3, pp. 3088–3091, 2019
15. Rakhimov N.R., Rakhimov B.N., Berdiyev A.A. Locate Objects Mechanical Damage Based on Fiber-Optic Communication Systems // 2018 14th International Scientific-Technical Conference APEIE – 44894. Proc., pp. 210–214, 2018, doi: 10.1109/APEIE.2018.8545275.
16. Rakhimov B.N., Berdiyev A.A., Ibragimov D.B., Zokhidova G.E. Forecasting Dynamic and Statistical Properties of Underground Pipelines under Conditions of “Safe City” / 2018 14th International Scientific-Technical Conference APEIE – 44894. Proc., pp. 206–209, 2018, doi: 10.1109/APEIE.2018.8545963

*Қўп каналли сенсорлар асосида иқлим шароитларини мониторинг қилиш тизимидан олинган маълумотларни вақт бўйича синхронлаштириш алгоритми*

**Резюме.** Ушбу мақолада сенсорларнинг синтези маълумотларни бирлаштириш усуллари бўйича мақолалар таҳлил қилинган. Сенсорлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш тизимининг блок схемаси ва алгоритми келтирилган. Ўлчаб олинган маълумотларни бирлаштириш муаммоси ўрганилиб, маълумотларни вақт бўйича бирлаштириш усули таклиф қилинган. Метеомаълумотларни синхрон ишлаши учун метеопараметрларни вақт бўйича ўлчаш даврлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** сенсорлар, метеопараметрлар, метеомаълумотлар, синхрон маълумотлар.

*Алгоритм временной синхронизации данных, получаемых от системы климатического мониторинга на основе многоканальных датчиков*

**Резюме.** В статье анализируются о методы слияния данных сенсорного синтеза. Представлены блок-схема и алгоритм системы обработки данных, полученных с датчиков. Исследуется задача интегрирования измеренных данных и предлагается метод временного интегрирования данных. Для синхронной работы метеоданных предусмотрены временные циклы измерения метеопараметров.

**Ключевые слова:** датчики, метеопараметры, метеоданные, синхронные данные.

*Algorithm for time synchronization of information received from climate monitoring system based on multi-channel sensors*

**Summary.** This article analyzes articles on sensor synthesis data fusion methods. The block diagram and algorithm of the data processing system obtained from the sensors are presented. The problem of integration of measured data is studied and a method of time integration of data is proposed. Time measurement cycles of meteorological parameters are provided for the synchronous operation of meteorological data.

**Key words:** Sensors, meteorological parameters, meteorological data, synchronous data.


## TIBBIY TASVIRLARGA DASTLABKI ISHLOV BERISH HAMDA SHOVQINLARDAN TOZALASH USUL VA ALGORITMALARI

**Kuchkorov T.A., Sabitova N.Q.**

*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti*

**Kirish.** Tibbiyotda qaror qabul qilish tizimlari tibbiy multimedia tizimlarining yanada rivojlanishiga va keng qamrovli foydalanishiga sabab bo'lmog'da. Tibbiyotda qaror qabul qilish tizimlaridan foydalanish shifokorlarga tashxis qo'yishda samarali ko'makchi bo'lib kelmoqda. Bunday tizimdan foydalanish orqali nafaqat tizim bilimlari balki shifokorlarning bilim va ko'nikmalari asos qilib olinadi, natijada tizim xatoliklari yoki shifokorning etiborsiz qoldirgan qismlari to'liq bartaraf etiladi. Aynan shuning uchun ham tashxislash jarayonida yaxshi natijalarga erishiladi va xatolar bartaraf etiladi. Ushbu sohada ham asosan tasvirlar bilan ishlash qulay bo'lib, bemorni holatini tahlil qilish yoki tashxislash jarayonida sezilarli darajada yordam beradi [1].

Ushbu maqolada asosan endoskopik tasvirlar haqida to'xtalib o'tamiz. Endoskopik tasvirlar juda ko'p sohalarni o'rganish jarayonida ishlatiladi va turli xil odam tana azolarini o'rganadi. Misol uchun qizilo'ngach dan to oshqozonini tahlil qilish jarayoni gastroskopiya, yoki ingicha va yog'on ichaklarni o'rganuvchi qimsi kolonoskopiya deb ataladi [2]. Bundan tashqari endoskopiya opertatsiya qilish jarayonlari yoki biopsiya tahlil jarayonida ham ko'p qollaniladi va u ko'pincha laparoskopiya deb ataladi. Endoskop optoelektrik qurilma bo'lib u bir necha qismlardan tashkil topgan: Yupqa, uzun egiluvchan naycha; Obyektiv yoki linza tizimi; Nurni uzatish tizimi; Ko'zoynak; Nazorat tizimi.



1-rasm. Endoskopik qurilma tasjkil etuvchi elementlari.

Tekshiruv ostidagi organing yuqori sifatli tasvirini shakllantirish uchun video oqimlarini konveyrli qayta ishlash lozim. Konveyrli qayta ishlash jarayoni quydagilarni o'z ichiga oladi, bular shovqinlarni bartaraf qilish, yorug'likni korreksiyalash, kontrastni to'g'irlash, tasvirlardagi xiralikni yo'qotish va tasvir qirralarini yaxshilash. Endoskopik tasvirlarni tahlil qilish jarayonida eng muhim jihatlaridan biri bu tasvirni shovqinlardan tozalash hisoblanadi, chunki tasvirlarda shovqin bo'lishi bu bir necha faktorlarga bog'liq. Hattoki, yuqori sifatli endoskopik video tasvirlar ham shovqinlarga moyil boladi, chunki endoskop organga kirganda endoskop organni to'la qonli ko'rsata olmasligi mumkin, ya'ni tasvirlarda akslantirilishlar (fonar va suyuqlik hisobiga), yorug'likning yetarli bo'lmasligi (qorong'u zonalar) kabi kamchiliklarni ko'rishimiz mumkin. Shuning uchun ham, endoskopik tasvirlarni qaytla ishlash jarayoni tibbiyotda qaror qabul qilish tizimlarining tog'ri va sifatli ishlashini ta'minlaydi.

#### Tibbiy tasvirlarda uchrashi mumkin bo'lgan shovqin turlari

Har bir tasvir turli xil shovqinlarga ega bo'lishi mumkin. Shovqin tasvirning sifatini yomonlashgan qismini ifodalaydi. Shovqin ro'yhatga olish qurilmasining elektronikasida yoki atrof-muhitning harorati, namligi yoki changligi kabi tashqi ta'sirlar natijasida paydo bo'lishi mumkin. Tasvirning yomonlashishi va shovqini uni keyingi ishlov berish yoki siqish paytida ham sodir bo'ladi. Tasvir ma'lumotlaridan shovqinni olib tashlash tasvirni tahlil qilishdan avval ishlov berishning muhim qismidir. Shovqinni yo'qotishning muhim jihati uning asl xususiyatlarini saqlab qolishdir, shuning uchun tasvirning qirralarida hech qanday buzilish yoki xiralik bo'lmasligi kerak.

Gauss shovqini kuchaytiruvchi shovqin yoki tasodifiy o'zgaruvchan impulsiv shovqin deb ataladi [2-3]. Gauss shovqini (a) elektron sxema shovqini, (b) yuqori harorat tufayli sensor shovqini, (c) yomon yorug'lik tufayli sensor shovqini sifatidabo'ladi. Gauss shovqini normal taqsimotning ehtimollik zichligi funktsiyasi sifatida paydo bo'ladi, bu Gauss taqsimoti deb ham ataladi. Gauss tasodifiy o'zgaruvchisi  $z$  ning ehtimollik zichligi  $p$  funktsiyasi quyidagicha ifodalanadi:

$$pG^z = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(z-\mu)^2}{2\sigma^2}}$$

bu erda,  $z$  shovqinning yorqinligi intensivligi,  $\mu$  o'rtacha qiymatni va  $\sigma$  standart og'ishni ifodalaydi.



2-rasm. Gauss shovqini: KT tasvirlariga qo'llanilishi: 1 –Boshlang'ich tasvir; 2  $-\mu = 0, \sigma = 0.1$ , 3  $-\mu = 0, \sigma = 0.5$  qiymatlardagi tasvirlar ko'rinishi.


Tuz va qalampir shovqini impuls shovqini deb ataladi. Tuz va qalampir shovqini tasvir signalidagi to'satdan va kuchli buzilish natijasida yuzaga keladi. Bu tasvir ustida tarqalgan qora yoki oq (yoki birgalikda) piksellarning tartibsiz shaklda tarqalishi ko'rinishida bo'ladi. Impuls shovqinni o'z ichiga olgan tasvir yorqin mintaqada qora piksellarga va qorong'u joylarda oq piksellarga boy bo'ladi[2]. (Bipolyar) impuls shovqinining ehtimollik zichligi funktsiyasi sifatida quydagicha ifoladalanadi:



3-rasm. Tuz va murch shovqini: KT tasvirlariga qo'llanilishi: 1 Boshlang'ich rasm, 2  $-\mu = 0, \sigma = 0.1$ , 3  $-\mu = 0, \sigma = 0.3$  qiymatlardagi tasvirlar ko'rinishi.


$$p(z) = \begin{cases} P_a & z = a \\ P_b & z = b \\ 0 & \text{boshqa hollarda} \end{cases}$$





Agar  $b > a$  bo'lsa, kulrang daraja  $b$  tasvirda oq nuqtasi sifatida ko'rinadi. Aksincha,  $a$  qora nuqtaga o'xshaydi.  $P_a$  yoki  $P_b$  nolga teng bo'lganda impuls shovqini uni-polyar deb ataladi.

Spekl shovqini ultratovushli tizimlar, lazerlar yoki magnit-rezonans tomografiya kabi kogerent tasvirlash tizimlarida eng ko'p uchraydigan shovqinlardan biri. Spektal shovqini ultratovush tasvirining sifatiga ta'sir qiladi va shuningdek, tasvir qirralari, shakl, intensivlik qiymati kabi muhim ma'lumotlarni kamaytiradi. Buzilgan ultratovush tasvirlarida yuqori chastotali komponentlar mavjud [5] va ularni olib tashlash uchun filtrlar qo'llaniladi. Shovqin uchun kirish parametri o'rtacha qiymat va dispersiyadir




4-rasm. Ultratovush tasvir. O'ng tomondagi boshlang'ich tasvir, chap tomondagi "spekl" shovqinli tasvir.

**Tasvirni shovqinlardan tozalash.** Tasvirni shovqinlardan tozalash ko'plab tasvirlarni qayta ishlash dasturlari va tahlillarida muhim ahamiyatga ega. Tasvirni shovqinlardan tozalashni o'rganish bir necha yillar oldin, ya'ni 1970 yildan beri boshlangan. Tasvirni shovqinlardan tozalash turli asoslarga ko'ra tasniflanadi, masalan, sohaga yo'naltirilgan yondashuv, shovqin darajasiga asoslangan yondashuv. Shovqin darajasiga asoslangan yondashuvga ko'ra, tasvirni shovqinlardan tozalash ikki turga bo'linadi: 1. Tasodifiy bo'lgan tozalash (Blind denoising) 2. Tasodifiy bo'lmagan tozalash (Non-blind denoising). Ushbu tasnif shovqin darajasining ma'lum yoki noma'lumligiga asoslanadi.

Tasodifiy bo'lmagan shovqinlardan tozalash shovqin darajasi ( $\sigma$ ) ma'lum parametr sifatida qabul qilinadi, bu denozitatsiyaning an'anaviy usuli. Boshqa tomondan, Tasodifiy bo'lgan shovqinlardan tozalash jarayonida shovqin darajasi ( $\sigma$ ) noma'lum bo'ladi. Biz shovqin darajasi parametrini tasvirni shovqinlardan tozalash jarayoni bilan birga baholashimiz kerak. Tasvirni tasvirni shovqinlardan tozalash algoritmining bajarilishi asosan shovqin darajasini ( $\sigma$ ) baholashga bog'liq.

Ko'p ishlatiladigan shovqinli tasvir modellarining aksariyatida Qo'shiluvchan Gauss oq shovqinini (Additive White Gaussian Noise) ko'rishimiz mumkin. Shovqin darajasini baholashda biz asosan berilgan bitta shovqin tasviri uchun standart og'ish ( $\sigma$ ) ni baholaymiz. Ushbu mavzu bo'yicha juda ko'p ishlar qilingan, ko'plab algoritmlar [4-8] amalga oshirilgan. Ushbu algoritmlar asosan uch turdagi yondashuvlarga bo'linadi, ya'ni filtrga asoslangan yondashuv, bo'laklarga (patch) asoslangan yondashuv va statistik yondashuv.



5-rasm. Tasvirlarni shovqinlardan tozalash usullari.

Filtrga asoslangan yondashuvda [4],[6],[8] shovqinli tasvir yuqori o'tish filtridan (high pass filter) o'tkaziladi va silliqilgan tasvir hosil qilinadi. Keyin filtrlangan tasvir va original tasvir orasidagi farq shovqin darajasi sifatida qabul




qilinadi. Ushbu tasvirlarni tozalash usuli bilan bog'liq muammo shundaki, tasvirlar orasidagi farq shovqin sifatida qabul qilinadi, ammo bu taxmin har doim ham to'g'ri emas, ayniqsa murakkab tuzilishga ega tasvir uchun.

Bo'laklarga (patch) asoslangan yondashuvlarda [5], [7], [9] tasvir bo'laklar soniga, ya'ni  $N \times N$  o'lchamdagi to'rtburchaklar oynaga bo'linadi va ajratilgan bo'laklar orasidan silliqlash bo'lagi tanlanadi. Silliqlash bo'lagi standart og'ishlarga qarab intensivlik darajasi asosida tanlanadi. Bu yerda e'tiborga olish kerak bo'lgan jihat, silliqlovchi bo'lak haqiqiy tasvir bo'laklariga qaraganda katta miqdordagi shovqindan iborat. Shunday qilib, haqiqiy tasvir tarkibini nolga yaqinlashtiriladi va shuning uchun faqat shovqindan iborat silliqlovchi bo'lak qabul qilinib, shovqin darajasini taxmin qilish mumkin. Ammo bu usulning kamchiligi shundaki, agar ko'rib chiqish noto'g'ri bo'lsa, shovqin darajasini oshirib yuborish yoki kam baholash mumkin.


#### CNN (Konvolyutsion neyron tarmoq)ga asoslangan tasodifiy bo'lgan tozalash (Blind denoising)

Shovqinli tasvirlarni tasodifiy shovqinlardan tozalash an'anaviy usullardan va CNN (Convolutional Neuron Network)ga asoslangan usullarni o'z ichiga oladi va odatda qo'shimcha oq Gauss shovqinini olib tashlashdan ko'ra murakkabdir. Shovqin klinikasi (Noise Clinic) [8] tasvirni tasodifiy tozalash bo'lib, avval signal va chastotaga bog'liq shovqin modelini baholaydi, so'ngra mahalliy bo'lmagan Bayes tozalash usulini ko'p miqyosli moslashtirish orqali tasvirni tozalaydi. Ushbu usul Tasodifo tozalash tarmog'i (Blind Denoising Network BDN) dan va Tasvir sifatini baholovchi Tasodifiy tozalash tarmog'i (Blind Image Quality Assessment Network BIQAN) dan iborat. BDN kiritish shovqinlari Gauss oq shovqini va uniform shovqini bo'lganligi sababli, qayta tiklangan tasvirlarning sifati aniq mahalliy tebranishlarga ega bo'ladi. Ushbu holatda mahalliy optimalga tushib qolmaslik va eng yaxshi yuqori nuqtasini (peak point)ni topish uchun BIQAN tomonidan baholangan tasvir sifati ballarining natijasi tekislash uchun past chastotali filtr (low pass filter) orqali filtrlanadi. Eng yaxshi tozalangan tasvirni olish uchun maksimal ball topiladi.



6-rasm. BDN va BIQAN arxitekturalari.

Taklif etilgan usulning a'lo darajada ishlashini hisobga olgan holda, ushbu yondashuv tasvirlarni past/yuqori ballga tasniflash (low/high score) yoki o'rtacha ballga qaytish (regressing to the mean score) o'rniga qayta tiklangan tasvir sifati reytingini gistogramma sifatida taqsimlashni bashorat qiladi. Ushbu usul BIQAN CNNning kichikroq va tezroq arxitekturasiga tufayli MobileNetning [7] yani tasvir tasniflagichi arxitekturasiga asoslangan.



7-rasm. MobileNet arxitekturasiga.

**Moslashuvchan median filtri.** Moslashuvchan median filtri standart median filtri duch keladigan kamchiliklarni bartaraf etish uchun mo'ljallangan. Moslashuvchan median filtrining asosiy afzalligi shundaki, buzilgan tasvirni o'rab turgan yadro o'lchami o'zgaruvchan bo'lib, yaxshi natijaga erishiladi. Moslashuvchan filtrning yana bir asosiy afzalligi shundaki, u median filtdan farqli o'laroq, u barcha piksel qiymatlarini median qiymat bilan almashtirmaydi. Moslashuvchan filtrning ishlashi ikki bosqichli jarayondir; birinchi bosqichda yadro uchun median qiymatini topadi va ikkinchi bosqichda joriy pikselning qiymatida impuls (tuz va much shovqini) yo'qligini tekshiradi. Agar piksel qiymati buzilgan bo'lsa, u o'z qiymatini median bilan o'zgartiradi yoki aks holda u kulrang shkala pikselining qiymatini saqlab qoladi. Buni amalga oshirish orqali faqat impulsli shovqinli piksellar o'zgartiriladi, qolgan barcha piksel qiymatlari saqlanib qoladi.

#### Moslashuvchan median filtrini amalga oshirish

$Z_{\min} = S_{xy}$ -da kulrang darajaning minimal qiymati.

$Z_{\max} = S_{xy}$ -da kulrang darajaning maksimal qiymati

$Z_{\text{med}} = S_{xy}$ dagi kulrang darajalarning medianasi

$Z_{xy}$  = koordinatalarda kulrang daraja (x, y)

$S_{\max} = S_{xy}$  ning ruxsat etilgan maksimal hajmi

Moslashuvchan median filtri ikki darajada ishlaydi A va B darajalari quyidagicha belgilanadi:

A darajasi:  $A1 = Z_{\text{med}} - Z_{\min}$   $A2 = Z_{\text{med}} - Z_{\max}$

Agar  $A1 > 0$  va  $A2 < 0$  bo'lsa, B darajasiga o'ting

Aks holda oyna hajmini oshiring

Agar oyna hajmi  $\leq S_{\max}$  takrorlash darajasi A

Aks holda  $Z_{xy}$  chiqaring.

B darajasi:  $B1 = Z_{xy} - Z_{\min}$   $B2 = Z_{xy} - Z_{\max}$

Agar  $B1 > 0$  va  $B2 < 0$  bo'lsa,  $Z_{xy}$  chiqadi

Aks holda  $Z_{\text{med}}$  chiqdi

**Xulosa.** Tibbiy tasvirlarda uchraydigan shovqinlar shifokorga tasxishlash jarayonida qiyinchiliklar yaratadi.

Ushbu maqolada tibbiy taasvirlarda uchraydigan va keng tarqalgan uch xil turdagi shovqinlar tahlil qilindi. Spekl shovqinlar ultratovushli tasvirlarda ko'proq uchraydigan bo'lsa, Gaus shovqini endoskopik tasvirlarda ko'proq kuzatilishi mumkin. Shovqinning turi olingan tasvirning turi va sifatiga qarab turli xildagi tasvirni shovqinlardan tozalash algoritmlari va usullaridan foydalanish mumkin. Ushbu maqolada Moslashuvchan median filtri va KNNga asoslangan tasodifiy tozalash usullarini ko'rib chiqildi. Moslashuvchan median filtri asosan oq-qora va kulrang tasvirlarda samarali yutuqlarga erishadi. Konvolyutsion neyron tarmoqqa asoslangan tasodifiy tozalash algortmi endoskopik tasvirlarga qo'llanilganda samarali natijalarga erishilgan.

#### ADABIYOTLAR

1. Kuchkorov T.A., Sabitova N.Q., Deblurring techniques and fuzzy logic methods in image processing // "Muhamad al-Xorazmiy avlodlari" ilmiy – amaliy va axborot – tahliliy jurnal, №3(9)/2019. -Toshkent. -b.12-16.
2. Badgainya, S., Sahu, P. and Awasthi, P., 2018. Image Denoising by OWT for Gaussian Noise Corrupted Images. *International Journal of Trend in Scientific Research and Development*, Volume-2(Issue-5), pp.2477-2484.
3. Amer, A. Mitiche, and E. Dubois, "Reliable and fast structureoriented video noise estimation," in Proc. Int. Conf. Image Process., vol. 51. 2002, pp. I-840–I-843.
4. B. R. Cornera, R. M. Narayanana, and S. E. Reichenbach, "Noise estimation in remote sensing imagery using data masking," Int. J. RemoteSens., vol. 24, no. 4, pp. 689–702, 2003.
5. S.-C. Tai and S.-M. Yang, "A fast method for image noise estimation using Laplacian operator and adaptive edge detection," in Proc. 3rd Int.Symp. Commun., Control Signal Process., Mar. 2008, pp. 1077–1081.
6. D.-H. Shin, R.-H. Park, S. Yang, and J.-H. Jung, "Block-based noise estimation using adaptive Gaussian filtering," IEEE Trans. ConsumerElectron., vol. 51, no. 1, pp. 218–226, Feb. 2005.
7. C. Liu, R. Szeliski, S. B. Kang, C. L. Zitnick, and W. T. Freeman, "Automatic estimation and removal of noise from a single image," IEEE Trans. Pattern Anal. Mach. Intell., vol. 30, no. 2, pp. 299–314, Feb. 2008.
8. S. Pyatykh, J. Hesser, and L. Zheng, "Image noise level estimation by principal component analysis," IEEE Trans. Image Process., vol. 22, no. 2, pp. 687–99, Feb. 2013.
9. Lebrun M, Colom M, Morel J M. The noise clinic: a blind image denoising algorithm. *Image Processing On Line*, 2015, 5: 1-54.

*Tibbiy tasvirlarga dastlabki ishlov berish hamda shovqinlardan tozalash usul va algoritmlari*

**Annotatsiya.** Maqolada tibbiy tasvirlarda noaniqlikni dastlabki qayta ishlash uchun Blind denoising-ga asoslangan Adaptiv Median Filtr va Konvolyutsion Neyron Tarmoq usullari muhokama qilinadi. Bu usullar oqlanadi.

**Kalit so'zlar:** endoskopik tasvir, shovqin, konvolyutsion neyron tarmoqlar, tasodifiy tozalash.

*Методы и алгоритмы предобработки и шумоподавления медицинских изображений*

**Аннотация.** В статье рассматриваются методы Adaptive Median Filter и Convolutional Neural Network на основе Blind denoising для первоначальной обработки шумоподавления в медицинских изображениях используют. Обосновывается, что эти методы.

**Ключевые слова:** эндоскопическое изображение, шум, сверточные нейронные сети, слепое шумоподавление.

*Methods and algorithms for preprocessing and noise removal of medical images*

**Annotation.** The article discusses the Adaptive Median Filter and Convolutional Neural Network methods based on Blind denoising for initial denoising processing in medical images. It is justified that these methods.

**Key words:** endoscopic image, noise, CNN, Blind denoising.

## DINAMIKALIQ SISTEMALARDIŇ ÓRNIQLIĞIN IZERTLEWDE A.M. LYAPUNOVTIŇ FUNKCIYASIN JASAW MÁSELELERI

Mustafaeva R., Usnatdinova G.  
Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Dinamikaliq processlerdi modellestiriwde keńnen qollanilatugin matematikalıq apparatlardıń biri –bul differenciallıq teńlemeler yamasa differenciallıq teńlemeler sistemaları bolıp tabıladı. Olar processlerdiń dinamikasını izertlewge múmkinshilik beredi hám processtıń waqıt boyınsha ózgeriwın kórip shıǵadı. Tábiyattaǵı hár qıylı dinamikaliq sistemalardı izertlewdiń universallı usıllarınıń biri bolıp A.M.Lyapunov usılı yamasa Lyapunov - funkciyalar usılı bolıp tabıladı. Bul usıldıń mashqalası sonnan ibarat, bunda izertlenip atırǵan sistema ushın anıq bir funkciyanı dúziwden ibarat boladı. A.M.Lyapunovtıń ekinshi usılınıń rawajlanıw processı ádettegi differenciallıq

teñlemeler sistemasındaǵı qózǵalıslardıń ornıqlılıǵın izertlew máselelerinde qollanıwıdan baslandı. Eger sistemanıń sheshiminiń teń salmaqlıq jaǵdayında kemeyiwshi funkciya oń anıqlanǵan bolsa, onda sistemanıń teń salmaqlıq jaǵdayı ornıqlı boladı. Differentsiallıq teñlemeler sistemasınıń ornıqlılıq shártleri haqqındaǵı ulıwma túrdegi teoremlar XX ásirdeń 30-jıllarında islep shıǵıldı. Keyingi waqıtlarda ol ayırmalı teñlemeler, differencial – ayırmalı teñlemeler, dara tuwındılı teñlemeler, stoxastikalıq teñlemeler sistemalar sheshimleriniń ornıqlılıǵın izertlewde qollanıwıma [1,2,3].

Lyapunov - funkciyalar usılı teńsalmaqlıq jaǵdayınıń ornıqlılıǵın izertlew menen birgelikte, sistemadaǵı ótiw processleriniń hár túrli xarakteristikaların esaplawǵa múmkinshilik beredi. Olarǵa sıızıqlı emes sistemalardaǵı ornıqlılıq maydanı, basqarıw shaması, sapa kórsetkishiniń hár túrli integral kriteriyaları kiredi. Keyingi waqıtları Lyapunov - funkciyalar usılı basqarıw sistemalarınń sintez máselelerinde de qollanıla basladı. Tiykarınan, R.Bellmannıń dinamikalıq programmalastırıw usılı – bul basqarıwshi sistemalardaǵı Lyapunov - funkciyalar usılınıń rawajlanıwı bolıp tabıladı. Optimizaciyalaw máselelerinde qollanılatuǵın Lyapunov funkciyaların N.N.Krasovskiydın «optimal» Lyapunov funkciyaları dep ataladı.

Kóplegen izertlewshilerdiń pikiri boyınsha, izertleniwshi sistema ushın konkret funkciyanı dúziw- usıldın úlken mashqalası bolıp tabıladı. Sıızıqlı sistemalarǵı izertlewde qollanılatuǵın kvadratlıq kórinisintegi Lyapunov funkciyaları salıstırmalı túrde erterek islep shıǵılǵan. Keyingi waqıtları sıızıqlı emes sistemalarǵı izertlewde, kópshiliktiń pikiri boyınsha, anıq sistemalar klassları ushın funkciyanıń konkret túrlerin islep shıǵıw qıyın sheshiletuǵın máselege aylandı. Bunı sheshiw usıllarınıń biri aldın ala anıqlanǵan parametrlı kórinistegi funkciyanı kórsetiw hám parametrlar kópliginde sistemaǵa qarata onıń tolıq tuwındısın optimallastırıw máselesin sheshiw bolıp tabıladı.

Kvadratlıq forma túrindegi Lyapunov funkciyasın dúziw máselesi ádewir dárejede jaqsıraq úyrenilgen. Bul jerde parametrlar sıpatında simmetriyalıq oń anıqlanǵan matricaların elementleri qatnasadı. Sistemanı sheshiwdegi barlıq xarakteristikalar, bul matricaların ekstremal menshikli sanları arqalı ańlatıladı hám optimallastırıw máselesi maqset funkciyası ekstremalıq mániske erisetuǵın oń anıqlanǵan matricalarǵı tabıw bahasın optimallastırıw máselesine alıp kelinedi [3]. Endi turaqlı koeffitsientli sıızıqlı differentsiallıq teñlemeler sistemasın qaraymız. Sistemanıń sheshimlerin izertlewde Lyapunov funktsiyalar usılı menen júrgizemiz. Olardıń ishinde Lyapunovtıń kvadratlıq forma túrindegi funktsiyası eń qolaylı bolıp esaplanadı. Bul funktsiyanıń bar bolıwı sistemanıń ornıqlılıǵınıń zárúrli hám jetkilikli shártleri boladı. Biraq, ornıqlılıqtı ornadıwıdan basqa, sheshimniń bir qatar xarakteristikaların esaplawǵa múmkinshilik beredi. Lyapunov funktsiyası járdeminde esaplanǵan xarakteristikaları sistemanıń parametrlarına hám Lyapunov funktsiyasına kırıwshi matricaların menshikli sanlarına baylanıslı boladı. Bul funktsiyaların jasawda paydalanatuǵın matricaları sheklengen keńisliginde konus túrdegi kópligin payda etedi. Sonlıqtan kvadratlıq formadaǵı funktsiyalar toparına tiyisli hám ádewir dál bahalawshi funktsiyanı tabıw, yaǵnıy bul jerde Lyapunovtıń optimal funktsiyasın esaplaw máselesi qoyıladı.

Differentsiallıq teñlemelerdiń ornıqlılıǵı haqqındaǵı anıqlamalarǵı hám aldaǵı waqıtta paydalanatuǵın baylanıs túsiniqlerdiń tiykarǵı anıqlamaların keltiremiz. Egerde, koordinatlar kósheriniń basına qarata, yaǵnıy  $x(t) \equiv 0$  onıń sheshimi bolatuǵın ádettegi differentsiallıq teñlemeler sistemasın

$$\dot{x}(t) = f(x), \quad x \in R^n, t \geq t_0, \quad f(0) = 0,$$

qaraytuǵın bolsaq, onda tómende berilgen anıqlamalar orınlı boladı.

**Key word:** financial resource, international financial system, World Bank Group, Islamic Development Bank.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҶСИШДАГИ РЎЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Азимов Ш. Қ.

Тошкент давлат иқтисодий университет

**Кириш.** Ривожланаётган мамлакатлардаги самарасиз пул-кредит сиёсати, фискал сиёсатнинг иқтисодийдаги ўрнини сезиларли даражада ошишига ва пул-кредит сиёсатини иккинчи даражали инструментга айланиб қолишига олиб келди. Шу сабабдан, пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсиш тенденцияларига таъсирини ўрганиш иқтисодий жиҳатдан таъсирчан бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати ва иқтисодий ўсиш назариялари вақт ўтиши билан тез ривожланиди, бироқ уларда тафовутлар, ноаниқликлар ва қарама-қаршиликлар ҳукмронлик қилди[1]. Иқтисодий ўсиш ва пул-кредит сиёсати боғлиқлик классик назариялари “пулнинг микдор назарияси”га бориб тақалади [2]. Бироқ, замонавий

назариялар фақат 1930-йилларда юзага кела бошлаган бўлиб, дастлаб Ж.Кейнснинг “ликвидликнинг афзал кўриш” назарияси, кейинчалик монетаризм (пулнинг миқдор назарияси асосида) ва кейинчалик бир нечта назариялар, хусусан янги классик моделининг “реал бизнес цикллари”, “янги Кейнс модели” ва “янги консенсус” моделлари сўнгги икки ёки ундан ортиқ ўн йилликлар давомида пул-кредит сиёсати таҳлилларининг асоси бўлиб келди [3]. Ўтган йиллар давомида пул-кредит сиёсатининг реал ўзгарувчиларга, хусусан ишлаб чиқариш ҳажмига қисқа ва узоқ муддатли таъсири тадқиқот марказида ноаниқ бўлиб қолди [4]. Кўпгина тадқиқотлар узоқ муддатли истикболда пул-кредит сиёсатининг бетарафлигини исботлаш ва ривожланган мамлакатлар доирасидагина чекланиб қолди [5]. Шу сабабдан юқоридаги ҳар бир назариянинг хусусиятларини ўрганиш ва ривожланаётган мамлакатлар ҳолатида қай даражада ишлашини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Пул-кредитнинг классик назарияси пул-кредит сиёсатининг биринчи машҳур назарияси бўлиб, И.Фишернинг пулнинг миқдор назарияси асосида бўлиб, унга асосан пул таклифи қисқа ва узоқ муддатда нейтралликка эгалиги, узоқ муддатли ўсишга фақат реал омиллар таъсир кўрсатади деб ҳисобланади [6]. Аксинча, Ж. Кейнс миқдор назариясин ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан рад этди ва қисман пул айланиш тезлиги беқарор ва доимий эмас деб таъкидлади. Унга асосан, пулнинг миқдор назарияси, шунингдек, инфляция ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик йўқлигини фаразига асосланишини амалий ва назарий жиҳатдан нотўғрилигини таъкидлайди [7]. Узоқ вақт давомида ва кўплаб мамлакатлар учун инфляциянинг ўртача суръатларини, ишлаб чиқариш ўсишини ва турли хил пул ўлчовларининг ўсиш суръатларини ўрганиб, Г.МакКандлесс ва В.Вебер пул кредит сиёсати маълум бир мамлакатда нархлар ва ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий эволюциясига таъсир қилиши мумкинлигига далиллар келтирди [8]. Ушбу корреляция одатда пул миқдори назариясининг асосий тамойилларидан бирини қўллаб-қувватлайди, яъни пул ўсиш суръатининг ўзгариши “нарх инфляцияси даражасининг тенг ўзгаришига” олиб келади [9]. Шунингдек, Р. Корменди ва П. Мегуайр [10] қарийб 50 та давлатни ва Гевеке [11] Америка Қўшма Штатлари учун маълумотлар тўпламидан фойдаланган ҳолда пул массаси ўсишининг реал ишлаб чиқариш ўсишига узоқ муддатли таъсирини йўқ деган хулосага келдилар.


Шунингдек, Ж.Буллард ва Ж.Кеатинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги 58 та давлат маълумотларини ўрганиб, инфляциянинг доимий ўзгаришлари ишлаб чиқариш даражасига доимий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги далиллар заиф, деган хулосага келди [12]. Худди шундай, Ж.Босчен ва Л.Миллс Қўшма Штатлардаги доимий пул шокларини ЯИМдаги доимий ўзгаришларга ҳеч қандай ҳисса қўшмайди деган хулосага келди [13]. Монетаристлар ёндашуви асосида эконометрик регрессия модели таҳлилидан фойдаланган ҳолда, М. Лашкарёв ва Х. Кашани 1959-2008 йилларда Эронда пул ўзгарувчиларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиб чиқди ва пул массаси ва реал иқтисодий ўзгарувчилар, иқтисодий ўсиш ва бандлик ўртасида сезиларли боғлиқлик йўқ деган хулосага келди [14]. Бирок, Э.Хави ва П.Эну, 1980 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда Ганадаги иқтисодий ўсиш ва пул-кредит сиёсати ўртасидаги боғлиқликни оддий энг кичик квадратлар (OLS) модели асосида таҳлил қилиб, пул таклифи (пул-кредит сиёсати) Гана иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатганини аниқлади [15]. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пул-кредит сиёсати нафақат қисқа муддатда инфляция, бандлик ва валюта айрибошлаш курсига таъсир қилиш орқали иқтисодий цикллارни юмшатишга, балки узоқ муддатда иқтисодий ўсишга ҳам таъсири бор.

**Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати таҳлили.** Ўзбекистонда ҳукумат томонидан 2017 йил сўнгидан бошлаб бозор механизмлари ролини ошириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилган ислохотларнинг янги босқичи бошланди. Бу ўз навбатида Марказий банк олдида янада *мослашувчан, шатффоф* ва *ҳисобдорлик* хусусиятига эга бўлган пул-кредит сиёсати стратегиясини жорий этишни тақозо этди. Ушбу истикболда биринчи қадамлардан бўлиб валюта бозорини либераллаштириш ва қатъий белгиланган валюта курси режимида босқичма-босқич валюта алмашинуви курслари шаклланишининг бозор механизмларини жорий этилиши [16], пул-кредити сиёсатини монетар таргетлаш режимидаги икки мақсади юқини енгиллаштирди ва асосий эътиборини ички нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратадиган инфляцион таргетлаш режими принциплари асосида пул-кредит сиёсатини такомиллаштириши учун замин яратди. Бу борадаги кейинги муҳим қадамлардан бири Марказий банкнинг мустақиллиги ва институционал ривожланишини таъминлаш бўйича тегишли чоралар белгиланиши бўлди [17]. Ислохотлар юзага келтириши мумкин бўлган салбий шокларини олидини олиш ҳамда трансформация жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб унга асосан пул-кредит сиёсатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар Комплекси белгиланди [18].

2019 йил йил якунларига қадар инфляцион таргетлаш режимида ўтиш учун дастлабки шарт-шароитлар яратилган бўлиб, 2020 йил 1 январдан бошлаб пул-кредит сиёсатини босқичма-босқич 2023 йилга қадар тўлиқ янги режимда юритиш бўйича кейинги чора-тадбирлар белгиланди. Унга асосан Марказий банк 2021 йил якунларига қадар инфляция даражасини 10 фоизга ва 2023 йилда 5 фоизга пасайтириш ва бу даражани кейинги даврларда инфляцион таргетлашнинг доимий мақсади сифатида сақлаб туриш вазифаси белгиланди. Ўзбекистон Марказий банки 2020 йилда давомида (инфляцион таргетлашга ўтишнинг фаол фазасининг бошланиш даври) рестриктив сиёсат юритиб, қайта молиялаш ставкасини мос равишда 16 ва 15 фоиз этиб белгиланган. Бу ўз навбатида қисман инфляция даражасини учинчи чорак иккинчи ойида 2.7 фоиз пуктга тушишига хизмат қилди. Аммо, қисман глобал изоляция сабабли ишлаб чиқаришнинг секинлашиши, қисман



юқори фойз ставкалар сабабли ялпи талабнинг пасайиши ЯИМ ўсиш суръатини бу давр оралиғида 4.8 фойздан 0.5 фойзга тушишига олиб келди. Иқтисодийни қайта жонлантириш мақсадида МБ III чорак сўнгида қайта молиялаш ставкасини 14 фойзга пасайтириб 2021 йил якунига қадар ўзгаришсиз қолдирди. Натижада иқтисодий ўсиш 2020 йил якунидаги 1.9 фойздан 2021 йил якунига қадар 7.4 фойзга оширилишига эришилди (2-расм).




2-расм. Марказий банк асосий ставкаси ва асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси таҳлили<sup>1</sup>

Аммо, 2022 йил сўнги ойида дунёда юзага келган геосиёсий зиддият ва у орқали юзага келган ўзаро санкциялар халқаро савдо ва халқаро молия бозоридаги операцияларни чекланишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инфляция ва миллий валюта қадрсизланиши кутилмафарини ошишига ва нархларлар даражасини кўтарилишига олиб келди.

Шу сабабдан, Марказий банк қайта молиялаш ставкасини I чорак сўнги ойида 3 фойз пунктга кўтариб II чорак иккинчи ойи охирига қадар 17 фойзга сақлаб турди. Бу эса ўз навбатида капитал эгалари портфолиёсидаги хорижий валютадаги депозитларни миллий валютадаги депозитларга алмаштиришга ундаш орқали валюта курсини пасайишига олиб келди. Гарчи амалга оширилган рестриктив пул-кредит сиёсати валюта курси қадрсизланишини қисман олдини олган бўлсада, бир томондан иқтисодийтадаги мавжуд юқори талаб инфляция даражасини 10.4 фойздан 12.2 фойзга кўтарилишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан санкциялар сабабли халқаро товар айрибошланинг қисқариши бошқа ички шароитлар билан биргаликда ЯИМ ўсиш суръатини 2022 йил III чораги якунига қадар 5.8 фойзга камайди ва IV чорак якунида 5.4 фойзга камайиши прогноз қилинган (2-расм).

ЯИМ ўсишини таъминлаш ва у орқали ЯИМ тафовутини қисқартириш ва натижада юзага келган инфляцион босимни юмшатиш борасида пул-кредит ва фискал сиёсат самарасини ўрганиш учун эмпирик таҳлил ўтказилди (3-расм). Таҳлилни амалга оширишда 2016-2022 йиллар бўйича чораклик маълумотлар тўпламидан фойдаланилди. Пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш мақсадида чораклик пул массаси олинган бўлиб, регрессия натижаларига асосан 1 фойз пул таклифининг оширилиши ЯИМни қисқа муддатда 0.74 фойз ошишига хизмат қилишини кўрсатди.



3-расм. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар OLS регрессия таҳлил натижалари<sup>2</sup>

Худди шунингдек, ушбу истикболда фискал сиёсат самарасини баҳолаш мақсадида чораклик жами солиқ даромадлари олинган бўлиб, унинг таъсири нисбатан бир оз юқори эканлиги аниқланди. Хусусан, солиқ юқини камайтириш орқали солиқ тушумини 1 фойзга камайтириш ЯИМни ўрта муддатда 0.8 фойз ошишига сабаб бўлади. Гарчи пул-кредит сиёсатининг таъсири патрок бўлсада, таҳлил натижалари пул-кредит сиёсатининг

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тайёрланди



таъсири 1 чорак кечикиш (“Lag”), фискал сиёсатники аксинча 2 чорак кечикиш (“Lag”) билан таъсир қилиши аниқланди (4-расм). Бу ўз навбатида иқтисодий шокларга қисқа муддатда (тезкорлик билан) жавоб беришда самарали эканлигини кўрсатди. Аммо, узоқ ва ўрта муддатда пул-кредит сиёсати иқтисодий ўсиш таъминлаш билан бир қаторда нархлар даржаси ва валюта курсининг ошишига (валюта қадрсизланишига) олиб келиши аниқланди. Аксинча, бу борада фискал сиёсат самараси юқори бўлиб, ўрта муддатда истеъмол мойиллигига самарали таъсир қилиб инфляцион босимни камайтириш ва узоқ муддатда валюта курсига таъсир қилмасдан ЯИМни ўсишини таъминлаш имкони борлигини кўрсатди.

**Хулоса.** 1. Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати узоқ йиллар давомида монетар таргетлаш режими асосида юритилган бўлиб, бу Марказий банк олдида нархлар барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда валюта курсини тартибга солиш каби иккита вазифа юклатилишига сабаб бўлган. Бу пул-кредит сиёсатининг шаффофлиги ва унинг нархларни барқарорлаштиришдаги самардорлигини пасайишига олиб келган.

2. Узоқ давр мобайнида ич-ичдан емирилиб келган пул-кредит сиёсатини ислоҳ қилиш мақсадида 2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режими ўтилди. Бу ўз навбатида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини яхшилашга хизмат қилганлиги аниқланди.

3. Иқтисодий стресслар даврида пул-кредит сиёсатини қўллаб-қуватловчи фискал сиёсатни юритиш синергик самарага эга эканлигидан келиб чиқиб, автоматик фискал стабилизатор инструментларини амалиётга тадбиқ этиш таклиф этилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Brunner, K. and Meltzer, A.H. (1972). Money, debt and economic activity. *Journal of Political Economy*, Vol 80, pp. 951-77
2. Gali, J. (2008). Monetary policy, inflation and business cycle: *An introduction to the New Keynesian Framework*. Oxfordshire: Princeton University Press.
3. Goodfriend, M. and King, R.G. 1997. The new neoclassical synthesis and the role of monetary policy. *NBER Macroeconomics Annual*, Vol.12, pp. 231- 283. // Arestis, P. (2009). New Consensus in Macroeconomics: A critical appraisal. *University of Cambridge*.
4. Walsh, C. E. (2003). Monetary theory and policy. *The MIT Press*, Second Edition
5. Asongu, S. A. (2014). A note on the long-run neutrality of monetary policy: new empirics. *European Economics Letters*, Vol.3, No.1, 1-6.
6. Gali, J. (2008). Monetary policy, inflation and business cycle: *An introduction to the New Keynesian Framework*. Oxfordshire: Princeton University Press. // Mankiw, G.N. and Taylor, M.P. (2007). *Macroeconomics. (European Edition ed.)* Basingstoke: Palgrave Macmillan.
7. Keynes, J.M. (1936=). The General Theory of Employment, Interest and Money. *Macmillan*, London.
8. McCandless, G. T. Jr., and W. E. Weber. 1995. “Some Monetary Facts.” *Federal Reserve Bank of Minneapolis Quarterly Review* 19(3): 2–11
9. Lucas, R. E. Jr. 1972. “Expectations and the Neutrality of Money.” *Journal of Economic Theory* 4(2): 103–124.
10. Kormendi, R. C., and P. G. Meguire. 1984. “Cross-Regime Evidence of Macroeconomic Rationality.” *Journal of Political Economy* 92(5): 875–908.
11. Geweke, J. 1986. “The Superneutrality of Money in the United States: An Interpretation of the Evidence.” *Econometrica* 54(1): 1–22.
12. Bullard, J., and J. W. Keating. 1995. “The Long-Run Relationship between Inflation and Output in Postwar Economies.” *Journal of Monetary Economics* 36(3): 477–496.
13. Boschen, J. F., and L. O. Mills. 1991. “The Effects of Countercyclical Monetary Policy on Money and Interest Rates: An Evaluation of Evidence from FOMC Documents.” *Federal Reserve Bank of Philadelphia*. WP-91-02.
14. Lashkary, M. and Kashani, H.B. (2011). The Impact of Monetary Variables on Economic Growth in Iran: A Monetarists’ Approach. *World Applied Sciences Journal*, Vol. 15, No. 3, pp. 449-456.
15. Havi, E. and Enu, P. (2014). The effect of fiscal policy and monetary policy on Ghana’s economic growth: which policy is more potent? *International Journal of Empirical Finance*, Vol 3, No.2, pp. 61-75.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 йилдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сон Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.01.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5296-сон Фармони
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.11.2019 йилдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5877-сон Фармони.

*Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсишдаги рўлини ошириш йўллари*

**Резюме.** Мақолада пул-кредит сиёсатининг иқтисодий ўсишга таъсири тўғрисидаги илмий назариялар ва эмпирик изланишлар тадқиқ этилган бўлиб, ўрганишлар пул-кредит сиёсатининг қисқа муддатда иқтисодий ўсишга таъсири нейтрал эканлигини ва узоқ муддатда таъсирга эга эканлигини кўрсатди. Шунингдек, мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати таҳлил қилинган бўлиб, таҳлилда натижаларига асосан хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** пул-кредит сиёсати, иқтисодий ўсиш, инфляцион таргетлаш, инфляция, валюта курси, иқтисодий шок.

*Пути повышения роли денежно-кредитной политики в экономическом росте Узбекистана*

**Резюме.** В статье рассматриваются научные теории и эмпирические исследования влияния денежно-кредитной политики на экономический рост. Результаты исследования показали, что влияние денежно-кредитной политики на экономический рост является нейтральным в краткосрочной перспективе и оказывает влияние в долгосрочной перспективе. Также в статье проводится анализ проводимой в Узбекистане денежно-кредитной политики, и по результатам анализа формируются выводы и предложения.

**Ключевые слова:** денежно-кредитная политика, экономический рост, инфляционное таргетирование, инфляция, обменный курс, экономический шок.

*Ways to increase the role of monetary and credit policy in economic growth in uzbekistan*

**Summary.** The article examines scientific theories and empirical research on the impact of monetary policy on economic growth, and studies have shown that the impact of monetary policy on economic growth is neutral in the short term and has an impact in the long term. Also, the article analyzes the monetary and credit policy implemented in Uzbekistan, and based on the results of the analysis, conclusions and proposals are formed.

**Key words:** monetary policy, economic growth, inflation targeting, inflation, exchange rate, economic shock.

Ravshanov Sh.A.

*Samarkand State University named after Sharof Rashidov*

**Introduction and problem statement.** Today, eco-tourism plays a significant role in the global tourism and hospitality industry. According to the forecasts of experts of the World Tourism Organization (WTO), in the XXI century, its growth rates will continue to be high, and the income generated will make a significant contribution to the development of the economies of many countries of the world, especially developing ones. This will stimulate socio-economic growth in backward regions. According to the UN World Tourism Organization (UNWTO), eco-tourism is recognized as one of the promising sectors of the economy. This type is a young but effectively developing industry sector, the income from which leaves the bulk of the GDP of a number of countries around the world.

Recreational service in many countries is a large and independent branch of the economy, in which 10-15% of the employed population participates. The organization of recreational activities is related to the natural and economic conditions of the region, especially the geographical location of the region. In 2018, the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan adopted Resolution No. 324 dated 3.05.2018 "On measures for the development of tourism in Surkhandarya region". The program provides for a system of measures aimed at improving the territorial organization of tourism in the region, creating favorable conditions for the effective use of the unique historical and cultural heritage of the region, preservation and restoration of historical architectural ensembles and architectural monuments, construction of additional and renovation of existing accommodation facilities, tourist interest and service facilities, development of transport infrastructure, improving the quality of tourist services and visitors, as well as the creation of new jobs. The program provides for the creation of 3 small tourist zones: Boysun small tourist zone - on the territory of the villages of Omonkhana and Darband, the mountainous territory of Zavboshi; Sariasia small Tourist Zone - on the territory adjacent to the Khonjiza mountain system and the territory of Sangardak village; The Sherabad small tourist zone - on the territory of the village of Shalkon, the Khojaikon salt mine and orchards [2]. In the planned tourist zones, it is planned to build modern hotel complexes, cultural and recreational, shopping and entertainment and other facilities. To finance investment projects planned for implementation in small tourist zones, it is planned to attract grants and gratuitous financial assistance from international financial institutions, foreign organizations, donor countries and loans from commercial banks. Currently, the following projects are being developed in Surkhandarya region: for the organization of tourist infrastructure facilities; organization of guest houses; calendar of cultural, entertainment and sports events held in Surkhandarya region.


Thus, the republic has developed a system of measures for planning the development of tourism at the republican and regional levels. An important role in this is played by the policy of the region within the framework of the Action Strategy for the five priority areas of the country's development in 2017-2021. [1]

**The study of the problem.** The methodological basis was the system-structural approach, the theoretical foundations of recreational geography and tourism, set out in the works of B.C. Preobrazhensky, I.V. Zorin, A.Yu. Alexandrov, V.A. Anuchin, N.S. Mironenko, I.T. Tverdokhlebov, N.M. Stupin, N.P. Shelomov, L.I. Mukhina, Yu.A. Sturmer, G.S. Guzhin, M.Yu. Belikov, B.M. Beroev, A.Yu. Alexandrova, L. Mitchell, R.Smith, A.N. Nigmatov, R. Usmanov, R. Shamuradova, H. Jumaev, etc.

**The aim and objectives of the work.** - to assess the tourist potential and determine the tourist resource potential in the foothill and mountainous areas of Surkhandarya region. To characterize the main tourist and recreational resources and identify particularly attractive natural landscape zones, to consider the territorial features of existing ecotourist destinations and state policy in the field of ecotourism development in Surkhandarya region.

**The main part.** Surkhandarya region is extremely rich in recreational natural resources. Clusters of mountain tourism have appeared in Surkhandarya. Majestic mountain peaks, picturesque nature, magnificent waterfalls, transparent and healing springs of Surkhandarya region can charm anyone. Therefore, the development of recreational and ecological tourism in this area is becoming increasingly important today.

To effectively use such a huge potential of the region and its districts, it is planned to organize three mountain tourism clusters. Thus, it is planned to establish the activities of the Boysun mountain cluster, covering the territories of the villages of Omonkhona and Darband of the Boysun district, as well as the Zovboshi mountain area; the Sariasia mountain cluster, which will include the slopes of the Khonjiza mountain system of the Sariasia and Uzun districts, as well as the territory of the Sangardak village of the Sariasia district; The Sherabad mountain cluster, which will cover the picturesque areas of the village of Shalkon, the area around the Khojaikon salt deposit, as well as pomegranate and



**Fig. 1. Tourist and recreational potential of Surkhandara region**

To the north of Termez, on the slopes of the Kukhitang ridge, there is a Surkhan Nature Reserve. It was established in 1987 on an area of 24583 hectares. Steppe and forest (juniper) plant communities and typical vegetation of the subalpine belt are represented on the territory of the reserve. Among the many animals, unique representatives of the fauna of Central Asia stand out - the screw-horned goat and the mountain ram. In addition to the rich and diverse flora and fauna, archaeological zones are interesting in the reserve. In the south-east of the reserve, traces of dinosaurs that lived in these parts several hundred million years ago have been found. Also, more than 200 colored rock paintings of the Mesolithic and Neolithic periods have been found on the territory of the reserve. These examples of ancient rock art are called Zarautsay Gallery. The unique resources of these territories are used for the purposes of ecological tourism.

Medical tours to mountain climatic resorts of Southern Uzbekistan are becoming more and more popular. A unique salt sanatorium in the very depths of the Khojaikon salt cave operates in the spurs of the Kukhitangtau ridge of Surkhandarya region. In Southern Uzbekistan, there are a number of climatic and balneological resorts with thermal, chloride-bicarbonate sodium waters for both drinking treatment and therapeutic baths and showers. [4]

In the period from March to November, the mountainous regions of Southern Uzbekistan attract lovers of hiking and mountaineering. The most popular hiking trails of the country pass through the protected areas of the mountains of Surkhandarya region. The slopes of the mountains are covered with juniper and apple forests, thickets of wild rose and barberry, there are stormy mountain rivers and numerous lakes and waterfalls.

**Table 1. Tourist territories and destinations of Surkhandarya region.**

| Tourist territory                                                         | Tourist destination              | Type of tourism                                                        |
|---------------------------------------------------------------------------|----------------------------------|------------------------------------------------------------------------|
| Boysun Mountains                                                          | Teshik Tash Cave                 | Medical and wellness. Outdoor recreation.                              |
| Boysun Mountains                                                          | Surkhob Cave                     | Medical and wellness. Outdoor recreation.                              |
| Surkhantau Ridge                                                          | The Cave of Boy-Bulok            | Medical and wellness. Outdoor recreation.                              |
| Altynsaysky region                                                        | Khojaipok Cave                   | Medical and wellness. Outdoor recreation.                              |
| Boysun Mountains                                                          | The Boysun gravitational anomaly | Outdoor recreation, rural, religious tourism                           |
| Sariasia region                                                           | Sangardak Waterfall              | Ecological tourism                                                     |
| Sherabad valley                                                           | Khojaikon Cave                   | Sanatorium-resort treatment.                                           |
| Sherabad valley                                                           | Surkhan Nature Reserve           | Outdoor recreation, Rural, ecological tourism                          |
| Gissar ridge, on the eastern slopes of Kohitang Mountain, Sherabad region | Zarautsai rock paintings         | Outdoor recreation, Petroglyphs of Zarautsa – the oldest rock carvings |
| Boysun region                                                             | Syrob Plane trees                | Outdoor recreation, Natural monument                                   |
| Boysun region                                                             | Omonkhona                        | Medical and wellness (Sanatorium-resort treatment.)                    |
| Boysun Mountains                                                          | Khoja Gur Gur ata array          | Extreme tourism (Outdoor recreation)                                   |
| Sariasia region                                                           | Tupalang Reservoir               | Rural, ecological tourism (Outdoor recreation)                         |

Teshiktash Cave is located on the left slope of the Machai–Darya Valley, 3 km south of the village of Yukari-Machai, at the Talverg of the Zauranashsai tract, among ancient limestones. The cave is small, its length is about 20 m, the volume is 420 cubic meters. However, it has gained worldwide fame thanks to priceless archaeological finds – the remains of a Neanderthal man. Surkhob Cave is located in the Boysun district of Surkhandarya region, on the eastern slope of Mount Surkhob. The cave is laid in limestone; its length is 120 m and the volume is 760 cubic meters. It has

three floors of halls and passages between them, a lot of sintering formations – stalactites, stalagmites, on the walls – lime crusts of various bizarre shapes. The deepest cave in Uzbekistan, as well as in the whole of Asia, is considered to be the Boy-Bulok cave (Bai-Bulak), located in the Surkhandarya mountains – Surkhantau ridge (Chul-Bair mountains – east of Boysuntau). The depth of the cave is 1415 meters. Boy - Bulak is on the 15th place in the world (in depth).

To date, the Boy-Bulok cave is the deepest cave on the Asian continent, its depth is 1,415 m. It was the 11th expedition of Ural speleologists to Uzbekistan, the correspondent reports "UzNews.uz" Marat Najibayev. According to the assurance of the head of the group Vadim Loginov, when combining the caves of Alexander Vishnevsky and Boy-Bulok into a single one, this karst system will enter the top 3 in depth in the world.

Khojaipok cave (Shurchinsky district of Surkhandarya region) is unusual in the presence of a large spring with a flow rate of about 20 liters per second. The cave is located 55 km north-west of the district center of Shurchi, in the valley of the Khojaipok River, the right tributary of the Surkhandarya River. The cave has a length of over 220 m and a volume of 2700 cubic meters. The spring is knocked out from the bottom of the cave, at a distance of 30 m from the entrance; water with the smell of hydrogen sulfide. Rubber-like hydrocarbon residues ("dry oil") were found in the cracks of the limestone composing the cave walls, and crystals of native sulfur and transparent gypsum were found in the limestone in the vicinity of the cave.[6]. Rest and treatment in the ecologically clean cave "Khojaikon" can be combined with a cultural and educational program, because the procedure takes only 2-2.5 hours a day. To date, the problem of improving the effectiveness of the treatment of pulmonological diseases (diseases of the lungs and respiratory tract) is one of the most urgent in modern medicine, due to the increase in the incidence of the population and an increase in the number of patients with forms that are difficult to treat. Due to the insufficient effectiveness of medicines and a high percentage of side effects, non-drug treatment methods are widely used for the treatment of chronic nonspecific lung diseases. Among the latter, speleotherapy attaches great importance to the stay of patients in caves and mines of salt mines.

It should be noted that this area is distinguished by its characteristics, such as the constancy of temperature and humidity, the absence of an allergenic and slightly infected air environment. The inner part of the salt cave "Khojaikon", which is an object of material cultural heritage, together with a system of art galleries has five rooms-chambers that differ from each other in temperature, humidity, pressure and microclimate. The walls of the cave are peculiarly covered with a layer of salt from one to three centimeters, in the passage there is a healing spring with saline solution. This cave environment contains useful additives for the treatment of allergic respiratory diseases, long-lasting acute and chronic bronchitis, asthma, complications of pneumonia, skin diseases and patients with weakened immunity.

The Sangardak Waterfall can rightfully be considered one of the most picturesque natural attractions of the republic. A striking example of a tourist-attractive waterfall in the Surkhandarya recreational area is the Sangardak waterfall, located 200 kilometers from the regional center – the city of Termez, on the territory of the Saryasi district of the Surkhandarya region [9]. Passing through the Sangardak gorge, you can hear the noisy hum of the waterfall, which increases as you approach the waterfall. A lot of noise can cause some discomfort, but it's worth it. Having reached the waterfall wall, travelers can enjoy an incredible view of water falling from a height of 150 meters, breaking into myriads of thousands of splashes rising into the air in the form of a light cloud. The view of the waterfall is amazing in its splendor. The moss-covered rocks against the background of falling water have acquired an incredibly deep green color, which is essentially soothing. You can also notice that in many places small colorful pieces of fabric are tied to the moss – this is an old sign: to tie a piece of your clothes as a gift to Sangardak, so that the most cherished wish comes true. Looking at the Sangardak waterfall, you can get a unique feeling of complete peace. In the streams of water, resembling thin spikelets of hair, the rays of the sun are reflected, which makes it seem as if the water shines by itself. Sangardak resembles an organism, it lives, moves, shimmering with all the colors of the spectrum, changes outlines and shades. The waterfall is no less beautiful in the evening, when it is filled with the light of sunset, resembles a pouring fire. After sunset, in the dead of night, in the light of the moon, the waterfall acquires a silvery glow.

However, there is an anomalous place in Surkhandarya that will interest even skeptics. This place has become known all over the world recently. It is located in the village of Padang, which is on Boysun, thanks to which it received the name "Boysun Gravity Anomaly", which has become one of the mysterious places of natural anomalies. For Uzbekistan, such anomalies are very rare, so such news spread like lightning among the people, and tourists certainly wanted to see a wonderful phenomenon and compare it with other similar ones [10]. The Boysun anomaly is the only one of its kind in the entire Central Asian region. But similar unusual phenomena have been found in Beit Shemesh (Israel), Devil's Gorge (Jordan), Ladhak (India), Nevyansky district (Russia) and Jeju (Republic of Korea).

The anomaly was discovered by chance, since it manifests itself only in a small segment, where even round objects, contrary to all the laws of physics, roll upwards, the water flows backwards, and the car at neutral speed does not back down the slope, as usual, but vice versa. The exact definition of this anomaly has not yet been sorted out.

**Conclusions.** Southern Uzbekistan is provided with natural recreational resources, which allows the effective use of tourist potential. Surkhandarya is famous for its unique and inimitable nature. There are majestic harsh mountains crowned with ever-white caps of glaciers, and fertile plains occupied by endless pastures and fields, luxurious gardens with subtropical fruits and dry low mountains subject to desertification processes. In conditions of rich tourist potential and lack of tourist routes connecting major tourist destinations in the region.

#### REFERENCES

1. The concept of development of the tourism sector of the Republic of Uzbekistan in 2019-2025 // The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated 05.01.2019 No. UP-5611. Tashkent, "Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan", January 14, 2019, No. 1-2, Article



2. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 5, 2019 No. PP-4095 "List of cultural facilities and institutions where modern information technologies are being introduced", Tashkent, 2019.
3. Alibekov L., Alibekova S., Ismoilov Sh., Karimov Yu. Recreational potential and prospects of tourism development in the mountainous regions of Uzbekistan. *Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe*. Warsaw, 2017. No. 12-3 (28). pp. 9-17.
4. Vakhobov Z.T. Prospects for the development of tourism in Southern Uzbekistan // Collection of materials of the scientific and practical conference "University Science for the region". – Stavropol, 2019.
5. Ollanazarov B.D. The concept of tourism development as the main factor in increasing the investment activity of the industry in Uzbekistan // Educational system: innovations in the field of modern scientific knowledge. Collection of scientific papers. Kazan, 2019. – 273-276 p.
6. Tajieva S.U. Protected natural territories of Uzbekistan as objects of ecological tourism // Materials of the II International scientific and practical Internet conference "Modern ecological state of the natural environment and scientific and practical aspects of rational nature management". 2017. 190-193 p.
7. Tulakov U.T. Prospects for the development of recreational tourism in the Republic of Uzbekistan // Materials of the VIII International correspondence scientific and practical conference "Modern innovations in Russia and abroad: past, present, future". Modern innovations. 2018. No. 2 (24). pp. 46-49.
8. Filippova, I. G. Geography of tourism / I.G. Filippova, V.L. Pogodina, E.A. Lukyanov. - M.: Business Press, 2007. - 266 p.
9. Khamidova F.O. Development of regional tourism in the Republic of Uzbekistan // Materials of the international scientific and practical conference "Modern trends and topical issues of tourism and hotel business development in Russia", 2017. 130-136 p.
10. Ravshanov Sh.A., Holbekova U.T., Toigism potential and development prospects of surkhandarya region // Electronic scientific and practical periodical "Economics and Society". 2021. 238-243 p.

#### *Surxondaryo viloyatining turistik-rekreatsion salohiyati*

**Rezyume.** Maqolada ta'kidlanishicha, tog'li hududlarda sayyohlik va rekreatsion salohiyat va turizm faoliyati bo'yicha tadqiqotlar katta qiziqish uyg'otadi. Surxondara viloyati o'zining tabiiy boyliklari bilan ajralib turadi, tog'-vodiy hududlari yaqqol turistik salohiyatga ega hudud sifatida ajralib turadi. Viloyatda ichki turizm rivojlangan. Shu bilan birga, viloyat xorijlik sayyohlar uchun ham jozibador.

**Kalit so'zlar:** ekologik turizm, rekreatsion resurs, turistik va rekreatsion salohiyat, turistik resurslar.

#### *Туристско-рекреационный потенциал Сурхандарьинской области*

**Резюме.** В статье отмечается, что исследования туристско-рекреационного потенциала и туристской деятельности в горных регионах представляет большой интерес. Сурхандарьинская область отличаются привлекательностью природных ресурсов, горно-долинные территории характеризуются как территория с ярко выраженным туристским потенциалом. В области развит внутренний туризм. вместе с тем регион привлекателен и для иностранных туристов.

**Ключевые слова:** экологический туризм, рекреационный ресурс, туристско-рекреационный потенциал, туристские ресурсы.

#### *Tourist and recreational potential of Surkhandarya region*

**Abstract.** The article notes that research into the tourism and recreational potential and tourism activities in mountainous regions is of great interest. The Surkhandarya region is distinguished by the attractiveness of its natural resources; the mountain-valley territories are characterized as a territory with a pronounced tourist potential. Domestic tourism is developed in the region. At the same time, the region is also attractive for foreign tourists.

**Keywords:** ecological tourism, recreational resource, tourist and recreational potential, tourist resources.

## МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Дусбоев Ў. Х.

Тошкент молия институтини

**Кириш.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, бугунги кунда маҳаллий истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда, молиявий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутоаносиблигини камайтиришда, иқтисодийнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади. Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, ҳозирда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларни кредит маблағлари билан таъминлашда мазкур тизимда айрим муаммо ва масалалар вужудга келмоқда, жумладан: кредит ставкаларининг юқорилиги; кредит олиш жараёнида маълумотларни тўлиқ ва аниқ эмаслиги ҳамда шартларнинг қатъийлиги, кредит бўйича сифатли, мақсадга молик таъминотнинг мавжуд эмаслиги, аризаларни узоқ муддатларда кўриб чиқиши ва уларни аниқ манзилли эмаслиги, аксарият тадбиркорларнинг юридик ва иқтисодий жиҳатдан билим даражаларини пастлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сегментларини кредитлаш салоҳиятини пасайиши ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини секьюритизация механизмлари асосида кредитлаш механизмларини ривожланмаганлиги қабиладир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Мирзиёев (2017) Олий Мажлисга Мурожаатномасида "...банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур"лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Чунончи, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага молиявий қўмак бериш ҳамда ушбу ёрдамни ривожланган, замонавий банк тизими орқали фойиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитларни ишлаб чиқариш корхоналарига ажратиш йўли билан амалга ошириш имкониятларига, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом-ашё ва материалларни сотиб олишда ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик



бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробар ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

**Адабиётлар шарҳи.** Мамутнинг (2009) хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш амалиётини ривожлантириш учун банклар ва нобанк кредит ташкилотларининг микрокредит операциялари Марказий банк томонидан назорат қилинмаслиги керак.

Нобель мукофотининг соҳиби, М.Юнуснинг хулосасига кўра, энди иш бошлаётган кичик бизнес субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади (Юнус, 2010).

Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади (Аллен ва Гейл, 2000). Фикримизча, Ф.Аллен ва Д.Гейлнинг мазкур хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчи мавқега эга; иккинчидан, кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти мавжуд эмас.

Шанел-Рейно ва Блуанинг (2001) хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади.

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг мазкур илмий хулосаси тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг таҳлилига асосланган ва шу жиҳатдан ишончли ҳисобланади. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар аниқ маълумотлар таҳлилига асосланган бўлиб, йирик бизнеснинг кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини ривожланишида муҳим роль ўйнашини асослашга хизмат қилади.

А.Вахабов (2009) кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласига ўзининг илмий изланишларида алоҳида эътибор қаратган. А.Вахабовнинг фикрига кўра, кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида, улар экспорт қилаётган маҳсулотларни ташиш харажатларини молиялаштириш мақсадида алоҳида Фонд ташкил қилиш лозим. Фонд маблағлари республикамиздан экспорт қилинаётган ресурсларнинг бозор баҳосининг ошиши натижасида юзага келадиган ортиқча валюта тушумидан ва Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан шакллантирилиши лозим. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари экспорт қилаётган товарларнинг баҳосини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

Д.Тажибоева ўзининг “Кредит муносабатлари тизимида микрокредитлаш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида микрокредитлашнинг назарий-услубий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асосларини, Ўзбекистонда ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилган. Лекин у асосий эътиборини нобанк муассасаларининг микрокредитлаш амалиётига қаратган. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларини микрокредитлашни алоҳида таҳлил қилмаган. Қоралиев ва Яхшибоевлар (2006) ҳаммуаллифлигида ёзилган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми” мавзусидаги монографияда кичик бизнес субъектлари фаолиятини лизинг асосида ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни амалиётини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратишган. Шунингдек, монографияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни ривожлантириш борасидаги муаммолар ҳам аниқланган. Аммо ушбу монографияда муаллифлар томонидан микролизинг хизмати тадқиқ қилинмаган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётлари фаровонлигини таъминлашда микромолиявий хизматларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, аҳоли ўртасида микромолиявий хизматларга бўлган талабнинг кучайиши маҳаллий микрокредит ташкилотлари фаолиятини халқаро талаблар даражасига олиб чиқиш ва сифатли хизмат турларини таклиф этишни талаб этади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг дастлабки даврларида уларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тижорат банкларига муқобил равишда нобанк кредит ташкилотларининг ҳам аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият кўрсатаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилиши микрокредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва фаолияти қўламини кенгайтиришга мустаҳкам замин яратмоқда.

Хусусан, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти

тўғрисида”ги қонунлари мамлакатимизда микроолиявий ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



1-расм. Микрокредит ташкилотлари операциялари таснифи (ЎРҚ, 2006)

Бунда нобанк ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, микрокредитлаш ва бошқа микроолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмларини кенгайтириш, нобанк ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари тармоғини кенгайтириш, нобанк ташкилотларида ҳисоб юритилишини, улар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш усулларини янада такомиллаштириш, ахборот-алоқа технологияларини жорий этиш, нобанк ташкилотлари ходимларининг малакаларини ошириш, микроолиялаш соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларни кенг ёритиш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салмоқли ўрин эгаллаб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришда микрокредитлаш ташкилотлари фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда албатта, микрокредит ташкилотларининг асосий операцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Уларнинг операцияларини актив ва пассив операцияларига ажратиш ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда микрокредит ташкилотлари молия бозорида ўз ўрнига эга бўлсада, улар фаолиятини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Масалан, уларда ҳанузгача пул маблағларини бошқариш, халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш, уларни таҳлил қилиш каби халқаро тажриба ва кўникмаларга бўлган эҳтиёжи катта. Шу боис, Ўзбекистонда кичик бизнес ва микроолиялаш ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг кредит линияларини жалб қилиш асосида кичик бизнес субъектларига кўпроқ молиявий ёрдам кўрсатиш, микрокредит ташкилотлари сонини кўпайтириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятини самарали назорат қилишни мустаҳкамлаш бўйича зарур чораларни амалга ошириш талаб этилади.


Тадбиркорлик субъектларини микрокредит ташкилотлари томонидан фаол молиялаштириш, ўз навбатида, уларнинг сони, кўрсатаётган хизматлар сифати, устав капитали, ресурслари, активларига ҳам боғлиқ бўлади.



2-расм. Ўзбекистонда микрокредит ташкилотлари сони (31 декабрь ҳолатига, дона) <sup>3</sup>

Расм маълумотларидан кўринадики, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига микрокредит ташкилотлари сони жами 71 тани ташкил қилган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2010 йил 1 январь ҳолатига 32 тани, 2015 йилга келиб 25 тани ташкил этган эди. Бироқ қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда микрокредит уюшмаларига берилаётган имкониятлар самараси ўлароқ уларнинг сони 2020 йилга келиб 63 тага, 2021 йилда эса 71 тага етди.

<sup>3</sup> Бюлетень (2022)



3-расм. 01.05.2021 йил ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида микрокредит ташкилотларининг сони


Микрокредит ташкилотларининг активлари таркибида асосий улушни кредитлар ҳамда микролизинглар ташкил қилиб, 2022 йил 1 январь ҳолатига активларнинг 88,3 фоизини ташкил этади. Шунингдек, жами активлар таркибида ҳисобланган фоизлар 3,3 фоизни, асосий воситалар 2,9 фоизни ҳамда банклардаги маблағлар 2,3 фоизни ташкил этган (3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотларига кўра, жами микрокредит ташкилотларининг 31,8 фоизи Тошкент шаҳрида ва 24,2 фоизи Фарғона вилоятида фаолият кўрсатгани ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасида биронта ҳам микрокредит ташкилоти ҳозирда фаолият юритмаяпти (1-жадвал).

| Ҳудудлар                     | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|
| Ўзбекистон Республикаси      | 25   | 27   | 29   | 36   | 56   | 63   | 71   |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0    | 0    | 0    | 0    | 0    | 0    | 0    |
| Вилоятлар:                   |      |      |      |      |      |      |      |
| Андижон                      | 0    | 0    | 2    | 2    | 2    | 3    | 2    |
| Бухоро                       | 3    | 3    | 2    | 4    | 5    | 6    | 7    |
| Жиззах                       | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    |
| Қашқадарё                    | 2    | 2    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    |
| Навобий                      | 0    | 0    | 0    | 0    | 1    | 1    | 1    |
| Наманган                     | 1    | 1    | 2    | 2    | 4    | 4    | 4    |
| Самарканд                    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    |
| Сурхондарё                   | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    |
| Сирдарё                      | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    | 1    |
| Тошкент                      | 3    | 3    | 3    | 3    | 4    | 4    | 4    |
| Фарғона                      | 3    | 5    | 6    | 10   | 15   | 16   | 17   |
| Хоразм                       | 1    | 1    | 1    | 1    | 3    | 4    | 5    |
| Тошкент ш.                   | 7    | 7    | 8    | 9    | 17   | 20   | 26   |

1-жадвал. 2021 йил 31 декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида микрокредит ташкилотларининг умумий сони ва жойлашуви (дона)<sup>4</sup>

Жадвал маълумотларидан микрокредит ташкилотларининг Ўзбекистон ҳудудлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, жами сони бўйича Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда, яъни 26 та, ундан кейинги ўринларни Фарғона, Бухоро, Тошкент вилояти ва Наманган вилоятлари эгаллайди. Бундай ҳолат микрокредит ташкилотларининг республика ҳудудлари бўйича номутаносиблигини ҳамда ушбу ташкилотлар фаолияти ривожланмаганлиги билдиради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу ҳудудда ҳам микрокредит ташкилотларини ташкил этилиши ўзининг ижобий натижасини беради.



4-расм. Микрокредит ташкилотларининг активлари қиймати (млрд. сўмда)

<sup>4</sup> Ҳисобот (2016, 2018) ва Бюлетень (2021)

2021 йилда микрокредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жами активлари қолдиғи 2021 йилдагига нисбатан 47,3 фоизга ошиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 1 272,4 млрд. сўмга етди (4-расм).

**Хулоса.** Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда микромолиявий ташкилотларнинг ўрнини янада ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, микромолиявий ташкилотларнинг рақобатбардошлигини янада оширишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амлга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Микрокредит ташкилотлари томонидан микромолиялаш аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш ва кичик тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш воситаси сифатида ривожланиши учун, фикримизча, амалдаги қонунчилик доирасида энг мақбул микромолиявий ташкилотлар моделлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш схемаларининг фаол ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ қилиниши, шунингдек, кредит муносабатларининг мазкур ўзига хос шаклини ва алоҳида миқдорлар гуруҳларининг эҳтиёжлари, хусусиятларини инобатга олган ҳолда микромолиялашнинг турли услубиётларини қўллашга имкон яратадиган меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш талаб этилади. Микрокредит ташкилотларининг амалдаги қонунчилик асосида самарали фаолият олиб боришлари учун, уларнинг банклар билан ҳамкорликда ишлашлари бўйича мавжуд муаммолар етарлича ўрганилиб чиқиши лозим. Энг асосийси, бу ташкилотларнинг ҳаётийлигини, ўз маблағларини вақтида қайтариб олиш ва у бўйича даромад ишлаш ҳамда барқарор фаолият юритишини таъминлашдир. Бундай тузилмаларнинг яратилиши кўп сонли кичик ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга аҳоли кенг қатламини жалб қилишга олиб келади.

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашда бир нечта микрокредит ташкилотларининг биргаликда иштирокини таъминлаган ҳолда, синдиция кредитлаш амалиёти жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашда, микрокредит ташкилотларининг тижорат банклари билан рақобатлашишига имконият яратади.

3. Микрокредит ташкилотларининг ресурслари базасини кенгайтириш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш, бунда уларнинг омонатларини кафолатловчи ҳуқуқий асосларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Микрокредит ташкилотларда исломий молия хизматларини жорий этиш бўйича алоҳида урғу бериш керак. Исламий шариат тамоилларига мувофиқ молиялаштириш амалиёти кичик бизнес субъектларининг микрокредит ташкилотлари хизматларидан кенгроқ фойдаланишга ундайди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мурожаат (2017) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетасининг 23 декабрь кунги сони
2. Мамут М.В. (2009) Микрофинансирование: новые возможности финансово-кредитной системы// Банковское дело. – Москва, - № 4– С. 96 - 99.
3. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. (2010) Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишерз, – 307 с.
4. Allen F., Gale D. (2000) Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, – P. 42.
5. Қоралиев Т., Ғ.Яхшибоев (2006) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш механизми. – Тошкент: Академия, - Б.98-99.
6. ЎРҚ (2006) Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 37-38-сон, 372-модда.

*Микромолиявий ташкилотларнинг кичик бизнесни ривожлантиришдаги роли*

**Резюме.** Мақолада микромолиявий ташкилотлар ва уларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашдаги роли, микромолиявий ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг замонавий ҳолати ва унга хос бўлган тенденциялар ёритиб ўтилган. Шунингдек, микромолиявий ташкилотлар томонидан хизматлар бозорини ривожлантиришдаги тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик, микромолиявий ташкилот, кредит, молия.

*Роль микрофинансовых организаций в развитии малого бизнеса*

**Резюме.** В статье описаны микрофинансовые организации и их роль в финансовом обеспечении малого бизнеса и предпринимательской деятельности, современное состояние кредитования субъектов предпринимательства микрофинансовыми организациями и характерные для него тенденции. Также микрофинансовыми организациями разработаны практические рекомендации по проблемам финансирования субъектов хозяйствования в условиях развития рынка услуг и их ликвидации.

**Ключевые слова:** малый бизнес, предпринимательство, микрофинансовая организация, кредит, финансы.

*The role of microfinance organizations in the development of small business*

**Annotation.** This article describes microfinance organizations and their role in financial support of small business and entrepreneurial activities, the modern state of lending to business entities by microfinance organizations, and trends specific to it. Also, microfinance organizations have developed practical recommendations on the problems of financing business entities in the development of the services market and their elimination.

**Key words:** small business, entrepreneurship, microfinance organization, credit, finance.



## ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИСЛОМ МОЛИЯ ИНСТРУМЕНТЛАРИ ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Байжанов Д. С.

*Қорақалпоқ давлат университети*

Жаҳон миқёсида умумий активлари миқдори 2024 йилга келиб 3.96 триллион АҚШ долларига етиши кутилаётган ислом молияси, пандемия туфайли пайдо бўлган тўсиқларига қарамай, ҳукуматларнинг қўллаб-қувватловчи сиёсати, ҳамда ислом молия маҳсулотларига бўлган юқори талаб ўлароқ уларнинг молия бозорларидаги иштироки чуқурлашди ва ислом молия тармоғи барча жабҳаларда кенгайишда давом этмоқда[1]. Глобал пандемия шароити келтириб чиқарадиган замонавий молия тизими янги принциплар ва воситаларни жорий этиш асосида миллий молия бозорларини диверсификация қилиш зарурлигини талаб қилади. Бугунги кунда бундай самарали молиялаштиришнинг муқобил йўли нафақат ўзларининг ҳаётийлигини исботлаган, балки инқироз ҳодисаларига энг кам таъсирчанлигини исботлаган Исломий молия молиялаштиришдир. Исломий молиялаштириш моделининг мақсади замонавий шароитда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил усулларини топишдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ – 765 сонли Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ислом молия инструментларидан фойдаланиш тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Миллий иқтисодий тизимда ислом молия инструментларидан ва ислом молия институтлари хизмат турларини ўрганишдан кўзланган мақсад замонавий шароитларда молия сектори муаммоларини ҳал қилишда муқобил молиялаштириш йўллари ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодийида анъанавий банк пулни даромади кафолатланган сотиш ёки ижарага бериш мумкин бўлган хизмат сифатида кўради, чунки берилган қарз маблағларини йўқотиш хавфи жуда кам (қарз маблағлари ҳам, қарз бўйича фоизлар ҳам лойиҳанинг муваффақияти ёки инқирозидан қатъий-назар доимо кафолатланган бўлади), ислом банки эса ўзини бизнес бўйича ҳамкордек тутати ва ҳамкорликнинг турига қараб хавфларни бўлишади. Барчага маълумки, агар икки томон хатар ва йўқотишларни ўзаро бўлишса улар молиявий амалиётларда эҳтиёткорлик билан иш тутадилар. Шу тариқа, ислом молияси адолатлироқ, молиявий барқарор ҳамкорлик муҳити яратилишини таъминлайди. Шубҳасиз, бу борада дунё олимлари томонидан ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Хусусан, Халқаро валюта фондининг собиқ раҳбари Кристин Лагарднинг фикрича: “Исломий молия, умуман олганда, мамлакатларда молиявий барқарорликни таъминлаш потенциалига эга, чунки унинг рискларни тақсимлаш хусусияти молиявий қарздорликни камайтиради, молиялаштириш эса аниқ бир активларга боғланган ва шу сабабли тўлиқ кафолатланган[2]” дея ўзининг фикрини билдирган. Иқтисодийнинг замонавий босқичида дунё мамлакатларида жадал ривожланиб бораётган ва жаҳон молиявий маконини ишончли забт этаётган инвестиция фаолиятини ислом молия инструментлари орқали молиялаштиришга бўлган қизиқиш тобора ривожланиб бормоқда. Янги исломий банклар, сўғурта ташкилотлари, инвестиция жамғармалари ташкил қилиниб, ҳатто ушбу тизим мусулмон бўлмаган мамлакатларда ҳам кенг ривожланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади[3]”, деб таъкидлаб ўтдилар.

Э.Т. Қодиров, Ж.К. Мажидовлар “Ислом банклари учун лойиҳани молиялаштиришга улуш билан иштирок этиш назарияси жуда ҳам мақбул турдаги операция бўлишига қарамай, ҳақиқатда Ислом банкларининг активлар портфелини катта қисми қисқа муддатли савдо келишувларини молиялаштиришга тўғри келади, қайсики банклар хизмат кўрсатиш устамалари (мурабаҳа) ҳисобидан фойда олади”[3] дея таърифлашади.

Р.А. Мусаев ва Ю.Д. Магомедовлар [4] эса глобализация шароитида Ислом молиявий институтларининг ривожланиш тенденцияларини характер хусусиятини ўрганган. Иқтисодчи олим И.А. Зарипов ўзининг илмий мақолаларида бугунги кунда жаҳонда, ислом молияси барқарор даражада ривожланаётгани ва юқори ўсиш суръатларини кўрсатаётганини, ислом молиясида анъанавий молиядаги «пул баҳоси» тушунчасига ўрнига «капитал самарадорлиги» [5] деб аталувчи янги атама жорий этилганлиги ҳақида сўз юритган. Шунингдек, Рафик Юнус Ал-Мисри “Ислом молияси ислом иқтисодий таълимотидан келиб чиқадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий исломий молия хусусиятлари куйидагиларни ўз ичига олади: активларга асосланган, молиялаштириладиган фаолиятга чекловлар ва капитал ҳамда тадбиркорликнинг узлуксизлиги ишлаб чиқариш омиллари сифатида” [6] деб талқин этади. Ислом молияси – исломий тамойил ва қоидаларига тўлиқ мос келувчи молиявий инструментлар ва қонуниятларни ўз ичига олган тизимдир. Ислом молиясига нисбатан XXI асрда қизиқиш юқори бўлиб, илмий изланишлар олиб бориш ва таҳлилий материаллар тайёрлаш борасидаги илмий фаолият кўпайиб бормоқда [7]. Эль-Гамал Махмуд ва Эль-Халифа Мухаммадларнинг ислом банклари тарихини ўрганишга бағишланган асарида ислом банкларининг тўлиқ шариатлар меъёрига асосланиши, лекин ислом тамойилларига асосланмаган бизнес муҳитида унинг қўлланилиши мумкинлиги эътироф этилган [8]. Чет эллик олимлар А. Гаит ва А. Уортингтон “Ислом молияси деганда шариат тамойиллари асосида амалга ошириладиган молиявий хизмат ёки маҳсулот тушунилади[9]” дея таъкидлашган. М.К.Левис ва Л.М. Алгаоудларнинг фикрига кўра, “ислом молиясининг ўзига хослигини ёки асосини ташкил этувчи бешта диний хусусият мавжуд, яъни риба (фоиз), харом (тақиқланган) ёки ҳалол (руҳсат этилган), ғарар ёки майсир (кимор),



закот ва шарият (ислом) кенгаши. Исломда молиялаштириш тушунчаси анъанавий ёки “Ғарб молияси”дан фарқ қилади” [10]. Амалга оширилган ушбу илмий ишларда ислом молиясининг назарий асослари ҳамда ислом молия инструментларидан фойдаланиш йўллари тўлиқ ёритиб берилмаган. Умуман олганда, бугунги кунда ислом молияси жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, миллий иқтисодийтимиз учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этилади.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гуруҳлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истикболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида ислом молия инструментларидан фойдаланишда назарий ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий аҳамияти келтириб ўтилди. Шунингдек, қиёсий таққослаш усулида жаҳон амалиётида ва шу жумладан, тараққий этган мамлакатларда ислом молия инструментларидан фойдаланиш усуллариининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мамлакатимиздаги мавжуд асослар билан таққослаб тегишли хулосалар шакллантирилди.

Бугунги кунда жаҳонда ислом молия инструментлари орқали молиялаштириш тармоғи тез ривожланиб бораётган ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш механизмларини ўзида жамлаган соҳалардан бири ҳисобланади. Маълумки, инвестиция лойиҳалари катта харажатларни талаб қилади. Аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан иборат бўлган давлатлар учун ислом молияси тармокни ривожлантириш, айниқса, долзарб масалалардан ҳисобланади. Шундай экан, мусулмон давлатларидаги фаолияти ислом молия инструментлари орқали молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва корхона ҳамда ташкилотлар маблағларини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш мақсадида жалб этиш айни муддаодир. Бунинг учун албатта миллий иқтисодийтимизга янги қарашлар ва илмий изланишлар олиб бориш лозим, чунончи, анъанавий молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда ислом молия инструментлари орқали молиялаштириш механизмларини жорий этиш масаласи ҳозирги даврда муҳим ва долзарб ҳисобланади. Умуман олганда, ислом молияси қарз бериш ё молиялаштириш ишларида айнан шарият тамойиллари ва қоидаларига асосланган жараёнларни қамраб олиши ҳамда ислом молия тамойилларига мос бўлган битимлар тузади. Шу билан, ислом молияси анъанавий молиялаштириш ёки қарз беришдан фарқ қилади. Масалан, гўшт маҳсулотини олайлик, хайвон ёки парранданинг ислом дини талабларига риоя қилган ҳолда сўйилиши уни (яъни гўштни) ҳалол гўшт сифатида талқин қилинишига сабаб бўлади. Хусусий тармокни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорацияси (ICD) мамлакатда ислом молиясининг ривожланишида алоҳида ўрин эгаллаган. Шу кунга қадар ушбу ташкилот томонидан умумий миқдори 400 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган маблағ мамлакатдаги 18 та тижорат банклари, 2та лизинг компанияси орқали 260дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллариини тўғридан-тўғри молиялаштириш учун йўналтирилди ва шу орқали 5.000дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди.

Ўзбекистонда ислом молия хизматлари саноатининг кенг қамровли жорий этилиши мамлакат учун қуйидаги имкониятларни очишига имкон яратиши мумкин: хориждан келаётган инвестициялар ҳажминини ошириш ва диверсификациялаш; банк тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат муҳитини яратиш ҳамда банк тизими активларини диверсификациялаш имкониятини яратиш; аҳоли ва бизнес вакиллари ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларининг иқтисодиёт ривожланишида максимал иштирокини таъминлаш; мамлакатда капитал бозорини ривожлантириш ва диверсификациялаш; кўплаб янги иш ўринлари яратиш; аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали, молия бозоридаги фаоллигини кўтариш; Ислом молия хизматлари индустриясини ривожлантириш орқали мамлакатда инфратузилмани мувофиқлаштириш ва янгиллаш; янги молиявий муассасалар ташкил қилиш; камбағалликка қарши курашиш давлат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшиш; янги йўналишда кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон ислом молияси соҳасида МДҲ давлатлари ичида етакчи мамлакатга айланиши шубҳасиз. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, исломий молиявий хизматлар соҳаси Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун муҳим омил, пойдевор ва ривожланиш истикболи бўлади, натижада ўз маданиятида Исломнинг чуқур илдизларини акс эттирган мамлакатга хорижий инвесторларнинг кизиқиши ортади ва ҳукумат ушбу имкониятдан халқ фаровонлиги ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида тўлақонли фойдаланишга эришиши мумкин бўлади. Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари ҳам ИТБ билан муваффақиятли тарзда ҳамкорлик олиб боришмоқда. Хусусан, “Капиталбанк” АТБ ва ХСРИК ўртасида умумий қиймати 10 миллион АҚШ доллари бўлган шартнома имзоланди. ХСРИК томонидан мурабаҳа принципи бўйича ажратилган маблағ Ўзбекистонда кичик бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади. Ислом иқтисодиётининг моҳияти, биринчи навбатда, фоиз ва фючерс битимларини рад этишдан иборатдир. Шу муносабат билан банк ишида шарият тамойилларига асосланган молиявий фаолиятни назарда тутган “ислом банки” тушунчаси ривожланган. Турли мамлакатларда ислом молиясини шакллантириш иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларига ва муайян мамлакатнинг институционал муҳитига мувофиқ амалга оширилади. Шу боис, барча ҳолатларда исломий молиялаштиришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бир қатор умумий хусусиятларга эга.

Исломий молиялаштириш адолатли, кафолатли, ахлоқий, барқарор, экологик ва ижтимоий масъулиятли молиялашдир. Пул билан ишлашнинг бундай шакли асосан рискларни тақсимлашга ёрдам беради, молия секторини реал иқтисодиёт билан боғлайди ва молиявий интеграция ва ижтимоий таъминот муҳимлигини таъкидлайди. Исломий молиялаштириш мамлакат инвестиция фаолиятининг ривожланишига ва молиявий интеграцияни кенгайтиришга хизмат қилади.



1 – расм. Исломий молиялаштиришнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни

Исломий молиялаштириш тизимининг асосий тамойилларидан бири молиявий битим бўйича рибо (фоиз) олиш ва тўлашнинг тақиқланиши ҳисобланади. Рибо атамаси ҳар қандай қизиқиш шакллари қамраб олади ва фақат судхўрлик ёки ҳаддан ташқари қизиқиш билан чекланмайди. Шунингдек тутиш керакки, исломий ҳуқуқ пулни ва пул воситаларини товар эмас, фақат айирбошлаш воситаси деб қабул қилади.



2 – расм. Инвестиция фаолиятида исломий молиялаштириш тамойиллари

Демак, ҳар қандай фойда активга ёки иштирокка ва қўшма корхонада рискни қабул қилишга боғлаб қўйилган бўлиши лозим. Соф қарз қимматли қоғози «активлар билан боғлиқ» қимматли қоғоз билан, реал активни тўғридан-тўғри молиялаштириш, энг мақбул улуш асосида молиялаштириш бўлган турли ҳамкорлик шакллари билан алмаштирилади. Исломий молия тузилишига кўра тижорат ва ижтимоий ислом молиясига бўлинади. Ислом тирожат молияси ҳам ўз навбатида ислом банклари, ислом инвестиция фондлари, такофул ҳамда сукукни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда ислом банклари нафақат мусулмон мамлакатларида балки, номусулмон мамлакатларда ҳам ўзининг ҳалол иш фаолияти билан қизиқиш уйғотмоқда.


Мамлакатимизда ислом молия инструментларининг жорий этилиши хорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши ҳамда банк ва молия тармоғида шаффоф рақобат муҳитини яратиш имкониятини беради. Натижада аҳолининг молия бозоридаги фаоллиги ошади, аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида бўлган бўш пул маблағлари мамлакат иқтисодиёти ривожланишида максимал иштирок эта олиши имконияти яратилади, капитал бозорининг ривожланишига туртки бўлади, янги молиявий муассасалар ташкил қилиш имконияти яратилади.



3 – расм. Исломий молиялаштириш тузилмаси

Исломий молиялаштириш инструментлари халқаро стандартлар билан қатъий белгиланган асос бўлувчи воситалар қуйидагилар ҳисобланади: 1) Шерикчилик шартномаси (улушли молиялаштириш): – музораба, мушорака; 2) Савдо келишуви (қарз билан боғлиқ молиялаштириш). Мазкур воситалар ўртасидаги тафовут активларни сотиш муддатлари билан таърифланади: – муробаҳа, ижара, истисно, салам. 3) Қуйидагилар қўшимча воситалар ҳисобланади: – қарзи ҳасан (фоизсиз қарз), агентлик тўловлари (ваколат, жуъла), сукук (капитални мақсадли қимматбаҳо қоғозларга йўналтириш).

Демак, исломий молия-кредит муассасалари амалий фаолиятида тез-тез ишлатиб туриладиган ва бизга маълум бўлган исломий молиявий воситаларни шу тарзда ўрганиб ва умумлаштириб, уларни учта шаклга ажратиш мумкин: а) шерикчиликка (ёки фойда ва зарарларни тақсимлашга, бошқача айтганда улушли молиялаштиришга) асосланган маҳсулотлар: музораба ва мушорака; б) олди-сотди битимларида (бошқача айтганда, қарз билан боғлиқ молиялаштириш) иштирок этишга асосланган маҳсулотлар: муробаҳа, ижара (лизинг), салам, истисно; в) банк комиссия (тариф)лари тўлашга асосланган маҳсулотлар (ёки коммиссион маҳсулотлар); ваколат (агентлик битими).



4 – расм. Исломий молиялаштириш инструментлари

Янги Ўзбекистон стратегияси асосида йирик ислохотларга юз бурган мамлакатимиз миллий молия секторини ривожлантиришда исломий молиялаштириш муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг янги истиқболли йўналишларини жорий этиш, давлатнинг инвестициявий жозибадорликни ошириш, банк маҳсулотлари, исломий қимматли қоғозлар каби молия бозорининг муқобил воситаларини яратишда исломий молиялаштириш муҳим ўрин тутди.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда Ислом банкчилигини жорий қилинишининг асосий мезонларидан бири бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, банклар ва банклар фаолияти тўғрисидаги Қонунларга, солиқ ва фуқаролик кодексларига ва бошқа қонун ости ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, исломий банкларнинг молиялаштириш механизмларидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, аҳолининг молиялаштиришга муҳтож қатлами ҳам маблағга эга бўлиб, ундан фойда олишни кўзлаётган томон ҳам бирдек манфаатдордир. Анъанавий молиялаштириш ва Исломий молиялаштириш ўртасидаги асосий фарқлардан бири шундаки, Ислом банклари судхўрлик ва спекуляцияни тақиқлайди.

Исломий молия муассасаларининг анъанавий молия муассасаларидан асосий фарқи шундан иборатки, исломий молия фойда ва зарарни бўлиши ҳамда реал активларга асосланган молиялаштиришни ўзида намоён қилади. Бошқача айтганда, исломий молиялаштириш шерикчиликка асосланади. Бундай муассасалар мижоз талаби бўйича объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хомашёлар сотиб олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиётлари ётади. Анъанавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириши қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул ҳисобланади ва бунга солиққа тортиш ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади.

1-жадвал. Ислом молия инструментлари самарадорлигини баҳолаш

| Қайси ислом молия маҳсулотларидан фойдаланиш Ўзбекистон шароитида кўпроқ самара беради ва нимасабабдан?                                                                                            | Банклар   |            |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|------------|
|                                                                                                                                                                                                    | Сони      | фоизи      |
| Мушорақа ва Муробаха, чунки булар шерикчиликка асосланган                                                                                                                                          | 22        | 81.48      |
| Муробаха, чунки ушбу шартнома молни насияга сотиб олиш имкониятини беради                                                                                                                          | 18        | 66.67      |
| Ижара, чунки бу молия инструменти лизингга ўхшайди ва шу сабабли бу шартнома турини мамлакатимизда тўлақонли тадбиқ қилиш осон бўлади                                                              | 18        | 66.67      |
| Салам, чунки бу маҳсулот доирасида кишлоқ хўжалигини олдиндан молиялаштириш мумкин (бўнак сифатида), бу эса кишлоқ хўжалиги муҳим тармоқ ҳисобланган мамлакатимизда жуда қўл келади                | 11        | 40.74      |
| Истисно, чунки бу маҳсулот ҳам Саламга ўхшайди, фақат инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва қурилиш соҳасида жуда қўл келади, бу соҳалар эса мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланмоқда | 11        | 40.74      |
| Сукук, чунки бизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масаласи жуда долзарб ва бу давлатимиз сийёсатида мос                                                                                  | 12        | 44.44      |
| Билмаймиз                                                                                                                                                                                          | 0         | 0          |
| <b>Жами</b>                                                                                                                                                                                        | <b>27</b> | <b>100</b> |

Иқтисодийда исломий ижтимоий молиялаштириш механизми кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши билан аҳамиятлидир. Шу ўринда, исломий ижтимоий молиялаштиришнинг закот, садақа ва вақф каби турлари ҳақида аҳоли, тадбиркорлар ва банклар орасида муайян тушунчанинг мавжудлиги ушбу механизмни жорий этишни рағбатлантиради. Ислом ижтимоий молияси шариат тамойилларига мувофиқ даромад келтирувчи молиявий воситалар соҳасида тижорат молиясини ҳам ўз ичига олади. Бутун экотизимнинг самарадорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, Ислом ижтимоий молия экотизимига киритишда ушбу воситаларни жалб қилиш молиялаштириш учун кўпроқ маблағ тўплаш имконини беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маблағларни тасарруф этиш тенг шерикчилик ва ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилади ҳамда олинган даромадлар ҳам шунга мувофиқ тарзда тақсимланади. Хусусан, анъанавий банкларда омонатчилар ўз маблағларини келгусида қандай мақсадларга инвестиция қилиниши тўғрисида маълумотга эга бўлмайди. Исломий банкларда эса, омонатчилар ўз маблағларининг келгусидаги ҳаракатини кузатишлари мумкин. Ўзбекистон банк тизимида ҳам омонатчилар маблағларини тасарруф этилишида мижозлар иштирокини таъминлаш механизмининг йўлга қўйилиши истиқболда банк

мижозлари қизиқишини оширгани ҳолда уларнинг маблағларини банк тизимига жалб қилишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бунинг учун мамлакатимизда ислом банкчилиги фаолиятдан фойдаланиш йўллари ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим: 1. Тадқиқотларга кўра, ислом молияси мусулмон аҳолиси кўп, аммо уларнинг катта қисми анъанавий банкларнинг молиявий хизматларидан фойдаланмайдиган давлатларнинг иқтисодий ўсиши ҳисобига кенгайиб бориши кутилмоқда. Шунингдек, шариатга мос молиявий маҳсулотларга сармоя киритиш истагида бўлган кўплаб нефт экспорт қилувчи мамлакатлар сармоялари ҳам бунга туртки бўлмоқда. Ислом молиясининг кенгайиши бир қатор манфаатларга эга бўлиш имконини бериши мумкин. Масалан, ислом молияси ўз табиатида кўра, анъанавий молия тизимига қараганда инқирозга бардошлироқ ва умуман тизим сифатида барқарорроқ деб эътироф этилади, чунки бу тизимнинг қуйидаги бир нечта хусусиятлари буни таъминлайди: ўз амалиётларида реал активларга таяниши (яъни қимматли қўғозлар билан бўладиган ҳар қандай амалиётда ҳам, бизнесни молиялаштиришда ҳам); хатарларга бўлган муносабати (яъни бизнес ишгирокчилари ўртасида хатарларни мутаносиб тақсимланишига қаратилганлиги); чайқов амалиётлари тақиқланганлиги (яъни мулкка эгалликни қўлга киритмасдан туриб амалга ошириладиган чайқов амалиёти). 2. Исломий банклар миқдор талаби билан объектни қуриб бериши, асбоб-ускуналар, товар, хом ашёлар олиб бериши ёки уларни ижарага бериши мумкин. Молиялаштириш асосида савдо амалиёти ётади. Замонавий банк тизимида эса банкларнинг савдо амалиётларини амалга ошириш қонунчилик нуқтаи назаридан мушкул бўлиб, бунга солиқ ҳамда банк фаолиятига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўсқинлик қилади. 3. Республикаимизда шариат соҳаси ҳуқуқшунослари (асосан ислом банкларининг шаръий кенгашлари аъзолари) билан йирик тижорат банкларининг замонавий молиявий шартномалар моҳиятини тушуниб етиш ва уларни шариат талабларига мослаштириш мақсадидаги ўзаро яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бу жараён исломий молиялаштириш жараёнларининг мамлакатимиз банк тизимидаги муҳитга мослаштириш имкониятларини ўрганишга хизмат қилади. 4. Ислом молияси салоҳияти ҳамда классик ислом молияси имкониятлари чегарасини англаб етган ҳолда мамлакатимизда жаҳон молия тизимида амалий синовдан ўтган яъни, Ғарбнинг қатор йирик банклари, молиявий-юримдик компаниялари ва бошқа халқаро молиявий муассасалар манфаатлари ва талабларига шунингдек, халқаро стандарт ва амалиётларга жавоб берадиган мураккаб ислом молияси инструментлари ва шартномаларини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. www.unctad.org . World Investment Report 2021
2. <https://news.rambler.ru/person/lagard-kristin/>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>. 2020 йил 29 декабрь.
4. Э.Т. Қодиоров, Ж.К. Мажидов Хорижий мамлакатларда банк иши. Ўқув қўлланма/Т. 2016 йил. 184 бет.
5. Мусаев Р.А., Магомедова Ю.Д. Тенденции развития исламских финансовых институтов в условиях глобализации в журнале Проблемы теории и практики управления, издательство ООО «Международная Медиа Группа» (Москва), № 11
6. Зарипов И.А. (2016) Исламские финансы как стратегический ориентир развития России. / Zaripov I.A. (2016) Islamic finance as a strategic landmark for the development of Russia. <https://cyberleninka.ru/>.
7. Rafik Yunus al-Misri. Fikih imushchestvennykh otnosheniy. / per. s arab. [Fiqh property relations. / translated from Arabic] / D.Adzhi; redsovet: B.F.Mulyukov and others, - Moskva: Islamskaya kn., 2014. – P. 320.
8. Хайдаров Ў.А., “ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ” илмий электрон журнали. 2022 йил 1-сон. 362-369 бет.
9. El-Gamal Mahmoud A. Islamic finance: law, economics and practice. Cambridge University press, 2006 year.222 p.
10. Gait, A. and Worthington, A.. An empirical survey of individual customer, business firms and financial institution attitudes towards Islamic methods of finance, International Journal of Social Economics, 35(11), 2008 y.783-808 p.
11. Lewis M.K. and Algaoud L.M. Islamic Banking. Northampton, Massachusetts, USA: Edward Elgar Publishing Ltd. 2001 y.253-258 p.

*Инвестиция лойиҳаларини ислом молия инструментлари орқали молиялаштириш йўллари*

**Резюме.** Мақолада республикаимизда лойиҳаларни молиялаштиришда ислом молия инструментларидан фойдаланишни йўллари, шунингдек, унинг афзалликлари, таҳлили ҳамда ривожлантириш истиқболларини такомиллаштириш ҳақида сўз боради. Хусусан, Ўзбекистонда ислом молия инструментларидан фойдаланишни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллифнинг тавсиявий ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, ислом тараққиёт банки, нобанк кредит ташкилотлари, микромолиялаштириш

*Способы финансирования инвестиционных проектов через исламские финансовые инструменты*

**Резюме.** В статье рассматривается о способах использования исламских финансовых инструментов при финансировании проектов в нашей республике, а также о его преимуществах, анализе и улучшении перспектив развития. В частности, представлены существующие проблемы в развитии использования исламских финансовых инструментов в Узбекистане, а также рекомендуемые автором подходы и предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** инвестиции, исламский банк развития, небанковские кредитные организации, микрофинансирование.

*Ways of financing investment projects through Islamic financial instruments*

**Summary.** This article describes how to use Islamic financial instruments in financing projects in our republic, as well as its advantages, analysis and improvement of development prospects. In particular, the existing problems in the development of the use of Islamic financial instruments in Uzbekistan are presented, as well as the approaches recommended by the author and proposals for their elimination.

**Key words:** investments, Islamic Development Bank, non-bank credit institutions, microfinance.



## ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Усманов И.А.

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети*

Иқтисодиётнинг трансформациялашиши шараоитида ижтимоий хизмат соҳаси ҳозирги давр фуқаролик жамиятининг ўзига хос ривожланиб боровчи институти сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий хизматлар соҳасининг институтционаллашуви билан боғлиқ жараёнлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциялари ва миллий дастурларида ҳам ўз ифодасига эга бўлмоқда. Жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши, ушбу йўналишдаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, ижтимоий хизматлар бозори ривожланишини тадқиқ этишга ҳаракатлар кўпайишини юзага келтирмоқда. Бу эса давлатни, жамиятни ижтимоийлашуви билан боғлиқ жараёнларни кенгайтириш, ушбу йўналишда муайян инсон фаолиятига тегишли бўлган ижтимоий муаммоларни кескинлашгаётгани ва уни ҳал қилиш бўйича турли хил йўналишлардаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишни зарурат этмоқда.

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шараоитида ижтимоий хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этиш сифатини ошириш ҳамда бу тизимга давлат томонидан маблағларни йўналтиришда самарадорликка эришиш масалаларининг назарий асосларини тадқиқ этиш зарурати мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Илмий адабиётларда сервис тизимида ижтимоий хизмат кўрсатишнинг моҳияти ва мазмуни, ижтимоий хизматлар соҳасининг ривожланиши ва аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар соҳасининг таркиби, ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш ва истеъмолчиларнинг хизматларга бўлган турли хил талабларини қондиришнинг айрим жиҳатлари илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан ўрганилган.

Таникли иқтисодчи олим Ж.М.Кейнснинг машҳур асари «Бандлик, фойз ва пулнинг умумий назарияси» асарида сервис иқтисодиёти, иқтисодий ўсиш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, ижтимоий хизматлар соҳасида рақобатбардошликни таъминлаш, ишлаб чиқариш омилларидан хизмат кўрсатиш жараёнида самарали фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг фундаментал тадқиқоти амалга оширилган [1].

Иқтисодчи олим Г.Э.Слезингернинг асарида ижтимоий соҳанинг предмети, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб бориши, ижтимоий хизматлар соҳасининг институтционаллашуви, ижтимоий хизматлар бозори ривожланишини тартибга солиш, ижтимоий хизматлар соҳасининг инновацион ривожланиши, ижтимоий хизматларни ташкил этиш давлатнинг харажатларини шаклланиши ҳамда ижтимоий хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этиш сифатини ошириш йўналишларини ўрганилган [2].

К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердиклар ўзларининг асарида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, хизматлар тавсифи ва таснифи, ижтимоий хизматлар самарадорлигини ошириш механизмлари, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий хизматлар бозори ривожланишининг тамойиллари, ижтимоий хизматлар соҳасининг инновацион ривожланиш йўналишларини тадқиқ қилганлар [3]. МДХ олимлари В.Г.Игнатов ва Л.А.Батуринлар асарида ижтимоий соҳанинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти ва мазмуни, ушбу соҳани ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, ижтимоий соҳани миллий иқтисодиётда тутган ўрни, ижтимоий хизматлар соҳасида иш ўринларини кенгайтириш, ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий хизматлар бозори ривожланиши, ижтимоий хизматлар соҳаси ривожланишининг инсон фаолияти ва унинг турмуш тарзига таъсири билан боғлиқ йўналишлар тадқиқ этилган [4]. Тадқиқот жараёнида ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш элементлари, усуллари ва воситалари бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий баҳолаш, солиштирма ва омилли таҳлил, гуруҳлаш усулларида фойдаланилди. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг ривожланиш шарт-шароитлари услубий жиҳатдан тадқиқ қилинди.

Ижтимоий муаммолар бозор механизмлари орқали тўлиқ ҳал қилиш имкониятларини чеклаб қўяди, чунки аксарият ижтимоий муаммолар давлатнинг роли ва қўллаб-қувватлаши орқали ҳал қилинади. Шундай экан, бозор механизми самарали ҳисобланади, бироқ ижтимоий адолатли эмас. Бу эса, ўз навбатида ушбу соҳага давлат ижтимоий сиёсати орқали аралашувини зарурат қилади. Бунда давлат органлари ижтимоий сиёсатни реализация қила туриб, қуйидаги йўналишларда фаолиятини амалга оширади: ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот. Биз, тадқиқот жараёнида ижтимоий терминлар ва уларнинг устувор йўналишларини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз. Замонавий иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий қўллаб-қувватлаш субъект имкониятларини таъминлаш учун нафақат қийин ҳаётини вазиятларни бардош билан енгитиш, балки жамиятда субъект ҳолатини мустаҳкамлашга қодир мувофиқ базани шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни (зарурий таълимга эга бўлиш имкониятлари, зарур тиббий ёрдам бериш, тадбиркорликнинг дастлабки босқичида имтиёзли шароитларни бериш) яратишни назарда тутлади.

Таъкидлаш керакки, «ижтимоий ҳимоя» категорияси ногиронларга нисбатан қўлланилиб, ижтимоий ҳаётда ногиронларни бошқалар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга йўналтирилган чекланган ҳаётини фаолиятини ўрнини тўлдириш, бартараф қилиш учун уларга шарт-шароитларни таъминловчи ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар билан давлат кафолатларини таъминлаш тушунилади [5]. Ушбу тушунчага асосланган ҳолда, ҳулоса қилиш мумкинки, ижтимоий ҳимоя кенг маънода жамиятда субъектнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан конституциявий ҳуқуқлари (меҳнат қилиш ҳуқуқи, зарур



тиббий қўмак олиш ҳуқуқи ва ҳ.к.) реализациясини таъминловчи жами моддий ва юридик воситалар тушунилади. Шундай экан, агар ушбу тушунчаларнинг нисбатини қарасак, у ҳолда «ижтимоий ҳимоя» тушунчаси нисбатан кенгроқ ҳисобланади ва ҳам ижтимоий қўллаб-қувватлашни, ҳам ижтимоий таъминотни ўз ичига олади. Бироқ мавжуд қонунчилик тизимида ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот ўртасидаги устунлик ўрнатилмаган. Маълумки, ушбу ҳолат, авваломбор, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминотнинг етарли даражада аниқ фарқини айтиш мумкин эмас. Шундай экан, биринчи навбатда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот категорияларини бир-биридан аниқ ажратиш бўлмайди, чунки мазкур соҳалар ўзаро боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда муайян ижтимоий хизматнинг қайси турига тегишли эканлигини аниқлаш жуда мураккаб.


Ижтимоий хизматлар таркибига ижтимоий ҳомийлик қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ногиронлар учун яшаш шароитларини яхшилаш, айрим ижтимоий гуруҳларни реабилитация қилиш дастурларини амалга ошириш, аҳолининг айрим категорияларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ривожлантириш ва муносиб турмуш шароитларини яратишга йўналтирилган давлат дастурларини киритиш мумкин. Ижтимоий хизматлар кўпроқ даражада ижтимоий бойлик категориясига тегишли, яъни истеъмол жамияти унинг барча аъзолари учун мажбурий бўлишни хоҳлайдиганлардир. Ижтимоий хизматлар бозори ҳуқуқий нормалар, солиқлар ва давлат харажатлари ёрдамида ижтимоий сиёсат субъектларининг мақсадли тартибга солувчи таъсири орқали шаклланади [6].

Шунга қўра, ижтимоий хизматлар бозори ўз таркибига қуйидаги бозорлар турларини камраб олади (1-расм): соғлиқни сақлаш хизматлари бозори; таълим хизматлари бозори; маданий ва дам олиш хизматлари бозори; уй-жой коммунал хизматлари бозори; жамоат транспорти хизматлари бозори; маиший хизматлар кўрсатиш бозори; умумий овқатланиш хизматлари бозори; жисмоний маданият ва спорт хизматлари бозори.



1-расм. Ижтимоий хизматлар бозори сегментлари

Ижтимоий хизматлар ижтимоий соҳанинг таркибий қисми сифатида аҳоли турмуш даражасининг ошиши, ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари тараққиётини таъминлаш, моддий ва аравий бойликларни тақсимлаш йўли билан давлатнинг ижтимоий сиёсатини реализация қилувчи жамиятнинг ҳаёт фаолияти соҳасидан иборатдир. Ижтимоий соҳанинг мазмуни ижтимоий гуруҳлар, шахслар ўртасидаги уларнинг жамиятда тутган роли, ўрни ва мавқие, турмуш тарзи ва даражаси, ҳолати тўғрисидаги муносабатлардир (2-расм).



2-расм. Ижтимоий хизматлар бозорининг шаклланиш механизми

Ҳозирги вақтда ижтимоий хизматлар бозорини самарали ривожлантириш жараёнлари турли даражадаги микро ва макро омиллар таъсирига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги «Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида» ЎРҚ-415-сон Қонунининг 3-моддасида ижтимоий хизматларнинг асосий тамойиллари келтирилган. Ушбу тамойиллар қонунийлик, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, инсонпарвалик, эркин фойдаланиш, профилактик йўналтирилганлик, аниқ йўналтирилганлик ва индивидуал ёндашув, ихтиёрийлик ка асосланган қоидаларни ўз ичига қамраб олади [7].

Шунингдек, ушбу қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларга ушбу хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш; ижтимоий хизматлар оловчиларнинг оила ва жамият билан алоқаларини сақлаш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш; ижтимоий хизматлар стандартларига риоя этилишини таъминлаш; ижтимоий шерикликни ривожлантириш. Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиниши ижтимоий хизматларга талаб ва таклиф асосида ҳуқуқий ва ижтимоий ва иқтисодий усуллар ёрдамида таъсир қилиш орқали амалга оширилади. Ижтимоий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш иерархик тарзда, яъни макродаражада, ҳудудий даражада ва микродаражада амалга оширилади (3-расм):

**1. Макродаражада** тартибга солиш ижтимоий сиёсатнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий базани шакллантириш ва турли хил қонун чиқарувчи ва давлат ижро ҳокимияти органлари томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш ва назорат қилиш масалалари бўйича чора-тадбирларни ҳал қилиш назарда тутилади. Макродаражада давлат томонидан тартибга солишнинг ҳаддан ортиқ устун даражаси жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, собиқ иттифоқ даврида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими битирувчиларини тўла иш билан таъминлаш тадбирлари сифатида амалга оширилган эди.



3-расм. Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш механизми

Шу ўринда давлатнинг «иш билан бандлик сиёсати ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим элементи бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси пасайишини олдини олиш, меҳнат потенциалидан тўла фойдаланиш, оммавий ишсизликни бартараф этиш, аҳолининг рақобатли бозор муҳитида самарали иш билан бандлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларга қаратилган бўлиши лозим» [8].

**2. Ҳудудий даражада** ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солишнинг таркибий элементлари, усуллари ва воситалари макродаражадагига нисбатан деярли бир хил амалга оширилади. Шу билан бирга, ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли дастурлар, чора-тадбирлар ва йўналишларни ўз ичига олиши мумкин.

**3. Микродаражада** тартибга солиш корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-ҳодимларни ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, яқка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар фаолиятидаги ижтимоий кафолатлар, ишчи-ҳодимларни ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларини яратиш, ишсизликдан суғурталаш ва янги иш ўринларини яратиш, ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш кабиларни ўз ичига олади.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда манзилли ижтимоий хизматларнинг айрим турларидан (масалан, аҳоли жон бошига ўртача даромад, оила тури) фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган оилалар гуруҳларини фарқлаш мезонларини белгилаш муаммоси тўлиқ ҳал қилинмагандир. Шунингдек, болали оилаларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқишда «камбағаллик» ва «кам таъминланганлик» тушунчаларини аниқ кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, динамик ёндашувлар доирасида ижтимоий хизматлар тизимининг истеъмолчилар базасини кўриб чиқиш, шунингдек, ижтимоий хизматлар истеъмолчилари типологиясини ишлаб чиқиш, ижтимоий хизматлар бозорида талаб категорияларидан ташқарига чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аҳолининг қуйидаги аҳоли категорияларини вақтнинг муайян интерваллари ва бозор сегментлари учун ҳисобга олиш, хусусан, «бепул (қисман тўланган) ижтимоий хизматлар ҳамда имтиёзлар» типологиясидан фойдаланилганда қўлланилади: бепул хизматлар олиш ҳуқуқига эга бўлганлар; хизматлар тўловида имтиёзларга эга (қисман ҳақ тўлаш) бўлганлар; пуллик хизматлар

истеъмолчилари ҳисобланади (имтиёзларга эга бўлмаган); ижтимоий хизматларнинг потенциал миқдорлари ҳисобланган кишилар; ижтимоий хизматлар бозорида потенциал талабга эга бўлганлар;

Ижтимоий хизматлар соҳаси иқтисодийнинг ижтимоий аҳамиятга эга сектори бўлганлиги сабабли давлат томонидан тартибга солишга зарурат сезади. Давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати пуллик хизматлар бозорида монополлашув хавфи ортганда, иқтисодий муҳитда ахборот нотекис тақсимланганда мақсадга мувофиқ бўлади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – Москва: МИЭМП, 2010.
2. Слезингер Г.Э. Социальная экономика. – М.: «Дело и сервис», 2001. – с. 9.
3. К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердик Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд. / Пер. с англ. Под ред. В. В. Кулибановой. - СПб: Питер, 2002. – 752 с.: ил. - (Серия «Теория и практика менеджмента»).
4. Игнатов В.Г., Батурич Л.А. и др. Экономика социальной сферы. – М.: «Март», 2005. – с. 11.
5. Социальная политика в России. Сборник документов. – М., 2012. – 232 с.
6. [https://notes.psycowork.ru/fileadmin/user\\_upload/UZ\\_2009-2\\_19.pdf](https://notes.psycowork.ru/fileadmin/user_upload/UZ_2009-2_19.pdf)
7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги «Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/3083192>.
8. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш // дисс. икт. фанлари доктори (DSc). – Т.: ТДИУ, 2018. 166-б.

*Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш элементлари, усуллари ва воситалари*

**Резюме:** Ушбу мақолада ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солиш элементлари, усуллари ва воситалари, ижтимоий стандартлар тизимини мақбул даражада шакллантириш ва уларни жорий этиш, ижтимоий хизматлар бозори сегментлари, ижтимоий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш даражалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий сиёсат, тартибга солиш, ижтимоий соҳа тармоқлари, ижтимоий ислохотлар.

*Элементы, методы и средства регулирования рынка социальных услуг*

**Резюме:** В данной статье рассмотрены элементы, методы и средства регулирования рынка социальных услуг, формирование системы социальных стандартов на оптимальном уровне и их внедрение, сегменты рынка социальных услуг, уровни государственного регулирования рынка социальных услуг.

**Ключевые слова:** социальная политика, регулирование, сети социальной сферы, социальные реформы.

*Elements, methods and means of regulating the market of social services*

**Summary.** This article discusses the elements, methods and means of regulating the social services market, the formation of a system of social standards at the optimal level and their implementation, segments of the social services market, levels of state regulation of the social services market.

**Key words:** social policy, regulation, social sphere networks, social reforms.

## МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

Рашидов Р. А.

*Наманган муҳандислик технология институти*

Маълумки, кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда келгусида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш тўғрисида фикр юритиш изланишларимиз мақсади саналади. Бунинг учун унинг инновациялардан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш тақозо этилади. Зотан, инновацияларни амалиётга жорий этиш маҳсулот, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, шунинг баробарида кичик бизнес субъектлари даромадини кўпайтиришга катта имконият ярати беради. Бироқ, бу жараён ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Шундан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожланишининг амалий ҳолатини ўрганишлик ва таҳлил этишлик асносида мавжуд муаммо ва имкониятни яхлит ҳолатини белгилаб берувчи кўрсаткичларга эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотимиз аввалида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улушига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар бир даврга мос равишда тушиш ҳолати кузатишнинг кўришимиз мумкин.

1-жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуши (фоизда)

| №  | Республика ва вилоятлар      | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
|----|------------------------------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1  | Қорақалпоғистон Республикаси | 58,5     | 57,0     | 56,3     | 58,1     | 56,4     |
| 2  | Андижон                      | 80,2     | 73,1     | 69,6     | 69,9     | 71,8     |
| 3  | Бухоро                       | 79,9     | 80,9     | 74,3     | 75,6     | 75,4     |
| 4  | Жиззах                       | 85,6     | 86,2     | 83,1     | 83,0     | 81,2     |
| 5  | Қашқадарё                    | 73,6     | 72,7     | 70,8     | 71,5     | 69,0     |
| 6  | Навоий                       | 49,4     | 42,3     | 30,7     | 25,4     | 27,1     |
| 7  | Наманган                     | 80,8     | 80,5     | 75,9     | 74,6     | 73,5     |
| 8  | Самарқанд                    | 82,6     | 80,8     | 75,2     | 74,2     | 73,4     |
| 9  | Сурхандарё                   | 79,5     | 81,2     | 78,8     | 77,1     | 77,3     |
| 10 | Сирдарё                      | 77,9     | 77,8     | 69,8     | 70,5     | 69,2     |
| 11 | Тошкент                      | 65,0     | 58,9     | 51,3     | 49,2     | 46,8     |
| 12 | Фарғона                      | 71,7     | 71,3     | 69,3     | 70,5     | 69,9     |

|    |                                |             |             |             |             |             |
|----|--------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 13 | Хоразм                         | 79,1        | 79,1        | 76,4        | 76,1        | 73,9        |
| 14 | Тошкент шаҳри                  | 63,0        | 64,8        | 53,1        | 51,2        | 48,1        |
|    | <b>Ўзбекистон Республикаси</b> | <b>65,3</b> | <b>62,4</b> | <b>56,0</b> | <b>55,5</b> | <b>54,9</b> |

Юқорида келтирилган 1-жадвалга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2017-2021-йиллар оралиғида пасайиш бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2017-йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 65,3 % ни ташкил этиб, бу кейинги даврларга қараганда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. 2018-2021-йилларга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши тескари пропорционалликда ўзгарганлиги ва бу йиллар орасидаги фарқ ўртача 7,5 % га камайганлигини кўришимиз мумкин. Эътиборли жиҳати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар сони бу даврга келиб микдоран кўпайишига қарамадан, улар томонидан яратилаётган маҳсулотлар улуши кескин камайган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийнинг асосий турларидаги улушини таҳлил қилганимизда 2017-2021 йилларда ўсиш ва тушиш кузатишган тармоқларини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийнинг асосий турларидаги улуши (фоизда)

| №  |                                 | 2017 йил    | 2018 йил    | 2019 йил    | 2020 йил    | 2021 йил    |
|----|---------------------------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| 1  | Саноат                          | 41,2        | 37,4        | 25,8        | 27,9        | 27,4        |
| 2  | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 98,5        | 98,3        | 97,9        | 96,7        | 96,0        |
| 3  | Инвестициялар                   | 38,1        | 38,0        | 44,3        | 46,0        | 45,6        |
| 4  | Қурилиш                         | 64,8        | 73,2        | 75,8        | 72,5        | 72,5        |
| 5  | Савдо                           | 88,4        | 86,3        | 83,6        | 82,3        | 82,3        |
| 6  | Жами хизматлар                  | 58,3        | 56,0        | 53,2        | 51,8        | 51,8        |
| 7  | Юк ташиш                        | 54,2        | 55,5        | 54,4        | 51,6        | 42,9        |
| 8  | Йўловчи ташиш                   | 90,1        | 89,6        | 90,4        | 93,5        | 92,7        |
| 9  | Бандлик                         | 78,2        | 76,3        | 76,2        | 74,5        | 74,5        |
| 10 | Экспорт                         | 22,0        | 27,2        | 27,0        | 20,5        | 20,0        |
| 11 | Импорт                          | 53,6        | 56,2        | 61,6        | 51,7        | 45,2        |
|    | <b>Ялпи ички маҳсулот</b>       | <b>65,3</b> | <b>62,4</b> | <b>56,0</b> | <b>55,5</b> | <b>54,9</b> |

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг саноат тармоғидаги улуши 2017-2021 йилларда турғун бўлмаган, яъни 2017 йилда унинг улуши 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 25,8 фоизга тушган, 2021 йилга келиб эса 27,4 фоизни ташкил этган. 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 13,8 фоизга камайган, бироқ 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга ўсган. Бундай ҳолатни иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноатлашган маҳсулотларни етарли даражада ишлаб чиқарилаётганлиги сабабли йирик саноатлашган корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида узилишлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Яъни корпоратив аълоқалар яхши йўлга қўйилмаган.

Юртбошимиз бу масалаларга тўхталар экан, "...масалан, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқлари ўрганилганда тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида кооперация деярли йўқлиги, оқибатда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар импорт қилинаётгани маълум бўлган. Ачинарлиси, айрим саноат корхоналари кичик ишлаб чиқарувчилар у ёқда турсин, харидорлар талаби билан ишлашни ҳам билмайди." "...фақат катта корхоналар қуриб, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Турмуш даражасини юксалтиришнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир" [1] дея таъкидладилар. Айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда автомобилсозлик соҳасида ишлаб чиқарилган автомобилларнинг бор – йўғи 10-15 фоизгача бўлган бутловчи қисмлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилиши саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатади. Фикримизча, бу борада маҳаллийлаштириш тармоқларини янада кенгайтириш орқали тадбиркорлик субъектларининг бошқариш маданияти ҳамда имкониятини оширишимиз мумкин бўлади. Қурилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2021 йилда 2017 йилга нисбатан мас равишда 64,8 фоиздан 72,5 фоизга ошганлиги кузатишган. Бу эса тадбиркорлар томонидан қурилиш ишлари кейинги йилларда ортганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев "Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак" [2] деб таъкидладилар. Ўз навбатида бу келгусида ушбу соҳанинг жадал ривожланишига ҳамда имкониятлар яратилишига сабаб бўлади деган хулосани ҳам келтириб чиқаради.

3.2.2-жадвалга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳоли бандлигини таъминлашда, 2017-2021 йил оралиғидаги таҳлиллар натижалари шунини кўрсатадики, ушбу субъектлар томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш даражаси 2017-йилда 78,2 фоиз бўлган бўлса, 2018-йилга келиб бу кўрсаткич 76,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2021-йилга келиб, 74,5 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги бандлиги 2017-2021-йиллар оралиғида салбий ўзгарган, яъни 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 3,7 фоизга камайган. Аҳоли бандлигини таъминлаш нафақат мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини, қолаверса, шу ерда истиқомат қилаётган инсонларнинг турмуш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири саналади. Бу жиҳат аҳолисининг 60 фоиздан ортиқ қисми айнан ёшлардан иборат бўлган халқимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Белгилаб олинган вазифалар самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат



томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, хусусан, фермерлик ҳаракатининг ролини ошириш, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, касаначилик, хунармандчилик ҳамда бандликнинг бошқа самарали шакллари ривожлантириш борасида аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда[3].

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида шунини айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодийнинг айрим соҳалардагина ўсиш тенденциясига эга. Фикримизча, бу борада олдимизда турган асосий масалалардан бири ҳали ўзлаштирилмаган тармоқларда тадбиркорлик муносабатларини самарали йўлга қўйишдан иборат бўлади. Бу эса ўз навбатида, биздан халқаро бозорга жадаллик билан кириб бориш, давлат ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг янги йўналишларини излаб топишни талаб этади.

Юқорида кўриб ўтилган таҳлилий натижалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда, айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни лозим деб ҳисоблаймиз: хорижий ускуна ва замонавий инновацион технологияларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига харид қилиш ва жорий этиш бўйича мавжуд бозор конъюктурасини чуқур ўрганиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро рақобатбардошлик муҳитини оширишда давлат томонидан қўмаклашиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бозорнинг ички ва ташқи имкониятлари тўғрисида ахборот алмашинувини такомиллаштириш.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. 2019 йил 23 июль // [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
3. Rashidov, R. A., Hasanboeva, N. H., & ogli Otakhonov, S. M. (2021). ISSUES OF USING BANK CREDITS IN DEVELOPMENT OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP. Journal of Central Asian Social Studies, 2(02), 148-159.

*Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнеснинг тутган ўрни ва унинг ривожланиш ҳолати*

**Резюме.** Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнеснинг тутган ўрни бўйича фикр ва мулоҳазалар келтирилган бўлиб, муллик томонидан кичик бизнесни 2017-2021 йиллардаги ялпи ички маҳсулотдаги, иқтисодийнинг асосий турларидаги улуши бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, ялпи ички маҳсулот, инновация, тадбиркорлик, саноат, автомобилсозлик.

*Роль малого бизнеса в экономике нашей страны и состояние ее развития*

**Резюме.** В статье представлены мнения и комментарии о роли малого бизнеса в экономике нашей страны, а также автор приводит аналитические данные о доле малого бизнеса в валовом внутреннем продукте в 2017-2021 годах, по основным видам экономики.

**Ключевые слова:** малый бизнес, валовой внутренний продукт, инновации, предпринимательство, промышленность, автомобилестроение.

*The role of small business in the economy of our country and its state of development*

**Summary.** The article presents opinions and comments on the role of small business in the economy of our country, and the author presents analytical data on the share of small business in the gross domestic product in 2017-2021, in the main types of economy.

**Key words:** small business, gross domestic product, innovation, entrepreneurship, industry, automobile industry.

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эрназаров О.Э.

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд Давлат университети*

**Кириш.** Ҳозирги кунда корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлиги асосан меҳнат ресурсларини самарали бошқариш билан белгиланади. Корхона ходимларининг малакаси ва қобилият даражаси қанчалик юқори бўлса ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги шунча ошади.

Шундай қилиб, охир-оқибат, корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, зарур янгиликларни ўз вақтида киритиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолчи талабларига жавоб беришини таъминлаш имконияти юқори бўлади.

Саноат корхоналаридаги меҳнат ресурсларининг малакаси ва қобилияти корхона раҳбарияти томонидан доимий назорат қилинади. Бозор муносабатлари даврида меҳнат ресурсларининг роли сезиларли даражада ошади. Ишлаб чиқаришнинг сармоявий табиати, унинг юқори илмий интенсивлиги, маҳсулот сифати масалаларининг устуворлиги ходимга қўйиладиган талабларни ўзгартиради, ишга ижодий муносабат ва юқори профессионализм аҳамиятини оширади. Бу корхонада кадрлар бошқаруви тамойиллари, усуллари ва ижтимоий-психологик масалаларида жиддий ўзгаришларга олиб келади[1]. Ўзбекистон Республикаси, унинг ҳудудлари, шу жумладан Самарқанд вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу аҳоли сони ўсишининг нисбатан юқорилиги, қатор ҳудудларда аҳоли зич жойлашганлиги, мавжуд меҳнат ресурслари меҳнат бозоридаги талабдан зиёдалиги, улар таркибида ёшлар салмоғининг катталиги ва бошқа омиллар билан изоҳланади. Шунинг учун инқироз шароитларида меҳнат бозори, айниқса ҳудудий меҳнат бозорини шакллантириш, уни тартибга солиш ва бошқариш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш, ишсизликни камайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш,



жамиятдаги ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишининг энг муҳим ва долзарб масаласи ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам меҳнат ресурсларига алоҳида тўхталиб ўтилди ва мамлакатимизда камбағалликда кун кечирувчилар сони мамлакат аҳолисининг умумий сонига нисбатан 12-15 фоизни ташкил этаётганлиги биринчи маротаба расман эълон қилинди [2].

**Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.** Саноат корхоналарида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари хорижда иқтисодчи олимлар Д.Н.Ушаков, А.А.Никифорова, Н.А. Волгиналар томонидан ўрганилган. Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш орқали меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ошириш муаммоси М.Қ.Пардаев, Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, профессор М.Қ.Пардаевнинг ишларида саноат корхоналарида меҳнат ресурсларининг сифати оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали таъминланишининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган [5].

**Тадқиқотлар методологияси.** Илмий мақолада кўтарилган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда илмий абстракция, диалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга инсон омили таъсирининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, кадрларни танлаш ва рағбатлантириш; иккинчидан, кадрлар тайёрлаш ва уларни узлуксиз ўқитиш; учинчидан, ходимларнинг барқарорлигивамослашувчанлиги; тўртинчидан, ходимларнинг меҳнатига моддий ва маънавий баҳо беришни такомиллаштириш. Агар биз инсон капиталини харажатлар сифатида эмас, балки ундан оқилона фойдаланиш керак бўлган корхона активи сифатида баҳоласак, у ҳолда ходимни ёллаш тўғрисидаги қарор кўп пул талаб қилади. Бизнинг назаримизда замонавий шароитда саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва унумдорлигини оширишни рағбатлантириш учун нафақат иш ҳақи тизимини, балки унинг шаклланишига бўлган ёндашувни, турли хил психологик муносабат, фикрлаш ва баҳолаш кўламини ўзгартириш зарур. Бизга маълумки жамиятда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан ишчиларнинг эҳтиёжлари ҳам ўзгаради. Замонавий иқтисодиётда моддий омилга қўшимча равишда маънавий рағбатлантириш ва ижтимоий имтиёзлар катта аҳамиятга эга. Ходимларни рағбатлантиришнинг моддий шакллари ҳам ривожланмоқда. Моддий мукофотлар бериш тизимида корхонанинг иқтисодий фаолияти натижалари бўйича тўловлар улуши ошади, ходимлар ўртасида корпоратив тафаккурни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият берилади ва ижтимоий имтиёзлар тизими ривожланмоқда. Шундай қилиб, ходимларни рағбатлантириш иқтисодий ўсишнинг таркибий қисмларидан биридир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи корхоналар турли ижтимоий гуруҳларнинг талаблари ортиб бораётган шароитда фаолият кўрсатиши билан тавсифланади. Шу муносабат билан ходимларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эга [4]. Аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш мақсадида меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикаимиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ тизим асосида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [3].

Бошқа ҳудудлар қатори Самарқанд вилоятида ҳам ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш ёш меҳнат ресурслари шаклланадиган иқтисодий муҳитнинг ўзига хослигига боғлиқ. Вилоятда ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги вазият ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш учун қуйидаги келтирилган 2000-2021 йиллар учун кўрсаткичлар динамикасини кўриб чиқиш таклиф этилади (1-жадвал).

1-жадвал. Самарқанд вилоятида доимий аҳоли сони ва унинг таркибидаги меҳнат ресурслари сонининг ўзгариши, минг киши


| Кўрсаткичлар<br>Йиллар | Доимий<br>аҳоли<br>сони | Меҳнат ресурслари |      | Иқтисодий фаол аҳоли |      | Иш билан банд<br>аҳоли |      | Ишсизлар |     |
|------------------------|-------------------------|-------------------|------|----------------------|------|------------------------|------|----------|-----|
|                        |                         | сони              | %    | сони                 | %    | сони                   | %    | сони     | %   |
| 2000                   | 2670,3                  | 1299,9            | 48,7 | 925,1                | 71,2 | 921,0                  | 99,6 | 4,1      | 0,4 |
| 2001                   | 2710,0                  | 1341,1            | 49,5 | 940,5                | 70,1 | 936,1                  | 99,5 | 4,4      | 0,5 |
| 2002                   | 2749,8                  | 1387,8            | 50,5 | 960,6                | 69,2 | 956,0                  | 99,5 | 4,6      | 0,5 |
| 2003                   | 2789,1                  | 1439,8            | 51,6 | 985,0                | 68,4 | 981,6                  | 99,7 | 3,4      | 0,3 |
| 2004                   | 2826,1                  | 1485,7            | 52,6 | 1019,9               | 68,6 | 1016,4                 | 99,7 | 3,5      | 0,3 |
| 2005                   | 2867,1                  | 1531,6            | 53,4 | 1051,9               | 68,7 | 1050,1                 | 99,8 | 1,8      | 0,2 |
| 2006                   | 2907,5                  | 1576,2            | 54,2 | 1085,0               | 68,8 | 1083,2                 | 99,8 | 1,8      | 0,2 |
| 2007                   | 2955,5                  | 1620,0            | 54,8 | 1180,1               | 72,8 | 1115,7                 | 94,5 | 64,4     | 5,5 |
| 2008                   | 3003,4                  | 1674,0            | 55,7 | 1217,3               | 72,7 | 1152,0                 | 94,6 | 65,3     | 5,4 |
| 2009                   | 3061,6                  | 1732,7            | 56,6 | 1258,2               | 72,6 | 1190,2                 | 94,6 | 68,0     | 5,4 |
| 2010                   | 3119,0                  | 1815,7            | 58,2 | 1308,3               | 72,1 | 1229,9                 | 94,0 | 78,4     | 6,0 |
| 2011                   | 3270,8                  | 1902,6            | 58,2 | 1344,0               | 70,6 | 1269,8                 | 94,5 | 74,2     | 5,5 |
| 2012                   | 3326,2                  | 1943,7            | 58,4 | 1389,0               | 71,5 | 1314,4                 | 94,6 | 74,6     | 5,4 |
| 2013                   | 3380,9                  | 1973,8            | 58,4 | 1433,5               | 72,6 | 1357,3                 | 94,7 | 76,2     | 5,3 |
| 2014                   | 3445,6                  | 2003,8            | 58,2 | 1485,1               | 74,1 | 1402,5                 | 94,4 | 82,6     | 5,6 |

|                             |        |        |      |        |      |        |      |        |      |
|-----------------------------|--------|--------|------|--------|------|--------|------|--------|------|
| 2015                        | 3514,8 | 2033,6 | 57,9 | 1530,6 | 75,3 | 1443,9 | 94,3 | 86,7   | 5,7  |
| 2016                        | 3583,9 | 2058,2 | 57,4 | 1575,7 | 76,6 | 1485,1 | 94,3 | 90,6   | 5,7  |
| 2017                        | 3651,7 | 2079,6 | 56,9 | 1629,8 | 78,4 | 1523,1 | 93,5 | 106,7  | 6,5  |
| 2018                        | 3720,1 | 2103,4 | 56,5 | 1620,6 | 77,0 | 1463,3 | 90,3 | 157,3  | 9,7  |
| 2019                        | 3798,9 | 2117,1 | 55,7 | 1604,2 | 75,8 | 1455,8 | 90,7 | 148,4  | 9,3  |
| 2020                        | 3877,4 | 2125,2 | 54,8 | 1592,9 | 75,0 | 1418,3 | 89,0 | 174,6  | 11,0 |
| 2021                        | 3947,7 | 2142,3 | 54,3 | 1599,7 | 74,7 | 1441,3 | 90,1 | 158,4  | 9,9  |
| 2021 й. 2000 й.га нисбати,% | 147,8  | 164,8  |      | 172,9  |      | 156,5  |      | 3863,4 |      |

**Манба:** Жадвал Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, 2000-2021 йиллар давомида вилоятда доимий аҳоли сони 47,8 фоизга ортган ва 2021 йилда 3947,7 минг кишини ташкил этган. Меҳнат ресурслари сонининг доимий аҳоли сонига нисбатан салмоғи бўйича кўрсаткични таҳлил қилиш унинг бир меъёрда кечмаганлигини кўрсатади. Масалан, 2000 йили аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 48,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 54,3 фоизга тенг бўлган ёки 5,6 фоизга ошган. 2000-2021 йиллар давомида вилоятда меҳнат ресурслари сони – 64,8 фоизга ортган.

Иқтисодий фаол аҳоли (иш билан банд аҳоли сонининг ишсиз аҳоли сони нисбати)



#### 1-расм. Иқтисодий фаол аҳоли сони (иш билан банд аҳоли сонининг ишсиз аҳоли сонига нисбати)

Самарқанд вилоятида меҳнат ресурсларининг 71,2 фоизи иқтисодий фаол, қолган 28,8 фоизи иқтисодий нофаол аҳоли ҳисобланади. Вилоят иқтисодий фаол аҳолиси таркибида иш билан бандларнинг улуши 2000 йилдаги 99,6 фоиздан 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 90,1 фоизга, яъни 9,5 фоизга тушган.

Самарқанд вилоятида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш жараёнининг мониторинги шундай ҳулосага келиш имконини бердики, ёш меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги паст даражада, буни қуйидагиларда кўриш мумкин: биринчидан, ишсизлар ўртасида ёш меҳнат ресурслари улушининг юқорилиги; иккинчидан, таълим муассасаларининг битирувчилари томонидан иш ўрнини излашнинг анча узоқ давом этиши; учинчидан, вилоятдан ташқарига бўладиган миграцион оқимда ёшлар улушининг юқорилиги.

Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида ишсизлик даражаси 9,9 фоизни ташкил этади, мамлакатимиздаги ишсизлик даражасидан 0,3 фоизга баланд. Худудда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида: биринчидан, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантириш; иккинчидан, худудда жойлашган зиёратгоҳларда туристларга хизмат кўрсатиш ҳамда сервисни ташкил қилиш; учинчидан, аёлларга уй шароитида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятларини яратиш (касаначилиқ, каштадўзлик, тўн тикиш, дўппи тикиш, пазандалик ва б.); тўртинчидан, аҳоли томорқаларида иссиқхоналар ташкил этишни кенгайтириш ва етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни амалга ошириш; бешинчидан, паррандачилик, қуёнчилик ва куркачиликни ривожлантириш ва шу кабилар таклиф этилади. Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур [1].

Бизнинг фикримизча, худудлар даражасида саноат корхоналари учун ишлаб чиқилаётган дастурлар қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим: биринчидан, худуднинг маҳаллий ресурслар ва табиий-иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижтимоий ва экологик оқибатлари, тармоқлар ва соҳалар бўйича ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлаш; иккинчидан, барча туман ва чегара худудлари имкониятларини сафарбар қилиш; учинчидан, ҳокимиятнинг марказий, тармоқ ва худудий органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; тўртинчидан, худудларни комплекс ривожлантиришда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини таъминлаш; бешинчидан, ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш даражасини мувозанатли ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Юқорида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жараёни таҳлилидан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, худуд иқтисодиётида иқтисодий ўсиш бўлишига қарамадан мувозанатлашмаган меҳнат бозори мавжуд. Шунинг учун аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати мақсадини, уни амалга ошириш механизмлари билан ўзаро мувофиқлаштириш лозим, чунки худуддаги иқтисодий ўсиш нафақат аҳоли бандлигини оширишга, балки меҳнат бозорида мувозанатни ҳам таъминлаш лозим. Давлатнинг макроиқтисодий бандлик сиёсати конкрет меҳнат бозорида мувозанатни таъминлаш тамойилларига асосланиши лозим.

**Хулоса ва таклифлар.** Саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда худудий

дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз: биринчидан, чуқур таҳлил асосида вилоят туман ва шаҳарларида мавжуд табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятни баҳолаш; иккинчидан, ички ва ташқи бозорларда янги сегментларни эгаллаш учун вилоятнинг мавжуд саноат қиёсий афзалликларини аниқлаш; учинчидан, маҳаллий ҳокимият бошчилигида вилоят ташкилотлари, жамоатчилик ва аҳолининг ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларга муносабати, таклиф-тавсияларини ўрганиш; тўртинчидан, лойиҳалар бўйича ресурслар ва аниқ ижрочиларни аниқлаш; бешинчидан, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш; олтинчидан, лойиҳаларни ҳудуд жиҳатидан оқилона жойлаштириш ва бошқалар. Шунингдек, вилоятда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли бандлигини оширишга йўналтирилган дастурларнинг асосий вазифаси куйидагиларга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир: биринчидан, вилоят туман ва шаҳарлари ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техникавий ривожланиш кўрсаткичларидаги тафовутларни камайитириш; иккинчидан, ҳудуд иқтисодиётининг диверсификациялашган ва рақобатбардошли оптимал ҳудудий ва тармоқлар таркибини шакллантириш; учинчидан, ҳудуднинг табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан максимал даражада тўлиқ самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар ўзининг ижобий самарасини беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 28.01.2022 йилдаги, ПФ-60-сон. Халқ сўзи, 29.01.2022 йил.
2. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498 сонли қарори. Халқ сўзи, 25.10.2019 йил.
3. “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231 сонли қарори. Халқ сўзи, 08.03.2019 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. 29.12.2020 й. Халқ сўзи, 30.12.2020.
5. Пардаев М.К. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўз ўзини банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. 240 бет.

*Саноат корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари*

**Резюме.** Мақолада меҳнат бозоридаги саноат корхоналари меҳнат ресурсларини бошқаришнинг назарий асослари кўриб чиқилган, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантиришнинг методологик асослари ўрганилган, шунингдек мақолада Самарқанд вилоятида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати, уни акс эттирувчи кўрсаткичлар, меҳнат ресурслари таркиби, ҳудудда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш жараёни ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурлар ижроси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** меҳнат ресурслари, ишсизлик даражаси, аҳоли бандлиги, меҳнат бозори.

*Пути повышения эффективности использования трудовых ресурсов в промышленных предприятиях*

**Резюме.** В статье рассматриваются теоретические основы управления трудовыми ресурсами промышленных предприятий на рынке труда, методологические основы стимулирования производительности труда, а также состояние эффективного использования трудовых ресурсов в Самаркандской области, показатели, его отражающие, проанализирован состав трудовых ресурсов, процесс повышения конкурентоспособности безработной молодежи региона, реализация населением региональных программ, направленных на обеспечение занятости.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, уровень безработицы, занятость населения, рынок труда.

*Ways to improve the efficiency of the use of labor resources in industrial enterprises*

**Summary.** This article describes the theoretical basis of labor resources management of industrial enterprises in the labor market, the methodological basis of stimulating labor productivity, and the state of effective use of labor resources in the Samarkand region, the indicators that reflect it, the composition of labor resources, the process of increasing the competitiveness of unemployed youth in the region, and ensuring the employment of the population implementation of targeted regional programs was analyzed.

**Key words:** labor resources, unemployment rate, population employment, labor market.

## EKONOMIKANI MODERNIZACIYALAW SHÁRAYATINDA BANK MEKEMELERINIŇ FINANSLIQ XIZMETIN RAWAJLANDIRIWDA KLIENT PENEN MÚNASIBETTEN NÁTIYJELI PAYDALANIW JOLLARI

Sitmuratov T., Utegenova S.T.

*Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*

Ózbekstanda házirgi kúnde Oraylıq bank hám kommerciyalıq banklerden quralğan bank sistemasi iskerlik kórsetpekte. Respublika bank sistemasın reformalaw arqalı onıń bekkem bolıwın hám turaqlılıǵın támiynlewge óz aldına áhmiyet berilmekte. Nátiyjede bank sistemasında joqari nátiyjelerge erisilmekte.

Mámleketimizde bank sistemasın reformalaw hám erkinlestiriw boyınsha erisilgen jeńisler Dúnya banki hám xalıq-aralıq finans koorparaciyasınıń isbilermenlik iskerligin júritiw shart-sharayatlardı boyınsha «Biznesti júritiw 2021» náwbettegi jıllıq esabatında hám jáne bir márte óz nátiyjesin taptı. Esabatqa kóre, Ózbekstannıń sońǵı jılǵa biznesti júritiw shart-sharayatlardı boyınsha reyting kórsetkishı 190 mámleket arasında 74 qatarǵa kóterilip, 69-orındı iyeledi. Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2020 jıl 2 mart daǵı PF-5953-san Pármanı menen tastıyqlanǵan 2017 — 2021 jıllarda Ózbekstan Respublikasınıń rawajlandırıwdıń bes ústin turatuǵın baǵdarı boyınsha Háreketler strategiyasınıń[2] «İlim, bilim hám cıfırlı ekonomikanı rawajlandırıw jılı»de ámelge asırıwǵa tiyisli Mámleketlik baǵdarlamasında

belgilengen wazıypalardan kelip shıqqan halda, sonıń menen birge, jeke sektor rawajlanıwın xoshametlew, banklerdiń investitsiyalıq ózine tartımlılıǵın, bank xızmetlerin kópshilikke arnalǵanlıǵı hám sapasın asırıw ushın bank sektorın tupten transformaciya qılıw maqsetinde [5]:

1. Tómendegiler Ózbekstan Respublikasında bank sektorın reformalawdın tiykarǵı baǵdarları etip belgilendi:

finans bazarında teń báseki sharayatların jaratıw, kreditlewdi tek bazar shártleri tiykarında ámelge asırıw, banklerdiń mámleket resurslarına qaramlılıǵın tómendetiw, bank xızmetin kórsetiwdi modernizaciyalaw, banklerdiń nátiyjeli infrastrukturasını jaratıw hám iskerligin avtomatlastırıw, sonıń menen birge, bankler iskerligine tán bolmaǵan funktsiyalardı basqıshpa-basqısh biykarlaw arqalı bank sistemasınıń nátiyjeliligini asırıw ;

kredit portfeli hám táwekelshiliklerdi basqarıw sapasın jaqsılaw, kreditlew kólemleriniń bir tegis ósiwine ámel qılıw, teń salmaqlılı makroekonomikalıq siyasat júrgiziw, korporativ basqarıwdı jetilistiriw hám xalıq aralıq ámeliy tájiriyege iye bolǵan menedjerlerdi tartıw, finanslıq táwekelshiliklerin bahalaw ushın texnologiyalıq sheshimlerdi qollanıw arqalı bank sistemasınıń finanslıq turaqlılıǵın támiyinlew;

mámleket úlesi bar bolǵan ámeldegi kommerciya banklerin kompleks transformaciya qılıw, bank jumısınıń zamanagóy standartların, informaciya texnologiyaları hám programmalıq ónimlerdi engiziw, banklerdegi mámleket aksiyaları paketin zárúr tájiriye hám bilimge iye bolǵan investorlarga tańlaw tiykarında satıw, sonıń menen birge, mámleket úlesi ámeldegi kommerciya bankleri hám kárxanalardı bir waqıttıń ózinde reformalaw arqalı bank sektorında mámleketiń úlesin kemeytiw;

Usı maqsetlerge erisiw ushin 2022 jılǵa tómendegi shara-ilajlar ámelge asiriladi[3].

**Birinshiden**, kishi biznes hám jeke isbilermenlik sub'ektlerin finanslıq qollap-quwatlaw, sonday-aq «2021-2025 jıllarda ekonomikanı modernizaciyalaw hám quramlılıq ózgeriwın jáneде refeormalaw dástúri»de kózde tutilǵan investicion joybarlar finanslastırıw jáneде keńeytiriledi. Bunıń ushin taraw sub'ektlerin finanslıq qollap-quwatlawǵa 38,8 trln.sumnan artıq, investiciya joybarların finanslastırıwǵa kredit qarjıların baǵdarlaw kózde tutilmaqta.

**Ekinshiden**, banklerdiń finanslıq turaqlılıǵın hám likvidligin xalıq-aralıq qabil etilgen normativlerge muwapıq ámelge asırıw hamde aktivler hám kredit portfeli sıpatın jaqsılaw sharaları kóruledi, bank xızmeti menen baylanıslı bahalaw sistemasi jáneде jetilistiriledi. Sonnan, 2022 jılǵa bankler kapitali keminde 20 procentke asirilıwın támiyinlewge qaratılǵan tiyisli shara-ilajlar ámelge asiriladi.

**Úshinshiden**, kommerciyalıq banklerdiń resurs bazasın xalıq hám xojalıq júrgiziwshi sub'ektlerdiń bos qarjıların uzaq múddetli depozitlerge qatnastırıp olardı taǵı keńeytiriw arqalı bank sistemasi boyınsha depozitler kólemi 25 procentke asiriladi. Bunda, Oraylıq bank tárepinen kommerciyalıq banklerdegi xalıq depozitlerin basqarıw sistemasi jáneде jetilistiriwge qaratılǵan tiyisli shara-ilajlar ámelge asiriladi.

**Tórtinshiden**, bankler tárepinen usınıp atırǵan xızmetler kólemin keńeytirip hám sıpatın asırıp, sonıń ishinde zamanagóy axborot-kommunikaciya texnologiyaların keń eń jaydırıwdaǵa iqsha itibar qaratılǵan. Tiykarınan, 2022 jılǵa real waqıt rejiminde bank xızmetlerinen paydalanatıwın klientler sani (bank-klient, internet-bank, mobil-bank, sms-bank) di eki esegе joqarılaǵan hám kórsetiletuǵın bank xızmetleri kólemin 25 procentke asırıw kózde tutilmaqta.

Joqarida aytilǵanday 2022 jılǵa bank sistemasin rawajlandırıwdıń áhmiyetli baǵdarlarında tiykarǵı itibar mámleketimiz basshısı tárepinen dizim aldına qoyılǵan tiykarǵı wazıypalar orınlanıwın támiyinlew sonıń ishinde «Ápiwayı xalıqtı isbilermen etiw» ge qaratıladi [6]. Ózbekstan Respublikasınıń bank sistemasi sonǵı eki jıl dawamında finanslıq mákeme sıpatında turaqlasıp hám abırayınıń barǵan sayın artıp barıwı jáhán reyting agentlikleri tárepinen atap ótilmekte. «Fitch reyting», «Mudis» hám «Standart end Poors» sıyaqlı xalıq-aralıq reyting agentlikleri tárepinen bank sistemasi xızmetin bahalawda qollanılauǵın xalıq-aralıq normativ, bahalaw kórsetkishlerinen paydalanıw ámeliyatın jáneде keńeytiriw haqqındaǵı isler izbe-iz dawam ettiriledi. Olardıń unamli reyting bahaların alıw hám barqulla jańalap barıw boyınsha zárúr sharalar kórip kelindi.

Sonday-aq, 2020 jılǵa hám milliy valyuta turaqlılıǵın támiyinlew wazıypası pul-kredit siyasatınıń bas maqseti bolıp qaladı. Óz orında pul-kredit siyasatın ámelge asırıwda, tiykarǵı itibar mamleketimiz basshısı tárepinen belgilenip berilgen mámleketimizdi social-ekonomikalıq rawajlandırıw tarawındaǵı barlıq joybarlardı finanslıq qollap-quwatlaw wazıypalarınıń orınlanıwına qaratıladi.

Usı maqset penen usı wazıypalardan kelip shıqqan halda pul- kredit siyasatı ámelge asırılıp bariladi.

Qayta finanslastırıw stavkasınıń usı dárejesi, óz náwbetinde, bank amanashıları hám kreditorları máplerin qorgaw, kommerciyalıq banklerdiń finanslıq jaǵdayına hám likvidligine unamli tásir kórsetiw menen bir qatarda, bank sistemasi aldında qoyılıp atırǵan wazıypalar, sonıń ishinde ekonomikanıń barlıq tarawlardaǵı islep shıǵarıw hám xalıqtı sociallıq qollap-quwatlaw baǵdarındaǵı jobalardı finanslastırıw ushin zárúr bolǵan kredit qoyımları kólemin keminde 25 procentke asırıw imkanın beredi.

Bunnan tisqari, ekonogmikadaǵı pul usınısı muǵdari inflyaciya dárejesi hám ekonomikalıq ósıw pátleri boyınsha aǵımdaǵı jıl ushin ornatilǵan maqsetli prognoz kórsetkishlerine teń rawishte qalıplestiriliw barıwda pul-kredit siyasatınıń basqa bazar qurallarınan hám aktiv paydalanılıp bariladi.

Tiykarınan bank sistemasındaǵı likvidlik kórinisi ekonomikadaǵı pul qarjılarına bolǵan talap hám usınıs dárejesinen kelip shıǵıp, májbúriy rezervler norması zárúr hallarda optimallastırılıp bariladi.

Sonday-aq bank sistemasında mámleketimiz tólew balansı unamli sal'dosınıń támiyinleniwi esabında júzege keliwshi artıqsha likvidliktiń inflyaciyaǵa tásiriniń aldın alıwǵa hám de pul massasınin tártipke salıw maqsetinde kommerciyalıq banklerde waqtınshalıq bos pul qarjıların Oraylıq banktegi múddetli depozitlerge engiziw arqalı sterilizaciya operaciyaları ótkizilip bariladi.



Ulıwma alǵanda, joqarida kórsetilgen is-ilajlardı ámelge asırılıp barılıwı bank sistemasınıń mámlketimizde isbilermenlik xızmetin rawajlandırıwdaǵı rolin jáne de kúsheytiwge, investiciion belsendilikti asırıwǵa hám de makroekonomikalıq turaqlılıqtı támiyinlewge xızmet etedi.

Banklerde usı máselelerdiń durıs jolǵa qoyılıwında banktiń ishki quramlıq esaplıq uchastkalarınń durıs jolǵa qoyılıwı, olardıń buxgalteriya esabın milliy standartar hám oraylıq bankler tárepinen shıǵarılǵan kórsetpegerge tayanıp alıp barılıwı, balans likvidligi hám tólew uqıplılıǵı máseleleriniń de áhmiyeti oǵada úlken.

Banklar óziniń iskerligi processinde hújjetler menen jumıs alıp baradı. Buxgalteriya esabında ótkiziliwı kerek bolǵan hesh bir operaciya hújjecız ámelge asırılıwı múmkin emes, sebebi hújjetler mal-múltkıń talan-taraj qılınbastan tolıq saqlanıwın táminlewde úlken rol oynaydı. Misal ushin, pul qarjıların bankke tapsırıw yaqı bankten alıwdı tolıq toltırılǵan hám bólingen operaciyalardıń durıslıǵı yaqı nızamlılıǵı keyinsheli usı hújjetler tiykarında tekseriledi.

Hújjetlerdegi operaciyanıń mazmuni, onı esapqa alıw ushin kerek bolǵan barlıq belgiler hújjetlerdiń rekvizitleri yaqı kórsetkishleri delinedi. Hújjetler hám kárxanada buxgalteriya esabın alıp barıw haqqındaǵı Nızamǵa muwapıq barlıq hújjetler ushin májbúriy bolǵan rekvizitler ornatılǵan. Hújjetlerdiń tiykarǵı rekvizitleri tómendegiler:

1. Hújjettiń tolıq atı (máselen: tólew talapnaması, tólew tapsırığı)
2. Hújjettiń toltırıw sánesi hám onıń nomeri
3. Ónim satıwshı hám ónim alıwshı kárxanalarđıń tolıq atı
4. Sol kárxana hám shólkemlerdiń banktegi esap beti nomerleri
5. Olarǵa xızmet kórsetiwshı banklerdiń atı, olardıń kodi
6. Operaciyanıń mazmuni
7. Tólenetuǵın summa (nomerler hám jazba ráwishte)
8. Baslıq shaxslardıń imzaları hám kárxananıń pechatı

Hár bir hújjet qátesiz, jazıw mashinkalarında bir jolda bir neshe nusqada toltırılıwı yaqı kompyuterde teriliwı kerek. Kassa operaciyaları boyınsha isletileuǵın hújjetler bunnan basqa, bunday hújjetler qolda, ruchkalar járdeminde toltırıladi.

Bankte isletileuǵın barlıq hújjetlerdi biz shártli ráwishte 2 bólimge ajıratamız:

1. Kárxanalar tárepinen rásmiylestirilgen hújjetler
2. Bankler tárepinen rásmiylestirilgen hújjetler

Hújjetlerdiń tiykarǵı bólimi kárxana hám shólkemler tárepinen rásmiylestirilip, banklerge tapsırıladi. Kárxana hám shólkemler tárepinentoltırılauǵın hújjetlerge tiykarınan naq pulsız esap-kitap penen baylanisli bolǵan hújjetler: tólew talapnaması, tólew tapsırıqnaması, tólew talapnamasınıń dizimi, chekler dizimi, kassa operaciyaıasrı boyınsha bolsa pul tapsırıw haqqındaǵı hújjet pul cheki sıyaqlılar kiredi. Hár bir hújjetlerge kárxana baslıǵı hám buxgalterdiń imzaları qoyılıp, olar pechat penen tastıyıqlanǵan bolıwı lazım.

Hújjetler islengen operaciyalardıń kólemine kóre ápiwayı hám jıyma bolıwı múmkin. Ápiwayı hújjetlerde tek bir xojalıq operaciyaı kórsetiledi, jıyma hújjetlerde bolsa bir neshe operaciyaıar jámlengen boladı. Ápiwayı hújjetlerge tólew talapnaması, tólew tapsırıqnaması, akkreditiv ashiw ushin arza, kirim orderi hám pul chegin misal qılıw múmkin. Jıyma hújjetlerge bolsa jıyma tólew tapsırıqnaması, tólew talapnamasınıń dizimi, chekler dizimi, kassa kirim jurnalı, kassanıń shıǵım jurnalın kiritiw múmkin.

Bunnan tisqari orınlanǵan operaciyalardıń mazmunına kóre bank operastiyaları boyınsha barlıq hújjetlerdi 3 toparǵa bolıw múmkin:

1. Naq pulsız esap-kitaplarda isletileuǵın hújjetler;
2. Naq pul menen baylanisli bolǵan kassa hújjetleri;
3. Balanstan tisqari esap betler boyınsha hújjetler.

Belgili, hár bir xojalıq júritiwshı subyekt óz pul qarjıların qandayda bankte ashqan esapbette saqlaydı hám barlıq naq pullı hámde naq pulsız operaciyaıar (pul tólew hám pul kelip túsiwı boyınsha) mine usı esapbetler arqalı ótkeredi. Pul ótkeriw klienttiń tapsırması yaqı mal jiberiwshı kárxananıń tólew talapnaması arqalı bank jumisshıları tárepinen orınlanadı. Bul jaǵdayda naq pul isletilmeydi. Operaciyaıar esap betlerden jazıwlar orınlaw arqalı ótkiziledi. Sonıńushın bunday operaciyalarda isletileuǵın hújjetlerdi naq pulsız esap-kitaplarda isletileuǵın hújjetler toparına kiritemiz.

Bankte balans ishindegi esapbetler menen bir qatarda balanstan tisqari esapbetler de júritiledi. Bunday esapbetlerde tiykarınan qimbatbahalı hújjetler hámde bazi bir bank operaciyaıar boyınsha hújjetler esapqa alinadı. Máselen, tólenetuǵın akkreditivler, tólew múddetin kútip atırǵan esap-kitap hújjetler, óz waqında tólenbegen hújjetler balanstan tisqari esapbetler boyınsha júritileuǵın hújjetler kompleksı. Bul esapbetlerdegi qaldıq bank balansına tásir etpeydi. Sonıń ushin bunday hújjetler balanstan tisqari esapbetler boyınsha hújjetlerge kiritiledi. Bul toparlardıń hár birine kárxana hám shólkemler tárepinen toltırılǵan hújjetler hám de bank tárepinen toltırılǵan hújjetler kiredi. Bul hújjetlerdiń hár biri haqqında bunnan keying temalarda toqtap ótemiz.

Hújjetler aylanısı operaciyalardıń nızamlılıǵı, hújjetlerdiń haqıyqlılıǵı hám durıs rásmiylestirilgenligi hámde olardıń esabında kórsetilgenligin tekseriw menen baylanisli bolǵan jumislardı óz ishine aladı.

*Hújjetlerdiń rásmiylestirilgen waqıttan baslap olar boyınsha operaciyaıar orınlanaman degenge shekemgi waqıt ishindegi tártipli háreketine bank operaciyaıar boyınsha hújjetler aylanısı delinedi.*

Hújjetlerdiń aylanısı bank operaciyaıarınıń waqtında durıs hám nızamlı tárizde ámelge asırılıwında úlken rol oynaydı. Sonıń ushin hár bir bankte hújjetlerdiń aylanısı hám klientlerge xızmet kórsetiw waqıtı grafiklerde kórsetiledi.

Banktiń hár bir jumıs kúnińin 5-6 saati tuwrıdan-tuwrı klientlerge xızmet kórsetiwge ajratıladi. Kúnniń qalǵan bóliminde bolsa aldingı kún esap materialları tekseriledi, usı kúnniń operaciyaıar tamamlanadı hám erteńgi kún operaciyaıarına tayarlıq kóreledi. Sol kúni kelip túsken hújjetler sol kúnniń ózinde, keshki waqıt kelip túsken hújjetler



bolsa ertesi kuni otkiziledi, sebebi hujjetler keshki pochta orqali keliwi mumkin. Hujjetler aylanisi korsetilgen grafiklerde bank operatsiyalarin orinlawshi bank xizmetkerlarining bir-birine hujjetlerdi uzatiw, banklarga aylanislar topari, kassaga yaki banktiensaslaw oraylarina, yagniy kompyuter bolimine uzatiw waqitlari belgilenedi[4].

Banklerde jumis kuni ham hujjetler aylanisin sholkemlestiruw boyinsha O'zbekstan Respublikasi Orayliq bank tarepinen tiykargi talaplar islep shigilgan bolip, olar "O'zbekstan Respublikasi banklerinde buxgalteriya esabin juritiwdi ham buxgalteriya jumislarin sholkemlestiruw haqqinda"gi O'zbekstan Respublikasi Orayliq banki Basqarivinin 2008-jil 3-maydagi 11/5-sanli qarari menen tasiyiqlangan jariqnada oz korinisin tapqan. Jariqnada korsetilgen talapnamalar tomondagilar[1]:

- Operatsiya kuni dawaminda, yagniy jumis kuninin birinshi yariminda bankke kelip tusken barliq esap-kitap, pul hujjetleri sol kunni o'zinde qabil qiliniwi, rasmiyilestiriliwi ham buxgalteriya esabi betlerinde korsetilwi gerek. Operatsiya kuni tamamlangan keyin bankke kelip tusken barliq hujjetler qagiyda retinde kelesi jumis kuni klientlerdin esapbetlerine kiritiledi.

- Jeke kompyuterler jardeminde fayllarga islew beriw tartibi ham olardi esap orayina jiberiw waqti O'zbekstan Respublikasi Orayliq banki basqariwi tarepinen tasiyiqlangan "O'zbekstan Respublikasi bankleri ortasinda electron tolewler sisteması boyinsha esap-kitaplar juritiw haqqinda"gi Nizam hamde ogan kiritilgen qosimsha ham ozgertiwler tiykarinda amelge asiriliwi gerek.

- Operatsiyalardin sipatli otkiziliwin tartipke salip turiw ushin har bir bank boliminde turaqli rawishte bankke ulken mugdarda esap-kitap ham pul hujjetlerin usiniwshi tiykargi klientlerden hujjetler qabil qiliw qata grafiklerdi duziw lazim.

- Operatsiya kuni dawaminda klientlerden barliq hujjetlerdi tuwridan tuwri buxgalteriya xizmetkerlarinin ozleri qabil etip aladi. Operatsiya kuni tamamlangan soñ, yagniy kunni ekinshi yariminda hujjetler bankke arawli qutilar orqali tapsiriladi. Olardagi hujjetler har saatta alip turiliwi gerek.

- Barliq esap-kitap ham pul hujjetlerinen otkiziliwi lazim bolgan summalar, sonliqtan, byudjeke ajiratpalar, is haqi ham sogan tenlesterilgen naq pul tolemleri klientni "Talap qilib alingan" deposit boyinsha esapbetinde jeterli pul qarjilari bolgan taqdirde, yagniy sol esapbetge qarjilar shegarasinda tolenedi.

O'zbekstan Respublikasi bank sistemasinin basli maqseti, dunya talaplarina juwap beretuvin, rawajlangan kredit sistemasına iye boliw, xojalqlar ham xalqtin bos turgan pul qarjilarin tartiw ham onı natijeli bolistiruw tiykarinda xalq qarjilarin kobeytiw ushin sharayat jaratiw ham de jasaw sharayatin jaqsilawga eriswden ibarat. Bul maqsetlerge erisw ushin mamleketimiz bank sektori rawajlanıwın taminiwlewi zarur makroekonomikalıq sharayatlar ham de bank sistemasın turaqlılıgın taminiwlewi, sonınday, bank qadağalawı sistemasın ham bankler iskerligin basqariw usulların jetilistiruw, banklerdin depozit, kredit ham investiciya iskerligin ele de rawajlandirawga erisw, bank operatsiyalarin tuwri esapqa aliw, bank basqariwi ushin zarur magliwmatlar menen oz waktında taminiwlewi, bankler ortasında bāseki ortalıgın jaratiw, finans-kredit sektorinin huquqiy bazasın jaqsilaw usaganlardı amelge asiriw kōzde tutilgan.

#### ÁDEBIYATLAR

1. "O'zbekstan Respublikasi banklerinde buxgalteriya esabin juriziw ham sholkemlestiruw haqqinda"gi O'zbekstan Respublikasi Orayliq banki Basqarivinin 2008-jil 3-maydagi 11/5 –sanli qarari menen tasiyiqlangan insturkiyada toliq korsetilgen. Usi insturksiya O'zbekstan Respublikasi Adillik ministriginde 2008-jil 11-iyulda 1834-san menen dizimnen otkirilgen.
2. O'zbekstan Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevni 2017-2021-jillarga molsherlengen «Hareketler strategiyasi», O'zbekstan Respublikasi Prezidentini 2017-jil 7-fevraldagi PF-4947-sanli parmani, «Xalq sozi» gazetasini 2017-jil 8-fevral 28 (6722)-sani.
3. "2022-2026-jillarga molsherlengen jaña O'zbekstannın Rawajlanıw strategiyasi" haqqında O'zbekstan Respublikasi Prezidentini 2022-jil 28-yanvar, 60-san Prezident parmani
4. <https://tfi.uz/uz/page/banklarda-buxgalteriya-hisob>
5. O'zbekstan Respublikasi Prezidentini 2020-jil 2-mart dagi PF-5953-san Parmani
6. Bozor, pul va kredit, ilmiy-amaliy oylik jurnali, 1/2022 (23)

*Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida banlarning moliyaviy xizmatini rivojlantirishda mijoz bilan munosabatdan effektiv foydalanish yo'llari*

**Rezyume.** Maqolada iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida banlarning moliyaviy xizmatini rivojlantirishda mijoz bilan munosabatdan effektiv foydalanish yo'llarin takomillashtirish xususiyatlari ilmiy bayon etilgan. Shu jumladan, O'zbekstan Respublikasida bank tizimining normativ huquqiy hujjatlari o'rganilgan va xalqaro standartlar bilan taqqoslangan.

**Tayanch so'zlar:** moliyaviy xizmatlar, iqtisodiyot, standartlar, reyting, bank opertsiyalari.

*Пути эффективного использования взаимоотношений с клиентом в развитии финансовых услуг банков в условиях модернизации экономики*

**Резюме.** В статье научно описаны особенности совершенствования способов эффективного использования отношений с клиентами при развитии финансовых услуг банков в условиях модернизации экономики. В том числе были изучены и сопоставлены с международными стандартами, нормативно-правовые документы банковской системы Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** финансовые услуги, экономика, стандарты, рейтинг, банковские операции.

*Ways to effectively use customer relationships in the development of financial services of banks in the context of economic modernization*

**Summary.** The article scientifically describes the features of improving the ways of effective use of relations with clients in the development of financial services of banks in the context of economic modernization. Including were studied and compared with international standards, legal documents of the banking system of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** financial services, economics, standards, rating, banking operations.

**ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ИШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**<sup>1</sup>Казаков А., <sup>2</sup>Аллаяров И.<sup>1</sup>Қорақалпоқ давлат университети<sup>2</sup>Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали


Волейбол спорт тури республикаимизнинг барча таълим муассасаларида ўқув режаси ва дастур бўлимларига киритилган бўлиб, дарс ва дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган ўқув машғулотларидан кенг ўрин олган. Волейбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси захиралари ва юқори малакали, рақобатбардош волейболчиларни тайёрлаш ҳамда оммавий волейбол географиясини янада кенгайтириш, машғулот ва мусобақаларни илмий асосда ташкил қилиш зарурияти юксак касбий-педагогик салоҳиятга эга мутахассис кадрлар етиштириш муҳимлигига эътибор қаратиш зарурлигини давр тоқозо этмоқда.

Бугунги замонавий волейбол мусобақаларида ҳар бир дақиқада ижро этиладиган техник-тактик усуллар, ўйин комбинациялари ва тўпсиз ҳаракатлар ҳажми борган сари ортиб бормоқда. Бундай ҳаракатлар самарадорлигини узоқ муддат давомида туширмасдан сақлаб қолиш устувор жиҳатдан аэроб, анаэроб ва координацион чидамкорлик сифатларига боғлиқдир ёки бошқача қилиб айтганда умумий ва махсус жисмоний иш қобилияти кўрсаткичлари билан белгиланади. Волейбол ўйинида деярли барча усуллар сакраб амалга оширилади. Л.Р.Айрапетьяннинг (1991), маълумотларига кўра мусобақа давомида волейболчилар тўсик қўйиш ва зарба бериш учун ўртача кўрсаткичда 300-600 мартагача сакрашни бажаришлари аниқланган. Тайёргарлик мезоцикли давомида зарба ва тўсик қўйиш учун 1000-1500 мартагача сакрашга тўғри келар экан. Агар бу миқдорда тўп узатиш, тўп киритиш ва чалғитувчи сакрашлар баландлигини (сакровчанлигини) туширмасдан ижро этилиши зарурлиги эътиборга олинса, волейболчи учун сакраш, сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади [1].

Сўнги йилларда жисмоний тарбия назарияси, шу жумладан спорт турлари назарияси ва услубияти фанлари доирасида чоп этилган адабиётларда сакраш турлари, сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги тадқиқот объекти сифатида кенг ўрганилмоқда. Шу билан бир қаторда ушбу манбаларда ҳар бир спорт турида, айниқса спорт ўйинларида, сакраб ижро этиладиган техник-тактик усулларга мос сакраш фазалари, координацияси, баландлиги ёки узунлиги ва биомеханик қонуниятлари батафсил ўрганилмаган ҳамда илмий жиҳатдан асосланмаган. Ваҳоланки, масалан биргина волейболда турли зоналардан зарба бериш, тўсик қўйиш, тўп узатиш, шу жумладан тўп киритиш учун сакраш кўникмалари ва сакровчанлик ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Сакрашнинг бундай хусусиятлари волейбол назариясида умуман ўз ифодасини топмаган [1]. Сакраш баландлиги ва вертикал сакраш координациясини ҳавода (таянчсиз ҳолатда) бажариладиган ўйин усуллари (ҳужум зарбалари, тўсик қўйиш, тўп узатиш, тўп киритиш) нинг сифати техникаси ёки тактикаси билан боғлиқ эканлиги алоҳида тадқиқот остига олинмаган. Сакровчанлик ёки вертикал сакраш баландлигини таъминловчи бир қатор кинематик омиллар ҳақида ўқув ва илмий манбаларда батафсил асосланган маълумотлар берилмаган. Таъкидлаш жоизки, вертикал йўналишда сакраш баландлигини таъминланиши бир қатор кинематик омилларга асосланади. Масалан, волейболчиларга хос сакраш баландлиги фақатгина оёқларнинг тезкор-кучи билан таъминланмайди, балки қўллар, тана ва тана қисмларининг фаол инерцион ҳаракати, шу жумладан оёқларни букилиш-ёзилиш бурчагига боғлиқ эканлиги ушбу сифатни ривожлантиришда жиддий эътиборга олинмайди. Жумладан, сакраш учун депсиниш вақтида тананинг олдинга эгилиш, қўлларни орқадан олдинга-юқорига фаол ҳаракат қилдириш, инерцион кучни юзага келтиради [2,3].

Алоҳида таъкидлаш жоизки, муайян ўйин усулига (турли зоналардан сакраб зарба бериш, тўп узатиш ва ҳ.з.) мос ихтисослашган сакраш тури бир партия ёки бутун ўйин давомида такрорланиб борилганда шу сакраш кўникмасининг нафақат баландлиги пасаяди, балки унинг координацион ва биомеханик нусхаси (мазмун) ҳам бузилиши мумкин. Демак, сакровчанлик яъни бир ёки бир неча марта баланд сакраш қобилиятидан ташқари сакраш чидамкорлиги ҳам шаклланган бўлиши даркор.

Бугунги кунда замонавий волейбол қоидаларининг ўзгариши ўйин мазмунини янада бойитди, ўйин усуллариининг тамомила янги авлодларини вужудга келишига асос бўлди. Жумладан, ҳимоя зоналаридан зарба бериш диагональ сакраш сифатини ўзлаштириш зарурлигига эътибор қаратди, либерони киритилиши ҳимояни янада кучайтирди, югуриб келиб сакраб тўп киритиш ҳужумкорлик суръатини оширди ва ҳоказо. Ушбу ўзгаришлар натижасида вужудга келган янги ўйин элементлари, махсус сифатлар, ҳаракат усуллари ўқув-тренировка машғулотлари мазмунига янгича ёндошиш, таркибига янги машқларни киритиш ва машғулот мусобақа бирлигини таъминлаш зарурлигини белгилайди (1-расм).



Замонавий волейболда ижро этиладиган аксарият ўйин малакалари (сакраб ўйинга тўп киритиш, сакраб тўп узатиш, зарба бериш, тўсиқ қўйиш) “ҳавода” амалга оширилади. Демак, бундай малакаларни ижро этиш самарадорлиги нафақат техник маҳоратга, балки устувор равишда сакровчанлик ва сакраш чидамкорлигига боғлиқдир. Ушбу сифатларни ривожлантириш масалалари волейбол амалиётида муҳим ва ўта аҳамиятли мавзу сифатида кўпгина тадқиқотчилар ишларида ва илмий адабиётларда ўз ифодасини топган. Жумладан, вертикал сакраш мисолида малакали волейболчиларнинг тезкорлик-кучлилик сифатини “зарбдор” услубида ривожлантириш имконияти афзал эканлигини кўрсатиб ўтган. Унинг фикрича “портловчи” кучни ривожлантиришда ушбу услубдан фойдаланиш яхши натижа беради. Лекин, бундай машғулотларни мусобакадан 80-10 ҳафта олдин уч мартадан ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ.

Малакали волейболчиларнинг тайёргарлик даврида жисмоний тайёргарлик динамикасини ўрганиш давомида шундай хулосага келинадики, ушбу жараённинг биринчи босқичида сакровчанлик, мушакларнинг портловчи кучи ва тезкорликни ривожлантиришга урғу беришга иккинчи босқичида сакровчанлик ва махсус чидамкорликни, учинчи босқичида текзорлик, тезкорликка бўлган чидамкорлик ва умумий иш қобилиятини шакллантиришга эътибор қаратилиши зарур экан [4,5]. Бунинг учун тайёргарлик даврида қўлланиладиган машғулот юкламаларини оптимал нисбатда тақсимлаш муҳим, акс ҳолда, унинг фикрича, мусобақа даври ва мусобақа циклларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган умумий ва махсус жисмоний иш қобилияти зарур даражада шаклланмаслиги мумкин экан. Бундай кузатув натижаларига асосан мазкур муаллиф йиллик тайёргарлик циклининг ҳар бир босқичида жисмоний иш қобилиятининг барча компонентларини тестлаш ва олинган натижалар асосида тайёргарлик дастурига мувофиқ ўзгартиришлар киритишни тавсия этади. Юқори малакали волейболчиларда жисмоний тайёргарлик имкониятини мусобақа даврида юксак даражага етказиш ва саклаб туриш устувор жисмоний сифатларни пропорционал тартибда ривожлантириш асосида амалга оширилиши мумкин экан.

Айрим мутахассис олимларнинг таъкидлашича бир қатор спорт турларида, шу жумладан спорт ўйинларида ҳам, махсус жисмоний иш қобилиятини мувофиқ техник-тактик ҳаракатлар фаоллигига мос даражада ривожлантириш учун спортчиларда эрта ёшликдан бошлаб умумий ва махсус жисмоний сифатларни пропорционал нисбатда ривожлантириш зарур экан. бир қатор мутахассислар бунинг учун махсус жисмоний иш қобилиятини ёки ушбу қобилиятни акс эттирувчи махсус жисмоний сифатларни ривожлантириш жараёнида аниқроғи машқлар сериясини қўллаш оралиқларида релаксацион мазмунга эга машқлардан фойдаланиш муҳим эканлигини очиб берган. Баъзилари эса жисмоний иш қобилияти ёки унинг таркибий қисмларлари (куч, тезкорлик, чакконлик, чидамкорлик, эгилувчанлик), техник-тактик тайёргарликнинг зарур босқичларида (мусобақаолди босқичи, мусобақа цикллари) оптимал даражада ривожлантириш ва ана шу цикллarda сақлаб туриш учун функционал имкониятларни мунтазам ривожлантириб бориш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга экан. Бундай жараёни амалга ошириш учун спортчиларда функционал тайёргарликни шакллантирувчи машқларни йиллик тайёргарликнинг давлари ва босқичларидан қатъий назар мунтазам қўллаб бориш зарурлиги таъкидланади. Алоҳида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги волейбол бўйича ўтказилаётган мусобақа ўйинларида ижро этиладиган аксарият малакаларини (тўп киритиш, зарба бериш, тўсиқ қўйиш, қабул қилиш, узатиш) самарали бажариш учун сакровчанлик ва сакраш чидамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, 4 ва 5 партия давом этадиган ўйинларда мазкур сифатларнинг аҳамияти янада ортади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки юқори малакали волейболчиларнинг махсус тайёргарлигини объектив баҳолаш учун энг муҳими портловчи куч, сакровчанлик, умумий куч ва функционал имконият улушини ошириш лозим. Волейболчиларни тайёрлаш амалиётида техник-тактик ҳаракатлар пойдевори бўлиш шу ҳаракатлар самарадорлигини таъминловчи жисмоний иш қобилиятини баҳолашда қайд этилган кўрсаткичларни турли модел кўрсаткичлар билан таққослаш ва қиёсий таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ayrapetyants L.R. Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubi. Darslik. T., ЎзДЖТИ, 2011, 280 б.
2. Айрапетянц Л.Р. Годик М.А. Спортивные игры. Т. Ибн Сины, 1991 г.
3. Железняк Ю.Д. Ивойлов А.В. Волейбол. Учебник для ИФК. ФИС. 1991 г.
4. Masharipov F.T., va boshqalar. Voleybol mashg'ulotlarini olib borish va boshqarishning pedagogik asoslari. O'quv-uslubiy qo'llanma. Urganch: 2012 y. – 72 b.
5. Masharipov F.T., va boshqalar. Voleybol va uni o'rgatishning pedagogik asoslari. O'quv-uslubiy qo'llanma. Urganch: 2018 y. – 80 b.

*Особенности физических работоспособности волейболистов*

**Резюме.** В статье описывается важность физической способности волейболистов высокой квалификации на соревнованиях. Отмечается, что физическая подготовка волейболистов важна при выполнении технических и тактических приемов на соревнованиях: также прыжков, атак и блоков.

**Ключевые слова.** Высококвалифицированные волейболисты, учебные тренировки, нападения и блок, работоспособности, способность прыгучести.

*Волейболчиларнинг жисмоний иш қобилиятларини ўзига хос хусусиятлари*

**Резюме.** Мақолада юқори малакали волейболчиларнинг мусобақаларда жисмоний иш қобилиятини аҳамияти баён этилган. Волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги мусобақаларда техник-тактик усулларни бажаришда яъни сакраб хужум ва тўсиқ қўйишда муҳим ҳисобланади.

**Таянч сўзлар.** Юқори малакали волейболчилар, ўқув машғулоти, хужум ва тўсиқ қўйиш, иш қобилияти, сакровчанлик қобилияти.

*Features of physical performance of volleyball players*

**Summary.** This article describes the importance of the ability of highly qualified volleyball players to perform physical work in competitions. The physical preparation of volleyball players is important when performing technical and tactical techniques in competitions, as well as jumps, attacks and blocks.

**Key words:** Highly qualified volleyball players, training sessions, attack and block, working capacity, jumping ability.

## 10-СИНФ ГЕОМЕТРИЯ ДАРСИДА АМАЛИЙ-ЛОЙИХА ИШИ.

Бердиева З.

*Нукус шаҳри 22-сонли умум таълим мактаби.*

Таълим самарадорлигини таъминлаш кенг қамровли дидактик жараён ҳисобланади. Таълимни мазмунан янгилаш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия ишларининг янги шакллари ташкил этиш ва амалга ошириш жиҳатидан ҳам ўзининг мантикий асосига эга бўлган психологик-педагогик, фалсафий жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган, услубий ечимини топиши лозим бўлган муаммо сифатида қаралади.

Шу ўринда республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан таълимда компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларни амалий, яъни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш масалалари ўрганилган [3.21]. Экспериментлар воситасида ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш тамойили асосида уларда тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантириш самарали усул эканлиги этироф этилган [4.18].


Ўқув тадқиқотчилик фаолиятига – таълим технологияси бўлиб, у ўқув тадқиқотда восита сифатида қўлланилади. Тадқиқотчилик фаолияти, тадқиқот ишининг раҳбари – мутахассис ўқитувчи раҳбарлигида, атроф олам ҳодисалари тўғрисидаги тасаввурларини яратишга қаратилган, шунингдек, олдида ечими номаълум бўлган масала ўқувчилар томонидан ечилиши мумкин деб фарз қилади. Ўқув-тадқиқот иши – таълимдаги жараён бўлиб, у тадқиқотчилик фаолияти асосида амалга оширилади [1.22-32]. Энг аввало таълим соҳасига тақдим қилинаётган мазкур ҳужжатнинг ғоясида куйидаги талаблар акс этган, биринчидан, ўқув дастурида берилмаётган ўқув лойиҳа, ўқув амалий машғулоти тавсифидаги ва ўқув-тадқиқот ишларининг қўйилишида ўқувчининг ёши ва уларнинг психологик хусусиятларини инобатга олинганлиги, иккинчидан, ўқув-лойиҳа, ўқув амалий машғулоти ва ўқув-тадқиқот ишларининг қўйилиши дарсда ўтилиётган мавзулар билан узвийлиги, учинчидан, ўқувчилар томонидан лойиҳа ва ўқув-тадқиқот ишлари бажарилиши таълимда сифатли (интеллектуал маҳсулот, компетенцияларини эгаллаш) натижалари билан кафолатланилиши лозимлиги уқтирилган. Ўқув лойиҳа ёки ўқув-тадқиқот ишларининг бажарилиш жараёни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги таъминланган тартибли ва мантикий кетма-кетлиги, ўқитиш жараёнининг бош вазибаларидан бўлган – таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларига амал қилишни таъминлайди. Хорижлик олимлар E.L.Chiappetta, T.Koballa, A.T.Collette [2] томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида анъанавий ўқув машғулоти ва ўқув-тадқиқот машғулотида ўзаро таққосланилиб, мазкур фаолиятлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларида ўрганилган ҳамда уларнинг фарқлари 1-жадвалда келтирилган.

*1-жадвал*

|                                                             |                                                                              |
|-------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| Анъанавий ўқув машғулоти                                    | Ўқув – тадқиқот машғулоти                                                    |
| Ўқувчилар кўпинча ёлғиз ишлайди                             | Ўқувчилар кўпинча гуруҳларда ишлайди                                         |
| Фактларни ўзлаштиришга урғу бериш                           | Тушунчаларни англашга урғу бериш                                             |
| Аниқ белгиланган ўқув дастурига риоя қилишни талаб қилади   | Ўқитувчи томонидан қўйилган муаммоларни саволларни ўрганишга имкон беради    |
| Фаоллик асосан дарсликда берилган материалларига асосланади | Фаолият турли манбаларга асосланади                                          |
| Ўқувчилар “бўш варақлар” сифатида қабул қилинади            | Ўқувчилар дунё ҳақидаги ўз нўқтаи назарига эга мутафаккирлар деб ҳисобланади |
| Одатда ўқитувчи ўқувчилар ўртасида маълумот таркатади       | Ўқитувчи интерфаол ўқув муҳитини яратади                                     |
| Ўқитувчилар тўғри жавобларни излашга мойилдирлар            | Ўқитувчи ўқувчиларнинг ғоя ёки фаразларини тушунишга интилади                |
| Баҳолаш ва ўрганиш бир-биридан ажралиб туради               | Баҳолаш билан ўрганиш бирлашади.                                             |

Умум таълим мактабларида 10-синф геометрия дарсида геометриянинг стереометрия бўлими ўрганилади. Python дастурлаш тили информатика дарсида 9-синфда ўрганилади. Шуларни ҳисобга олиб ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантирувчи куйидаги ўқув-лойиҳа ишини қараб ўтайлик.

1) А тўплами бир нўқтадан тузилган тўпламни олайлик. В тўплам бир тўғри чизикдан тузилган тўпламни олайлик. Бу тўпламлар кесилишмаси бўш тўпламдан иборат бўлса, бу тўпламлар бирикмаси нимага тенг?



Бу тўпламлар бирикмаси стереометриянинг асосий аксиомасидан келиб чикувчи натижа бўйича, C тўплам бир текисликдан иборат.


1-натижа. Тўғри чизик ва унда ётмайдиган нукта орқали битта текислик ўтказиш мумкин. [6.33-141]

Бу тўпламлар устида амалларни python дастурлаш тилидаги методлар ёрдамида янада аниқ кўрсатиш мумкин.


```
A={"nuqta"}
B={"tugri ziziq"}
print(A.intersection(B))
C=A.union(B)
print(C, "tegislik")
```

```
{'tugri ziziq', 'nuqta'} tegislik
```

intersection




union



Яни, бу жойда бизлар ўқувчиларга геометриянинг аксиома ва теоремаларини тўпламлар устида бажариладиган амалларга олиб келиб, буни питон дастурлаш тилида ўқувчиларга дастурини тўздирамиз. Ва жавобини текширамиз. Бундай дастурларни тузиш орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ва тассавурини шакллантириб, ривожлантириб борамиз. Шунинг билан бирга ўқувчилар геометриянинг асосий аксиома ва теоремаларини янада яхшироқ тушуниб олади. Яна бир мисолни қараб утайлик.

2) Бир текисликда ётмайдиган икки ярим текисликнинг биттасин A тўплам деб, иккинчисин B тўплам деб олайлик. Бу ярим текисликлар ўзининг чегарасида тўғри чизик бўйлаб кесиладиган бўлсин. A ва B тўпламларнинг бирикмасини топинг? A ва B тўпламларнинг бирикмасини C тўплам деб олайлик. C тўплами икки ёқли бурчакдан тузилган тўплам бўлади. Бу тўпламлар кесилишмаси тўғри чизикдан иборат. Бу икки ёқли бурчак таърифидан келиб чиқади.

Таърифи. Иккита ярим текислик ва уларни чегаралаб турган умумий тўғри чизик иборат геометрик шаклга икки ёқли бурчак деб оталади.



```
A={'yarim tekislik 1'}
B={'yarim tekislik 2'}
print(A.intersection(B), 'tugri chiziq')
C=A.union(B)
print(C, 'ikki yoqli burchak')
```

```
{'yarim tekislik 1', 'yarim tekislik 2'} ikki yoqli burchak
```



**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Педагогининг таълим жараёни ўқув лойиҳа ёки ўқув-тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали фан асосларни ўрганишга алоҳида ургу бериши ҳамда ўқув машғулотларда замонавий таълим технологияларидан имарали фойдаланиши, муаммони қўйиш асосида ўқувчиларни муаммони ҳал этишга далилларни қидиришга йўналтириши ва олинган маълумотларни қайта ишлаши учун зарур бўлган элементларни киритилиши ўқувчиларда фанга оид бўлган билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва компетенцияларни шаклланишига имкон беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб айтиш жоизки, замоний таълим беришда ўқувчиларда шахсий интеллектуал – ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларида бири, уларни ўқув-лойиҳа ҳамда ўқув-тадқиқот фаолият билан шуғулланишларини ташкил этишдан иборат. Шунинг учун ҳам бу фаолият таълим жараёнининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Савенков А.И. Исследовательское обучение и проектирование в современном образовании // Исследовательская работа школьников. -М.,2004. -№1. -С. 22 – 32.
2. Chiappetta E.L., Koballa T., Collette A.T. //Handbook of Science Teaching in Secondary Schools. Upper Saddle River, NJ: Meerill. Prentice Hall, - 2002.
3. Нарзиев Н.Н. Умумтаълим мактаб ўқувчиларида таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, СамДУ, - 2019. – 216.
4. Суяров К.Т. Физик экспериментлар асосида ўқувчиларда ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Чирик. ЧДПИ, - 2019. – 18 б.
5. [https://t.me/python\\_materials\\_qq](https://t.me/python_materials_qq)
6. Боходир Хайдаров, Наргиза Таштемирова, Исак Асроров. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфи учун дарслик. Тошкент-2022. 33-141б.

*10-синф геометрия дарсида амалий-лойиҳа иши.*

**Резюме.** Мақолада замонавий таълим беришда ўқувчиларда шахсий интеллектуал-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг мақбул йўлларида бири бўлган ўқув лойиҳа иши ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ўқув лойиҳа ишлари, компетенция, питон дастурлаш тили, туплам, бирикмаси, кесишмаси

*Практикум-проектная работа по геометрии 10 класс.*

**Резюме.** В статье рассматривается сущность практикум-проектной работы, которая является одним из оптимальных способов развития личностных интеллектуальных и творческих способностей учащихся в условиях современного образования.

**Ключевые слова:** учебно-проектная работа, компетентность, язык программирования питон, множества, объединение пересечение.

*Workshop-design work on geometry Grade 10.*

**Abstract.** The article discusses educational projects, which is one of the optimal ways to develop personal intellectual and creative abilities of students in modern education.

**Keywords:** educational project work competence, python programming language, set, union, intersection.

## ЦИФРОВЫЕ РИСКИ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ

**Абылова З. Ж.**

*Ташкентский филиал Самаркандский государственный университет ветеринария, животноводства и биотехнология*

С каждым годом в информационном виртуальном поле увеличивается количество различных угроз, которые связаны с внедрением цифровых технологий в образовательный процесс и обозначены как цифровые риски (digital risks). Под этим термином Г. Дьюдени, М. Пегрум и Н. Хокли [1, с.16] предлагают понимать возможные риски, возникающие при внедрении цифровых технологий в обучение английскому языку. Большинство контента информационного поля Интернета предлагается на английском языке. В силу того, что уроки английского языка предполагают обращение к англоязычным сайтам риск появления нежелательной информации значительно выше, чем на других уроках. Связано это, в том числе, и с недостаточным знанием языка, мешающим адекватному восприятию появляющейся информации на английском языке. К таким потенциальным рискам можно отнести несоответствие предлагаемого контента возрастной категории учащихся, конфиденциальности, нарушение авторских прав и другие подобные этим случаи. Специфичность подобных угроз подтолкнуло ученых С. Ливингстон, Г.У. Солдатова, Е.И. Рассказова [2, с.3] к отдельному выделению рисков при работе онлайн, возможных при использовании электронных устройств в виртуальном пространстве Интернета. Они дифференцировали онлайн-риски по четырем категориям: контекстные: различные материалы в файловом, текстовом виде, ссылки на незнакомые сайты, аудио и видеофайлы, бесконтрольно всплывающие в Интернете и содержащие информацию, не всегда соответствующую моральным нормам и законодательным правилам общества; коммуникационные: неэтичные отношения, возникающие при использовании сети Интернета в процессе индивидуального общения двух и более реципиентов. В качестве примера можно привести так называемый кибербуллинг (травля с использованием цифровых технологий); технические: связанные с возможным нанесением вреда программному обеспечению электронного устройства, удалению сохраненной информации, несанкционированному подключению к вашему компьютеру, путем

использования специальных вредоносных программ; потребительские: случаи, когда в процессе поиска в информационном поле Интернета нарушаются права потребителя.

Соотношение рисков при использовании цифровых технологий в виртуальном информационном поле по мнению исследователей составляет 52% контентных и 48% технических рисков. [3, с. 94-95]

Внедрение цифровых технологий в процесс проведения урока английского языка в средней школе несет также и риски несоответствующего поведения учащихся. Имеется в виду возможность отвлечения учащегося на виртуальный контент, не относящийся к выполнению задания учителя. Попадая в мир Интернета и в силу недостаточно хорошего знания английского языка, ученики могут механически переключить свое внимание совсем не на те материалы, которые рекомендованы учителем, что негативно отразится на выполнении поставленных задач. В связи с этим при проведении учебных занятий, учителю необходимо иметь возможность осуществления контроля за действиями учеников. Такой контроль способствует более тщательному подбору информации, а также настраиванию поисковых функций браузеров на предотвращение появления ненужных материалов в компьютере ученика.


Из всего вышесказанного следует вывод, что учителю в процессе использования цифровых технологий на уроках английского языка предстоит справиться со следующими трудностями: негативным и вредоносным содержанием отдельных материалов, представленных в информационном поле Интернета; возможностью изменения или удаления компьютерных программ, используемых для выполнения заданий, через появление вредоносных вирусов; задачами соблюдения дисциплины, учащимися на уроках; созданием возможности оперативной помощи учащимся в случае неисправности технических средств.

Одним из путей решения проблем этого рода, может стать использование программного обеспечения, созданного для таких целей. Примером программного обеспечения, способного помочь учителю в вопросах контроля за деятельностью учащихся и оказания одномоментной помощи в случае технических неполадок может служить программа TeamViewer. С помощью этой программы можно организовать дистанционный доступ учителя на компьютер ученика. На уроках английского языка возможность наблюдать за материалом, выложенным на мониторе ученика, имеет большое значение. Несвободное владение языком создает частые проблемы для ученика, решению которых должен помочь учитель. Однако, постоянное движение от одного ученика у другому, не только отнимает время учителя но и создает прецеденты нарушения учебной дисциплины. В таких случаях решением проблемы становится возможность производить с компьютером такие же действия, которые использует и непосредственный пользователь ПК. Предположим, если ученик затрудняется при составлении английского текста изложения в программе MS Word, то учитель тут же может исправить отдельные фрагменты задания или указать пути его решения. Вся эта помощь оказывается в режиме моментального исполнения, при котором ученик видит действия учителя на своем мониторе, в тот же момент, когда учитель выводит информацию на своем компьютере. Еще одной положительной стороной использования такой программы является то, что учитель, не отходя от своего места, имеет возможность контролировать действия всего класса. Программа имеет мобильную версию, что дает возможность использовать ее без необходимости скачивания с Интернета, а устанавливать непосредственно с внешних носителей информации. Такая установка программы придаст уверенности учителю в отношении ее релевантности на всех используемых компьютерах. С правовой точки зрения программа бесплатна для использования в личных целях, однако применение ее в коллективных занятиях должно быть решено на уровне ответственных лиц школы.

Алгоритм работы с программой TeamViewer состоит из следующих действий учителя.

Прежде всего программу надо скачать с официального сайта [4] и установить ее на компьютер. При правильной загрузке программы появится контекстное окно. (рис1)

Рис. 1 – Контекстное окно программы TeamViewerPortable.



Компьютеры, корректно загрузившие программу, получают девятизначный номер для идентификации (отмечен цифрой 1 на рис. 1) и пароль, (отмечен цифрой 2 на рис. 1) разрешающий доступ к управлению программы. Учителю необходимо ввести номер идентификации компьютера ученика в строку «ID партнера» (отмечен цифрой 3 на рис. 1) для выполнения следующего шага к получению доступа к нему. Далее в появившемся окне следует проставить пароль компьютера ученика и таким образом наладить устойчивую связь с учеником и полный доступ к его компьютеру. Все действия по установлению связи не займут и одной минуты, что важно для оптимального использования учебного времени. В результате работы с программой, можно решить проблемы устранения нежелательных материалов и повреждения программного обеспечения вирусами, появление которых потенциально возможно при работе с Интернетом.

Еще одним путем достижения этих целей является использование настроек непосредственно в самом браузере. Эффективные возможности для этого представляет веббраузер Google Chrome, являющийся, на наш

взгляд, одним из самых используемых при работе в Интернете. Немаловажным фактором его применения является то, что он полностью бесплатный. В линейке настроек браузера GoogleChrome представлен большой ассортимент инструментария, с помощью которого можно обеспечить безопасность работы в Интернете.

Среди них: установка безопасного поиска (ограничивает доступ к материалам, предназначенным только для взрослых); контроль материалов, доступных детям; настройка ограничения показа рекламы; установка запрета к нежелательным приложениям и играм.

Эффективной защитой учеников от возникающих угроз виртуального мира, является функция создания контролируемого профиля на уроках английского языка с помощью браузера. Как мы уже отмечали, в силу своей специфики на уроках английского языка угрозы цифровых рисков значительно увеличиваются. Поэтому возрастает роль контролируемого профиля, который предоставляет возможность определения сайтов, используемых детьми, при этом ставя запрет на нежелательные страницы Интернета. Также через этот профиль можно контролировать посещение тех или иных сайтов путем просмотра истории использованных страниц. Немаловажным фактором в поддержку применения профиля является то, что непосредственно после задействования этой функции включается опция «Безопасный поиск», преграждающая доступ к нежелательному контенту. Таким образом, учитель получает возможность как контроля за исполнением заданий, так и ограничения просмотра отдельных сайтов.

Как видим, в современных условиях внедрения цифровых технологий на уроках английского языка, учитель должен задуматься о способах осуществлении необходимого контроля за деятельностью учеников во время их работы с компьютером. Такого рода контроль, помимо повышения эффективности овладения учениками английского языка, обеспечения безопасности, поможет учителю в оперативном устранении технических проблем, появляющихся у учеников в ходе использования электронных устройств. Обратная связь учителя с учениками должна осуществляться одновременно, чтобы учебное время не тратилось бесполезно.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Dudeney, G., N. Hockly, & M. Pegrum (2013): Digital Literacies. Harlow: Pearson, 2013. - 387 p.
2. Солдатова Г.У., Рассказова Е.И. Безопасность подростков в интернете: риски, совладание и родительская медиация // Национальный психологический журнал. 2014. №3 (15) С.3
3. Солдатова Г., Зотова Е., Лебешева М., Шляпников В. Интернет: возможности, компетенции, безопасность. Методическое пособие для работников системы общего образования. — М: Google, 201

#### Электронные ресурсы:

4. <https://www.teamviewer.com/ru/>
5. <https://www.google.ru/chrome/browser/desktop>

*Ўрта мактабларда инглиз тили дарсларида рақамли технологияларни жорий этишининг рақамли хавфлари*

**Резюме.** Мақолада ўрта мактаб инглиз тили дарсларида замонавий технологияларини жорий этиш жараёни билан боғлиқ рақамли хатарлар муаммоси кўриб чиқилади. Мактаб ўқувчилари учун Интернетнинг ахборот соҳасида ишлашда юзага келадиган ўзига хос таҳдидлар кўрсатилган ва ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари шу мақсадда ишлаб чиқилган махсус дастурлардан фойдаланиш асосида очиб берилган.

**Таянч сўзлар:** инглиз тили дарслари, замонавий технологиялар, рақамли хатарлар.

*Цифровые риски внедрения цифровых технологий на уроках английского языка в средней школе*

**Резюме.** В статье рассматривается проблема цифровых рисков, связанных с процессом внедрения современных технологий на уроках английского языка в средней школе. Указаны конкретные угрозы, для учащихся школ, возникающие при работе в информационном поле Интернета и раскрыты пути решения данной проблемы, на основе применения специальных программ, предназначенных для этой цели.

**Ключевые слова:** уроки английского языка, современные технологии, цифровые риски.

*Digital risks of introducing digital technologies in English classes in high school*

**Summary.** The article deals with the problem of digital risks associated with the process of introducing modern technologies in English lessons in high school. Specific threats are indicated for school students that arise when working in the information field of the Internet and ways to solve this problem are disclosed, based on the use of special programs designed for this purpose.

**Key words:** English lessons, modern technologies, digital risks.

## 14-15 YOSHLI ERKIN KURASHCHILARNING JISMONIY RIVOJLANGANLIK DINAMIKASI

**Tangriyev A. J.**

*O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti*

**Dolzarbli:** Barchamizga ma'lum-ki jahonda ko'plab sport turlari qatorida erkin kurash sport turida ham raqobatning shiddat bilan o'sib borayotganligi soha mutaxasislarining zimmasiga erkin kurashchilarning jismoniy tayyorgarligi bilan bir qatorda jismoniy rivojlanganligiga ham jiddiy e'tibor qaratishi lozimligini anglatadi [1, 2]. Har sohada bo'lgani kabi erkin kurash sport turida ham ushbu sport turiga kelgan sportchilarning dastlab jismoniy holati, sport turiga bo'lgan qiziqishiga, qanday muhitda o'sib kelayotganligiga va fiziologik holatlariga alohida etibor qaratiladi. Tayyorgarlik darajalariga ega kurashchilarning musobaqa sharoitlaridagi ko'rsatkichlarining o'sib borishi to'g'risidagi ob'ektiv ma'lumotlarni tahlil qilish, tayyorgarligining turli tomonlarini optimallashtirish kabi muammolar kuzatilib kelinmoqda [4, 11]. Erkin kurash sport turi bilan mashg'ulot olib borayotgan sportchilarning jismoniy tayyorgarlik darajalarini shakillantirib borishda ilmiy nuqtai nazar bilan qaraydigan bo'lsak ushbu sportchilarning tayyorgarligida psixologik yuklamalar, biomexanik taxlillar, fiziologik ko'rsatkichlariga alohida etibor qaratishimiz lozim [3, 5, 8]. Maskur sport turi yuzasidan mamlakatimiz hamda xorijlik ilmiy darajaga ega bo'lgan olimlar

jumladan: A.A.Ruziev, 2001; A.N.Abdiev, 2004; F.A.Kerimov, 2004, X.A.Sanosyan, S.L.Musaelyan, M.G.Agamyan, 2002, A.A.Karelin, 2002; N.A. Kerimov, 1999; B.I.Tarakanov, 2000; A.S.Todorov, 1992; Yu.A.Shaxmuradov, 1999; M.Ersekan, 1990; Yu.A.Shaxmuradov, 1997 singari olimlar o'z izlanishlarini olib borishgan [4, 8, 10]. Ammo olib borilgan tadqiqot ishlariga qaramay 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy tayyorgarlik dinamikasi samaradorligini oshirish dolzarb muammolardan biri bo'lib kelmoqda.

**Tadqiqotning maqsadi:** 14-15 yoshli kurashchilarning jismoniy rivojlanganlik darajalari dinamikasini tadqiq qilish.

**Tadqiqotning vazifalari:**

- 14 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanish darajalari dinamikasini aniqlash.
- 15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanish darajalari dinamikasini aniqlash.

**Tadqiqotning ob'ekti:** 14-15 yoshli erkin kurashchilarning mashg'ulot jarayoni.

Tadqiqotning predmeti: 14-15 yoshli erkin kurashchilarning umum jismoniy tayyorgarligi dinamikasini tadqiq qilish.

Tadqiqot usullari: Ilmiy-uslubiy adabiyotlar tahlili, pedagogik kuzatuv, pedagogik testlash, matematik-statistik tahlil.

Tadqiqotni tashkillashtirish: Respublika olimpiya va paralimpiya zaxiralari kolleji shug'ullanuvchi yosh kurashchilarning o'quv-mashg'ulotlari jarayonlari davomida o'tkazildi. Tajribalarimizda 14-15 yoshli erkin kurashchilar ishtirok etishdi (n=88).

**O'tkazilgan tadqiqot natijalari va muhokamasi:** Bugungi kunda o'quv-mashg'ulot guruhlarida shug'ullanuvchi 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy tayyorgarligi xolatini aniqlash hamda ularning jismoniy rivojlanish bo'yicha uyq'unlikda o'tkazilgan mashg'ulot jarayonlari davomida o'z ilmiy tadqiqot ishimizni olib borish imkoniyatini yaratib beradi [6,14]. 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanish jarayonlarini oqilona baholash va tadqiq etish uchun maskur tadqiqot ishimizni boshladik. Natijalarga ko'ra o'quv-mashg'ulot guruhida shug'ullanuvchi 14-15 yoshli erkin kurashchilarning tana uzunligi o'lehamlari olinib o'rtacha ko'rsatkichi xisoblanganida quydagicha natijalar qo'lga kiritildi. 14 yoshli erkin kurashchilarda 152.7 sm, 15 yoshli erkin kurashchilarda esa 153.5 sm uzunlikdagi ko'rsatkichlar olindi. Ikkala yoshdagi kurashchilardan olingan ko'rsatkichlar orasidagi farq sezilarli darjada katta emasligi aniqlandi. Yuqoridagi jadvalda tana uzunligi bilan birgalikda ko'krak qafasining o'rtacha uzunlik ko'rsatkichlari ham keltirilgan (1-jadvalga qarang).

**1-jadval.**

|                           | 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanish ko'rsatkichlari             |             |                                      |                      |                |            |
|---------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|-------------|--------------------------------------|----------------------|----------------|------------|
| Ko'rsat kich              | Tana uzunligi, sm                                                                    |             | Ko'krak qafasi aylanasi uzunligi, sm |                      | Tana vazni, kg |            |
| Yosh                      | 14                                                                                   | 15          | 14                                   | 15                   | 14             | 15         |
| $\overline{X} \pm \sigma$ | 152,7±6,74                                                                           | 155,94±6,83 | 68,12±4,54                           | 70,84±4,62           | 44,41±3,14     | 46,47±3,23 |
| t / P                     | 2,24 / < 0,05                                                                        |             | 2,79 / <0,01                         |                      | 3,03 / <0,01   |            |
|                           |                                                                                      |             |                                      |                      |                |            |
|                           | 14-15 yoshli erkin kurashchilarning egluvchanlik va qo'l panja kuchi ko'rsatkichlari |             |                                      |                      |                |            |
| Ko'rsat kich              | Egiluvchanlik, sm                                                                    |             |                                      | Qo'l panja kuchi, kg |                |            |
| Yosh                      | 14                                                                                   | 15          | 14                                   | 15                   | 14             | 15         |
| $\overline{X} \pm \sigma$ | 11,62±0,91                                                                           |             | 12,25±0,86                           |                      | 31,27±3,43     | 33,62±3,52 |
| t / P                     | 3,34 / <0,01                                                                         |             |                                      | 3,17 / <0,01         |                |            |

Ko'krak qafasining aylana uzunligi bo'yicha olingan natijalar quydagicha: 14 yoshlik erkin kurashchilarning ko'krak qafasining o'rtacha kenglik ko'rsatkichi 68 sm tashkil qilgan bo'lsa, 15 yoshli erkin kurashchilarning ko'krak qafasi kengligi o'rtacha 69,6 sm qayt etdi. Har ikki yoshdagi sportchilarimizning ko'krak qafasi kengligidagi farq (1,6 sm) ni tashkil qildi (1-jadvalga qarang).

14-15 yoshli erkin kurashchilarning tana og'irlik ko'rsatkichlari ham tadqiqot amaliyotimiz davomida aniqlab olindi. Natijalarni tahlili davomida quydagi xolatlar kuzatildi, 14 yoshli shug'ullanuvchi erkin kurashchilarning tana og'irlik massasi. 44,6 kg natijani qayt etgan bo'lsa 15 yoshli sportchilarimizning tana og'irlik massasi birmuncha yuqoriroq bo'lib yani 46.4 kg (farq 1,8 kg) ko'rsatkichni qayd etishdi. Egiluvchanlik jismoniy sifat ko'rsatkichlarini aniqlash bo'yicha olingan natijalar esa quydagicha bo'ldi. O'quv-mashg'ulot guruhida shug'ullanuvchi 14 yoshli erkin kurashchilarimizda egluvchanlik sifatining o'rtacha ko'rsatkichi 11,6 sm ni tashkil qilgan bo'lsa, 15 yoshli erkin kurashchilarning egluvchanligi 12,5 smni tashkil qildi (o'rtadagi tafovut 0,9 sm) ni tashkil qiladi (1-jadvalga qarang).

Yuqorida keltirilgan jadvalga qaraydigan bo'lsak 14-15 yoshli erkin kurashchilarning panja kuchlarini aniqlovchi test natijalarini ham ko'rishimiz mumkin. Maskur tadqiqot amaliyoti orqali yosh erkin kurashchilarimizning mashg'ulot jarayonlarida olib borgan sayi harakatlari aniqlanadi. Ma'lumki kurashchilarimizning qo'l panja kuchi juda ahamiyatli hisoblanib ayniqsa musobaqa jarayonlari davomida raqib kurashchi bilan musobaqalashayotgan vaqtda uni mahkam ushlashi va kerak bo'lgan usulni to'g'ri bajarish uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqot natijalariga qaytadigan bo'lsak ushbu test natijalari quydagi ko'rsatkichlarni qayd etishdi, unga ko'ra 14 yoshli erkin kurashchilarning panja kuchlari o'rtacha 31 kg natijani ko'rsatishgan bo'lsa 15 yoshli sportchilarimizning natijalari biroz yuqoriroq ya'ni 33,4 ko'rsatkichni qayd etishdi (tafovut 2,4 kg ni tashkil qildi).

Kurashchi tezligi — bu uning mumkin qadar qisqa vaqt ichida ayrim harakatlar va usullarni bajarish qobiliyatidir. Tezkorlik sifatini yaxshi rivojlantirmasdan kurashda yuqori natijalarga erishib bo'lmaydi. O'z raqibidan hatto sekundning yuzdan bir bo'lagiga tezroq harakat qiladigan kurashchi uning oldida muhim ustunlikka ega bo'ladi [10].



Jismoniy rivojlanganlik dinamikasini aniqlashda navbatdagi tadqiqot amaliyotimiz tezkorlik sifatiga qaratilgan bo'lib bunda nazorat sinovi etib 30 m qisqa masofaga yugurish amaliyotini tanlab oldik. Natijalarga ko'ra 30 m qisqa masofaga yugurish mashqining o'rtacha ko'rsatkichi 14 yoshli kurashchilarda 4,9 sek bo'lgan bo'lsa 15 yoshli erkin kurashchilarning ushbu masofaga yugurishning o'rtacha ko'rsatkichi [8, 9] 5 sek ni tashkil qildi (2-jadvalga qarang).

2-jadval.

|                           |                                                                                                                                                                                                |            |                                                                    |            |                                             |              |
|---------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|--------------------------------------------------------------------|------------|---------------------------------------------|--------------|
|                           | 14-15 yoshli erkin kurashchilarning 30, 3 x 10 hamda 1000 metrga yugurish natijalari (s.)                                                                                                      |            |                                                                    |            |                                             |              |
| Ko'rsat kich              | 30 m ga yugurish                                                                                                                                                                               |            | 3x10 mokisimon yugurish                                            |            | 1000 m ga yugurish                          |              |
| Yosh                      | 14                                                                                                                                                                                             | 15         | 14                                                                 | 15         | 14                                          | 15           |
| $\overline{X} \pm \sigma$ | 4,92±0,32                                                                                                                                                                                      | 5,13±0,31  | 13,04±1,04                                                         | 13,58±1,03 | 242,24±12,63                                | 253,36±12,84 |
| t / P                     | 3,13 / < 0,01                                                                                                                                                                                  |            | 2,45 / <0,05                                                       |            | 4,10 / <0,001                               |              |
|                           |                                                                                                                                                                                                |            |                                                                    |            |                                             |              |
|                           | 14-15 yoshli erkin kurashchilarning qo'llarga tayanib qo'llarni bukib yoyish, qorin muskullarining rivojlanganlik darajalarini aniqlash hamda turgan joyda balandlikka sakrash ko'rsatkichlari |            |                                                                    |            |                                             |              |
| Ko'rsat kich              | Qo'llarga tayanib qo'llarni bukish va yozish (marta)                                                                                                                                           |            | Qorin muskullarinin rivojlanganligini aniqlash uchun mashq (marta) |            | Joyda turgan holda balandlikka sakrash (sm) |              |
| Yosh                      | 14                                                                                                                                                                                             | 15         | 14                                                                 | 15         | 14                                          | 15           |
| $\overline{X} \pm \sigma$ | 19,14±1,31                                                                                                                                                                                     | 19,87±1,42 | 19,63±1,43                                                         | 20,58±1,47 | 31,04±2,98                                  | 33,49±3,04   |
| t / P                     | 2,51 / < 0,05                                                                                                                                                                                  |            | 3,07 / <0,01                                                       |            | 3,82 / <0,001                               |              |

14-15 yoshli erkin kurashchilarning tezkorlik hamda chaqqonlik sifatini aniqlash uchun 3x10 m/s. mokusimon yugurish usulida nazorat sinov amaliyoti o'tkazildi. Ushbu mashqlar yuzasidan qayd etilgan natijalar quydagicha bo'ldi. 14 yoshli erkin kurashchilar orasida tezkorlik hamda chaqqonlik sifatining rivojlanganlik darajasini aniqlashda ushbu yoshdagi kurashchilar 3x10 m qisqa masofani 13 m/s vaqt oralig'ida bosib o'tib maskur natijani qayt etishgan bo'lsa, 15 yoshli o'quv-mashg'ulot guruxidagi erkin kurashchilarimiz 13.1 m/s lik natijani qayt etishdi.

Chidamkorlik jismoniy sifat ko'rsatkichlarini aniqlash uchun maskur yoshdagi erkin kurashchilardan 1000 metr masofaga yugurish nazorat sinovi tanlab olindi. Boshlag'ich tayorgarlik bosqichida mashg'ulotlar olib boruvchi erkin kurashchining qayd etgan natijalari ushbu nazorat sinovida quydagicha bo'ldi. 14 yoshli erkin kurashchilarning qayd etgan natijalari 253,9 m/s bo'lgan bo'lsa, 15 yoshli o'quv-mashg'ulot guruxidagi erkin kurashchilarning 1000 metr masofaga yugurish natijalari 242.2 m/s ni tashkil etdi (2-jadvalga qarang).

Jismoniy sifat bo'lmish "kuch" deganda kurashchining raqib qarshiligini yengib o'tish yoki mushak kuchlanishi hisobiga unga qarshilik ko'rsatish qobiliyati tushuniladi [3].

14-15 yoshli erkin kurashchilarning qo'l kuchini aniqlash maqsadida qo'llar bilan yerga tayangan xolda qo'llarni bukib yoyish mashqi tanlab olindi. Tanlangan mashq bo'yicha sportchilar tamonidan qayd etilgan natijalar quydagicha: belgilangan mashq muobaynida 14 yoshli erkin kurashchilarda o'rtacha ko'rsatkich 19,5 martani tashkil qildi, 15 yoshli erkin kurashchilarda esa ushbu ko'rsatkich 19,8 martaga teng ekanligi aniqlandi (2-jadvalga qarang).

O'quv mashg'ulot guruxida mashg'ulotlar olib boruvchi yosh erkin kurashchilarni qorin mushaklarining rivojlanganlik darajasini aniqlash uchun maxsus mashqlar tanlab olindi va quydagicha natijalar qayt etildi: 14 yoshli o'quv-mashg'ulot guruxida shug'ullanuvchi sportchilarimizning o'rtacha ko'rsatkichi 19,6 martani tashkil qilgan bo'lsa 15 yoshlilardan tashkil topgan erkin kurashchilarning o'rtacha ko'rsatkichi 20,5 martaga teng ekanligi aniqlandi. O'tkazilgan ushbu nazorat sinovimizda har ikki guruhdan olingan natijalarni solishtiradigan bo'lsak, qorin mushaklarining rivojlanganlik darajasidagi farqlar katta emasligi kuzatildi.

14-15 yoshli erkin kurashchilar o'rtasida joyda turgan holda balandlikka sakrash nazorat sinov mashqi o'tkazildi. Ushbu tanlab olingan mashq boldir va oyoq panja mushaklarini rivojlanganlik darajasini aniqlash uchun xizmat qiladi. Tanlab olingan nazorat mashqi yuzasidan olingan natijalar bir-biridan uncha katta bo'lmagan farq bilan yakunlandi. 14 yoshli erkin kurashchilarimizdan olingan natijalarning o'rtacha ko'rsatkichi 31 sm ni tashkil qilgan bo'lsa, 15 yoshli erkin kurashchilarning o'rtacha ko'rsatkichi 33,4 sm ga teng bo'ldi. Natijalar orasidagi farq 2,4 sm ni tashkil etdi (2-jadvalga qarang). Maskur yoshdagi erkin kurashchilar qayd etgan natijalar yuzasidan olingan natijalar tadqiq etilib borildi. Mamlakatimiz sharafiga himoya qilib kelayotgan yuqori malakaga ega bo'lgan sportchilar safini yanada ko'paytirish hamda yuqori darajadagi musobaqalarda yurtimiz bayrog'ini eng baland pog'onalarda ko'tarilib turishi uchun hozirdanoq o'sib kelayotgan yosh sportchilarning tayyorgarlik jarayonlariga to'g'ri yondoshib ulardagi xato va kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish, ulardagi jismoniy rivojlanish ko'rsatkichlarini aniqlab kerakli ko'rsatma va tavsiyalarni ishlab chiqish maqsadida ushbu tadqiqot jarayonini yanada kengaytirgan holda ko'plab sportchilar orasida tashkillashtirish maqsadga muvofiq hisoblanadi [5, 7].

**XULOSA.** O'tkazilgan tadqiqot natijalari yuzasidan xulosa qiladigan bo'lsak, boshlang'ich tayyorgarlik guruhida mashg'ulotlar olib borayotgan 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanganlik darajasi qayd etilgan natijalarga ko'ra tadqiq etib borildi. Dastlabki olingan tadqiqot amaliyotimizda 14-15 yoshli erkin kurashchilarning antropometrik o'lchamlari aniqlab olindi. Ushbu natijalar muobaynida qayd etilgan natijalar shuni ko'rsatmoqdaki maskur yoshdagi erkin kurashchilarning tana uzunligiga qaraganda tana vazni nisbatan yengil ekanligi aniqlandi. Ushbu jarayon ham yosh kurashchilarning tayyorgarlik jarayonlariga salbiy tasirini ko'rsatishi murabbiylar nazaridan chetta qolmasligi zarur. Amalga oshirilayotgan mashg'ulot jarayonlarida yosh kurashchilarning antropometrik ko'rsatkichlarini ham inobatga olish muhim ahamiyat kasb etadi. Jismoniy rivojlanish darajasining shakllanib borayotganligi aniqlangan tadqiqot ishlarida shunday ko'rsatkichlarni qayd etdi. Unga ko'ra kuch, tezkorlik, chaqqonli, egiluvchanlik kabi sifatarning yoshga nisbatan sust rivojlanishi amaliyot jarayonlarining muntazamliligi hamda individual ishlash prinsipining sust olib borilayotganligidan dalolat beradi. Biroq olib borilgan tadqiqot ishlaridan va yuqorida keltirilgan



ilmiy uslubiy adabiyotlarni tahlili yuzasidan to'plangan ma'lumotlardan yana shunday xulosa qilish mumkin-ki, boshlang'ich tayyorgarlik bosqichida shug'ullanuvchi 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy tayyorgarlik dinamikasi yuzasidan aniq ma'lumotlar yo'qligi yosh kurashchilarning sifat darajalarini oshirish imkoniyatlarini pasaytiradi. Shu bilan bir qatorda murabbiylar tamonidan sportchilarda sportdan bezish, zerikish va shunga o'xshash ruxiy xolatlar kuzatilmasligi uchun mashg'ulot jarayonining xilma xilligiga aloxida e'tibor qaratish lozim.

#### ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган” йиғилишдаги нутқи; 2018 йил 21 сентябрь, Халқ сўзи газетаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони
3. “Kurash turlari va uni o'qitish metodikasi” O.E.Toshmurodov, B.B.Kipchakov, A.T.Umarov. Samarqand-2021. 62-b
4. Abdullaev Sh.A.-Erkin kurash. Toshkent, axborot press 2017y. 52-b.
5. Bobomurodov F.I. Kurashchilarning morfologik xususiyatlarini hisobga olgan holda texnik-taktik harakatlarini takomillashtirishga differensial yondashuv. Ped.f.b.f.d (PhD). diss. avtoreferati.
6. Nurshin J.M. – O'zbek milliy kurashi. Toshkent. 1993y.17-B.
7. Aliev I.B. – Kurash bilan shug'ullanuvchi talabalarning mashg'ulot yuklamalari. Toshkent – 2012y.
8. Акбаров Ахматжон, “Спортда математик таҳлил усуллари”, ўқув қўлланма, [http://library.uzdjtsu.uz/files/pdf/Sportda\\_matematik\\_tahlil.pdf](http://library.uzdjtsu.uz/files/pdf/Sportda_matematik_tahlil.pdf) УзДЖТСУ, 2020, 228 с.
9. Спортда педагогик тадқиқот натижаларини интерпретация қилиш усуллари солиштириш, А Ахматжон, Фан-спортга, 62-64, 2021, № 6
10. Taymurodov A.R. - Kurash. Monografiya 2007y.78-B.
11. Адбулҳақов М.Р.- Боротся чтобы побеждать. Спорт в твоей жизни. – М.: 1990 г. с.144.
12. Tastanov N.A. –Kurash turlari nazariyasi va uslubi. T.:2017y. 172-173-B
13. Yusupov K.T. – Milliy kurash qoidalari. Monografiya. Toshkent -1992y.

#### 14-15 yoshli erkin kurashchilarning jismoniy rivojlanganlik dinamikasi

**Rezyume.** Maskur maqolada 14-15 yoshli kurashchilarning jismoniy rivojlanganlik darajalari hamda ulardagi fiziologik ko'rsatkichlar aniqlab boriladi. Yosh kurashchilar tayyorgarlik darajalaridagi kamchilik va muammolar yuzasidan kerakti tavsiya va ko'rsatmalar ishlab chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** Jismoniy tayyorgarlik, jismoniy ko'rsatkichlar, 14-15 yoshli kurashchilar, kuch, egiluvchanlik, jismoniy sifat.

#### Динамика физического развития борцов вольного стиля 14-15 лет

**Резюме.** В данной статье определены уровни физического развития борцов 14-15 лет и их физиологические показатели. Разработаны необходимые рекомендации и инструкции по устранению недостатков и проблем, связанных с подготовкой с юных борцов.

**Ключевые слова:** Физическая подготовка, физические показатели, подростки 14-15 лет, борцы, сила, гибкость, физические качества.

#### Dynamics of physical development of 14-15-year-old freestyle wrestlers

**Summary.** In this article, the levels of physical development of 14-15-year-old wrestlers and their physiological indicators are determined. Necessary recommendations and instructions will be developed regarding deficiencies and problems in the training levels of young wrestlers.

**Key words:** Physical training, physical indicators, 14-15-year-old wrestlers, strength, flexibility, physical quality.

УДК 519.682

#### PYTHON ДАСТУРЛАШ ТИЛИ ВА УНИНГ КУТУБХОНАЛАРИ

<sup>1</sup>Қудайбергенов А. А., <sup>2</sup>Аметова Г. Е.

<sup>1</sup>Қорақалпоқ давлат университети

<sup>2</sup>Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Ҳозирги кунда тармоқ технологияларининг ривожланиши билан Интернет глобал тармоғи ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида қўлланила бошланди. Интернетдан тобора кўпроқ одамлар фойдаланмоқда ва бу борада веб-иловаларни яратиш ва ривожлантириш имкониятини берувчи кўплаб технологиялар пайдо бўлди. IT-мутахассислар ҳар доим ўзаро платформали, бепул, ўрганиш осон бўлган дастурчилар ҳамжамиятини қўллаб-қувватлаши ва иловаларимизни тезда ишлаб чиқишимизга ёрдам берадиган яхши ўрнатилган функцияларга эга тилни излайдилар. Агар ўзингиздан сўрасангиз, бундай тил борми? Жавоб "Ҳа" ва бу Python. Ушбу дастурлаш тили 1980-йилларда ишлаб чиқилган ва тўксонинчи йилларга яқинроқ амалга оширилган веб-ишлаб чиқиш учун нисбатан ўрта ёшдаги тилдир. Унинг муаллифи Гвидо ван Россум ўқитиш учун ишлатилган ABC тилини (ABC императив, процедурали, структурали юқори даражадаги умумий мақсадли дастурлаш тили ва IDE) такомиллаштиришни хоҳлаган, аммо бир қатор камчиликларга эга эди. Натижада, Россумнинг узок ва узлуксиз ишидан сўнг, юқори даражадаги, скрипти PL (PL - Protessual Language) олинди, бунинг натижасида web-ишланма янги босқичга кўтарилди.

Python энг машҳур умумий мақсадли дастурлаш тилларидан биридир. Бу дунёдаги энг тез ривожланаётган дастурлаш тилларидан бири бўлиб, ундан дастурий таъминот муҳандислари, математиклар, маълумотлар таҳлилчилари, олимлар, тармоқ муҳандислари, талабалар ва ҳисобчилар фойдаланади. Келинг, Python ни шундай кучли тилга айлантирадиган хусусиятларни кўриб чиқайлик.

Бу интерпретацияланувчи, объектга йўналтирилган ва юқори даражадаги дастурлаш тили. Python интерпретацияланувчи тил деб аталади, чунки унинг дастлабки коди байт-кодга компиляция қилинади, кейин эса интерпретацияланади. CPython одатда Python кодини интерпретациялашдан олдин байт-кодга компиляция

қилади. У динамик турлаштириш ва динамик боғлашни қўллаб-қувватлайди. Java, C ва C++ каби тилларда сиз int ўзгарувчисини сатр қийматига ишга тушира олмайсиз ва бундай ҳолларда дастур компиляция қилинмайди. Код бажарилмагунча Python ўзгарувчининг турини билмайди.

Python ўқишни яхшилайдиган ва кодни сақлаш харажатларини камайтирадиган оддий синтаксисга эга дастурлаш тили ҳисобланади. Код аниқ ва қисқа кўринади.

```
a = float(input("Birinch sonni kiriting: "))
b = float(input("Ikkinchi sonni kiriting: "))
c = a + b
print(f"{a} + {b} = {c}")
```

Python фреймворкида кодни қайта ишлатишни осонлаштирадиган модуллар ва пакетлар мавжуд. Python очиқ кодли ва бепул тарқатилади. Сиз уни бепул юклаб олишингиз ва ўзингизнинг иловангизда ишлатишингиз мумкин. Сиз шунингдек дастлабки коднинг ўқишингиз ва ўзгартиришингиз мумкин. Кодни компиляция қилиш йўқ – “таҳрирлаш-тестлаш-отладка” цикли тез, бу ҳар қандай дастурчига завқ бағишлайди. Истисноларни қайта ишлашни қўллаб-қувватлайди. Ҳар қандай код хатоликга мойил. Python қайта ишланиши мумкин бўлган истисноларни ҳосил қилади, шунинг учун дастурдаги носозликларни олдини олишга имкон беради[1].

Хотира автоматик бошқарилади. Python да хотирани бошқариш барча Python объектлари ва маълумотлар тузилмаларини ўз ичига олган хусусий уюмни (навбатни ифодаловчи маълумотлар тузилмаси) ўз ичига олади. Талаб бўйича Python хотира бошқарувчиси Python объектлари ва бошқа ички буферлар учун уюм майдонини ажратади. Ушбу хусусий уюмни бошқариш Python нинг ички хотира менежери томонидан таъминланади.

Python билан кўп нарса қилишингиз мумкин, яъни:

**Python-да веб-ишланма.** Web-ишланмада Python сервер дастурлаш учун ишлатилади. Web-ишлаб чиқувчи сифатида сизда веб-фреймворкларнинг кенг доирасидан сервер томонидаги дастурлаш тили сифатида Python ни ишлатишга танлаш имконияти мавжуд. Django ҳам, Flask ҳам Python тили дастурчилари учун машҳур муҳит ҳисобланади. Django (/ˈdʒæŋɡoʊ/ джанго) Python да ёзилган веб-иловалар учун бепул ва эркин фреймворкдир. Фреймворк - бу веб-сайтларни тез ва осон ишлаб чиқишга ёрдам берадиган компонентлар тўплами. Flask - бу Python дастурлаш тилида лойиҳани оддий ва тез яратиш учун мўлжалланган микрофреймворк бўлиб, мураккаб иловаларга масштаблаш қобилиятига эга. "Микрофреймворк" тушунчаси мажмуада асбоблар ва кутубхоналарнинг йўқ тўпламини дастурчи масалалардан келиб чиқиб уларни ўзи ўрнатиши мумкинлигини англатади. Python прототипларни ёки кичик дастурларни, шунингдек, катта ва кенгайтириладиган лойиҳаларни, масалан, порталлар, веб-хизматлар, онлайн-дўконларни яратиш учун фойдаланиш ҳам бир хил даражада қулайдир.

**Python да машинали ўқиш ва сунъий интеллект.** Python - бу машинали ўқиш ва сунъий интеллект (Machine Learning ва Artificial Intelligence) соҳасида қўлланиладиган асосий дастурлаш тилларидан бири. Масалан, Google Brain тадқиқот гуруҳи томонидан яратилган очиқ кодли TensorFlow кутубхонаси Python ёрдамида ёзилган. Google ушбу кутубхонадан сунъий интеллектни ўрганиш учун ишлатиладиган нейрон тармоқларни дастурлаш ва ўқитиш учун фойдаланади. Python жуда қулай тил бўлгани учун, унда сизнинг ишингизни осонлаштирадиган жуда кўп ажойиб кутубхоналар мавжуд. Мавжуд Python кутубхоналарининг кўпчилиги ғилдиракни ихтиро қилишдан кўра кўпроқ қизиқарли нарсаларга эътиборингизни қаратишга ёрдам беради.

**Python да маълумотларни таҳлил қилиш.** Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича мутахассиснинг роли биринчи навбатда маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқлиги ажабланарли эмас. Таҳлил натижалари ҳисобот ёки машинали ўқиш модели учун асос бўлиши мумкин, аммо ҳамма нарса маълумотлардан бошланади ва Python маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича мутахассислар учун энг машҳур дастурлаш тилидир. Ўн йиллик очиқ манбаларни ишлаб чиқишдан сўнг, Python статистик маълумотлар ва рақамлар билан ишлаш учун кучли кутубхоналар орқали кенг функционал имкониятни тақдим этди: NumPy ва Pandas маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқаришни соддалаштиради; Matplotlib сизга жозибали маълумотлар визуализациясини яратишга имкон беради; Scikit-learn оддий ва самарали башоратли маълумотларни таҳлил қилиш учун мўлжалланган; TensorFlow ва PyTorch машинали ўқиш ва чуқур ўқиш имкониятларини беради.

Қоида тарикасида, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш лойиҳаси маълум бир сценарийда аналитик маълумотларни олиш ёки гипотезани синаш учун мўлжалланган[2].

**Big Data билан ишлаш учун Python дан фойдаланиш.** Python да катта маълумотлар билан ишлашга мўлжалланган бир нечта кучли ва машҳур кутубхоналар мавжуд: таҳлил, визуализация, прогнозлаш тенденциялари. Масалан, SciPy очиқ манбали кутубхонаси математик, муҳандислик ва илмий ҳисоблаш учун модулларни ўз ичига олади. Matplotlib – маълумотларни визуализация қилиш учун энг машҳур кутубхоналардан бири.

**Python да ўйинларни яратиш.** Python ва Pygame ўйинларни тезда прототиплаш ёки оддий ўйинларни яратишни ўрганаётган янги бошланувчилар учун яхши тиллар ва фреймворклар. Pygame - бу Windows, macOS, Linux ёки Android операцион тизимларда турли хил қурилмалар учун ўйинлар яратиш учун машҳур кутубхона. Python да ўйинларни ишлаб чиқишда нафақат PyGame, Tower Defence ва платформа ўйинлари, балки DOOM ва MMORPG, танишувлар/учрашувлар симуляторлари, визуал новеллалар, DARPA танловлари, қойнотни моделлаштириш ва паст орбитали сунъий юлдошларни автоматик кўзатишдир[3].

**Desktop дастурлар.** Python стандарт кутубхонасининг бир қисми сифатида Tkinter сизга кичик, оддий график интерфейс дастурларини яратиш имкониятини беради. PyQt кутубхонаси Qt дастурларини ишлаб чиқиш платформаси учун (C++ асосида) иш столи учун Python уланишларини яратиш учун энг фойдалидир. PySide – бу Python ни график интерфейс билан Qt нинг кроссплатформали инструментлар тўпламига боғлайдиган кутубхона. Python да кучли дастурлар ва инфратузилмалар яратилган, масалан, GIMP тасвир муҳаррири, Ubuntu операцион тизимидаги дастурлар дўкони, 3D график муҳаррирлари, bittorrent тармоқлари ва бошқалар. Рўйхатни узоқ вақт давом эттириш мумкин.

Бундан ташқари, Python кўпинча бундай дастурларнинг ажралмас қисмига айланади. Масалан, Sublime Text C++ да, кенгайтмалар ва плагинлар эса Python да ёзилган. Шундай қилиб, Python кўпинча қутилмаган жойларда топилиши мумкин. Python учун маълумотларни таҳлил қилишнинг турли босқичларида ишлатилиши мумкин бўлган жуда кўп кутубхоналар мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг аксарияти бепул. Буларнинг барчаси Python ёрдамида маълумотлар билан ишлаш қулайлигига таъсир қилади. Python умумий мақсадли тил бўлиб, нафақат маълумотларни таҳлил қилиш учун яратилган. Динамик турлаштириш билан ишлаб чиқиш анча осон, аммо у ҳар хил турларга тегишли маълумотларда хатоларни қидиришни секинлаштиради. Python маълумотларни таҳлил қилиш учун энг машхур дастурлаш тили бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда маълумотларни таҳлил қилиш учун кўплаб тиллар мавжуд, жумладан R, SQL, Julia ва Scala. Уларнинг ҳар бири муайян вазифаларни бажаради ва бошқаларга қараганда яхшироқ ишлайди. Умуман олганда, лойиҳа учун идеал тил йўқ. Шунга қарамай, Python маълумотларни таҳлил қилиш учун энг машхур дастурлаш тили бўлиб қолмоқда. У жуда кўп кутубхоналарни таклиф қилади, катта жамоага эга ва ўрганиш осон.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бизли Д. Python. Подробный справочник. - Пер. с англ. - СПб.: Символ-Плюс, 2010. - 864 с, ил.
2. <https://learn.microsoft.com/ru-ru/training/modules/explore-analyze-data-with-python/>
3. <https://habr.com/ru/post/645041/>

*Python дастурлаш тили ва унинг кутубхоналари*

**Резюме.** Мақолада Python дастурлаш тилининг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилинади. Шунингдек, биз тил қамровини ва ҳозирги кунда Python ишлатадиган машхур дастурлар, ўйинлар ва иловалар ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқдик. Ушбу мақола дастурлашга қизиқувчиларга ёрдам беради.

**Таянч сўзлар:** Python дастурлаш тили, web-ишланма, маълумотларни таҳлил қилиш, машинали ўқиш, сунъий интеллект.

*Язык программирования Python и его библиотеки*

**Резюме.** В статье рассматриваются преимущества и недостатки языка программирования Python. Мы также рассмотрели языковой охват и информацию о популярных программах, играх и приложениях, которые в настоящее время используют Python. Эта статья поможет тем, кто интересуется программированием.

**Ключевые слова:** язык программирования Python, веб-разработка, анализ данных, машинное обучение, искусственный интеллект.

*Python programming language and its libraries*

**Summary.** The article discusses the advantages and disadvantages of the Python programming language. We also looked at language coverage and information about popular programs, games, and applications that currently use Python. This article will help those who are interested in programming.

**Key words:** Python programming language, web development, data analysis, machine learning, artificial intelligence.

## ЭВРИСТИК МЕТОД ВА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИ

Худойназаров Э. М.

Урганч давлат университети

Жаҳонда талаба-ёшларнинг мантиқий фикрлаш фаолиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган илмий изланишларда ўқув-тарбия жараёни натижавийлигига алоҳида эътибор қаратилиб, бошланғич синф ўқитувчиларида мантиқий фикрлаш фаолиятини шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш зарурлигига урғу берилмоқда. Ушбу тадқиқотларда бошланғич синф ўқитувчиларида мантиқий фикрлаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бошланғич синф ўқитувчиларида мантиқий фикрлаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методик тизимини яратишга оид илмий жиҳатдан асосланган таклифлар, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, математик мулоқот ва ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини шакллантиришга устувор аҳамият қаратилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4708-сон қарори, 2018 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Фармони ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда **бошланғич синф**

ўқитувчиларнинг мантиқий фикрлаши ривожланишини таъминлаш муаммосини хал қилиш муайян даражада хизмат қилади.

Ўқитувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг бир қатор шарт шароитлари мавжуд: изланиш характеридаги етакчи ҳолатларни аниқлаш; мавжуд қолиплардан қутулиш; топшириқларга нисбатан қизиқишларни барқарорлаштириш; асосий ўқув натижаларининг махсулдорлигига эришиш; муаммоларни чизмалар шаклида ифодалаш.

Эвристик фаолиятни ривожлантириш жараёнида **мантиқий фикрлашнинг ривожланиши** мақсадида қуйидаги усул ва методлардан фойдаланилади: муаммони ичига кириб бориш методи; эвристик кузатиш методи; эвристик тадқиқот методи; фаразларни илгари суриш методи; йириклаштириш, мақсадга йўналтириш ва режалаштириш методи; таълим олишни мустақил ташкил этиш методи; биргаликда ўқиш методи. Эвристик ўқитиш жараёнида ечиладиган топшириқлар қуйидагиларда намоён бўлади: ўқувчиларни таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш операцияларига жалб этиш орқали уларда эвристик тафаккур ривожлантирилади [2]. Талабаларнинг эвристик фаолияти биринчи навбатда уларда ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилади. Эвристик методдан янги мавзунини ўзлаштириш, илгари эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, қиёслаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, фаолиятнинг янги турларини эгаллаш жараёнида фойдаланилади. Айниқса математика ва она тили дарсларида ушбу методдан фойдаланиш топшириқларни табиий тарзда мустақил бажариш, бетакрор ечимларни илгари суриш имконини беради. Шу билан бир қаторда ишончли маълумотларни излаш, уларни қайта ишлаш ва фойдаланишга қўмаклашади. Мустаҳкам интеллектуал асосни яратмасдан туриб, талабаларнинг эвристик фаолиятлари, ижодий тафаккурларини ривожлантириш имконсиз ҳисобланади. Ўқитувчилар турли техник воситалар, амалий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Талабаларга тақдим этиладиган эвристик машқлар ўзида интеллектуал жиҳатдан ривожлантирувчи топшириқлар тизимини мужассамлаштириши талаб этилади. Бундай топшириқларни бажариш жараёнида дастлаб талабалар турли қийинчиликларга дуч келадилар. Топшириқларнинг мураккаблик даражасини белгилашда ўқувчиларнинг эвристик имкониятлари, ижодий фикрлаш даражалари аниқ ҳисобга олиниши муҳим аҳамиятга эга. Бундай топшириқлар ёрдамида талабалар нафақат эвристик қўникмаларини ҳам эгаллайдилар. Талабаларда дивергент тафаккурни шакллантириш учун бутун ва қисм, замон ва макон орасидаги муносабатлар ўргатилади. Эвристик топшириқлар дарсларнинг ўқувчилар учун қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Масалан, математика ўқитиш методикаси фанида ҳисоб китобларни бажаришда. Талабаларга сонларни кўпайтиришни устуншакда эмас, янги методда топишни таклиф қиламиз [3].

Икки хонали сонни 101 га кўпайтиришда икки хонали сон икки марта ёзилади.

$$62 \times 101 = 6262, \quad 85 \times 101 = 8585$$

Икки хонали сонни 11 га кўпайтиришда, соннинг рақамлари йигиндиси 10 дан ошмаса, шу йигинди рақамлар орасига ёзилади.

$$34 \times 11 = 374, \quad 42 \times 11 = 464, \quad 81 \times 11 = 891$$

Икки хонали сонни 99 га кўпайтиришда икки хонали сон битта камайитирилади ва ёнига 99 гача тўлдирувчиси ёзилади.

$$62 \times 99 = 6138, \quad 85 \times 101 = 8415$$

Икки хонали сонлар кўпайтирилиб, уларнинг ўнлар хонасидаги рақамлари тенг ва бирликлар хонасидаги рақамлар йигиндиси 10 га тенг бўлса. Олдин бирликлар хонасидаги рақамлар кўпайтирилиб кўпайтманинг охирига ёзилади, кейин ўнлар хонасидаги сон ўзидан битта катта сонга кўпайтирилиб кўпайтманинг бошига ёзилади.

$$62 \times 68 = 4216, \quad 75 \times 75 = 5625, \quad 91 \times 99 = 9009$$

Фанларда эвристик топшириқлар мазмунини танлашда асар қаҳрамонлари, тарихий шахслар, қизиқарли воқеалар, спортчиларнинг ҳаётий фаолиятини ифодаловчи лавҳалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу талабаларнинг онгида янги маълумотларнинг шаклланишига қўмаклашиб, уларда турли манбалар билан ишлаш истагини кучайтиради. Ўқув дастурлари бошланғич синф ўқитувчиларига тақдим этиладиган билимларнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Ушбу таянч йўналишлар доирасида эвристик топшириқлар танланиши лозим. Бундай таянч йўналишлар сирасига фаолият компонентлари, олам ҳақидаги яхлит тасаввурлар, узвийлик, психологик қулайлик, кўпвариантlilik, креативликни ифодаловчи компонентларни киритиш мумкин. Психологик қулайлик шунда намоён бўладики, дарсда ҳар бир ўқувчи билиш фаолияти билан самарали шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Шу тарзда ўқувчилар ўзларининг ижодий лаёқатларини намоён қилишга интиладилар. Бошланғич синф ўқитувчилари таълим жараёнида эвристик машқлар ёрдамида ижодий тафаккурнинг турли йўналишларини ривожлантиришга эътибор қаратишлари талаб қилинади. Бундай йўналишлар сирасига муаммоларни излаш, турли объектлар орасидаги алоқадорликни англаб етиш, фаразларни илгари суришда кўпвариантlilik ва бетакрорликка эришиш кабилар назарда тутилади. Бошланғич синф ўқитувчиларида эвристик топшириқларни тақдим этишда ақлий ҳужум стратегиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда тезкорлик, мусобақалаштириш, ҳамкорлик ва биргаликда фаолият кўрсатиш усулларига таяниш орқали самарадорликка эришиш мумкин.

Билимларни фаоллаштириш ва ўқув топшириқларини тақдим этиш босқичида ўтилган материални такрорлаш имконини берадиган топшириқлар тақдим этилади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг қиёслаш, таҳлил, таснифлаш усулларини эгаллашларига эътибор қаратилади. Ушбу топшириқларни бажаришга қўмаклашадиган билимлар, янги материалларни ўзлаштириш учун таянч асос вазифасини ўтайди. Шу тариқа дарснинг қисман изланиш ҳамда ижодий характерга эга бўлган босқичи якунланади. Эвристик топшириқлар мотивлаштирувчи



ва ўқув топшириқларини илгари суриш функцияларини бажаради. Дарсинг кейинги босқичида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида эвристик билимларни ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи бошланади. Ушбу босқичда ўқувчилар томонидан янги фаразлар илгари сурилади, улар қабул қилинади ва асосли тарзда инкор этилади. Шу билан бир қаторда эвристик топшириқлар ёрдамида объектнинг мавжуд белгилари аниқланади, янги тушунчалар ва билимлар ўзлаштирилади, улар орасидаги алоқадорлик асосланади. Мазкур босқичда ўқитувчиларни мустақиллик даражаларини, ижодий лаёқатларини, иқтидорларини очишга хизмат қиладиган эвристик топшириқлар тизими тақдим этилади. Биргаликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилган янги билимлар талабалар учун шахсий аҳамият касб этиб, уларнинг янги билимларини осонгина ўзлаштиришларига қўмаклашади.

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариш босқичида мантикий топшириқлардан фойдаланилади. Эвристик ўқитишнинг ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур жараёнда талабаларга тайёр билимлар тақдим этилмайди. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқувчилар ахборотларни излайдилар, улар устида мушоҳада юритадилар. Компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари талабаларда амалий фаолият тажрибасини ҳосил қилишни назарда тутди. Бу жараёнда талабалар ўқув предметини ўзлаштириш асосида муайян кўникмаларга эга бўладилар. Ўқув предмети доирасида ўзлаштирилган билимлар асосида муайян фаолият усуллари, методлари, илмий атамалар, таянч тушунчаларни ўзлаштирадилар.

Эвристик фаолият технологиясининг назарий асослари қуйидагиларда намоён бўлади: 1) Янги билимларнинг шаклланиши эвристик суҳбатлар маҳсули бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлари билан уйғунлаштирилиши лозим. 2) Ўқитувчи режага мувофиқ тарзда муаммоли вазиятларни ҳосил қилади, ўқувчилар эса ушбу вазиятларни таҳлил қиладилар, ўз олдларига муаммолар қўядилар, мазкур муаммоларга ечим излайдилар, ўз фаразларини илгари сурадилар ва уни исботлашга ҳаракат қиладилар. 3) Ўқитувчи ўқувчиларга ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаш олиганликларини, фаразларини илгари сура олишлари ва уни асослашлари, фаолиятнинг умумлашган усуллари ўзлаштирганликларини учун баҳо қўяди.

Ўқитишнинг эвристик усули талабаларни ижодий фаолликка йўллаш имконияти сифатида баҳоланади. Ўқувчи билиш объектини ўрганади ва тадқиқ этади. Эвристик ўқитиш технологиясининг ўзига хос жиҳати ўқувчиларда муайян фаолият тажрибасини ҳосил қила олишидир. Бу жараёнда талаба билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ўзлаштирувчи субъект сифатида намоён бўлади. Билимлар муаммоларни бартараф этиш, ҳаётий масалаларга ечим топиш маҳсули сифатида фойдаланади.

Эвристик ўқитиш технологиясининг натижалари муаммоларни кўра олиш, тушуниш, уларга ечим топиш, ечим топишнинг ностандарт усуллари таклиф қилиш, муаммонинг характерли жиҳатларини очиш, муайян ходисага турли нуқтаи назардан ёндашишда кўринади. Эвристик ўқитишнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: 1. Ўқитиш мазмунида муайян ўқув предмети доирасида қатъийлашган қоидаларнинг юмшатирилганлиги яъни интегратив мазмунга эга бўлган вариатив ўқув дастурларининг яратилиши; эвристик технология доирасида билимлар тизимининг очиқлиги ва кўпвариантчилиги; ўқитувчининг очиқ характердаги топшириқларни тақдим этиш имкониятига эгалиги ва уларнинг 3-4 вариантдаги ечимларини билиши; талабаларнинг топшириқларнинг кўпвариантли ечимларини билишлари, мазкур топшириқларнинг яна кўплаб ечимлари мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари. 2. Талабалар турли таркибдаги икки, уч, беш ва ҳокazo гуруҳларга бирлаша олишлари. Уларнинг ўз истаклари ёки топшириқларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда ўз гуруҳларида фаолият кўрсатишлари. 3. Таълим мазмунининг ўзлаштирилиши муайян мантиқ асосида ташкил этилиб талабалар ҳамда ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ёрдамида амалга ошади: муаммоли вазиятларнинг яратилиши; қийинчиликлар ва муаммонинг аниқланиши; муаммо ечимининг аниқ вариантлари таклиф қилиниши; муаммонинг мантикий жиҳатдан текшириб ўрилиши ва бир қатор фаразларнинг илгари сурилиши; мантикий хулосалар ва фаразларни асословчи кузатиш ва тажриба натижаларининг тақдим қилиниши. 4. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқитувчининг асосий эътибори талабаларда муайян билим, кўникма, малакаларни шакллантиришга эмас, балки таянч компетенциялар, мулоқот, ўз-ўзини ривожлантириш, умуммаданий фаолият тажрибасини ҳам ўзлаштиришларига қаратилиши лозим. 5. Ўқитувчи ўқув жараёнида очиқ мавқега эга бўлиб, ўзининг ташкилотчилик кўникмаларини намоён этади. Жумладан: талабаларгатавон эркинлиги тақдим этилади; ўқув фаолияти жараёнида талабаларда рефлексив кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Эвристик методлар талабаларга ахборотларни тақдим этиш имкониятини чекламайди. Мазкур ахборотларни ўзлаштириш ва амалий фаолиятларида қўллашлари учун шароит яратади. Эвристик ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан талабаларга тақдим этиладиган билимлардан уларда ижодий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш мақсадида фойдаланилади. Бошланғич синф ўқитувчилари талабаларда ижодий фаолият тажрибасини ҳосил қилиш учун муайян дидактик воситалар, усуллар, методлар ва қонуниятлардан фойдаланадилар. Дарсларда эвристик методларни қўллашдан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларда изланувчанлик кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Эвристик ўқитишнинг асосий таркибий қисмлари унинг шакллари ва методларидир. Ўқитишнинг эвристик шакллари ва методлари ўқувчилар учун янги таълимий маҳсулотни яратиш имкониятини вужудга келтиради. Улар ўзида кенг қўламдаги дидактик воситаларни мужассамлаштиради. Мазкур воситалар ўқувчиларни ижодий фаолиятнинг кўплаб турлари: режалаштириш, назорат ва баҳолаш, таълимнинг таянч мазмунини ўзлаштирганликларини таҳлил қилишга тайёрлашни назарда тутди. Эвристик ўқитиш методлари ўқувчиларнинг ютуқларини қафолатлаш ва уларни интеллектуал ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Педагогик жараёнда эвристик ўқитиш методларини ўқувчини фаоллаштириш методи сифатида баҳолаш



тажрибаси мавжуд. Чунки мазкур методларни қўллаш натижасида ўқувчиларда юқори даражадаги ички ҳамда ташқи фаоллик кузатилади [4]. Эвристик ўқитиш методини қўллаш натижасида талабалар топшириқларни тезкорлик билан ечадилар, ҳамда уларни ечишнинг турли вариантларини қўллашга муваффақ бўладилар. Гарчанд кузатишларимиз олинган натижалар ҳар доим ҳам юқори бўлмаслигини кўрсатган бўлса-да, ушбу метод ёрдамида ўқувчиларда ижодий мустақиллик кўникмаларининг шаклланиши кузатилади. Эвристик фаолият талабаларда бир қатор лаёқатларни шакллантиришга хизмат қилади. Улар: маҳсулдор билиш фаолиятининг йўллари ва усулларини ўзлаштириш ҳамда қўллаш, ўқув материалларини тизимлаштириш ва изланишлар жараёнида улардан фойдаланиш, фаолиятнинг янги шароитларига мослашиш ва унинг натижаларини олдиндан кўра олиш, ўзининг интеллектуал-амалий фаолиятини башорат қила олиш, изчил, мантикий таҳлил асосида эвристик усулларнинг маҳсулдорлигини текшириб кўриш ва баҳолаш. Бу усул талабаларнинг ўз фаолиятлари натижаларини аниқ кўра олишлари, баҳолашлари ва топшириқларни тугал мантикий асосни англаган ҳолда ечишларига имконият яратади. Эвристик қоидалар муқобил изланишлар шароитида аниқ ҳаракатларни танлашни англатади. Бундай усуллар ўқувчиларни топшириқларни ечишнинг қулай вариантларини топишга ундайди. Барча усуллар ўқув-эвристик топшириқларни ечиш инструментариис сифатида намоён бўлади. Мантикий занжирга асосланган эвристик топшириқлар муамманинг ўзига хос жиҳатларини асослашга хизмат қилади. Дастлаб билимлар, ахборотлар, уларни ўзлаштириш усуллари ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш, кейин эса далиллар, мисоллар, тажрибага оид маълумотлар, умумлашмаларнинг табиийлигини тасдиқловчи ҳолатлар билан уларни таништириш мақсадга мувофиқ.

Буларнинг барчаси ўқув жараёнининг мантикий асосларини мусахкамлаш, индуктив ҳамда дедуктив методларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш имконини беради. Эвристик ўқитиш методлари доирасида энг кўп қўлланиладиган усуллар сирасига ақлий ҳужум, жамоавий ижодий фаолиятни фаоллаштирувчи усулларни киритиш мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Шарифзода С.Ў., Худойназаров Э.М. «Педагогика назарияси ва тарихи» (1-қисм). Дарслик. // – Т: «Bookmany print», 2022. – 270 б.
2. Khudonazarov E.M. Student's development as the main factor of educational activities // Eastern European Scientific Journal. – Ausgabe – Germany. 2-2017. P. 119-123.
3. Худойназаров Э.М. Математика ўқитиш методикаси /Ўқув қўлланма/ – Т: Нодирабегим, 2020. – 199 б.
4. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. – Т., 2018. – 152 б.

*Эвристик метод ва бошланғич синф ўқитувчиларининг мантикий фикрлашини ривожлантириш муаммоси*

**Резюме.** Мақолада эвристик фаолият ўқувчиларда бир қатор лаёқатларни шакллантиришга хизмат қилиши, маҳсулдор билиш фаолиятининг йўллари ва усулларини ўзлаштириш ҳамда қўллаш, ўқув материалларини тизимлаштириш ва изланишлар жараёнида улардан фойдаланиш, ўзининг интеллектуал-амалий фаолиятини башорат қила олиш, изчил, мантикий таҳлил асосида эвристик усулларнинг маҳсулдорлигини текшириб кўриш ва баҳолашга имконият яратувчи восита эканлиги назарий асосланган.

**Калит сўзлар:** мантикий фикрлаш, эвристика, тафаккур, эвристик метод.

*Развитие логического мышления у учителей начальных классов с помощью эвристического метода*

**Резюме.** В статье обосновывается, что эвристическая деятельность служит для формирования у учителей ряда целей: овладение и применение способов и приемов продуктивной познавательной деятельности, систематизация учебных материалов и их использование в исследовательской деятельности, уметь прогнозировать свою интеллектуальную и практическую деятельность, уметь проверить и оценить продуктивность эвристических методов.

**Ключевые слова:** логическое мышление, эвристика, мышление, эвристический метод.

*The content of ensuring the development of logical thinking of elementary school teachers using the heuristic method*

**Summary.** The article substantiates that heuristic activity serves to form a number of goals for teachers: mastering and applying methods and techniques of productive cognitive activity, systematizing educational materials and their use in research activities, being able to predict their intellectual and practical activity, being able to test and evaluate the productivity of heuristic methods.

**Key words:** logical thinking, heuristics, thinking, heuristic method.

UDK. 35-(121); 2022

## JASLARGA MILLIY MUZIKA SİRLARIN ÜYRETIWDE XALIQ QOSIQLARDIN ÁHMIYETI

Asqarov N.

Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

**Qısqaşa kirisiw.** Qaraqalpaq xalqınıń tariyxıan belgili kóplegen awır kúnleri, dáwirlerdi basınan keshirgen. Qansha turmıs qısqısında bolmasın hesh qashan saz-sáwbetin umıtpağan. Milliy sazlar, qosıqlar, ustazdan-shákirtke miyras bolıp biz jasap turǵan búgingi zamanımızǵa jetip kelgen. Bul xalıqtıń saz-sáwbetke degen qızıǵıwshılıǵınan derek beredi. Milliy qosıqlardı atqarıp, sazları oynaytuǵın baqsılarımız, jırlawshı jırawlarımızǵa keń jol ashılıp, mol imkaniyat berildi [1, 66]. Kórkem óner mektebinen, respublikamızdaǵı barlıq balalar muzıka mekteplerinen milliy sazları úyretiwshi klasslar ashılıp iske tústi. Jas óspirimlerdiń qızıǵıwshılıǵı artıp, qızıǵıwshańlıq penen sol ashılǵan taza klasslarda milliy sazları, qosıqlardı úyreniw baxtına miyasar boldı. Bul demek milliy muzıkaǵa degen qızıǵıwshańlıq xalqımız jaslarınıń sezimlerinde, ishki dúnyasında, sanasında ájayıp bir tuyǵını oyatıp, jas óspirimlerdi, jazları ózgeshe sırlı dúnyaǵa jetelegendeı tuyılǵanı anıq. Jazlarǵa milliy muzıkasınıń tez tásir etiwı tárbıyalıq jaqtan

ádepi-ikramlı bolıwına, belgili shayırlarımızdıń aqıl-násiyat qosıqları ruwxıy dúnyasına ornalasıp keleshekte mádeniyatlı, sana-sezimi rawajlangan insan bolıp jetisiwinde úlken áhmiyetke iye.

Bul sózime dálil retinde qaraqalpaq xalqındaǵı hár bir ananıń balasına aytqan háyyiwiniń naması da xalıq naması ekenligi hámmege ayan. Sol háyyiwdiń sózin bóbek túsınbegeni menen namasına buyıǵıp uyıqlaydı yamasa jubanadı. Bul demek milliy muzıkanıń qúdireti. Milliy muzıkamız benen kórkem ónerimiz, ádebiyat hám tilimiz benen bizde ullı xalıqpız. Milliy muzıkanıń sırların jaslarǵa úyretip, milliy saz áspablarımızda atqara biliwlerine, xalıq qosıqların sheber ayta biliwlerine tárbiya keń túrde rawajlandı hám durıs jolǵa qoyıldı. Xalıq namaların notalastrıp kitap etip shıǵarılıp jaslarǵa, ulıwma xalqımızǵa usınılıp atır [2, 52].

Qaraqalpaq jaslarına milliy namalardı úyretiwine mol imkaniyat bar ekenligi hámmege ayan. Házirgi waqıtta basshılıq tez pát penen rawajlanganı quwanarlı, biraq jırawlarımız ne?-degen soraw awır másele. Degen menen úmitsiz bolmay bul jırawshılıq ónerdi de jaslarımız arasınan shıǵadı degen isenim menen izlewimiz kerek. Solay etip milliy muzıkamızda jaslarǵa úyretiwdiń elede, qızıqtırıwıń jolların izlep, olardı oqıtıwıń bay metodikasın islep shıǵıw zárúr. Jaslardı qızıqtırıw ushın jas talantlılardı izlep tabıw ushın baqsı jırawlar jarısın ótkerip tursa, xalıq arasınan bir qansha talantlı jaslardı tabıwǵa boladı. Bul jarıstıń áhmiyeti sonda xalıqtıń qızıǵıwshılıǵın, milliy muzıkaǵa kóz-qarasın baytıp ıqlaslana intıǵıp tıńlawshılarına jol tapqan bolar edik. Xalıqtıń milliyliǵı hesh qashan joǵalmaydı. Hár bir xalıq óziniń milliy dástúrleri menen saz sáwbeti xalqına kórnekli qazaq etnografi Choxan Valixanov. Qaraqalpaqlar sahradaǵı birinshi shayırlar hám qosıqshılar -dep onıń muzıkaǵa bay ekenligin maqullap oǵan baha bergen [3, 25-26].

Milliy muzıka-tariyxıy waqıyalar menen tıǵız baylanısta ekenligi bizge belgili. Sebebi qaysınday-da bolıp ótken tariyxıy waqıya, muzıka menen baylanısıp, onı jırawlarımız yaki baqsılarımız xalıq arasında aytıp taratıp kelgen. Xalıq arasında «atalardıń iyegin kemseńletip kózine jas alatuǵın «Edigeni» ayt-dep ótiniw, tileklerde tegin ayılmasa kerek. Milliy muzıka da zamannıń kelbeti, xalıqtıń turmısı, shadlı-quwanışı hár bir namada kórsetilgen. Sonlıqtanda namalardıń qaysınday da sebepler menen atamaları kelip shıqqan.

**Maqalanıń tiykarǵı bólimi.** Oqıtıwshınıń maqseti hám wazıypası kórkem-ónerdiń aldına qoyǵan máseleler ishine kiredi, yaǵnıy atqarıwshılıq máseleleri kiredi degen sóz. Muzıka mektebiniń oqıtıwshısı sol qoyılǵan wazıypalardı sheshimin eń baslı basqısh dep sanaladı. Pedagogikanıń tiykarǵı elementleri; tárbiya beriw hám úyretiw bolıp tabıladı. Bul elementler jas sazendeni tárbiyalawda bir tulǵa bolıp esaplanadı. Mektep oqıtıwshısı atqarıwshı sazendeni tárbiyalawda usı elementlerdi tolıq paydalanıp biliw kerek. Sebebi oqıtıwshınıń maqseti bul jetiliske hám sanası sazendeni tayarlaw bolıp tabıladı. Bul isti júzege asırıwda kóplegen máselelerdi sheshiwge kerek boladı. Olardıń balanı muzıkaǵa qızıqtırıw muzıkalıq áspab penen támiyinlew nota sawatın úyreniw.

Muzıkalıq áspabtı durıs uslap shertiw qádelerin úyretiw, úy tapsırmaların orınlawdı talap etiw. Jeke kóz qaras penen onıń psixikasınıń hám uqıbın biliw onıń mádeniyat dárejesin kóteri w h.t.b. bir qatar máseleler kiredi. Usı ayılǵan máselelerdi oqıtıwshı óz jumısı waqtında durıs sheshse óziniń klassınan jaqsı sazendelerdi tayarlap shıǵara aladı.

«**Princip**» degenimiz kóp jıllar tájiriybesiniń hám mim tiykarında payda bolǵan turaqlı dáliylengen túsinipler kónlikpeler hám kóz-qaraslar boladı. Tárbiya maqsetinde bular hám tili hám tolıǵı menen qollanadı. Qanıǵe oqıtıwshı aspabtı shertiwdi úyreniw menen sheklenbewi kerek. Sol óziniń oqıwshısınıń tárbiyasına tártibine qızıqsına hám rawajlanıwına tolıq juwapkerli oqıwshınıń ádettegi dúnyaǵa kóz-qarası isenimi muzıkaǵa bolǵan qatnası oqıtıwshınıń tásiiri astında qalıplesiwi kerek [4, 112]. Oqıtıwshınıń tásiiri astında oqıwshılardıń tártibi onıń basqa pánlerge kóz-qarası jora joldasları qalıpleseı. Mısalı; oqıtıwshı oqıwshını óz xalqınıń muzıka mádeniyatın úyreniwi, onı jaman tásir eti wshı jat muzıkadan shetledi. Jeke sabaq waqtında oqıtıwshı oqıwshı menen hár qıylı temada gúrriń etip onıń kemshiligin tawıp keleshekte sol kemshiliklerdi saplastırwǵa háreket etiwi kerek. Qanıyge oqıtıwshı oqıwshılardıń úlgeriwin baqlap barıp basqa sabaqlarǵa qatnasın anıqlap oqıwshılardıń barlıq sabaqların jaqsı úlgeriwine járdem berip bariwı kerek hám basqa áspabta shertiwdi úyreniwde oqıtıwshı óziniń bilimin oqıwshıǵa berip onıń tártibin ádepliligin, atqarıwshılıq uqıplıqların arttırıp baradı. Tárbiyadaǵı eń tiykarǵı qural repertuar bolıp esaplanadı. Jaqsılap joybalastırılǵan repertuar oqıwshını óz Watanın súyi wshilikke tárbiyalaydı.

Berilgen repertuarı tek áspabta shertiwde sheklenbey onıń dóreti wshısı, dóreti w tariyxı shıǵarmalarınń mazmunı hám ideyası haqqındaǵı materiallar tárbiya jumıslarda úlken áhmiyetke iye. SHıǵarmalardıń ústinde islegende, oń jazılǵan dáwiri tuwralı, aǵımı hám bul shıǵarmanı atqarıwın belgili sazendelerdiń ómiri tuwralı túsinipler beriw kerek. Sonıń menen bir qatar usı máselelerdi júzege asırıw ushın oqıwshı ózi jigerli dıqqat hám tereń oy menen shıǵarmanıń jaqsı islemese jaqsı nátiyjege erise almaydı. Sol sebepli oqıtıwshı óz oqıwshılarına miynet etiwdi turaqlı hám izbe-iz kúndelikli tayarlawdı úyreniw kerek. Ataqlı rus atqarıwshısı hám kompozitor A.Rubiynshteyn «Eger men bir kún tayarlanbasam ózim sezemen, eger eki-kún tayarlanbasam joldaslarım sezedi, úsh kún tayarlanbasam xalıq sezedi» degen. Demek oqıtıwshınıń baslı wazıypası oqıw kúndegi miynetke úyreniw bolıp tabıladı.

Pedagogikalıq processte oqıtıw hám tárbiyalaw boladı. Qanıygelik bilim beriw máselelerde oqıtıwshı oqıwshılardıń muzıkaǵa biziń qızıǵıwshılıǵın rawajlandırıw, muzıkalıq oy-pikirin tereńlesiw kórkem-óner shıǵarmanı túsiri w hám onıń emocionallıq tásiirinde juwap beriw atqarıwshılıq kónlikpelerin hár túrli rawajlandırıw boladı. Kórkem shıǵarmanı túsiniw oqıwshılardıń minez qulqına onıń qábiletine baylanıslı boladı. Oqıwshı tek ózi túsiniplerin shıǵarmalardı jaqsı kóredi. Sol sebepli oqıwshılardıń túsiniǵı hám shıǵarmalardıń payda etetuǵın elesleıedi rawajlandırıw hám keńeytiw oqıtıwshınıń wazıypası bolıp tabıladı. Oqıwshı muzıkaǵa bolǵan súyispenshiligin hár qıylı jollar menen rawajlandırıwǵa boladı. Olardıń biri muǵallimniń ózi shıǵarmanı shertip beriwı yamasa koncertte shertiwge boladı [5, 256-257].

**Juwmaq.** Oqıw repertuarınıń bir qansha bólegin xalıq muzıkasınan dúziledi. Sebebi sol milleti shıqqan oqıwshıǵa hár qıylı muzıkası júdá túsinipli boladı. Sonıń menen birge oqıwshılardıń repertuarına klassik shıǵarmalarınan kóshirmelerdi kiritiw kerek. Bunda har bir saz áspabınıń texnikalıq múmkinshiliklerin esapqa alıw menen birge

shıǵarmanıń dinamikalıq shtrixlıq tonlıq qusaǵan qurallarına zıyansız ózgerislerdi kirgiziwge boladı. Oqıwshı oqıwshılardıń bir qansha rawajlanıwın atqarıwshılıq uqıplıqlarına kewil beriwı menen keń rawajlangan uqıpların hár qıylı shınıǵıwlar hám etyudlar járdemi menen tez jetistiriwdi maqset etip qoyıwı kerek. Oqıwshılardıń ulıwma muzıkalıq dárejesin kóteriwdi onıń jaratılstan berilgenlerin hár uqıplardı har qıylı shınıǵıwlar qıyınlastırıp paydalanıwǵa boladı. Biraq barlıǵına áspab penen kúndelikli izertlewler zárúrli bolıwı kerek. Oqıwshıǵa óz tayarlanıwında kúnde tayarlanıw paydalı ekenin túsindiriw kerek. Oqıwına ózi tayarlanganda qátelerin kóz benen qarap tawıp, ushırasatıwın qıyınshılıqlardı kúndegi miynet penen jeńiwge úyreniw oqıwshınıń wazıypasınıń biri boladı. Hár bir oqıwshı shıǵarmanıń qıyın jerlerin ózlestiriw menen birge shıǵarmanıń ústinde islew tamam boladı dep oylanıw kerek. Sebebi bunnan bir qansha atqarıwshılıq máseleleri payda boladı.

Oqıw tárbiya jumıslarına balanıslı bolǵan barlıq máselelerdi tek jobalastırıw arqalı iske asırıwǵa boladı. Jobalastırıw maqseti oqıwshını hár túrli rawajlanıw hám onıń atqarıwshılıq konlikpelerin jetilistiriw bolıp tabıladı [6, 39]. Oqıw repertuarın úlken dıqqat penen kórkemlik jaǵınan 1-oqıwshını qızıǵıwshılıǵın hám rawajlanıwın onıń uqıbın arttırǵan shıǵarmaların dúziw kerek. Repertuarda xalıq qosıqları sazları qońsılaxalıqlardıń muzıkası hám klassikalıq muzıkalıq shıǵarmalar hám janrlarda bolıwı shárt jobaǵa burın shertilgen shıǵarmalar kúndi kirgiziw úlken áhmiyetke iye boladı. Bul iyelegen tákirarlaw arqalı bekkemlewdi oqıwshınıń rawajlanıwı hám atqarıwshılıq uqıplarına.

Burın shertilgen pyesalardı tákirarlaw oqıwshılardıń repertuarın keńeytedi hám shıǵarmanı tereńirek túsiniw onıń mazmunın tıńlawshıǵa ashıp beriwine járdem beredi. Tákirarlawdıń nátiyjesinde oqıwshılardıń kórkem túsiniwleri artadı hám ol áspabtı tolıq iyelewge erisedi.

#### ÁDEBIYATLAR

1. Adambaeva T. Revolyuciyaǵa shekemgi qaraqalpaq muzıkası. Nókis 1976-jıl.
2. Qosbergenov R. «Qaraqalpaq xalıq koloniyal dáwirindegi mádeniyatı hám turmısı». Nókis 1970-jıl
3. Tájmuratov Á. «Qaraqalpaq xalıq qosıqları» Nókis 1965-jıl
4. Dáwqaraev N. «Revoluciyaǵa shekemgi qaraqalpaq ádebiyatınıń ocherkleri». Nókis 1961-jıl
5. Ayımbetov Q. «Xalıq danalıǵı» Nókis 1988-jıl
6. Ayımbetov Q. «Tariyxı qosıqlar, jırawlar repertuarında» Ámiwdárya jurnalı. №7, 1964-j.

*Yoshlarga milliy musiqa sirlarini o'rgatishda xalq qo'shiqlarining ahamiyati*

**Rezyume.** Qoraqalpoq xalqining milliy musiqasi og'izdan og'izga, avloddan-avlodga, ustozdan shogirdga o'tib kelayotgan mashhur qo'shiqlardan biridir. Maktablarda o'quvchilarga milliy musiqani o'rgatish Vatanga muhabbat tuyg'ularini rivojlantiradi.

**Kalit so'zlar:** dastan, baksi, qo'biz, milliy rang, ijro san'ati

*Значение народных песен в обучении молодежи секретам национальной музыки*

**Резюме.** Национальная музыка каракалпакского народа является одной из замечательных песенных мелодий, которая передается из уст в уста, из поколений в поколение, от учителя к ученику. Обучение национальной музыке учащихся в школах формирует эстетическое и патриотические чувства.

**Ключевые слова:** дастан, баксы, кобыз, национальный колорит, исполнительское мастерство

*The importance of folk songs in teaching the secrets of national music to young people*

**Summary.** The national music of the Karakalpaks is one of the most famous of the chants, which is transmitted by word of mouth, from generation to generation, from teacher to student. Teaching national music to students in schools develops patriotism for the Fatherland.

**Keywords:** dastan, bucks, kobyz, national color, performing arts

#### КАСБИЙ-ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК: МОҲИЯТИ ВА ТУЗИЛМАСИ

<sup>1</sup>Алламбергенов А.Ж., <sup>2</sup>Қаражанова А.А., <sup>3</sup>Турдымуратова Н.С.

<sup>1</sup>Қарақалпақ давлат университети

<sup>2</sup>Нукус давлат педагогика институти

<sup>3</sup>22-сонли ихтисослаштирилган мактаби

Бугунги кунга келиб, республикамызда миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш учун кенг шароит яратилди. Ўз навбатида, ислохотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини бермоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз» [1]. Таълимни модернизациялашга доир замонавий ёндашувлар таълим муассасаси фаолиятининг асосий натижаси фақатгина билим, кўникма ва малакалар тизимидан иборат бўлиб қолмасдан, балки давлат ва жамият томонидан белгиланган интеллектуал, ижтимоий-сиёсий, коммуникатив, ахборот ва бошқа соҳалар учун зарур бўлган компетенциялар тизимини шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозимлигини кўрсатади.

Педагогик адабиётларда компетенция ва компетентлик атамалари кўп қўлланилади ва аллақачон ўзининг ўрнига эга. Мазкур тушунчаларнинг кенг қўлланилиши, айниқса таълим мазмунини модернизациялаш (янгилаш) зарурати билан боғлиқ, аммо ушбу атамаларнинг мазмун-моҳияти ҳали тўлиқ аниқлаштирилмаган.

1965 йилда Н.Хомский тиллар назариясига, трансформацион грамматикага нисбатан қўлланиладиган «компетенция» тушунчасини таклиф қилди. Н.Хомский таъкидлаганидек, «... биз компетенция (ўз тилини гаплашиш ва тинглаш даражасида билиш) ва фойдаланиш (муайян ҳолатларда тилдан реал фойдаланиш) ўртасидаги фундаментал фарқни келтирамиз. Фақат идеал ҳолатда фойдаланиш бу тўғридан-тўғри компетенциянинг акс этишидир» [2]. Бундай ҳолатда айнан фойдаланиш компетенциянинг ҳақиқий намоён

бўлишидир. Н.Хомскийнинг сўзларига кўра, фойдаланиш амалда “ҳақиқатда” фикрлаш, тилдан фойдаланишга реакция, кўникмалар ва бошқалар билан, яъни шахснинг ўз тажрибаси билан боғлиқдир.

Н.Муслимовнинг фикрича инглизча “competence” тушунчасининг луғавий маъноси “қобилият” демакдир, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади [3].

Н.Тарасова “компетенция” тушунчасини “муаммони ҳал этиш учун билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берадиган билим, қадриятлар, лаёқатларга асосланган умумий қобилият” сифатида талқин этади [4]. Муаллифнинг фикридан келиб чиққан ҳолда, компетенция – инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир қобилияти, деган хулосага келиш мумкин.

Б.Ходжаев “компетенция” тушунчасига берилган аксарият таърифлар касбий таълим, касбий фаолият билан боғлиқликда баён этилганлигини, бироқ умумий ўрта таълим билан боғлиқликда мазкур тушунча инновация тавсифига эга бўлганлиги сабабли, унинг моҳиятини аниқлаштиришга алоҳида эҳтиёж мавжудлигини кайд этиб ўтиб, компетенция – маълум бир соҳада самарали продуктив фаолият учун зарур бўлган ўқувчининг аввалдан белгиланган таълимий тайёргарлигига қўйиладиган ижтимоий талаблар (меъёрлар)дан ҳам ўзиб кетишидир [5], деган хулосага келган.

И.А.Зимняя таъкидлашича, таълим натижасида инсонда қандайдир яхлит ижтимоий-касбий сифат шаклланиши керак бўлиб, бу унга ишлаб чиқариш вазибаларини муваффақиятли бажариш ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлишга имкон беради. У бу сифатни ижтимоий-касбий компетентлик сифатида белгилайди. Унга кўра ижтимоий-касбий компетентлик шахснинг яхлит бир сифати сингари талқин қилиниб, турли хил ижтимоий ва касбий вазиятларга мос ечим (стандарт ва айниқса ностандарт, ижодкорликни талаб қиладиган) билан намоён бўладиган шахсий интегратив шаклланган сифатни англатади. Ижтимоий-касбий компетентлик инсоннинг ҳаракатларида, фаолиятида, феъл-атворида, ишларида намоён бўлади.

Ижтимоий-касбий компетентлик тўрт блокни ўз ичига олади: таянч – интеллектуал (ривожланиш меъёрлари даражасидаги асосий ақлий операциялар) (таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, қийслаш, тизимлаштириш ва бошқалар); шахсий – масъулият, ташкилотчилик, қатъиятчилик; ижтимоий – инсон ҳаётини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг бошқа одамлар, гуруҳ, жамоа билан ўзаро муносабатларининг адекватлиги; касбий – касбий фаолиятни бажаришнинг адекватлигини таъминлаш [6].

Мавжуд ёндашувлар асосида компетентликнинг қуйидаги асосий хусусиятларини таъкидлаб ўтиш мумкин: эргономик талабларига мувофиқ касбий фаолиятни унумли олиб боришга имкон берадиган қобилиятлардан самарали фойдаланиш; мутахассислик бўйича ишлаш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш билан бирга касбий муаммоларни ҳал қилишда тезкор қарорлар қабул қилиш ва мослашувчан бўлиш, жамоа ва касбий даражада шахслараро мулоқот жараёнидаги ҳамкорлик; замонвий ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун энг мақбул бўлган билим, қобилият ва ўқувчиларнинг интеграциялашган ўқувлиги; ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини намоён этиш, ўз-ўзини баҳолашнинг юқори даражаси, турли вазиятлар ва атроф-муҳит динамикасига тезкор, мослашувчан муносабат асосида кенг қамровли нуқтаи назардан бирор бир нарсани яхши, самарали бажариш қобилияти.

Г.В.Ярочкиннинг фикрига кўра, таълим жараёнида компетенцияни шакллантириш ўқувчининг билимдонлигини эмас, балки муаммога ечим топиш қобилиятини биринчи ўринга қўяди. Таянч компетенциялар тузилмаси қуйидаги кўринишга эга бўлиши лозим: турли хил маълумотлар, шу жумладан дарсдан ташқари манбалардан маълумот олиш усулларини ўзлаштиришга асосланган мустақил, билиш фаолияти соҳасидаги компетентлик; фуқаролик-жамоат ишларидаги фаолият (фуқаро, сайловчи, истеъмолчи ролини бажариш) соҳасига доир компетентлик; ижтимоий ва меҳнат фаолияти (шу жумладан, меҳнат бозорида вазиятни таҳлил қилиш, шахсий-касбий имкониятларини баҳолаш, меҳнат муносабатлари меъёрлари ва этикасига риоя қила олиш, ўз-ўзини бошқариш кўникмалари) соҳасидаги компетентлик; маиший-турмуш соҳадаги компетентлик (шу жумладан, ўз соғлиги, оилавий турмуш тарзи ва бошқалар); маданий ва ҳордиқ чиқариш фаолияти билан боғлиқ (шу жумладан, шахсни маданий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш, бўш вақтдан фойдаланиш йўллари ва усулларини танлаш) компетентлик [7].

Таълим тизими шароитида таянч компетенциялар рўйхатини аниқ белгилаб олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун биз жамиятни демократиялаш ва бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун энг долзарб бўлган баъзи компетенциялар тўплами ҳақида гапиришимиз мумкин.

Компетенцияларни ривожлантириш бўйича педагогик мақсадларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари кўринишида эмас, балки ўқувчи фаолияти натижалари, яъни маълум бир ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёнида уни тарғиб қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан шаклланади. И.А.Зимняя фикрига кўра, ҳозирги пайтда кўплаб тадқиқотларда “компетенция”/“компетентлик” атамалари турли хил хусусиятларни англатади: ақлий ҳаракатлар (жараёнлар, вазибалар), инсоннинг шахсий сифатлари, мотивацион тенденциялар, қадриятлар йўналиши, диспозиция ўқувчилари, шахслараро ва конвенциал алоқа хусусиятлари, амалий кўникма ва малакалар. Бу Tuning Project лойиҳасида тўлиқроқ акс эттирилган ва қуйидаги компетенциялар ажратиб кўрсатилган: воситали – когнитив, методологик қобилиятлар, технологик ва лингвистик кўникмалар; ҳис-туйғуларни ифода этиш, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш қобилияти, шунингдек жамоада ишлай олиш каби ижтимоий кўникмалар билан боғлиқ шахслараро компетенциялар; ва яхлит тизимга тааллуқли кўникма ва қобилиятларни ўзида акс эттирувчи тизимли компетенциялар. Мазкур ҳолатда битирувчиларнинг тайёргарлигини тавсифлаш имконини берувчи кўникма ва қобилиятларнинг кенг рўйхати шаклланади. Касбий компетенциялар фақат билим ва кўникмаларга эга



бўлишнинг эҳтимоли, балки вазиятни тўлиқ ва аниқ идрок этиш, меҳнат ҳамда янгиликни ўзлаштиришга тайёрликни ўз ичига оладиган тажрибада мужассамлашади. Бу эса, таълим жараёни мантигини тубдан янгилаш ва унинг таркибий тузилишини ўзгартиришни талаб қилади.

Э.Ф.Зеер ўқув фаолияти мақсадлари ва натижага эришиш – компетентли мутахассис тайёрлаш ўртасидаги боғлиқлик таълим сифатини белгилашини қайд этиб ўтган. Бошланғич профессионал таълим битирувчиларининг компетенцияларини шакллантириш учун таркибий ва ташкилий-педагогик шароитлар сифатини таҳлил қилиш ва янгилаш усуллари излаш орқали қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш компетентли мутахассис кўринишидаги янги натижани олишга эришиш мумкин [8].

Таҳлилий материаллар асосида ўқувчиларда касбий-технологик компетентликни ривожлантиришга доир қўйидаги компетенциялар тизими аниқлаштирилди: когнитив - ахборот компетенция; коммуникатив компетенция; махсус-технологик компетенция; ижтимоий компетенция.

*Когнитив-ахборот компетенция* касбий фаолиятнинг назарий асосларини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг аввал эгалланган билимларга асосланиб янги маълумотларни идрок этишга тайёрлиги билан боғлиқ. У ахборот технологиялари (аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, Интернет) ёрдамида шакллантирилади. Ушбу компетенция таркибига ўқувчиларнинг таҳлил қилиш, ахборотни танлаш, ўзгартириш, муаммоларга ечим топиш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакалари киради.

Фуқаролик-жамоат ишларидаги фаолиятда (фуқаро, сайловчи, вакилнинг роли) ҳамда ижтимоий-меҳнат – истеъмолчи, харидор, мижоз, ишлаб чиқарувчи ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибага эга бўлиш билан тавсифланади. Ушбу компетенция меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш, шахсий ва ижтимоий манфаатларга мувофиқ ҳаракат қилиш, меҳнат ва фуқаролик муносабатлари этикасини ўзлаштириш қобилиятларини ўз ичига олади.

У жисмоний, маънавий ва интеллектуал ўз-ўзини ривожлантириш, эмоционал ўз-ўзини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш усуллари ўзлаштиришга қаратилган. Ўқувчилар ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш йўллари ўрганадилар, бу замонавий шахс учун зарур бўлган шахсий сифатларни ривожлантиришда, психологик саводхонлик, фикрлаш ва ҳуқ-атвор маданиятини шакллантиришда намоён бўлади. Ушбу компетенция мазмуни шахсий гигиена қоидалари, соғлиқни сақлаш, экологик маданият, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларидан иборат.

*Коммуникатив компетенция* қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: коммуникатив кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган фанлар (тилларни билиш, мулоқот психологияси, конфликтология, мантиқ, риторика, нутқ маданияти ва бошқалар соҳасидаги билимлар) соҳасидаги билимлар; коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятлари (ишбилармонлик алоқаларини аниқ ва тез ўрнатиш, ташаббус кўрсатиш, шахснинг ўзига ҳослигини адекват идрок этиш ва англаш асосида психологик таъсир ўтказиш, атрофдаги инсонлар билан биргаликдаги фаолиятда фаол муносабатда бўлиш); ўз-ўзини бошқариш қобилияти (ўзининг ва суҳбатдошининг ҳуқ-атворини меъёрга солиш, можароли вазиятларда самарали чораларни топиш, қулай психологик муҳитни яратиш, шахслараро муносабатлар ривожланишини прогноз қилиш қобилияти); вербал ва новербал ўзаро муносабат маданияти (нутқ техникаси, риторик услублар, баҳс-мунозара ва тортишув техникаси, касбий-педагогик одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, тушуниш ва категориал аппаратдан мақсадли фойдаланиш, нутқ интизомига риоя қилиш, новербал воситалардан фойдаланишни билиш).

Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар доирасида таълим парадигмасининг ўзгариши муносабати билан амалга оширилиб, унинг асосини тушуниришдан тушунишга, монологдан диалогга, ижтимоий назоратдан ривожланишга, бошқаришдан мустақил ўз-ўзини йўналтиришга ўтиш ташкил қилади.

*Махсус-технологик компетенция* – бу реал билиш объектлари билан боғлиқ бўлган мантикий, методологик, умумий фаолият элементларини ўз ичига олган ўқув-билиш фаолиятига доир кўникма ва малакалар йиғиндиси. Мақсадни белгилаш, режалаштириш, таҳлил қилиш, рефлексия, ўқув-билиш фаолияти муваффақиятини баҳолаш механизмларига эга бўлиш. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш йўллари, муаммоларни ҳал қилишнинг эвристик усуллари, самарали фаолиятнинг ижодий кўникмаларидан фойдаланиш, эҳтимолий, статистик ва билишнинг бошқа усуллари билан фойдаланиш.

*Ижтимоий компетенция* ўқувчининг кадриятга йўналганлиги, унинг атроф-муҳитни билиш ва англаш қобилияти, бу эса ўз йўлини топа олиш, ўз хатти-ҳаракатлари мақсадлари учун мақсадли установақаларни танлай олиш, қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, индивидуал таълим йўналиши ва умуман ҳаётини фаолият дастурини аниқлаб, ўқув фаолияти вазиятларида ўқувчининг ўз мавқеини белгилаб олишга имкон беради.

Бу ўқувчининг миллий ва умуминсоний маданиятнинг ўзига хос хусусиятларидан хабардорлигини, эмпатияга мойилликни (қайғуриш, бошқалар дардини ҳис қила олиш, сўз воситасида психотерапия қилиш қобилияти), алоҳида халқлар, инсон ҳаётининг маънавий ва ахлоқий асосларини, оила, ижтимоий ҳодисалар ва анъаналар маданий асосларини, майший ҳамда маданий-ҳордиқ чиқариш соҳасида компетенциялар, ўқувчиларнинг дунёнинг илмий қиёфасини ўзлаштириш тажрибасини ўз ичига олади. Биз юқорида ажратиб кўрсатган компетенциялар касбий-технологик компетентликнинг компоненти сифатида хизмат қилади.

Шундай қилиб, *касбий-технологик компетентлик* – бу когнитив-ахборот, коммуникатив, махсус-технологик, ижтимоий компонентларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган ўқувчиларнинг асосий интегратив хусусияти ҳисобланиб, уларда шаклланган касбий билим, кўникма ва малакалар даражаси ҳамда маълум касбий фаолиятда қўллаш мумкин бўлган касбий муҳим сифатларни ривожлантиришни ўзида акс эттиради.



## АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. – 22-б.
2. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса // Перевод с английского под редакцией и с предисловием В.А. Звегинцева // Изд-во Московского университета, 1998. – 233 с. – С.45.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: ЎМКХТТКМОҚТИ, 2007. – Б.130.
4. Тарасова Н.В. Мировой опыт реализации компетентного подхода в профессиональном образовании // Среднее профессиональное образование. – 2007. – №2. – С. 36
5. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – Б.79.
6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции как результативно-целевая основа компетентного подхода в образовании. – М.: Логос, 2004. – 206 с. – С.181.
7. Ярочкина Г.В. Методика проектирования учебных материалов на модульно-компетентной основе для системы довузовского профессионального образования. – М.: МПСИ, 2006. – 85 с. – С.39.
8. Зеер Э.Ф. Транспрофессионализм как предиктор адаптации к профессиональному будущему личности // Инновации в профессиональном и профессионально-педагогическом образовании: сб. материалов 23-й Междунар. науч.-практ. конф. (Екатеринбург, 24–25 апреля 2018 г.). – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2018. – С.375–378.

*Касбий-технологик компетентлик: моҳияти ва тузилмаси*

**Резюме.** Мақолада бугунги кундаги таълим тизими ислохотларини амалга ошириш ва ривожлантириш жараёнида ўқувчиларда касбий-технологик компетентликнинг зарурияти, тузилмаси когнитив-ахборот, коммуникатив, махсус-технологик, ижтимоий компонентларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган ўқувчиларнинг асосий интегратив хусусияти сифатида очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** компетенция, касбий компетенция, ижтимоий-касбий компетентлик, ривожлантириш.

*Профессионально-технологическая компетентность: сущность и структура*

**Резюме.** В статье обосновывается необходимость профессионально-технологической компетентности у обучающихся в процессе осуществления и развития современных реформ системы образования, как основной интегративной характеристики обучающихся, структура которой обеспечивает единство и взаимосвязь когнитивно-информационного, коммуникативного, специально-технологического, социального компонентов.

**Ключевые слова:** компетенция, профессиональная компетентность, социально-профессиональная компетентность, развитие.

*Professional-technological competence: essence and structure*

**Summary.** The article reveals in detail the need for professional-technological competence among students in the process of implementing and developing modern reforms of the education system, as the main integrative characteristic of students, the structure of which ensures the unity and interrelation of cognitive-informational, communicative, special-technological, social components.

**Key words:** competence, professional competence, socio-professional competence, development.

## MATEMATIKANÌ OQÌTÌWDA INTERAKTIV METODLARDAN PAYDALANÌW

Djanxodjaev N.

*Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*

Respublikamızdağı joqarı (orta arnawlı, kásip-óner, mektep) tálim sistemasında iskerlik kórsetip atırǵan professor -oqıtıwshılardı bilimlerde jetilistiriw kurslarında aldınǵı pedagogikalıq hám informaciya texnologiyaları boyınsha jańa bilimler sisteması menen qurallandırdıwı úziksiz shólkemlestiriw dáwir talabı bolıp tabıladı. Búgin pedagogikalıq texnologiya bólek pán retinde pedagogika joqarı hám orta arnawlı oqıw orınlarınıń oqıw rejesine de kirgizildi [1, 7]. Mámleketimizde tálim procesin ilimiy tiykarda payda etip, onı jedellestiriw ushın zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardı oqıw procesine engiziw basqıshı dawam etpekte. Prezidentimiz Sh.Mirziyoev Oliy Majiliske jollagán múrátatnamasında «Jańa Ózbekstan – mektep bosagásınan, tálim-tárbiya sistemasınan baslanadı – degen ideya tiykarında keń kólemlı reformalardı ámelge asıramız. Birinshiden, jas áwladqa mektepke shekemgi, mektep hám joqarı oqıw orınlarında sapalı tálim-tárbiya beriwdi jolǵa qoyamız» degen edi. Usı tiykarda házirgi kúnde bilimlendiriw sistemasında tálim procesin zamanagóy pedagogikalıq texnologiya menen támiyinlew, oǵan tiyisli oqıw ádebiyatlardıń jańa túrin jaratıw hám ámeliyatqa engiziw – tiykarǵı wazıypalarımızdıń biri bolıp qalmaqta. Balalardıń intellektual qábiletin rawajlandırıw, olarǵa matematika pánin nátiyjeli úyretiw ushın mektepke shekemgi hám mektep jasındaǵı balalardı zamanagóy tálim sisteması tiykarında bilim beriliwi zárúr. Globallasıw dawam etip atırǵan bir dáwirde hár bir pedagog zamanagóy pedagogik atamalardı biliwi gerek. Joqarı oqıw orınları oqıtıwshıları sabaq procesinde metod tańlaw, didaktik materiallardan paydalanıw, nátiyjeli pedagogik texnologiyalardan paydalanıwı biliwi talap etiledi.

**Dástúriy sabaq** - arnawlı bir múddetke mólsherlengen, tálim procesi kóbirek oqıtıwshı shaxsına qaratılǵan, temaǵa kirisiw, bekkemlew hám juwmaqlaw basqıshlarınan ibarat tálim modeli bolıp tabıladı. Oqıw materialı jańa hám talay quramalı bolǵanda, dástúriy sabaq - kóbinese tálim procesiniń birden-bir metodı bolıp qalıp atır. Sonı aytıw gerek, dástúriy sabaqta tálim procesiniń orayında oqıtıwshı turadı. Sol sebepli geyde dástúriy sabaqtıń orayında oqıtıwshı turǵan oqıtıw usılı dep da ataydı. Orayda student bolǵan oqıw procesiniń, sabaqtıń maqseti jáne onıń unamlı tárepleri tómende keltirilgen tiykarlarǵa tayanadı [2, 528]: Studenttiń oqıwǵa bolǵan qızıǵıwshılıǵın asırıw barıw; Ilgeri iyelegen bilimlerde de inabatqa alıw; Oqıw procesi tezligin muwapıqlastırıw; Studenttiń is-tájiriyesin qollap-quwatlaw;

Ameliyat arqalı úyreniw; Eki tárepleme pikir-oy juwmaq penen támiyinlew; Óz-ara pikir almasıw; Óqıw procesin durıs jolğa qoyıw; Oqıw procesin bahalaw.

**Tradiciyalıq sabaq ótiw modelinde** kóbirek lekciya, soraw -juwap, ámeliy shınıǵıw sıyaqlı metodlardan paydalanıladı. Sol sebepli, bul jaǵdaylarda tradiciyalıq sabaq natiyjeliligi talay tómen bolıp studentler tálim procesiniń passiv qatnasıwshılardıńa aylanıp qaladı. Izertlewler sonı kórsetedi, tradiciyalıq sabaq formasın saqlap qalǵan halda, oǵan túrli - rayon studentler iskerligin aktivlestiretuǵın metodlar menen bayıtıw studentlerdiń ózlestiriw dárejesiniń tómenlewine alıp keler eken [3, 42]. Onıń ushın sabaq procesi aqılǵa say shólkemlestiriw, oqıtıwshı tárepinen studentlerdiń qızıǵıwshılıǵın arttırıp, olardıń tálim processinde aktivligi turaqlı xoshametlentirilip turılıwı, oqıw materialın kishi-kishi bóleklerge bólip, olardıń mazmunın ashıwda tartıs, diskussiya, intellektual hújim, kishi gruppalarda islew izertlew rolli oynlar metodların qollaw, hár qıylı qızıqtırıwshı misallardıń keltiriliwi, studentlerdi ámeliy shınıǵıwlarıdı ǵárezsiz orınlawǵa úndew hár qıylı bahalaw usıllarınan paydalanıw tálim qurallarınan óz ornında hám waqtında paydalanıw talap etiledi. Sonday-aq, tradiciyalıq tálim túsiniǵı menen birge tradiciyalıq emes tálim haqqında da maǵlıwmatqa iye bolıwımız kerek. Bunday tálim procesin zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalarǵa tiykarlanǵan tradiciyalıq emes tálim procesi menen salıstırılǵanda olar ortasındaǵı parq anıq kózge taslanadı.

**Tradiciyalıq emes tálim procesin** shólkemlestiriwde studentlerdiń bilim dárejesin anıqlaw hám rawajlandırıwǵa ayrıqsha itibar qaratıw kerek. Matematika sabaqların studentlerge nátiyjeli úyretiwde psixologiyalıq-pedagogikalıq diagnostikanı qollaw arqalı olardıń qızıǵıwshılıǵı, qábileti, intellektual iskerliginiń qásiyetlerin anıqlaw múmkin. Zamanagóy pedagogikada oqıwshılardıń ózlestiretuǵın bilim, kónlikpe hám ilmiy tájriyebeler dinamikasını oyda sawlelendiriw hám de matematikanı oqıtıwda interaktiv usıllardan paydalanıw talap etiledi.

**Interaktiv tálim** – aktiv oqıtıw usıllarınan biri. Interaktiv tálim usılları hárdayım shawqımlı, sheriklikte, izlew, sa’wbet, adamlar hám adamlar arasındag’ı ouın hám informaciya almasıw bolıp tabıladı. Matematika sabaqlarında interaktiv usıllardan paydalanıw arqalı oqıtıwshı ta’repinen úyretilgen materialdıń nátiyjeliligi 90 procentke jetedi. Interaktiv usıllardı qollaw ápiwayı kórgizbeler, plakatlar, modellar hám basqalar menen baslanadı. Interaktiv tálimniń zamanagóy quralları dep tómendegilerdi kórsetsek boladı: Interaktiv taxtalar; Planshetler; Virtual modeller; Plazma paneli; Kompyuter simulyatorları; Projektorlar hám basqalar.

Házirgi waqıtta mektepke shekemgi oqıw orınları, mektepler, universitetlerde oqıtıw metodikası eki toparg’a bölinedi: passiv hám aktiv. Passiv modeli sabaqlıqtaǵı materialdı lekciya sabaqları arqalı oqıtıwshıdan oqıwshıǵa túsindiriwde talap etedi. Tálim beriwdiń aktiv usılları oqıwshılardıń bilim alıw dárejesine qarap olardıń jaratıwshanlıq sıyaqlı qábiletlerin rawajlandıradı. Bunda oqıwshı oqıtıwshı menen birge islesiw arqalı oqıw procesinde aktiv qatnasıwshıǵa aylanadı. Passiv tálimniń kemshilikleri sonna ibarat, bunda oqıwshılar shaxs dep emes, topar dep qabıllanadı. Oqıtıwshı pikir bildiredi, oqıwshıda erkin pikir júritiwge imkaniyat bolmaydı.

Joqarı oqıw orınlarında interaktiv tálim usıllarınan paydalanıw arqalı biz, oqıtıwshı hám oqıwshı ortasında birge islesiwde payda etip, úyretilgen maǵlıwmatlardı oqıwshı tárepine qabıllap alıw procesin tezlestiremiz. Sebebi, interaktiv tálim sisteması toparlarda oynlar shólkemlestiriwge qolaylılıq jaratıw, interaktiv sáwbet shólkemlestiriw, tınlawshılar dıqqatın qaratıwshı metodlardı qollanıw, oqıtıwshı hám oqıwshı arasında tolıq baylanıs ornatiw sıyaqlı wazıypalardı óz ishine aladı. Oqıwshılar pikirı soralǵanda, tálimniń ápiwayı usıllarınan paydalanılsa pánler arasında matematika pánin úyretiwde birqansha mashqalalar gúzetilip atırǵanlıǵı málim bolmaqta. Bul mashqalalardı unamlı sheshiw hám sabaq procesin qızıqlı shólkemlestiriw oqıtıwshıdan interaktiv usıllardı talap etedi. Bul usıllar oynlar, sáwbet, saxna kórinisleri yáki hár túrli qızıqlı treninglar kórinisinde bolıwı múmkin hám sabaqtıń hár túrli basqıshlarında qollanıladı. Máselen, oqıtıwshı sabaq baslanıwında «aqılıy hújim» metodınan paydalanadı, bunda oqıwshılar berilgen sorawǵa juwap beriw ushın belgilengen waqt dawamında izlenedi, bul bolsa olardı óz-ózinin oylawǵa baǵdarlaydı. Sabaqtıń tiykarǵı bóliminde biznes oynlar, klasterler, aktiv oqıw qollanılıwı múmkin. Sabaq sońında oqıwshılardıń sabaq procesinde qatnasın hám ózlestiriw dárejesin anıqlaw ushın «tamamlanbaǵan ideya», «kishi kompoziciya» metodları qollanıladı. «Aqılıy hújim» metodı A.F.Osborn tárepinen usınıs etilgen bolıp, onıń tiykarǵı shárti sabaqtıń hár bir qatnasıwshısı tárepinen bildirilip atırǵan pikirge qaratılǵan sın pikirdi qadaǵan etiw, hár qanday jańa pikirlerdi qollap-quwatlawdan ibarat [4, 56]. Matematikanı nátiyjeli oqıtıwda interaktiv oqıtıw metodikasınan paydalanıw ushın oqıtıwshı interaktiv metodlardı tańlaw hám bul metodlardıń sabaqqa maslıǵına itibar beriw kerek [5, 193]. Bular tómendegiler: Trening teması, maqset hám wazıypaları; Sabaq procesi; Oqıw procesiniń logikası; Oqıtıwshı tájriybesi; Oqıwshılardıń jası; Intellektual qábiletleri. Interaktiv tálimdi qollanıwda onıń psixologiyalıq hám pedagogikalıq shártlerine itibar qaratıw kerek [6]. Oqıw orınlarında nátiyjeli bilim beriwde támiyinlewde oqıw orınlarında bilim alıw ushın jeterlishe shárayat jaratıw júdá áhmiyetli. Bunda tómendegilerge itibar qaratıw kerek: Hár bir oqıwshıǵa individual itibar beriw; Psixologik shárayat jaratıw; Trening qatnasıwshılarda interaktiv tálim túri boyınsha kerekli bilim hám túsiniqlerdiń bar ekenligi; Jańa ideyalardı qollap-quwatlaw.

**Juwmaq sıpatında** sonı aytıw múmkin, házirgi kúnde informaciya kommunikaciya texnologiyalarınń jedel rawajlanıwı nátiyjesinde tálimniń jańa pedagogikalıq usıllarına bolǵan talaptıń kúsheyiwı joqarı oqıw orınlarında ásirese, matematika páni boyınsha oqıwshılardı sapalı bilim beriwde tálimniń jańa túrlerin, sonıń ishinde interaktiv tálimniń usıllarınan paydalanıwı talap etpekte. Matematika boyınsha jeterli dárejede bilimlerde iye bolıw: birinshiden, mámlekettiń hár bir puqarasınıń shaxs sıpatında jetilisiwi tiykarǵı orındı iyelese, ekinshiden keleshekte kásiplik is-tájriybesinde sapalı jumıs alıp barıw imkaniyatın asıradı [7, 5]. Sol sebepli, zamanagóy pedagogikalıq texnologiyalardan paydalanǵan halda matematikanı úyretiwdiń interaktiv usılların oqıtıw aktual máselelerden biri ekenligin esapqa alıp, keleshekte tálim rawajlanıwınıń shın dvigateli retinde oqıtıwshı iskerligin jańalawǵa, tálim-tárbiya procesin optimal qurıwǵa itibar qaratıw búgingi tálim procesiniń áhmiyetli máselelerinen biri bolıp qalmaqta.

## ADEBIYATLAR

1. Cybersecurity Curricula 2017 – Curriculum Guidelines for Post-Secondary Degree Programs in Cybersecurity (ACM, IEEE-CS, AIS SIGSEC, IFIP WG 11.8) (Crosscutting concepts) 7b.
2. Н. М. Смарт. «Криптография». Техносфера. 2005, 528б.
3. Н. Коблиц «Курс теорий чисел и криптографии», Перевод с английского М.А.Михайловой и В.Е.Тараканова, под редакцией А.М.Зубкова. М.: «Научное издательство «ТБП» 2001 г. 42б.
4. Dolimov S. Ubaydullayev H. «Metodika» Toshkent 1967. 56b.
5. Yuldashev J.G., Usmonov S. «Ilg'or pedagogik texnologiyalar» – T.: O'qituvchi, 2004, 193b.
6. N.A.Muslimov, M.H.Usmonboeva, D.M.Sayfurov, A.B.To'raev. «Innovatsion ta'lim texnologiyalari» – T.2015.
7. M.Tojiev, M.Barakaev. A.Xurramov «Matematikani o'qitish metodikasi». Toshkent 2017.
8. [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)
9. [www.Crytools.com](http://www.Crytools.com)
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/RSA>

*Matematikani o'qitishda interaktiv metodlardan foydalanish*

**Rezyume.** Ushbu maqolada O'zbekistonning oliy ta'lim muassasalarida matematika fanini o'qitishda interaktiv metodlardan foydalanishning ahamiyati tahlil etilgan bo'lib, interaktiv ta'limdan foydalanishda bajariladigan ishlar va bu xususda tavsiya va fikrlar ilimiy asoslab berilgan.

**Kalit so'zlar:** Tradicion ta'lim, interaktiv, differencial, informatsiya, kommunikatsiya, globallashish.

*Использование интерактивных методов в обучении математике*

**Резюме.** В данной статье анализируется значение использования интерактивных методов при изучении математики в высших учебных заведениях Узбекистана. Обоснованы средства применяемые при использовании интерактивного обучения, а также даны рекомендации и выводы по этому вопросу.

**Ключевые слова:** традиционное образование, интерактив, дифференциал, информация, коммуникация, глобализация

*Using interactive methods in teaching mathematics*

**Resume.** The article analyzes the importance of using interactive methods in teaching mathematics at higher educational institutions of Uzbekistan. The work performed using interactive learning, recommendations and opinions on this matter are well-founded.

**Key words:** traditional education, interactive, differential, information, communication, globalization.

## КУРАШЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Еримбетов Б. Қ.

*Қорақалпоқ давлат университети*

Мамлакатимизда ривожлантириш ва айниқса миллий спорт турларидан бўлмиш кураш билан мунтазам шуғулланиш ва беллашувларда юқори натижаларни эгаллашга катта имкониятлар яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони, 2022 йил 25 майдаги “Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-259-сон қарорларининг қабул қилиниши миллий спортга бўлаётган эътиборнинг далили бўлмоқда [1,4].

Кураш тактикаси – бу мусобақаларда энг яхши натижага эришиш учун юзага келган муайян шароитларда техник ва жисмоний имкониятлардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланишдир. Курашда тактика 3 та асосий бўлимлардан ташкил топган: ҳужум ҳаракатларини тайёрлаш тактикаси, беллашувни тузиш тактикаси, мусобақаларда қатнашиш тактикаси.

Ҳозирги замон беллашувларида курашчи беллашувни олиб бориш жараёнида асосан рақиб тайёргарлиги даражасини ҳисобга олиши ва беллашув тактикасини тўғри тузиши, рақибнинг қандай ҳужум ҳаракатларини қўллаш, қандай ҳимояланиш ва унинг жисмоний тайёргарлигини билишдан иборат [2,3]. Замонавий кураш беллашувларида малакали курашчиларнинг рақибни алдаш, хавфли вазиятлардан тезкорлик ва чаққонлик сифатларини йўлга қўйган ҳолда чиқиб кетиш тактикасини қўллашни дастлабки ўргатиш босқичиданоқ шакллантириш лозим, ўргатиш босқичида ҳимоядан сўнгги ҳужумга қарши ҳужум тактикасини уюштириш самарали натижаларни беради. Курашнинг жаҳон спорт оламида алоҳида ўз ўрни бор. Ҳозирги кунда ривожланиб бормоқда ва шу билан бирга жуда кўп илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада олимларимиз томонидан ҳозирги кунда анчагина ишлар олиб борилган, лекин бу амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмаслиги кўзга ташланиб қолмоқда. Халқаро турнирларда, Осиё, ва жаҳон чемпионатларида полвонларимиз юксак натижаларга эришди. Лекин замонавий курашдаги талаблар тобора кучайиб бормоқда. Полвонларимиз эришган натижаларини сақлаб қолиши учун тренировка тизимига бугунги куннинг талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киргизиш керак бўлиб бормоқда. Беллашувни юқори суръатда, техник ҳаракатларни рақибдан олдин бажаришда курашчининг жисмоний тайёргарлигига янги талабларни вужудга келтиради. Техник тайёргарликда, айниқса усулларни бажариш ва ҳимояланишни ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади. Айниқса курашчиларнинг ҳимояланиш ҳаракатларини такомиллаштиришда самарали услубларни қўллаш йўллари қидириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Курашда кўпроқ фойдаланиладиган куч, тезкорлик ва тезкор чидамликни баҳолаш учун қўлланилган синовлар бўйича кўрсаткичларнинг кўтарилишининг сабаби – танланган услубларнинг авзаллигидан далолат беради. Лекин асосий эҳтиёткорликни юқламани назорат қилишга қаратган ижобий натижани беради [5].

Биз томонимиздан ўтказилган таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, партер ҳолатидаги химоя ҳаракатлари мусобақа шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги кўзга ташланди. Адабиётларда қайд этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқув тренировка жараёнида ҳар бир курашчиларнинг техник усуллар маҳоратининг шаклланишида химояланиш ҳаракатлари муҳим рол ўйнайди.

2. Курашчиларда химояланиш ҳаракатларини такомиллаштириш учун танланган услубларлар, синов ва машқлардан дарснинг - тайёргарлик ва асосий қисмларида фойдаланиш самарали натижа беради.

Шундай қилиб, курашчининг кўп йиллик тайёргарлиги, экстремал шароитларда кечадиган ҳар қандай спорт фаолияти турлари сингари, курашчи учун зарур бўлган сифатлар ва малакаларни ривожлантириш, аниқ рақибга қаршилик кўрсатиш бўйича махсус фаолиятни бажариш техникаси ва тактикасини такомиллаштириш, машғулот ҳамда мусобақа фаолияти шароитларида спортчи ҳолатини оптималлаштиришнинг динамик жараёни ҳисобланади. Бу кўп йиллик тайёргарлик спортчининг фаолият шароитларига мақсадга мувофиқ тарзда мослашишдан иборат. Яккакурашда кўп йиллик спорт тайёргарлигининг ўзига хос хусусияти шу билан аниқланадики, яккакурашчининг бутун фаолияти нафақат “табиатни”, яъни спорт турларида мавжуд бўлган объектив ва субъектив қийинчиликларни енгиб ўтиш шаклида, балки аниқ рақибга реал қаршилик кўрсатиш шаклида ҳам кечади [5]. Техник-тактик малакаларни шакллантириш ва айниқса, кучи тенг бўлган рақиб қаршилигини енгиб ўтиш бўйича ментал фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундандир.

Курашчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик жараёнини бошқариш тизимининг асосий таркибий қисмлари универсалдир ва деярли ҳар қандай спорт фаолиятига тааллуқлидир, гарчи ушбу ҳолда у спорт фаолиятининг ўйин турларига тааллуқли тарзга келтирилган [6]. Курашчилар тайёргарлигини самарали бошқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилгандагина мумкин бўлади: 1. Малакали курашчиларнинг машғулот ва мусобақа фаолиятини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишнинг унификациялашган (ягона) моделини яратиш; 2. Курашчиларнинг махсус тайёргарлигини баҳолаш учун ишончли ва ахборотли назорат машқлари комплексини аниқлаш; 3. Малакали курашчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолашнинг меъёрий курсаткичларини ишлаб чиқиш; 4. Мусобақа фаолиятини назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқилган мусобақа модели тизимининг самарадорлигини тажрибада асослаш. Курашда жисмоний сифатлар тегишли даражада ривожланмаган бўлса, махсус руҳий иш қобилияти, биринчи навбатда, тезкор фикрлаш, кўرғазмали-образли хотира, диққатнинг тақсимланиши ва бир нарсдан иккинчисига кўчиш юқори даражада ривожланмаган бўлса, юксак натижаларни намойиш қилиш мумкин эмас. Вақт ўтиши билан курашчининг руҳий иш қобилиятига қўйиладиган талаблар анча ортади, чунки бу сифатларнинг юқори даражасигина қуйидагиларга имкон яратади: 1) беллашувни ўсиб боровчи жисмоний толиқиш шароитларида интеллектуал операцияларнинг юқори концентрацияси билан ифодаланувчи режимда ўтказиш, бу охир-оқибат, натижаларнинг самарадорлиги ва барқарорлигини белгилаб беради; 2) курашчини тактик кураш олиб бориш воситалари билан қуроллантириш, чунки ундан имкониятлар етишмовчилигида қўллаш мумкин бўлган кўп сонли ҳаракатлар орасидан оптимал вариантини ўн марталаб танлаш, жанговар ўзаро ҳаракатлар хусусиятини режалаштириш, рақиб билан тўғридан-тўғри ўзаро муносабатга киришиш талаб қилинади.

Курашчилар тайёргарлигини бошқариш муаммосининг мураккаблиги машқланганлик ҳолатини белгилаб берувчи таркибий қисмларнинг кўп омиллилиги ҳамда спорт натижаси, унинг намоён бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги билан аниқланади. Кураш миллий спорт турида жисмоний ва руҳий омилларнинг ўзаро таъсири ҳаракатланиш мураккаблиги, тактик жиҳатдан олдиндан билиб бўлмаслик ҳамда фаолиятнинг юқори эмоционал шиддати билан аниқланади. Мотор ҳаракатларнинг юқори зичлиги, нафақат мусобақа, балки машғулотдаги вазиятларнинг экстремаллиги айниқса, мусобақа олишувлари ва беллашувларда, юкламаларга бўлган катта реакцияларни келтириб чиқаради. Бундай юкламаларнинг тўпланиши натижасида мослашиш жараёнларида ўзгаришлар содир бўлади, бу уларнинг мувофиқлигининг бузилишига ва юкламаларга нисбатан ноадекват реакцияларга олиб келиши мумкин [4,6]. Машғулот мослашишни нафақат берилган йўналишда, балки мослашишнинг оралик механизмларида ҳам такомиллаштиради, организмнинг тонусини оширади, унинг умумий мослашувчанлигини ривожлантиради. Бироқ мослашиш имкониятлари чексиз эмас, шунинг учун юкламалар дезадаптацияга олиб келиши мумкин. Шу сабабли машқланганликни мураккаб зиддиятли жараён сифатида, бир вақтнинг ўзида организмнинг бир қатор функциялари ва тузилмаларининг орқага кетишини (регресс) ўз ичига оловчи жараён сифатида талқин қилиш зарурати юзага келади. Кўп йиллик педагогик тажриба жараёнида аниқланган юкламанинг оптимал параметрлари (бунга кўпроқ бажарилаётган иш ҳажми, шиддати ва ихтисослашганлиги киради) малакали курашчилар организмнинг юқори даражадаги морфофункционал такомиллашуви шароитида ёрқин ифодаланган машғулот самарасини таъминлайди.

Фаолият шароитларига қисқа муддатли мослашиш тайёр, тўлиқ шаклланган физиологик ва психологик механизмларга таянади. Бундай реакциялар дарҳол кўзгатувчи таъсир этишни бошлагандан сўнг амалга ошади, лекин ўз-ўзидан фақат унинг нисбатан қисқа муддатли таъсирига мослашишни таъминлаши мумкин [3,4]. Узоқ муддатли мослашиш шундай реакцияларни ўз ичига оладики, уларни амалга ошириш учун етарлича тайёр, шаклланиб бўлган механизмлар йўқ, фақатгина ташқи муҳит омилларининг бундай механизмларни кўп марталик ва етарлича узоқ вақт таъсирида аста-секин шаклланишини таъминловчи генетик устувор шарт-шароитлар мавжуд. Спортчи тайёргарлиги жараёнини бошқариш – бу узоқ вақт мослашиш учун зарур бўлган, яъни юқори даражадаги машқланганликка эришиш учун керакли бўлган механизмларнинг изчил шаклланишидир.

Тезкор мослашиш реакциялари кўзгатувчи катталигига, курашчининг машқланганлик даражасига, унинг функционал тизимларининг самарали тикланишига бўлган қобилиятига боғлиқ. Тезкор мослашиш



босқичларидан фарқли равишда узоқ муддатли мослашишда улар тўртта: 1) мослашиш механизмларини рағбатлантириш мақсадида машғулот дастурларини бажариш жараёнида функционал ресурсларни мунтазам сафарбар этиш; 2) организмда жадал кечадиган тузилмавий ва функционал қайта қуришлар ва турли хил тизимлар ишлашидаги мувофиқлик; 3) тизимнинг фаолият юритишнинг янги даражасини таъминлаш учун зарур захира яратишда барқарор мослашиш; 4) тизимнинг айрим таркибий қисмларининг ўта машқланиш кўринишидаги ишдан чиқиши [5]. Динамик мослашишларнинг давомийлиги ва йўналиши машғулотдаги таъсирларнинг давомийлигига, уларнинг ўзига хос хусусиятларига, айрим элементларнинг шиддати ва ўзаро муносабатлари хусусиятига боғлиқ. Шунинг учун машғулотни бошқариш, жумладан, интеграл тайёргалик тизимини тузиш муаммосини ҳал этишда бошқарилувчи объект (курашчи), бошқарувчи таъсирлар (тайёргарлик воситалари ва усуллари) тушунчалари билан бирга спортчининг махсус фаолият жараёнидаги дастлабки, оралик ва якуний ҳолатини баҳолаш бўйича маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Спорт машғулоти шуғулланувчиларда мураккаб биологик ва психик ўзгаришлар комплексини келтириб чиқаради, улар машқланганликнинг янада юқори даражасига олиб келади. Уни, одатда, спортчи организмда содир бўладиган ва унинг иш қобилияти ўсишида намоён бўладиган биологик (функционал ва морфологик мослашишга хос ўзгаришлар билан боғлайди). Спортчининг машқланганлик даражаси ошиши жараёнида, биринчидан, тузилмавий ва биокимёвий ўзгаришлар асосида организм органлари ва тизимларининг функционал имкониятлари ишлаш қобилияти ортади; иккинчидан, марказий асаб тизими ва унинг мустақил бошқаруви томонидан барча органларнинг координацияси такомиллашади. Машқланганлик даражаси қанча юқори бўлса, спортчи ўз ишини шунча самарали ва мукамал уддалай олади. Шундай қилиб, машқланганлик-организмнинг машғулот ёрдамида эришилган маълум бир фаолиятга мослашувчанлигидир. Машқланганликнинг шаклланиши жараёнида унинг элементлари орасидаги ўзаро боғлиқлик ўзгаради, яъни спортчи иш қобилиятининг омиллик тузилмаси ўзгаради [3,6].

Курашчининг машғулот фаолияти юқламаларига мослашиш жараёнини бошқариш бу – унинг юқори даражадаги машқланганликка эришишининг динамик жараёнини бошқаришдир. Яккакураш спорт турлари учун хос бўлган катта машғулот ва мусобақа юқламаларига мослашиш омилларининг таъсири, айниқса, назорат беллашувлари сони кўп бўлган шароитларда, спортчиларда машғулотларда турли хил нохуш рухий ҳолатларни, жумладан, ўта рухий зўриқишни, вақтидан олдин психик толиқишни келтириб чиқариши, спорт иш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Айни пайтда машғулот ва мусобақа юқламалари оптимал режалаштирилганда ва амалга оширилганда машғулотдаги машқлар яккакурашчининг мусобкаларда муваффақиятли қатнашиши учун зарур бўлган психик сифатларни такомиллаштиришга ёрдам беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”.-Б.29.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни”.-Б.37.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони.
5. Еримбетов Б.Қ. Малакали курашчиларнинг мусобақа ва машғулот жараёнини педагогик назорат қилиш Монография. ҚҚДУ. 2019. Б. 95-96.
6. Utepbergenov A.Q., Erimbetov B.Q., Pirimbetov A.A. Grek-rim guresi teoriyasi ham metodikasi.Tashkent “Innovatsiya-Ziyo”, 2022. B. 106-110.

*Курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш хусусиятлари*

**Резюме.** Мақолада миллий спорт турларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, кураш спорт турини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний тарбия, спорт, кураш, миллий спорт, этносспорт, таълим.

*Особенности развития физической подготовки курашистов*

**Резюме.** В статье анализируются методы работы по развитию национальных видов спорта и разрабатываются выводы и по развитию данного вида спорта.

**Ключевые слова:** физическое воспитание, спорт, кураш, национальные виды спорта, этносспорт, образование.

*Features of development of physical training of kurash players*

**Summary.** This article analyzes the work on the development of national sports and develops proposals and recommendations for the development of kurash sports.

**Key words:** physical education, sports, kurash, national sports, ethnosport, education.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФИЗИКАНИНГ МЕХАНИКА БЎЛИМИНИ МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

**Ибадуллаев А.А.**


*Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети ҳузуридаги Нукус кончилиқ институти*

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайди.



Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълим. Интерфаол таълим технологияларни ўқув жараёнига татбиқ қилиниши олий таълим муассасаларида талабаларнинг яхши мутахассис бўлиб етишишида, комил инсон сифатида тарбияланишида, шаклланишида, ўқув материални ўзлаштиришида асосий воситалардан бири ҳисобланади. Шундай экан илм-фан, техника ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида: талабани фикрлаш, мустақил ишлаш ва индивидуал шаклланишини, ахборот ва илмий-техникавий жараёнларни бир-бирига боғлашга ижодий ишлашини ривожлантиришга йўналтиришни; талабада ижодкорлик, ишчанликни ривожлантириш, ўзига хос интеллектуал фикрлаш қобилиятини ўстириш; талабаларни ўқув материални ўзлаштириш даражаси турлича бўлгани учун физика таълимини индивидуаллаштириш; ўқув жараёнидаги ижодкорлик, зийраклик, чакқонлик ва фаолликни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ қилиш, танқидий фикрлашга ўргатиш ҳамда ўз билимини доимий ошириб боришни тақозо этмоқда [2, 6-7.]. Олий таълимда шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қўллаш ўқув жараёнини талабаларнинг имкониятлари ва уларнинг талабларига мувофиқ мослаштиришга кўмаклашади. Мазкур технологиялардан бири модулли таълим технологиясидир.

Модулли таълим – муайян бир ўқув босқичида қўлланиладиган дидактик асос ва педагогик технологиялар мажмуидир. Унинг мазмуни – модуль билан ишлаш жараёнида ўқувчи мустақил ёки маълум миқдордаги ёрдам билан таълимнинг аниқ мақсадларига юқорида келтирилган ғоялар мажмуи айнан олий таълимда талабаларнинг жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантиради [7, 60-67.]. 1982 йилда бўлиб ўтган ЮНЕСКО анжуманида модулга «машқларни кетма-кетлик ва диққат билан хусусий суръатда ўрганиш орқали бир ёки бир қанча кўникмаларни эгаллашга хизмат қиладиган, якка ёки гуруҳ бўлиб фойдаланишга мўлжалланган мустақил ўргатувчи пакет» деб таъриф берилган [10, 19-62.]. М.Г.Давлетшиннинг фикрича, модуль – бу ишлаб чиқилган қоидалар асосида ўқув фанининг битта ёки бир нечта асосий тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган, ўқув материални мантиқан тугалланмаган қисми деб қаралади [4, 134 ]. М.Даминовнинг илмий тадқиқот ишида физикани модулли технология асосида ўқитишни конструкциялаш, ташкил этиш ва такомиллаштиришдаги асосий тушунча, ғоялар очиб берилган ва физикадан ўқув модуллари мазмуни асосланган ҳамда физика ўқитиш жараёнининг модулли технология асосидаги назарий билимларни ва фаолият методларини эгаллашни кўзда тутувчи ташкилий педагогик модел ишлаб чиқилган [6, 23]. Шундай қилиб, физиканинг механика бўлимини модулли ўқитишда талабанинг мутаносиб ривожланиши учун ўқитувчидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади: уларнинг физиканинг механика бўлимидан ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек назарий билим, кўникма ва малакаларини эгаллашлари учун билиш фаолиятларини ташкил этиш; уларнинг шахсий индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда физиканинг механика бўлимига оид қонун, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида фикрлаш, хотира, ижодий иштиёқини ривожлантириш учун шароит яратиш [5, 613]. Физиканинг механика бўлимини модулли технология асосида ўқитишда, унинг назарий ва амалий методологияси: физиканинг механика бўлимини қизиқарли, содда, оддий, ихчамлаштирилган элементлар асосида ўқитиш; ўқув материали мазмунини талабаларга қайси методлар билан етказиш масаласи; талабаларнинг шахсий сифатларини инобатга олиш каби омилларга эътиборни қаратишни тақозо этади.



1-расм. Физика таълимида модулли ўқитиш технологияси

Физиканинг механика бўлимини модулли ўқитишда талабаларда қизиқиш уйғонади, унинг таъсирида назарий билимлар такомиллашади, физик жараён ва ҳодисаларни тасаввур этиши кенгаяди, мустақил фикрлаши кучаяди, диққат-эътибори мужассамлашади, билимлар кўлами кенгаяди ҳамда ривожланади. Физиканинг механика бўлимини модулли ўқитиш технологияси асосида ташкил этишни қуйидагича изоҳлаш мумкин (1-расм).

- I. Ўқув мақсадларининг аниқланиши.
- II. Ўқитиш тизимлари.
- III. Модулли ўқитиш тамойиллари.
- IV. Модулли ўқитишни лойиҳалаш.
- V. Ўқитишнинг самарадорлик омиллари.
- VI. Ўқув элементлари.

VII. Ўқув материаллари.

VIII. Ўқитиш воситалари.

IX. Таълим натижалари.

1-расмдан кўринадики, физиканинг механика бўлимини модулли технология асосида ўқитилиш жараёнида олдин ўқув мақсадлари аниқланади, ўқитиш тизимлари ва жараёни лойиҳаланади, ўқитишнинг модулли тамойиллари, ўқув материали, ўқув воситалари асосида амалга оширилади ва самарали таълим натижаларига олиб келинади.

Физиканинг механика бўлимини модулли ўқитишда ўқув мақсадлари куйидаги тизимларга бўлиб ўрганилади: 1. Бош мақсад – ўрганиладиган ўқув материални - мавзунини ўрганишни таълим жараёнида тутган ўрни, ҳаётда қўлланилиши, ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги. 2. Ўрганиладиган мавзуга оид ўқув материали ёки мавзу бўйича эгалланадиган билим, шакллантириладиган кўникма, малака, фаолият методлари аниқланадиган ўқув мақсади – асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Асосий мақсадлар Давлат таълим стандартларига тенглаштирилади, улар асосида қайд қилинади. 3. Мақсадлар аниқ мавзу ёки ўқув материали бўйича талабалар амалга оширадиган фаолиятларига кўра аниқланади [9, 68].

Ҳар бир модуль вазифалар кетма-кетлиги куйидаги шартларни қаноатлантириши кўзда тутилди: янги мавзу асосий тушунчаларини киритишга ёрдам берувчи, ўрганилган тушунчаларни такрорлаш; янги мавзу тушунчалари, тасдиқларини соддадан мураккабга томон ҳаракатланишини таъминлаш; тушунчалар орасидаги ўзаро бир томонлама ва икки томонлама боғланишларни ёритиш; назарий билимларнинг амалий моҳиятини очиб бериш; мазкур мавзунинг талабалар танлаган касбини эгаллашидаги ўрни ва касбий фаолиятидаги аҳамиятини очиб бериш; мавзунинг имкон қадар илмий, амалий тўлиқ қамраб олиш; ўз-ўзини назорат; талабаларнинг нафақат дарслик ва ўқув қўлланмалари, балки илмий адабиётларга ҳам мурожаат этишга чорлаш; уларни мустақилликка, изланувчанликка, ижодкорликка даъват этиш; улар тартибли, тизимлашган, изчил, мунтазам, табақалаштирилган билим олиш кўникмаларини шакллантириш; уларнинг мантикий оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришдан иборат [3, 38]. Модуль технологияси асосида механика бўлимидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти куйидагича ташкил қилинди: маъруза мавзуси талабаларга аввалдан эълон қилинади ва улар маърузалар матнидан, қизиқувчанлар модуль мавзусини чуқурроқ ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлардан мавзунинг асосий тушунчалари билан танишиб келадилар. Маъруза вақтида улар билиб келган (билиш-дастлабки маълумотга эга бўлиш) тушунчаларни тушуниш (тушунтириб бера олиш), қўллаш (фойдалана олиш), таҳлил (табақалаштириш, таснифлаш), синтез (умумлаштириш, бирлаштириш) қилиш, баҳолашга (исботлаш, асослаш) ўрганади. Ўқитувчининг асосий вазифаси маъруза матнини фақат ёздиратиш эмас, балки талабаларни бевосита мулоқотга чорлаган ҳолда уларга таниш бўлган тушунчалар асосида янги мавзунини ўзлаштиришга ёрдам беришдан иборат бўлади [8, 224].

Албатта, ўзлаштириш кийин бўлган механик қонунлар, қоидалар, формулаларни келтириб чиқариш кетма-кетлиги ва боғланиш графикларини ўқитувчи тушунтиради: амалий машғулотлар давомида талабалар мустақил топшириқлар тўпламида ишланмалари билан берилган масалаларни таҳлил қилиб ўзлаштирилганларидан кейин ҳам ишлай олмаган масалаларни ўқитувчи ёрдамида ишлайдилар; лаборатория машғулоти давомида талабалар қурилмалар, асбоб-усканалар, схемалар, жадваллар ва асбоб-ускуналар характеристикалари билан танишадилар ва машғулоти мобайнида ўқитувчи назоратида лаборатория ишларини бажарадилар; мустақил иш модули бўйича умумий физиканинг асосий тушунча ва қонунларига доир мисол ва машқларни аудиториядан ташқари вақтда ишлайди. Модулли таълим технологияси асосида ташкил этилган маъруза, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулоти давомида муаммоли, шахсга йўналтирилган, ҳамкорликда ўқитиш, ўзини ва бошқа технологияларни қўлладик.

Физиканинг механика бўлимини модулли ўқитиш натижалари физика ўқитиш методикасида энг кам ўрганилган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Таълим муаммосининг фанда қўйилишини аниқлаш мақсадида бир қанча илмий-услубий адабиётлар таҳлил этилди. Ўрганилган манбалардан модулли таълим методи нима ва у қандай омилларга боғлиқ эканлиги талаб даражасида ўрганилмаганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, биз таълим жараёнини жадаллаштириш, такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш, олий таълим муассасаларида яратилган шарт-шароитлар, модулли таълим технологиясининг модуллилик, ўзгарувчанлик, фаолиятлилик, мослашувчанлик, субъект-субъект муносабатларига асосланган хусусиятлари «Физика» фанининг механика бўлимини ўқитиш жараёнини модуль технологияси асосида лойиҳалаш; фанни ўқитиш методларини педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида такомиллаштириш фаннинг Давлат таълим стандарти белгилаб берган мазмунини ўзгартирмаган ҳолда аудитория соатларининг кескин қисқаргани ҳамда талабаларнинг мустақил таълимига алоҳида эътибор қаратиш натижасида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш йўллари билан бири деган хулосага келдик.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ахмаджонов О.И. Олий техника ўқув юртларида физика ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари. Автореф. дисс.... пед.фан. докт. -Тошкент, 1995. -47 б.
2. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. Москва: Педагогика, 1989. – С. 6-7.
3. Гребенюк Т.Б. Формирование индивидуальности будущего педагога в процессе профессиональной подготовки: Автореф....дисс.докт.пед.наук. –Калининград: КГУ, 2000. -38 с.
4. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.
5. Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. // Результаты экспериментальных исследований. – М.: Директ-Медиа Паблишинг, 2008. – 613 с.

6. Даминов М. Физика таълимини модулли технология асосида такомиллаштириш. Пед. фан. ном. автореферат. – Тошкент: 2008. -23 б.
7. Лебедев В.Н. Модульное обучение в системе профессионального дополнительного образования. // Педагогика. 2005. - №4 -С. 60-67.
8. Никитина Н.Н. Введение в педагогическую деятельность: Теория и практика. Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. - 224 с.
9. Сайдахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. -Т.: ЎзМУ ОПИ, 2003. -68 б.
10. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. // Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: «Адолат», 2004.

*Олий таълимда физиканинг механика бўлимини модулли технология асосида ўқитиш методикаси*

**Резюме.** Мақолада олий таълимда физиканинг механика бўлимини модулли технология асосида ўқитиш масалалари муҳокама қилинади. Модулли ўқитишдан таълимнинг турли бўғинларида кўпгина фанларни ўқитишда қўлланилмоқда. Ҳозирги даврда дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида модулли ўқитиш тизими катта аҳамият берилиб, бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Калит сўзлар:** физика, ўқув жараёни, модуль, интерфаол технологиялар, ижодкорлик, назария.

*Методика преподавания раздела механики физики в высших учебных заведениях на основе модульной технологии*

**Резюме.** В статье рассматриваются вопросы преподавания раздела механики физики в высших учебных заведениях на основе модульной технологии. Модульное обучение используется при преподавании многих дисциплин в различных отраслях образования. В настоящее время в ряде развитых стран мира и в нашей стране модульной системе обучения придается большое значение, и в этой области ведутся исследования.

**Ключевые слова:** физика, учебный процесс, модуль, интерактивная технология, креативность, теория.

*Methods of teaching the mechanics of physics section in higher educational institutions based on modular technology*

**Summary.** The article discusses the issues of teaching the mechanics of physics section in higher educational institutions based on modular technology. Modular training is used in teaching many disciplines in various branches of education. Currently, in a number of developed countries of the world and in our country, the modular system of education is given great importance, and research is being conducted in this area.

**Keywords:** physics, educational process, module, interactive technology, creativity, theory.

УДК: 796.032(091)(075)  
М23

## ОЛИМПИЗМ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Мамбетов Б. Ж.**

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали*

Олимпия Хартиясида таъкидланганидек, олимпизм - бу тана, ирода ва онгнинг фазилатларини кўтарадиган ва мувозанатли бир бутунликка бирлаштирувчи ҳаёт фалсафасидир. Спортни маданият ва таълим билан уйғунлаштирган олимпизм саъй-ҳаракатлардан завқланиш, ёшларга ўрнак бўлишнинг тарбиявий аҳамияти, ижтимоий масъулият ва умуминсоний фундаментал ахлоқий тамойилларга ҳурмат асосида ҳаёт тарзини яратишга интилади. Олимпизм тушунчаси чуқур тарихий муқаддимага эга. Кўпгина олимлар олимпизмни қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган даврини кўриб чиқадилар. Олимпизмни тарихий жиҳатдан кўриб чиқсак, унга босқичли ажратиш мумкин: қадимги, Кубертен ва Кубертендан кейинги олимпизм. Буларнинг барчаси бизни турли тарихий давлардаги олимпизм ҳодисасини таҳлил қилиш, унинг ҳар бир босқичда асосий хусусиятларини тавсифлаш ғоясига тўртки бўлди. Қадимги олимпизм. Агар биз олимпизмнинг келиб чиқишини кўриб чиқсак, унинг келиб чиқишини Қадимги Юнонистонда бўлганлигини эътироф этиш лозим. Кубертен ушбу ҳодисанинг хусусиятларини Қадимги Юнонистон маданияти, дини, таълим тизими ва қадимги спорт хусусиятларида акс эттиради.

Қадимги Юнонистон маданияти жуда кенг кўламли ҳодисадир. Бироқ, унинг асосий тамойилларидан бири агонистик (рақобатбардошлик) ҳисобланади. Агонистика қадимги юнон маданиятининг ўзига хос хусусияти - қадимги юнонлар ҳаётининг барча соҳаларига сингиб кетган рақобат тамойили сифатида тушунилади. Қадим замон кишии санъаткор ва донишманд, спортчи ва шоир, табиб ва нотик бўлиши керак. Таниқли нотиклар халқ томонидан тан олиниши, фожиа ва комедия муаллифлари, шунингдек, уларнинг ижрочилари - томошабинлар билан муваффақият қозониш учун бир-бирлари билан курашишини инобатга оладиган бўлсак, ҳулоса шуки, қадимги юнон жамиятининг ўзига хос хусусиятларида агонизм тамойилига асосланган жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиш элементи қўйилган. Ушбу спорт мусобақанинг классик шаклини Грецияда Олимпия ўйинларидан бошлангани бежиз эмас. Қадимги Юнонистонда ўйинларнинг келиб чиқиши тарихий миф ва афсоналар асосида яратилган даврга тўғри келган. Қадимги юнон тарихчилари, файласуфлари ва шоирларининг бизгача етиб келган асарларидан маълум бўлишича, қадимги Олимпия ўйинлари халқ қаҳрамони Геркулес, афсонавий қироли Пелопс, спарталик қонун чиқарувчи Ликург ва элли қироли Ифит номлари билан боғлиқ. [1.176]

Олимпиаданинг фалсафий жиҳати. Константинос Георгиадис<sup>5</sup> таъкидлаганидек, Олимпиада ҳали ҳам иккита бино (палестра ва гимназия) қолди, бу бизга маданият, таълим ва биргаликда ақлий ва жисмоний

<sup>5</sup> Доктор Константинос Георгиадис Халқаро Олимпия Академиясининг фахрий декани, (ИОА), Спорт кафедраси "Олимпизм ўлчовлари" кафедраси профессори, "Олимпия тадқиқотлари, олимпия таълими, Олимпиада тадбирларини ташкил этиш ва бошқариш" университети томонидан ташкил этилган Пелопоннес ва Халқаро Олимпия академияси. Халқаро олимпия тарихчилари жамияти (ИСОХ) Ижроия қўмитаси аъзоси. Майнсадаги Ёханнес Гутенберг университетининг спорт фанлари доктори даражасига

такомиллаштириш орқали руҳни юксалтириш воситаси сифатида шахсни шакллантиришни эслатиб туради. Шунингдек, Олимпиада Зевс ибодатхонасининг таъсирчан ғарбий педиментини кўриш мумкин, унда кентаврлар ва лапитлар ўртасидаги жанг тасвирланган. Кентавр - бу соғлом фикрга зид бўлган (ақл билан таъминланмаган) рамз - ярим отлар ва ярим одамлар, унда ҳайвонларнинг инстинкти устунлик қилади, лапит аёлларига ҳужум қилади. Аполлон худоси кўпайиш марказида ўнг қўлини кўтариб, адолат ва соғлом ақл, ақлбодар қилмайдиган мавжудотлар устидан ғалаба қозонишини буюради. Бу кўпайтириш ибратли маънога эга бўлиб, одамларга адолатнинг бевосита мантиқ, тараққиёт, ифбат билан боғлиқлигини эслатиб, эҳтиросларини жиловлайди. Инсон ҳаётида ҳамма жойда эзгулик ва ёвузлик қарама-қаршилигида ифодаланган, одамларнинг ақлий фаолиятида акс этган бу қайта куришнинг яққол кўринишини кўриш мумкин. Зевс ибодатхонасидан бир оз нарида, Зевсининг Олимпия кўрикхонаси атрофида зиёратчилар бор эди, у ерда спортчи, уларнинг ота-оналари ва ака-укалари Зевс ҳайкали олдида ҳалоллик билан мусобақалашига қасамёд қилишди. Қадимги спортчиларни тайёрлаш диний тежамкорлик характерида эга эди ва ҳар қандай машгулот сингари, мусобақада муваффақиятни таъминлайдиган қобилиятларни яқуний ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Қадимги юнонлар ўзига хос дунёқарашга эга бўлиб, улар учун дунёни тушуниш инкор этиб бўлмайди, умуман олганда, у инсонга бўйсунмайди. У чуқур бефарқ ва ҳатто душман, шунинг учун одам тақдирга топширилади ва аслида ҳалокатга учрайди. Юнонлар худоларнинг ҳомийлигисиз Олимпия ўйинлари бўлиши мумкин эмаслигига ишонишган. Олимпиада чемпионларига алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Юнонлар, шунингдек, фуқаролар орасида Олимпия ўйинларининг мавжудлиги худоларнинг марҳаматига умид қилиш сиёсатига асос бўлишига ишонганлар. Спортчи ўз сиёсати учун мукофотлар билан ватанига қайтганида, ватандошлари қалъа деворини бузиб ташлаган ва бу доvon орқали спортчи тантанали равишда ўз она шаҳрига кириб келган. Бу ҳаракат билан улар қахрамон яшайдиган шаҳарга тош девор керак эмаслигини, у ўз шаҳрини ҳар қандай душмандан ҳимоя қила олишини аниқ кўрсатган.

Эллин таълим тизими ақлий ва жисмоний такомиллаштириш синтезини ўз ичига олган. Таълим уч қисмдан иборат бўлади, улар жисмоний, интеллектуал, музиккий таълим. Бу фалсафа тана ва руҳ мувозанатини топишга, идеалликка, яъни гўзаллик ва эзгулик бирлигига эришишга ёрдам берган. Қадимги юнонлар шахснинг баркамол ривожланишига алоҳида эътибор берганлар, таълим ва тарбия орқали муваффақиятга эришган. Қадимги Юнонистонда шаҳарлар полис структурасига эга эди. Бу курул кучи билан жисмонан кучли кулларнинг катта массасини ушлаб туриш зарурлигига олиб келди. Баъзида куллар сони эркин фуқаролар сонидан ошиб кетган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўзини жангчи деб ҳисоблаган эркин сиёсат аҳолисининг жисмоний, маънавий ва иродавий тайёргарлиги даражасига индивидуал талаблар қўйилди.[2.135]

Олимпия ўйинлари Эллин цивилизациясининг энг муҳим қисмларидан бири бўлган. Улар милoddан аввалги 776 йилдан бери ўтказилган. 393 йилгача (милодий 394, милодий 392), яъни минг йилдан ортиқ вақт давомида антик олимпизм ғоялари шаклланган. Олимпия ўйинлари Плутарх, Геродот, Пиндар, Лусиан, Паусаниас, Симонидес ва бошқа антик муаллифларнинг асарларида қайд этилган.

Қадимги Олимпия ўйинларининг асосий хусусиятларини таъкидлаш лозим: эркин туғилган юнонлар иштирок этишга рухсат берилган (дастлаб Олимпия ўйинларида фақат Пелопоннес аҳолиси қатнашган. Кейин уларда қўшни давлатлар – Коринф, Спарта ва бошқа вакиллари иштирок эта бошлади. VI асрдан то. Милoddан аввалги II асрда фақат эркин туғилган юнонлар қатнашган; қадимги Олимпия ўйинлари арафасида барча урушлар тўхтатилди ва сулҳлар тузилган. Венгер олими Ласло Кун таъкидлаганидек, бу улуг байрам арафасида барча низолар, урушлар тўхтаган. Ҳеч кимнинг Олимпия худудига курул билан киришга ҳаққибўлмаган. Қондани бузган иккита кумуш мина жаримага тортилган. Бу тахминан йигирма етти килограмм соф кумуш. Олимпия байрамига борадиган саёхатчини хафа қилган шахс ҳам қаттиқ жазога тортилган. Бунинг жазоси бир ёки иккита Олимпиада ўйинларидан четлатиш бўлган. Ўйинларда иштирок этиш - катта шараф ва катта масъулият ҳисобланган; куллар ва аёлларга мусобақаларда қатнашиш ва ҳозир бўлиш тақиқланган (аёллар: нафақат Олимпия ўйинларида қатнашмаган, балки уларни томоша қилиш ҳам тақиқланган). Фақат битта аёл, маъбуда Деметрийнинг рухонийси уларни кутидан кузатиш ҳуқуқига эга эди. Ушбу тақиқ бузилган тақдирда, айбдор тошдан улоқтирилган. Қадимги Олимпия ўйинларининг кўп асрлик тарихида фақат битта аёл тақиқни бузган ва ўйинлар пайтида Олимпияда пайдо бўлган. Бу Ференика - машҳур мушт жангчисининг қизи эди.

Йигит Олимпияга борганида, Ференика гимнастика ўқитувчиси либосида унга эргашди. Унинг ўғли муштлашувда ғалаба қозонди ва хурсанд бўлган онаси эҳтиёткорликни унутиб, уни табриклашга шошилди. Ҳамма тушундики, уларнинг олдида ниқобланган аёл бор эди, Ференикага ўлим жазоси билан таҳдид қилинган. Фақат томошабинларнинг илтимоси уни кутқарди. Ҳакамлар аёлни афв этишди, аммо дарҳол қарор қилдиларки, бундан буён спортчиларга ҳамроҳ бўлган мураббий ўйинлар вақтида махсус панжара ортида яланғоч ўтириши керак; ҳар бир спортчи 10 ой уйда, бир ой Олимпияда машқ қилган; Эллин ҳакамлари анъанавий маросимлар ва мусобақа қоидаларига риоя қилинишини диққат билан ва қатъий назорат қилганлар. Бўлажак олимпиячиларни Элланодик<sup>6</sup> (Элидалик ҳакамлари) - ўйинларнинг ҳакамлари ва бошқарувчилари диққат билан ва қатъий кузатдилар. Қуръа бўйича сайланганлар, улар Олимпия жойлашган ерларда Элис минтақасининг энг шарафли фуқаролари қаторига кирганлар. Элланодикларнинг мажбуриятлари жуда масъулиятли, ҳуқуқлари эса чексиз бўлган. Ўйинларнинг барча

эга, унинг тадқиқот соҳалари, жумладан, замонавий Олимпия тарихини ўз ичига олади. Ҳаракат, Олимпия ўйинларининг тикланиши, Олимпия таълими ва ахлокий ва Олимпизмнинг фалсафий ўлчовлари.

<sup>6</sup> Элланодик Олимпиадалар давомида замонавий ҳакам сифатида ишлаган. Элида фуқароларидан иборат Қадимги Юнон Қўмитасининг аъзоси. 14 Олимпиадада икки стадионга югуриш пайдо бўлишидан олдин мусобақани фақат битта Элланодик назорат қилган.



ташкilotчилари, иштирокчилари, томошабинлари уларга бўйсунтирган. Улар ўз вазифаларини Олимпия фестивали бошланишидан 10 ой олдин бошлаганлар, улар Олимпияга келган спортчиларни аниқлаб, энг тайёрларини танлаб олган ва уларни мусобақага киритишган. Ўйинлар давомида улар анъанавий маросимлар ва мусобақа қоидаларига риоя этилишини назорат қилганлар;

Олимпия ўйинларининг ахлоқий тамойилига риоя қилиш учун - ҳалол, жасур, бефарқлик билан мусобақалашш - улар спортчиларни порахўрлик, кўрқоқлик, ўз шахрига хиёнат қилиш, Олимпиядан ҳайдашгача жазоладилар. Элландиклар ғолибларни мукофотлаб, айбдорларга жарима солган [3, 77].

Вақт тўхтамади, Александр Македонскийнинг ғалабаси Эллин давлатини эркин меҳнатнинг катта армияси билан таъминлади, бу эса эркин эллилар рақобатининг кучайишига олиб келди. Бу спортчилар ўртасида мусобақаларга қизиқишнинг пасайишига олиб келган. Спортнинг ватанпарварлик, тарбиявий аҳамияти пасайди. Ушбу мусобақалар ҳеч қандай тарзда спортнинг ривожланишига олижаноб таъсир кўрсатмаган. Диний скептицизм аста-секин кучайиб борган, бу шубҳасиз Олимпия идеалларининг пасайишида ўз аксини топган. Бу Олимпия сулҳида намоён бўла бошлаган, V асрнинг тўртинчи чорагидан бошлаб, муқаддас сулҳ бузилган.

Милодий 394 йилда Рим императори Феодосий I фармони билан Олимпия ўйинлари тақиқланган. Унинг вориси Феодосий II бир неча ўн йиллар ўтгач, Олимпиядаги бутпараст ибодатхоналарни вайрон қилиш тўғрисида фармон чиқарган. Кўпчилик Олимпия ўйинларини жонлантиришга ҳаракат қилган. Аммо Олимпия ўйинларининг тикланишига ва кейинчалик олимпия таълимининг асосига айланган олимпизм концепциясининг ривожланишига энг катта ҳисса барон Пьер де Кубертен томонидан қўшилган. Кубертен томонидан ишлаб чиқилган олимпизм модели олимпизмнинг қадимги идеалига асосланган. Бу Қадимги Юнонистонда мавжуд бўлган нарсаларга қайтишга уринишнинг бир тури бўлган.

Кубертен олимпизми. Кубертен спортни шахсга таъсир қилувчи кўп қиррали омил деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, спорт маданият ва таълим билан уйғун бўлиши, нафақат юқори натижаларни кўрсата оладиганлар учун эмас, балки ҳамма учун очиқ бўлиши керак. У олижаноб рақобатга катта аҳамият берди, унда асосий нарса ғалаба эмас, балки ўзини ўзи устидан ғалаба қозониш, ўз-ўзини ривожлантириш учун ўзи билан курашишдир. Кучли рақиб билан рақобат қобилиятларни сафарбар қилиш ва уларнинг энг тўлиқ намоён бўлиши учун энг кучли рағбатдир. Унинг айтишича, рақибларнинг бир-бири билан олижаноб рақобатда ўз қобилиятларини кўрсатишга интилиши уларни мукамаллик сари интилишга ўзаро туртки берган. Тиқилишнинг катта маҳорати: битта спортчи (жамоа) рақиб томонидан ажойиб ҳужум маҳоратининг намоён бўлиши билан рағбатлантирилган. [4.78]

Пьер де Кубертен спортчи рекорд ўрнатишга, ҳеч қандай йўл билан ғалаба қозонишга интилмаслиги кераклигини таъкидлаган. У ҳалол рақобат қилиши, ҳалол рақобат руҳида шарафли хулқ-атвор кўрсатиши керак. Ғалаба қанчалик қимматли ва орзу қилинган бўлмасин, спортчилар кесиб ўтмасликлари керак бўлган маълум бир чизиқ бор. У ахлоқий меъёрларни ана шундай чегара деб билган. Шундагина спорт тарбиявий вазифани бажаради. Аммо, агар курашнинг ахлоқий ва ахлоқий меъёрлари бузилган бўлса, бу рақобатчиларга ўз қобилиятларини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Рақибни мағлуб этиш мумкин, деди Пьер де Кубертен, лекин айни пайтда камолот сари олға силжиш истисно қилинади, бу эса спортни асл маъносидан маҳрум қилади. Кубертен мусобақа иштирокчилари қаторига спорт мақсадларини амалга ошириш учун мақбул ва тенг шароит яратадиган спорт ҳакамларини киритди. Ҳеч ким спортчини иштирок этишга мажбурлай олмайди, шу жумладан давлат ҳам. Олимпия ўйинларида спортчи ўз давлатини эмас, балки ўзини намоён қилади. Ҳозиргача Олимпия Хартиясига асосланган Олимпия ўйинлари спортчилар ўртасидаги мусобақадир, аммо давлатлар ўртасида эмас. Медаллар рейтинги норасмий мақомга эга. Пьер де Кубертен спортнинг ҳар қандай тарғиботига қарши эди. Ушбу қоидалар манфаатдорлик тамойилини тасдиқлайди. Спорт билан боғлиқ бўлмаган мақсадларга эришиш учун спортдан фойдаланиш олимпизм ғоясига мос келмайди. Олимпизм концепцияси ва фалсафасини ишлаб чиқишда Кубертен спорт мусобақалари билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган салбий ҳодисаларни ҳисобга олган. У спортнинг икки томонлама таъсири ҳақида гапирган. Кубертен «Бугунги кунда, ўтмишдаги каби, спорт мусобақаларининг таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин, бу улардан фойдаланиш ва ривожланиш йўналишига боғлиқ. Спорт ҳам энг олижаноб, ҳам энг паст туйғуларни ифодалаш мумкин; у фидойилик ва очкўзликни ривожлантириши мумкин; саҳий ва бузук, жасур ва жирканч бўлиши мумкин; ниҳоят, у тинчликни мустаҳкамлаш ёки урушга тайёргарлик кўриш учун ишлатилиши мумкин», дея таъкидлаган.

Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган олимпизмнинг асосий принципини қайд этиш мумкин: шахснинг баркамол ва ҳар томонлама ривожланишига қўмаклашиш; энг юқори спорт натижаларига эришиш йўлида ўз-ўзини такомиллаштириш имконияти; ҳаваскорлик тамойили ўз-ўзини тарбиялаш ва моддий манфаатлардан воз кечиш, спортни фойда учун эмас, балки завқ учун ривожлантиришнинг намоён бўлиши; - спортнинг ахлоқий кодекси; халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро англашувни ўрнатиш.

Шунингдек, Пьер де Кубертен замонавий Олимпия таълимида ўз аксини топган олимпизмнинг асосий ғояларини шакллантиришга муваффақ бўлди: тинчлик, тинч-тотув яшаш ғояси, ижтимоий тизимлар, давлатлар ва халқлар мавжудлиги, унда олимпизм тизимни шакллантирувчи омил сифатида, Олимпия таълими эса - ёшларни тинчлик руҳида тарбиялаш воситаси сифатида; байналмилализм, ижтимоий таълимга асосланган умуминсоний қадрият ғояси; шахсни инсонпарвар, ҳар томонлама ривожлантириш ғояси, уни амалга ошириш учун асос ёшларнинг олимпия таълими, Олимпия субмаданияти; ахлоқий қадриятлар устуворлиги ғояси. Бу ғоя ва тамойиллар айниқса долзарб бўлиб, ҳозирги замонда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Ҳозирги вақтда улар Олимпия таълими орқали амалга оширилмоқда, бунда олимпизм олимпия таълимининг асоси ҳисобланади. Олимпизм ва унинг фалсафаси улкан инсонпарварлик потенциалига эга ва ҳар бир инсонга, шунингдек, шахс призмаси орқали бутун жамиятга таъсир ўтказишга қодир.



Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, “Олимпия таълими” атамаси илк бор XX асрда пайдо бўлганлиги аниқланди. Унинг муаллифи замонавий олимпия таълими асосчиси барон Пьер де Кубертендир. Пьер де Кубертен томонидан келажакдаги олимпия таълимининг асоси сифатида яратилган услубий асос учта кетма-кет босқич сифатида ифодаланиши мумкин: Олимпия таълими ғоясининг келиб чиқиши; Олимпия таълими асосларини шакллантириш; Олимпия таълимининг шаклланиши ва ривожланиши.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Каирос // Антик давр лугати. М., 1985. П. 40; Гераклит. Илк юнон файласуфларининг парчаси. 1-қисм. - М., 1984.
2. Кун Л. Жисмоний тарбия ва спортнинг умумий тарихи. - М., 1982
3. Жолдак В. Олимпизм - жисмоний тарбия ва спортни инсонпарварлаштириш омили // Олимпия ҳаракати ва ижтимоий жараён. М., - 2002. - С. 77-81.
4. Исаев А.А. Олимпизм принциплари бўйича болалар ва ўсмирлар оммавий спортида яхлит таълим тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари: дис.педагогика фанлари доктори. илмий ҳисоботлар. - М., 1999. - С.78.

*Олимпизм қадриятларининг ўзгариши*

**Резюме:** Мақолада Олимпизм тушунчаси ҳақида сўз юритилади. Спортнинг маданият ва таълим билан уйғунлашган бир бутун шакл эканлигини тасдиқлаган. Шунингдек, соҳага тегишли адабиётлар ва илмий манбалар асосида Олимпизм тушунчасига шарҳ берилган ва илмий хулосага келинган.

**Калит сўзлар:** Олимпизм, Олимпия, қадрият, ирода, чидамлилиқ, спорт, жисмоний маданият, Кубертен.

*Изменение ценностей олимпизма*

**Резюме.** В статье рассматривается понятие олимпизма, одним из главных принципов которого является то, что спорт – это целостная форма, объединенная с культурой и образованием. Также на основе соответствующей литературы и научных источников прокомментированного основы понятия олимпизма и сделан научный вывод.

**Ключевые слова:** Олимпизм, Олимпия, ценность, воля, выносливость, спорт, физическая культура, Кубертен.

*Changing the values of Olympism*

**Summary.** The article deals with the concept of Olympism. He confirmed that sport is a holistic form, combined with culture and education. Also, based on the relevant literature and scientific sources, the concept of Olympism is commented on and a scientific conclusion is made.

**Key words:** Olympism, Olympia, value, will, endurance, sport, physical culture, Coubertin.

## INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILAR TADBIRKORLIK KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING MOHIYATI VA MAZMUNI

**Mirzakarimova M.M.**

*Andijon davlat chet tillari instituti erkin tadqiqotchisi*

Dunyoda ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning pedagogik mexanizmlarini takomillashtirish orqali o'quvchilarni hayotiy faoliyatga tayyorlash bo'yicha qator ilmiy izlanishlar olib borilmoqda. Xalqaro amaliyotda ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish yangi ishchi o'rinlarining yaratilishi va ishsizlikning kamayishiga, xizmatlar ko'rsatish hajmining ortishiga, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etishda muhim o'rin tutadi. Ta'lim dasturlarining sifat jihatidan yangilanishi sharoitida o'quvchilarni tadbirkorlik faoliyatiga, ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlarga tayyorlash uchun tadbirkorlikka asoslangan innovatsion metod va vositalarni ishlab chiqish, qiymat yaratishga asoslangan texnologiyalar asosida ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning metodik asoslarini va mexanizmlarini loyihalash alohida ahamiyat kasb etmoqda. Jahon miqyosida yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish va qo'llab-quvvatlashga qaratilgan «Founders4School» (Buyuk Britaniya), The Young Entrepreneurs Academy (Kanada), Youth Entrepreneurship Program (Kaliforniya), "AMIDEAST" (Misr) kabi mintaqaviy dasturlar amalga oshirilmoqda. Ixtisoslashtirilgan ta'limning didaktik-texnologik imkoniyatlari va boshqa resurslarning faollashishi, ta'lim dasturlarining sifat jihatidan yangilanishi sharoitida yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga tayyorlashning pedagogik shart-sharoitlarini joriy etishning samarali kriterial-dagnostik matritsasini ishlab chiqish, mediata'lim, dasturlashtirilgan ta'lim usullarini qo'llash tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Jahondagi rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, tadbirkorlik faoliyati milliy iqtisodiyotning ajralmas tarkibiy qismidir. Ta'lim muassasalarida iqtisodiy fanlarni va tadbirkorlik faoliyatini chuqur o'rganish bozor iqtisodiyotini diversifikatsiyalash sharoitida bo'lajak mutaxassislarni hayotiy faoliyatga tayyorlashda muhim o'rin tutadi. Jahon tendensiyasiga ko'ra, yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga tayyorlash ilg'or mamlakatlar ta'limi tizimidagi ishchi o'rinlarining yaratilishi va ishsizlikning kamayishiga, ishlab chiqarish tovarlari va xizmatlar ko'rsatish hajmining ortishiga, ijtimoiy dasturlarni joriy etish va boshqa ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etishga imkon beradi.

Mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida yoshlarni biznesga tayyorlash, ularda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish muhim omillardan biri hisoblanadi [3]. Mamlakatimiz iqtisodiyotini modernizatsiya qilishning ustuvor yo'nalishlaridan biri - bu o'rta mulkdorlar sinfining shakllanishiga imkon tug'diradigan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishdir. Shu nuqtai nazardan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rag'batlantirish, yoshlarni, jumladan, o'quvchilarni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish iqtisodiy rivojlanishda muhim o'rin tutadi.

Tadbirkorlik – bozor iqtisodiyotining bosh kategoriyasi bo'lib, tavakkalchilik sharoitida ishlab chiqarishning alohida innovatsion shakli bilan shug'ullanib, o'z mol-mulki orqali daromadga, foyda olishga yo'naltirilgan faoliyatdir. Shuningdek, tadbirkorlik - iqtisodiy bilim asoslarini puxta o'zlashtirish va boshqaruv sohasida ma'lum tajribalarga ega

bo'lish, yuzaga keluvchi muammolarni o'z vaqtida va ijobiy hal etish, xo'jalik va moddiy mablag'lardan oqilona foydalanishga yo'naltirilgan faoliyat turi hisoblanadi [5]. Bugungi globallashuv sharoitda ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish, jumladan, ularning ish bilan bandligini ta'minlash va tadbirkorlik faoliyatiga bo'lgan intilishlarini qo'llab-quvvatlash hamda turli vayronkor g'oyalar ta'siriga tushib qolishlarining oldini olishda muhim o'rin tutadi. Shuni ta'kidlash o'rinliki, umumta'lim maktabi va kasb-hunar kollejlari o'quvchilarini tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish, mamlakatimizdagi iqtisodiy-ijtimoiy o'zgarishlarga chuqur bilimli, yuksak saviyali, mustaqil fikrlaydigan yoshlarning bu boradagi ishtirokini ta'minlash bugungi kundagi asosiy vazifalardan biri hisoblanadi [1]. Mazkur ustuvor vazifalarni amalga oshirishda umumiy o'rta ta'lim va kasb-hunar ta'limi muassasalarida umumkasbiy va maxsus fanlarni o'qitishda ta'lim oluvchilarni tadbirkorlik faoliyatiga yo'naltirish orqali o'z kichik biznesini tashkil etishga maktab yoshidanoq tayyorlab borish dolzarb hisoblanadi.

Ingliz tili darslarida  
o'quvchilarning tadbirkorlik  
ko'nikmalarini rivojlantirish  
mexanizmi


• o'qitishning innovatsion modellarini amalga oshirishda  
tashxislanuvchi va kafolatlanuvchi natijani ta'minlovchi  
harakatlar, jarayonlar va tadbirlarning tartibga solingan  
yig'indisidir

### 1 -rasm. Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mexanizmi

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning asosiy maqsadi – o'quvchilarning tadbirkorlik faoliyatiga tayyorgarligini shakllantirishdir. Ilmiy adabiyotlarda —tayyorgarlik tushunchasi faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirishning muhim sharti, kasbiy yo'nalganlik, faoliyatga yaroqlilik, muayyan qobiliyatlar belgisi sifatida ta'riflangan[4].

O'sib kelayotgan yosh avlodni zamon o'zgarishlariga tayyorlash uchun ularni bilim, ko'nikma va malakalar bilan qurollantirish bilan birga, ularni kundalik hayotida duch keladigan vaziyatlar, muammolarni yechishda qo'llay oladigan, o'z-o'zini bandligini ta'minlay oladigan qilib tarbiyalash zarur. Bu jarayonda ta'lim oluvchilarda qiziqish uyg'otish, o'zining orqasidan ergashtira bilish uchun pedagog mustahkam irodaga, bilimga ega bo'lishi bilan birgalikda, tadbirkorlikka yo'naltirilgan pedagogik salohiyati yuqori bo'lishi talab etiladi [2]. U doim faol va ijodiy fikrlovchi shaxs bo'lishi lozim. Uzlüksiz ta'lim tizimida biznes va tadbirkorlikka yo'naltirilgan o'qitish tizimining takomillashtirish ta'lim tizimida uzviylikni ta'minlashda muhim omillardan biri hisoblanadi. Uzlüksiz ta'lim tizimida ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha Davlat ta'lim standartlari, o'quv rejalari va o'quv dasturlarining ahamiyati, ularni izchillik bilan amaliyotga tatbiq etilishidir. Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish fanlararo uzviylikni ta'minlash ta'lim oluvchilarda biznes ko'nikmalari bo'yicha pedagogik ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Ta'lim bosqichlari o'rtasidagi uzviylikning ta'minlanishi – ta'limning mazmunini davom ettirib, uning mazmunini boyitishda hamda ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishda fanlararo uzviylikning ta'minlanishi asosida namoyon bo'ladi. Ta'lim oluvchilarni biznes va tadbirkorlikka tayyorlashda, ularning bandligini ta'minlashda ta'lim muassasalarida umumkasbiy va maxsus fanlarni yuqori darajada o'qitishni belgilaydi. Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish amaliy bilimlar bilan bog'langan maxsus fanni o'rgatish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Umumkasbiy va maxsus fanlardan ta'lim mazmunini belgilashni, o'quv jarayonini tashkil etishni o'qitishning metodik tavsiya va talablari asosida amalga oshiriladi. Fan dasturlaridagi mavzularning mazmuni va tuzilishi o'quv materiallarining mantiqiy ketma-ketligi, ta'lim berish metodlarini, didaktik va interfaol qo'llanmalar xarakterini belgilaydi.



1-rasm. O'quvchilarda tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning ta'lim tizimida uzviylik tamoyillari

Ta'lim oluvchilarda tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning ta'lim tizimidagi uzviylik tamoyillari avvalgi va keyingi o'tiladigan o'quv materiallari o'rtasidagi mantiqiy uzviylikni ta'minlab, ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish maqsadi, mazmuni, ta'lim metodi va vositalarini aniqlashda hamda ta'lim oluvchilarning mustaqil yaratuvchanlik, ijodkorlik, ishbilarmonlik ishlarini tashkil etishda muhim ahamiyatga ega [7].

Uzlüksiz ta'lim tizimida umumkasbiy va maxsus fanlarni o'qitishda huquqiy-iqtisodiy islohotlar va ularning natijalarini inobatga olgan holda ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha uzviylashgan o'quv fan dasturlari qo'llanilishi avvalambor ta'lim muassasalari bitiruvchilarini noo'rin kasb tanlanishiga barham beradi, ta'lim oluvchilarga beriladigan bilim, ko'nikma va malakalarni tizimlashtirilib, ularning biznes va tadbirkorlik bo'yicha bilimlaridagi bo'shliqlarni to'ldirishda hamda ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda, bitiruvchilar bandligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish - bu umrida kompyuter ishlatmagan odamga sovg'a qilingan qimmatbaho kompyuterga o'xshaydi. Bir tomonidan yangi imkoniyatlar, ikkinchi tomondan dastlabki davrda uni o'rganish uchun juda ko'p mashaqqatli mehnat talab qiladi. Bunday og'ir mehnatni o'z bo'yniga olmagan pedagoglarni inert va qotib qolganlikda ayblashadi. Chunki innovatsiyalarni joriy etishda o'zidagi shu xislatni bartaraf etishni hamma pedagog ham uddalay olmaydi [6].

Bo'lajak mutaxassislarda shaxsga yo'naltirilgan yondoshuv asosida tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning pedagogik amaliyoti quyidagi shart-sharoitlar zarurligini taqazo etdi: o'quv-me'yoriy hujjatlar; tadbirkorlik faoliyati bo'yicha bilimlarni o'z ichiga olgan o'quv materiallar mazmunini boyitish (maxsus kurs dasturi, o'quv dasturi, o'quv va elektron qo'llanma); kasb-hunar ta'limi muassasalari o'quvchilarini tadbirkorlik faoliyatiga oid axborot-ma'lumotlar bilan ta'minlash; o'quvchilarni tadbirkorlik faoliyatiga yo'naltirishning ijtimoiy yo'nalishlari (biznes-klublar, yosh tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash markazi, tadbirkorlik asoslariga o'qitishni tashkil etish markazlari).



## 2-rasm. Ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish jarayoni tuzilmasi

Xulosa shuki, ingliz tili darslarida o'quvchilarning tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish – tadbirkorlik sohasiga oid bilim, malaka va ko'nikma hamda kompetensiyalarni o'zlashtirish qobiliyatlarini, ishbilarmonlik sifatlarini, tadbirkorlik faoliyatiga oid tafakkurini shakllantirish jarayoni bo'lib, ta'limning uzviyligi va uzluksizligini ta'minlash maqsadida umumiy o'rta hamda o'rta maxsus kasb-hunar ta'limi uchun kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan yagona davlat ta'lim standartlari va o'quv dasturlariga ta'lim muassasalari bitiruvchilarini bandligini ta'minlashda ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning metodik asoslarini takomillashtirish va bu yo'nalishda o'tiladigan darslar hamda pedagoglarni ham kompetent bo'lishini ta'minlash ta'lim tizimi samaradorligi oshirishga xizmat qiladi.

O'quvchi-yoshlarda egallagan bilimlarini hayotda qo'llay olish, faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lish, ongli ravishda kasb-hunar tanlash, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, mediaresurslardan samarali foydalangan holda mustaqil ta'lim olish va tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish orqali bandlikning ta'minlanishi raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlash tizimini tubdan takomillashtiradi.

### ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi —O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi Farmoni // O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. –T.: 2017. –B. 39
2. Стандарты и мониторинг в образовании – 2004, - №2.
3. <http://inf.1september.ru/2006/07/03.htm>
4. Turdiyev N.Sh., Asadov Yu.M., Akbarov S.N., Temirov D.Sh. Umumiy o'rta ta'lim tizimidan o'quvchilarning kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari. – T.: "Tafakkur". – 2015. – 160 b.
1. Совет Европы: Симпозиум по теме «Ключевые компетенции для Европы»: Док. DECS / SC/Sec. (96) 43. Берн, 2006.
2. Методист – 2008, - №7, - 2010, - №6.
3. Tolipov O. K., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning nazariy va amaliy asoslari. – T., 2006.

### Ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning mohiyati va mazmuni

**Rezyume.** Maqolada ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish bo'yicha Davlat ta'lim standartlari, o'quv rejalari va o'quv dasturlarining ahamiyati haqida fikr va mulohazalar bayon etilgan. Ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirishning ta'lim tizimida uzviylik tamoyillari tahlil qilinib, ingliz tili darslarida o'quvchilar tadbirkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish mazmuni ta'lim oluvchilarning mustaqil yaratuvchanlik, ijodkorlik, ishbilarmonlik ishlarini tashkil etishdagi ahamiyati ko'rsatib o'tilgan.

**Tayanch so'zlar:** uzviylik tamoyillari, uzluksiz ta'lim, kompetensiya, o'quv dasturlari.

*Сущность и содержание развития предпринимательских способностей учащихся на занятиях по английскому языку*

**Резюме.** В статье описывается значение государственных образовательных стандартов, учебных планов и образовательных программ для развития у учащихся предпринимательских навыков на занятиях по английскому языку. Анализируются принципы согласованности в образовательной системе развития предпринимательских способностей учащихся на занятиях по английскому языку. А также значимость развития предпринимательских способностей учащихся на занятиях по английскому языку.

**Ключевые слова:** принципы добросовестности, непрерывное образование, компетентность, учебные планы.

*The essence and content of developing students' entrepreneurial skills in English classes*

**Summary.** The article describes the importance of state educational standards, curricula and educational programs for the development of students' entrepreneurial skills in English classes. The principles of consistency in the educational system for the development of students' entrepreneurial abilities in English classes are analyzed. As well as the importance of developing students' entrepreneurial abilities in English classes.

**Key words:** principles of integrity, continuous education, competence, curricula.

## ИНСАН ҚӘДИРИ ХӘМ ҚӘДИРЯТЛАР

Асаматдинова Ж., Қурбанова Р.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Инсан хәм оның қәдири машқаласы әзелден актуал мәселелерден бири. Инсанның өзін қәдирият сыпатында талқылауы менен оның қәдири, конкрет дәрежедеги қәдириятлар системасы хаққындағы машқалалардан парқ қылады. Бул бойынша төмендегіше пикирлеу мумкин, яғный: хәр бир инсан шахсты қәдирият сыпатында қарауы мумкин, бундай инсанның өзи, оның тәбиий - тарихий процессте жаралыуы, тири жанзатлар арасында бир ғана жәмийетлик жаратылыс екенлиги итибарға алынады. Бул бойынша талқылау конкрет инсанға қаратылған болып, оны арнаулы изертлеу темасының объектине айландырады; инсанның қәдири, яғный оның жәмийетлик процесстердеги орнын, қоршаған этирап хәм басқа адамлар ушын әхмийетин, жәмийеттеги дәрежесин х.т.б изертлеу мумкин. Бул бойынша талқылау инсанның жәмийетлик-тарихый әхмийетин үйрениуге тийкарланады.

Инсан тарихый рауажланыу процессинде турли өзгешеликлер, қәбилетке ийе болған, рухый әдеп икрамлылық қәсиетлерди өзінде сәулелендирген социал жаратылыс сыпатында жәмийеттеги ең тийкарыға қәдирили субъект. Өз шахсы хәм басқалар қәдириин аңлап жетиу ушын инсанның камалаты дауамында қәлиплескен рухый келбети хәм ишки дүньясы жақсылыққа хызмет етиу, оның өзи болса өмирдің мазмун-мақсетин дурыс аңлайтуғын дәрежеде тәрбияланған болыуы лазым[4, 17]. Усы мәнисте, Сократтың «Өз-өзинди аңла!» - урани үлкен әхмийетке ийе. Өз қәдириин аңлаудың объектив, субъектив, жәмәтлик хәм жеке тәрептери бир-бири менен тығыз байланыста болады.

Илимпаз Қ. Назаровтың изертлеулерине тийкарланған ҳалда төмендеги пикирлерди келтирип өтемиз: қәдирияттың қәдириизлениуи – бирден хәм тосаттан жүз бермейди. Қәдириизлениуи белгили бир аксиологиялық процесс [3, 138]. Жоқарыда айтып өткенимиздей, материаллық тарауда қәдириизлениуи, рухый тараудан парқланады. Қандайда бир әспаб-үскене уақыт өтиуи менен өзиниң қәдири-қымбатын жоғалтыуы мумкин. Бирақ белгили бир нәрсениң керекли яки керек болмай қалыуы оның пүткиллей қәдириизлениуин аңлатпауы да мумкин. Бундай жағдайда инсанлар қәдирият объектін естелик сыпатында сақлап жүреді, олар музейлерден орын алады. Францияның пайтахты Париждеги Эйфель минарасы өзиниң хақыйқық функциясын пүткиллей жоғалтсада, французлар ушын қәдириин жоғалтпауы қәдирият объектін саналады.

Рухыйлық пенен байланыслы болған қәдириятлар өзиниң сәулелениуи формасы, заманның реаллықлары менен байланысшылығына қарай қәдириизлениуи яки қәдириизлениуи өзгешеликтери жағынан парқланады. Мәселен, инсаният жәмийети ушын материаллық хәм рухый байлықларды ислеп шығаруи, жәмийетти жаңа әуладлар менен жетилистириуи, рауажланыуға ерисиуи, тыныш-татыу хәм жәмийетлик турақлылық хәмийше өз қәдириин сақлап қалады. Қәдирияттаныуи көзқарасынан «тынышлықты сақлау ушын әскерий жақтан күшли яки тең болыу керек!» деген пикир журитиуи көп жағдайларда турақлылықтың қәдириин надурыс түсиниуи болып есапланады. «Инсаният тынышлық дәуирлеринде урысқа таярланбастан, қурааларды жасау орнына, оларды жоқ етиу менен шуғылланғанында, хеш қашан урыс болмаған болар еди» - Лорощфуконың бул пикири хәмме дәуирлер ушын өз қәдириин жоғалтпайды. Қ. Назаров «Аксиология» деп аталған мийнетинде «миллет ушын өзін-өзи толықтырып турыуи, яғный миллеттиң келешегин тәмийинлеуи, оның үрп-әдет-дәстүрлери, тили, мәдений хәм рухый байлықларын сақлау хәр қашан қәдирили болып қала береді. Дәуирлер өткени менен оларды өширип жибере алмайды. Бирақ хеш қайсы бир миллет әне усы қәдириленетуғын тәрептерин басқа миллетке тән қәдириятлардан үстин қоймауы лазым. Себеби, дүньяда өзін уллы деп атамайтуғын, тарихында бундай уллылық ушын тийкарлар барлығын айтып өтпейтуғын миллет болмаса керек! Миллет аз санлы болыуы мумкин. Бирақ қәдириизлениуи, дүнья халықларының этник келбетинде өз әхмийети жағынан айрықша орынға ийе екенлигин хаққында атап өтиуи – улымаинсанияттың жазылмаған қағыйдаларынан бири» - деп жазады [3, 139]. Қәдириизлениуи машқаласы үстинде пикир журитиуи, қәдириятларды қәдирилеуи өлшемлери, қәдирият нормалары хаққындағы мәселени шетлеп өте алмайды. Бул мәселе Б.Р.Каримов хәм Б.О.Тураевлардың «Оқилон қәдрият мулжаллари» мийнетинде илимий-аксиологиялық талқылау барысында изертлеуи объектін сыпатында кун тәртибине қойылған. Олар бул илимий мийнетинде «инсан концепциясынан ақыллылық пенен қәдирият өлшемлери қәлиплестириуде пайдаланылатуғын бир қатар методологиялық шешимлер ...» берген. Бул методологиялық шешимлер қәдириятқа бағдарлағанлықты анықлауда унамлы пайдаланыуи мумкин.

Илимий анализлерден келип шығып, арнаулы ислеп шығылған авторлық бағдарлама тийкарында шөлкемлестирилип, талабалардың Инсанды (ең уллы әдем икрамлылық қәдирият сыпатында), өзін-өзи («Мен» концепиясы) аңлауға ериседи. Аудиториядан тыс шынығыулар бағдарламасында әдеп икрамлылық хәм эстетикалық тәрбия процессинде талабалар, оқыушылар тәрепинен ийеленген билим, көнликпе, тажрийбе хәм компетенциялар системасы белгилаб берилди.

**«Инсанды аңла» темасын өзлестириуи процессине қолланылатуғын усыллар хәм әмеллер.** Инсанды комплексли изертлеуи - адамды, оның қәлиплесиуин хәм рауажланыуын, атап айтқанда, оны индивидуаллық хәм социаллық қәдириятқа ийе индивид сыпатында үйрениуи; додалауи: инсан қәдириятты-сыртқы-эстетикалық, рухый эстетикалық, әдеп-икрамлылық, социаллық қәдириятлар хаққында, инсан гөзаллығы-сулыуи хәм әжайып инсан хаққында; инсанды бақлауи: тамашалауи яды - тамашалауды талап ететуғын көриуи (мәселен, портрет живописин) анализаторы жәрдемінде; инсан образын әдебиятта, сүүретлеуи өнеринде көркем өзлестириуи; инсан хаққында көркем информацияларды, соның ишинде иллюстрациялық мағлыұматларды



жыйнаў; «Инсанды аңла» темасындағы фольклорлық материалларды жыйнаў; инсан халатын (ишки сыртқы) бақлаў; адамларды, олардың қарым-қатнасын бақлап таллаў хәм жуўмақ шығарыў; фатик-мазмунсыз хәм анық мақсетсиз қарым-қатнас мысаллары: эмпатия «сабақлары»-басқалардың ишки тәшүишлерине ениў, оларға кеўил билдириў уқыбына ийе шахстың сыпатларын жүзеге шығарыў; толерантлық эффекти-оқыўшыларға басқалардың пикирине, минез-кулқына, турмыс қалбине шыдаўды жүзеге шығарыў шараятларын жаратыў; вариатив шешимди (оны билиў, таллаў, өнимли жуўапты излеў тийкарында) талап ететуғын машқалалы социаллық-коммуникативлик халат; халат-оқыўшылар ушын моральлық конфликттен шығып, моральлық таңлаў, моральлық хәрекет моральлық шешим табыў; адамгершиликли-этикалық қарым-қатнасты, оқыўшылардың минез-кулқын модификациялаў-жаратылған «реал» шараятларда ретлестириў; қойылған машқаланы билиў, оны адамгершиликли-этикалы тийкарларда шешиў мақсетинде психодраманы (оқытыўшы, оқыўшылар тәрпинен) моделлестириў; позитив, агрессив минез-куллықты сахналастырыў; берилген социаллық-коммуникатив ситуациялар, оларда жүзеге келген этикалық машқалалардың оқыўшылар тәрпинен импровизацияланыўы; рольлик ойын, онда берилген шараятта мақсетке бағдарланған диалог, сөйлесиў, гүрриңлесиў хәм т.б. сахналастырылады; интеллектуал, билиў түсиндириў, коммуникатив-халатлы, қарым-қатнасықлардың драматизимине хәм кескинлигине, реал қатнасықларға, еркин минез-куллыққа тийкарланған ойын; этираптағылар менен жоқары әдеп-икрамлылық қатнасықлар нормасы дәрежесинде қарым-қатнас жасаў қағыйдаларын ислең шығыў: тренинг усылы - социаллық-коммуникатив хәм басқа да халатларда қатнас жасаў; норматив этикаға, моральлық тилге, элпайымлылыққа, хұрмет-иззетке хәм т.б. байланыслы қарым-қатнас тренинглери; бағдарланған хәрекет усылы-халатқа бағдарланыў хәм жаратылған критикалық халаттан эмоционал-унамлы шығыў; моральлық таңлаў-оқыўшылардың минез-куллықтың, қылықтың белгилери бир сызықларына (конкрет жағдайларға муўапық) артықмашлық берийи; [2; 43]

**Додалау:** реал турмыстағы, көркем фильмлердеги, көркем шығармалардағы, сүүретлеў өнериндеги шаңарақлық-турмыслық жеке, жәмийетлик конфликтлерди хәр қыйлы вариантларды додалаў; әдеп-икрамлылық-эстетикалық қатнасықлар: миннетдаршылық, исеним, сөз бенен истиң бирлиги, миннетлер, ўазыйпалар, хошаметлеў хәм т.б. додалаў; әдеп-икрамлылық-эстетикалық мүнәсибетлер-ерликлерди, пидайылылықларды, қахарманлықларды, хәрекетшенликти хәм т.б. додалаў [2;28].

**«Өзинди аңла» темасын өзлестириў процессинде қолланылатуғын усыл хәм әмеллер:** *шахсқа бағдарланғанлық* - тәрбияланыўшыға шахс сыпатында избе-из қатнас жасаў-өзин шахс сыпатында билиў, оны қәлиплестириў хәм раўажландырыўда, өзін анықлаўда, әмелге асырыўда, тастыйықлаўда, шөлкемлестириўде, хәрекетшенликте (жас өзгешеликлери хәм қызығыўшылықларына муўапық) жәрдемлесиў [1; 41]; *оқыўшыларды индивидуал (жеке) изертлеў*-унамсыз сыпатларды жеңип өтиў мақсетинде хәр бир тәрбияланыўшыға оның жеке өзгешеликлери билиў тийкарында педагогикалық тәсир етиў; өспиримлик жасындағы оқыўшылардың өзін бақлаўы хәм өзиниң «Мен»и ҳаққында ойлаўы; өспиримлердиң өзін шеттен бақлаўы; өспиримлердиң «Өзиме қандай қатнастаман?», «Этирапындағыларға қандай қатнастаман?» «Мен» хәм олар контекстинде) ҳаққында ойлаўы; өспиримлерди темаларында ойлаўы хәм додалаўы; өспиримлердиң өзи хәм этирапындағылардың өзлериндеги өзине тән, басқалардан ажыралып туратуғын өзгешеликлери хәм сыпатларын анықлаўы; өспиримлердиң өзиниң темпераменти, характери, эмоционал, интеллектуал хәм еркил шенберине дыққаты; өспиримлердиң өзиниң қызығыўшылықларын, талаптарын хәм уқыптарын анықлаўы хәм белгилеўи; өзін бақлаў-ўйрениў-таллаў-бақалаў нәтийжесинде шахстың заманагөй идеал өлшемлери ЭГО («Мен») тийкарында өзін-өзи тексерийи; коммуникатив өзін-өзи билиў-оқыўшылардың өзиниң коммуникатив уқып хәм көнликпелери билиўге (өзин-өзи бақалаў арқалы) бағдарланған хәрекет; өспиримлердиң өзиниң характеристикасын қалдырыўы; «өзиниң» моральлық концепцияларын: өзиниң сыпатларына, минез-кулқына, ис-хәрекетлери хәм т.б. талапшандықты арттырыўы;

**Оқытыўшы мынаны есинде сақлаўы тийис.** «Инсан - органикалық хәм оның руўхый-эстетикалық, физикалық-эстетикалық хәм де көркем мағаналы мазмұны менен ажыралмас бирлик. Бул бирлик жеке адамның хәр тәрәплеме раўажланыўы нәтийжесинде толық сәўлеленеди» (Б.Т.Лихачев).

Солай екен, жоқары әдеп-икрамлылық хәм актив турмыслық позиция-мақсетли, әжайып-гормониялық инсанның раўажланыў хәм қәлиплесиў факторы болып табылады. Жуўмақлап айтқанда, қәдирлеўдин қарама-қарсысы - бул қәдирсизлениў хәр тәрәплеме хәм қурамалы аксиологиялық процесс. Ол хәр қыйлы тараўларда түрли тәризде өзине тән формаларда көринеди. Машқаланы ўйрениў – бул процесске тек ғана бақлаўшы болып қалыў емес, балки улыўмаинсаный қәдирятлардың ҳақыйқый мазмұнын дурыс аңлаў, инсан қәдирин жәнede арттырыў ушын зәрүр дәлиллер табыўды билдиреди. Бул мәселени илимий анализ етиў хәм қәдирсизлениў процессине тән аксиологиялық өзгерислер механизм анықлаў машқаласы өзиниң актуаллығын сақлап қалмақта. Себеби, «қәдирсиз қәдирят жоқ» қәдирленбейтуғын қәдирят болса – иллюзияға уқсайды!

#### АДЕБИЯТЛАР

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент.2005
2. Асаматдинова Ж., Абдимуратова Н. «Нравственно- эстетическое воспитание учащихся на внеучебных занятиях - «Познай человека, себя –стань личностью!» Учебное пособие. –Нукус. «Qaraqalpaqstan»-2014 г. с.110
3. Қ.Назаров. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Toshkent. Файласуфлар миллий наһрийети, 2004. –Б. 196
4. Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Toshkent, “Fan va texnologiya”, 2012. – Б.17.

*Инсон қадри ва қадриятлар*

**Резюме.** Мақолада ёшларни ўзини-ўзи аңлашга тарбиялашнинг мазмун-маъноси, технологияси, услублари ва методологияси янги талқин қилиниб, шахснинг буюк қадриятини шакллантиришга йуналтилган тарбиянинг назарий ва амалий асослари кўрсатилган.

**Таянч тушунчалар:** маданият, нафосат, психология, ўзини-ўзи англаш, миллий кадрият, ҳуқуқвор, шахс

*Человеческая ценность и ценности*

**Резюме.** В статье рассматриваются содержание и сущность самопознания человека, его значение и место в системе ценностей, по-новому освещаются технологии, методы и способы формирования личностного самопознания человека.

**Ключевые слова:** культура, эстетика, психология, самопознание, национальные ценности, воспитание, личность.

*Human value and values*

**Summary.** In given article actual problems of moral and esthetical upbringing based on our national and human values, also analysis of methods and technologies are considered.

**Key words:** esthetics, national values, education, person, activity, self-consciousness, valuable orientation.

## КРЕДИТ – МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Ешмуратова А. А.

*Навоий давлат кончилиқ технологиялари университети ҳузуридаги Нукус кончилиқ институти*

**Кириш.** Бугунги кунда таълим тизими самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Илғор кадрларни тайёрлаш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларидаги таълим бериш жараёни билан узвий боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, таълим тизими самарадорлигини оширишни нафақат ўқитувчилар савияси ёки талабалар эҳтиёжи, балки ўқув жараёнининг ташкилий тизими ҳам бевосита таъминлаб беради.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” [1] ги Фармони имзоланди. Ушбу ҳужжатда олий таълим муассасаларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхати киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Ваъзирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғида 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди [2]. Шунга асосан мамлакатимиз олий таълим тизимида кредит-модуль тизимини жорий этиш ва таълим самарадорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кредит-модуль тизими аввало, мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукамал, замонавий лекин ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлигини олиб кирди. [4.10] Бу ўлчов бирлигини жорий этиш натижасида ОТМ ўқув дастурлари аниқ бир ўқиш натижаларига эга бўладиган турли фан ва модулларга бўлинади. Ҳар бир фан ёки модулнинг ўқиш юқламаси миқдори аниқ белгиланган кредитлар билан ўлчанади.

Бугунги кунда кредит ўлчови тизимини амалиётга татбиқ этиш бўйича тўртта модель кенг тарқалган. Булар: Америка қўшма Штатларининг кредит тизими (USCS); Европа мамлакатларининг кредит тизими (ECTS); Осиё — Тинч океани мамлакатларининг кредит тизими (UCTS); Буюк Британиянинг кредит тизими (CATS). Мамлакатимизда олий таълим тизимига кредит тизимини жорий этишда Европанинг ECTS тизимидан фойдаланишга устуворлик қаратиляпти.

**ECTS** – Европа Кредит Трансфер Тизими 1989 йилда асос солинган бўлиб, Европа давлатлари томонидан ишлаб чиқилган, текширилган ва такомиллаштирилган кредитларни тақсимлаш тизимидир [5, 9].

**ECTS** тизимида талаба олган билимининг баҳосини бир давлатдан (ОТМдан) иккинчи давлатга (ОТМга) эркин кўчишини, эришилган кўникма ва малакасини эркин тан олишини, пировардида барчасини ҳисобга олиб даража (диплом) олишини назарда тутувчи тизимдир. **ECTS** тизимида таълим олишнинг барча турлари (кундузги, кечки, сиртки, масофавий) ва ўқув юқламасининг барча кўринишлари (маъруза, амалиёт, лаборатория в.х) учун қўлланилиши мумкин.

ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 ни ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборатлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши керак бўлади. Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юқламасини билдиради. ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 соатлик ўқиш юқламасини англатади [4, 11]. Кредит-модуль тушунчаси икки сўздан иборат: «кредит» ва «модуль» [4, 17].

Модуль – лотинча сўздан олинган бўлиб «modulies» - «ўлчов», «йўл» маъносини англатади.

Ўқув модули қўйилган мақсадга нисбатан эришиш учун етарли бўладиган, маълум бир фан ёки курс йиғиндиси. Ўқув модулининг таркиби қисми: мавзуга оид тақдимотлар, тингловчи учун асосий ўқув материаллари, муаммоли вазиятлар - кейслар, глоссарийлар, тингловчи учун қўшимча ўқув материалларидан ташкил топади. Модулли ўқитишда ўқув дастурини тўлиқ, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган дифференциаллаштириш асосидаги ўқитиш бўлиши мумкин, яъни ўқитиш индивидуаллаштирилиши мумкин.

**Кредит (credit, credit-hour)**- атамаси (ects - credit) – синондан ўтиш маъносини англатади.

Кредит-модуль ўқитиш тизими эса, ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боровчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш

тизими ҳисобланади. Мазкур ўқитиш тизими маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулоти, ўқув амалиёти, клиник ўқув амалиётлар, курс лойиҳаси (иши), шунингдек таълим олувчиларнинг мустақил машғулоти бўйича ҳафталик соат юкмаси ва таълим олувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини акс эттиради. Таълим олувчилар томонидан барча мажбурий фаолият турлари бажарилгандан ва улар баҳолангандан сўнг кредитларни тўплаш мумкин.

Одатда, кредит таълим олувчи томонидан ўқув режаси бажарилишининг кўрсаткичи бўлиб, тегишли ўқув ишларини бажаришга кетадиган вақт (соат)лардан ташкил топади. Олий таълим муассасалари томонидан кредитлар модул хусусияти ва бўлажак мутахассисни шакллантириш учун ўқув ишларининг муҳимлигидан келиб чиқиб таълим муассасаси томонидан белгиланиши мумкин. Ҳар бир модул мустақил кредитга эга бўлади. Кредит-модуль тизимини жорий этган олий таълим муассасаларида талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб, ўқиш ҳали бошланмасданоқ ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклигини билиб оладилар. Бу таълимдаги шаффофликнинг бир кўринишидир. 1 кредит ўқиш юкмаси (25-30 соат оралиғида) айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг ички қоидаларида белгилайди [4, 12]. ECTS кредитлари фақат аудитория соатларидан иборат эмас. У талабаларнинг тўла юкмасига асосланади. Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулотларини, мустақил ишларни ва ўқув режасида кўзда тутилган барча фаолият турларини ўз ичига олади. Кредит-модуль тизими талабаларнинг индивидуал ишлашини ва мустақил ишларни бажаришни режалаштиришига имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, 1 кредит учун белгиланган 25-30 соатлик ўқиш юкмаси бу фанни ўрганиш учун сарфланадиган жами ҳаракатлар жамланмаси бўлиб, унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, шунингдек талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун сарфлаган барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади [4, 12].

Анъанавий ўқитиш модели ва ўқитишнинг кредит – модуль тизимида талаба ва ўқитувчи муносабатларини кўриб чиқамиз. Анъанавий ўқитиш моделида: ўқитувчи талабадан ўқитувчининг тегишли белгиланган режага мувофиқ ўқитаётган билимларини эътибор билан тинглашини ва ўзлаштиришини хоҳлайди. Ўқитувчи у ёки бу ўқув режасида белгиланган билимларни тарқатувчи ягона тўғри манба ҳисобланади. Талаба билимларнинг самарали ўзлаштирилиши фақат ўқитувчи малакасига боғлиқ, деб ўйлайди. Шунингдек, талаба ўқитувчининг фақат аниқ кўрсатмалари асосидагина ҳаракат қилади. Ҳар бир ишда ўқитувчининг аниқ кўрсатмаларини ёки бажариш тартибини ўргатишини кутиб туради.

Кредит – модуль тизимида: ўқитувчи талабадан ўрганилаётган фан бўйича ўз фикрини эркин ифода этишини кутади. Баъзан бу фикр ўқитувчи нуқтаи назари билан мос келмаслиги мумкин. Ўқитувчи билимларнинг самарали ўзлаштирилиши ўқитувчи-талаба ва талаба-ўқитувчи ўртасидаги алоқага боғлиқлигини яхши билади. Талаба ўқитувчидан билимнинг ўзини эмас, билим олиш йўллари кўрсатишини хоҳлайди. Талаба ўқитувчидан ўз саволига ўзи жавоб топа олиши мумкин бўлган манбаларни кўрсатишини. Маълум равишда тузилган қўшимча кўрсатмалар беришини кутади. Чунки у ёки бу топшириқни қай тарзда ечишни унинг ўзи яхши билади.

Таълимнинг кредит-модуль тизими талабаларни нафақат ўрганиш объекти, балки таълим тизимида бевосита таъсир кўрсатадиган шахслар сифатида талабаларнинг таълим жараёнидаги юқори фаоллигини ҳам назарда тутади. Бу бир томондан, талабаларнинг ўз-ўзини англашининг юқори даражасини талаб қилса, иккинчи томондан, талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш зарурлигини тақозо этади. Анъанавий таълим тизимидан фарқли ўлароқ, талабага олдиндан белгиланган траектория яъни, ҳамма учун бир хил бўлган умумий ўқув дастури асосида мавзудан мавзуга ўтадиган конвейер сифатида тақдим этиладиган кредит-модуль тизими мажбурий фанлардан ташқари турли модулларни жалб қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, талаба индивидуал эҳтиёжларга йўналтирилган ўз таълим йўналишини шакллантиради. Таълимнинг кредит-модуль тизимининг бошқа афзалликлари қуйидагилардан иборат: бир вақтнинг ўзида ўрганиладиган фанларнинг камроқ сони, педагогик жараёни индивидуаллаштириш, амалий йўналтириш, шунингдек, талабаларнинг ижодий қobiliятларини очиш. Замонавий шароитда ушбу тизим кўпроқ мобил, малакали ва изланувчан мутахассисларни тайёрлаш имконини беради [6, 13].

Юқорида кўрсатилган икки моделнинг қиёсий таҳлили уларнинг қайси бири яхши, қайси бири ёмон эканлигини кўрсатмайди. Ушбу таҳлил таълим тизимида янги моделни жорий этишда ҳисобга олиниши лозим бўлган жиҳатларгагина эътиборни қаратади, чунки барча ўзгаришлар, жумладан, таълим соҳасидаги ўзгаришлар ҳам мазкур жараён иштирокчиларининг когнитив даражасида талқин қилинади. Ўқитувчи ва талаба у ёки бу ўзгаришларни, энг аввало йиллар давомида шаклланган услублар орқали қабул қилади.

Маълумки, анъанавий ўқитиш моделида ўқитувчи ўқув жараёнининг асосий ташкилотчиси ва маълумот тарқатишнинг бош манбаси ҳисобланади. Ўз навбатида, аудитория машғулоти ўқув жараёнининг асосий қисмини ташкил этади. Кредит-модуль тизимида ўқиш билан ўқитувчининг ўқув жараёни асосий ташкилотчиси ҳамда маълумот тарқатишнинг ягона манбаси сифатидаги роли пасаяди. Ўқитувчи асосан йўналтирувчи вазифасини бажаради. Талаба ушбу ўқув жараёни марказида бўлади. Бунда у мустақил таълим олиши мумкин.

Кредит-модуль тизимида олий таълим муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг ҳар бир фани бўйича 4-5 варақли фан дастурига яъни «силлабус»га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади [3]. Фан дастури ўз ичига ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг келажақдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар рўйхати, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Силлабус тузишдан мақсад – олий таълим муассасаларида дарс жараёнларини шаффоф, мақсадли ва режа асосида ташкил этишдир. Семестр давомидаги барча таълим ҳаракатлари мана шу мақсадларга эришишга қаратилади. Мақсадга эришганлик эса таълимнинг натижаларини белгилайди. Таълим натижалари бир ёки бир нечта тармоқ дастурларига ёки алоҳида бир курс бўлими ёки модулига тегишли бўлиши мумкин. Таълим натижалари кредит бериш талабларини белгилайди. Бу талаблар профессор – ўқитувчилар томонидан тузилади. Таълим олувчи талаба томонидан олинган ҳақиқий малакалар, қўрилган таълим натижаларидан фарқ қилиши мумкин. Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши таълим сифатини ошириш, бу жараёнда ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Кредит-модулли тизимда ўқитувчи талабанинг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

**Хулоса.** Кредит-модуль тизимини жорий этишда, асосий эътиборни олий таълим муассасасида ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникацион тизимлари ва технологиялар билан ишлаш қўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратиш керак. Шунингдек, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, талабаларда мустақил ўқиш маданиятини, изланиш ва янгиликларни қабул қилишга бўлган зарурликни шакллантириш ғоятта муҳим омил ҳисобланади.

Кредит – модуль тизимини жорий этишда олий таълим муассасаларида талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар тизимида ҳам туб ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Шунингдек, ҳар бир олий таълим муассасаси замонавий таълим хизматлари бозори талабаларидан келиб чиқиб таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиши керак.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” 1-илласи, 9-банди.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Ваъзирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғи, 1-илласи.
3. Ш. Мустафақулов, М. Султанов «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? 2020 йил 5 август, № 163 (7665).
4. В. Ёринов, М. Султанов, А. Умаров Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Муассасаларида ECTS Кредит-Модуль Тизими: Асосий Тушунчалар ва Қоидалар. Қўлланма. Т.: «Маънавият», 2020. - 96 бет.
5. Robert Wagenaar. A History of ECTS, 1989-2019: Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy. 2019. -104 page
6. Давыдова О.В., Звонников В.И., Чельшкова М.Б., Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) ГОУ ВПО «Государственный университет управления», М.: ГУУ, 2010. – 50 стр.

*Кредит – модуль тизимида таълим сифатини таъминлашнинг асосий омиллари*

**Резюме.** Мақолада кредит – модуль тизими ҳақида, анъанавий ўқитиш модели ва ўқитишнинг кредит – модуль тизимида талаба ва ўқитувчи муносабатларининг баъзи қиёсий таҳлиллари қўриб чиқилган. Кредит – модуль тизимида таълим сифатини таъминлашнинг муҳим омиллари, ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашидаги ҳисобга олиниши лозим бўлган баъзи жиҳатлари келтирилган.

**Таянч иборалар:** Кредит, модуль, кредит-модуль тизими, ўқув модули, модел, силлабус

*Основные факторы обеспечения качества образования в кредитно-модульной системе*

**Резюме.** В статье рассматривается кредитно-модульная система, проведен сравнительный анализ взаимоотношений студента и преподавателя в традиционной модели обучения и кредитно-модульной системе обучения. Представлены важные факторы обеспечения качества образования в кредитно-модульной системе, некоторые аспекты, которые следует учитывать при сотрудничестве преподавателя и студента.

**Ключевые слова:** Кредит, модуль, кредитно-модульная система, учебный модуль, модель, силлабус

*Main factors of education quality ensure in the credit-modular system*

**Summary:** This article discusses the credit-modular system, a comparative analysis of the relationship between the student and the teacher in the traditional model of education and the credit-module system of education. Important factors for ensuring the quality of education in the credit-modular system, some aspects that should be taken into account in the cooperation of a teacher and a student are presented.

**Key words:** Credit, module, credit-modular system, training module, model, syllabus

## BALANI SAW-SALAMAT ETIP TARBIYALAW HÁM TEREÑ BILIM BERIW MÁSELESI

<sup>1</sup>Qazaqbaev A. M., <sup>1</sup>Tulepov S. K., <sup>2</sup>Qazaqbaev B. M.

<sup>1</sup>Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

<sup>2</sup>Ózbekistan Respublikasi milliy gvardiyasi Qaraqalpaqstan Respublikasi regionaliq oquw orayı

Shańaraqta balanı tárbiyalaw máselesi júdá qıyın hám hár tárepleme juwapkershilikti talap etedi. Bul máselede bir qalıpte is etiw júdá qıyın. Sebebi, hámmege bir qıylı qatnasta bolıw múmkin emes. Ata-ana balanı tárbiyalawda, bilimli, aql menen is tutatugın, sabır-taqatlı bolıwı, hár bir balanın xarakterine qarap qatnas jasawı kerek.

-Balalar tárbiyasındaǵı tiykarǵı nársene? Eń dáslep bul sorawǵa bılay juwap bergen bolar edik. Hámme de tiykarǵı nársene bolıp tabıladı. Shınında da, bala tárbiyasında áhmiyetsiz, názerden shette qalatugın nárseniń ózi bolmaydı. Biraq, eń tiykarǵısı, bala saw-salamat bolıp ósiwi kerek. Baladaǵı tolıqlıq hám iri denelilik te, júzleriniń qızıl shıraylılıǵı da salamatlıqtıń belgileri bola almaydı. Salamatlıqtıń belgisi fizikalıq hám ruwxıy kúshlerdiń teń bolıwı, nerv sistemasınıń ólsheimli bolıwı, shıdamlılıq, hár qıylı zıyanlı nárselerge qarsı shıdam bere alıwı bolıp esaplanadı. Turmis balanı qanday bolmasın bir sinawlarǵa duwshar etedi. Bul ne bolmasın jaǵdaydıń keskin ózgeriwı me, yaki infekciya ma, fizikalıq zoriǵıw ma, yaki ruwxıy azap shegiw me, bári bir saw organizm onda maqsetke muwapıq reakciyalar menen



juwap beredi, ózi gúresedi. Kúshsiz bolsa gúresiwe ázzilik etip, jeńiledi. Salamat balanı tárbıyalaw birqansa ánsat. Bunı hámme de bileđi. Ol barlıq zárúriy nárselerge hám tájiriýbelerge tez úyrenip ketedi, sharayatlardıń ózgeriwine jaqsı beyimlesedi hám ózine qoyılğan talaplardı tuwrı tez túsinedi. Salamatlıq-balada minez- qulıqtıń tuwrı qalıpleswiniń, shólkemlestiriwshilik qábiletiniń rawajlanıwınıń, kúshli, qábiletli hám tábiyiy qábiletli bolıwınıń tiykari bolıp tabıladı. Balanıń saw-salamat bolıwı kóbinese ata-ananıń sawlıǵına baylanıslı boladı. Bolajaq ata-analar, álbette vrachqa barıp ushırıswıları, onıń menen másláhátlesiwleri, ózlerinde qanday bolmasın birde xronikalıq kesellik tabılǵanday bolsa sabır-taqat penen sol dárten sawalıp ketkenshe emleniwleri zárúr.

Keyingi jıllarda antenatal profilaktika qollanımaqta. Yaǵnıy, bala ele jariq dúnyaǵa kelmeden aldın-aq ondaǵı keselliklerdiń aldı alınadı. Bunda alınǵan maǵlıwmatlar soǵan isenim hasıl etedi, tuwrı awqatlanıw, miynet hám dem alıwdı tuwrı joǵa qoyıw, hár qıylı zıyanlı tásirlerden ózin qorǵaw jolı menen (spirtli ishımlık ishpew, temeki shekpew, dárilerdi shalásharpı ishpew) júkli hayal dúnyaǵa keletuǵın óz perzentiniń rawajlanıwın basqarıwı múmkin. Balanıń salamatlıǵına jasap hám rawajlanıp atırǵan sharayat ta tásir etedi. Bala organizmi jumsaq, jas nálder bolıp iyiledi, ózgerip turadı. Belgili sharayatlarda jaman tuwma belgilerdiń júzege shıqpay qalıwı da awır kesellikler tiykari bolıwı da múmkin. Tap sol sıyaqlı jaqsı náller rawajlanıwı hám jetilisiwi, yaki sıńıp joq bolıp ketiwi múmkin. Adam jariq dúnyaǵa shıdamlılıq, beyimlesiwshilik mexanizmleriniń belgili dárejese menen keledi. Bunı sıyqırlı saqıy tábiyat hár bir bolajaq perzentke inam etken sawǵa dep esaplaw múmkin. Biraq ana sol tábiyat inamın saqlaw ushın túsiniw, onnan aqlılıq penen paydalanıw kerek. Máselen, shaqalaqta ıssılıqtı qabılaytuǵın tábiyiy mexanizmler júdá jetiliske boladı. Suwıqqa qarsı organizmde ıssılıq beriliwiniń tez kemeyiwine, ısp ketiwine juwap onıń asıwına sebepti reaksiyalardıń shiyeleniske shınjırı payda boladı. Eger nagruzkanı asıra barıp, sol mexanizmler (shınıǵıwlar) tez-tez qaytalanıp turılsa, onda olar isenimlirek isleytuǵın bolıp bara beredi. Egerde bul túrdegi shınıǵıw bolmasa, olardıń “sózligi” sezilerli dárejede páseysedi. Basqasha aytqanda, eger bala shınıqtırılса, ol suwıq qatıwǵa birqansa shıdamlı boladı, eger bala oranıp kútinse, sál samal tiyiwden asırıp abaylansa, samallaw keselliklerine hám basqa keselliklerge shıdamlılıq páseyedi. Balanı názik etip tárbıyalamastan, bálki shınıqtırıw, trenirovka isletiw arqalı organizminiń xızmetin asırıw lazım. Óz perzentiniń dúnyadaǵı biybaha trener ómir tájiriýbesinen ayırmań. Ayırım ata-analar sonday qátege jol qoyadı: Balanı kishkeneliginde hádden tısqarı qalıń qattı etip jórgeklep, onıń erkin háreket islewine jol qoymasıqqa háreket etedi. Júz beriwi bolǵan qıynshılıqlardıń aldın alıw- birden qollardı kórip qorqıp ketse ya, birden júzin tırnap alsa ya, dep qorqıwǵa túsedi. Tiykarınan bala sonday jol menen ózin erkin seziwi hám háreketler baylanısı nızamların túsiniwi ushın qolların hám ayaqların qıymildatıw kerek. Kópshilik nárseni: onıń ushın urınıw ushın háreketlerin, jıǵılıp túseseń, mayıp bolasań dep dákki bere beriw balaǵa payda etpeydi. Iqtıyat bolıp júriwge úyreniw ushın qashan bolmasın jıǵılıw da kerek dá, bir nárseni úyreniw ushın dáslep óz qolıń menen miynet etiw, umtılw kerek.

Tuwrı, balanı aktivlikke hám belgili bir shegarada marapatlaw kerek. Oǵan fiziologiyalıq hám fizikalıq imkaniyatları esapqa alǵan halda qurbı jetetuǵın, qolınan keletuǵın islerdi buyırıw kerek. Ata-analardıń ayırım orınsız háreketleri ushırap turadı. Ayırım ata-analar “ásir dinamikligi” túsiniwine ulıwma berilip, balalardı 2-3 jasınan baslap oqıtıwǵa, esaplawǵa, shet tillerin úyretiwge asıǵadı, gante menen gimnastika etiwge májbúr etedi. Negizi bunday qılmaw kerek. Bir qıylı qábiletlerdiń júdá erte rawajlanıwı, basqalarına, álbette, zıyan etedi. Balalıqta uttırǵan narseniń ornın toltırıw ayırım jaǵdaylarda ánsat bolmaydı. Bala tárbıyasında hesh qashan hádden tıs asıp ketpeslik kerek.

Balanı qáterjam, tábiyiy aqlılıq penen ósiriń! -Bunıń ushın ne qılıw kerek? Sonday bir metod bar, onı hár jaǵdayda ómirdiń birinshi jıllarındaǵı balalar ushın universal dep ataw múmkin. Ol balanıń salamatlıǵınıń bekkemleniwine de, onı jaqsı tárbıyalawǵa da jaqsı tásir kórsetedi. Bul kún tártibine boysınıw bolıp esaplanadı. Anıq kún tártibi bul balaǵa zorlıq penen májbúriy isletetuǵın nárese emes. Tábiyatqa bir názer salıń, ol anıq bir qalıpte jasadı, hámme-hámmesi quyash shıǵıwı hám batıwı, aǵıp ketiw hám keliw bir túrde boladı, ishki organlar da sol sıyaqlı rejimde isleydi. Máselen, saw jurek ritminiń anıqlıǵına qulaq salıń. Balanı báhá bir qıylı waqıtta hám usı saatta uyıqlatıń, seylge alıp shıǵıń, shomıldırıń. Bir qalıpte, áne sonday is etiw, organizm xızmeti ushın eń jaqsı sharayat jaratadı. Balanıń ishтейi jaqsı boladı, jaqsı uyıqlaydı, ruwxı tetik boladı. Tuwrı, durıs rejim shárayatında ósken bala ádette injiq bolmaydı. Onıń miyinde, ana súti menen kirkendeıy hár bir nárseniń óz waqtı, óz ornı, óz rejimi bar degen nárseler qalıplese. Rejimge boysınıw tek bala ushın gana zárúr emes. Rejimge boysınǵanda shańaraq tártipli, taza, hámme nárese jay-jayında bolıw tiyis. Balanı tuwrı ósiriwdi bilmeytuǵın shańaraqta bolsa, hámme nárese shashılıp, biytártip bolıp jatadı.

Biz rejimdi universal qural dep atadıq. Ol gigiena hám pedagogikanıń eń tiykarǵı talapların birlestiredi. Biraq universal degen ele hámme emes. Rejim, biybaha gigenalıq kútim, natuwrı awqatlanıw óz- ózinen avtomatikalıq ráwishte islep shıǵılmaıdı. Balanı jaqsı kóriw hám oǵan mehrli, dıqqat itibarlı, jaqsı sezim –tuyǵılǵa bay bolıw lazım. Bunı bolsa balaǵa jaqsı, tek tatıw shańaraq ǵana baǵısh ete aladı.

Solay etip, bala tárbıyası ata-ananıń tınımsız dóretiwsilik isi bolıp sanaladı. Ata-analardı kóp táshwishler, miynet hám mashaqatlar kóp kútedi. Olar buǵan tayar bolıwları kerek. Balalardı maqsetke tuwrı joǵa baǵdarlawdı jedellestiriw ushın shart-sharayát jaratıw kerek. Háreketiń ómir ushın tiykarǵı túrlerin qalıplestiriw: júriw, juwırıw, eńbeklew, sekiriw, órmelew, atıw, ilip alıw, júziw, velosipedte júriw, ayaq, qol, dene, bas háreketlerin rawajlandırıw. Balalardıń háreketli xızmeti olarda tiykarınan dene shınıqtırıw sıpatların rawajlandırıw menen baylanıslı. Buǵan shaqqanlıq, epshillik, kúshlilik, ǵayratlılıq sıyaqlı belgiler kiredi. Ámelde bul belgilerdiń hesh birin bólek alıp rawajlandırıwdı kóz aldımızǵa elesletip bolmaydı. Hárqıylı dene shınıqtırıw belgilerin tárbıyalaw tiykarınan balanıń fizikalıq tárepten hár tárepleme rawajlanıwınıń kórinisi bolıp tabıladı. Sebebi bunday rawajlanıw nátiyjesinde, organizmniń muǵdarlı imkaniyatlarında ulıwma alǵa ilgerilew júz beredi.

Mektepke shekemgi bilimlendiriw orınlarında shólkemlestiriletuǵın dene shınıqtırıw shınıǵıwlarında bala qawmetine tásir kórsetiwshi shınıǵıwları qollaw. Mektepke shekemgi bilimlendiriw orınlarında dene shınıqtırıw shınıǵıwların dene shınıqtırıw tárbıyashısı alıp baradı. Barlıq toparlar ushın shınıǵıw tapsırmaların 08-02 sanındaǵı is

rejesinde bir yıl ushın 72 shınıǵıw islenbesin qalıplestiredi. Mektepke shekemgi jastaǵı balalada kúsh-quwattı tárbıyalawǵa qaratılǵan shınıǵıwlar tiykarınan dinamikalıq xarakterge iye bolıwı kerek. Bul waqıtta bul uzaq waqıtta dawam etip, nervlardı tereń sharshatıw halına keltiretuǵın bir túrdegi zorıǵıwlar menen baylanıslı bolmawı kerek. Bunnan tısqari kúshti rawajlandırıwda zorlıq penen kúshleniw tiyis bolǵan shınıǵıwlar qollanılmawı kerek. Mektepke shekemgi jastaǵı balalardıń kúsh-quwatın tárbıyalaw ushın qısqa múddet dawam etetuǵın, tezlik-kúsh talap etetuǵın shınıǵıwlar (máselen, bir jerdiń ózinde turıp uzınlıqqa sekiriw, uzaqqa ılaqtırıw shınıǵıwları), sonday-aq, awırılıqtı kóteriw menen baylanıslı bolǵan bazı bir shınıǵıwlardı (kesesine hám tikke turǵan nárwanlar, taxtalargá tırmasıp shıǵıw shınıǵıwları, gimnastika skameykasında óz qolları, kúshi menen tartılıw hám usıǵan uqsas shınıǵıwlar) orınlaw orınlı bolıp sanaladı.

#### ÁDEBIYATLAR

1. Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2020-jılı 30-oktyabrdegi “Salamat turmıs tárizin keń eń jaydırıw hám ǵalaba sporttı ele de rawajlandırıw shara tadbirleri haqqında”ǵı 6099-sanlı pármanı.
2. “Ózbekstan Respublikası Ministrler Keńesiniń 11.03.2020 jıl 143-sanlı “Ozbekstan Respublikası badminton sport túrin rawajlandırıw shara tadbirleri haqqında” ǵı qararı.
3. Atabekov F.U.” Badminton” joqari oqıw orınları ushın sabaqlıq. Tashkent-2021.

*Balani saw-salamat etip tarbiyalaw hám tereń bilim beriw*

**Rezyume.** Maqolada ushbu muhim masalada oila, maktabgacha va maktab ta'limining ahamiyati va o'ri ni ko'rib chiqiladi.

**Tayamish sózler:** psixologiyalıq hám morfofunkcional imkaniyatların qalıplestirıw, texnikalıq hám taktikalıq tájiriyebe.

*Воспитание ребенка здоровым и образованным уделяется особое внимание*

**Резюме.** В статье рассматривается значение и роль семейного, дошкольного, школьного воспитания в этом важном деле.

**Ключевые слова:** психологических и морфoфункциональных возможностей, технических и тактических навыков.

*Raising and raising a child healthy*

**Summary.** The article examines the importance and role of family, preschool, and school education in this important matter.

**Key words:** psychological and morphofunctional capabilities, technical and tactical skills.

## ВИРТУАЛ ЭКСКУРСИЯ – ТАРИХ ФАНЛАРИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШ ШАКЛИ

Хожаметов Г.

*Нукус давлат педагогика институти*

Анъанавий таълимни ташкил этишда ўқув экскурсияси ўқитишнинг муҳим шаклларида бири сифатида қабул қилинган. Ўқув экскурсия “наrsa ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки махсус муассасалар (музей, кўргазма заллари ва ҳақозолар)да бевосита ўрганилишини ташкил этиш” [5, 139-б.]дан иборат таълим шакли бўлиб, у ўқув материалга оид маълумотларни кўргазмани тақдим этилишини таъминлайди. Маълумотларни кўргазмани шаклда қабул қилиш таълим олувчиларнинг тасаввурларини янада ойдинлаштиради, ўзлаштирилган билимларнинг пухта бўлишини таъминлайди. Европа мамлакатларида экскурсия таълим шакли сифатида XVIII охири – XIX асрнинг бошларида ўқувчиларда кузатувчанлик қобилияти, мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида таълим тизимида татбиқ этилган [4]. Ўзбекистон шароитида экскурсиядан илк марта Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогик фаолиятида фойдаланилган, деб айтиш мумкин. Бундай ҳулосага келишга педагогнинг дарсларни табиат қўйнида ташкил этиш ғояси асос бўлади. Электрон таълим ресурслари яратилгунга қадар ўқув экскурсияларини уюштириш мураккаб жараён саналарди. Зеро, уни уюштиришдан аввал бир қатор ташкилий-тайёргарлик ишлари (ўқув экскурсиясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, йўналишни белгилаш, масъул шахсни тайинлаш қабилар)ни ҳал қилишга тўғри келарди. Айниқса, экскурсия уюштириладиган объект таълим муассасасига узоқ бўлса, у ҳолда транспорт ҳамда бориб-келиш учун харажат талаб қилинар эди. Глобал ахборотлашув шароитида эса таълим тизимининг рақамлаштирилиши ўқитишнинг бошқа шаклларида бўлгани каби экскурсияни ташкил қилишда ҳам Интернет ва компьютер технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш учун шароит яратди. Айни вақтда анъанавий экскурсия ўрнини виртуал экскурсия эгалламоқда.

“Виртуал экскурсия” тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича шарҳланади. Чунончи, кўргазмани материаллар: фотосуратлар, репродукция (босма йўл билан олинган сурат)лар, видеоларҳалар, аудио ёзувларга асосланган ўқитувчи ҳикоясини ифодаловчи ўқитиш шакли [2, 22]; таълим олувчиларни у ёки бу мамлакат, шаҳар, миллий боғ, музей, курорт, ишлаб чиқариш объекти ва бошқалар билан таништириш мақсадида уюштирилиб, тақдимот воситасида тақдим қилинадиган кўргазмани ва қизиқarli намойиш [3, 112]; мустақил кузатиш, зарур далилларни мустақил йиғиш учун қулай шароитни яратиш орқали анъанавий экскурсиядан фарқли равишда реал объектларни виртуал тавсирлашга хизмат қиладиган ўқитишнинг ташкилий шакли [1, 49]. Ушбу ёндашувларни маъқуллаган ҳолда уларда виртуалликни таъминловчи жиҳат – ахборот-коммуникацион технологияларнинг хизматини янада аниқ ифодалаш талаб қилинади, деган фикрдамиз. Виртуал экскурсия компьютер технологияси, мобил қурилма, Интернет тармоғи орқали намойиш қилинади. Тушунчани таърифлашда мазкур воситалар қайд қилиниши лозим. Шунга кўра “виртуал экскурсия” тушунчасини шундай шарҳлаш мумкин: **виртуал экскурсия** – белгиланган мақсадида кўра компьютер технологияси, мобил қурилма ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларни маълум объект (мамлакат, шаҳар, миллий боғ, музей, курорт, ишлаб чиқариш корхонаси ва бошқалар) билан виртуал таништирувчи ўқитиш шакли.

Виртуал экскурсияни уюштиришдан мақсад таълимий ёки тарбиявий характерда бўлиши мумкин. Таълимий характердаги виртуал экскурсия бевосита ўқув материали моҳиятини ёритишга, таълим олувчиларга ўрганилаётган мавзу бўйича назарий билим беришга хизмат қилади. Мисол учун “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Мовароуннахрнинг XIV-XVI асрлардаги ижтимоий-маданий ҳаёти” мавзусида виртуал экскурсияни ташкил этишда талабаларга тегишли давр моҳиятини ёритувчи ижтимоий-маданий жараёнлар, адабиёт, таълим, санъат турлари, хусусан, меъморчилик соҳаларида эришилган ютуқлар тўғрисида маълумотларни бериш мақсади кўзланади.

Тарбиявий характерга эга виртуал экскурсияни ташкил этишда эса таълим олувчиларда муайян маънавий-ахлоқий сифат ёки сифатларни тарбиялаш мақсади кўзланади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли “Шон-шараф” музейи бўйлаб виртуал экскурсияни ташкил қилишнинг мақсади – талабаларнинг ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик сифатларини ривожлантиришдан иборат бўлади. ОТМда виртуал экскурсиядан деярли барча фанларни, айниқса, санъат фанлари, адабиёт, тарих, география, тил фанлари (инглиз, немис, француз, корейс, хинд ва ҳоказолар), технология, биология, кабиларни ўқитишда фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бугунги кунда ОТМда виртуал экскурсиядан тақдимот, график харита, гипер илова, геоахборот тизими (yandex, google), алоҳида объектларнинг моделини яратишга имкон берадиган 3D-моделлаштириш, панорамали композицияларни яратиш [7] кўринишларида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Педагогик манбаларда виртуал экскурсиянинг муайян турлари мавжудлиги айтилади. Хусусан:

**1) умумлаштирувчи виртуал экскурсия** – бу турдаги экскурсия умумий мавзуларни яхлит қамраб олган ҳолда бир неча экскурсия элементларини ўзида намоён қилади, экскурсия жараёнида ташриф буюрилган объектлар тўғрисида умумий маълумотлар берилади;

**2) аниқ мавзу асосида ташкил этиладиган виртуал экскурсия** – тегишли турдаги экскурсиянинг мавзу доираси аниқ белгиланади ва аввалдан режалаштирилган объектка ташриф буюрилади;

**3) биографик характердаги виртуал экскурсия** – мазкур экскурсия таълим олувчиларни таниқли шахсларнинг ҳаёт йўли, биографияси ва фаолияти билан яқиндан таништиришга хизмат қилади [7].

ОТМда тарих фанларини ўқитишда аниқ мавзу асосида ташкил этиладиган виртуал экскурсияларни уюштириш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бу турдаги виртуал экскурсияда тегишли мавзу батафсил ёритиб бериладик, натижада талабалар уларни пухта ўзлаштиради. Мавзу бўйича батафсил маълумотларни бериш талабаларни ноаниқ, мавҳум, тушунарсиз маълумотларга эга бўлишининг олдини олади. Дениэл Спайск виртуал экскурсиянинг амалий аҳамиятини юқори баҳолайди. Унинг фикрига кўра виртуал экскурсия мураккаб мавзуларнинг ўзлаштирилишини осонлаштиради, ўқувчиларда муҳим шахсий сифатларни шакллантиришга имкон беради [6, 117]. Тадқиқотни олиб бориш даврида виртуал экскурсия Дениэл Спайск фикрини тўлдирувчи яна бир қатор имкониятларга эгаллиги аниқланди. Хусусан, ўқув ахборотларини кўргазмали қабул қилиш ўқувчилар онгида кузатилаётган объект, предмет ёки жараёнга оид яққол тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради; кўргазмалилик тамойилига кўра шахс томонидан объект, предмет ёки жараёнга хос барча хусусиятларнинг тўлиқ англаниши таъминланади; талабалар Интернет ҳамда компьютер қурилмаси орқали жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқариш компаниялари, машҳур музейлари, диққатга сазовор жойлар (мамалакат, шаҳар, сайёҳлик марказлари) билан билвосита танишиш имкониятига эга бўлади; виртуал экскурсиялар талабаларнинг дунёқарашини бойитади, когнитив тафаккурини ўстиради, эстетик дидини ривожлантиради, тасаввурини кенгайтиради; виртуал экскурсиялар ёрдамида талабалар мустақил ишлаш малакаларига эга бўлади, илмий-тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бориш тажрибасини ўзлаштиради; виртуал экскурсиялар ёрдамида талабалар билимларни пухта ҳамда амалий таҳлил қобилиятини етарли даражада ўзлаштиради. 3D технологияси асосида тайёрланган виртуал экскурсияда талабалар бевосита музей заллари, ишлаб чиқариш корхоналарининг цехлари, шаҳарларнинг кўчаларида “бевосита ўтиш”га муваффақ бўлади. Шунингдек, ахборот технологиялари виртуал экскурсияни ихтиёрий вақтда бошлаш ва тўхтатиш имкониятини яратади. Виртуал экскурсия ўзига хос дидактик хусусиятларга эга. Бу турдаги экскурсия асосида ташкил қилинган ўқув машғулотни қизиқарли, завқли бўлади; ўқув материали талабалар томонидан кўргазмалилик тамойилига мувофиқ ўзлаштирилади; талабалар назарий билимларни пухта ўзлаштиради. Виртуал экскурсия нафақат таълимий, балки тарбиявий имкониятга ҳам эга. У орқали талабаларда эстетик ҳиссиёт тарбияланади, эстетик дид ўсади, ижтимоий борлиққа нисбатан эстетик муносабат шаклланади.

ОТМда ҳам виртуал экскурсиялардан фойдаланиш муайян афзалликларга эга бўлиш билан бирга уларда фойдаланишда айрим қийинчиликлар кўзга ташланади. Улар: нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам компьютер технологияси билан ишлаш, Интернетдан самарали, мақсадли фойдаланиш тажрибасига, малакасига эга бўлиши талаб қилинади; агар таълим жараёнида Интернет базасидаги виртуал экскурсиялардан фойдаланилса, у ҳолда ўқитувчи ҳамда талабалар ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйиш, савол-жавобни ташкил этиш мумкин бўлмайди (аммо, бу камчилик ўқитувчининг талабалар билан Telegram каналидаги махсус гуруҳда ўзаро ёзма ва овозли хабарларга асосланган мулоқотни ташкил қилиш орқали бартараф қилинади.

Мисол учун “Ўзбекистон тарихи” фанидан “Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даври”, “Авесто” ва зардуштийлик”, “Македониялик Александрнинг Бактрия ва Сўғдиёнага юришлари”, “IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги”, “Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш”, “Амир Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт”, “Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсати” каби мавзуларда виртуал экскурсияни ташкил қилиш талабалар томонидан ўқув материални пухта ўзлаштиришга ёрдам беради.

Виртуал экскурсияни ташкил этишга икки хил ёндашиш мумкин: 1) фан ўқитувчиси ўзининг билими, касбий компетентлигига таянган ҳолда ўқув материални танлайди, тақдимот орқали визуал шаклда уни талабаларга етказиб беради; 2) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади, гуруҳларга кичик тадқиқотга асосланган ўқув лойиҳасини тайёрлашдан иборат топшириқ берилади, кичик гуруҳлар аниқ мавзу бўйича виртуал экскурсия учун материални танлай ҳамда лойиҳавий маҳсулотни яратади, гуруҳларнинг лойиҳавий маҳсулотлари намойиш қилинади. Таълим жараёнида иккинчи йўлдан фойдаланиш талабаларда мустақил изланиш, тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиради. Ҳар икки ёндашувнинг самара бера олиши учун муайян шартлар инobatга олинади. Яъни: таълим субъектларининг шахсий компьютерга эга бўлиши; ўқитувчи ва талабалар виртуал экскурсиянинг методик таъминоти (виртуал маҳсулот)ни яратиш компетенцияларини ўзлаштириш (борди-ю, бу борада муаммо бўлса, у ҳолда АКТ мутахассислари билан ҳамкорлик қилишлари мумкин, бунда ОТМнинг ўқув-методик бўлими, компьютер марказининг ёрдамига таянилади); Интернет тармоғидаги “маълумотлар омбори”дан мавжуд виртуал экскурсияни танлаш малакасига эгалик.

“Тарих ўқитиш методикаси” фанини ўқитишда виртуал экскурсияни “ташкил этиш”да Figma (интерфейс дизайнини ҳамкорликда яратишга имкон берадиган онлайн-восита), Photoshop (тасвир, фотосуратлар билан ишлашда кенг қўлланиладиган сервис), CorelDRAW (Windows дастурида график дизайнларни яратиш имконини берадиган онлайн восита), Illustrator (веб ва мобил график, расм ва дизайнларни яратишга имкон берадиган сервис), Affinity Photo (график дизайнларни яратишга хизмат қиладиган дастурий таъминот), Gravit Designer (векторли график дизайнлар яратиладиган ярим функционал илова), Adobe Portfolio компьютер дастурларидан фойдаланиш мумкин.

Дарс жараёнида виртуал экскурсияни “уюштириш” бир неча босқичда амалга оширилади: 1-босқич. Виртуал экскурсия мақсадини белгилаш. 2-босқич. Вазифаларни аниқлаш. 3-босқич. Виртуал экскурсия учун ўқув материалларини танлаш. 4-босқич. Виртуал экскурсияни “уюштириш”га имкон берадиган дастурий таъминотни танлаш. 5-босқич. Танланган дастурий таъминот ёрдамида виртуал экскурсияни “яратиш”. 6-босқич. “Яратилган” виртуал экскурсия ёрдамида ўқув машғулоти ташкил қилиш. 7-босқич. Талабалар томонидан виртуал экскурсия ёрдамида ўқув материалнинг ўзлаштириш даражасини ташхислаш ва баҳолаш. Ўқитувчи таълим жараёнида фойдаланилган ўқитиш шакли, метод ва воситаларнинг самарадорлигини изчил таҳлил қилиб бориши зарур. Таҳлилнинг энг самарали йўли – талабаларнинг ўзлаштириш даражасини виртуал экскурсия якунлангач ва маълум муддат ўтгач текшириш саналади. Текширишларнинг натижаси ўқитувчига педагогик фаолиятнинг истикболини белгилаш, таълим стратегиясини ишлаб чиқиш учун хизмат қиладди. Демак, АКТнинг тезкор ривож таълим жараёнида инновацион ўқитиш шакли сифатида виртуал экскурсиядан фойдаланиш имкониятини таъминламоқда. Виртуал экскурсия ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим қилиш имконини беради. Таълимнинг бу шакли дастурий таъминот ва компьютер сервислари орқали яратилади. Виртуал экскурсия ўзига хос дидактик хусусиятларга эга. Бу турдаги экскурсия асосида ташкил қилинган ўқув машғулотни қизиқарли, завқли бўлади; ўқув материали талабалар томонидан кўргазмалилик тамойилига мувофиқ ўзлаштирилади; талабалар назарий билимларни пухта ўзлаштиради. Виртуал экскурсия нафақат таълимий, балки тарбиявий имкониятга ҳам эга. У орқали талабаларда эстетик ҳиссиёт тарбияланади, эстетик дид ўсади, ижтимоий борлиққа нисбатан эстетик муносабат шаклланади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Аквилева Г.Н., Клепинина З.А. Методика преподавания естествознания в начальной школе – М.: 2004. – С. 49.
2. Александрова Е.В. Виртуальная экскурсия как одна из эффективных форм организации учебного процесса на уроке литературы // Ж. Литература в школе. – М.: 2010. – №10. – С.22.
3. Козина Е.Ф., Степанян Е.Н. Методика преподавания естествознания. – М.: Изд-во Академия, 2008. – С. 112.
4. Корнеева А.А. Виртуальная экскурсия как метод обучения в начальной школе // <https://www.prodenka.org/metodicheskie-rabotki/150455-virtualnaja-jekskursija-kak-metod-obucheniya>.
5. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет.қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: ТДПУ, 2012. – 139-б.
6. Психология и педагогика / Учеб.пособие. М.Д.Горячев и др. – Самара: Изд-во “Самарский университет”, 2003. – С. 117.
7. Устюжанина Н.В. Виртуальная экскурсия как инновационная форма обучения // Элект.науч.ж. “Наука и перспективы”. – Нижний Тагил: 2017. - № 2.

*Виртуал экскурсия – тарих фанларини самарали ўқитиш шакли*

**Резюме.** Виртуал экскурсия дастурий таъминот ва компьютер сервислари орқали яратилиб, ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим қилиш имконини беради. Бу турдаги экскурсиянинг дидактик аҳамияти шундаки, у талабаларга қулай шароит ва маконда ўқув материалларини самарали ўзлаштириш учун шароит яратади. Виртуал экскурсияда ўзига хос дидактик хусусиятлар намоён бўлади. Мақолада ана шулар тўғрисида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** экскурсия, виртуал экскурсия, Интернет-ресурслари, тарих фанлари, тарих фанларини ўқитиш.

*Виртуальная экскурсия – эффективная форма обучения истории*

**Резюме.** Виртуальная экскурсия создается с помощью программно-компьютерных сервисов, позволяющих представить учебный материал в наглядной форме. Дидактическая ценность данного вида экскурсии заключается в том, что она создает комфортную среду для учащихся и среду для эффективного усвоения учебного материала. Статья посвящена освещению этих вопросов.

**Ключевые слова:** экскурсия, виртуальная экскурсия, интернет-ресурсы, история, преподавание истории.

*A virtual excursion is an effective form of teaching history*

**Summary.** A virtual excursion is created using computer software services that allow you to present educational material in a visual form. The didactic value of this type of excursion lies in the fact that it creates a comfortable environment for students and an environment for effective learning of educational material. The article is devoted to highlighting these issues.

**Key words:** excursion, virtual excursion, Internet resources, history, history teaching.



## TALABALARDA MILLIY IFTIXOR TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHDA BUYUK ALLOMALARIMIZ ASARLARINING O'RNI

**Ismoilova Sh. A.**

*Ilmiy-tadqiqot, innovatsion va ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash bo'limi muhandisi*

Mamlakatimiz prezidenti Sh.Mirziyoyev 2022-2026 yillarda milliy rivojlanish yo'lida o'tirilgan tajribalarga asoslanib "Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi dasturi" da muhim vazifa va tajribalarni takidlab o'tdilar. Ushbu taraqqiyot strategiyasida sifatli ta'lim-tarbiya masalasiga va milliy qadriyatlarga nisbatan yoshlarni hurmat e'tiborini oshirish kerakligi ta'kidlanadi. O'tmishdan ma'lum o'zbek xalqi tarixida, milliy va madaniy merosiga hurmat – bu uning yaratuvchilariga, rivojlantirib boy etuvchilariga va davomchi avlodlariga hurmatda, mehr-oqibatli hisblanib kelgan. O'tmishdagi avlodlarimizga biz qanday hurmat va ehtiromda bo'lsak, kelajak avlodlarimiz ham bizga shunday ehtirom bilan javob qaytishligini talabalarimizga tushuntirish masalaning muhim jihatlaridan biri sifatida qaraymiz. O'tmishimizni qanchalik mukammal darajada yaxshi bilsak va e'zozlasak, hozirgi davrni, mustaqillikning istiqbol qadrini shunchalik chuqur anglaymiz. Prezident Sh.Mirziyoyevning so'zi bilan aytganda "Biz uchun eng muhim bo'lgan ana shu masalaga bundan buyon ham ustuvor ahamiyat qaratamiz, jumladan, milliy madaniy markazlar faoliyatini amaliy jihatdan qo'llab quvvatlash bo'yicha zarur barcha ishlarni bajaramiz" [1, 313].

Asosiy mustaqillik tufayli erishgan yutuqlarimiz erkinliklarimiz, xalqimizning urf-odatini, madaniy-ma'naviy taraqqiyotini yanada chuqur anglashga undovchi keng yo'l ochildi. Hozirgi zamonda milliy-madaniy meros mohiyatini anglashgina emas, shu bilan birga talabalarni milliy iftixor tuyg'usi ruhida tarbiyalab, uni rivojlantirish uchun barcha imkoniyatlar yaratilganligini ta'kidlab o'tish joiz. Juda ko'plab ilmiy, badiiy, tarixiy, falsafiy asarlar, qadimiy qo'lyozmalar ketma-ket qayta nashr qilinib kelmoqda, ushbu nashrlar negizida milliy va madaniy merosimiz aks etilgan. Noyob tarixiy yodgorliklarni boricha saqlash va qaytadan tiklash ishlari amalga oshirilib kelinmoqda. Buyuk ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan va har xil milliy va madaniy meroslarimiz ayrim sabablar bilan respublikadan tashqariga olib ketilgan, milliy boyliklar, o'zbek xalqining milliy iftixori va g'ururi bo'lgan san'at asarlarini, qimmatli qo'lyozmalarni izlab topish, o'z yurtimizga qaytarish chora-tadbirlari ko'rilmogda: "Noyob tarixiy yodgorliklarni saqlash va ta'mirlash, o'zbek xalqi yaratgan va milliy boylik bo'lgan san'at asarlarini izlab topish, ularni O'zbekistonga qaytarish ma'naviyat" dasturimizning muhim bo'lagini tashkil qiladi.

Bu milliy boylik bizga ajdodlarimizdan meros bo'lib qolgan. Binobarin, biz ham uni ko'z qorachig'iday asrab avaylashimiz va farzandlarimizga meros qilib qoldirishimiz kerak. Odob-axloq, ta'lim-tarbiya sohasidagi qadriyatlarimiz bizlar uchun bebaho milliy meros – ma'naviy boylikdir. Ana shu milliy qadriyatlarni tiklash, ulardan foydalanish, yosh avlodga yetkazish mustaqillikni mustahkamlashda, unga qarshilik qiladigan buzg'unchi g'oyaga ega bo'lgan har qanday kuchga qarshi zarba berishda, farzandlarimizda milliy iftixor tuyg'usini shakllantirishda dasturi amal bo'ladi, degan fikrdamiz. Bilimlarni puxta egallashga intilish, ustozlarni hurmat qilish, haqiqatparvarlik, vatanparvarlik, insonparvarlik, mardlik, kamtarlik, halollik kabi insoniy fazilatlarini ulug'lash borasida boshqalar ibrat qilib ko'rsatadigan va havas qilsa arzugdek qadriyatlarimiz juda ko'p.

Milliy qadriyatlarimizda bilim olish bilimdan foydalanish, ayniqsa, bilimdonlik ulug'lanadi. Bilim har qanday vaziyatda ham eng katta boylik ekanligi, butun dunyoda undanda qadrliroq va hayoti davomida beminnat foydalana oladigan narsa yo'qligi to'risida buyuk allomalardan Nizomulmulkning «Siyosatnoma», Nosir Xisrovning «Saodatnoma», «Ro'shnoma», Yusuf Xos Hojibning «Qutadg'u bilik», Ahmad Yugnakiyning «Hibatul haqoyiq», Ahmad Yassaviyning «Devoni hikmat», Alisher Navoiyning «Xamsa», «Mahbub-ul qulub» kabi mashhur asarlarida milliy iftixor tuyg'usini inson tafakkuriga ta'siri haqida muhim fikrlar aytilgan. O'zbek millati madaniyati, milliy g'ururi va tarixida insonni ilm asoslarini bilib olishga chaqirmagan, bilimning xosiyati haqida yozmagan birorta shoir, yozuvchi yoki olim bo'lmasa kerak.

Butun dunyoga o'z ilm yo'lida qilgan xizmatlari ila mashxur, biz faxrlana oladigan buyuk ajdodlarimizdan Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Ahmad al-Farg'oni, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sinolarning qalamlariga mansub asarlarning har biri insoniyat uchun mislsiz boylik, bitmas tuganmas xazinalar konidir. Bu kabi bobolarimiz bizning va xalqimiz faxri, iftixori bo'lmish boshqa donishmandlarimizning ilmiy, badiiy, tarixiy, falsafiy, tibbiy, axloqiy, huquqshunoslikka oid va boshqa bir qator asarlari hozirgi yoshlarimiz va kelajak avlodning ham istiqbolini ilm-ma'rifat nurlari bilan yoritib turadi. Zehn-zakovatda, aqlu-idrokda, ilm-fanda tengi yoq buyuk kashfiyotlari bilan dunyoni lol qoldirgan mutafakkirlar, mashhur kishilari borligi bilan o'zbek xalqi qancha faxrlansa, iftixor qilsa arziydi! O'zbek xalqiga avlod-ajdodlardan buyuk an'ana, milliy meros bo'lib o'tib kelayotgan ilm-fanga o'chlik, madaniyatga talpinish, odob-axloq qoidalarini chuqur o'zlashtirib hayotga tatbiq etishga intilish, bilimni oshirish, tafakkurini o'stirib borish kabi xislatlar – millatning faxri, iftixoridir. XI asrning iste'dodli shoiri va donishmandi Ahmad Yugnakiy «Hibatul haqoyiq» («Haqiqatlar armug'oni») asarida ilmiy va ilmsizning, olim va johilning farqli tomonlarini shunday ochib beradi: «...bilimdon kishilarga o'zingni bog'la. Bilim bilan baxt-saodat yo'llari o'rganiladi, bilim egallab, saodat yo'lini top. Bilimli kishi qimmatli oltindir. Johil, bilimsiz kishilar arziyas qalbaki (aqcha)dir. Bilimli bilan bilimsiz qachon teng bo'ladi? Bilimli ayol er(mard)dir, bilimsiz er ayol(zaif)dir. Suyakka ilik, er kishiga ilm kerak. Erning ko'rki aql, suyakning ko'rki ilikdir. Bilimsiz iliksiz suyakdek bo'sh – quruqdir, iliksiz suyakka esa qo'l uzatmaydilar. Er kishi bilim o'rganib, bilguvchi bo'lib qoladi, bilimsiz tiriklikda ko'rguliklar ichida qoladi. Bilimli er o'lsa ham oti o'chmaydi, bilimsiz kishi hayot chog'ida ham uning oti o'likdir». Bu purhikmat fikrlar hozirda ham o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Ma'rifatning inson qadr-qimmatini va izzat-e'tiborini oshirishdagi ahamiyati Kaykovusning «Qobusnoma», Yusuf Xos Hojibning «Qutadg'u bilig» («Saodatga eltuvchi bilim») nomli asarlarida ham o'z ifodasini topgan. Yusuf Xos Hojibning quyidagi fikrlarini o'zlariga hayot dasturi qilib

olgan biror inson adashmaydi, alloma va uning asarlari milliy iftixorimiz ekanligini yanayam chuqurroq anglaydi: «Zakovat qorong'u tundagi mash'al kabidir, bilim esa nur tarqatuvchi yorug'likdir. Kimda zakovat bo'lsa, o'sha asl odam bo'ladi, kimda bilim bo'lsa, u martabaga erishadi. Bilim javohir kabi bir yerda to'planib turadi, u zakovatning konidir, bir yerda jamlanib yotadi. Mushk-anbar va bilim bir-biriga o'xshash narsalardir, ularni o'zidan bo'laklardan yashirib saqlab bo'lmaydi. Mushk-anbarni yashirsang, uni hidi oshkora qiladi, bilimni yashirsang, uni tiling oshkora qiladi. Bilim o'z sohibini qashshoq qilmaydigan bitmas-tuganmas boylikdir, o'g'ri va qalloblar uni hech qachon o'g'irlab ola olmaydi». Inson qanchalik ilmi, hunarli bo'lsa, shunchalik oddiy va kamtar bo'ladi. Kamtar insonning obro'si oshadi, do'stlari ko'payadi, hammaga birday yoqadi. Kamtar inson yumshoq, sahovatli, odob-andishali, sharm-hayoli bo'ladi. Odobli inson barcha odamlarning yaxshisidir va barcha xalqlar uchun yoqimlidir. U mansabdor kishilardan go'zalroq va badavlat odamlardan hurmatliroqdir. Odobli odam o'z tengdoshlari orasida ham tahsinga loyiq. Hech qanday ehson bermay kattadan-kichik, hammani shod qiladi, hech qanday hadya qilmay, kishilarning g'amini tarqatadi. ...Tavoze va odob egalariga hamma ta'zim qiladi va hurmat bildiradi". Xorazmlik buyuk o'zbek mutafakkiri Abu Rayhon Beruniy mamlakat obodonchiligi, ilm-fanning gullab-yashnashiga bog'liq, kishining baxti esa uning bilim va ma'rifatida, deb ta'kidlagan. Alloh insonni baxtli yoki baxtsiz qilib yaratmaydi. Bunga uning o'zi sababchi. Chunki alloh insonga iroda, ixtiyor, tanlash va faoliyat erkinligini berib qo'ygan. Aqlli va bilimlilar o'zlarini o'zlari baxtli qila oladilar.

Yosh avlodni hayotga tayyorlashda ko'p asrlar davomida qo'llangan usul va vositalar, tadbir shakllari, urf-odatlar, an'analar, tarbiya haqidagi g'oyalar – hayotiy tajribalar o'zbek xalq pedagogikasida mujassamdir. O'tmishda yosh avlodni tarbiyalashda turli mavzudagi ertak, latifa, hikmatlardan keng foydalanilgan. Ota-onalarning tunda uyqu oldidan aytib bergan ertaklaridan bolalar ruhiy oziq olgan, hayotdagi va odamlardagi yaxshi fazilat, yomon xislatlarni bilib olishgan, hurmat va muruvvat, adolat kabi tushunchalar haqida tasavvurga ega bo'lishgan. Natijada butun hayotlari davomida ertaklar ularning doimiy hamrohi, hayot darsligi bo'lib xizmat qilgan va hozir ham shunday bo'lmoqda. Ularning qahramonlari o'sib kelayotgan yosh avlod uchun ibrat, faxr iftixor namunasi [2, 6].

Tarix xotirasi, xalqning, jonajon o'lkaning, davlatimiz hududining xolis va haqqoniy tarixini tiklash milliy o'zlikni anglashni, ta'bir joiz bo'lsa, milliy iftixorni tiklash va yuksaltirish jarayonida g'oyat muhim o'rin tutadi. Tarix millatning haqiqiy tarbiyachisidir. Buyuk ajdodlarimizning ishlari va jasoratlar tarixiy xotiramizni jonlantirib, yangi fuqarolik ongini shakllantirishga xizmat qiladi [3,30]. Ushbu fikrlardan kelib chiqib, biz orzu etgan buyuk davlatni bunyod qilish barchamizdan mustahkam iroda, iymon-e'tiqod, milliy g'urur tuyg'usi, buyuk ajdodlarimizdan meros qolgan ma'naviy merosning munosib vorislari bo'lishni talab qiladi. Buning uchun ushbu tabarruk zaminni obod etishga o'z hayotini bag'ishlagan buyuk ajdodlarimiz nomini kelajak zafarlarga undovchi bir bayroq yang'lig' baland tutmog'imiz lozim. Ana shunday nomi millatimiz tug'iga aylangan zabardast siymo ulug' bobokalonimiz Amir Temurdir. Amir Temur nomi tariximiz sahifalaridan qora bo'yoq bilan o'chirildi, unutishga mahkum etildi. Maqsad – xalqimizning yuragidan milliy ong, milliy g'urur tuyg'usini yo'qotish, uni qaramlikka, tobelikka ko'ndirish edi. Nihoyat, haqiqat g'alaba qilib, Sharqda tengi yo'q sarkarda, Vatan va millat mustaqilligi uchun umrini baxsh etgan mard va fidoyi inson, Markaziy Osiyoda bundan 600 yil avval ulug' bir saltanat barpo etgan davlat arbobi istiqbol sharofati bilan o'z Vataniga qaytdi. Yosh avlod ongiga milliy ma'naviyatimiz an'analarini singdirishda buyuk sarkarda Amir Temurning "Tuzuk"lari millat nomini yuksaklarga ko'tarishga sarf etilgan hayoti buyuk ibrat timsoliga aylandi.

Boy ma'naviy meros egasi bo'lmish o'zbek xalqi mustaqillik sharofati bilan o'z ajdodlari tomonidan yaratilgan ilmiy-adabiy manbalarni mukammal holda o'rganish, bugungi hamda kelajak avlodning ma'naviy mulkiga aylantirish imkoniga ega bo'ldi. Kelajagi buyuk O'zbekistonning mustahkam ma'naviy poydevorini bunyod etish uchun mamlakatimiz rahbariyati ziyolilar oldiga xalq ongi, madaniyati va ma'naviyatini yuksaltirish, yosh avlodni har tomonlama barkamol, ma'naviy yetuk, jismonan baquvvat qilib tarbiyalash vazifasini yukladi.

Jumladan, Al-Hakim at-Termiziy asarlarida milliy iftixor, ilmi bo'lish, nafs tarbiyasi, ma'rifatparvarlik kabi tushunchalar o'rganiladi va o'z mohiyatini anglash mazmuni bugungi kun barkamol avlodlarini tarbiyalashda asosiy manba bo'lib xizmat qiladi [4, 20]. Yosh avlod ongiga milliy ma'naviyatimiz an'analarini singdirishda buyuk allomalarimizning o'gitlari beqiyosdir. Zeroki, yoshlarni ona- Vatanga muhabbat va xalq farovonligi kabi ezgu tushunchalar bilan birga milliy g'oyamizni tashkil etadigan komil inson etib tarbiyalash, boy tariximizga, ota-bobolarimizning muqaddas diniga sadoqat ruhida tarbiyalash bosh maqsadimizdir.

#### ADABIYOTLAR

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, 2021 й.
2. Маънавият асосий тушунчалар луғати, Республика маънавият ва марифат маркази Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Тошкент, 2021. – Б. 814.
3. A.Raxmonov. Buyuk ajdodlar ilmiy merosini o'rganish asosida milliy iftixor tuyg'usini shakllantirish masalalari. – Chirchiq, 2002.
4. Н.Ачилов "Ал-Хаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси" пед.фан. бўйича фалс. док. ...дисс автореферати. – Термиз, 2022.

*Talabalarda milliy iftixor tuyg'usini shakllantirishda buyuk allomalarimiz asarlarining o'rni*

**Annotatsiya.** Maqolada talabalarni milliy iftixor tuyg'usi ruhida milliy-ma'naviy dunyoqarashlarini shakllantirishda buyuk allomalarimiz asarlarining o'rni, turmush tarzi, yuksak ma'naviyatining yosh avlodni tarbiyalashdagi ahamiyati haqida fikr-mulohazalar bildirilgan.

**Kalit so'zlar:** milliy iftixor tuyg'usi, milliy g'urur, barkamollik.

*Роль трудов наших великих ученых в формировании у учащихся чувства национальной гордости*

**Абстрактный.** В статье рассматривается роль трудов великих ученых в формировании у учащихся чувства национальной гордости, национально-духовного мировоззрения.

**Ключевые слова:** национальная независимость, национальная гордость, совершенство.

*The role of the works of our great scholars in forming a sense of national pride in students*

**Abstract.** The article discusses the role of the works of our great scholars in the formation of students in the spirit of national pride, the importance of the national-spiritual outlook, customs, traditions, manners, lifestyle, and high spirituality of our ancestors in educating the young generation. comments are made.

**Key words:** sense of national pride, national independence, perfection.

## ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Давлатова С. Т.

*Термиз агратехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти ўқитувчиси*

Инсоният ўзини яратувчи ва бунёдкор куч эканлигини англаган вақтдан бошлаб ўзига ўзи савол бериб келади: у қандай пайдо бўлган ва воқеаҳодисаларнинг кейинги ривожланиши уни қарерларга олиб боради? Бу ҳозиргача мавжуд бўлган барча дунёқарашлар: афсона, диний ва фалсафий таълимотларда жавоб беришга ҳаракат қилинган ва қилинаётган абадий саволдир [1]. Бу саволга берилган жавоб нафақат одамлар дунёқарашини шакллантиради, балки инсон фаолиятининг моҳиятини тушунишга ҳам ёрдам беради. Инсонларнинг истак ва интилишлари уни қайларга элтиб ташлаши унчалик мубҳам эмас. Янада кескинроқ қилиб айтиладиган бўлса, бу унинг тириклик дунёсида ўз фаолиятини қандай давом эттиришига ҳам тўғридан тўғри таъсир этадиган ҳаёт мамот масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг бешинчи бўлим биринчи қисмининг “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги уствор йўналишлари қисмида” атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ўта муҳимдир, дейилган [2].

Буюк адиб Чингиз Айтматов ўз хотираларининг бир жойида Яратган Эгам ва Инсон ўртасида бўлиб ўтган куйидаги диалогни келтириб ўтади, “Ер юзидаги бутун тирикликни ихтиёринга топшираман. Бепоеъ текисликлар, пурвиқор тоғлар, кўм-кўк денгизлар, зилол қўллар, қуюқ ўрмонлар – ҳамма-ҳаммаси сеники жамики махлуқлар ҳам сенинг ҳукмингда бўлсин. Буларнинг ҳаммасига, биринчидан [4], Ўзим, иккинчидан, сен жавоб берасан. Ҳаёт Ер юзида гуллаб яшнайдами ёки ҳаммасининг кули кўкка совриладими – фақат сенга боғлиқ. Ҳаммаси учун Менинг олдимда жавоб берасан” [3] - дейди. Инсоннинг янгиланаётган дунёдаги ўрни бундан кейин қандай бўлади ва унинг моҳиятини нималар ташкил этади? Умуман олганда олдиндан белгилаб берилаётган ёки башорат қилинаётган воқеликда кутилмаган ҳодисалар пайдо бўлиб қолиш эҳтимоли қанчалар мавжуд, инсон унга қанчалар тайёр?

Таниқли файласуф-эколог, профессор С. Мамашакиров жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб кетаётганидан хавфсираб илмий жамоатчиликнинг бу соҳадаги масалаларга муносабатлари турлича бўлиб қолаётгани, бунинг натижасида уларни шартли равишда: оптимистлар, пессимистлар, скептиклар ва реалистларга ажратиш мумкинлиги ҳақида ёзади. Бундай ажралиш ўрнига “Ҳозирги давр реалиги турли таълимотларнинг “ҳақиқат таллашиб” бир-бирлари билан охири кўринмайдиган самарасиз мунозараларини давом эттириши эмас, балки ўтмишнинг аччиқ тажрибаларидан хулоса чиқариб мавжуд воқеликни билишда илмий назарий-методологик асосларга таянган ҳолда умумий мурасага келишлари, келажак авлодлар барқарор тараққиётининг яхлит стратегиясини ишлаб чиқишлари – инсоният цивилизациясини муқаррар ҳалокатдан қутқаради”. Акс ҳолда ҳар қандай кўринишдаги “экологик оптимизм авантюризмнинг намоён бўлишидир” [5]. Шубҳасиз айтиш ўринлики, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи оламшумул миқёсда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб бораётган бир даврда одамларни жами тирикликка муҳаббат ва дарддошлик руҳида тарбиялаш борган сари долзарб бўлиб бораётганини англаш зарур ижтимоий масаладир. Тараққиёт соҳасида маънавиятга зоришмай туриб инсоният ҳеч қачон фаровонликни қўлга кирита олмайди [7].

Ҳадемай дунё 10 миллиард инсон яшайдиган мега жамиятга айланади. Бу эса сўзсиз ҳозирги ҳолатида ҳам мураккаб бўлиб турган масалаларни янада ўткирлаштириб, қўламини ҳам вертикал ҳам горизонтал миқёсда кенгайтириб ва чуқурлаштириб юбориши тайин. Кейинги даврда тўғри таъкидланаётганидек, бугунги кунда, “Табиат мусаффолиги учун курашиш барча сиёсий курашлардан устун туради” [8].

Ер юзида содир бўлган ва бўлаётган барча салбий иллатлар замирида, яъни табиатда содир бўлган юқотишларнинг барчасида инсон маънавиятидаги катта кемтик - уларда барқарор ривожланиш муаммоларини тушунишнинг асосини ташкил этувчи экологик билим ҳақидаги маълумотларнинг етишмаслиги ёки унга бепасанд қараш оқибатидир [9]. Экологик билимлар нафақат турфа хил тирик организмлар, инсон ва жамиятнинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатларининг характерини тушунишга қолмасдан, балки инсоннинг ўзгартирувчи фаолияти мумкин бўлган чегараларини ҳам белгилаб беради. Экологик билимларга чуқурроқ эга бўлаётган инсон илгари ўзи учун иккинчи даражали бўлиб туюлган табиатдаги кўплаб алоқалар ва муносабатларнинг аҳамиятини қийинчилик билан бўлсада англай бошлади.

Техник ишлаб чиқариш соҳалари экотизимига таъсири ва унинг тавсифи нуқтаи назаридан серкамров, ранг-баранг, акс таъсирли, интенсив, тиклаб олиш қийин бўлган катта масштабли ва кўп функционалликдир.

Бунинг ўзига хос тавсифномалари қуйидагилардан иборат: табиий углеводородларнинг юқори токсиклиги, яъни захиралилиги: табиий захираларни (масалан, нефть ва газ маҳсулотларини) излаб топиш, улар разведкаси, бурғулаш, транспортировка қилиш, сақлаш, қайта ишлаш жараёнида юқори токсик кимёвий моддаларнинг кенг қўлланилиши; мазкур моддаларнинг ўз ҳолича мустақил миграцияга қодирлиги; бундай табиий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга бўлган талабнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши, оқибатда экотизимга нисбатан кучли акс техноген таъсир ўтказётганлиги, уни тиклаш имкониятининг йўқотилиши. Ишлаб чиқариш жараёнини агрессивликдан ҳоли қилишни билиш мутахассиснинг экологик хавфсизлик маънавият бўйича бош вазифаси саналади [10]. Табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши бўйича манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин: Келиб чиқишга кўра: сунъий, антропоген (умумий таҳдидларнинг 90% ташкил қилади) ва табиий; таҳдидларнинг жойлашиши бўйича: континентал, сув ҳавзаларидаги ва атмосферадаги; ўзининг амал қилиш хусусиятлари бўйича: мунтазам, эпизодик, бир марталик, тасодифий; ўзининг аниқ белгиланганлиги бўйича: аниқ белгиланган, яъни фиксация қилинган ҳамда аниқ белгиланмаган, яъни фиксация қилинмаган [13].

Кўриниб турибдики, соҳадаги асосий техноген катастрофаларнинг умумий ҳажмида антропоген, яъни инсон томонидан юзага келтирилган таҳдидлар катта ҳажмни ташкил қилади. Агар соҳадаги инсон карпитали, яъни янгитдан тайёрланаётган мутахассисларнинг барчаси экологик хавфсизлик маънавиятга улар тафаккури, амал қилиши, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариши нуқтаи назаридан йўналтирилган бўлса, препензив экологик таҳдидлар олди олинади. Соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашда долзарблик касб этаётган талаб бугунги техноген катастрофаларга тайёрлик эмас, балки келажакда вужудга келиши мумкин бўлган экотастрофаларнинг олдини олувчи тизимларни ишга тушириш, экотастрофаларни излаш ва уларга нисбатан препензив тизимларни яратишдир. Замонавий талаб келажакда вужудга келиши мумкин бўлган экологик катастрофаларга қараши шундай инсоний, техник восита ва қуролларни, тамойил, тузилма ва тизимларни жорий этиш зарурки, улар кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзида экологик хавфсизлик маънавият компетенциясини шакллантириб бериши керак.

Ҳар қандай очиқ тизимнинг ташқи олам билан ўзаро экологик муносабатлари жараёнида у ёки бу қарама қаршилиқларнинг вужудга келиши муқаррардир [11]. Улар ҳаракат ва ўзаро муносабатларнинг барча турларига тегишлидир. Жамият ва табиатнинг ўзаро экологик муносабати жараёнида янгича ёндашув, янгича фикрлашни талаб қиладиган у ёки бу даражадаги қарама қаршилиқлар ҳар доим вужудга келаверади [12]. Бундай ҳолат экологик муаммоларнинг фундаментал ва кўпқирралилигини, унинг барча йўналишларининг ягона ва бир тухтамдаги ечими мавжуд эмаслигини кўрсатади. Айтиш мумкинки, экологик муаммолар бу жамиятнинг табиат билан бўлган ўзаро муносабатлари тизимида вужудга келган қарама қаршилиқларнинг инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган шароитларига таъсирдир.

Экологик муаммоларнинг асосий таркиби бизнингча қуйидагилардан иборат: 1) Жамиятнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддалар, энергия ва информацияларнинг табиатдан олишнинг мураккаблашуви; 2) Табиатни ундаги мутаносибликни бузувчи, унга бегона бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланиши; 3) Биологик хилма-хилликнинг борган сари қашшоқланиб бориши; 4) Одамлар турмуш тарзи ва соғлиғи билан боғлиқ муаммоларнинг оғирлашуви. Агар қадим замонларда инсонлар ўзлари яшаб турган ер тупроғи ориқлаб, ўрмонлари кесилиб, қурғоқчилик бошланиб кетган тақдирда бошқа ҳосилдор ерларга кўчиб ўтиш имкони бўлган бўлса, ҳозир эса бундай “эгасиз, бўш” ва “жаннатмакон” ҳудудларнинг ўзини топиш мумкин бўлмай қолди.

Юқорида кўрсатилган омиллар бевосита ёки билвосита бир-бирига боғланган ва уйғунлашган ҳолда ўзаро чатишиб, кўпинча қутилмаган оқибатларга олиб келади. Чунки, “Инсонни бугун қаноатлантирган иқтисодий ва ижтимоий борлиқ, муносабатлар эртага унинг талабига жавоб бермайди. Натижада у ўзини ўраб турган табиий ва ижтимоий борлиқни, мавжуд ижтимоий муносабатларни, самарали фаолият кўрсатиши учун янада қулай бўлган шартшароитлар билан алмаштириш мақсадида ўзгартиришга, қайта ташкил қилишга киришади” [13].

Ҳозирги замонда экологик вазиятнинг кескинлашиши маълум бир маънода Ер шарининг чегараланганлиги билан боғлиқдир. Макон таснифи бўйича экологик муаммоларнинг маҳаллий, минтақавий ва глобал [9] кўринишларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг бирлиги ва бир бирига ўхшашлиги экологик муаммоларнинг асосий ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу эса биосферанинг яхлитлиги, геосферада мураккаб ўзаро боғлиқликлар мавжудлиги билан белгиланади. Табиат тизимларига бўлган бевосита таъсир, унинг ўзгариши ва ифлосланиши маҳаллий даражада (алоҳида аҳоли пунктлари, саноат зоналари ва бошқалар) амалга оширилади. Унутмаслик лозимки, табиат тизимларига бўлган техноген таъсирлар қуйи даражада қолиб кетмайди, балки глобал кўламгача кенгайди. Аммо атмосферадаги озон қатламнинг емирилиши, Ердаги радиацион фоннинг ошиши каби ҳодисалар мустақил, глобал характерни олди ва сайёрамизнинг ҳар бир нуқтасида ўз аксини топмоқда.

Жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро муносабатда маълум бир қарама қаршилиқлар бўлиши муқаррар. Улар ўртасидаги алмашинувлар жараёнида материя (модда, энергия ва информация) ҳеч қасрга йўқолмайди, балки бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. Бундан аввало шундай ҳулоса келиб чиқадики, жамиятнинг тараққиёти муқаррар тарзда табиатнинг “ҳисобига” содир бўлади, чунки ўз эҳтиёжларини қондира туриб, инсонлар ишлаб чиқариш жараёнида табиат ресурсларини ундан ажратиб олишга ва ундан бегоналаштиришга мажбур. Бундай “ўзлаштириш” ҳисобига жамият ўз тараққиёти учун имконият олади. Аммо жамият табиат ҳисобидан яшаётган бўлса, унинг тараққиёт йўлидаги ривожланиши ҳам чексиз ва туганмас бўлиши мумкин, агар табиат ҳам хилма хил ва туганмас бўлса.



Хулоса қилиб айтганда, агарда жамият чегараланган макон миқёсида ривожланаётган бўлса (худди бизнинг сайёраимизга ўхшаб), унда жамият ўз тараққиётининг маълум бир босқичида материянинг яратилмаслиги ва йўқолмаслиги тамойили остида экологик муаммолар билан тўқнашиши муқаррардир. Шубҳасиз инсониятнинг биологик тур сифатида яшаб қолиши кўп жиҳатдан инсон ўзининг меҳр-муҳаббати, меҳр-шафқати билан Инсоннинг бир тола сочиға осилиб қолган Она заминга бўлган муносабатига боғлиқ. Зеро, муқаддас китобимиз “Қуръони Каримда” ҳам “Унинг ҳузурида ҳамма нарса ўлчовлидир” дейилгандир. Бироқ жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатидаги қарама қаршилиқларнинг кучайиши ёки кучсизланиши етарли даражада инсоният фаолияти, унинг характери, самарадорлиги ва кўламига боғлиқ. Айнан ана шу ҳолат шарофати билан инсониятда табиат билан бўлган муносабат жараёнларини уйғунлаштиришга умид мавжуд.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Т.; “Адолат” 2018, 27-бет.
2. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 1-жилд. 2018. 570 – бет. 8. Х.Хайдаров. Ислохотлар қонунияти. Т.: “O'zbekiston”, 2010. 7-8-бетлар
3. Зверев И. Д. Экология в школьном образовании. –М.: Знание, 1988. –96 с.
4. Зиёмуҳаммедов Б. Экология ва маънавият. –Тошкент: Меҳнат, 1997. –104 б.
5. Каримов Ю. Олий таълим муассасалари талабаларига экологик таълим беришнинг назарий асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –116 б.
6. Маркович Д. Ж. Социальная экология. –М.: РУДН, 1997. –436 с.
7. Махмудов Ю. Ғ. Экологиядан маълумотнома. –Тошкент: Фан, 1997. –40 б.
8. Турдикулов Э. О. Физика ва экологик таълим. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –228 б.
9. Жўраев Й. О., Ғуломов М. Х. Экология: жиноят ва жазо. –Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
10. Шодиметов Ю. Ш. Региональные проблемы социальной экологии. –Ташкент: Узбекистан, 1992. –110 с.
11. Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг охи зори.” Zabajad Media”. Тошкент, 2019. 282 - бет.
12. С.Мамашиқиров. Ваҳимами ёки ҳақиқат. Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2012, 61- бет. 4. Эммануэл Макрон. Революция. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. 70 – бет. 5. Шермухамедова. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005, 266-бет. 6
13. Хашимова И. Диалектика глобального, регионального и локального в экологии. Автореферат дисс. На соискание ученой степени док. Филос. Наук Т., 1992, С.36.

*Талабаларда экологик хавфсизлик маънавиятни шакллантириш стратегияси*

**Резюме.** Мазкур мақола талабаларда экологик хавфсизлик маънавиятни шакллантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимида жорий этишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** хавфсизлик стратегия, экологик тарбия, экологик маданият, таълим, тизим, мутахассис.

*Стратегия формирования духовности экологической безопасности у студентов*

**Резюме.** Данная статья посвящена разработке стратегий формирования у студентов экологически безопасной духовности и внедрению их в систему образования.

**Ключевые слова:** стратегия безопасности, экологическое образование, экологическая культура, образование, система, эксперт.

*Strategy for forming the spirituality of environmental safety in students*

**Summary.** This article is devoted to the development of strategies for the formation of environmental safety spirituality in students and their introduction into the educational system.

**Key words:** security strategy, ecological education, ecological culture, education, system, specialist.

## МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Салиева П. А.

*Қорақалпоғистон Республикаси педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази*

Дунёда таълим тизимини ахборотлаштириш шароитида педагог кадрларнинг инновацион фаолиятини халқаро талаблар асосида янгиллаб бориш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув материалларини ўзлаштиришга мотивациясини ошириш, бир сўз билан айтганда, бошланғич таълим ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик асосларини яратиш ҳамда такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар олиб бориш зарурияти мавжуд. Шу заруриятдан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал қилишда курсларнинг ўқув-методик ресурсларини ишлаб чиқиш ва уларни инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш, педагогик шарт-шароитлар яратиш ва ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда илғор технологияларни қўллашнинг илмий-методик асосларини яратиш ҳамда жамиятнинг эҳтиёжларига монанд тарзда такомиллаштириб бориш педагогика фани учун долзарб масалалардан ҳисобланади. Республикамизда халқ таълими ходимларини малакасини ошириш тизимида бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда таълим дастурларини такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллай олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологияларни таълим тизимида кенг жорий этиш орқали бошланғич таълим малака ошириш тизими ислох қилинди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, таълим муассасаларини компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-

техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш” [1] масалалари устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди. Шунга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, малака ошириш тизимининг таълим сифатини таъминлаш жараёнидаги ижтимоий ролини ошириш долзарб вазифалар саналиб, жаҳон амалиётига асосланган бошланғич таълим ўқитувчиларини педагогик малакасини ошириш тизимининг ўқув-методик таъминотини бугунги кун талаблари асосида яратиш ва такомиллаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги ПҚ-4663-сон қарори, ва 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 241 сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 25-сон қарори, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда дастурли режаларни амалга ошириш талаб қилади. Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш воситаларидан бири сифатида индивидуал малака оширишнинг илғор педагогик технологиялари (интерфаол методлар, ахборот технологиялари техник воситалар, таълимни электрон ресурслари)дан фойдаланишни таъминловчи вариатив дастурларини амалда қўллашни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бошланғич таълим ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган малака ошириш дастури амалда тажриба-синовдан ўтказилиб унинг натижалари асосида илмий-амалий тавсиялар, методик қўлланмалар яратилиб инновацион фаолиятга тайёрлашнинг такомиллаштирилган педагогик тизими тақдим этилди. Шунингдек, ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва методикаси ишлаб чиқилди. Натижада малака ошириб педагогик фаолиятга қайтган бошланғич синф ўқитувчисининг таълим-тарбия жараёнига инновацияларни татбиқ этиш воситасида таълим сифатини ошириши таъминланди [2]. Бугунги замонавий таълим амалиёти педагогдан юқори касбий компетенцияларни талаб этади. Бу эса педагогларнинг малака ошириш курсларида амалга ошириладиган таълимий жараёнларда, биринчи навбатда, инновацион ёндашувларни қўллашга тайёр бўлишини тақозо этади.

Малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакллари ўзаро бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этиш орқали таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг мустақил ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантиришга қизиқишларини рағбатлантириш, ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-методик даражада ташкил этишларини таъминлайди. Илмий-методик жиҳатдан юқори даражада ташкил этилган таълимий жараённинг муҳим компонентларидан бири ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти бўлиб, унинг бу йўналишдаги фаолиятини мунтазам тарзда такомиллаштириб бориш педагогика фанидаги долзарб муаммолар сирасига киради [2]. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич таълимида ўқитиш жараёни объект-субъект тарзида ташкил этилиши лозим. Зеро, бошланғич синф ўқувчисида доимий мулоқотга нисбатан эҳтиёж бўлади. Шунинг учун ўқитувчи бундай фаолиятга тайёр бўлиши керак. Бироқ амалиёт шунини кўрсатадики, аксарият ўқитувчилар ўз педагогик фаолиятларини янги стандартга риоя қилган ҳолда қура олмайдилар. Албатта, ўқитувчининг инновацион фаолиятининг моҳияти ўқитувчига ва унинг ушбу фаолиятга шахсан тайёр бўлиш даражасига боғлиқ, аммо унинг ривожланиши учун педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам муҳим. Инновацион фаолият билан шуғулланишга тайёр бўлган ўқитувчи ўқув ва моддий воситалар билан қўллаб-қувватланиши, уларнинг педагогик ижоди ва маҳоратини ривожлантириш учун шарт-шароитлар билан таъминланиши ва ўқув жараёнида таълим ва тарбия беришнинг турли усул ва шакллари қайта ташкил этиш имкониятини яратиши керак [4]. Ўқитувчининг инновацион салоҳияти қуйидаги кўрсаткичлар билан белгиланади: янги ғояларни шакллантириш учун ижодий қобилиятнинг мавжудлиги; ўқитувчининг янгиликларга очиклиги ва уларни ўқув фаолиятига жорий қилишга тайёрлиги; ўқитувчининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга тайёрлиги; анъанавий таълим ва замонавий таълим тизимини солиштирганда инновацияларнинг аҳамиятини тушуниш, инновацияларнинг асосий устунликларини билиш.

Ўқитувчи профессионаллигининг юқори даражаси унинг барча таркибий қисмлари шакллангандагина таъминланади. Юқорида келтирилган асослар ўқитувчининг инновацион фаолиятига алоқадордек кўринмаслиги мумкин. Бироқ ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги, аввало, унинг касбий маҳорат даражасига боғлиқ. Шу боис мазкур муаммони малака ошириш жараёнида ҳал этишга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг мазмунини модернизациялаш малака ошириш жараёнида бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик ҳамда ахборот технологиялари ва инновацион фаолият юритишга оид касбий кўникмаларини такомиллаштиришда модулли технологиялардан фойдаланиш механизмлари яратилиши зарур. Малака ошириш тизимида педагогик кадрларни касбий компетентлигини чуқурлаштириш ва янгилаш жараёни педагогик кадрларни касбий тайёргарлиги, педагогик жараёнларни ташкил этиши ва бошқариши, таълимни инсонпарварлаштириши ва демократлаштириши, ўқувчи шахсига

йўналтири олиши, таълимни миллийлаштиришга йўналтирилганлигини таъминлашга асосланган инновацион фаолитга тайёрлаш билан белгиланади. Замонавий шароитда ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, барча ўқитувчилар ўзгарувчан шароитда педагогик фаолиятни самарали амалга ошира олмайди, ўқувчилар билан муносабатларнинг устувор стереотиплари, баъзида ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат, ўқувчилар шахсий ўзини ўзи бошқариш имкониятларини ҳамда ўқувчи шахсини шакллантириш воситаси сифатида нотўғри баҳолаш тамойиллари асосида янги муносабатлар ўрнатиш истаги йўқлиги билан белгиланади. Буларнинг барчаси ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятдаги аҳамияти, хусусан, ташкилий ва бошқарувдаги ғояларини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Касбий фаолиятдаги ўзгаришлар замонавий ўқитувчи томонидан унга қўйиладиган замонавий талабларни тўғри қабул қилиши, содир бўлаётган янгиликларга ўз муносабатини англашдан бошланади. Агар улар жамиятнинг ижтимоий имкониятларига мос келмаса, унда жамият ва ўқитувчи ўртасида зиддият келиб чиқади. Айнан шу ерда у ўз кадриятларини қайта кўриб чиқади ва бу унинг атрофидаги дунёга ва унинг ўзига бўлган қарашини ўзгартиришга олиб келади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти янгиликка интилишни ва мукаммал ишлаш усуллари доимий излашни талаб қилади. Ўқитувчи инновацион фаолиятга киритилганда янгиликларга ижобий қарашни шакллантириши ва янги ҳаракат қилиш қобилиятини ривожлантириши керак[3]. Албатта, ўқитувчининг инновацион фаолиятининг моҳияти ўқитувчига ва унинг ушбу фаолиятга шахсан тайёр бўлиш даражасига боғлиқ, аммо унинг ривожланиши учун педагогик шарт-шароитларнинг мавжудлиги ҳам муҳим. Бошланғич синф ўқитувчиси барча психологик-педагогик воситаларни қўллаган ҳолда ўқувчиларда яхлит тарздаги ўқув фаолиятини шакллантири олиши керак; замонавий таълим назариясида ўқитувчининг мавқеи ўқув-тарбия жараёнининг бошқарувчиси сифатида тавсифланган. Демак, ўқитувчи, шу жумладан, бошланғич синф ўқитувчиси педагогик жараёни тўғри бошқара билиши учун чуқур билим ва касбий компетенцияга эга бўлиши лозим. Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятга тайёрлик даражасини белгилловчи мезонлар қуйидаги компонентлардан иборат бўлиши мумкин: Мустақил ўқиб ўрганиш, ўз касбий компетентлигини ривожлантириш устида ишлаш. Ахборот излаш, ундан фойдаланиш самарадорлиги. Мақсадли шўбалар фаолиятида иштирок этиш.

Самарали алоқа техноло-гиясига эга бўлиш: моделлаш, ташкил этиш, бошқариш. Педагогик нашр, интернет ресурсларидан керакли манбаларни излаш ва фойдаланиш. Интернет ресурс материалларидан фойдаланиш самарадорлиги. Касбий фаолиятида ахборот ва коммуникацион технологиялардан оптимал фойдалана олиш. Ўқувчилар фаолиятини рағбатлантириш, назорат қилиш ва баҳолаш. Фаолият ёндашуви технологиясига эга бўлиш. Мақсадларни оптимал белгилаш, вазифалар, педагогик режалаштириш усуллари танлаш, ўқувчиларнинг натижага эришишда мотивацияси ва муваффақиятини таъминлаш.

Ўқув жараёнида ўқувчини ривожлантириш муҳитини яратиш. Дарс жараёнини режалаштиришда мавзунинг ўзлаштиришнинг мақбул усулини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитишнинг мақбул элементлари – дарснинг мақсади, ўқув материали мазмуни, таълим жараёнини бошқариш услуби, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, фаолиятни самарали кечишини таъминловчи воситалари, таълим натижаларининг сифати ўзаро алоқада бутун бир тизим, деб қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашув шароитида бозор иқтисодиёти қонуниятларига кўра рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун барча соҳалардаги жараёнларга янгиликлар киритиб бориш, биринчи навбатда, таълим соҳаси мутахассисларини инновацион фаолиятга оид касбий компетенцияга эга бўлишларини тақозо этади. Бошланғич таълим юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг дастлабки пойдевори сифатида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади. [2]

Бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёргарлик даражалари, яъни уларнинг инновацион салоҳияти учта кўрсаткич билан тавсифланади: ўқитувчиларнинг инновацияларга сезгирлиги (доимий касбий ўсиш ва педагогик маҳоратни ошириш зарурияти); инновацияларни ривожлантиришга тайёрлик; ўқитувчилар таркибидаги ўқитувчиларнинг янгиликка интилиш ва улардан амалий фойдаланиш даражаси. Шунинг учун ҳар бир педагог, шу жумладан, бошланғич синф ўқитувчиси узлуксиз таълим тизимидаги янгиликлар тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши талаб этилади.

Айни пайтда малака ошириш курсини ўтаётган тингловчилар ҳам ўз устларида мунтазам ишлаб, берилган амалий топшириқларни турли ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда бажаришлари ҳамда уларни амалий фаолиятда қўллай олишлари даражасига етишлари зарур.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 25-сон қарори билан “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом”
3. Степанов В.М. Инновационная школа: опыт организации единого образовательного пространства [Текст] / В.М. Степанов. – Иркутск: ЗАО «Восточно-Сибирская издательская компания», 2000. – 149 с.
4. Викторовой Т.С. Уровни управления в организации – менеджмент в организации. – [Электронный ресурс] // Образовательный сайт Викторовой Т.С. URL: <http://viktorova-ts.ru/> (дата обращения 19.02.2017).

*Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг касбий қўникмаларини такомиллаштиришда модулли технологиялардан фойдаланиши*

**Резюме.** Мақолада жаҳон таълими тизимида малакали мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда жамиятнинг ўсиб бораётган ижтимоий талаблари асосида уларнинг касбий компетенцияларини ошириб боришда малака ошириш

тизими барқарор тараққийтини таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилади. Айниқса, бу борада бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини, методик тайёргарлик даражасини ошириш учун илғор хорижий тажрибалар асосида малака ошириш жараёнини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнига инновацияларни татбиқ этиши воситасида таълим сифатини ошириш.

**Калит сўзлар:** бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолияти, узлуксиз таълим тизими, замонавий ўқитувчи, замонавий талаблар

*Текст научной работы на тему «Использование модульных технологий в повышении квалификации педагогов в процессе повышения квалификации»*

**Резюме.** В статье признается, что наряду с подготовкой квалифицированных специалистов в мировой системе образования, повышение их профессиональных компетенций на основе растущих социальных потребностей общества является ключевым фактором, обеспечивающим устойчивое развитие системы повышения квалификации. В частности, в этой связи для повышения инновационной деятельности учителей начальных классов, уровня методической подготовки необходимо организовать процесс повышения квалификации на основе передового зарубежного опыта, повысить качество образования посредством внедрения инноваций в образовательный процесс.

**Ключевые слова:** профессиональные знания, инновационная деятельность, педагогическая компетентность, профессиональное развитие, современный педагог, личностно-профессиональное развитие.

*The use of modular technologies in the professional development of teachers in the process of professional development*

**Summary.** In addition to the training of qualified specialists in the global education system, the system of advanced training is recognized as the main factor ensuring the sustainable development of professional competencies based on the growing social demands of society. In particular, in this regard, the organization of the educational process based on international best practices to improve the level of innovation and methodological training of primary school teachers, the introduction of innovations in the educational process is an example of a means of improving the quality of education.

**Key words:** professional knowledge, innovative activity, pedagogical competence, professional development, modern teacher, personal and professional development.

## DENE TÁRBIYASÍ HÁM SPORT JASLARDÍŇ SALAMAT TURMÍS TÁRIZI TIKARLARÍ ÍPATÍŇDA

Akimov N.T., Abuov S.A.

*Qaraqalpaq mámleketlik universiteti*

**Kirisiw.** Dene tárbiyası hám sport shınıǵıwları den-sawlıqtı jaqsılaw boyınsha pozitivlik dinamikaǵa iye bolıw menen birge, hár bir insannıń jańa kónlikpe hám tájriybelerdı iyelewine járdem beredi. Den sawlıq insan ómirinde áhmiyetli orındı iyeleydi, turmıs tárizi bolsa, den sawlıqtıń tiykırı esaplanadı hám ol jaslıq dáwirinen aq qalıplese baslaydı, sonıń ushın jas áwladtı tárbiyalawda salamat turmıs tárizine úyretiw zárúr.

Salamat turmıs tárizi kúndelikli mádeniy turmıs iskerligi formaları hám usılları jıyındısı sıpatında qaraladı. Ol shaxs tárepinen basqarılatuǵın qadaǵalaw ólshemleri, qádiriyatları mánisin óz ishine aladı [1]. Búgingi kúnde jaslardı dene tárbiyası hám sport penen shuǵıllandırıw oǵada úlken áhmiyetke iye. Búgan, mámleketimizde dene tárbiyası hám sport tarawında ámelge asırılıp atırǵan bir qansha ilajlar misal bola aladı. Bul ilajlarda, mámleketimiz keleshegi ushın salamat áwladtı tárbiyalaw boyınsha wazıypalar belgilengen. Jámiyetimizde salamat turmıs tárizin qalıplestiriw, xalıqtıń, aynıqsa jas áwladtıń dene tárbiyası hám sport penen sistemalıq túrde shuǵıllanıwı ushın zaman talaplarına say shárt-sharayatlar jaratılmaqta. Sport jarısları arqalı jaslar da óz kúshi hám múmkinshiliklerine bolǵan isenimin bekkemlew, mártlik hám watan súıwshilik, ana Watanga sadıqlıq sezimlerde tárbiyalaw, sonday-aq jaslar arasında intalı sportshılardı tańlap alıw jumsların sistemalı túrde shólkemlestiriw jáne dene tárbiyası hám sporttı rawajlandırıwǵa baǵdarlanǵn keń kólemli jumslar ámelge asırılmaqta.

Sebebi, dene tárbiyası sabaqları barısında jámiyette belgili dárejede hár qıylı qádiriyatlardıń toplanıw protsessi gúzetiledi. Al «qádiriyat» degende hár bir insannıń ózi ushın qádirli bolǵan, onıń ómirinde áhmiyetli orın tutatuǵın nárseler túsiniledi. Dene tárbiyası protsessinde insannıń fizikalıq iskerligi menen birge, onıń óziniń ruwxıy hám psixologiyalıq úylesimiligin jetilistiriw, qádiriyat faktorları sıpatında qaraladı.

Joqarı oqıw orınlarında tárbiyalıq protsess kóp qırılı bolıp, siyasiy ideologiyalıq, mádeniy, kásiplik, miynet estetikalıq, xuqıq hám salamatlıqtı bekkemlew baǵdarların óz ishine aladı. Dene tárbiyası salamatlıqtı bekkemlewdegi quramınıń bir bólimi sıpatında, oqıw protsessiniń nátiyjeligin asırıpǵa járdem beredi, dene mádeniyatı elementlerin qalıplestiredi. [2]

**İzertlew maqseti.** Házirgi zamanda dúnya júzinde salamat turmıs tárizi hám jaslar salamatlıǵı, sonday-aq ósip kiyatırǵan jas áwladtıń fizikalıq aktivligi áhmiyetli másele bolıp tabıladı. Dene tárbiyası hám sport jas organizmniń qalıplesiwi menen úziksiz baylanıslı boladı. Birgelikte olar optimal den sawlıqqa erisiw ushın óz-ara háreketke kirisedi. Den sawlıq óz gezeginde hár bir insannıń baslı sıpatı, onıń shıdamlılıǵı, miynetke uqıblıǵı, basqa fizikalıq jaqtan aktiv adamlar menen teńliginiń kórsetkishi bolıp tabıladı. Den-sawlıq adamnan turaqlı túrde itibarlı bolıwdı hám onı bekkemlep barıwdı talap etedi. Al fizikalıq aktivlik hám sport onı jetilistiriw protsessindegi baslı faktorlardan biri bolıp esaplanadı. Házirgi zaman jámiyetinde, nano texnologiyalar hám hár jılı jańalanıp turǵan gadjetler ásirinde jas óspirimler hám jaslar júdá kóp waqtın otırǵan jaǵdayda ótkeredi hám bunıń nátiyjesinde kem hárektlik turmıs tárizi, bárhama waqtıń jetispewshiligi, sonday-aq, tez-tez nervlardıń tınıshsızlanıwı sıyaqlı psixikalıq jaǵdaylar júzege keledi. Sonıń nátiyjesinde sozılmalı kesellikler rawajlanadı hám den-sawlıq tómenleydi. Hár bir organizm tiykarında, onıń iskerligi ushın háreketshenlikti, shıdamlılıqtı talap etetuǵın xızmetler basım bolıwı kerek. Biraq tilekke qarsı, házirgi jaslar da waqt jetispewshiligi sebepli passiv iskerlik túri húkim sürmekte. Dene tárbiyası menen shuǵıllanıw qáwipli keselliklerdiń rawajlanıwınıń aldın alıp qoymastan, insannıń shaxs sıpatında rawajlanıwına da járdem beredi.



**İzertlew metodları.** Oqıw orınlarında tálim alıp atırǵan studentler qanday qániygelikti tańlamasın olar, dene tárbiyası hám sport shınıǵıwlarına qatnasadı. Bul shınıǵıwlar jaslarda salamat turmıs tárizi tiykarların qalıplestiriwge, belgili bir talap hám qaǵıydalardı ózlestiriwge kómeklesedi. Salamat turmıs tárizi insan iskerliginiń túrli táreplerin óz ishine aladı. Jas organizmniń fizikalıq sapaların jetilistiriw oqıw orınlarındaǵı shınıǵıwlar protsessinde ámelge asadı. Anıǵıraǵı, shıdamlılıqtıń, jigerlilikniń rawajlanıwı, dene dúzilisi relefiniń payda bolıw protsessi bolıp ótedi. Psixologiyalıq qásiyetler hám ruwxıy tiykarlardıń qalıplesiwi de salamat turmıs tárizine ámel qılıw nátiyjesi bolıp tabıladı [3]. Salamat turmıs tárizi barlıq jaman ádetlerden, yaǵnıy, spirtli ishimlikler, náshebentlik zatlar, zıyanlı awqattan waz keshiwdi, sonıń menen birge, dene tárbiyası hám sport penen shuǵıllanıw, durıs dúzilgen kún tártibin saqlaw, hár kúni piyada taza hawada aylanıp júriw, durıs awqatlanıw, kúndelikli jeke gigienalıq qaǵıwdalardı saqlaw hám den-sawlıq penen baylanıslı mashqalar júzege kelgende salamatlastırıwshı shınıǵıwlar kompleksi menen shuǵıllanıwdı názerde tutadı.

Salamat turmıs tárizi insan den sawlıǵı ushın áhmiyetli sıpatlardı bekkemlewdi óz ishine aladı. Salamat turmıs táriziniń barlıq qaǵıydaları hám normalarına uzaq múddet dawamında ámel qılıw nátiyjesinde oraylıq nerv sisteması, sonday-aq, dem alıw sisteması jumısı jaqsılanadı. Adam óz jeke organizmi ushın juwapkerlik sezimine iye boladı. Aktiv shınıǵıwlar járdeminde dene dúzilisi jıyınalanadı, natuwrı awqatlanıw hám passiv turmıs tárizi arqalı toplanǵan artıqsha salmaq ketedi. Adamda ózine isenim payda boladı, basqalardıń itibarın tartadı, hámme oǵan uqsawǵa yamasa eliklewge umtıladı [5]. Joqarı oqıw orınlarında ótkeriletuǵın sabaqlarda studentler alǵan teoriyalıq bilimler ámeliyatta qollanadı, al dene tárbiyası sabaqlarında jaslar hám teoriyalıq hám ámeliy bilim jáne kónlikpelerdiń jıyındısın birgelikte qollanadı. Fizikalıq aktivlik barısında hár bir studenttiń jetekshilikke meyilligi belgili bir dárejede rawajlanadı. Studentler jetekshilik qásiyetlerin jarıs waqtında qollanıwı múmkin. Aldına qoyǵan maqsetine erisiw, atap aytqanda ádalatlı oyında qarsılasın jeńiw ushın student jan-jaqlama pikirleydi, yaǵnıy, óz komandası hám qarsılas komandasınıń unamlı hám unamsız táreplerin salıstıradı. Gózlingen jeńiske erisiw ushın belgili bir háreketler taktikası islep shıǵıladı. Bul háreketler barısı komanda aǵzaları tárepinen talqılanıp, oyın maydanshasında ámelge asırıladı. Álbette, tańlangan háreketler taktikasın rawajlandırıwdıń eki jolı bar, bul taktikalıq háreketlerde ya komanda jeńip shıǵadı yamasa utılıp qaladı. Birdey jaǵdaydı hár bir adam ózinshe kóredi hám pikirleydi, sonıń ushın jámiyet insannıń ayırım ideyaların qollap-quwatlawı yamasa qollap-quwatlamawı da múmkin, biraq eger shaxs óz toparındaǵı studentler arasında abıroyǵa iye bola alsa, ol basqa adamlardı basqarıwı, aldınnan belgilengen yamasa kútilmegende júzege kelgen mashqalalardı hám máselelerdi sheshiwı, óz shaxsıy pikirine iye bolıwı hám jámiyette salmaqılı orın tutıwı, sonday-aq, adamlarǵa tásir ótkere alıw sıyaqlı jetekshilik qásiyetlerin ózlestiredi [4]. Dene tárbiyası hám sport barlıq jastaǵı adamlardıń, sonıń menen birge jaslardıń den sawlıǵın jaqsılıwǵa hám olardıń organizmin bekkemlewge qaratılǵan kóp sandaǵı shınıǵıwlardı óz ishine aladı. Salamat turmıs tárizi komponentlerinen biri salamatlastırıw ushın emlew dene tárbiyası bolıp tabıladı. Ol bulshıq etlerdi bekkemlewge qaratılǵan hár túrli shınıǵıwlar, sonday-aq, piyada júrip seyil etiw ushın tańlangan jollardı óz ishine alıwı múmkin. Emlew dene tárbiyası insannıń den sawlıǵın bekkemlew hám bulshıq etler tonusın tiyisli normada uslap turıw boyınsha salamatlastırıwshı shınıǵıwlar toplanınan ibarat boladı, sonıń menen birge, emlew dene tárbiyası kem háreketlik turmıs tárizine iye adamlar hám den sawlıq jaǵdayına baylanıslı sport penen shuǵıllanıw qadaǵan etilgen adamlar ushın qosımsha járdem bolıp tabıladı.

Piyada seyil etiw dawamında adam taza hawada eki-úsh saattay júredi, yaǵnıy hárekette boladı. Túrli jas toparları ushın óz aldına piyada júriw jolları (marshrutları) hám túrleri belgilenedi. Házirgi kúnde Skandinavsha júriw usılı keń tarqalmaqta, biraq, ápiwayı, úyge jaqın jerlerdi aylanıp, júrip qaytqannıń ózi de organizm salamatlıǵı ushın unamlı nátiyje beriwı múmkin. Piyada júriw waqtında 1 saat ishinde dene salmaqına qaray 300-400 kilokaloriya energiya sarplanadı. Saatına 6 km tezlik penen júrgende ortasha salmaqqa iye adam 300 kilokaloriya energiya jumsaydı. Hár kúni salamatlıq ushın piyada júrip, shınıǵıw nátiyjesinde adam bir hápte ishinde shama menen 2000 kilokaloriya energiya sarplaydı, bul kúndelikli turmısta háreket jetispewshiligin qaplaw ushın zárúr bolǵan minimal shınıǵıw nátiyjesin beredi, sonday-aq, organizmniń barlıq bulshıq etleri hám toqımaları iske qosıladı [6].

**İzertlew nátiyjeleri.** Barlıq norma hám qaǵıydalarǵa ámel qılınǵan jaǵdayda salamatlastırıwshı ilaj sıpatında piyada júriw adamnıń óz organizminde unamlı dinamikanıń júz berip atrıǵanın ańlawına járdem beredi. Júriw protsessinde organizmniń barlıq bulshıq etleri qatnasadı, al uzaq waqıt dawamında (1 saattan aslam) háreket etiw shıdamlılıq, miynetke uqıblıq, jigerlilik sıyaqlı fizikalıq sıpatlardı, pikirlew hám ruwxıy úylesimlilik penen birge jetilistiriw múmkinshiligin beredi. Sonıń menen birge adamnıń sırtqı kórinisi de aldınǵı halına qayta baslaydı. Salamatlastırıwshı ámel sıpatında piyada júriw waqtında adam óz denesin qadaǵalawı, yaǵnıy, arqasın tik tutıwı, ayaq hám qollar háreketine itibar beriwı, qarnın ishke tartıp, basın jerge perpendikulyar túrde uslawı tiyis. Adamnıń salamatlıq ushın etken háreketi (piyada júriw) nátiyjesi joqarıda ayılǵan ámellerge baylanıslı boladı. Piyada júrip aylanǵanda shaqqan-shaqqan júriw, ásirese jaqın adamlar menen birgelikte seyil etiw usınıs etiledi. Gózlingen maqsetke erisiw hám barlıq háreketlerdi sapalı túrde orınlawǵa itibardı jámlegen maqul. Piyada júrip seyil etiwden aldın deneni biraz qızdırıp alıwdı umıtpaw kerek. [8]. İzertlewler nátiyjesinde, salamatlastırıwshı ámel sıpatında piyada júriw menen uzaq waqıt shuǵıllanıw dawamında tómendegi unamlı nátiyjelerge erisilgenligi anıqlandı: oraylıq nerv sisteması jumısı jaqsılanadı; júrek qan-tamır sisteması jumısı jaqsılanadı; organizmdegi bulshıq etler bekkemlenedi; júrek bulshıq eti bekkemlenip, qan aylanısı jaqsılanadı; psixologiyalıq jaǵday jaqsılanadı; may qatlamları azayadı; dem alıw sisteması jumısı jaqsılanadı; organizmniń barlıq sistemaları tonusqa keledi; kún tártibi normal jaǵdayǵa keledi; stresske meyillik dárejesi páseyedi [7].

Tómende 1-súwrette, turaqlı túrde piyada júriwdiń insan organizmine tásiiri sıpatları kórsetilgen [7].



1-súwret – İnsannıń den sawlıgın jaqsılawshı faktorlar

**Juwmaqlaw.** Juwmaqlap aytqanda, joqarıda atap ótilgenlerden kelip shıǵıp, dene tárbiyası – tek bos sóz emes, al haqıyqatında da shıdamlılıqtı rawajlandırıw ushın motivatsiyalıq faktorlar hám hár bir studenttiń jeke qásiyetleriniń qalıplesiwine tásir kórsetetuǵın úlken psixologiyalıq aspekt ekenligin atap ótiwimiz ornlı boladı. Álbette, házirgi dáwirde fizikalıq aktivlik oǵada áhmiyetli. Ayırım hárketler tek dene formasın kerekli dárejege keltiriwge járdem berip qoymastan, kóp jıllıq kúshli иммунитет penen de támiynleydi.

#### ÁDEBIYATLAR

1. Joldasbaev P. Eshlarda soglam turmush tarzini shakillantirish /Joldasbaev P.D., Atabaeva S.K. Dene tárbiyası hám ǵalabalıq sporttı rawajlandırıwdıń ilimiy-teoriyalıq tiykarları Respublikalıq ilimiy-teoriyalıq konferentsiya materialları toplamı: Ózbekistan Respublikası Joqarı hám orta arnawlı bilim ministrliǵı. Berdaq atındaǵı qaraqalpaq mámleketlik universiteti 2015 b. 90-91
2. Turdimuratov J.A. Salamatlıq hám salamat turmis keshiriw / Turdimuratov J.A., İlhanov M.N. Dene tárbiyası hám ǵalabalıq sporttı rawajlandırıwdıń ilimiy-teoriyalıq tiykarları Respublikalıq ilimiy-teoriyalıq konferentsiya materialları toplamı: Ózbekistan Respublikası Joqarı hám orta arnawlı bilim ministrliǵı. Berdaq atındaǵı qaraqalpaq mámleketlik universiteti 2015 b. 153-154.
3. Ашхамахов, К.И. Содержание понятия «здоровье» сквозь призму трюичного кода буквенных сочетаний / К.И. Ашхамахов, И.Н. Гучетль, Т.Э. Галюнок, Е.С. Двойникова. В сборнике: Материалы XXXII Недели науки МГТУ XXVIII Всероссийская научно-практическая конференция «Образование-наука-технологии». Министерство образования и науки Российской Федерации, ФГБОУ ВПО «Майкопский государственный технологический университет». 2016. С. 34-67.
4. Гучетль, И.Н. Формирование мотивационно-ценностных установок физкультурноспортивной деятельности учащихся в Вузе / Е.С. Двойникова. Материалы всероссийской научнопрактической конференции аспирантов, докторантов и молодых учащихся. Майкоп. МГТУ. 2016. С. 19-32.
5. Двойникова, Е.С. Туризм как средство оздоровления / Е.С. Двойникова Букреева К.С. // Актуальные проблемы физического воспитания студентов Сборник материалов II Международной студенческой научно-практической конференции. 2018. С. 18-20.
6. Манченко, Т.В. Современная трактовка понятия «Точность движений» Двойникова Е.С., Манченко Ю.В., Мешвез Р.К. / Материалы всероссийской научно-практической конференции аспирантов, докторантов и молодых учащихся. Майкоп. МГТУ. 2016. С.57-83.
7. Свечкарев, В.Г. Здоровье человека – экономическо-медицинский аспект / В.Г. Свечкарев, Е.С. Двойникова XIX неделя науки МГТУ Майкопский государственный университет. 2009. С.27-39.
8. Свечкарев, В.Г. Виды Тренажера «Правило» / Ларин А.Н., Чебыкин В.А., Иващенко Т. А. / Вестник Майкопского Государственного Технологического Университет.- Выпуск №4. Майкоп. 2018. С.94- 115.

*Jismoniy tarbiya va sport yoshlarning sog'lom turmush tarzi asosi sifatida*

**Rezyume.** Ushbu maqolada jismoniy tarbiya va sportning jamiyatning sog'lom turmush tariziga, shu bilan birga yosh usmirlarning sog'ligiga tasiri aspektlari ko'rip chiqiladi. Barcha yoshdagi odamlarning emotsional va ruxiy xolatini yaqshilashga yordam beradigan ijobiy xususiyatlari haqida so'z etilgan.

**Kalt so'zlar:** tizim, qadiriya, jismoniy sifatlar, kuch, chidamlilik, faoliyat, yurish, kilokaloriya.

*Физическая культура и спорт как основа здорового образа жизни молодежи*

**Резюме.** В статье рассмотрены аспекты влияния физической культуры и спорта на здоровый образ жизни общества, а в частности, на здоровье подростков и молодежи. Отмечается положительные качества, которые могут улучшить эмоционально-нравственное состояние людей всех возрастов.

**Ключевые слова:** система, ценность, физическое качество, сила, выносливость, действия, ходьба, килокалория.

*Physical culture and sport as the basis for youth healthy lifestyles*

**Summary.** The article deals with aspects of the influence of physical culture and sports on a healthy lifestyle of society, and in particular on the health of adolescents and young people. Positive qualities that can improve the emotional and moral state of people of all ages.

**Key words:** system, value, physical quality, strength, endurance, action, walking, kilocalorie.

## BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA TEJAMKORLIK VA IQTISODIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI

**Boboqulova D. M.**

*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti mustaqil tadqiqotchisi*

Jamiyatni ijtimoiy va milliy ehtiyojlar asosida isloh qilish, yuksak insonparvarlik g'ayalariga bog'liq ekanligini hayot ko'rsatib bugungi milliy ehtiyoj ta'lim muassalari oldiga katta talablar qo'ydi. Ta'lim jarayoniga hayotiy talablar

asosida mukammallik, aniqlik, izchillik baxsh etish orqali, uning samadorligini oshirish yo'llarini izlash pedagogika sohasining bugungi vazifasidir. Zamonaviy pedagogikaga, ta'lim modellariga shunday yondashuvlar ishlanmoqdaki, ular ishlab chiqarish-texnologiya jarayoniga, ko'zlangan maqsadlarga erishish kafolatini beradigan holda yondashish imkoniyatini yaratadi. Ta'lim texnologiyasi o'qitish jarayoni samadorligini oshirish muayyan sharoitlarda loyixalashtirilgan natijalarga erishishini kafolatlash maqsadida g'oyasi tashkil etiladi. Faoliyatga bunday yondashishning mohiyati-ta'lim jarayonini tizimlashtirishda uni detallar bo'yicha unsurlarga bo'lib tashlab maksimal darajada shakllantirishdan iborat.

Tadqiqotlar jarayoni shuni ko'rsatadiki, yangi pedagogik texnologiyalarga asoslangan zamonaviy ta'lim ana'anaviy ta'lim asoslari, ta'lim usullari va vositalari, uni tashkil qilish shakllari va natijalari bilan sezilarli darajada farq kiladi. Texnologiya ta'limi jarayonida o'quvchilarda iqtisodiy tarbiyani shakllantirish metodikasini yoritishda ta'lim-tarbiya jarayonida yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llab, zamonaviy ta'lim usullaridan (metodlaridan) foydalanish maqsadga muvofiqligini nazarda tutish kerak.

O'qitish usuli-dars berishda belgilangan maqsadga erishish uchun ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchining o'zaro bog'liq faoliyatini tashkil etishning tartibga solingan usulidir. Uslubiyot muayyan natijaga erishishni ta'minlaydigan muhim omillaridan biridir. Bu davrda ta'lim oluvchi u yoki bu ko'nikmalarni bilish, uddalash va qadrlashni o'rganadilar. Dars boshlangan davrda, muayyan masalada ta'lim beruvchi bilan ta'lim oluvchining fikrlash, qoidaga binoan, bir-biridan farqli bo'ladi. Shuning uchun, avvalo, o'qituvchi o'z izlanishlarini kashfiyotlarini ta'lim maqsadlarini ta'lim oluvchiga yetkazadi. Shakllangan uslubiyot ta'lim mazmunini ko'zda tutilgan saviyada o'quvchiga yetkazishni ta'minlaydi. Bu holda ta'lim beruvchi faoliyatini bilimlarni berish usullari, ta'lim oluvchining faoliyatini esa o'rganish usullari tashkil etadi.

Ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining maqsadlari bir-biriga to'g'ri kelgandagina birgalikda faoliyat olib borishni mumkin bo'ladi. Ta'lim maqsadlari-ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchining birgalikdagi faoliyati asosida, o'qitish vositalar yordamida amalga oshiriladi, usullar esa ularning amaliy ifodasini ta'minlaydi. Dars berish metodlari (usullari) - ta'lim beruvchining faoliyatini tashkillashtirish vositasi o'qish usullari ta'lim oluvchiing faoliyatini tashkil qilishni aks ettiradi. Uning vazifasi o'qitish qonuniyatlarini o'rganish va ular asosida o'qituvchilar faoliyatiga talablarning munosabatini aniqlashdan iborat. Boshqacha qilib aytganda, metodika-o'qitishga quyiladigan talablar amalga oshiriladigan ma'lum usullar to'plami demakdir. Texnologiya ta'limini o'qitishda ikki vaziyatni-o'qitishning nazariy yo'naltirilganligi va o'qitish metodikasini farq qilish zarur. O'qitish metodikasi o'rganilayotgan fanning nazariy mohiyatini o'quvchiga yetkazish mumkin bo'lgan pedagogik usullarni bartaraf etishi kerak, o'qitish va tarbiyalash metodlari haqidagi ta'lim sifatida metodika-ta'lim va o'qitishning dars berish usullari va shakllarining, mazmuni va masalalarining butun to'plamini ishlab chiquvchi didaktika u.mumiy nazariyasining bir qismidan iborat.

Metodika o'qitilayotgan va o'rganilayotgan u yoki bu fanning qonuniyatlari bilan bog'liq bo'ladi.

Texnologiya ta'limini o'qitish umumiy metodik talablari asosida olib boriladi. Shu bilan bir vaqtda bu fanlarning har birini o'qitish uchun o'zining, ayni fan mazmunini aks ettiruvchi o'ziga xos metodikasi ham zarur bo'ladi.

Texnologiya ta'limi darsida iqtisodiy tarbiyani shakllantirish metodikasi Bu borada ko'plab boshqa tasniflar ham mavjud. Masalan, nemis olimi A.Klinberg o'qishdagi hamkorlik shakllari sifatida monolog va dialog metodlarini ham ko'rsatib o'tadi.

| <i><b>Monolog metodi</b></i> | <i><b>Hamkorlik shakli</b></i>     | <i><b>Dialog metodi</b></i> |
|------------------------------|------------------------------------|-----------------------------|
| <i><b>Ma'ruza</b></i>        | <i><b>Individual</b></i>           | <i><b>Suhbatlar</b></i>     |
| <i><b>Hikova</b></i>         | <i><b>Guruh bilan</b></i>          |                             |
| <i><b>Ko'rsatuvlar</b></i>   | <i><b>Frontal. Jamoa bilan</b></i> |                             |

O'quvchilarda iqtisodiy tarbiyani shakllanganligini tekshirish jarayoni quyidagi didaktik masalalarni hal qilishga yo'naltirilgan: Iqtisodiy tejamkorlikka oid bilim, ko'nikma va malakalar sifatini aniqlash; 2.Iqtisodiy tejamkorlikka bilim ko'nikma va malakalarning sifati eng avval ularning puxtaligi va ongliligi bilan tavsiflanadi; 3. Iqtisodiy tejamkorlikka oid bilim, ko'nikma va malakalarning puxtaligiga ishonch hosil qilish uchun ularni faqat o'zlashtirayotgan paytida emas, balki o'quvchilarning keyingi faoliyatida ham tekshirib borish kerak.

Iqtisodiy tarbiya shaxsning barkamol shakllanishining muhim shartidir. Yoshlarni iqtisodiy tarbiyalash pedagogikaning muammolaridan biri bo'lib kelgan va shunday bo'lib qolaveradi. Bozor iqtisodiyotiga o'tayotgan bir sharoitda va keyingi rivojlanish jarayonida ham yoshlarda iqtisodiy tarbiyaning o'rne beqiyos. Iqtisodiy tafakkur inson hayotining barcha bosqichlari - shaxsiy hayoti, kishilar bilan munosabati, uning xulq-atvorini qamrab olgan. Iqtisodiy tafakkur o'quvchini hayotga boshqacha ko'z bilan qarashga, ijtimoiy munosabatlar bilan yaqindan tanishishga olib keladi. Kishilarda bu holatlarga nisbatan ko'nikmalar hosil bo'ladi. Iqtisodiy tafakkur shakllanishi iqtisodiyotdagi chigal muammolar yechimida yangicha yo'nalishlarni yuzaga keltiradi. Shunday qilib maktablarda iqtisodiy tarbiyaning pedagogik jarayoni quyidagi sifat bosqichlariga ega bo'lishi lozim: davlatning iqtisodiy ahvolini juda yaxshi bilish; turli mulk turlari va korxonalar faoliyatining iqtisodiy asoslarini bilish; dalillarni xolisona baholash va mavjud iqtisodiy asoslarni tahlil etish uchun savodxonlik; ishlab chiqarish va xo'jalik ishlarida, iqtisodiy munosabatlarda tashabbuskorlik.

Iqtisodiy tarbiya shartlari o'quvchilardan savollar xilma - xilligini talab etadi. Ularga quyidagilar kiradi: oilada va umumiy o'rta ta'lim maktablarida iqtisodiy tarbiyaning bog'liqligi, uning maqbul bo'lishi; o'quvchilar bilim olishida didaktik tamoyillarning roli; maktabda o'quv fanlarini o'qitish jarayonida amaliy tajribalar xulosasi va shu bilan birgalikda ilmiy- texnologik taraqqiyotning tezlashuvida ilm - fanning rolini tushuntirish orqali o'quvchilarni iqtisodiy tarbiyalash; davlat va xususiy mulkni ehtiyoj qilish, elektr energiya, gaz, o'quv adabiyotlar, asbob-uskunalar, maktab binosi, uy jihozlari va hokozo; moddiy zahiralardan tejab-tergab foydalanishning iqtisodiy jihatlarni tushuntirish; o'quvchilarga darsdan tashqari vaqtlarida iqtisodiy tarbiya berishni tashkil etish; umumiy o'rta ta'lim maktab

o'quvchilarini oliy o'quv yurtlari va undan keyingi sharoitlar haqida kònikmalar hosil qilish uchun iqtisodiy fikrlashga o'rgatish. Yangi iqtisodiy tafakkur shakllanishida iqtisodiy tarbiyaning yangi bosqichlari, iqtisodiy soxada kadrlar tayyorlashni yanada yaxshilash yo'llarini aniqlab olib, quyidagi yo'llar bilan o'quvchilarning iqtisodiy ta'lim tarbiyasini oshirish mumkin: olingan nazariy bilimlar asosida amaliy ishlarini bajarish jarayonini tashkil etish; kasbiy o'qitish va har bir o'quvchi malakasini oshirish uchun lozim bo'lgan iqtisodiy tayyorgarlik majburiyatlari; ishlab chiqarish va mehnat xarakteri, iqtisodiy sohada kadrlarni o'z sohalarini bilish darajasini aniqlash; iqtisodiyot soxasida yangi bilimlarni egallash tizimi, yangi axborot texnologiyalarini egallash (ilmiy adabiyotlar va internet).

O'quvchilarning iqtisodiy tarbiyasidagi zarur shartlardan biri ularni iqtisodiy faoliyatga tayyorlashdir. Bu narsa o'quvchida iqtisodiy hayotda faol ishtirok etish uchun imkoniyatlar yaratadi. Bu esa yoshlardan jamiyatimizning iqtisodiy manfaatlarini negizini bilish, iqtisodiy bilimlardan samarali foydalanish, ishlab chiqarishni kengaytirish va atrof - muhit hamda moddiy zahiralardan oqilona foydalanishni talab etadi. Iqtisodiy faoliyatga tayyorgarlik quyidagi asosiy komponentlarni o'z ichiga oladi: iqtisodiy talab va manfaat; iqtisodiy umum ta'lim tayyorgarligi; mehnatga, ishlab chiqarilgan mahsulotlarga, atrof- muhit va vaqtga nisbatan iqtisodiy munosabatlarni shakllantirish. Iqtisodiy talablar bu jamiyat, ijtimoiy guruhlar, siyosiy partiyalar va boshqalar erishishga intilayotgan, hayotdagi moddiy farovonlik va iqtisodiy faoliyatning yangicha shakllaridir. Umumta'lim iqtisodiy tayyorgarligi ( iqtisodiy bilimlar tizimi, bilimlar, kònikma va tajribalar) insonni iqtisodiy faoliyatga tayyorlash tizimining muhim komponentlardan biridir. Shaxsiy tuzilishlarda esa u tajribaga suyanadi. Iqtisodiy ta'limning dolzarbligi umumiy va politexnik o'rganishning shart - sharoitlaridan kelib chiqadi. Bunda ishlab chiqilgan mahsulot jamiyatdagi qonunchilik va ilm - fan tamoyillariga mos keladi. Shunday qilib iqtisodiy tarbiya iqtisodiyotning bir necha avlodlar tomonidan qayta ishlanishi lozim bo'lgan umumiy nazariy holatga asoslanadi.

Jamiyatning iqtisodiy hayoti boy va kòp qirralidir. U o'z ichiga iqtisodiy faoliyat davomida kerak bo'ladigan muomala aylanma mablag'lar, ishlab chiqarish, sotish va hokozolarni qamrab oladi. Iqtisodiy hayotning xarakteri va faoliyati, moddiy ashyolarning ishlab chiqarilishi bilan belgilanadi. Iqtisodiy hayotda jamiyatning barcha ishtirokchilari jumladan garchi ishlab chiqaruvchi bo'lmasa- da o'quvchilar ham ishtirok etadi. Iqtisodiy hayotda va faoliyatda ongli ishtirok etish insondan maxsus tayyorgarlikni talab etadi. Iqtisodiy tarbiyani jamoasiz tasavvur etib bo'lmaydi. Bolalarni mehnatga o'rgatish uchun, avvalo ularni mehnatga o'rgatish va ularning mehnatini turli yo'llar bilan rag'batlantirish lozim. Ularda jamoa bilan ishlash kònikmalarini hosil qilgan holda moddiy zahiralarni, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni tejab-tergab foydalanishga o'rgatish lozim. Aynan mana shu munosabatlar hayotning muhim prinsplari sifatida iqtisodiy kategoriyalarning obektiv jamoaviylashuvini, jamoa bilan ishlash foydali ekanini bildiradi.

Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki rivojlangan davrlarda xususan hozirgi shiddat bilan taraqqiy etayotgan mustaqil O'zbekistonda iqtisodiy tarbiya masalasiga davlat mulkini ehtiyotlab saqlash va uni mustahkamlash nuqtaiy nazaridan yondashiladi va bu narsani birinchi vazifa sifatida uqitiriladi. Bu narsa uzoq yillar davomida iqtisodchilar, pedagoglar, filosoflar va texnologlarining iqtisodiy tarbiya masalasiga o'zgacha yondashuvi, uning sabab va oqibatlariga diqqat e'tiborni qaratganini bildiradi. Iqtisodiy tarbiya orqali yoshlarni har tomonlama barkamol ahaxs sifatida kamol toptirish, ularni jahon hamjamiyatidagi munosib o'rnini belgilash mumkin.

Butun ta'lim davomida o'quvchilar faoliyati tizimli ravishda uzluksiz nazorat qilib boriladi. Darslarda mashg'ulotlarni amalga oshirish jarayonida shakllantiriladigan iqtisodiy tejamkorlikka oid bilim, kònikma va malakalar sifati kòp jihatdan ularning yapgi harakatlarni qanchalik qulay sharoitlarda o'zlashtirishlariga bog'liq bo'ladi. Masalan, o'quvchilar oldiga ishlanayotgan buyum detallarini tayyorlashga oid bilim va malakalardan foydalangan holda uni boshqarishni mustaqil ifodalashni topshirish mumkin.

#### ADABIYOTLAR

1. Xudoyqulov X. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida iqtisodiy tarbiyaga oid tushunchalarni shakllantirishning nazariy asoslari. Toshkent. Fan. 2004. 113-bet.
2. Sarsenboyeva R.M. Iqtisodiy fanlarni o'qitishda qo'llaniladigan interaktiv metodlar. O'quv-metodik qo'llanma – T.TMI,
3. Tojiboyeva D. Iqtisodiy pedagogika. –T. "Fan va texnologiya", 2007. 56-bet.
4. Fozilov A. Donolar mehnat tarbiyasi haqida. Boshlang'ich ta'lim. T. 2000. 5-son, 50-bet.
5. Umarova X.A Boshlang'ich ta'limda iqtisodiy bilimlarni o'rganishga yo'naltirilgan modulli texnologiyalarning didaktik asoslari. Aftorep. ped. fan. nomz.-T. 2006. S.26.

*Boshlang'ich sinf o'quvchilarida tejamkorlik va iqtisodiy tarbiyani shakllantirishning pedagogik asoslari*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilariga iqtisodiy tarbiya berishning mazmuni, ahamiyatli jihatlari bayon etilgan. Yosh avlodga tejamkorlik tarbiyasini singdirishning ilmiy-pedagogik asoslari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Ehtiyoj, mukammallik, aniqlik, izchillik, samadorlik, Zamonaviy pedagogika, uslubiyot, vosita, tadqiqot, nazariya, amaliyot, ongliklik, faollik, hamkorlik shakli, jamoaviy, frontal, axborot-xabar, tushuntirish, yo'l-yo'riqlar berish.

*Педагогические основы формирования бережливости и экономической образованности учащихся начальных классов*

**Аннотация:** В этой статье говорится об одной из актуальных проблем - вооружить учащихся предпринимательскими, бережливыми и экономическими знаниями с начальной школы, работать с семьей, подготовить конкурентоспособные кадры в соответствии с законами рынка.

**Ключевые слова:** бережливость, предпринимательство, трудолюбие, предпринимательство, предпринимательство, профессиональное обучение, экономический учет, семейный бюджет, воспитание детей, новые технологии, рыночные законы, честность, чистота, щедрость.

*Pedagogical bases of formation, of concepts, of convenience and economics for primary school students*

**Annotation:** In this article, one of the pressing problems is to equip students with entrepreneurial, lean and economic knowledge from elementary school, to work with the family, to train competitive personnel in accordance with the laws of the market.



**Key words:** thrift, entrepreneurship, hard work, entrepreneurship, entrepreneurship, vocational training, economic accounting, family budget, parenting, new technologies, market laws, honesty, purity, generosity.

## СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА 5-9- СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАНТИҚИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Шихова И.О.

*Хоразм вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш Миллий Маркази*

Умумий ўрта таълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида амалга оширилган бўлиб бунда камида 30-35 болага машғулоти олиб бориш назарда тутилган. Бунинг эса болаларда мантиқий фикрлашни ривожлантириш учун етарли эмаслиги сабабли синфдан ташқари машғулотларни родини оширишни тақозо қиларди. Бу вазифани бажаришда айниқса, 5 – 9 - синф ўқувчиларга эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Сабаби, кўпчилик ўқувчиларимиз бу ёшда гармонал ўзгаришлар, дунёни англаш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш жараёнини бошидан кечирадилар. Шу сабабли ҳам айнан шу даврда уларни дарс ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида мантиқий тафаккурининг ривожлантириш муҳим масалалардан. Маълумки, тафаккур — инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онда акс этиш жараёни. Тафаккур атроф- муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У сезги, идрок, тасаввурларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Тафаккур — инсон миясининг алоҳида функцияси. Унинг нерв физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро муносабатидан иборат. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз қабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, ҳулосалар шаклида ифодаланиб тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади. [1,78]. Фикрлаш фаолияти нутқ шаклида намоён бўлади. Нутқ алоқаси жараёнида инсоннинг ҳиссий мушоҳада доираси кенгайиб қолмай, орттирилган тажриба бошқа кишиларга ҳам берилади. Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, ҳулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб, бавосита (билвосита) акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга. Тафаккур кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, педагогика, физиология, кибернетика, биология)нинг тадқиқот объекти ҳисобланади. [2, 83]. Психологияда тафаккур воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янглиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча турларга (кўргазмали ҳаракат, кўргазмали образли, амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодий ва ҳоказо ) ажратиб тадқиқ қилинади. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, ўз-ўзини танқид, баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур сифатлари вужудга келади. Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши, ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Ташқи оламдаги воқеликни сезги, идрок ва тасаввур жараёнлари орқали билиш муҳим аҳамият касб этади, лекин ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни атрофлича чуқур акс эттириш учун булар ҳали етарли эмас. Чунки уларнинг ўзаро муносабатлари, сифат ва миқдор ўзгаришлари, мураккаб ички боғланишлари, ўзаро таъсир этиш хоссаларини бевосита кузатиш ёки ҳиссий образлар ёрдамида аниқлаш имконияти йўқ. Мадомики шундай экан, субъектнинг билиш лозим бўлган объект билан ўзаро таъсирини бевосита акс эттириш йўли орқали бўлакларга ажратиш имконияти чекланганлиги сабабли ҳиссий билиш босқичидан ақлий босқичга, яъни тафаккурга ўтиш зарурати туғилади. Фикр юритиш ёрдамида атроф – муҳитни чуқурроқ билиш, нарсалар, воқеалар ва ҳодисалар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро ички муносабатлар, боғланишларни аниқлаш проблематик тарзда намоён бўлади. Инсон олдида проблема – муаммо вужудга келмас экан, у ҳолда тафаккур жараёни ҳосил бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, инсон ўзининг билиш фаолиятида воқеликнинг мураккаб жиҳатларини ҳиссий босқич ёрдами билан акс эттира олмай қолганда тафаккурга, фикр юритишга мурожаат қилади.

Инсоннинг билиш фаолиятида сезги, идрок, тасаввур образлари билан тафаккур ўзаро узлиқсиз равишда бир – бирини бойитиб туради. Ана шунга биноан билиш жараёнининг ҳиссий ва ақлий босқичлари мавжуддир.

Тафаккур, сезги ва идрокдан фарқ қилиб, бир неча хусусиятга эгадир. 1) воқеликни умумлашган ҳолда акс эттиришдир; 2) иккинчи муҳим хусусияти боғланишларни бевосита акс эттиришдир. Бу хусусият туфайли табиат ва жамиятдаги турли ҳодиса ва воқеалар ўртасидаги боғланишларни тушунтириш имкониятига эга бўламиз. 3) орқали нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мураккаб муносабатларни акс эттиришдан иборатдир. Инсоннинг фикр юритиши бир ва ундан ортиқ сўзлар, тушунчалар воситасида ифодаланади. Шунинг учун одам ўйлаётганда ўз фикрини айтаётгандек, гапираётганда эса фикр юритаётгандек туйилади. Бу жараёни қуйидагича амалга оширилади. 1. Анализ ва синтез; 2. Таққослаш; 3. Абстракциялаш; 4. Умумлаштириш; 5. Конкретлаштириш; 6. Классификациялаш; 7. Системалаштириш.

Уларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз. Ўқувчиларда мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда муайян тафаккур операцияларидан фойдаланиш талаб этилади. Булар: **анализ, синтез, таққослаш, абстракциялаш, ҳукм, хулоса** чиқариш ва бошқалар ҳисобланади.

**Анализ** – шундай бир тафаккур жараёни, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий равишда бўлиб, уларнинг айрим қисмлари ва хусусиятларини таҳлил қиламиз, бўлакларга бўлиб ўрганамиз.

**Синтез** – шундай бир тафаккур жараёнидирки, биз нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган айрим қисмлари, бўлакларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолга келтираемиз. Анализ ва синтез ўзаро бевосита мустаҳкам боғланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ҳодисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

**Таққослаш** – шундай бир тафаккур жараёни, бу жараён воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир – бирига ўхшашлиги ёки бир – биридан фарқи аниқланади. **Абстракциялаш** шундай бир тафаккур жараёни, бу жараён ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиш ташлаймиз. Психологияда **Умумлаштириш** деганда нарса ва ҳодисалардаги ҳосса, белги, хусусият, аломатларни топиш ва шу умумийлик асосида уларни бирлаштириш тушунилади.

**Конкретлаштириш** деб умумий, мавҳум белги ва хусусиятларни яқка, ёлғиз объектларга тадбиқ қилиш, мавҳум тушунчаларни конкрет предметларга боғлашга айтилади. Фанда нарса ва ҳодисаларнинг табиатини ифодаловчи муайян белги асосида қилинган фикр юритишни **Классификация** деб аташ қабул қилинган.

Классификация қилишнинг якуни Системалаштириш бўлиб ҳисобланади. Системалаштиришга кутубхонадаги китобларнинг жойланиши мисол бўла олади. Масалан, кутубхонада педагогикага оид адабиётлар бир томонда, психологияга оидлари яна бир томонда жойлашган бўлиб у инсон ишини осонлаштиради. Натижада киши нимани қердан излашни билади. Турмушда ҳар қадамда системалаштиришни кўришимиз мумкин. Ҳозир замон фанининг жуда кўп мураккаб масалалари тафаккурдаги мантикий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Тафаккур бошқа психик жараёнлардан, унда қандайдир муаммоли вазият мавжудлигини таъкидлайди, уни ҳал қилиб, қайси бир кишининг ҳиссий тажрибадан чалғитиши ва муайян амалий ёки назарий хулосалар чиқаришига, билим чегараларини кенгайтиришга қарор қилиш хусусиятлари билан фарқ қилади. Тафаккур кўпинча ижтимоий амалиётнинг тарихий ривожланиш маҳсули, инсон фаолиятининг алоҳида назарий шакли сифатида қаралади. Тафаккур воқеликни нафақат оддий образлар, балки ўз навбатида, назарий йўл билан олинган турли алоқалар, қонунлар сифатида акс эттиради. Бу борада А.В.Брушлинский шундай ёзганди: “тафаккурнинг асл табиати шундан иборатки, у доим қандайдир аниқликни мустақил, доим очиқ ҳолда кашф этади. Аввало тафаккурда онгли фаолиятнинг номаълум маҳсули сифатида, унга дарҳол эришиш мумкин эмас. Бошқа томондан, у кейинги фаолиятлар учун жуда зарурдир. Мазкур ҳолатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўзида маълум бир вазифа ёки муаммони изловчи ва кейин эса уларни ҳал этилиши йўллариининг топилишини намоён этувчи психик янги ҳосилалар шаклланиш жараёнида ифодаланади. Мана шунинг учун тафаккур жараён сифатида, олдиндан тайёр ва тақдим этиладиган бўлмай, балки шакллантирувчи жараён бўлиб ҳисобланади [3,41]

Кўргазмали-ҳаракатли тафаккур инсон идроки орқали ҳис этиб, қабул қилинган нарса ва маълумотлар, бевосита алоқалар билан амал қилувчи узвий боғлиқликда тавсифланади; тўғридан-тўғри манипуляция қилинган нарсалар билан узвий алоқадор; аслида, мумкин бўлмаган амалий ҳаракатларсиз, олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этишдан иборат. Тафаккурнинг мазкур шакли, энг аввало, амалий вазифаларни бажаришга қаратилади. Унинг мураккаблашишига кўра аста-секин бажариладиган ҳаракатлар ташқи кўргазмали шароитларда намоён бўлади. Бунда ҳаракат ички муҳитининг яратилиши содир бўлади, элементлар ўртасидаги муносабатлар схемали кўриниш тусини олади. Ўқувчининг психик ривожланиши жараёнида дастлабки амалий фаолият бўлиб ҳисобланади, унинг ичида дастлаб болалар тафаккури ривожланади. Мактабгача тарбия ёшидан олдин (уч ёшгача) асосан тафаккур кўргазмали-ҳаракатли бўлади. Бола бу даврда қўли билан амалий равишда, объектларни ушлаб кўриб, ажратиб, бўлиб ва яна қайта бирлаштириб, у ёки бу идрок этилаётган предметларни бир-бирига солиштириб, мослаб, боғлаб, таҳлил қилади ва англаб боради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда (4-7) тафаккурнинг кўргазмали-образли усули ривожланади. Кўргазмали-образли тафаккур – бу тафаккур шакли бўлиб, унинг асосида, тасаввур доирасида муаммоли вазиятларни моделлаштириш ва ҳал этиш ётади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда кўргазмали-образли тафаккур тўлиғича идрокка бўйсунди ва улар чалғимади ва мавҳумлаша олмайди. Л.С.Выготский ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига бағишланган ўзининг сўнгги маърузаларидан бирида [4,46] айнан кичик мактаб ёши ўқувчиларда тафаккурнинг фаол ривожланиш даври эканлигини таъкидлаб ўтган. Кичик мактаб ёши (7-10) барча англаш, билиш жараёнлари, жумладан, тафаккурни ривожлантириш учун катта имкониятга эга. Мантикий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш учун кўпинча ўқувчи янги билим ўзлаштириш учун илмий методларни ўрганиш, мавҳумлаштириш, солиштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилишга ёрдам берувчи мувофиқ шароитларни яратиш талаб этилади. Ўқувчининг 11 ёшгача жамланган тафаккур операциялари тизими унда илмий тушунчаларни шакллантириш, интеллектуал ривожланиш учун замин тайёрлайди, яъни расмий операциялар даврида ўқувчи объектларга аниқ боғланиб қолганлик ҳиссидан озод бўлади, шу билан бирга, теран фикрлаш имкониятига эга бўлади. 5 – 9 - синф ўқувчилари юқори даражада

интеллектуал фаоллик билан ажралиб туради, улар фикр юритиш ва тадқиқ этишни билади. Ўқувчиларнинг ёш бўйича мустақиллиги вазифаларни ўқувчилар мустақил бажара олишларига ёрдам берувчи ўқитувчи уларга интеллектуал фаолиятнинг умумий методларини таклиф этиши талаб этилади. Турли ёш гуруҳлари психомотор ҳаракатларнинг турли даражаларида бош мия ярим шарлари асимметрияси кўрсаткичларининг ўрганилиши шунини кўрсатдики, кузатишган 10 – 11 ёшдаги ўқувчилар кўпроқ нафақат образлар билан фикрлай бошлайди, унда абстрактулаштириш имкони юзага келади. Жумладан, ўқув вазифаларини моделлаштиришдан фойдаланиш зарур, уларни дарсда қўллаб, у ёки бу хусусий ўқув вазифаларини ҳис этиш билан боғлиқ образлар тўпланади. деярли барча даражаларда бошқа ёш гуруҳидаги ўқувчилардан фарқ қилиши аниқланган. Мазкур ёшда психомотор ҳаракатлар латерализацияси бошқа ёшдагиларга нисбатан бундай ўтиши мазкур ёш даврида мия ярим шарлари муносабатларида қайта қурилиш содир бўлиши билан таъкидланади.

Фалсафа нуқтаи назаридан, тафаккур – янги ғояларни ижодий яратиш, ҳодиса ва ҳаракатларнинг прогноз қилинишида предмет ва ҳодисаларнинг мавжуд алоқалар ва муносабатлар субъектида мақсадга мувофиқ воситалар ва умумлаштиришдан иборат бўлган объектив борлиқнинг фаол акс этувчи олий шаклидир" [5,137]. Ж.Пиаже ўз тадқиқотларида мантикий тафаккурни амалга оширилган жараёнлар ёки уларнинг натижалари ва иккинчи даражали жараёнларни гуруҳлаш натижаси сифатида таърифлаган [2,105]. Л.С.Выготский мантикий тафаккур ҳақида қуйидагича фикр юритган: "Фикр амалга оширадиган асосий мантикий шакллари таҳлилий(аналитик) ва идрокнинг мушоҳада(синтез) фаолияти деб, яъни аввал анланган оламни алоҳида элементларга ажратади, кейин эса мазкур элементлардан атроф-оламни тушунишга ёрдам берувчи янги ҳосилаларни қуради" [3,46]. Психологияда эса бу қуйидагича таърифланган: "Фикр – сўз ва мантикқа асосланган – тушунча, мантикий конструкциялардан фойдаланувчи тафаккур турларидан бири бўлиб ҳисобланади. У тил воситалари базасида амал қилади ва ўзида тафаккурнинг тарихий ва онтогенетик ривожланишининг энг охириги босқичини намойиш этади. Сўзли-мантикий тафаккур структурасида умумлаштиришнинг турлари шаклланади ва амал қилади" [6,115]. Тадқиқотчи - олим Н.А.Подгорецкая ўз ҳаракатларини мантик қонунларига мувофиқлаштириб қуриш малакасига ишора қилади: "Мантикий фикрлаш малакаси: мавжуд объект ва ҳодисалар белгиларига йўналиш малакаси, мантикий қонунларга бўйсунуш, ўз хатти-ҳаракатини уларга мувофиқ қуриш, мантикий операцияларни амалга ошириш ва уларни англаб туриб таърифлаш, мазкур асосда фаразлар қуриш ҳамда уларнинг оқибатлари ҳақида ҳулоса чиқариш малакаси ва бошқаларни ўз ичига олади. Мантикий тафаккур малакаси ўз ичига қатор компонентлар: мавжуд объект ва ҳодисалар белгиларига йўналганлик малакасини олади" [6,116]. Шунингдек, мантикий (сўзли-мантикий) тафаккурнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ҳам таърифланган: "тафаккурнинг мазкур турида ажралиб турадиган дастлабки мезон бу борган сайин ҳақиқий предметли оламдаги кўп сонли аниқ таркибий қисм элементларидан озод бўлишни англаувчи хусусий мантикий тафаккур ривожланиши бўлиб ҳисобланади" [5,118]. Бу борада олимлардан Н.Н.Поспелов ва И.Н.Поспеловлар қуйидагича фикр юритганлар: "Ўқувчиларда мантикий тафаккурнинг ривожланиши – бу уларга мантикий талаблар бўйича билимлар бериш ва ўқув ҳамда амалий фаолиятда мазкур талаблардан фойдаланиб, малакалар ишлаб чиқилишидир". [5,117]. Айрим тадқиқотчилар мантикий тафаккур таърифи нафақат функционал-операцион томондан, балки янада кенгрок маънода ёндашадилар. Улар мантикий тафаккурни қандайдир "ўзига эвристик, интуитив мантикий тушунчаларни жамлаган маҳсулдор жараён" деб ҳисоблаганлар.

Ўқувчиларда мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик жиҳати таълим жараёнини ташкил этишнинг зарур дидактик шартларини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказишдан иборат. Бу, – деб ёзади А.Д.Гетманова, – педагогика фани мантикий тафаккурни ўсиб келаётган авлод таълим ва тарбияси жараёнида билиш жараёнларини амалга ошириш томонидан ўрганади [3,51]. Кўплаб педагог ва методист-олимларнинг тадқиқотларида ўқувчиларни мантикий тафаккур усулларига ўргатиш зарурлиги таъкидланган. Айрим педагоглар мантикий тафаккурнинг ривожланишини ўқувчиларнинг билимлар эгаллиши ва уларда малака ҳамда кўникмалар шаклланиши ҳамда улардан ўқув ва амалий фаолиятларида фойдаланишлари сифатида тушунадилар. (Н.Н.Поспелов ва Л.С.Хадарцева [2, 149]). Мантикий тафаккурни ривожлантириш учун мазкур ёш гуруҳидаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига энг мос усул ва методлардан фойдаланиш зарур. Тадқиқотимизда сўз юритилаётган синфдан ташқари машғулотлар жараёнида 5 – 9 - синф ўқувчиларида мантикий тафаккурни ривожлантиришни диагностика қилиш тамойилларини методологик асослаш қуйидагиларга таянади: 1) мантикий тафаккурни ривожлантиришни юқори даражадаги яхлит психологик тизимни ўзида акс эттирувчи шахс сифати тарзида кўриб чиқиш; 2) шахсни ривожлантирувчи сифати тарзида уни мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг динамик назарияси билан боғлиқлигини асослаш (1.1-расмга қаранг).



1.1-расм. Мантикий тафаккурни ривожлантиришни ташхис этишга доир энг муҳим ёндашувлар

Мазкур асосларга таянган ҳолда, ўқувчиларнинг мантикий тафаккурни ривожлантиришни ташхис этишга доир қуйидаги энг муҳим ёндашувларни ажратиш олдик: 1) шахсга йўналтирилган ёндашув. Текширув ёш ривожланиш давлари, интеллект ва аффектнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро ҳаракати, ўз-ўзини англашнинг ўзига хослиги, эмоционал-иродавий ва коммуникатив соҳаларнинг ривожланиш даражалари билан боғлиқликда шахс ривожини учун хизмат қиладиган ўзаро алоқадор сифатларнинг яхлит тизимини ўрганишга йўналтирилган;

2) динамик ёндашув (ўрганишнинг узок муддат давом этиши, синалувчиларни турли вазиятлардаги ҳуқ-атворини ўрганиш учун вақти-вақти билан кузатишларга мурожаат қилиш, унинг ривожланиши динамикасини ўрганиш, психологик тўсиқларни ва уни бартараф этиш воситаларини аниқлаш). Динамик ёндашув асосида диагностик танловдан диагностик ривожлантиришга ўтиш паралигмасини алмаштириш билан шартланган мантикий тафаккурни ривожлантиришнинг динамик назарияси ётади; 3) текширув натижаси сифатида нафақат инсоннинг умумий ва психик ривожланиш даражаси, умумий ва махсус қобилиятларнинг ривожланиши, мантикий тафаккурини ривожлантириш даражасини аниқлаш, балки унинг потенциал имкониятларини аниқлашга йўналтирилган шахсий ривожланишини прогноз қилиш масаласини тадқиқ этишга асосланган прогностик ёндашув.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, мантикий тафаккурни ривожланган ўқувчиларни аниқлаш тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз: реал ҳаётий вазиятлардаги ўқувчининг ҳуқ-атворини баҳолашда самарали натижаларга эришиш имконини берадиган психодиагностик методларга таяниш; турли ахборот манбаларидан фойдаланиш ва унинг қобилиятларининг кенгрок доирасини қамраб олиш асосида ўқувчининг ҳуқ-атвори ва фаолиятининг турли жиҳатларини баҳолашнинг мажмуавий тавсифга эгалиги; ўқувчининг қобилияти ва қизиқишларига максимал даражада мос келувчи фаолият соҳасидаги унинг ҳуқ-атворини таҳлил этиш (ўқувчини махсус ташкил этилган предметли-ўйинли машғулотларга, фаолият соҳасига мос келувчи турли иш шаклларида жалб этиш); аниқ ривожлантирувчи таъсирга эга тренинг методларидан фойдаланиш, ўқувчини психологик тўсиқлардан ҳимоялаш; фаолият соҳаси билан боғлиқликда мантикий тафаккурини ривожлантиришни баҳолашга экспертлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; Мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг сифат тавсифини таҳлил этишнинг умумий мезонлар тизимида мувофиқ инсоннинг психик имкониятлари ва уларнинг мантикий тафаккурини ривожлантиришнинг маълум бир турида намоён бўлиши билан боғлиқликда унинг хилма-хил турларини аниқлаш мумкин...

#### АДАБИЁТЛАР

1. Алимов Н. Узлуксиз таълим узвийлигини таъминлашда математик методлар Тошкент, Ўқитувчи, 2005. 125б.
2. Алексеева Г.Ю. Педагогические условия развития творческого потенциала учащихся младших классов (в процессе изучения математики). - Ростов-на-Дону, 2001. - 145 с.
3. Абдувалиева Д.Н. Академик лицейларда ривожлантирувчи таълим асосида математика ўқитишни такомиллаштириш. (PhD) Автореферат Дис. ... пед. фан. ном. – Т: ТДПУ, 2018. – 158 б.
4. Акимов М., Гуревич К. Психологическая диагностика. - СПб: Питер, 2003.-656 с.
5. Қўчқаров М.У. Талабаларда мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш назарияси ва технологияси. ... (PhD) Автореферат Дис. ... пед. фан. ном. – Нукус: НДПУ, 2019. – 143 б.
6. Пиаже Ж. Избранные психологические - труды М.: Международная пед. академия, 1994. - 680 с.
7. Осницкий А.К. Психология самостоятельности. Методы исследования и диагностики. - Нальчик: Издат. центр "Эль-ФА", 1996. - 143с.
8. Сереброва И.В. Развитие внимания и логического мышления на занятиях по математике: [Шк.-гимназия N 4 г.Подольска Моск. обл.] // Начальная школа-1995.-№6. 56с.

*Класстан тыс шынығыўларда 5-9- класс оқыўшыларында логикалық пикирлеўди раўажландырыў усыллары*

**Резюме.**Мақалада класстан тыс шынығыўларды оқыўшылардың логикалық пикирлеўди раўажландырыў усыллары ҳаққында сөз етиледи.

**Таяныш сөзлер:** класстан тысқары жумыслар, дөгереклер, терең үйрениў, логикалық пикирлеўди раўажландырыў.

*Синфдан ташқари машғулотларда 5-9- синф ўқувчиларида мантикий тафаккурни ривожлантириш усуллари*

**Резюме.** Мақолада синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларининг мантикий тафаккурини ривожлантириш усуллари ҳақида сўз юритилади.

**Таянч сўзлар:** синфдан ташқари ишлар, тўғарақлар, чуқуррок ўрганиш, мантикий тафаккурини ривожлантириш

*Methods of developing logical thinking in 5-9th grade students in extracurricular activities*

**Summary.** The article talks about ways to develop logical thinking of students in extracurricular activities.

**Key words:** identification of gifted youth, extracurricular activities, clubs, deeper learning, development of logical thinking

*Методика развития логического мышления у учащихся 5-9 классов во внеурочной деятельности*

**Резюме.** В статье говорится о способах развития логического мышления учащихся во внеурочной деятельности.

**Ключевые слова:** внеурочная деятельность, кружки, углубление обучения, развитие логического мышления.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ТАРИХ ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

Абатов Ж. О.

*Қорақалпоқ давлат университети*

Сўнгги йилларда бошқа ижтимоий соҳаларда бўлгани каби тасвирий санъат ўқитувчиларини дарсни самарали ташкил этишга тайёрлаш бўйича турли муаммолар кўзга ташланмоқда. Тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий фаолияти агар унинг педагогик иши доимий бўлса, самарали бўлиши мумкин уни чизиш, расм чизиш амалиётидаги шахсий тажрибаси қўллаб-қувватлайди, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, декоратив ва амалий санъат, унинг ўқувчиларга бадий мужассамлаш жараёнини кўрсата олиш турли хил материаллардан фойдаланган ҳолда маълум бир материалдаги расм визуал методлар анъанавий ва замонавий метод асосида шакллантирилади.



Ҳозирги кунда тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш педагогика университетларида амалга оширилади. Бўлажак ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларида асосий эътиборни расм чизишга қаратадилар. Аслида, аввал санъат асарини тушунишни ўргатиш лозим бўлади. Бугун тасвирий санъат дарсларини қизиқарли ташкил этиш уни бошқа фанлар билан алоқасини таъминлашга боғлиқ, масалан, тасвирий санъат намуналарини тушунтириш учун уларни тарих фанига интеграция қилиш лозим. Бунинг учун дарс жараёнида қуйидагилар амалга оширилиши лозим: тасвирий санъатни ўрганишга қизиқишни ривожлантириш; мактаб ўқувчиларининг тасвирий фаолиятини тизимли назорат қилиш; талабаларнинг ўз кучига, ижодкорлигига бўлган ишончини ошириш; тасвирий фаолиятнинг изчил мураккабланишини тушунтириш; тасвирий, халқ, безак санъати ва дизайн тилини ўргатиш, бадиий воситаларни ўзлаштириш, пластик санъат ифодасини ўргатиш; санъат тарихини ўргатишда ҳикоялар ёки суҳбатлардан мақсадли, тизимли фойдаланиш; боланинг диққатини, фикрларининг ишини, ҳиссий ва эстетик таъсирчанлигини; ўқиш учун тасвирий санъат асарларини мақсадли танлаш; тасвирий санъат дарсларида ўқитишнинг техник воситаларидан, айниқса, видео ва аудио ускуналардан фойдаланиш ва махсус кўргазмаларни қўллаш; тарихий меъморий асарларни ўтмишга боғланган тафсилотларини келтириш; ижодий, импровизацион ва муаммоли дарсга кириш вазифалар; турли тарихий, бадиий материаллар ва улар билан ишлаш методларидан фойдаланиш; ўйин элементлари ва ўйинларни бадиий ўргатиш дарсининг тузилиши билан таништириш, мусобақа элементларидан фойдаланиш; синфда ўқитишнинг лойиҳавий усулини қўллаш; “Тасвирий санъат” фанини тарих фани бўлимлари ўртасида педагогик жиҳатдан мос муносабатларни тизимли ривожлантириш кабилар. Таълим самарадорлигини оширишда тасвирий санъат дарслари бўйича назорат ўтказишда болаларнинг ўзлари иштирок этганда, ўзаро элементлари бўлганида тарихий маълумотларни билиши уларнинг бадиий ва ижодий фаоллигини оширади. Бунга болаларни назорат қилиш ҳам қиради. Бу уларга ўз фаолияти ва ўртоқларининг натижаларини кўриш, ютуқ ва камчиликларни кўриш, йўлларини топиш имкониятини беради. Баъзи ўқитувчилар тасвирий санъат дарсларини фақат ўйин-кулгига асосланган, айниқса болани безовта қилмайдиган шаклда ташкил қиладилар.

Тасвирий санъат намуналарини тушуниш учун санъат тарихи, унинг ўзига хос белгилари, рамзларини ҳам билиш лозим, шунингдек, ҳар қандай тасвирий санъат намунасининг ўз тарихи бўлади. Ёки айрим ноёб тарихий расмларни тушуниш учун бутун бўшли тарихни ёхуд расм яратилган даврни яхши билишга тўғри келади. Шу маънода тасвирий санъат намуналари, уларнинг ноёб эканлигини теран англаш учун ҳам мазкур фанни тарих фани билан боғлаб ўқитиш лозим [1,68.]. Ўзбек халқи ўзининг қадимги тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари ва маданияти билан фахрланса арзийди. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалторошлик, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларнинг намуналари Варахша, Афросиоб, Қалчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган.

Яна шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бу асарлар эрамиздан аввалги 4-1- асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. Маълум даврларда Ўзбекистон ҳудудидаги санъат тараққиётида узилишлар рўй берганлигининг сабаблари, Исканадар Зулқайнар, мўғиллар, араб, рус истилоллариға бориб тақалади. Амир Темур мустақил давлат тузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб- яшнагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра ва китоб графикаси шунчалик тез ривожландики, у на фақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари 80 билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Хинд, Исфаҳон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди.[4,159.]. Шуни эсда тутиш керакки, ўқитиш, авваламбор, ўқувчининг онгини ривожлантирадиган, уни уюшган иш билан таништирадиган иш тасвирий санъатдир. Бироқ, бу ёш талабанинг ҳиссиётини эътиборсиз қолдириш хато бўлади ва у манфаатдор эмас, нима учун доимий эътибор талаб. Тажриба ўқув жараёнини аста-секин ва изчил мураккаблаштириш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга тарбиялаш керак. Мактаб ўқувчиларининг ижодий қобилиятлари намоён бўлади ва жадал объектив эҳтиёж бўлганда шаклланади, имкониятлар яратилади бунинг учун, бу эҳтиёж ва имконият бола томонидан амалга оширилганда ва у томонидан эҳтиёж сифатида қабул қилинганда.

Бадиий ва ижодий фаолият жараёнида мактаб ўқувчилари томонидан муайян қийинчиликларни енгиш ҳам муҳимдируларга қониқиш ҳиссини, ўз кучига, ўзлигига ишонишга сабаб бўлади ижодий қобилиятлар. Болалар учун энг катта қийинчиликлар композициядир изланишлар, шакл, нисбатларнинг образли экспрессивлигини кўчириш, расмдаги ҳажм, ранг, ранг ва бўш жой. Енгиш учун ушбу қийинчиликлар, баъзи ҳаракатлар бажаришда зарур визуал, дизайн ва безак ишлари. Ҳар бири учун тасвирий санъат дарси, етакчи тарбиявий вазифа, буларнинг изчил мураккабланишини таъминлаш дарсдан дарсга вазифалар. Ўқув фаолиятининг изчил мураккаблашиши, бадиий ривожланиш истиқболларини таъминлаш талабаларнинг ижодкорлиги-бу асосий нарсасиз биз томонимиздан ишлаб чиқилган педагогик шарт-шароитлар тизими. Ўқув материалининг мураккабланиши тасвирий санъат бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керактренингнинг ҳар бир босқичи. Ушбу шартнинг амалга оширилиши бадиий таълим самарадорлигини таъминлашга имкон беради-мактаб ўқувчилари томонидан визуал саводхонлик

асосларини ривожлантириш ва уларнинг бадий ва ижодий фаолияти. Шу билан бирга, рухсат беришнинг иложи йўқ.[3,88.]. Яна бир бадий ифода воситасини кузатиш керак. Мактаб ўқувчилари билан оддийгина кўчириш учулидан фойдаланиш. Бунинг учун кўплаб мисолларда таникли рассомларнинг асарларидан кўрганларини кўчириб олиш мумкин. Санъат тарихига доир ҳикоялари ёки суҳбатларидан мақсадли, мунтазам фойдаланиш боланинг эътиборини, фикрлашини, ҳиссий ва эстетик таъсирчанлигини фаоллаштиради.

Мактаб ўқувчилари томонидан ўқиш учун тасвирий санъат асарларини мақсадли танлаш қуйидаги принциплар билан белгиланади: тасвирий санъат асарларининг бадий-эстетик қиммати; тасвирий санъат турлари ва жанрларининг хилма-хиллиги, халқ амалий санъатининг анъанавий турлари, халқ ижодиётида материалларга бадий ишлов бериш технологиялари; мактаб ўқувчиларининг эстетик идрок ва бадий амалиётнинг бирлигининг ҳар бир синф учун ўқув мақсадларига мувофиқ бўлиши.

Жамиятдаги замонавий ўзгаришларнинг ўзига хос хусусияти одамлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли шакллари ва усуллари, иқтисодий алоқалар ва уларнинг географиясини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш, реклама, умумий компютерлаштириш ва бошқалар билан тавсифланади. Замонавий дунё тезлашиб бораётган ривожланишда визуализация қилинишини ҳисобга олсак, инсон дунё ҳақидаги маълумотларнинг 85% кўриш орқали олади (Ж. Гибсоннинг тадқиқотларига кўра), мактабда болаларни санъат дарсларида ўргатиш керак. Мактаб ўқувчиларининг бадий маданияти. Бадий педагогика нуқтаи назаридан бадий маданиятни шакллантириш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: томошабиннинг эстетик дидини тарбиялаш; умуминсоний маданий қадриятлар ва анъанавий санъатни ривожлантириш; дунёни барча хилма-хиллиги билан кўриш қобилиятини ривожлантириш: табиат, санъат ва атроф-муҳитдаги гўзалликни қадрлаш ва тушуниш қобилиятини тарбиялаш; маданий қадриятлардан, бадий билимлардан ўз ҳаётларида фойдаланиш ва санъатнинг ҳақиқий қадриятларини мўл-қўлликдан онгли равишда ажратиш қобилиятини шакллантириш атрофдаги объектлар [8, 256]. Бинобарин, мактабда санъатни, шу жумладан тасвирий санъатни ўқитишнинг бутун жараёни маълум бир фаолият турида ишлашнинг индивидуал график кўникмалари ва амалий кўникмаларини шакллантиришга эмас, балки ҳиссий ва ҳиссий соҳани ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Болалар, уларнинг санъатда фаол ижодий намоён бўлишига ички тайёргарлигини очиб бериш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш ва ўз халқининг маданиятини яхшилаш жараёнида мумкин бўлганча иштирок этиш керак. Бу умумтаълим мактаблари амалиётига интеграциялашган гуманитар технологияларнинг фаол жорий этилишига сабаб бўлмоқда [5, 230].

Тасвирий санъатни тарих фанига интеграция қилган ҳолда ўқитиш – бу қуйидаги фаолиятни ўз ичига олган мураккаб таркибий жараён: болаларни ҳар қандай ҳодисаларни турли нуқтаиназардан кўриб чиқишга ўргатиш; маълум бир ижодий вазифани ҳал қилишда турли соҳалардаги билимларни қўллаш қобилиятини ривожлантириш; талабаларнинг мустақил равишда ижодий изланишлар олиб бориш қобилиятини шакллантириш; ҳар қандай вазиятда ўзларини фаол ифода этиш истагини ривожлантириш. ижодкорлик. Лотин тилидан таржима қилинган луғатларда интеграциянинг таърифи “бутунни тиклаш, тўлдириш, ҳар қандай қисмларни, элементларни бирлаштириш” деб талкин қилинади, бу тузилмалар ва функцияларни тартибли мувофиқлаштириш ва яхлит организмга бирлаштиришга ёрдам беради. Фанда “интеграция” атамаси ижтимоий соҳада, санъатда, жамиятда, шу жумладан, фанларнинг дифференциация жараёни билан бирга яқинлашиши ва алоқаси маъносида ишлатилади. Интеграциялашган тамойиллар, диалектик алоқалар, сиклизация, фанни амалиёт билан бирлаштириш қурилган; ва уларнинг эҳтиёжлар ва фаолиятнинг кўтарилиши қонуни сифатида намоён бўлади. Такрорий жараёнлар, олимларнинг фикрига кўра, ғайриоддий иш шакллари топиш, фаолият мазмунини ўзгартириш, ўқитувчи шахсини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Интеграция ҳақида тизимли тушунча М. Азимов, В. Афанасев, В.Барулин, П.Капица, Б. Кедров, К.Красноярлов, М.Терентий, П.Федосеев, Б. Юсов вабошқаларнинг тадқиқотларида берилган [2, 78]. Мактаб ўқувчиларини предмет-фазовий фаолият ва мактаб ўқувчиларининг эстетик тарбияси билан ҳақиқий муҳитда таништириш муаммоси бўйича замонавий илмий-педагогик тадқиқотларнинг назарий таҳлили шуни кўрсатдики, болаларнинг бадий таълими соҳасида ушбу йўналишнинг педагогик шароитларини аниқлаш учун махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Кўриб чиқилаётган соҳадаги иш турлари ва шакллари олимлар ва ўқитувчиларнинг тадқиқотларида, асосанишнинг амалий табиати ва аниқ фаолиятга эътибор бериш билан боғлиқ эди. Улар орасида қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин: декоратив-амалий санъат ва муҳитни ўрганиш жараёнида болаларни эстетик тарбиялаш [9, 245].

Замонавий бадий таълим ва тарбия назарияси ва амалиётини ўрганиш, умуман олганда, санъатнинг яхлит ўрганиш ва предмет-фазовий ривожланиши муаммосини ишлаб чиқиш асосида, хусусан, тадқиқотининг танланган йўналишининг ҳақиқий сабаблари ва аҳамияти асосланади: асарни тушунишнинг минимал миқдоримактабда санъат учун ажратилган ўқиш вақти (ҳафтасига 1 соат) тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади; 2) минтақа ва умуминсоний қадриятларга асосланган маданият ва санъатни ўзлаштириш зарурати ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тасвирий санъат дастурларининг янги авлодини ишлаб чиқишни талаб қилади;

3) бадий-эстетик цикл мавзуларини реал ҳаётдан ажратиш ўқув дастурларини амалий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Санъатнинг ҳақиқий ҳаёт учун аҳамияти ва олинган билимларни ҳарқандай амалий фаолиятда қўллаш бўйича ўқувчиларнинг ғоялари ва кўникмаларини шакллантириш; 4) ижодий фаол шахсларни тарбиялашда вақт талаби тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш ва махсус фан-фазовий ўқув муҳитини яратиш учун педагогик гуманитар технологияларни такомиллаштириш зарурлигини

тақозо этади; 5) санъатни тушунишда уни тарихга боғлай олиш ҳар қандай тасвирий санъат асарини англай олиш кўникмасини ривожлантириш воситаси бўла олади [7, 70.]

Замонавий умумтаълим мактабида тасвирий санъатни комплекс ривожлантиришнинг гуманитар технологиялари салоҳиятини очиб бериш бу фанлараро интеграция орқали амалга ошади. Айниқса, ҳар бир ҳодиса вақт билан боғлиқ экан унинг ўз тарихи бўлади, шу маънода тасвирий санъат намуналарини тушуниш, чиндан таъсирланиш, уларга шунчаки, ранглар, бўялган портрет деб, эмас инсон ёки замон, қисмат ва руҳият, борлиқнинг иникоси деб қараш тўғри бўлади. Бундай шароитда тарих тасвирий санъат асарининг кадр қимматини жозибаси, шунингдек аҳамиятини оширади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдирасилов С., Толипов Н. Рангтасвир. –Тошкент, «Билим», УМКХТМ. 2005.
2. Абдуллаев Н.А. Санъаттарихи. I том. –Тошкент, «Ўқитувчи», 1987.
3. Абдурахмонов Ф.М. Композиция асослари. – Тошкент, “ТДПУ”, 2008.
4. Байметов Б. Тасвирий санъат фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари –Тошкент, 2019. 159 б.
5. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Тошкент, 2006.
6. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубийқўлланма). – Тошкент: «Университет», 2015. -95 б.
7. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Тошкент, “Академия”, 2003. – 70 б.
8. Сокольников Н.М. С597 Методика преподавания изобразительного искусства: учебник для студ. учреждений высш. проф. образования / Н. М. Сокольников. — 5-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательский центр «Академия», 2012.
9. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. –Тошкент, “Университет”. 2015. – 245б. 2. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент, 2008.

*Тасвирий санъат ва тарих фанларини интеграцион ёндашув асосида ўқитиш усуллари*

**Резюме.** Мақолада тасвирий санъат намуналарини умумтаълим мактаб ўқувчиларига тушунтириш, уларга ҳар қандай санъат асарини тушунишга ўргатиш усуллари ҳақида, шу маънода тарихий суратлар, миниатюралар, ноёб расмларни тушунишда муайян санъат асари билан боғлиқ бўлган тарихни билиш ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** тасвирий санъат, тарих, интеграция, дарс, алоқадорлик, санъат асари, тарихий макон, замон ва тасвир алоқадорлиги.

*Методика преподавания изобразительного искусства и исторических наук на основе интеграционного подхода*

**Резюме.** В статье рассматриваются методы объяснения образов изобразительного искусства учащимся средней школы, обучения их пониманию любого художественного произведения история, интеграция, урок, отношение к произведению искусства, историческое пространство, отношение времени и образа.

*Methods of teaching fine arts and historical sciences based on an integration approach*

**Summary.** The article discusses methods of explaining images of fine art to secondary school students, teaching them to understand any work of art history, integration, lesson, attitude to a work of art, historical space, the relationship of time and image.

**Key words:** fine art, history, integration, lesson, relation to a work of art, historical space, relation of time and image.

## ОБОГАЩЕНИЕ СЛОВАРНОГО ЗАПАСА УЧАЩИХСЯ СРЕДНИХ ШКОЛ ПОСРЕДСТВОМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРК

Хошмуртова И. П.

*Каракалпакский государственный университет*

В условиях глобализации и интернационализации в контексте образования всё более важную роль приобретает совершенствование иноязычной коммуникативной компетенции как одного из ведущих аспектов речевой деятельности учащихся средних общеобразовательных школ. Растущий интерес к лингвокультурологическому изучению русских пословиц и поговорок как специфической формы репрезентации национальной картины мира при помощи разноуровневых языковых средств продолжает оставаться в центре внимания лингводидактических исследований. В развитых странах мира проводятся научно-теоретические исследования в области совершенствования технологий обучения иностранным языкам, развития социокультурных знаний, навыков и умений учеников в изучении иностранной лексики, в частности, адаптации преподавания к новым стратегиям, теоретических и практических основ развития лингвокультурной информационно-образовательной базы в рамках анализа их семантики и лингвистических особенностей. Пословицы и поговорки, созданные русским народом, составляют неоценимое богатство русского языка. По мнению многих теоретиков и практиков сферы образования, знакомство с пословицами и поговорками в процессе школьного обучения развивает мышление учащихся, прививает любовь к родному языку, повышает культуру речи, способствует лучшему усвоению грамматики и более глубокому изучению литературы, обогащает учащихся народной мудростью [7]. Среди жанров фольклора язык паремий вызвал и вызывает особый интерес у лингвистов, а также методистов. Паремии исследуются в лексическом, лексико-семантическом, жанрово-стилистическом, в структурно-синтаксическом, а также в методическом аспектах. Имеется много диссертационных работ, в частности, А.А.Шрамма, И.А.Филипповской, Г.С.Варлаковой, З.К.Тарланова, В.Г. Гака, Д.О. Добровольского, А.В. Кунина, А.Г. Назарян, Ю.П. Солодуб, Г.З. Черданцевой. Паремий являются объектом изучения многих методистов.

В научном труде Черновы Натальи Владимировны «Русская фразеология в практике преподавания русского языка как иностранного филологам» автор даёт следующее истолкование: «при обучении иностранцев-филологов русскому языку проблемы усвоения русской фразеологии оказываются весьма

актуальными. Комплекс методических приемов изучения русских фразеологизмов иностранцами предполагает и метод сопоставления с фразеологией родного языка. Поиски эквивалента русскому фразеологизму в родном языке оказываются процессом плодотворным, подбор эквивалента не только помогает точнее ощутить семантику фразеологического оборота, его коннотативную сферу, но и расширить ассоциативное восприятие устойчивых сочетаний неродного языка». На наш взгляд это научное исследование внесло большой вклад в развитие методики преподавания русского языка как иностранного [11].

Особо следует отметить научную работу казахского методиста [2] Кошербаева А. Н. в своем труде «Изучение русского и казахского фольклора в их взаимосвязи как средство приобщения учащихся к культурному наследию народов: 5-6 классов русскоязычных школ Казахстана» говорит о том, что взаимосвязанное изучение национальных литератур имеет большое образовательно-воспитательное значение. При этом значительно расширяется кругозор, углубляются познавательные интересы учащихся, активизируются их практические умения. Сопоставительное изучение литератур способствует более прочному и сознательному усвоению материала, изученного на уроках, помогает понять национальное своеобразие каждой литературы. Мы разделяем мнение ученого, согласно которому все выше сказанное обогащает духовный мир учащегося, развивает эстетический вкус и нравственные качества. Также автор отмечает, что взаимосвязанное изучение литератур, в частности, фольклора, способствуя приобщению учащихся к культурному наследию народов, оказывает активное воздействие на нравственно-эстетический облик учащихся, вызывает чувство уважения к их национальным традициям, помогает осознать общность всех народов, создает реальную основу диалога национальных культур. Столь широкий перечень потенциальных развивающих возможностей паремнологического фонда русского языка обуславливает не только целесообразность, но и необходимость систематического его использования в процессе обучения детей русскому языку и литературному чтению.

Применительно к учащимся средних школ, исследователями отмечается следующее: «Пословицы и поговорки помогают учащимся начальной школы лучше понять художественную речь, смысл которой воплощен в фольклоре. Чем глубже проникновение школьника в образное обобщение художественного произведения, тем неизбежнее его оценка любой речи в смысловом и выразительном отношении, в том числе и собственной» [4, 23]. Результаты многолетних исследований одного из крупнейших специалистов в области речевого развития детей, в том числе имеющих нарушения в речевом развитии, О.С. Ушаковой свидетельствуют о том, что использование пословиц и поговорок уместно и целесообразно не только в образовательном процессе на уроках русского языка и литературного чтения, но и во внеклассной работе [10, 80]. Активное применение пословиц и поговорок в живой разговорной речи, сопровождающей межличностные коммуникации между учителем и учениками, по утверждению О.С. Ушаковой, развивает у детей грамматически правильную речь, полноту, эмоциональность, последовательность и содержательность при изложении её смысла. Это актуально для всех школьников, но особенно – для детей с отклонениями от возрастных норм в познавательном и речевом развитии [10]. При характеристике дидактических возможностей пословиц и поговорок особое внимание уделяют тому, что русские паремии обладают функцией художественного отображения объектов окружающего мира, что позволяет при помощи них создавать яркие портреты внешности людей, их внутренних душевных состояний, особенностей характера и поведения [8, 58].

Благодаря художественной функции, пословицы служат отличным средством выражения эмоциональной оценки поступков и действий людей. Такая оценка отличается краткостью и чёткостью одновременно, она не требует развернутых монологических высказываний. Если учесть, что богатство речи заключается не только в обширном словарном запасе, но и в наличии у человека запаса метких высказываний, позволяющих изложить свою мысль кратко, но ёмко, то можно с уверенностью говорить о том, что развитие у учащихся способности использовать в своей речи пословиц и поговорок есть не что иное, как работа по обогащению его речи [1, 125].

Следуя такой установке на восприятие пословиц и поговорок, учитель ней может не использовать и в образовательном процессе для достижения дидактических, развивающих и воспитательных целей.

Закреплённый в пословицах и поговорках общественно-исторический опыт народа позволяет получить представления о некоторых исторических событиях, о многих особенностях социальных отношений в разные исторические эпохи, о социальных ролях, о культурных особенностях представителей конкретного этноса. Обобщённый житейски-бытовой опыт позволяет пословицам и поговоркам выступать в качестве средства отображения нравственного кодекса, с позиции которого могут оцениваться личностные качества людей и поступки. Так, например, во многих русских паремиях высмеиваются и порицаются лень, хвастовство, мелочность и прочие неблагоприятные качества, в то время как трудолюбие, скромность, умеренность во всем и прочие традиционно положительные качества восхваляются и поощряются. Таким образом, пословицы и поговорки выступают в качестве нравственных ориентиров, доступно и образно объясняя учащимся суть и специфику проявления тех или иных качеств и воплощение в действиях и поступках.

Главное назначение поговорок в том, чтобы разговорной речи придавать красочность, образность. К примеру, поговорка «без прибавки и слово не баски» означает нехорошо, некрасиво. Поговорки также способствуют усилению эмоциональной выразительности и наполняют язык живыми и эмоциональными образами, помогающими говорящему ярко оценивать различные явления. Традиционно про анализ фольклорных произведений малых жанров (пословиц, поговорок), почти всегда уделялось внимание развитию речи школьников. Примером может послужить рекомендация З.З. Мамышевой, которая предлагает использовать на уроках русского языка в разделе развития речи «такие виды заданий, как создание



высказывания, которое бы иллюстрировало одну из пословиц или поговорок» [5]. Естественно, что работа по развитию речи должна осуществляться не только в названных направлениях.

В большей степени внимание следует уделять развитию устной речи (выразительное чтение, чтение с комментариями, подробный пересказ, «высказывание»), использовать все развивающие ресурсы произведений устного творчества для речевого развития школьников по максимуму. Пословицы и поговорки помогают учащимся школы понять художественную речь, смысл которой использован и воплощен в фольклоре.

Чем глубже проникновение школьника в образное обобщение художественного произведения, тем неизбежнее его оценка любой речи в смысловом и выразительном отношении, в том числе и собственной [9, 69]. Пословицы и поговорки показывают разные стороны жизни народа, обычаи и традиции этноса, психический склад людей определённого этапа развития общества, диалектику природы; фиксируют закономерности мышления человеческого сообщества в различные эпохи существования [12, 257]. Образцы малых фольклорных жанров в большей степени имеют обобщённое значение, они применимы ко многим обстоятельствам, явлениям, случаям. Важно отметить, что в связи с этим учителю необходимо довести до сознания каждого учащегося смысл изречения, применяя какие-либо конкретные факты, которым они соответствуют [6, 201]. Без этого значимость паремий в речи может быть заметно ослаблена, так, как и переносное значение в языке-источнике может восприниматься в народной речи как прямое. Поэтому необходимо правильно, методически верно организовать работу по усвоению и уместному употреблению в речи пословиц и поговорок. Систематическая работа над смыслом пословиц и поговорок, использование различных способов и анализа позволяет развивать мышление учащихся, воспитывать нравственные качества в каждом ребёнке, развивать и обогащать речь.

Системная работа над пословицей очень много даёт учащимся в плане развития речи. «Они учатся собирать народные изречения, относить к определённой теме, анализировать их смысл, понимать обобщающий характер. Изучение пословиц обогащает речь учащихся, повышает и грамотность, способствует воспитанию эстетического вкуса» [3, 40]. Другими словами, используя пословицы и поговорки в качестве дидактического материала в работе с учащимися, педагог не только обогащает речь детей, но и одновременно решает одну из сложнейших задач – воспитание уважительного отношения и интереса к культурному наследию, что в настоящее время представляет довольно серьёзную проблему, обусловленную выраженным снижением общего уровня культуры подростков, утратой традиций приобщения к народной культуре в семье и обществе.

Кроме того, пословицы и поговорки служат средством воспитания патриотических чувств, предполагающих чувство любви к стране, уважения к русскому народу, создавшему эти пословицы и поговорки, к его истории и труду, к родному языку. Уважительное отношение к русскому языку, в свою очередь, создаёт предпосылки для осознанного освоения школьниками орфоэпических и грамматических правил. Таким образом, приобщая школьников к восприятию пословиц и поговорок как малого фольклорного жанра, используя и в качестве дидактического материала, служащего цели обогащения речи школьников, учитель решает и образовательные задачи, и речевые, и развивающие, и воспитательные. В качестве результатов использования пословиц и поговорок на уроках русского языка и литературного чтения выступают усовершенствованные познавательные процессы (мышление, память, внимание) и речь, нравственные качества личности, более высоко развитая эмоционально-чувственная сфера.

Таким образом, пословицы и поговорки выступают в качестве нравственных ориентиров, средства выражения определённых суждений в краткой и одновременно ёдкой форме, а также в качестве средства усиления образности речи. Использование учащимися пословиц и поговорок в живой разговорной речи, а так же в процессе межличностных коммуникаций в образовательном процессе позволяет им овладеть способностью точно, чётко выражать свои мысли и чувства, придать своей речи интонационную и смысловую выразительность, развивать в себе умение творчески пользоваться словом как средством коммуникации, характеризовать предметы и явления ярко и образно.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Аникин В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки, детский фольклор/ В.П. Аникин.– М.: Учпедгиз, 2016.
2. Кошербаев А. Н. «Изучение русского и казахского фольклора в их взаимосвязи как средство приобщения учащихся к культурному наследию народов: 5-6 классов русскоязычных школ Казахстана» Дис. канд. пед. наук : 13.00.02 : Москва, 1994.
3. Королева Т.П. Работа с пословицами на уроках русского языка/ Т.П. Королева // Начальная школа. – 2016. – №7.
4. Мали, Л.Д. Организация исследовательской деятельности младших школьников на уроках литературного чтения. Начальная школа с вкладкой Практика: журнал. – 2017. – № 10.
5. Мамышева, З.З. Воспитательный потенциал пословиц и поговорок в формировании ценностных ориентаций у младших школьников в поликультурной образовательной среде 2013. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/14503409> (Дата обращения 12 февраля 2021г.).
6. Методика преподавания русского языка в начальных классах: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Р. Львов, В.Г. Горецкий, О.В. Сосновская. – М.: Академия, 2017.– 464с.
7. Роль пословиц и поговорок в развитии речи детей младшего школьного возраста [Электронный ресурс], – (Дата обращения 12 февраля 2021г.).
8. Рождественская, Р.Л. Методика совершенствования речевой деятельности младших школьников. – Белгород: НИУ «БелГУ», 2013.-142 с.
9. Современный урок литературного чтения: методический конструктор: учеб. пособие для вузов / Фирсова, Т.Г. – М.: Перо, 2018. – 211 с.
10. Ушакова, О.С. Речевое развитие детей третьего года жизни / О.С. Ушакова. – Москва: Цветной мир, 2018. – 80 с.

11. Чернова Н. В. Русская фразеология в практике преподавания русского языка как иностранного филологам : Дис. канд. пед. наук : 13.00.02 : Москва, 2004 г.
12. Щерба, Л.В. Языковая система и речевая деятельность / Л.В. Щерба. – Москва: УРСС Эдиториал, 2004. – 432 с.

*O'rta ta'lim o'quvchilarining makol va ma'tallar orqali so'z boyligini oshirish*

**Rezyume:** Mazkur tadqiqot ishida o'rta ta'lim o'quvchilarining makol va ma'tallar orqali so'z boyligini oshirish va maktab o'quvchilarining rus maqol va matallarini o'rganish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirishga qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** maqol va matallar, semantika, madaniy tilshunoslik, lug'at, paremiologiya

*Обогащение словарного запаса учащихся средних школ посредством использования пословиц и поговорок*

**Резюме:** О данное исследование посвящено изучению проблем обогащения словарного запаса учащихся средних школ посредством использования пословиц и поговорок, а также ориентировано на развитие у учащихся школ знаний, умений и навыков владения русскими пословицами и поговорками.

**Ключевые слова:** пословицы и поговорки, семантика, лингвокультурология, лексика, паремиялогия

*Enriching the vocabulary of secondary school students through the use of proverbs and sayings*

**Summary:** this study is devoted to the study of the problems of enriching the vocabulary of secondary school students through the use of proverbs and sayings, and is also focused on the development of school students' knowledge, skills and abilities in mastering Russian proverbs and sayings.

**Keywords:** proverbs and sayings, semantics, cultural linguistics, vocabulary, paremiology

## КИНЕМАТОГРАФИЯНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Акрамов М. М.

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти*

**Кириш.** Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кинематография соҳасига нафақат маданият, балки сиёсат ва иқтисодий сифатида қарала бошланди. Сўнгги йилларга келиб эса Ўзбекистон ҳукуматининг соҳага қаратган эътибори сабаб ўзбек миллий кинематографида, жумладан бадиий кинода тарихий ва ёшлар севиб томоша қиладиган фильмлар яратиш масаласига жиддий эътибор қаратила бошланди.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3880-сонли Қарори [1]нинг амалдаги ифодаси сифатида яратилган санъат асарлари мутахассислар ва томошабинларнинг эътиборига тушди.

Тарихий фильмларни ишлаб чиқариш шунчаки тарихга бўлган кизиқиш, уни халққа таништиришдангина иборат бўлмади. Балки, бу турдаги фильмларнинг ижтимоий-бадиий аҳамияти ўлароқ жиддий ёндашилди. Шу сабабли ҳам, янги давр ўзбек киносидagi тарихий бадиий фильмлар бир қанча тамойиллар асосида илмий ҳамда бадиий туркумга асос бўлди [2, 68]. Юқоридаги характерга эга фильмлар сирасига “Исломхўжа”, “Элпарвар”, “Мухаммад ат-Термизий”, “Берлин-Оққўрғон”, “Илҳақ”, “Қўқон шамоли”, “Ибрат”, “Маҳмудхўжа Бехбудий” сингари бадиий ҳамда “Абдулла Қодирий”, “Авлоний”, “Жадидлар” каби ҳужжатли фильмларни киритиш мумкин. Мазкур фильмлар томошабиннинг, хусусан, ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш баробарида, уларга ахборотни бадиий тарзда узатиш орқали ғоявий-маънавий озуқа вазифасини ўтайди. Кино санъатининг янги, бошқа турларига қараганда ёш йўналиши сифатида адабиёт, тасвирий санъат ёки театрдан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Кинематография асарлари инсон онгига кучли таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиб, мазкур соҳа педагогик ва психологик нуқтаи назардан оз ўрганилган жабҳа ҳисобланади. Замонавий жамиятда кино эстетик завқ олиш ҳамда вақт ўтказишнинг энг талабгир воситаси бўлиб, аудиториясининг кенглиги ва турфа хиллиги билан катта аҳамиятга эгадир. Айнан шу сабабдан кино санъатидан баркамол ёш авлодни тарбиялаш, ёшларнинг сиёсий, маданий, маънавий дидини ошириш, уларга ватанпарварлик руҳини сингдириш мақсадида фойдаланиш яхши самара беради. Жумладан, кинематографиянинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини оширишда унинг тарбиявий, руҳий ва маънавий таъсирдан фойдаланиш мумкин.

**Тарбиявий таъсир.** Бугунги кунда замонавий таълим тизимида медиатаълим, медиалингвистика, медиапсихология каби масс-медиа билан боғлиқ йўналишлар тараққий этиб бормокда. Дунё олимлари томонидан эътибор қаратиб келинаётган медиатаълимда ўқувчилар томонидан ахборотни қабул қилишнинг бир нечта даражалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: аудиовизуал қабул қилишни шакллантириш; танқидий фикрлашни пайдо қилиш; оммавий коммуникация технологияларини амалий жиҳатдан қўллаш кўникмасига эга бўлиш; медиаматнлар яратишнинг маънавий асосларини эгаллаган бўлиш.

Юқоридаги кўникмаларга эга бўлган ёшларнинг олдида навбатдаги вазифалар туради. Булар медиа саводхонликка эришиш, яъни оммавий коммуникация тилини яхши тушуниш ва қўллаш олиш, маълум бир ғоянинг асл моҳиятини тушуниш; баҳолай олиш: танқидий фикрлаш орқали ахборий хавфсизликка эришиш, маданий нормалардан ташқарига чиқиб кетмаслик; коммуникациянинг сўнгги тенденцияларидан хабардор бўлиш, яъни нафақат оммавий коммуникация воситалари билан, балки жамиятнинг бошқа соҳаларига тегишли бўлган ахборот оқими билан ишлаш олиш, долзарб воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини тушуниб етишдир.

Мазкур билимларни эгаллаган ёшлар оммавий коммуникация воситаси орқали узатилаётган “қоғозга ўралган” ғояларни пайқаш, таҳлил қилиш ва тўғри хулоса чиқариш маҳоратига эга бўлишади. Шундай экан, оммавий коммуникация воситаларидан бири бўлган кинодан “кино таълим” сифатида фойдаланиш мумкинки, у орқали мактаб ўқувчиларига кенг қўлланиладиган аудиовизуал ахборотнинг, жумладан, кино асарларининг

мағзини чақишни, уларни саралашни ва тўғри хулоса чиқаришни ўргатиш мумкин. Яъни, кинематография маҳсулотлари оммабоплигининг ошиб бориши ундан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш имкониятини беради. Аммо “кино тили”ни тушуниш, уни нотўғри талқин қилмасликка ёшларни ўргатиб бориш зарурати туғиладики, зеро, кино тилини тушунмаган томошабин учун фильм тушунарсиз, ундаги образлар маъносиз бўлиб туюлади. Шу сабабдан ҳам инсонларга кичик ёшидан, жумладан, мактаб йиллариданоқ санъатнинг турли кўринишлари, жумладан, кино санъатини тушуниш, ундаги тимсолларни ўқий олиш, сюжетлар мағзини чақа олиш сир-асрорларини ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бу борада бўрттириб, ошириб юборилмаган ватанпарварлик руҳидаги фильмларни ёшлар ўртасида кўпроқ тарғиб қилиш ўринли бўлади. Бунда юқорида келтирилган ўзбек тарихий фильмларидан, шунингдек, хорижий кино асарлар: “Мустақиллик куни” (АҚШ, 1996), “Хайрли тун ва омад” (Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония, 2005), “Иводзимадан мактуб” (АҚШ, Япония, 2006), “Олимпнинг кулаши” (АҚШ, 2013), “Дўзахга ва ортга йўл” (Афғонистон, Буюк Британия, 2011), “Онадўлилик бургутлар” (Туркия, 2011), “Фотих” (Туркия, 2012) каби кинофильмлардан фойдаланиш мумкин.

**Рухий таъсир.** Кино руҳиятини ўрганиш фан олдидан турган йирик вазифалардан биридир. Шу ўринда кинони руҳий жиҳатдан таъсир этишининг тўрт турини ажратиб кўрсатиш зарур: 1) кўриш ва эшитиш орқали таъсир этиш; 2) бадий жиҳатдан таъсир қилиш; ижтимоий жиҳатдан таъсир кўрсатиш; 3) руҳиятни тарбиялаш хусусиятлари. Кино инсоннинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар хил таъсир кўрсатади. Шу сабабли бошқа санъат турлари каби кинони ҳам қабул қилишда уни кўраётган инсон руҳиятини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Ҳаттоки ҳужжатли фильмларда ҳам кино табиасти борлигини эътиборга олсак, томошабин бўлиб ўтган ҳаётини воқеа-ҳодисаларни ҳам киноижодкор кўзи билан, бадийликка тўйинтирилган, ишлов берилган, ифодавийлиги оширилган ҳолда кўради. Демак, тарихий фактларга асосланган ҳужжатли фильмни кўриш мобайнида ҳам томошабиннинг бадий диди ошиб боради. Кино тилини тушуниш билан ҳам унинг руҳий таъсири турфа хиллик касб этади. Кино тилини яхши тушунган томошабин билан, мазкур санъат турини англаш, мағзини чақиш кўникмаларига эга бўлмаган томошабиннинг фильмлардан оладиган руҳий таъсири, уни баҳолаш бошқа-бошқадир. Хорижлик бир қатор мутахассислар томонидан руҳиятни даволашда санъатнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш оммалашиб бораётгани айтилади [3]. Уларнинг орасида кино воситасида даволашнинг алоҳида ўрни бўлиб, арт-терапияга оид мазкур усул замирида юксак савияда ишланган бадий фильмларнинг даво муолажаларида қўлланилиши туради. Бу борада, айниқса, турли тоифага тегишли томошабиннинг, жумладан, беморнинг борлиқни қабул қилишига муносиб бўлган фильмларни илмий ёндашув асосида танлаб олиш ижобий самара беради. Кинонинг ёшлар, айниқса, ўсмирлар руҳиятига таъсирини оширишда унинг гуруҳларда, жамоавий тарзда намойиш этилиши аҳамиятли ҳисобланади.

Маълумки, инсон ёлғиз қолганида кўрган фильмига нисбатан, дўстлари, оиласи даврасида кўрган кино асари кўпроқ ёдида қолади. Фильмлардан ёдда қолган прецедентлар оилавий ёки дўстона суҳбатлар мобайнида суҳбатдошларнинг бир-бирига қарата айтиши билан такрорланиб, хотирада мустаҳкамланиб боради. Чунки маълум бир гуруҳ билан томоша қилинган бадий ёки ҳужжатли фильм ўзаро муҳокама қилинади ҳамда тушунтирилади, ҳиссиётлар ўртоқлашилади. Натижада эса ёшларга кинонинг руҳий даволаш усули таъсир қилади ҳамда уларнинг ҳиссиётлари, дунёқараши, хатти-ҳаракатларида ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бундай ўзгаришлар айрим ҳолларда ижобий, яна бошқа ҳолларда салбий характер касб этиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон оммавий коммуникация манбаларига кириб келган ва кенг оммалашган “Қалбим чечаги”, “Қиш сонатаси” каби корейс фильмлари ўз вақтида ёшларда қатор ижобий ҳислатларни келтириб чиқарган бўлса, бразилиялик киноижодкорларнинг “Клон”и мамлакатимизда субмданиятни юзага келтиргани билан эса қолган. Бугунги кунда ўзбек телеканалларини деярли эгаллаб улгурган турк сериалларининг психологик таъсири натижасида мазкур мамлакатда ўқиш ёки ишлаш истагини билдираётган ёшлар, туркиялик йигитлар билан турмуш қуриш истагини билдираётган қизлар сони кескин ошиб бормоқда.

2000 йилда ўзбекистонлик кино иждоқорлар томонидан суратга олинган “Сардор” сериалининг руҳий натижаси ўлароқ ўзбек ёшларида ватанпарварлик туйғуси органи ва 2001-2002 ўқув йилида ҳарбий таълим даргоҳларига кириш истагини билдирган ёшлар сонининг кескин ортгани аниқ фактдир. Шунингдек, мазкур сериал таъсирида ҳарбий хизматни ўташга бўлган иштиёқ нафақат йигитлар, балки қизларда ҳам пайдо бўлгани, ҳарбий олийгоҳларга кириш имтиҳонларида қўлаб қизларнинг иштирок этгани ҳам узоқ тарих эмас.

Сўнгги 2 йилда Ёшлар ишлари агентлиги кўмаги билан “Ёш киноижодкорлар кенгаши” ННТ ва “Ўзбекистон миллий кинокомиссияси” ННТ томонидан Ўзбекистон ёшларига мотивация бериш, мамлакатимизда замонавий ва интеллектуал миллат имижини яратиш, хорижда муваффақиятга эришган юртдошларимизни Ватанимизни биргаликда ривожлантириш йўлида ягона глобал тармоққа бирлаштириш каби мақсадларга йўналтирилган “Ўзбекистонлик” номли туркум ҳужжатли фильмлар тасвирга олиниб, кенг тарғиб қилинмоқда. Лойиҳа доирасида юксак бадий-ғоявий савиядаги “Ўзбекистонлик” фильмлари сериясининг 2 та сони тасвирга олиниб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Фильмларда АҚШ ва Германияда муваффақиятга эришган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолияти кўрсатилган. Жумладан, АҚШда сув ҳўжалиги муҳандиси сифатида фаолият олиб бораётган Аскарвали Каримов, Швейцариянинг “UBS” банкида санкциялар бўйича директор Мадина Исроилова, ахборот технологиялари бўйича йирик тадбиркор Бобур Ақилханов, космик муҳандис ва “SpaceX” раҳбари Илон Маск ҳамкори Дмитрий Богданов, Tesla компанияси таҳлилчиси Муштарий Шарифова каби ўзбекистонликлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳозирги кунда фильмнинг 3-қисмини тақдим қилишга тайёргарлик кўрилмоқда. Унда бутун дунёда таниқли дирижёр, Франциядаги Страсбург филармоник оркестри мусикий раҳбари Азиз Шоҳақимов ва штаб-квартираси Нидерландияда жойлашган “Shell” нефтегаз компанияси IT-архитектори Мадина Бердиева

фаоляти ҳақида сўз боради. Бугунги кунга қадар “O‘zbekistonlik” фильмлари сериясини телевидение ва YouTube орқали 5 млндан ортиқ томошабин кўришга улгурди. Ижтимоий тармоқлар орқали 10 мингга яқин ижобий изоҳлар қолдирилиб, 30 мингдан ортиқ улашилди. Лойиҳа шу қадар муваффақиятли ва таъсирли чиқдики, натижада минглаб ўзбекистонлик ёшлар бу фильмлар орқали жуда катта мотивация ва энергия олаётганини, хорижга арзон ишчи кучи эмас, билимли мутахассис сифатида бориб, шаклланиб, кейинчалик бор куч ва имкониятини Ўзбекистонни янада ривожлантиришга сарфлашни режа қилишаётгани ҳақида айтиб ўтишмоқда. Шунга мувофиқ, “Ўзбекистонлик” каби лойиҳаларни кўпроқ амалга ошириш ва улардан ёшларга сиёсий мафқурани сингдиришда муҳим майдон сифатида фойдаланиш мумкин.

**Маънавий таъсир.** Кино қаҳрамонларининг нутқи (сценарист маҳорати), хатти-ҳаракати, қарашлари (режиссёр маҳорати), кадрларнинг қандай ракурсадан олингани, стоп кадрлар, йирик планда олинган юз тасвири (фильм операторининг истеъдоди), маъноли қўшиқ ва ҳ.к.лар фильмнинг томошабинга маънан таъсир кўрсатувчи омиллари ҳисобланади. Кинонинг маънавий таъсири ёки акс таъсирини унинг ишонтириш, таъсир этиш ва онгни заҳарлаш каби хусусиятларида кўришимиз мумкин. Таъсир этишнинг энг қадимий турларидан ҳисобланган “онгни заҳарлаш” маълум бир ахборотни бериш орқали инсоннинг ҳиссий ва руҳий ҳолатини ўзи истамаган равишда ўзгартириши билан ажралиб туради. Одамларга таъсир кўрсатишда ҳам барча ҳаракат кишиларнинг ҳиссиётига қаратилади. Бунда чиройли ва чақириқли сўзлар, баландпарвоз гаплар қўлланилиб, уни гапирётган одам ўзига ишонган ва обрўли бўлиши керак.

Ахборот манбаси обрўли бўлгандагина унинг таъсири кучли бўлади, аксинча, обрўси паст манбадан чиққан фикрлар, ғоялар акс таъсирга эга. Зеро, одамлар мазкур ғояни эмас, уни айтувчисини муҳокама қилишни афзал кўришади. Таъсирчанлик вербал характерга эга бўлиб, у сўз орқалигина амалга оширилади, аммо сўзнинг ҳам ўз ўрнида қўлланилишига, қисқа, аниқ ва лўнда, ифодавий бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу ўринда сўзни айтувчининг овоз оҳанги ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим. Маълумки, нотикнинг нима гапириши эмас, қандай гапириши муҳимдир. Зеро, ўзига ишонч билан чиройли сўзларни ўз вақтида айтиш таъсирчанликнинг асосий самара берувчи омилдир. Тўғри айтилган таъсирчан сўз, жумладан, фильмлардаги диалог ёки монологлар кишиларни маънавий юксаклик сари бошлаши ёки аксинча, ёмонликка йўналтириши мумкин. Маънавий таъсир кўрсатишнинг яна бир шакли ҳисобланган ишонтиришда асосан инсонларнинг мантикий фикрлаш имконияти, тафаккурига эътибор қаратилади. Айрим кишиларнинг мантикий фикрлаш доираси тор бўлиб, инсон ақлининг мазкур имконияти ривожлантирилмаган бўлади. Уларни мантиққа асосланган ҳолда ишонтиришнинг иложи йўқ. Шу сабабдан ҳам ишонтириш шахснинг ривожланиш даражаси ҳамда фикрининг нақадар тиниклигига мувофиқ бўлиши шарт.

Инсонларни ишонтириш жараёни ахборот манбасини қабул қилиш ва баҳолашдан бошланади: биринчидан, тингловчи янги олаётган ахборотини аввалдан билган ахбороти билан солиштиради ва натижада ахборот манбасининг хабарни қандай яратгани ҳақида тасаввур пайдо қилади. Агар тингловчи ахборот манбасининг ёлгон гапирётгани, далилларни яшираётгани, хатоларга йўл қўяётганини сезиб қолса, унга нисбатан ишончи йўқолади ва ахборот манбаси ишонтириш имкониятини йўқотади; иккинчидан, ишонтираётган одамнинг обрў-эътибори ҳақида умумий тасаввур пайдо бўлади, бироқ ахборот манбаси мантикий хатоликларга йўл қўйса, расмий мақомга эга бўлмаса, унинг бу борада бирор натижага эришиши қийин кечади; учинчидан, тингловчи ҳамда ахборот манбаси ўртасидаги масофага эътибор бериш зарур бўлади. Агар уларнинг орасидаги масофа катта бўлса, ишонтиришда самарага эришиш қийин кечиши мумкин. Бундай ҳолатда ишонтирувчининг бошқа стратегияни қўллашига тўғри келади, яъни ишонтирувчи инсонларга улар билан бир хил қарашда эканини айтади, уларни яхши тушунишини тингловчи онгига сингдиради ва натижада ҳар икки тараф ўртасида кўприк пайдо бўлади ва тингловчи сўзловчига ишона бошлайди. Ишонтириш мантиққа асосланган экан, демек, ҳар бир фикр бошқа фикрлар, далиллар ёрдамида асосланиши керак. Кино айнан ана шу вазифани бажаради, яъни унда ишонтириш учун аввал муаммо ўртага ташланади, турли сабаблар келтирилади ҳамда унинг ечими кўрсатиб берилади. Айтиб ўтилганидек, кино нафақат ижобий, балки салбий таъсир кучига эга. Кино асарларининг салбий таъсирини унинг манипулятив характерида кўриш мумкин.

Хусусан, айрим кино асарларида буюртмачиларнинг ғоявий талабига кўра томошабин онги манипуляция қилинади. Унда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: 1) тарихий фактларни алмаштириш, бузиб кўрсатиш ва ўзгартириш; 2) тўғри экани исботланмаган далилларни кинога (бадий ва ҳужжатли фильмларга) киритиш орқали одамлар фикрини чалғитиш, ёлгонга бадий тус бериш, таъсирчанликни ошириш билан томошабинни рост фактлар эмас, балки кино асарида берилган фактларга ишонтириш; 3) бошқаларнинг келтирган далилларини инкор этиш орқали факатгина ўзининг ҳақ эканига томошабинни ишонтириш.

Ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда кино ва унинг имкониятларидан фойдаланишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш тавсия қиланади: аввало, ёшларнинг дунёқараш тизимини ўзгартирувчи ёки мустаҳкамловчи янги ахборотни келтириш; сўнгра, томошабин ва ижодкор ёки буюртмаси орасидаги муносабатларни юзага келтирувчи тизимли ишларни амалга ошириш; инсонларнинг муносабатини, жумладан, кадриятларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали. Кинонинг ижтимоий-руҳий таъсирчанлигини ошириш томошабиннинг тажрибаси, руҳий тайёргарлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Инсонлар ўзлари учун ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган муаммоларгагина эътибор қаратишади. Аудиторияга тўғри етиб боргандагина кино асарларининг таъсирчанлиги ортиб боради.

Ёшларнинг кино асарларини томоша қилиши натижасида уларда қуйидаги ўзгаришлар сезилади:



1. Янги орзу-истакларнинг пайдо бўлиши ёки хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришлар. Мазкур ўзгариш ёшларда кино қаҳрамонлари, уларнинг ўзини тутиши, таъсирчан гап-сўзлари, яшаш шароити, кийиниши, кўз қарашлари қабилага ҳавас қилиш, уни ўзининг идеали сифатида қабул қилиши билан содир бўлади.

Энди у ҳам шундай ҳаёт тарзини орзу қила бошлайди. Атрофида фильм қаҳрамонининг ҳаётидагидек шароит яратишни истайди. Ўз хатти-ҳаракатларини шунга кўра ўзгартириб боради. Масалан, иккимингичи йилларнинг бошларида ўзбек телеканалларида корейс киноижодкорлари томонидан сурагга олинган “Қиш сонатаси” фильми эфирга узатила бошланган. Мазкур фильм ёшларнинг хатти-ҳаракатларида бош қаҳрамон Жун Санг исмли йигитни такрорлаш ҳолатлари кўпайган. Яъни эҳтиёж сезилмагани ҳолда ҳам кўзойнак тақиш, қиш вақтида катта шарфни фильм қаҳрамонининг услубида ўраш, севишганлар орасида эса қорли тоғларга чиқиб, қорбўрон ўйнаш (айнан фильмдаги ҳаракатларни қайтариш) каби ҳолатлар сезиларли даражада орта бошлаган. Ўзбек кино ихлосмандлари орасида катта машҳурликка эришган Бразилия сериали “Клон” бош қаҳрамонларидан Жади исмли аёлга тақлид натижасида мамлакатимиз қизларининг ҳаётида, юриш-туришишда катта ўзгаришлар содир бўлгани сир эмас. Масалан, рўмол ўрай бошлаш ва катта ҳажмдаги зирақларни рўмол тагидан чиқариш, арабча рақсга тушишни ўрганиш ва ҳ.к. Ўзбек аудиториясидаги мазкур ўзгаришлар тадбиркорларнинг ҳам фаолиятига таъсир кўрсатиб, айнан фильмдаги каби либослар, фильм қаҳрамони номи билан аталувчи буюмлар кўпайган. Ўзбек ёшлари орасида машҳурликка эга бўлган яна бир сериал “Қашқирлар макони” бўлиб, мазкур кино асарининг Ўзбекистондаги илк намойиши вақтида ёшлар, айниқса, талаба йигитларнинг юриш-туриши, гапириш оҳанги, бир-бирига муносабатида катта ўзгаришлар сезилган. Талабалар орасида ўзаро кино қаҳрамонлари исми билан аталиш ва айнан ўша қаҳрамоннинг гапларини такрорлаш, ҳаракатларини қайтариш ва ўша услубда кийиниш урф бўла бошлаган. Вақт ўтиши, мазкур сериалларнинг ёддан кўтарилиши ва фильм таъсирига тушган ёшларнинг улғайиши натижасида юқорида қайд этилган ҳолатлар бугунги кунда кузатилмайди.

2. Ҳаёт тарзининг ўзгариб бориши, янгича урф-одат ҳамда анъаналарнинг пайдо бўлиши. Мазкур ҳолатда ёшлар аввал эътибор қаратмаган нарсаларини истай бошлайди ёки аксинча, аввалдан мавжуд бўлган анъаналарини тан олмай қўяди. Ва бу билан ўз ҳаётида ўзгаришларга қўл уради. Ҳаётини майда қўринган урф-одатлар, ҳаракатлар, ҳаёт тарзини ўзгартириш орқали ёшлар онгида ўзга маданият ва сиёсий тузумга ҳайрихоҳлик пайдо қилинади. Бу ўзгаришлар кишиларнинг кундалик турмуши, ейиш-ичиши, бир-бирига муносабатида намоён бўлади. Масалан, оммавий коммуникация воситаларининг ўзбек контентида бугунги кунда шундай видеолар тарқалмоқдаки, улар аввалдан миллатимизга хос бўлмаган ва кино воситасида турмушимизга кириб келмоқда. Жумладан, қўл ўпиш одатининг ўзбеклар орасида пайдо бўлаётгани эътибор тортади. Мазкур видеоларда катта тўйхонада онани таваллуд қилиши билан табриклар гул ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилиб, онасининг қўлини ўпиб, пешонасига босаётган ўғил ва қиз фарзандларни кўриш мумкин. Бу каби видеоларга ёзилган изоҳлардан мазкур одат аудитория томонидан табиий қабул қилинаётгани, ҳатто уларга ҳавас билан қаралаётгани сезилади.

Шубҳасиз, турк сериалларининг ўзбек халқига кўрсатган таъсири натижаси ўлароқ инсонлар ҳаётида янгича анъаналар пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолат Ўзбекистонга машҳур актёрлар оиласининг тарқалган тўй видеоларида ҳам кузатилди. Юқорида қайд этилганидек, агар бирор гапни обрўли одам гапирса, унинг таъсири ҳам кучли бўлади, демак, бирор ҳаракатни машҳур одам амалга оширса, унинг аудиторияга таъсири оддий одамникидан кўра анча самарали кечади. Ўзбеклар томонидан такрорланаётган бундай хатти-ҳаракатлар миллий маданиятга ҳавф ҳисобланади. Ўзбеклардаги “ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” қабилидаги ҳаракатлар оммавий коммуникация воситалари ривожини билан йўқ бўлиб кетмоқда.

3. Бажарилаётган ҳаракатнинг мантикий асосга эга эмаслиги. Агар инсонларга мотивация берса, уларга эртақлардагидек ёки ўта энгил ҳаёт ваъда қилса, томошабиннинг ҳиссийиётига таъсир кўрсата олса, бундай кино маҳсулоти нафақат бирор-бир шахсга, балки бутун бошли жамиятга ўз таъсирини бемалол ўтказа олади.

Дарҳақиқат, кино орқали инсонларнинг дунёқараши, кизиқишлари, фикри, миллий ва маънавий ўзига хослигини ўзгариш хусусиятига эга. Санъатнинг ушбу тури орқали мавжуд анъаналар “синдирилади” ва унинг ўрнига янгиси “ўрнатилади”. Ўзбек ёшлари орасида кенг тарқалган, “Love story” каби одатлар мазкур ҳолатга яққол мисол бўла олади. Маълумки, ғарб давлатларида жуфтлик турмуш қуришдан аввал биргаликда ҳаёт кечириши оддий ҳолга айланган. Йиллар мобайнида бирга яшаб, бир-бирининг характери, туриш-турмушини ўргангандан сўнг эркак томонидан қутилмаганда қизга тўй таклифи билдирилади, яъни “Marry me” маросими амалга оширилади. Унга жавобни ҳам аёлнинг шахсан ўзи беради. Яъни, қарор турмуш қурадиган жуфтликнинг ўзигагина тегишлидир. Шунингдек, уларнинг биргаликда кечирган ҳаёти давомида орттирилган кўплаб видео ва фото маҳсулотлари йиғилиб қоладики, улардан тўй маҳали “Love story”да фойдаланилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда мазкур урф-одатларни кўр-кўрона амалга ошираётган ўзбек ёшларининг бу хатти-ҳаракатлари мантиққа асосланмаган бўлиб, ғарбона кино маҳсулотларининг ёшларимизга таъсирининг бир кўриниши ҳисобланади. Совчилик орқали ташкиллаштириладиган тўйлар, ёшларнинг тўйдан олдин бирга яшамаслиги каби ўзбек қадриятлари мавжуд экан, мазкур тадбирлар мантиқсиз бўлиб қолади. Аммо, ёшлар онгидаги кескин ўзгаришлар ана шундай кичик хатти-ҳаракатлар билан бошланиши, ғарб кинофильмлари, видео маҳсулотлари натижасида мамлакатимизда ҳам “фуқаролик никоҳи” авж олишининг эҳтимоли катта. Кино орқали маданиятга, кундалик турмушга, инсон онги ва тафаккурига таъсир билан бошланган ғоявий ҳаракатлар сиёсий ҳаракатлар билан алмаштирилиши осонлашади. Хориждаги кишиларнинг турмуш тарзини ўзининг ҳаётини принипига айлантирган ўзбек ёшлари, мазкур давлатлар сиёсатчилари томонидан олиб борилаётган “ислохотлар”ни ҳам осон қабул қилади.

Шундай экан, мазкур муаммоларнинг ечими учун оммавий коммуникация воситаларида ўзбек континентининг ролини ошириш, ёшларда кино тилини тушуниш, уни тўғри қабул қилиш, медиасаводхонликка эришиш кўникмаларини болаликдан оқ ривожлантириб бориш зарур бўлади. Бунинг учун эса кино таълимини йўлга қўйиш, ёшларнинг сиёсий билимларини ва маънавий дидини ошириб бориш талаб қилинади. Зеро, кино санъати ёрдамида ёшларнинг руҳияти, дунёқараши, кундалиш ташвиши, ўй-хаёли, келажакка бўлган ишончи, эртанги кундан мақсадини шакллантириш, ўзгартириш ва ривожлантириш мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3880-сонли Қарори <https://lex.uz/m/acts/3835308>
2. Якубов Б. Ч. Сўнгги йиллар ўзбек тарихий-бадий фильмларидаги янги тенденциялар // “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография: тараққиёт йўлларида” республика илмий-амалий конференцияси тўплами. – Т.: Очун, 2021. – 238 б.
3. Anderson C.A., Berkowitz L., Donnerstein E.P., Huesmann L.R., Johnson J.D., Linz D., et al. The Influence of Media Violence on Youth // Psychological Science in the Public Interest, 2003. Vol. 4. – P. 81-110.; Morin Edgar “El cine o el hombre imaginario”. – México, 2001. – P. 108.; Аверин А.Н. Социальное управление: опыт философского анализа / А.Н. Аверин, Л.Н. Суворов. – М.: Мысль, 1984. – 232 с.; Бабосов Е.М. Социология управления / Е.М. Бабосов. – Минск: ТетраСистемс, 2002. — 288 с.; Бессонов Б.Н. Идеология духовного подавления / Б.Н. Бессонов. – М.: Изд-во МГУ, 1971. – 295 с.; Скрипкарь М.В. Воздействие манипулятивных технологий кинематографа на процесс социализации и формирование ценностных ориентаций молодежи. – Дисс. к.соц.н. – Чита, 2009. — 159 с.

*Кинематографиянинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини ошириш имкониятлари*

**Резюме.** Ушбу мақолада кинематографиянинг ёшлар тарбиясида руҳий, тарбиявий, маънавий таъсири ўрганилган. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришда кино ва унинг имкониятларидан фойдаланишнинг асосий учта усули таклиф қилиниб, ҳар бир таклиф таҳлил қилинган. Ўзбекистонда кино таълимини ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва ҳулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** кинематография, сиёсат, ёшлар, мафкура, кино таълими, ўзбек контенти.

*Возможности повышения значения кинематографии в воспитании молодежи*

**Резюме.** В данной статье рассматриваются психологические, воспитательные и идеологические воздействия кинематографа на молодежь. А также, предлагаются и детально анализируются три основных способа использования кино и его возможностей в проведении государственной молодежной политики. В статье даются практические предложения о развитии кинообразования в Узбекистане.

**Ключевые слова:** кинематография, политика, молодежь, идеология, кинообразование, узбекский контент.

*Opportunities to increase the value of cinematography in the education of young people*

**Summary.** This article discusses the psychological, educational and ideological impact of cinema on young people. And also, three main ways of using cinema and its possibilities in carrying out the state youth policy are proposed and analyzed in detail. The article gives practical proposals for the development of film education in Uzbekistan.

**Key words:** cinematography, politics, young people, ideology, film education, Uzbek content.

## ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННОЕ ВОСПИТАНИЕ ШКОЛЬНИКОВ ПОСРЕДСТВОМ АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ МИЗДАКХАНА

Бекниязов Б.С.

*Нукусский государственный педагогический институт*

Одним из важнейших вопросов современной культуры является вопрос формирования чувства ответственности каждого перед обществом, для чего необходимо пропагандировать образ жизни, основанный на принципах, взглядах и убеждениях, определяющих соответствующее отношение к действительности, нормы поведения, жизненные стремления, интересы личности. Поэтому важно принять меры по улучшению системы образования, ориентации ее на формирование у подрастающего поколения твердых знаний и качеств гражданина и патриота.

На этом акцентирует внимание в своем Послании Олий Мажлису Республики Узбекистан Президент Ш.М.Мирзиёев, который отмечает, нам необходимо укреплять национальное самосознание, глубже изучать древнюю и богатую историю нашей Родины, активизировать научно-исследовательскую работу в этом направлении, всемерно поддерживать деятельность ученых гуманитарной сферы [1]. Особое значение при этом приобретает фигура учителя, которая становится ключевой, а школа выступает важнейшим социальным институтом, обеспечивающим соответствие высоким требованиям общества.

Система духовно-нравственного воспитания призвана научить видеть прекрасное вокруг себя, в окружающей действительности. В эффективном его воздействии на достижения цели следует выделить особенность, связанную с занятиями, общественной жизнью школьника, оказывающую значительное влияние на формирование эстетической культуры личности [2]. Воспитательный потенциал памятников архитектуры в учебном процессе реализуется выбором темы занятий по изучению памятников архитектуры на уроках истории, где на наш взгляд, необходимо решать задачи: осознания ценности национальных памятников архитектуры, восприятия духовно-нравственных ценностей своего и других народов; формирования понятия и представления о памятниках архитектуры и окружающих нас предметах быта; привития учащимся интереса к памятникам архитектуры, к истории края, традициям, обычаям, культурным ценностям народа; формирования осознанных представлений школьников о памятниках архитектуры, являющихся свидетелями прошлой эпохи; показа разнообразия, связи межконфессиональных культур на примере памятников архитектуры Узбекистана.

У школьников, в процессе приобщения к памятникам архитектуры, формируются интерес и уважение к художественному культурному наследию предков. При этом эффективному восприятию школьниками материала способствуют не только занятия в классе, но и посещение музеев, показ памятников архитектуры, проведение уроков-бесед, уроков творчества, посвященных рассматриваемой проблеме, развитие практических навыков школьников (наброски с натуры, зарисовки).

Все виды искусства осваивают мир в образной форме, при этом монументальные сооружения и памятники несут в себе историю развития человечества, занимая в различные времена важное место в духовном освоении действительности. Поэтому, важное значение приобретает знакомство с архитектурой своего народа и ее изучение, что способствует обогащению эмоционально-эстетического опыта учащихся, развитию художественного и эстетического вкуса и т.д. При этом важной особенностью архитектурных памятников, имеющих статус «музеев под открытым небом», выступает своеобразие языка, повествующего о сообществах прошлого и настоящего во всем их многообразии, параллелях и различиях, характеризующих культурное наследие эпох. Архитектурные памятники предоставляют возможность лучше понимать современное состояние общества, вырабатывать собственное мнение и определять более четкие перспективы на будущее, в чем и заключается их воспитательная ценность и привлекательность в части приобщения школьников к различным культовым и мемориальным сооружениям.

Архитектура как область искусства играет важную роль в жизни общества, оказывает влияние на нашу жизнь, поэтому всегда полезно знакомство школьников с элементарными сведениями по данному виду искусства, поскольку архитектура, с её общественными зданиями, с богатыми скульптурными композициями,



Археолого-архитектурный комплекс Миздахкан

монументами, памятными знаками хранит в неприкосновенности следы эпохи. Следовательно, ознакомление с архитектурными памятниками послужит толчком для нравственного и этического воспитания школьников, формирования уважительного и трепетного отношения к художественно значимому архитектурному решению и т.д. Немаловажно при ознакомлении с шедеврами архитектурного искусства, при их осмыслении пробуждать у школьников творческое начало, вырабатывать позитивное отношение к явлениям жизни, системе художественных ценностей. Особое значение оно приобретает в условиях преобладания бездуховности, бескультурья и малограмотности.

Приобщение школьников к архитектурным памятникам, формирование представления об окружающей действительности с позиции красоты, требует учета индивидуальных психологических

особенностей восприятия мира, чувства понимания истории, искусства и культуры. Как правило, школьники хорошо воспринимают и усваивают образную информацию, которая выражается через чувства, представления, память. Для того чтобы художественная действительность, заключенная в предметах и природе, ожила и эффективно воздействовала на чувства школьников, важно воспитать эмоционально-ценностное эстетическое отношение к окружающему миру, на ранних этапах осуществляемое стихийно и осмысливаемое к школьному возрасту. Знакомя школьников с историческими примерами положительного и отрицательного преобразования мира, фактами, когда годами, иногда и столетиями создавались величественные сооружения, при одновременном разрушении окружающей среды, важно подчеркнуть монументальность, цельность и четкость композиционного построения, логичность конструкции, строгость пропорциональных соотношений, декор, любовно украшающий плоскости стен и наконец, гармоничную связь с окружающей природой, что характеризует древнюю архитектуру Миздахкана.

Грандиозный древний археолого-архитектурный комплекс Миздахкан (IV в. до н.э. - XIV в. н.э., XVII - XX вв.) находится на холмах, расположенных вдоль крупных магистральных путей, ведущих к плато Устюрт и Муйнаку, в 3-4 км. к югу от города Ходжейли («Ходжейли» переводится как «край паломников»), неподалеку от Нукуса в Каракалпакстане и занимает большую площадь в 200 га. Миздахкан представляет собой огромный комплекс разновозрастных древностей и включает в себя одно из наиболее древних кладбищ в Средней Азии (с мавзолеями Шамун-наби, Мазлумхан Сулу, Халфа Ережеп и бугром Джумарт-кассаб), а также город золотоордынских времен, караван-сарай, руины отдельных усадеб и замков, остатки ирригационных систем. Ранее считалось, что в комплекс входило и городище Гяур-кала, однако позднее было доказано, что это отдельный памятник. Во времена Средневековья Миздахкан был третьим по величине городом античного и средневекового Хорезма [5]. К тому же разные эпохи и разные стилевые направления отражаются не только в художественных, но и конструктивных особенностях, что создает предпосылки для использования их творческого потенциала в эстетическом воспитании школьников.

Выявленные за послевоенные годы многочисленные памятники зодчества, позволяют определенно утверждать, что в Миздахкане находился один из своеобразных художественных центров Хорезмской архитектуры, где на протяжении многих веков, народы подвергались политической и экономической экспансии со стороны более сильных соседей и иноземных завоевателей, испытывая различное культурное и религиозное влияние. «В этих условиях сохранить самобытность и не превратиться в провинциальное ответвление другой школы могла лишь архитектура, имеющая собственные художественные центры», отмечает К.Юсупов [3].



Городище Гяур-кала. «Крепость неверных» - так переводится название городища Гяур-кала. Эта крепость была построена приблизительно в IV-веке до н.э. Её десятиметровые стены впечатляют своей мощью. Они окружают развалины двух цитаделей, которые предположительно могли быть храмом и дворцовыми постройками. Одна из цитаделей могла выполнять функции защитного сооружения и храма. Это не удивительно, так как именно эта местность считается родиной самых древних текстов «Авесты» - Гатов, написанных самим Заратуштрой. Многочисленные остатки очагов свидетельствуют, что жители Гяур-калы были огнепоклонниками – зороастрийцами [6]. Другая цитадель, по-видимому, была дворцом правителя. Здесь был обнаружен внутренний двор, множество хозяйственных построек, а также жилые помещения, украшенные резьбой и росписями. Археологи нашли здесь и другие остатки предметов роскоши: различные украшения, ткани, украшенные золотым шитьем, и многое другое, что свидетельствовало о том, что здесь проживали представители высшего сословия.



Мавзолей Маслумхан-сулу

Крепость Гяур-кала стояла на пересечении торговых путей. Недалеко от неё проходила северная ветка Великого Шелкового Пути, что в немалой степени способствовало более длительному существованию городища по сравнению с другими крепостями Древнего Хорезма. Свое название крепость получила после завоевания арабов в начале VIII- века. Жители города оказали отчаянное сопротивление завоевателям, и почти в течение века сопротивлялись арабам. Арабы называли крепость Гяур-кала – «Крепость неверных», так как жители были огнепоклонниками – зороастрийцами. Крепость продолжала функционировать вплоть до прихода монголов в Среднюю Азию. В 1220 году старший сын Чингизхана – Джучи приказал разрушить город до основания. Впоследствии жители города переселились и основали новое поселение недалеко от развалин Гяур-кала. Большой интерес для истории развития архитектуры Хорезма представляет культовое строительство в Миздакхане. Среди разнообразных архитектурных памятников Древнего Хорезма пристального внимания заслуживает . Начало постройки этого мавзолея относится приблизительно к XII веку. Мавзолей привлекает путешественников со всего света не только своей уникальной архитектурой, но и удивительной и в то же время трагичной легендой, связанной с его постройкой.

Легенда гласит, что однажды в далекие времена, правитель Хорезма заказал молодому зодчему построить здание, которое бы соответствовало величию правителя после его смерти. Зодчий усердно трудился над работой и вот однажды он увидел девушку, с красотой которой не могли сравниться даже солнце и луна. Он полюбил её, но она не ответила ему взаимностью, так как была дочерью того самого правителя. Когда зодчий закончил работу над зданием, он признался ей в своей любви, но гордая красавица его жестоко отвергла, сказав, что полюбит его, если он сбросится вниз. Не колеблясь, мастер исполнил приказ любимой и погиб. Только тогда девушка поняла всю силу любви зодчего и от отчаяния за свой поступок, она покончила с собой. Так гласит легенда...

«Ахборот жамияти» тушунчаси ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида Токио Технология университетининг профессори Ю.Хаяши томонидан таклиф этилган. Ю.Хаяши ахборот жамияти деганда жамият аъзоларининг кўпчилиқ бўлаги ахборотни, хусусан унинг энг юқори шакли – билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи жамиятни назарда тутган. Замонавий ижтимоий ривожланишнинг ахборот концепцияси тарафдорлари З.Бжезинский, А.Турен, Э.Тоффлер ва бошқа олимлар жамиятда сифатли маънавий ва ижтимоий ўзгаришларни иқтисодиётда янги ахборот сектор пайдо бўлиши билан боғлайдилар.[2,265] «Ахборот жамияти» тушунчаси постиндустриализм назариясининг бир тури бўлиб, ушбу назария тарафдорлари унинг шаклланиши қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини кузатиб боровчи «Тўртинчи», иқтисодиётнинг ахборот сектори устунлиги билан боғлайдилар. Ахборот жамиятида умумбашарий қадриятларнинг ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилиб, инсоннинг давлат ва жамиятга муносабатининг ўзгаришига олиб келади. Ахборот жамиятининг генезиси объектив турда илмий-техника ва илмий технологик ривожланишининг глобал томонлари билан белгиланади. Ахборотнинг кенг тарқалиши биринчи навбатда ахборот технологияларининг модернизацияси билан бевосита алоқадор. Яъни инсонлар томонидан ахборот технологиялар соҳасида ютуқларнинг қўлга киритилиши (микропроцессорларнинг яратилиши) ушбу жараённи тезлаштирди.

Ахборот жамияти бўйича тадқиқ қилган олимларнинг яна бири японияли олим Й. Масуда ҳисобланади. Келажак жамиятининг асосий тамойиллари ва хусусиятлари унинг «Ахборот жамияти постиндустриал жамият сифатида» номли асарида келтирилган. Олимнинг фикрига кўра, янги жамиятнинг асоси компьютер технологияси бўлади, унинг асосий вазифаси инсоннинг меҳнат фаолиятида жисмоний меҳнат фаолиятининг ақлий меҳнат фаолиятига алмашуви ҳолати билан боғлайди. Ахборот технологиялар инкилоблари тезда янги ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради ва тизимлаштирилган ахборот, янги технологиялар ва билимларни ишлаб чиқаришга имконият беради. Й.Масуда фикрича, жамиятни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи моддий нарсасиз, балки ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлади.

Ахборот жамияти концепциясининг яна бир йирик вакили Э.Тоффлер ҳисобланади. Э.Тоффлернинг сўзларига кўра, «Янги машиналар ва ускуналар фақатгина маҳсулотнинг манбаси бўлиб қолмасдан, балки янги ижодкорлик ғоялар манбаси ҳам бўлади» деб келтиради. Э.Тоффлер технологияни такомиллаштириш учун билим асос бўлиб хизмат қилади деб таъкидлайди. Олим ўз асарларида индустриал жамиятига хос олти тамойилни кўрсатади: стандартлаштирув, профессионализм, синхронлаштириш, концентрациялаш, мутлоқлаштириш ва марказлаштириш.

Машхур социолог ва файласуф Д.Белл «Келаси асрда - илм, маданият, тиббиёт, сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт соҳаларнинг ривожланишини ахборот концепцияси белгилаб беради» деб айтиб ўтади. Дарҳақиқат, инсониятнинг ахборот жамиятига ўтиши билан «билимлар» – ишлаб чиқариш фаолияти учун ҳал қилувчи кучга айланиб инсон меҳнат фаолиятининг ўзига хос табиятини яратади. Бу янги жамият шаклида технологиянинг кучайиши туфайли саноат сектори етакчи ролини йўқотадиган ва илм асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланганлигини кўрсатади. Д.Беллнинг 1973 йили нашр қилинган «Келажак постиндустриал жамияти: Ижтимоий башоратлаш тажрибаси» асарида инсоният жамияти тарихини уч асосий босқичга ажратади: биринчиси аграр, иккинчиси саноат ва учинчиси постиндустриал жамият».[3,245]. Олимнинг ушбу асарида бундай жамиятнинг бешта асосий хусусиятини кўрсатади: Биринчидан, ишлаб чиқарувчи саноатдан хизмат кўрсатадиган саноатга ўтиш билан белгиланади. Иккинчидан, юқори билимга эга илмий техникавий



мутахассисларнинг катта ролга эга эканлиги. Учинчидан, назарий билимлар инновацияларнинг манбаси сифатида энг асосий заруриятга эга эканлиги. Тўртинчидан, техникавий прогрессни бошқариш. Бешинчидан, интеллектуал технологияларнинг ривожланиши деб таъкидлайди. Ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаётнинг ҳар хил соҳаларини ахборотлаштириш даражаси маълум бир жамият ривожланиши даражасининг асосий мезонига айланмоқда. Шунинг учун ҳам, жамиятнинг ривожланишида ахборот жамиятига ўтишнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш жуда зарур ҳисобланади. **«Ахборот жамияти»га ўтишнинг ижобий ва салбий томонларини қуйидагича кўрсатишга бўлади:** Ахборот жамиятига ўтишнинг асосий ижобий томонлари қуйидагилардан иборат: Бу жамиятда ахборот инқилоби муаммоси осонлик билан амалга оширилади: Ахборот бошқа манбаларга нисбатан юқори устунликка эга: Ахборот жамияти фаолияти энг янги ахборот техникаси ва технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган ахборотни яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш автоматлаштирилган жараёнларга асосланади. Ахборот технологиялари глобал характерга эга бўлиб, инсон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Цивилизация давомида ягона ёлғиз ахборот майдони яратилмоқда. Инсонга ахборот орқали цивилизация тизимининг ахборот ресурсларидан мутлоқ очик шаклда фойдаланишга имконият берилди. Жамиятни бошқариш ва атроф-муҳитнинг тескари таъсирини бошқаришнинг гуманистик тамойилларига қатъий амал қилиш билан амалга оширилади.

✎ **Ахборот жамиятига ўтишнинг ижобий томонларидан ташқари, салбий томонлари ҳам бор:** ОАВнинг инсон онига жуда кучли таъсирининг келиб чиқиши ва ундан ҳимояланиш муаммосининг пайдо бўлиши; Шахсий ҳаётга дахлсизлик ва унинг дахлсизлик ҳуқуқларининг бузилиши муаммоси; Инсонга етиб келадиган ишончли ва сифатли маълумотларни танлаш муаммоси; Ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида узлуксиз хавфнинг бўлиши муаммоси.

Кўпчилик олимлар янги жамиятда анъанавий жамият учун доимий бўлган меҳнат ва капитал тушунчаларининг ахборот технологиялари ва фундаментал билимлар билан алмаштирилганлигини айтиб ўтади. Бироқ фақатгина бундай турда ёндашув ахборот жамиятининг мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Ахборот жамиятининг ривожланиши илмда эски парадигмаларнинг ўзгаришига олиб келади. Ахборот жамиятини тадқиқ қилганимизда, биз унинг хусусиятларини очиб берувчи асосий белгиларини санаб ўтишимиз зарур. Хусусан **«ахборот жамияти»нинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:** Асосий вазифа қилиб, инсон ҳаётининг ҳар хил жиҳатларини ахборотлаштириш: ишлаб чиқариш, таълим, инфратузилма; Бу жамият глобал жараён ва ўзгаришларга очик; Бу жамият юқори даражадаги таълим ва соғлиқни сақлаш билан ажралиб туради; Рақобатбардошлик, юқори самарали тадбиркорлик ва инновацион имкониятларга эга бўлган динамик иқтисодий тизим.

Ахборот жамияти концепцияси жамият борлигининг ривожланишида янгича ижтимоий-фалсафий дунёқарашларнинг ривожланишини талаб қилмоқда. Ахборот жамияти концепцияси инсоният ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, эстетик ва ахлоқий ривожланишининг тарихий босқичини акс эттириб, бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Ахборот жамиятида фақатгина ишлаб чиқариш шакли ўзгариб қўймасдан, балки жамиятнинг бутун ижтимоий ҳаётининг ўзгариши назарда тутилади. Инсоннинг барча фаолияти товарларни ишлаб чиқаришга ва фойдаланишга қаратилган саноатлашган жамият билан солиштирганда, ахборот жамиятида ақлий меҳнат ҳиссасининг кўпайишига олиб келадиган ақл ва билим ишлаб чиқаришга қаратилади. Жамият ҳаёти учун ахборот ва билимнинг қадри ортиб боради [4,16]. Жамият аъзоларидан ижодкорлик ва билим талаб қилинади. Ахборот жамиятида жамиятнинг кўпчилик қисми ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, алмашув ва билимни қайта ишлаш билан фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам, ахборот жамиятида асосий қурол сифатида билим олиб қаралади. Ахборот жамияти моддий саноатнинг дастурий соҳаларини инкор қилмайди. Фақатгина саноат шаклининг ўзгариб бораётганлиги ҳақида хабар беради. Ахборот жамиятининг яна бир аҳамиятли хусусияти маданий ва ғносеологик функцияларининг мавжудлигидадир. Ахборот жамиятининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларга жуда ҳам алоқадор. Биринчидан, ҳоҳлаган шахс ўзининг ҳаёти учун керакли бўлган ахборотни ҳоҳлаган вақтда ва ҳоҳлаган жойда олиши мумкинчилигининг мавжудлиги. Иккинчидан, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш мумкинчилигининг яратилганлиги. Учинчидан, ижтимоий соҳаларнинг автоматлашуви ва роботлашуви жараёнларининг жадаллашуви билан боғлиқ.

Ушбу юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, «ахборот жамияти»га қуйидагича таъриф берсак бўлади. Яъни ахборот жамияти – бу ривожланиш манбаси моддий саноат эмас, балки илғор ахборот технологияларига асосланган билим ва маълумотларни ишлаб чиқарувчи жамият. Ахборот жамияти инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги у ёки бу тарзда ахборот технологияларига таянади. Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки ахборот жамияти инсониятнинг кейинги цивилизацион босқичига хос бўлиб, глобал характерга эга. Инсоннинг ахборотга бўлган муҳтожлиги, фаолиятларнинг тезлик билан бажарилишига бўлган зарурлиги бу жараёни янада ривожлантиришга талабни кучайтиради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Бердимуратова А.К. Хабар жамийети түсиниги: Теориялық-категориялық анализлеў тийкарлары. Бердақ атындағы қарақалпақ мәмлекетлик университети «Хабаршы» журналы. 2020-жыл. 2-сан. 144-бет.
2. Большаков А.В. Генезис и структура деловых сетей в контексте теории постиндустриальной экономики. Экономический анализ: теория и практика, 2012, март, №10. 265с.
3. Бийимбетов Ж.Қ. Socio-philosophical analysis of the concept of information society. Бердақ атындағы қарақалпақ мәмлекетлик университети «Қарақалпақстанда илим ва билимлендириў» журналы. 2020-жыл. 3-4-сан. 245-бет.
4. Максетова М.К. «Жәмийеттиң информацияласыўы философиясы». (Оқыў методикалық қолланба). Нөкис, 2017. 16-бет

**Резюме.** Мақолада жамиятнинг кейинги ривожланиш босқичи кенг таҳлил қилинган ҳолда, ахборот жамиятининг ўзига хос томонлари, унинг асосий мезонлари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга ахборот жамияти ҳақидаги бир қатор олимларнинг қарашлари ҳар томонлама таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** ахборот жамияти, постиндустриал жамият, индустриал жамият, ахборот ресурси, цивилизация.

*Информационное общество – это новая ступень в развитии общества.*

**Резюме.** В статье широко анализируется очередной этап развития общества, показаны специфические стороны информационного общества, его основные критерии. В то же время всесторонне анализируются взгляды ряда ученых на информационное общество.

**Ключевые слова:** информационное общество, постиндустриальное общество, индустриальное общество, информационный ресурс, цивилизация.

*Information society is a new stage and development society.*

**Summary.** The article provides a comprehensive analysis of the next stage of development of society, highlighting the specific aspects of the information society and its main criteria. At the same time, the views of a number of scholars on the information society are comprehensively analyzed.

**Key words:** information society, postindustrial society, industrial society, information resource, civilization.

## ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ОИЛАГА ВА ЁШЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

(Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил)

Нажимов М.Ш.

*Қорақалтоқ давлат университети*

Мутахассисларнинг фикрига кўра АҚШда вояга етмаганларнинг судда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган васийлик назорати Бостонда яшовчи Кук ва Августус ташаббуси билан ташкил этилган. Улар вояга етмаганлар иши бўйича судда қатнашиб, мабодо ўсмирни тузатиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишса, суддан бу болаларни жазоламай, балки уларга бундан кейин болаларнинг хулқ-атворидан хабардор бўлиб туришларини айтиб, гаровга беришларини сўрашган [1, 259-265]. Бу эса 1899 йил 2 июль куни Иллинойс штатида жаҳонда илк бор “Ташландик, қаровсиз ва жинояткор болалар ва уларга қараб туриш ҳақида” Қонун қабул қилинишига ҳамда ювенал суд – вояга етмаганлар суди ташкил этилишига олиб келган [2, 572]. Бу борада Франция тажрибаси ҳақида сўз юритганда 1945 йил 2 февралда қабул қилинган 45-174 рақамли Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ва уларнинг жавобгарлиги Ордонанси ташкил этилганлигини қайд этиш лозим [3]. Ундан олдин эса Францияда “Болалар суди” ташкил этилган бўлиб, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб вояга етмаганларни дастлабки терговда назорат қилиш вазифаси суд полициясининг зиммасига топширилган [4, 347]. Шунингдек, болалар судьяси билан тергов судьяси ўртасида олиб борилаётган вазифалар аниқ тақсимланди [5, 78]. Бунда жиноий ишларгина тергов судининг зиммасига юклатилган.

Вояга етмаганларнинг суд жараёнида Франция жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ прокурор ҳам иштирок этган. Прокурор фаолияти вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал доираси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича қасамёдлар судида муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани вояга етмаганлар ишлари бўйича трибунал ҳузуридаги прокурор бажарган [6]. Тадқиқ этилаётган соҳада етарли тажрибага эга давлатлардан бири Япония бўлиб, у ерда вояга етмаганларнинг жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ва маъмурий ишларини кўрувчи алоҳида тизим фаолият юритади. Оилавий суд ваколати вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, вояга етмаганларга зарар келтирувчи жиноятлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган оила ҳуқуқининг барча масалаларини камраб олади. Оилавий суднинг ваколатларига 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган ҳуқуқбузар вояга етмаганлар, шу билан бирга ўша ёшдаги ижтимоий мослашмаган шахсларга оид ишлар тааллуқли бўлади. 16 ёшдан катта бўлган вояга етмаганнинг иши у оғир жиноят содир этган тақдирда умумий жиноят судига кўриш учун берилиши мумкин [7]. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартлар хусусида сўз юритганда “Бола ҳуқуқлари Конституцияси” деб ном олган 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга тўхталиб ўтиш лозим. Унинг 12-моддасида болага оид бўлган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида бевосита вакил ёхуд тегишли орган томонидан миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрини эшйтиш орқали унга қўйилаётган айб бўйича ота-онаси ёки қонуний васийси орқали кечиктирмасдан ўзининг ҳимоясини тайёрлашда ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам олиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш каби кафолатлар кўрсатилган [8, 15]. Шунингдек, бошқа бир халқаро ҳужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси тўртинчи бандида “Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларнинг қайта тарбиялашга қўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозим”лиги қайд қилинган [9, 69]. Шунингдек вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритишга оид халқаро ҳужжатлар сифатида Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959), Озодликдан маҳрум қилинган вояга етмаганларнинг ҳимоясига оид БМТ қоидалари (1990) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд. Улар 1985 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 40/33-резолюция билан қабул қилинган Вояга етмаганлар жиноят ишларини юритиш бўйича минимал стандартларида ўз аксини

топган. Ушбу ҳужжатнинг якуний матни Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқлангани сабабли “Пекин қоидалари” деб ҳам юритилади. Унда вояга етмаганларнинг жиноят ишларини юритиш ҳар бир давлатнинг миллий жиноят процессининг бир қисми бўлиб, унда барча вояга етмаганларнинг ижтимоий тенглигини таъминлаш, ёшларни ҳимоя қилиш ва жамиятда тартибни сақлаш вазифалари биргаликда ҳал қилиниши кўрсатилган. Унда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритиш мақсади сифатида қуйидагилар белгиланган: вояга етмаганларнинг муносиб келажагини таъминлаш; таъсир чораларининг вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари ва содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқлиги; вояга етмаганларга нисбатан муайян турдаги жазо чораларининг қўлланилишининг чекланганлиги.

“Пекин қоидалари”да суд муҳокамасида вояга етмаганларнинг ишлари бўйича қуйидаги стандартларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: махфийлик сақланиши қонунининг мажбурий универсал принцип сифатида жиноят процессининг вояга етмаганларга оид барча босқичларига жорий қилиш; ўлим жазоси ва жисмоний азоб берадиган жазонинг қўлланилмаслиги; вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо ҳар доим сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклиги; вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазонинг муддати минимал даражага туширилиши. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасида сақлаш юзасидан универсал эътироф этилган минимал стандартлар ҳамда бутун дунёда пенитенциар муассасалар билан ишлашга доир қонунлар, сиёсат ва амалиётни ишлаб чиқишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёл маҳбуслар билан муомала қилишга ва аёл-ҳуқуқбузарлар учун озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига доир қоидалари – Бангкок қоидаларига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур қоидалар ёлғиз ўзини қамаб қўйиш шаклидаги жазо руҳий ҳолати бузилган ёки жисмоний нуқсонларга эга маҳбусларга нисбатан, агар бундай чораларнинг қўлланилиши улар ҳолатининг ёмонлашишига олиб келса, таққилиниши кераклиги тўғрисидаги халқаро стандарт билан бирга вояга етмаган қизлар билан боғлиқ ҳолатларда уларнинг ёлғиз ўзини қамаб қўйишни таққилиниши билан аҳамиятли [10].

Бундан ташқари Бангкок қоидалари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ўташга маҳкум қилинганларнинг фарзандлари маҳкум ҳисобланмаслиги, улар билан муомала қилиш шунга яраша бўлиши, энг асосийси - жиноят содир этган шахс (она) жазони ижро этиш муассасасига келгунга қадар озодликда қоладиган вояга етмаган фарзандига ғамхўрлик қилишнинг муқобил йўллари амалга оширилишига имконият яратиш лозим. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жиноий жавобгарликка тортишнинг аниқ, универсал ёши белгиланмаган, фақатгина минимал даражани белгилловчи умумий қоидалар кўрсатилган. Шу сабабли жиноят ишларини юритишда вояга етмаганлик 18 ёшга, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори ёшни ўз ичига олади. Болгария, Венгрия, Германияда жиноий жавобгарлик ёши 14 ёшдан; Греция ва Францияда 13 ёшдан, АҚШда штатлар қонунчилигига кўра 10 дан 17 ёшга вужудга келади. Европа давлатларининг кўпчилигида вояга етиш 18 ёшдан, фақат Австрияда 19 ёшдан, Швейцарияда эса 20 ёшдан ҳисобланади. Россия, Хитой, Япония, Корея, Грузия, Беларусь, Молдова, Қозғистон ва Украина давлатларида ҳам жиноий жавобгарлик ўн тўрт ёшдан бошланади.

Ўз навбатида М.Х.Рустамбаев мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга, қатор халқаро ҳуқуқий-ҳужжатларга қўшилиши юртимизда вояга етмаганлар ишлари билан боғлиқ ишларни кўрувчи ювенал адлияни тузиш фурсати етганлигини таъкидлаб, ювенал адлия тизимига ювенал судьялар, ювенал прокуратура, болалар адвокатураси, назоратсиз ва ҳуқуқбузар вояга етмаганлар профилактикаси органлари киришини қайд этади [11, 34]. Ювенал адлия асосланадиган муҳим қоида – вояга етмаганлар иши юзасидан суд ишларини юритишда ҳар бир ҳуқуқбузар шахсига ва ҳар бир ҳуқуқбузарлик фактига ўзига хос ёндашиш, яъни индивидуал ҳолда масалани ҳал этиш ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ювенал судлов тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Ювенал судлов тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши суриштирув, тергов ва суд давомида ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларга нисбатан, шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқий меъёрлари ва стандартлари амалга оширилишига катта ҳисса қўшади. Бу эса ўз ўрнида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ва замонавий тизими вужудга келишида катта роль ўйнайди [12, 90-95]. ЮНИСЕФнинг маълумотларига қараганда 40 дан ортиқ мамлакатларда миллий ва минтақавий даражадаги бола ҳуқуқлари бўйича вакиллик хизматлари бола ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг мустақил механизми функциясини бажармоқда.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш қафолатларининг яна бир шакли – Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман ҳисобланади. Мазкур институт биринчи марта 1981 йили Норвегияда таъсис этилган эди. 1993 йили Швецияда таъсис этилган омбудсман институти, Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман мансабини таъсис этиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, болалар ва ёшлар эҳтиёжлари, ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенциясига мувофиқ Швеция ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришига ваколатлидир. Омбудсманлар кўпроқ Шимолий ва Марказий Европа (Австрия, Бельгия, Германия, Дания, Исландия, Люксембург, Норвегия, Финляндия ва Швеция) ва Лотин Америкаси (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика ва Перу), шунингдек, Жанубий Австрия, Канада (Онтарио ва Британия Колумбияси провинциялари), Исроил, Испания ва Янги Зеландияда ҳам ташкил этилган. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз фаолияти билан ваколатига бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаб беришнинг бошқа таркибий қисмларини олган анъанавий тузилмаларни ўрнини эгалламасдан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакл ва

воситаларини тўлдиради. Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4296-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институти жорий этилди. Бизнингча, мазкур институтнинг жорий этилиши вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга оид қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш ва уларга оғишмай амал қилинишини таъминлаш, шунингдек вояга етмаганлар ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш механизми сифатида юзага чиқди.

Бу бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганида жумладан, Россия Федерацияси, Украинада бундай вакил институти мамлакат Президенти ҳузурида ташкил этилган бўлса, Ўзбекистон мисолида бу институт Президентнинг эмас, балки Олий Мажлисининг вакили сифатида фаолият юритади. Бундай амалиёт Швеция (Ригсдаг вакили) ва Финляндия (Парламент вакили) тажрибасида ҳам кузатилади. Шунингдек, бундай вакил институтлари фаолиятининг ташкил этилиши уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва назорат қилиш компетенцияларига кўра ҳам фарқланади [13].

Хулоса ўрнида, мамлакатимизда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари сифатида жорий этилганлигига эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, бола ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақиллигини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Негаки, мазкур институтнинг ўзига хослиги, бола – вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакл ва услубларининг мураккаблиги, бу эса алоҳида дифференциал ёндашувни тақозо қилиши, шунингдек функционал вазифа ва ваколатларига кўра Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)дан алоҳида, мустақил институтга айлантирилиши ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларнинг хусусияти ва табиатига мос келади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ювенальная юстиция: Специфика реализации судебной власти /Э. Б. Мельникова.//Государство и право на рубеже веков. Криминология. Уголовное право. Судебное право. -М., 2001. -С. 259 – 265.
2. США. Конституция и законодательные акты. –М.:Норма-ИНТЕКС.1993.С.572.
3. Introduction a la justice des mineurs, Patrice Saceda., Vauresson, CNFE-PJJ, novembre 2001.
4. Уголовное право зарубежных государств. Общая часть: Учебное пособие/ Под ред. и с предисл. И.Д.Козочкина. –М.: Омега-Л, Институт международного права и экономики им. А.С.Грибоедова, 2013. С.347.
5. James R.Himes Implementing the Convention on the Right of the Child, UNICEF, Italy, 2005. P.78.
6. [http://pnu.edu.ru/ru/faculties/full\\_time/uf/iogip/study/studentsbooks/histsources2/igpzio52/Уголовно-проц. кодекс Франции](http://pnu.edu.ru/ru/faculties/full_time/uf/iogip/study/studentsbooks/histsources2/igpzio52/Уголовно-проц. кодекс Франции)
7. <http://lib.sale/yuvenalnaya-yustitsiya-pravo/semeynyiy-sud-31946.html>
8. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. Т.: UNICEF Uzbekistan, 2014. Б.15.
9. Действующее международное право. В 3-томах. Составители Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. Т.2, –М., Изд-во Московского независимого института международного права. 2017.-С.69.
10. Бангкокские правила ООН, касающиеся обращения с женщинами-заключенными и женщинами-правонарушителями. Резолюция № 65/229 <https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2013/07/Final-PRI-Short-Guide-Bangkok-Rules-Russian.pdf>
11. Рустамбоев М.Х. Ёшлар қонунчилигини такомиллаштириш истикболлари//Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими: муаммолар ва ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари/ Масъул муҳар. Т.А.Умаров. – Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2008. Б.34.
12. Нажимов М.Ш. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жинояти учун жавобгарлик масаласи. Юрист Ахборотномаси ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал, 2022 йил 1 сон, 1 жилд 90-95 бет
13. Лихтер П. Л. Проблемы совершенствования законодательства о компетенции уполномоченного по правам ребенка в субъектах Российской Федерации // Ленинградский юридический журнал. 2015. №2 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-sovershenstvovaniya-zakonodatelstva-o-kompetentsii-upolnomochennogo-po-pravam-rebenka-v-subektah-rossiyskoy-federatsii>.

*Жиноят қонунчилигида оила ва ёшларга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари (Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил)*

**Резюме.** Ушбу мақолада жиноят қонунчилигида оила ва ёшларга қарши жиноятлар учун жавобгарлик масалалари айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилинган. Бу турдаги жиноятлар учун жазоларни такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят, маҳкум, озодликдан маҳрум қилиш, халқаро ҳамжамият, ювенал суд, бола ҳуқуқлари.

*Вопросы ответственности за преступления против семьи и молодежи в уголовном праве (Сравнительный анализ законодательства некоторых зарубежных стран)*

**Резюме.** В статье проводится сравнительный анализ вопросов ответственности за преступления против семьи и молодежи в уголовном праве с законодательством некоторых зарубежных стран. Вносятся предложения по совершенствованию наказаний за данный вид преступлений.

**Таянч сўзлар:** преступление, осуждение, лишение свободы, международное сообщество, суд по делам несовершеннолетних, права ребенка.

*Issues of responsibility for crimes against the family and youth in criminal law (Comparative analysis of the legislation of some foreign countries)*

**Summary.** This article provides a comparative analysis of the issues of responsibility for crimes against the family and youth in criminal law with the legislation of some foreign countries. Proposals are made to improve punishments for this type of crime.

**Key words:** crime, conviction, imprisonment, general rules, juvenile court, children's rights.



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК

**Жоллыбекова И.Б.**

*Қорақалпоқ давлат университети*

Орол атрофини табиий ва ижтимоий-иқтисодий инқирозидан чиқариш ва Орол денгизини қайта тиклаш ва ривожланиш борасидаги халқаро стратегик мақсадларининг амалга ошириш жараёни ёритилган. 1990 йил 2-5 октябрь кунлари Нукусда «Орол инқирози: пайдо бўлиш сабаблари ва ҳулоаси» халқаро симпозиуми ташкил этилди[1]. АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия, Германия, Испания, Хитойдан 200 нафардан ортиқ мутахассис ва олимлар иштирок этди. БМТ, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро ташкилотлар, ЮНЕП (БМТнинг атроф-муҳитни асраш дастури) дунё ҳамжамиятига «Орол денгизи ҳудудидаги болалар ҳаётини сақлаб қолиш учун фавқуллодда ёрдам кўрсатиш ва бу ҳудудни экологик офат зонасини эълон қилиш» бўйича мурожаат қилди.

1996 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманига Жо Асвалл бошчилигидаги Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти миссияси ташриф буюрди. Натижада Орол денгизининг қуриб бораётган собиқ сув ҳавзасига бевосита яқин жойлашган тиббий ёрдамнинг биринчи даражасини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Норвегия ҳукуматининг 1 млн. долларлик донор ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга бўлди[2]. 1997 йил июнь ойида Қорақалпоғистонда Мўйноқ тумани аҳолиси учун дастлабки тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти лойиҳаси бошланди. 1998 йилдан Халқаро гуманитар «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқин ҳамкорликда сил касаллигига қарши ДОТС дастурини амалга оширилди ҳамда даволаш учун бепул маслаҳатлар берилди. Тадқиқотлар 4 ҳудудда (Кўнғирот, Мўйноқ, Чимбой ва Нукус) ўтказилиб, даволаш фавқуллодда зарур бўлган мижозлар аниқланди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотига ДОТС плюс лойиҳаси билан сил касалига чалинганларни дори дармонлар билан эмлаш таклифи билан чиқди ва бу таклиф маъқулланди. 2003 йил 26 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги ва Халқаро гуманитар «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти тасарруфида 2-сонли Республика сил касаллиги билан қарши курашиш шифохонаси очилди. Лойиҳанинг бошланишида 773 бемор қабул қилиниб, уларнинг 435 таси даволаш курси натижалари яқунланди[3]. Орол денгизи аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ЮНИСЕФ дастурига мувофиқ «Орол денгизи: минтақавий ва атроф-муҳитни асраш» бўйича қиймати 3 млн. долларлик лойиҳа яқунланди [4].

2008 йилнинг 11-12 март кунлари Тошент шаҳрида Ўзбекистон ва БМТ вакилларининг фаол иштирокида «Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгилаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари» мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди.

2010 йил апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Оролбўйи минтақасига ташриф буюрди[5]. Пан Ги Мун Орол муаммосини ҳал этишга қўмаклашишга, ушбу экологик фожа оқибатларини бартараф қилиш учун БМТнинг эксперт салоҳияти, молиявий ва бошқа ресурсларини жалб этиш борасида барча сай-ҳаракатларни сафарбар қилишга тайёр эканини билдирди[6]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг эътибори туфайли экологик инқироз оқибатларини юмшатиш масалалари халқаро даражада, мураккаб муаммоларни ҳал этилмоқда[7]. Хусусан, 2018 йил 16 октябрь куни Ислон тараққиёт банки ва Шўрланиш шароитида биодехқончилик халқаро марказининг илмий-техник қўмағида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот ва амалий ишлар қўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилашга илғор тажрибалар ва инновацияларни жорий этиш, саҳрони дарахтзорга айлантириш, қурғоқчиликни бошқариш, чорвачиликни ривожлантириш каби вазифалар унинг асосий мақсади этиб белгиланди. Бу ерда туристик салоҳиятни кўтариш мақсадида Оролнинг қуриган туби ва Устюрт платоси бўйлаб 363 километр масофада «Ралли Муйнак» мусобақаси ўтказилиши режалаштирилган[8].

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Орол муаммосини ечишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё Республикалари ва Қозоғистон Республикаси билан бирга ишларни амалга оширди. Хусусан, 1992 йил 18- февралда Алма-Ота шаҳрида Қозоғистон Сўв хўжалиги Вазирлиги томонидан эксперт ва олимлардан иборат гуруҳ тузилиб жамоавий сув хўжалигидаги муаммоларни ҳал этиш, давлатлараро сув ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қўшма қарорлар қабул қилинди.

1993 йил 26 март куни «Орол денгизи ва Оролбўйи экологиясини яхшилаш ва Орол ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш» борасидаги Марказий Осиё давлатлари ўртасида Шартнома тузилди. 1993 йил март ойида Қозоғистон вилоятининг Қизил Орда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Давлатлараро кенгаш (ИСАС) ва Оролни қутқариш Халқаро жамияти (ОҚХЖ) ташкил этилди[9]. 1994 йил 11 январда Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси ҳукумати томонидан Нукусда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича халқаро конференцияда Марказий Осиё давлатлари ва барқарор масалалар бўйича халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси тасдиқланган[10]. 1994 йил июль ойида эса Олма-ота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада юзага келган экологик инқирознинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш масалалари муҳокама қилинди[11].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 1995 йилда Нукус шаҳрида Орол муаммосига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларининг декларацияси қабул қилинди. 1995 йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Марказий Осиёнинг Қозоғистон ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Орол денгизи ҳавзасини ривожлантириш бўйича декларация» қабул қилинди, унинг барқарор ривожланиш муаммолари таҳлил қилинди. 1997 йил февраль ойида Алмати шаҳрида Марказий Осиё, БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида Қозоғистонда «Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича ташкилий дастурларни бирлаштириш» тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Орол денгизини қутқариш бўйича узоқ хориж давлатлари билан амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, 1994 йили Парижда Орол денгизини қутқариш дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича донор мамлакатлар учрашуви бўлиб ўтди. Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Қувайт, Япония, Швейцария, Канада, Италия, Нидерландия, Буюк Британия ва Финляндия вакиллари иштирок этиб, Орол денгизини қутқариш дастурига 31 млн. АҚШ доллари ажратилди.

Оролбўйидаги вазиятни яхшилашга қаратилган иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик масалалари 1997 йил декабр ойида Ислон конференцияси ташкилоти VII саммитида муҳокама қилинди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 1997 йилдан бери Орол денгизи ҳавзаси дастурининг бир нечта лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Минтақавий ҳаракат режаси, чўлланишга қарши кураш чоралари дастури ишлаб чиқилмоқда. 2002 йил октябр ойида Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Халқаро Тараққиёт Жамғармаси саммити бўлиб ўтди. Бу ерда 2003-2010 йилларга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида бир қатор халқаро ташкилотлар фаолият юритиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш ва экологик инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Жаҳон банкининг ёрдами билан 1993 йил март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси – ОҚХЖ ташкил этилган эди. 1995 йилда «Аҳоли учун шошилиш ёрдам» лойиҳасини ташкиллаштирди. Лойиҳа доирасида 1996-1997 йиллар мобайнида 561,0 минг АҚШ доллари миқдорида микроавтобуслар ва 4 болалар уйи учун дарсликларнинг тўлиқ тўплами, шу жумладан, кар-соқов болалар учун махсус жиҳозлар сотиб олинди [12]. Мазкур фонд доирасида жаҳон ҳамжамиятини Орол муаммоси атрофида янада кўпроқ бирлаштиришга ва уларнинг Оролбўйи ҳудудидаги бугунги вазиятни яхшилаш йўлидаги олиб борилаётган ишларга ўз хиссаларини қўшишига ишонч билдирди. Траст фондининг ташкил этиш ташаббусини Япония, Норвегия, Нигерия, Қозоғистон, Жазоир давлатлари, шунингдек, бир қатор нодавлат ташкилотлар вакиллари қўллаб-қувватлади. Норвегия делегацияси эса ўз ҳукумати томонидан Оролбўйи халқига ёрдам кўрсатиш фондига 1,2 млн. АҚШ долларини ажратишга қарор қилганлигини маълум қилди.

2018 йил 27 ноябрь куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериқлик траст фонди фаолияти бошланишига бағишланган Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўпшериқлик траст фондининг тақдими ва «Барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли стратегияларни ўзида жамлаган минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги БМТнинг юқори даражадаги тадбири бўлиб ўтди. Мажлисида сўзга чиққан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш фондининг ўз фаолиятини бошлашини Орол муаммосидан азият чекаётган минтақа тарихида янги саҳифа очишини айтиб ўтди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мазкур траст фондини ташкил этиш ташаббусини юқори баҳолади ҳамда халқаро жамиятни ушбу фондини молиялаштиришда фаол иштирок этишга чақирди [13]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманига алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлат раҳбарининг 2018 йили 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида, Мўйноқ туманига ҳам сафар уюштириб, ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қатор вазифалар белгилаб берди. Мўйноқ туманини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Умуман олганда, Оролбўйи аҳолисига, жумладан Мўйноқ туманига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида ушбу ҳудудда аввал мисли кўрилмаган эзгу ишлар амалга оширилмоқда [14].

Қорақалпоғистон Республикаси ва Нукус шаҳрида атроф-муҳитга оид қийинчиликларга қарамай, Қорақалпоғистоннинг янгиланиши тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Республика жадал ривожланмоқда ва кўп миллатли Қорақалпоғистон халқи келажакка ишонч билан интилмоқда.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Советская Каракалпакия, 1990. 17-30 сентябрь.
2. Алимкулов Н.Р. Оролбўйи минтақаси жаҳон ҳамжамияти ва Ўзбекистон нигоҳида // Орол ҳавзаси геоэкологик муаммолари: илмий ғоялар, тадқиқотлар, инновациялар. Халқаро илмий-амалий конференция/ -Тошкент, 2019. – Б.57.
3. Даулетмуратов А.Советует Американский профессор // Вести Каракалпакстана, 1999. 14-августа - №65.
4. Организация социального содействия населению Приаралья // <https://aral.uz/wp/projects-2/social/>
5. UN Secretary-General visits Uzbekistan//Bulletin in Uzbekistan Published by UN office in Tashkent/ January-April/2010. –P.5.
6. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи. Т.: 2013. -174 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Т.: Ўзбекистон. 2017 – Б. 250.
8. Мўйноқда илк қурилиш объектлари фойдаланишга топширилмоқда // <http://www.parliament.uz.gov.uz/uz/news/1128/>
9. Правда Востока. 12.07.1994 г.
10. Вести Каракалпакстана. 1995. 20-сентябрь
11. Халқ сўзи. 1993 й. 30 март.

12. Аширбеков У. Реализация конкретных проектов залог последовательного решения социально-экологических проблем Приаралья // Вести Каракалпакстана. 2006. 28 ноября. №94.
13. <http://www.parlament.uz/uz/news/993/>
14. Ji Vaxytovna. Development of tourism in the republic of Karakalpakstan Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. Том 11. Номер 10. Стр. 2135-2139. 2021
15. ИБ Жоллыбекова. Роль международного сотрудничества в социально-экономическом развитии Республики Каракалпакстан (1991-2018 гг.). Каракалпакский Государственный Университет. 2020
16. ИБ Жоллыбекова. Международные отношения республики каракалпакстан и развитие науки. Астраханские Петровские чтения, 47-49. 2020
17. Ji Vaxytovna. Science in the Republic of Karakalpakstan. Results of National Scientific Research 1 (1), 74-81. 2022
18. ИБ Жоллыбекова. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг илм соҳасида ва кадрлар тайёрлашда хорижий ҳамкорлиги. 2022

*Қорақалпоғистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилишда хорижий ҳамкорлик*

**Резюме.** Мақолада Орол атрофини табиий ва ижтимоий-иқтисодий инкирозидан чиқариш ва Орол денгизини қайта тиклаш ва ривожланиш борасидаги халқаро стратегик мақсадларининг амалга ошириш жараёни ёритилган. Шунингдек мақолада Орол муаммосини ечишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё Республикалари билан бирга амалга оширилган ишлар муҳокама қилинади.

**Таянч сўзлар:** атроф, хорижий ҳамкорлик, инсон хавфсизлиги, экологик офат.

*Зарубежное сотрудничество в создании охраны окружающей среды Республики Каракалпакстан*

**Резюме.** В статье описан процесс реализации международных стратегических целей восстановления и развития Аральского моря, а также выхода и развития Аральского моря из его природного и социально-экономического кризиса. В статье также рассматривается работа, проделанная Республикой Узбекистан совместно с республиками Средней Азии по решению островной проблемы.

**Ключевые слова:** окружающая среда, внешнее сотрудничество, безопасность человека, экологическая катастрофа.

*Foreign cooperation in the creation of environmental protection Republic of Karakalpakstan*

**Resume.** This article describes the process of implementation of the international strategic goals of the recovery and development of the Aral Sea and the recovery and development of the Aral Sea from its natural and socio-economic crisis. The article also discusses the work done by the Republic of Uzbekistan together with the Republics of Central Asia in solving the island problem.

**Key words:** environment, external cooperation, human security, ecological catastrophe.

## ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ГЕРБИ -ХАЛЫҚТЫҢ СОЦИАЛ-ЭКОНОМИКАЛЫҚ ЖАҒДАЙЫН АңЛАТУШЫ БЕЛГИ

Камалова М. С.

*Қарақалпақ мамлекетлик университети*

Мамлекетлик белгилер оның өз алдына мамлекет екенин билдиретуғын айрықша таңбалар болып, олар миллеттің мақтанышы болыуы менен бирге сол жердің миллий өзгешелигін, байлықтарын, миллий қадириятларын аңлатып турады. Мамлекетлик белгилерге (Герб, байрақ, гимн) ийе болыу жергиликли халық ушын тарихый ўақыя болып хэм оның да қәлиплесиў тарихын үйрениў илимнің әхмийетли ўазыйпаларының бири. Буларды геральдика илими үйренеди. Қарақалпақ урыўлары ертеден өзиниң тамғалары хэм уранларына ийе болған. Тамғалар герб, ал, уран болса гимн ўазыйпасын атқарған. Бирақ, ол гимнлер көп сөзлерден ибарат емес. Бир яки еки сөзден ибарат болып ерте дәуірлердеги бабасының аты яки болмаса соған қатнасы бар сөз болады. Бурынғы ўақытлары хәр бир қәуим өзиниң уранын айтып бақырып, жаўға атланатуғын болған[1, 27]. Бул тамғалар ертеде болғанлығын Топыраққала естелигиниң (б.э. II-III әсирлер) гербишлерине салынған қарақалпақ урыўларының тамғаларынан билиўге болады. Топыраққаладан усындай 66 түрли тамға табылған[2, 17-20].

Тамға-бул хәр бир қәуим хэм урыўлардың өзгешелигін ажыратып туратуғын белги. Сонлықтан бул белгиниң де әдеуір айырмашылықлары бар. Маселен, қоңыратлардағы «П» түриндеги босаға көп үйлердің бириктириўши үлкен есик дәрўаза мәнисин аңлатса, мүйтенлердеги Шанышқы таңбасы олардың қәсибине қарай таңланған. Тамғаның атлары айырым урыў атларында да ушырасады(маселен: қостамғалы, теристамғалы[1, 27]. Хәр қандай мамлекеттің герби оның жузи болып, ол конституция менен белгиленеди, онда гербтиң тәрийпи бериледи. Гербтеги хәр бир белги мәлим бир мәниге ийе хэм эмблеманың көринисинде мамлекет, оның халқы, сиясий дүзими хэм тарихы, экономикасы сәулеленеди. Қарақалпақ халқы урыўлардан куралған болса да, ондағы бирде бир урыўдың тамғасы қарақалпақ мамлекетлигиниң, бир пүтин миллеттиң тамғасына айлана алмаған. Ертедеги қарақалпақ мамлекетлигинде мамлекетлик гербтиң болғанлығы жазба дереклерде ушыраспайды.1924-жылы қарақалпақ мамлекетлиги қайта тикленген болса да ол дәуірде мамлекетлик герби болған жоқ. Қарақалпақтың биринши герби 1930-жыллары пайда болды.

1932 жыл 2 мартта РСФСР қурамында Қарақалпақ Автоном Совет Социалистлик Республикасы (ҚҚАССР) дүзилди. 1934 жыл 21-25 декабрде болып өткен ҚҚАССР дың екінши сьезди республиканың конституциясын қабыл етти. Усы конституцияның 108 статьясында республиканың герби хаққында айтылған. Республиканың мамлекет герби қызыл фонында алтын орақ хэм балға атанақ түринде жайластырылған, төменги бөлегинде оралған бийдай дәстеси менен қаракөл териси бар [3, 135]. ҚҚАССР дың буннан кейинги герблериниң сүүретлери сақланған болса да, усы гербтиң сүүрети бизиң күнимизге жетип келмеген.

Орайдан белгиленген көрсетпелер бойынша гербтиң бир неше вариантлар дүзилди. Миллий байлықларымыздан қайсы бири гербте сүүретлениуи тартыслы мәселе болды. 1922-жылы қабыл етилген Хорезм Халық Совет Республикасының гербинде де жүүери бар еди. Және онда балға орнында бел сүүретленип, жоқарысында ярым ай хэм жұлдыз берилген(1-сүүрет). Төменги Әмиүдәрәя бойындағы жасаушы халықларда тийкарғы дийханшылық егини жүүери болған. Аўқамдағы барлық республикалар герби

Аўқам гербине сәйкесленип исленгени ушын оннан бийдай сүүрети орын алды. Бурынғы Аўқам дәуиринде Қарақалпақстанның миллий өзгешелиги, социал-экономикалық турмысы, миллий мақтанышлары гербинде сәулеленбеди, мәмлекетлик белги бойынша жергиликли халықтың пикири менен есапласбады. Керисинше орайдың белгилеген коммунистлик идеологиясын сәулелендирген герб болды. 1936-жылы Бурынғы Аўқамның жаңа конституциясының қабыл етилиуи менен автоном Совет Социалистлик республикалардың мәмлекет герблериниң жетилисиүинде жаңа басқыш басланды. Автоном республикалардың конституциялары олардың мәмлекетлик белгилери: герб хэм байрақларын белгилеп берди.

1936-жылы 5 декабрде Қарақалпақ Автоном Совет социалистлик Республикасы Өзбекстан ССР қурамына кирди. 1937 жыл 23 мартта ҚКАССР Советлериниң 3-айрықша сөзди хэм усы жылдың сентябрь айында ӨзССР Орайлық Атқарыу Комитети Президиумы тәрәпинен қабыл қылынған. (1937 жыл 29 сентябрьде Өзбекстан ССР Орайлық Атқарыу комитети Президиумы лауазымы) хэм Қарақалпақ Автоном Совет Социалистлик Республикасының жаңа конституциясын (Бурынғы Аўқам хэм Өзбекстан ССР Конституциясына тийкарланып хэм оған мууапық) тастыйықлады. Қарақалпақ Автоном Совет Социалистлик республикасының герби Өзбекстан ССР ының гербиниң көринисине уқсайды. Герб ҳаққында усы конституцияның 110-статьясында жазылған[3, 135].

ҚКАССР герби төмендегисе сүүретленген: ақ фонда көтерілген қуяштың нурларында алтын усағышы пәске қараған гумис орақ хэм балға атанақ тәризде жайластырылған. Орақ дийқанлардың белгиси болса, ал балға ишчилердиң белгиси есапланған. Оң тәрәпинде бийдай масақларының дәстеси қызыл лента менен оралған хэм шеп тәрәпте ашылған пахта ханалары менен гүлдер дәстеси қызыл лентаға оралған. Бийдай хэм пахта республика халқының байлығы деп қаралған. Дәстелердиң ортасында жер шарының бир бөлеги сүүретленген. Оң тәрәптеги лентада қарақалпақ тилинде (латын имласында)

"Putkul dunia proletarlari, birlasiniz!" хэм шеп тәрәптеги лентада болса өзбек тилинде "Butun dunia proletarlari,birlasiniz!"деп жазылған(2-сүүрет). Бул уран Аўқамдағы барлық республикалардың герблеринде жергиликли хэм рус тиллеринде жазылған еди. Гербтиң жоқарғы тәрәпинде алтын менен шегараланған бес қырлы жұлдыз, ал төменги тәрәпинде OzSSR деп жазылған болса, оның төменги қатарында республика аты қарақалпақ (QQASSR) хэм рус (ККАССР) тиллеринде жазылған[4, 137]. Бурынғы Аўқамның Жоқарғы Совети Президиумының 1939 жыл 11 июлдеги бир қатар аўқам хэм автоном республикалардың әлипбелерин латын жазыуынан кирилл имласына өтиу хәкқындағы қарары мунәсибети менен герблердеги уран хэм аббревиатурасында өзгерислер болды. 1940 жылы Өзбекстан ССР жаңа әлипбеге өтти. 1940-жылы 8-майдағы ызамға мууапық өзбек жазыуы латын имласынан кириллицаға өзгертилди. 1941 жылы 16 январда Өзбекстан Республикасы Жоқарғы Советиниң IV сессиясында гербтеги республика атамасы жазылыуын өзгертиу хәкқындағы мәселе көрип шығылды, оған көре жазыулар тексти жаңа әлипбеге аударылды. 1940 жылы қарақалпақ тилинде әлипбе хэм имла қағыйдалары ислеп шығылды. Жаңа әлипбе 1940 жыл 18 июльде ҚКАССР Жоқарғы Кеңесиниң президиумы тәрәпинен 1942 жыл 1 январға шекем баспасөз, тәлим хэм органларды жаңа әлипбеге өтиу мүддетин белгилеген пәрманы шықты.

Гербтиң жазыулары: республикадағы "OzSSR" («УзССР»), қарақалпақ тилиндеги "QQASSR" (ҚКАССР) сөзлери кирилл имласына өзгертилди. Уран: Қарақалпақ тилинде "Барлық еллердиң пролетарлары, бирлесиниз!"; өзбек тилинде «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деп кирилл имласына жазылды(3-сүүрет). Урандағы: қарақалпақ тилиндеги "putkul dunya" сөзи - "Барлық еллердиң" деп өзгертилди[4, 122].

1977 жыл Бурынғы Аўқамның жаңа Конституциясы хэм ӨзССР дың жаңа Конституциясы қабыл етилгеннен кейин 1978-жылы 29-майда ҚКАССР Жоқарғы Кеңесиниң гезектен тысқары 8-сессия 9-шақырығында ҚКАССР дың жаңа конституциясын қабыл етти. Оның 156-статьясында ҚКАССР герби хәкқында айтылған. 1978 жылдағы өзгерислер соннан ибарат: рус тилиндеги аббревиатуралар алып тасланып, уранның сөзлерин жайластырыу нәубетине қарай өзгерген- алдын лентаның жоқарғы хэм төменги тәрәпинде еки қатардан сөз жазылған болса, енди жоқарғы қатарында төрт сөз (еки қатар) хэм пәсте бир сөз бар(4-сүүрет). Коммунистлик партияның орны пәсейгеннен кейин дәслеп Қарақалпақстан Совет Республикасы, кейин Қарақалпақстан Республикасы деп қайта аталды.

1990-жылы 14-декабрьде Нөкисте ҚКАССР Жоқарғы Советиниң IV сессиясында преамбула хэм 12 пункттен ибарат «Қарақалпақстан Республикасының мәмлекетлик суверенитети хәкқындағы Декларация» қабыл етти. Декларацияның қабыл етилиуи менен Қарақалпақстан суверен республикасының мәмлекетлик нышанлары: байрақ, герб, гимнди белгилеу бойынша жұмыслар баслап жиберилди. Қарақалпақстан Республика Жоқарғы Советиниң 1991-жылы 25-июньдеги «Қарақалпақстан Совет Республикасының мәмлекетлик герби, байрағы хэм гимни хәкқындағы» қарарына мууапық, мәмлекетлик нышанлар 1991-жыл дауамында конкурс тийкарында қабыл етилиуи керек болды. Бул бағдардағы жұмыслар Өзбекстан Республикасы миллий ғәрезсизлиги жәрияланғаннан соң әмелге асырылды. 1993-жылы 8-апрельде Қарақалпақстан Республикасының XII сессиясында мәмлекетлик герб тастыйықланып, тийисли ызам қабыл етилди.

Қарақалпақстан Республикасы Конституциясы 1993-жылы 9-апрельде Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Советиниң XII сессиясында қабыл етилди. Оның бесинши статьясында Қарақалпақстан республикасы



мәмлекетлик белгилери: герб, байрақ хәм гимни ҳаққында айтылған[5, 25-26]. Атақлы қарақалпақ сүүретшиси Жоллыбай Изентаев тәрәпинен гербтиң сүүрети салынды. Гербтиң орайында гумис ренде сүүретленген-қанатларын кең жайып турған Қумай қусы-бахыт хәм еркинлик сүйиўшилик белгиси. Артқы планда жасыл дала, қойыў көк ренде таў, охра ренде халықтың мәденияты хәм өзине тән әйемгилиги белгиси-зардуштийлик қорғаны Шылпық естелиги жайласқан. Бул реңлер республикамыз байрағындағы реңлер есапланады. Әмиўдәрәя хәм Арал теңизи үстинен көтерилген алтын қуяш сүүретленген.

2. Закон Республики Узбекистан «Об авторском праве и смежных правах» от 20.07.2006 г. // Национальная база данных законодательства, 21.08.2021 г., № 03/21/709/0808
3. Закон Республики Узбекистан «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных» от 06.05.1994 г. // Национальная база данных законодательства, 05.10.2020 г., № 03/20/640/1348
4. Стратегия развития интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан на 2022-2026 годы, утвержденная постановлением Президента Республики Узбекистан от 26 апреля 2022 года № ПП-221. // Национальная база данных законодательства, 23.08.2022 г., № 06/22/194/0766
5. Закон Азербайджанской Республики от 5 июня 1996 г. «Об авторском праве и смежных правах». [https://www.internet-law.ru/law/int/nation\\_sng/doc001.pdf](https://www.internet-law.ru/law/int/nation_sng/doc001.pdf)
6. Директива № 91/250/ЕЭС Совета Европейских Сообществ «О правовой охране компьютерных программ» (Брюссель, 14 мая 1991 г.). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A31996L0009>
7. Интеллектуальное право. Учебник (на узбекском языке). Отв. ред.: О.Окюлов, Н.Э.Гафурова. – Т.:ТДЮУ, 2019.

*Дастурий таъминот муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси объекти сифатида*

**Резюме.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида дастурий таъминотни муаллифлик-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилиш масалалари таҳлил қилинган ва уларни ҳал қилиш учун таклиф ва ҳулосалар келтирилган. Шунингдек, «ЭХМ учун дастурий таъминот фойдаланувчилари» тушунчасига муаллифлик таъриф берилган, ушбу соҳадаги қонунчилик базаси таҳлил қилинган, айрим ибораларнинг мазмун-маъноси очиқлиб берилган.

**Таянч сўзлар:** дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи, бошланғич матн, объект коди, компьютер интерфейси.

*Программное обеспечение как объект охраны авторских прав*

**Резюме.** В статье анализируются проблемы авторско-правовой охраны программного обеспечения и приводятся выводы и предложения для их решения. В работе дается авторское определение понятия «пользователи программного обеспечения для ЭВМ», анализируется законодательная база в этой сфере, а также раскрывается сущность некоторых терминов.

**Ключевые слова:** программное обеспечение, авторское право, исходный текст, объектный код, компьютерный интерфейс.

*Software copyright protection*

**Summary.** The article analyzes the problems of Software copyright protection in the Republic of Uzbekistan and provides conclusions and proposals for their solution. The scientific work gives the author's definition of the concept of «Software Users», analyzes the legislative framework in this area, and also reveals the legal nature and essence of some terms.

**Key words:** software, copyright, source code, object code, computer interface.

УДК 343.97

## ЭКОЛОГИЯ ТАРАҒЫНДАҒЫ ЖЫНАЯТЛАРДЫҢ СЕБЕПТЕРИ ҲАМ ОЛАРҒА ИМКАНИЯТ ЖАРАТЫҰШЫ ФАКТОРЛАР

Утемураева С.Ш.

*Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

Бүгінги кунде раўажланыў, социал-экономикалық, сиясий, руўхый машқалалардың шешилиўи Жер жузинде экологиялық машқалалардың кескинлесиўинен ғарезли болып қалды. Сол себепли дүнья жүзинин итибары экологиялық машқалаларға, экологиялық жағдайдың кескинлесиў себебин анықлаўға, қоршаған орталықтың тәбийий жағдайын жақсылаўдың жолларын қыдырыўға қаратылған.

Бундай жағдайда экология тараўындағы жынаятшылықты келтирип шығаратуғын себеп хәм шараятларды туўры анықлаўға айрықша талап қойылады. Криминология көз-қарасынан экология тараўындағы жынаятшылық – белгили бир дәўирде, белгили бир аймақта яки мәмлекетте исленген, тәбиятты қорғаў хәм тәбийий ресурслардан ақылға уграс пайдаланыў тараўындағы жәмийетлик қатнасықларға, соның ишинде экологиялық қәуипсизликти, шахсты, жәмийетти, миллетти хәм мәмлекеттиң бир тегис раўажланыўын тәминлеў бойынша жәмийетлик қатнасықларға қол қатқан экология тараўындағы жынаятлардың жыйындысынан туратуғын қурамалы жәмийетлик қатнасықлар.

Жынаятшылықтың пайда болыўын криминологлар алғашқы дүзимниң антогонистлик қарама-қарсылықлы класларға бөлинип жеке меншиктиң пайда болыў дәўири менен байланыстырады[1]. Бизиң изертлеў предметимиздеги жынаятшылықтың пайда болыўы да усы дәўирлерден басланады десек, қәтелеспеймиз. Әйемги адам пайда болыўының дәслепки күнлеринен-ақ тәбият ызым-ақ менен соқлығысты. Ол тәбиятқа ийкемлесип жасаўды үйрениў менен бирге, оған өз тәсириң көрсете алды. Күн көрисиниң дәслепки күнлерин мийўелерди жыйнаў, балық аўлаў, аңшылық пенен өткерген инсан әсте-ақырын шарўашылыққа, дийханшылыққа үйренди. Жерди ийелеўде шабыў-өртеў усылын пайдаланған. Бундай усыл менен өзлестирилген жер тез арада деградацияға ушырап, өнимдарлық қәсийетинен айырылған. Сол себепли инсан тез-тез басқа жерлерге көшип отырған хәм усындай усыл менен жерди ийелеўин даўам еткен. Айырым түрдеги хайўанлар түрлериниң жоқ болып кетиўи де усы дәўирлерге туўра келеди [2]. Өндириллик дәўирге дейинги

алғашқы жәмийет тәбiiйii орталыққа керi тәсирин тийгизип үлгерди, бүгiнги күнде болса, бул тәсир өндирислик күшлердiң себебинен күннен-күнге күшеймекте. Өндирис күшлерин надурис ислетiуден келип шығатуғын кәлеген түрдеги, хәттеки жергиликли техноген авария яки апатшылық тәбiiйii орталықта тикленбейтуғын өзгерислерди пайда етиүи хәм экологиялық айырықша жағдайды пайда етиүи мүмкин[3].

Жынаятшылық социаллық кубылыс, усы социаллық кубылыстарда адамлардың өзiн услап-тутуы себеби жатады. Демек, жынаятшылықтың себеп хәм шараяты келип шығыуы бойынша – жәмийетлик болады. Жынаятшылықтың келип шығыуы себеп хәм шараятларын методологиялық үйрениуде криминология ең алды менен детерминация, бирлик хәм қарама-қарсылық, тарийхыйлық хәм системалылық нызамларынан пайдаланады. Экология тарауындағы жынаятшылықтың себеп хәм шараятын үйрениуде усы нызамларды басшылыққа аламыз. Экология тарауындағы жынаятшылықтың улыўма себеби барлық экологиялық жынаятлардың улыўма себебинен келип шығады. Себеби, экологиялық жынаятлардың улыўма себеби барлық топарлық экологиялық жынаятлар ушын туўра келеди хәм индивидуал жынайый хәрекетлердiң белгилеушиси сыпатында болады [4]. Экологиялық жынаятлардың улыўма себеби тәбият пенен инсан қатнасықлары ортасындағы қарама-қарсылықта жатады. Инсан тәбият пенен өз-ара байланыста. Ол тәбият пенен байланыста болмай турып жасай алмайды. Инсан өмирин тәбияттан, тәбiiйii байлықлардан бөлек көз алдымызға келтире алмаймыз. Солай екен, инсан өзiн тәбияттың бир бөлеги, бир пүтинликтiң бөлеги екенлигин аңлауы керек.

Лекин, тәбият хәм жәмийет қатнасықлары инсан пайда болған дәслепки күнлерден-ақ қарама-қарсылықлардан ибарат болды. Бул қарама-қарсылықлар кейiнги дәуирде және де курамаласты. Бүгiнги күнде бул қарама-қарсылықлар тәбияттың бир бөлеги болған инсан хәм тәбият ортасындағы; жәмийет хәм мәмлекеттиң тәбiiйii орталықтағы пайдаланыу имканиятлары менен жәмийетлик талаптар ортасындағы; өндирис күшлери хәм өндирис қатнасықлары арасындағы; тәбияттан пайдаланыушы субъектлер – жәмийет, жәмийетлик топар, индивидтиң экологиялық санасы хәм тәбиятты қорғауға қаратылған мақсетлер арасындағы қарама-қарсылықлардан ибарат. Қарама-қарсылық категориясы социаллық детерминацияны келтирип шығарады, оның раўажланыу себеплериниң пайда болыуына алып келеди. Усы көз-қарастан алып қарағанда, экологиялық криминоген детерминацияның улыўма себеплери ретинде тәбият хәм жәмийеттиң өз-ара қатнасынан келип шығатуғын басқа да қарама-қарсылықлардың түрлери де ушырауы мүмкин. Экология тарауындағы жынаятшылықтың улыўма себеплери инсан хәм тәбият өз-ара тәсирге кирисиу пайтында жүзеге келиуши қарама-қарсылықлар тарауында жатады. Бул қарама-қарсылықлар экономикалық тураксызлық шараятында экология тарауында ғайыхуқықый хәм базада жынайый ис-хәрекетлер ушын шәрт-шараят жаратады. Экология тарауындағы жынаятларға тийисли жынаят ислерин үйрениу лаўазымлы шахслар тәрeпинен исленетуғын экология тарауындағы жынаятлар хәм лаўазым статусына ийе болмаған шахслар тәрeпинен исленетуғын экология тарауындағы жынаятларды ажыратуы имканын береді. Бул жынаятлар қастан яки абайсызлық себепли ислениуи, дәмегөйлик яки басқа өзгешеликке ийе болыуы мүмкин.

Экология тарауында лаўазымлы шахслар тәрeпинен исленетуғын жынаятлар әдетте социаллық қәуипилик дәрежесиниң жоқарылығы менен ажыралып турады, базада экологияға жүдә үлкен, орнын толтырып болмайтуғын зыян келтиреді. Бул тийкарынан экология тарауында лаўазымлық жынаятына себеп болған қарама-қарсылықлар негизинде шөлкемлестирiu-басқаруы яки хәкимшилиқ-хожалық ўазыйпаларын орынлау жатыуына байланысly. Жобаластыруы, бөлистируы, оператив басқаруы, шөлкемлестирiu дүзилмелер шөлкемлестирiu, қадағалау, жәмийеттиң қоршаған орталық пенен өз-ара тәсирин техникалық-технологиялық тәрeптен хәм ресурслар менен тәминлеу ўазыйпалары мине усы тарауда әмелге асырылады.

Солай етип, экологиялық тәрeптен әхмийетли қарарлар қабыл қылуы ўәкиллигине ийе лаўазымлы шахслар көп санлы. Усы шахслардың экология тарауындағы ғайыхуқықый минез-кулқына төмендегилер унамсыз тәсир көрсетеді: экологиялық әхмийетке ийе искерликте тәбиятты қорғау илажларын өз ўақтында өткерiuден ўаз кешиу есабынан пайдалы қазылмалар хәм шийки зат ресурсларын алыуды арзанластыруыға хәрекет қылуы; тәбiiйii ресурсларды қайта ислеу хәм олардан пайдаланыуды тийкарсыз рәуиште әпиўайыластыруы яки тезлестирiu хәм т.б.

Экология тарауында жынаятлар қастан да, абайсызлық себепли де ислениуи мүмкин. Қастан жынаят ислеушилерге эгоизм, жәмийетлик мәплерге писентсизлик, экология нызамшылығына хұрметсизлик хәм т.б. тән. Экология тарауында абайсызлық себепли лаўазымлы жынаятлары әдетте жеңилтеклик, қоршаған орталықты қорғау мәселелерин тәртипке салыушы нызамларға хұрметсизлик, укыпсызлық, өзбасымшалық хәм қадағалауысyzлық тән болған шахслар тәрeпинен исленеді. Экология тарауында лаўазым статусына ийе болмаған шахслар тәрeпинен исленетуғын жынаятлар қатарына ең алды менен аў хәм балық аўлау қағыйдаларын бузыу, тереклер, басқа тоғай егинлерин нызамсыз шабыу киреди.

Усы категориядағы жынаятлардың улыўма себеплери қатарына төмендегилер киреди: аўшылық, балықшылық хәм басқа искерлик тарауларын тәртипке салыуда бар болған үлкен кемшилиқлер; талаптарды қанаатландыруыдың нызамлы кураллары лазым дәрежеде раўажланбағанлығы; жынайый искерликке қадағалау илажлары менен нәтийжели тәсир көрсетилмеуи; экология тарауындағы жынаятлар ушын жынайый хәм хәкимшилиқ жуўапкершилиқ нәзерде тутылған нызамшылық нәтийжели қолланылмауы (айырым жынаятшылардың жазасызлығы) хәм т.б. Субъектив себеплер қатарына төмендегилер киреди: экологиялық хәм хуқықый сана дәрежесиниң пәслиги; халықтың айырым топарларының усы жынаятларға бийпарқлығы. Көрсетип өтилген жынаятлардың себеплери ғайыхуқықый искерлик пенен шуғылланыудың экологиялық-географиялық шәрт-шараятлары менен тығыз байланысly. Бул тийкарынан аў яки балық аўлау менен актив шуғылланыу имканияты сақланған аймақлар болып есапланады.



Соңғы жылларда экология тараўындағы жынаятлардың жер асты байлықтарын ызымсыз қазып алыу, дәрилик өсимликлер өсириу сыяқлы түрлери де раўажланбақта. Экология тараўындағы жынаятшылықтың лаўазым менен байланыслы болмаған экономикалық факторлары жүдә көп түрли. Олардың қатарына, жоқарыда атап өтилгенлерден тысқары, турмыс дәрежесиниң пәсейиуи, жумыссызлық, бийпул яки имтиязли емлениу имканиятиның жоғалыуы киреди. Әйне усы себеплерге көре браконьерлик, жерди жеке мүтәжликлер ушын өзбасымшалық пенен ийелеп алыу, айырықша қорғалатуғын аймақлар режимин бузыу кең тарқалмақта. Бул жынаятларды ислеуши шахслар экономикалық қыйыншылықлар нәтийжесинде ызымлы тиришилик дәреклерин жоғалтып, көбинесе ызымды бузыуға мәжбүр болмақта. Лекин бул жынаятларды дәмәғәйлик нийетинде ислеуши шахслар саны да әдеуир бар. Экология тараўындағы социаллық қатнасықларды ызым жолы менен тәртипке салыу тийкарынан ислеп шығарыу хәм басқа хожалық искерлиги унамсыз ақыбетлериниң алдын алыуға емес, ал усы ақыбетлер жүзеге келгеннен соң оларды сапластырыуға қаратылған болып, бул экологиялық көзқарастан да, экономикалық көзқарастан да мақсетке муўапық емес. Ызымшылықта экологиялық шеклеулер хәм тәбияттан пайдаланыу режимлери системасы жетерли дәрежеде сәўлелендирилмеген, ызымшылықты экологияны қорғауға бағдарлау концепциясы жоқ. Экология тараўындағы жынаятшылыққа қадағалау органлары хәм кәрханалар лаўазымлы шахсларының қоршаған тәбийий орталықты қорғау тараўындағы активлиги сезилерли дәрежеде тәсир көрсетпекте.

Экология жынаятшылығының алдын алыу улыўма илажларын әмелге асырыу жәмийет хәм тәбияттың өз-ара тәсири тараўындағы социаллық процеслердиң нәтийжелери менен тиккелей байланыслы. Экология тараўындағы социаллық мүнәсибетлерде ызымшылық хәм хуқықый тәртип, ызымлы экологиялық сана хәм минез-қулқы қәлиплестире алатуғын узақ мүддетли антикриминоген тәсир әйне макродәрежеде қәлиплеседи. Бул процеслерди оптималластырыуға тәбияттың экологиялық әҳмийетке ийе элементине болған барлық мүлк формаларының ызымлы түрде бар екенлигиниң әҳмийетли социаллық машқаласын шешиу үлкен әҳмийетке ийе болыуы мүмкин. Барлық дәрежелерде антикриминоген процесслердиң субъектлери қатарына төмендегилер киреди: мәмлекет, ведомстволар, кәрханалар, жәмийетлик шөлкемлер, жеке пуқаралар.

Криминологиялық жынаятшылықты улыўма ескертиу тараўында, атап айтқанда, қоршаған орталыққа актив тәсир көрсетиуши санаат өндирисин жетилистириу, аўыл хожалығын модердизациялау, тәбиятты асырап-абайлауға қаратылған оптимал технологияларды раўажландырыуға байланыслы социаллық-экономикалық илажлар үлкен әҳмийетке ийе. Социаллық-экономикалық факторлардың антикриминоген тәсири жерлердиң халаты, олардың аўыл хожалық өндирисине жарамлылығы, хайўанат хәм өсимликлер дүньясының халаты, суўлардың халаты, олардың санаат, аўыл хожалық өндириси, жәмийетлик хәм пуқаралардың түрли талаптарын қанаатландырыуға жарамлылығына илимий тийкарланған қатнас пенен тығыз байланыслы болыуы лазым. Бунда инсан минез-қулқы, инсан мийнетиниң өзгешелиги, үрп-әдетлер, дәстүрлер, өзликте аңлау, өзине өзи бақа беріу хәм т.б. ға тәсир көрсете алатуғын географиялық факторлар, ықлым факторлары хәм басқа факторлар есапқа алыныуы шәрт. Экология тараўындағы жынаятлардың алдын алыуда атқарыушы хәм ызым шығарыушы ҳәкимият дүзилмелери жанында шөлкемлестирелетуғын тийисли комитетлер менен комиссиялар үлкен роль ойнауы лазым. Социаллық хәм индивидуал дәрежелерде экологиялық-хуқықый сананы (ой-пикирди) үзликсиз асырып барыу да үлкен әҳмийетке ийе. Экология тараўындағы жынаятлардың алдын алыу искерлигиниң тийкаргы имканиятлары мине усы ўазыйпаны шешиуге байланыслы.

Экологиялық-хуқықый тәрбияны жетилистириуге қаратылған илажлар қатарына төмендегилер киреди: хуқықый тыйымлар менен адамлардың ишки хәм сыртқы келисиўин тәминлеу; экология тараўындағы жынаятлар ушын жуўапкершилик белгилеуши нормаларды үгитлеу хәм олар ҳаққында мәлимлеме беріу; пуқаралардың социаллық активлигин асырыу, олардың усы хуқықбузарлықларға қарсылығын күшейтиу.

Экология тараўындағы жынаятлардың алдын алыудың нәтийжелелиги улыўма хәм арнаўлы профилактика илажларын актив қолланыуды нәзерде тутады. Арнаўлы профилактика илажлары қатарына төмендегилер киреди: экологиялық әҳмийетке ийе минез-қулқ, соның ишинде жынаят-хуқықый тыйымларға бойсыныу үстинен қадағалауды жетилистириу; экология тараўында анықланған хуқықбузарлықлар ҳаққында тийисли мәкемелерге мәлимлеме беріу; арнаўлы режим орнатыу хәм технология және басқарыу ўазыйпалары менен процеслерин қайта қурыу; экология ушын зыянлы болған белгили бир ҳәрекетлерди әмелге асырыуды норматив жол менен қадаған етиу хәм т.б. Айырым тәбийий комплекслер, аймақлар, участкалар, суў бассейнерли, атмосфера ҳаўасы, хайўанат дүньясы, тоғай массивлери хәм сол сыяқлылар қадағалау объектлери есапланады. Буннан тысқары, айырым адамлар топарлары хәм пуқаралардың минез-қулқы үстинен қадағалау жүргизиу лазым.

Хуқық қорғау органлары, тәбиятты қорғау инспекциялары, жәмийетлик шөлкемлер, ведомстволық қадағалау органлары қадағалау субъектлери есапланады. Қадағалау усыллары тәбийий объектлер халатын тиккелей бақлау, рейдлер, тексеріулер өткеріу, объектлерди ызымсыз кириуден қорықлау, өткеріу режимин орнатыу, экология тараўында исленген хуқықбузарлық қуралларын алып қойыу, ызымсыз ҳәрекетлерди тоқтатыу хәм т.б. өз ишине алады. Экология тараўындағы хуқықый қатнасықларды тәртипке салыушы хуқық нормаларына бойсыныуды қадағалау айырықша орын ийелейди. Булар: тәбиятты қорғау ызымшылығының орынланыуы үстинен прокурор қадағалау; рухсат беріуши система искерлиги; ҳәкимшилик қадағалау.

Прокурор көрсетпеси, протести хәм усыныслары, судлардың жеке уйғарыулары, ишки ислер органлары, тәбиятты қорғау органларының мәлимлемелери экология тараўындағы жынаятлардың алдын алыудың нәтийжели илажлары болып есапланады.

Табиятты қорғау мәселелерин тәртіпке салыушы нызам ҳужжетлерин және де жетилистириу үлкен профилактикалық әҳмийетке ийе. Экология тараўындағы жынаятларға қарсы гүрес нызамларға хәм оларға муўапық қабыл етилген нызам асты ҳужжетлерине муўапық хәм олардың шеңберинде алып барылады. Бул нызам ҳужжетлеринде экология тараўындағы жынаятлардың алдын алыу ҳәрекетлери хәр тәрәплеме баян етилген, экология тараўында қәуипсизликти тәминлеуға қаратылған әҳмийетли илажларды өткеру бойынша көрсетпелер берилген. Олар экология тараўындағы жынаят белгилери болған фактларға тийисли материалларды милиция хәм прокуратура органларына тапсыруу тәртин белгилейди.

Улыўма алғанда, табиятты қорғау искерлигинин ҳуқықый базасын үзликсиз жетилистириу экология тараўындағы жынаятларға қарсы гүрес нәтийжелилигин асыруудың әҳмийетли факторларынан бири болып есапланады. Бул бағдарда үлкен нызам дәретиўшиликти ислери алып барылмақта, бул жынаятларға қарсы гүресте көмеклесе алатуғын жаңа норматив ҳуқықый ҳужжетлер ислеп шығыу хәм қабыл қылыу, барларын болса жетилистириу ушын нызам шығарушы хәм атқару ҳәкимияты органлары, жәмийетлик бирлеспелер, алымлар хәм ибилерменлер күш-ғайратын бирлестириу илажлары көрилмекте.

Экология тараўындағы түрли машқалаларды шешиуде ҳуқықый тәрәптен тәминлеу ўазыйпасын нәзерде тутыушы мәмлекетлик илимий-техникалық бағдарламалар да экология тараўындағы жынаятшылыққа қарсы гүрестин ҳуқықый негизин бекемлеуға көмеклеседи. Бизин пикиримизше, экология тараўындағы жынаятшылыққа қарсы гүрес бекем ҳуқықый негизге ийе болуы керек. Мәселен, экология тараўында нызамды бузғаны ушын физикалық хәм юридикалық шахслардың жуўапкершилигин асыруға байланысly барлық әҳмийетли қағыйдалар бир арнаўлы нызамда жәмленсе, мақсетке муўапық балар еди.

Экология тараўындағы жынаятшылыққа қарсы гүресте ол турмыстың биологиялық тийкарларына, инсанның саламатлығына хәм раўажланыўына ҳақыйқый қәуип туўдыруын мудамы ядта тутыу әҳмийетли болып есапланады.

#### ӘДЕБИЯТЛАР

1. Четвериков В.С. Криминология. Учебное пособие -М.: ИНФРА-М.. 1996, с.33
2. Жан Дорст. До того как умрет природа. Перевод с французского М.А.Богуславской, Н.Б.Корбиной М.,1968, с.23-23.
3. Лапина М. А. Опыт деятельности зарубежных правоохранительных органов по обеспечению экологической безопасности.//Экологическое право.2000,№1,с.33.
4. Дубовик О.Л., Жалинский Причины экологических преступлений. -М.:Наука. 1988. с.90

*Экология соҳасидаги жиноятлар ва уларга имкон яратувчи факторлар*

**Резюме.** Мақолада экология соҳасидаги жиноятларнинг сабаб ва шароитлари ва ушбу жиноятларнинг олдини олиш масалалари криминология нуқтаи назаридан урганилади.

**Таянч сўзлар:** жиноятчилик, объектив ва субъектив сабабалар, табиятни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, профилактика.

*Экологические преступления и способствующие им факторы*

**Резюме.** В статье исследуются причины и условия совершения преступлений в сфере экологии и предупреждения этих преступлений с точки зрения криминологии.

**Ключевые слова:** преступность, объективные и субъективные причины, правовая охрана природы, профилактика.

*Environmental crimes and their contributing factors*

**Summary.** The article examines the causes and conditions for the commission of crimes in the field of ecology and the prevention of these crimes from the point of view of criminology.

**Key words:** crime, objective and subjective reasons, legal protection of nature, prevention.

## ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАСНИФИ

Чориев М. А.

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси*

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари деганда бу ҳуқуқлар ўз аксини топган халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро ҳуқуқий асосларига халқаро ҳужжатлар қиради ва уларни ҳам шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Халқаро универсал ҳужжатлар: БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколлар, 1979 йилдаги “Иркий камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисида”, 1989 йилдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”, 1984 йилдаги “Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция”, 1979 йилдаги “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги” конвенциялар, шунингдек, 1979 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар ҳулқ-атвори кодекси”, 1989 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар ҳулқ-атвори кодексини самарали амалга оширишнинг асосий тамойиллари”, 1985 йилдаги “Суд мустақиллигини таъминловчи тамойиллар” ва 1990 йилдаги “Суд органларининг мустақиллигини таъминлаб берувчи асосий тамойилларни самарали амалга ошириш ҳақидаги ҳужжат” каби қўшлаб турли ҳужжатлар [1]дир. Минтақалараро ҳужжатлар: ЕХХТнинг Хельсинки якунловчи акти ҳамда “Инсонийлик мезонлари”ни ташкил этувчи ҳужжатлар [2] (ушбу ҳужжатлар кўринча, халқаро “юмшок” ҳужжатлар сифатида талқин қилинади). Минтақавий ҳужжатлар (Ўзбекистон бу ҳужжатларда иштирок этмаса-да, уларни минтақавий ҳужжат сифатида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир) [3]. “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси (1950 йил) ва унга қўшимча 14 та протокол,

“Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Америка конвенцияси (1969 йил), “Инсон ва халқ ҳуқуқларининг Африка хартияси” (1981 йил), МДХ давлатларининг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси (1995 йил) киради.

Шахсий ҳуқуқлар ичида энг азиз ҳуқуқлардан бири - бу яшаш ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ 1948 йилнинг 10 декабридаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида белгилаб қўйилган, унга кўра, “Хар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”. Бу қоида 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 6-моддасида янада такомиллаштирилди. Ушбу модданинг 1-бандида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”, деб кўрсатиб қўйилди. Аммо, ушбу модда ўлим жазосини бутунлай бекор қилмасда, барча давлатларни ўлим жазосини бекор қилишга ҳамда 18 ёшга тулмаган ва ҳомиладор аёлларни олий жазога тортмасликка чақиради. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишни кўзловчи Иккинчи қўшимча протоколи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда 44/128-сонли Резолюция билан қабул қилинган Пактга қатнашувчи барча давлатлар учун очикдир. Иккинчи протокол ўлим жазосини бутунлай тақиқлашни кўзласада, айни пайтда, иштирок этувчи давлатларга уруш пайтида олий жазони қўллашга изн беради (2-модда). Бунинг учун давлатлар Протоколни имзолаётган пайтда ўзларининг иродасини очик баён қилиши керак бўлади. Иккинчи протокол ҳозирга қадар 75 та давлат томонидан тўла қабул қилинган.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи қафолатланган ушбу халқаро нормалар, халқчил конституция деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида ҳам ўз аксини топган, яъни унда “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суикасд қилиш энг оғир жиноятдир”, деб кўрсатиб ўтилган. Яшаш ҳуқуқининг қафолати сифатида юқоридаги нормаларни ҳаётга жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони муҳим роль уйнади. Ушбу Фармонга кўра, 2007 йил 15 июнда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 29 июнда Сенат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида аввал ўлим жазоси кўзда тутилган моддалардаги жазо турлари умрбод ёки узоқ муддатли жазо турларига алмаштирилди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармони асосида 2007 йил 15 июнда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 29 июнда Сенат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб бу ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кирди. Жумладан, ушбу Қонуннинг 1-моддаси 1-қисмида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 18-моддасининг 2-қисмида “Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги” қондаси белгилаб қўйилди [5]. Ушбу қоида, одатда, “Habeas Corpus” институти деб аталади. “Habeas Corpus” институтининг моҳияти “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” 9-моддасининг 3-ва 4-банд-ларида белгилаб қўйилган. Хусусан, 9-модданинг 3-бандида “жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда қурилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши қўйлаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, лекин озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқиляётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш қафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин”. Ушбу модданинг 4-бандида эса, “Қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фар мойиш берсин”[6]. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортик халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган Ўзбекистон Республикаси ўз миллий қонунчилигини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бормоқда. “Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва бошқа процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш керак деб уйлайман”[7]. “Habeas Corpus” институти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг конституциявий мақомини топди, яъни унинг 19-моддасида “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустахкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”,[8] деб кўрсатиб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонига асосан 2007 йилда қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизнинг нафақат демократик йўлдан бораётгани, балки у ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини собитқадамлик билан бажариб боришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг процессуал қафолатларини мустахкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлдики, бу ўз ўрнида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришнинг яққол далилидир. Бу қонунга кўра, дастлабки терговга ҳолислик,

тортишувчилик, судга мурожаат қилиш эркинлиги ва суд орқали ҳимояланиш тамойиллари кириб келди. Яъни, терговчи ва прокурор гумон қилинувчи ва айбланувчини камокка олишга ёки дастлабки тергов муддатини узайтиришга фақат суднинг қарори билан ҳақли бўлдилар [9]. Демак, суд мажлисида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглигини таъминлашнинг яна бир ҳуқуқий асосининг яратилиши билан миллий қонунчилик ўзи ривожланишининг янги босқичига чиқди. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги янги қонун аёллар ва болалар савдосига қарши кураш ишига катта ҳисса қўшди. Қонун инсонлар савдосига қарши кураш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари рўйхатини белгилаб берди, уларга: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташки ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги киради. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш мақсадларида қонунда инсон савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган муассасалар ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: инсон савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена, озиқ-овқат, белгиланган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаб бериш; инсон савдоси жабрдийдаларига шошилиш тиббий, руҳий, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдамни кўрсатиш; инсон савдоси жабрдийдаларининг хавфсизлигини ҳимоя қилиш ва бошқалар. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Конституция ва кодексларда ўз аксини топиши билан бир қаторда, мамлакатда ушбу ҳуқуқларга оид махсус қонунлар базаси ҳам шакллланган бўлади.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги нормалар сайлов кампанияси мобайнида сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга тенг шарт-шароитлар яратиш механизмларини ривожлантириш билан бир қаторда фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишлари учун ҳуқуқий қафолатлар таъминланиши янада мустаҳкамланди. 33-моддада фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Конституциянинг 34-моддасига кўра эса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоа бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи Конституциянинг 35-моддасида кўрсатиб ўтилган. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиклиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак[10].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари устувор ҳуқуқ ҳисобланади ва бу Ўзбекистон Конституциясида биринчи ўринда берилганлигида ҳам кўринади. Шахсий ҳуқуқ эркинликлар фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, эътиқоди билан боғлиқдир. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонни шахс сифатида намоён этувчи имкониятдир. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни одатда табиий ҳуқуқлар ҳам деб юритилади. Улар инсон туғилиши билан вужудга келади. Уларни давлат бермайди. Фақат шу ҳуқуқларни давлат таъминлайди ва шунга мажбур. Шахсий яъни табиий ҳуқуқлар барча мамлакатларда мавжуд ва давлат томонидан таъминланади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар халқаро ҳужжатлар билан ҳам ҳимоя қилинади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий қафолатлари ҳар бир фуқарога ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳаракат қилиб, жамиятда ўз ўрнини топиш учун шахсий қарорлар қабул қилишига, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда ҳуқуқ ва эркинликларидан эркин фойдаланишига хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. –Т.: Адолат, 2004. 520-бет.
2. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. /Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2005. – 168-бет.
3. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. /Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2005. – 168-бет.
4. Улим жазосини бекор қилиш ҳамда камокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга утказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр /Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурам, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 8-18.
5. Улим жазосини бекор қилиш ҳамда камокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга утказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр /Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурам, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Адолат, 2007. – Б.20
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам /А.Х. Саидов таҳрири остида. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 40.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 187.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 6.



9. Иногомжонова З.Ф. Дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш механизми. //Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТДЮИ, 2007. — Б. 6—7.
10. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент. Ўзбекистон Нашриёт уйи. 2016 йил. 56 б.

*Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар таснифи.*

**Резюме.** Мақолада Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш боғлиқдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг таснифи ва ушбу ҳужжатларнинг Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашдаги аҳамияти ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** декларация, пакт, Акт, Виждон эркинлиги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, Инсон ҳуқуқлари.

*Классификация международных стандартов защиты прав и свобод личности.*

**Резюме.** В статье дана классификация Международно-правовых документов в области защиты прав и свобод личности и и освещено значение этих документов в обеспечении прав и свобод личности.

**Ключевые слова:** декларация, пакт, Акт, Свобода совести, Гражданские и политические права, Права человека.

*Classification of international standards for the protection of personal rights and freedoms*

**Summary.** The article provides a classification of international legal documents in the field of protection of individual rights and freedoms and highlights the importance of these documents in ensuring individual rights and freedoms.

**Key words:** declaration, pact, act, freedom of conscience, civil and political rights, human rights.

## КОНСТИТУЦИЯ – ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Янгибаев А. К.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг халқаро ҳужжатлар қоидалари даражасида кафолатларини яратиш асосий эътибордаги масалалардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар халқаро ҳуқуқ меъёрларида, Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган тегишли қонунларда назарда тутилган қатор ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши эътиборга олинган. Буларга кўра, Ўзбекистонда яшовчи барча чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар миллати, irqи, жинси, диний, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенгдирлар. Уларнинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари кафолатланади. Улар қонун олдида тенг бўлиб, ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамалиши, ушлаб турилиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг камситилишига ёки алоҳида юқори мавқега қўйилишига йўл қўйилмайди. Умуман Ўзбекистонда барча чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий меъёрларда белгиланган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланадилар. Бундай ҳуқуқ ва эркинликларнинг аксарият қисми Конституциямизда ҳамда бошқа қонунларимизда мустаҳкамланган.

Инсонга яшаш ҳуқуқи билан бирга ўз ҳаёти давомида яшаш жойини ўзи танлаш ҳуқуқи берилган бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиш ҳуқуқи асосий қонунчилик нормалари билан мустаҳкамланган. Бу норма халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўлиқ мос келади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”нинг 13-моддасига кўра, ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эгадир дея таъкинланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жуда кенг доирада шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар белгиланган бўлиб, ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқи билан бирга бир жойдан иккинчи бир жойга эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ҳам берилган. Конституциянинг 28-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланган. Фақат қонунда белгиланган чеклашларгина бундан мустаснодир. Ўзбекистон ҳудуди доирасида фуқароларимизга яшаш жойини ўзи эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, республиканинг бошқа ҳудудларига кўчиб кетиши-келиши ўтган 2021 йил давомида 254939 нафар киши ташкил этган.[1]

Ўзбекистонда истиқомат қилувчи аҳолига республикага кириш ва ундан чиқиб ҳуқуқи ҳам кафолатланган бўлиб, ўтган 2000 — 2020 йилларда Ўзбекистондан 1 107 854 нафар фуқаро хорижий давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетган. Шу 20 йил ичида мамлакатга кўчиб келган хорижликлар сони эса 99 341 кишини ташкил этган. 2021 йил давомида эса Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга 20,14 минг киши кўчиб кетган бўлса, йил давомида 1875 киши мамлакатга кўчиб келган. Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 56,6%), Россия (30,5%), Тожикистон (3,7%), Қирғизистон (2,3%), Украина (1,6%) ва бошқа мамлакатлар (5,3%) ҳиссасига тўғри келган.[2]

Ўзбекистон айниқса, қўшни мамлакатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон Республикалари билан ҳар бир соҳада ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзининг азалий қон-қариндошчилик муносабатларини ривожлантирмоқда. Чунки, бу миллатлар халқлари қадимги Турон заминда ягона Туркий тилда гаплашган, ягона динга, маданият ва урф-одатларга эгадирлар. Улар ўзларининг умумий тарихи, маданий анъаналари, тили, маънавий қадриятлари, муштарак ҳаёт тарзи, руҳияти бир-бирларига жуда яқин бўлиб кетишган. Ўзаро ўрнатилган қариндошлик алоқаларини бугунги кунда бир-бирларидан ажратиш деярли

мумкин эмас. Ушбу миллатларнинг ўзаро иноқликда, дўстликда ҳаёт кечириши инсонлар учун энг муҳим бўлган тинчликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

Шу сабабли ҳам мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёев ташаббус билан қўшни мамлакатлар билан биродорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида икки томонлама битимлар ва шартномалар тузилиб, фуқароларимизга бир давлат ҳудудидан иккинчи бир давлат ҳудудига эркин келиб-кейтиш имкониятлари яратилди. Хусусан, 2018 йил 9 мартда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Тожикистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисидаги Битимга мувофиқ, бир томон давлатининг бошқа томон давлати ҳудудига бўлиб турган фуқаролари, қабул қилувчи томон давлатининг давлат чегарасини кесиб ўтган пайдан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ўзлари бўлиб турган томон давлатининг ваколатли органларида рўйхатдан ўтиш ҳамда вақтинча рўйхатга қўйиш мажбуриятларидан озод этиладилар. Башарти томонлардан бири давлатининг қонунчилиги шахсларнинг кириши, бўлиб туриши, рўйхатдан ўтиши ва вақтинчалик рўйхатда туриши ёки чиқиб кетишига нисбатан янада қулайроқ шароитларни ўрнатадиган бўлса, мазкур томон давлати ҳудудига ўз давлатининг миллий қонунчилиги қўлланилиши белгиланди [3]. Шунингдек, 2017 йил 6 мартдаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Битим, шунингдек, 2018 йил 23 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга амал қилиб тузилган Ўзбек-Туркман чегараолди савдо зонаси – савдо маркази фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш тўғрисидаги Битимга асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Туркменистон фуқароларининг савдо марказга 10 кунгача кириши ва чиқиши амалдаги халқаро саёҳат учун ҳужжатлар асосида визасиз амалга оширилиши белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки асосий қонунга мувофиқ, фуқароларнинг Республикага ҳудудидан чиқиб кетишда маълум белгиланган чеклашлар ҳам мавжуд бўлиб, бу алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда ўзбекистон республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4079-сон Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом талаблари асосида хорижга чиқиш ҳуқуқидаги чекловлар белгиланган бўлиб, унга кўра: а) агар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса – иш юзасидан узил-кесил суд қарори ёки бошқа қарор қабул қилингунгача; б) агар шахс ички ишлар органларининг маъмурий назоратида бўлса – назорат тўхтатилгунгача; в) агар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилган бўлса – жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан ва шартли ҳукмдан озод қилингунгача; г) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса – мажбуриятлар ижро этилгунга қадар, вояга етмаган болаларни таъминлаш учун алиментлар олдиндан тўланганлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг маълумотномалари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно; д) агар шахс ўзи тўғрисида қасддан сохта маълумотларни тақдим этган бўлса; е) агар шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти мавжуд бўлса – у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб бир йил ўтгунгача. Бунда хорижга чиқишига нисбатан қўйилган чекловни белгиланган муддатидан олдин бекор қилиш масаласи ташаббускор ваколатли органнинг ёзма хати асосида амалга оширилади.[4]

Пандемия шароитида фуқароларнинг эркин ҳаракатланишини чекловчи қонун ҳужжатлари доирасида маълум қоидалар жорий этилган бўлиб, бундай чеклашлар нафакат Ўзбекистон Республикасида балки бутун ер юзи бўйлаб барча мамлакатларда фуқароларнинг ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ айрим чекловлар ўрнатилди. Ҳатто давлатлараро учрашувлар, йиғилишлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ҳам видеоконференцалоқа режимида ўтказилди. Мамлакатимиз ҳудудига ҳам фуқароларнинг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга эркин ҳаракатланишга ҳам айрим чекловлар ўрнатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сонли Қарори асосида коронавирус инфекцияси аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олиш мақсадида, шунингдек, коронавирус инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудида аниқланганлигини инобатга олиб ва ушбу инфекция республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) коронавирус инфекцияси юмшагунга қадар тўхтатилди. Булар вақтинчалик чора-тадбирлар сифатида хизмат қилди ва вазият юмшаши билан бекор қилинди.

Ҳозирда мамлакатимизда яшовчи ҳар бир шахсни ёки Ўзбекистон ҳудудига келувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобини юритиш, масъул соҳа вакиллари олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолини доимий рўйхатга қўйиш статистик ҳисоб билан бирга фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга ҳам имкон беради. Агарда хорижий давлатлар мисолида қарайдиган бўлсак, АҚШнинг МДХ давлатларидан паспорт тизимини таъминлаш борасидаги ўзига хос фарқли жиҳати шундан иборатки, унда ҳеч қандай «прописка» тизими мавжуд эмас. Шу билан бирга, аҳолига яшаш учун рухсат берувчи рўйхатга олиш («регистрация») тизими ҳам жорий этилмаган. Фақатгина аҳолининг электрон ҳисоби (базаси) бир нечта давлат органлари томонидан ўз мақсадлари йўлида шакллантирилади (бундай маълумотлар базаларига АҚШнинг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олган шахслар базаси – DMV («Department of Motor Vehicle»); аҳолининг нафақа фонди

базаси – SSA («Social Security Administration») ва бошқаларни киритиш мумкин). Бу эса, фуқароларнинг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлайди.[5. 86 б.]

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 декабрда “Ўзбекистон Республикасида фуқароларни доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1049-сонли Қарори қабул қилиниб, мазкур қарор доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби ишлаб чиқилди.[6]

Фуқаролар янги яшаш жойига келган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлиналари, Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтишлари лозимдир. Туғилган боллага фуқаролиқ ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилаётганда, у отаси ёки онасининг доимий рўйхатга олинган манзилида идоралараро автоматлаштирилган тизим орқали маълумотларни киритиш йўли билан доимий рўйхатга олинади. 16 ёшга тўлмаган фуқаро унинг ота-онаси ёки васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган манзилда доимий ёки вақтинча рўйхатга олиниши шарт ҳисобланади.

Фуқаронинг доимий рўйхатга олинганлиги куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин. Жумладан: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир манзилдан бошқа манзилга доимий рўйхатга олинганда; мулкдорнинг аризасига кўра – Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида белгиланган бир киши учун турар-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидалар асосида доимий рўйхатга олинган фуқаролар; мулкдор ўзгарганда, унинг аризаси ва уй-жойга эгалик қилишни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида; суднинг фуқарони уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва кўчириш ҳақидаги қарори асосида; фуқаро қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганда; сохта ҳужжатлар ёки ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар асосида доимий рўйхатга олинганлиги аниқланганда – суднинг қонуний қучга кирган айблов ҳукми асосида; умрбод озодликдан маҳрум қилинганда – суднинг қонуний қучга кирган айблов ҳукми асосида; вафот этганда – ФХДЁ органининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси ёки маълумотномаси асосида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг доимий рўйхатини бекор қилиш маҳкумнинг ишончномаси асосида ёки уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотганлик ҳақидаги суд қарорига мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январда “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат асосида 111 та хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк сотиб олиш шarti билан яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи тақдим этилди. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари учун 30 кун муддатга визасиз режим жорий қилинадиган 45 та мамлакатлар рўйхати ҳамда 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган 77 та мамлакатлар рўйхати белгиланиб, амалда ижроси таъминланиб келинмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, зарур ҳолларда, айрим давлат фуқаролари учун 30 кунгача бўлган муддатда электрон кириш визаларини олиш юзасидан чекловлар белгилаш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади.

Хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистон фуқароси, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши, республикага кириш ва республикадан чиқиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида кафолатланган.

#### АДАБИЁТЛАР

1. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/17361-demografik-holat-2021-yil-yanvar-dekabr>
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/28/migratiion-2021/>
3. <https://lex.uz/docs/5995741>
4. <https://lex.uz/docs/4162591>
Қайд этиш лозимки, қонунда жиноятнинг фақат бевосита иштирокчиларига эмас, балки унга дахлдор бўлган шахсларга ҳам таъсир ўтказиш имконини берилиши муҳимдир. Зотан, “жиноятларга, айниқса оғир жиноий қилмишларга қарши курашнинг муваффақияти дахлдорликка қарши курашнинг самарадорлиги даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ”. Шу нуқтаи назардан олсак, жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жавобгарлик масаласи назарий-амалий жиҳатдан алоҳида диққатга сазовордир. Қонунчилик, суд-тергов амалиёти ва жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур масалага бир хилда ёндашилмайди. Дахлдор шахсларнинг қилмишлари жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиш ва тергов қилишга, айбдорларни фош этиш ва етказилган зиённи қоплашга монелик қилиш орқали одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларга жиддий зарар етказиши. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда дахлдор шахсларнинг ҳуққ-атворига лозим даражада баҳо бермаслик ҳолатлари ҳам кузатиладики, улар қонун чиқарувчининг нуқтаи назарида ва фанда ўз ифодасини топган. Юқорида айтилганлар жиноятга дахлдорлик ва унинг иштирокчилик билан ўзаро нисбати муаммосига уюшган жиноий фаолиятга қарши кураш чораларини оптималлаштириш нуқтаи назаридан янгича кўз билан қараш зарурлигини белгилайди. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг моҳиятини тўғри тушуниш, мазкур тушунчанинг мазмуни билан қамраб олинган ҳаракатларнинг хусусиятини аниқ тасаввур қилиш жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун, бинобарин, қонунийликни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эгадир. Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг юридик табиатини аниқлашдаги қийинчиликлар шу билан белгиланадики, айрим ҳолларда у жиноятга ёрдамчиликнинг тури сифатида амал қилади, иштирокчиликни ҳосил қилади, баъзи ҳолларда эса мустақил жиноят ҳисобланади.

Замонавий юриспруденцияда ҳуқуқшунос олимлар томонидан жиноятга дахлдорлик тушунчаси турлича талқин қилинишига қарамадан, моҳиятан бир хил таърифланади. Жумладан, М.Усмоналиев “дахлдорлик – бошқа шахслар томонидан содир этиладиган ёки содир этилган жиноятда умуман иштирок этмаган, аммо уларнинг жиноятга тайёргарлик қўраётганлиги, жиноят содир этганлиги ҳақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда ҳокимият органларига хабар қилмаслик, шунингдек жиноятчини, жиноят қуролини, жиноят изларини ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширишдан иборатдир”, деб таъкидлайди[1, 296]. М.Х.Рустамбоев ҳам бу борада фикр юритиб, “дахлдорлик – жиноятга у билан сабабий боғланишда бўлмаган, жиноий жазога сазовор дахлдорлик”, деб таърифлайди[2, 145]. А.С.Якубовнинг фикрича эса, “жиноятга дахлдорлик деганда, бошқа шахслар томонидан содир этилаётган жиноятда қатнашмасдан туриб, уларга алоқадорлик тушунилади”. Бундан ташқари, ҳорижий юридик адабиётларда “жиноятга дахлдорлик – жиноятга бевосита алоқадор бўлмаган шахснинг фаолияти бўлиб, у жиноий фаолият билан боғлиқ муносабат”, деб таърифланади[3, 45]. В.Г.Трифоновнинг ёзишича, Л.Е.Владимиров жиноятга дахлдорликни мустақил институт сифатида ажратувчи белгиларнинг рўйхатини таклиф қилган. Булар: 1) жиноятга дахлдорлик фақат жиноятни ҳосил қилувчи қилмиш учун мавжуд бўлиши мумкин; 2) у олдиндан ваъда қилиниши мумкин эмас, акс ҳолда у жиноятда иштирокчиликка айланади; 3) у хизмат кўрсатилиши билан тамом бўлган деб ҳисобланади. Жиноятга қулай имконият яратишга суиқасд қилиш мавжуд бўлиши мумкин; 4) жиноятга дахлдорлик қасддан содир этилган бўлиши керак; 5) у жиноий фаолиятнинг исталган босқичида амалга оширилиши мумкин; 6) мустақил жиноят сифатида ўзида иштирокчиликка йўл қўяди; 7) у ўзи кўрсатилаётган жиноятда иштирокчилик билан мос келиши мумкин эмас, акс ҳолда у оддий иштирокчиликка айланади: бир вақтнинг ўзида жиноятга қулай имконият яратувчи ва шу жиноятнинг ўзида иштирокчи бўлиш мумкин эмас [4, 103].

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, жиноятга дахлдорлик институти жиноят ҳуқуқи назариясида ҳали-ҳануз ҳар хил талқин қилинади, бу эса жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яширишнинг юридик табиатига тавсиф беришга ўз таъсирини кўрсатади. Кўриб чиқилаётган институтни тадқиқ этган Н.С.Косякова жиноятга дахлдорликни “шахснинг бошқа шахслар билан бирга содир этилаётган жиноят билан боғлиқ бўлган, лекин унга кўмаклашмайдиган ва жиноий натижа билан сабабий боғланишда бўлмаган, қасддан содир этиладиган ва олдиндан ваъда қилинмаган фаолияти” сифатида тавсифлайди. Кейинчалик у тажовуз объекти – жамоат хавфсизлигини аниқлайди, жиноятнинг умумий белгиларини кўрсатади ва қуйидаги таърифни беради: жиноятга дахлдорлик – жамоат хавфсизлигига тажовуз қиладиган ва жиноят қонунида назарда тутилган, айбли тарзда содир этилган, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят билан боғлиқ бўлган, лекин



уни тайёрлаш ва содир этишга қўмаклашмайдиган, бинобарин жиноий натижа билан сабабий боғланишда бўлмаган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) [6, 7]. А.В.Зарубиннинг фикрига кўра, жиноятга дахлдорлик деганда, асосий тажовузни содир этганлик учун унда иштирокчилик белгилари мавжуд бўлмаганда жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга монелик қиладиган, қасддан содир этиладиган фаолият тушунилади [5, 65].

В.Г.Трифонов жиноятга дахлдорлик тушунчасига таъриф берар экан, унинг мазмунига жиноятнинг белгиларини ҳам киритиш зарурлигини қайд этади ва жиноятга дахлдорликни олдиндан ваъда қилинмаган, қасддан содир этиладиган, бошқа шахс томонидан содир этилаётган ёки содир этилган бошқа ижтимоий хавфли қилмишнинг олдини олиш, уни тўхтатиш ва фош қилиш борасидаги фаолиятга монелик қиладиган, фақат сўнгги зикр этилган жиноят мавжуд бўлганда ва унинг юзасидан содир этилиши мумкин бўлган, лекин сабабий боғланиш билан ва айбли тарзда ушбу қилмишнинг содир этилишини белгиламайдиган ижтимоий хавфли, ғайриқонуний хулқ-атвор сифатида таърифлайди [4, 103]. Н.С.Косякованинг таърифидан фарқли ўлароқ, В.Г.Трифонов жиноятлар билан бир қаторда, муайян шароитларга кўра (жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаганлик, ақли норасолик туфайли) жиноят субъекти бўлиши мумкин бўлмаган шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишларига ҳам дахлдорлик имконияти мавжудлигига ишора қилади [6, 7]. В.Г.Трифоновнинг фикрига кўра, жиноятга дахлдорлик қуйидаги белгилар йиғиндиси билан белгиланиши лозим: жиноятга дахлдорликдан иборат қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси асосий жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади; жиноятга дахлдорлик қилмишлари ҳар доим қасддан содир этиладиган хусусият касб этади; жиноятга дахлдорлик қилмишлари фақат бошқа шахс томонидан содир этилган жиноят мавжуд бўлганда ва унга нисбатан мавжуд бўлиши мумкин; жиноятга дахлдорлик фақат у олдиндан ваъда қилинмаган ҳолда мавжуд бўлади, яъни жиноятга дахлдор шахсларнинг хулқ-атвори билан содир этилаётган ёки содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмайди; жиноятга дахлдорлик фақат жиноятларга нисбатан ўзининг жиноят-ҳуқуқий аҳамиятини сақлаб қолади, ақли норасо ёки жиноий жавобгарлик ёшига тўлмаган шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан у бундай аҳамиятга эга бўлмайди; жиноятга дахлдорликдан иборат хулқ-атвор барча ҳолларда давлат органларининг бошқа шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишларининг олдини олиш, тўхтатиш, уларни фош қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги нормал фаолиятига монелик қилади, бу эса, асосий қилмиш тажовуз қилувчи ижтимоий муносабатлар хилма-хил эканлигига қарамай. Жиноятга дахлдорлик объектининг ўзгармаслигини англатади. “Айрим дахлдорлик ҳаракатлари”га муаллиф олдиндан ваъда қилинмаган яширувчиликни, олдиндан ваъда қилинмаган жиноят ҳақида хабар бермасликни ва жиноятга йўл қўйиб беришни киритади [4, 103]. Шундай қилиб, олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик мустақил жиноят таркиби ҳисобланади ва жиноятга дахлдорлик институтининг алоҳида тури сифатида қаралади, деган нуктаи назар, бизнингча, энг тўғри ва ўринли нуктаи назардир. Юқорида қайд этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, фикр юритилаётган жиноят тушунчасига қуйидагича таъриф бериш, бизнингча, мақсадга мувофиқ: Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш содир этиладиган ёки содир этилган жиноятга алоқаси бўлмаган шахсларнинг ҳаракатсизлиги (ҳаракати) бўлиб, жиноят ҳақида аниқ била туриб, ҳокимият органларига хабар бермасликда ёки яширишда ифодаланади ҳамда қонунда назарда тутилган асослар (оғир ёки ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши ёки содир этилганлиги билан боғлиқ ҳолатлар) мавжуд бўлганда жиноят сифатида баҳоланади.

Мустақил жиноят таркиби сифатидаги олдиндан ваъда қилинмаган яширувчилик ҳақида гап фақат жиноятчи, жиноятни содир этиш қуроллари ва воситалари, жиноят излари ёки жиноий йўл билан қўлга киритилган ашёлар яширилганда, бу жиноятни содир этишда мазкур шахс иштирок этмаган ҳолда бориши мумкин. Ваҳоланки, олдиндан ваъда қилган яширувчиликда шахс ўзининг бажарувчи билан биргаликдаги фаолияти натижаси ҳисобланадиган жиноятни яширади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: Илм Зиё, 2006.
3. Якубов А.С. Учение о преступлении по законодательству Республики Узбекистан. –Т. Академия МВД. 1995.
4. Трифонов В.Г. Заранее не обещанное укрывательство преступлений и несообщение о них как виды прикосновенности к преступлению. – Дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000.
5. Морозов В. И., Зарубин А. В. Уголовно-правовое регулирование прикосновенности к преступлению: Учебное пособие. – Тюмень, 2005.
6. Косякова Н.С. Прикосновенность к преступлению по российскому уголовному праву: становление, состояние и перспективы развития: Автореф. дис... канд...юрид...наук. – М., 2001.

*Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати*

**Резюме.** Мақолада жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш тушунчаси ва унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати таҳлил қилинган. Ушбу масала бўйича замонавий юриспруденцияда олимларнинг фикрлари ўрганилган. Шунингдек мақолада жиноятга дахлдорлик масаласи ҳам кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят, хабар бермаслик, яшириш, жазо, дахлдорлик, фаолият.

*Понятие о несообщении или сокрытии преступления и общественная необходимость установления уголовной ответственности за него*

**Резюме.** В статье анализируется понятие несообщения или сокрытия преступления и социальная необходимость установления за него уголовной ответственности. Изучены мнения ученых в современной судебной практике по этому вопросу. В статье также рассматривается вопрос о причастности к преступлению.

**Ключевые слова:** преступление, несообщение, сокрытие, причастность, деятельность.

*The concept of non-reporting or concealment of a crime and the social need to establish criminal liability for it*

**Summary.** The article analyzes the concept of non-reporting or concealment of a crime and the social necessity of establishing criminal liability for it. The opinions of scientists in modern judicial practice on this issue are studied. The article also addresses the issue of involvement in a crime.

**Key words:** crime, failure to report, concealment, involvement, activity.

## O'ZBEKISTONDA SHAXS SHAKLLANISHI VA JAMIYAT RIVOJIDA DINIY BILIMLARNING AHAMIYATI

Jumaniyozova D.

Toshkent Davlat Yuridik universiteti

O'zbekistonda tarixiy-madaniy meros, jumladan, diniy qadriyatlarga bo'lgan e'tibor davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Ayni kunda, respublikada 16 ta diniy konfessiya faoliyat olib bormoqda. Birgina islom dini bilan bog'liq diniy-irfoniy ta'lim muassasalari: islom o'rta maxsus bilim yurtlari, Imom Buxoriy nomidagi Toshkent islom instituti, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi, Samarqandda Imom Buxoriy xalqaro ilmiy tadqiqot markazi, Buxoroda Mir Arab oliy madrasasi huzuridagi Bahouddin Naqshband tasavvuf ilmiy maktabi, Surxondaryoda Imom Termiziy xalqaro ilmiy tadqiqot markazi, Qashqadaryoda Abu Mu'in an-Nasafiy nomidagi aqida ilmiy maktabi, Farg'onada Marg'inoniy ilmiy markazi tashkil etildi. Davlatimiz rahbari tomonidan ishlab chiqilgan Harakatlar strategiyasining beshinchi bandida ham xavfsizlik, diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni ta'minlash ustuvor yo'nalish sifatida qayd etilgan. Шу маънода инсонийлик, баркамоллик шахс шаклланиши ва жамият ривожини учун муҳим масала эканлигини қайд этиш лозим. Insoniylik va ilohiylik uyg'unligi masalasi qadimgi Sharq falsafasi, jumladan, «Avesto» yozma bitigi, «Tripitaka», Vedalar, Upanishadlar, Misr muqaddas yozuvlari, Konfutsiy, Lao Szi asarlarida o'z ifodasini topgan. Shuningdek, Sharq mutafakkirlari Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Jaloliddin Rumiy, Abu Ali ibn Sino, Umar Xayyom, Alisher Navoiy kabilar ijodining asosiy g'oyasi jamiyatning eng oliy qadriyati – insoniylik tarbiyasiga qaratilgan. G'arb falsafasi namoyandalari Jan-Jak Russo, Volter, Frensis Bekon, Rene Dekart ijodida bilim insoniylikni tarbiyalash mezonini ekanligi ochib berilgan. Umuman olganda, XX asrda dunyoda insonga bo'lgan munosabat yangi bosqichga ko'tarilgan. Masalan, Yevropada Karl Yaspers, Martin Xaydegger, Xans Georg Gadamer, Rossiyada Nikolay Berdyaev, Nikolay Chernyshevskiy, Markaziy Osiyoda Abdulla Avloniy, Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdurauf Fitrat kabilar ijodining asosida insoniylik muammosi turadi. Xususan, Abdulla Avloniy «Kishilarni yaxshilikka undash, yomonlikdan qaytarish, dunyodagi barcha insonlarga ezgulik istagi bilan yashash chinakam olijanoblikdir», [1] deb kishilarni ezgulikka chaqiradi.

Insoniylik nuqtai nazaridan ham, ilohiylik nuqtai nazaridan ham barkamollik, komillikka erishish mumkin, biroq Mutlaq barkamollikka, komillikka erishib bo'lmaydi. Mutlaq komil, barkamol Alloh, Xudodir. «O'z nafsida yoki boshqalarda ko'rinadigan komillik» (al - G'azolliy), ya'ni hayot tarzida, asosiy faoliyatda, xulq-atvorda, axloqda, kishilar bilan munosabatlarda, oilaviy va ijtimoiy burchlarni ado etishda inson komillikka, barkamollikka erishishi mumkin, degan g'oya islomni maftunkor dinga, e'tiqodga aylantirgan. Bugun islom diniga dunyoda qiziqish va intilish kuchayib, uning xayrixoh va tarafdorlari ko'payib bormoqda. Buning asosiy sababi islom dinining haqqoniyligi va pokligi, insonparvarligi va bag'rikengligi, kishilarni yaxshilikka chorlashi, hayot sinovlarida o'zini oqlagan qadriyat va an'analarni avlodlarga yetkazishdagi o'rni va ahamiyati bilan bog'liqdir. Xalqimizning ma'naviyatini shakllantirishga, har qaysi insonning Alloh marhamat qilgan bu hayotda to'g'ri yo'l tanlashi, umrning mazmunini anglashi, avvalambor, ruhiy poklanish, yaxshilik va ezgulikka intilib yashashda uning ta'sirini boshqa hech qanday kuch bilan qiyoslab bo'lmaydi. [5] Haqiqatan ham o'zimiz o'tkazgan sotsiologik kuzatuvlarning natijalari ham ushbu fikrning, so'zlarning hayotiylikni tasdiqlaydi. Masalan, savol-javob varaqi (anketa)ga kiritilgan «Shaxs ma'naviyatini yuksaltirishda qanday qadriyatlardan kengroq foydalanish zarur deb o'ylaysiz?» degan savolimizga respondentlarning 41 foizi «diniy qadriyatlardan», 22 foizi «ilm-fan yutuqlaridan», 21 foizi «san'at va ijod namunalari», 11 foizi «Yangi pedagogik texnologiyadan», 3 foizi «radio-televideniye, kino imkoniyatlaridan» deb javob bergan. «Diniy qadriyatlardan» deb javob bergan respondentlarning 54 foizini yoshi katta (50-70 yoshlardagi) kishilar, 24 foizini ishchi yoshlar, 18 foizini talaba va o'quvchi yoshlar tashkil etadi. Chamasi yoshi katta kishilar islom dinidagi umrboqiy qadriyatlar, ma'naviy-axloqiy boyliklarni teranroq, chuqurroq idrok etadilar. Ular o'zining hayotiy tajribasidan kelib chiqib, diniy qadriyatlarning ezgulikni, bag'ri kenglikni, mehr-muruvvatni, xullas, insoniylikni qaror toptirishga xizmat qilishini yaxshi biladilar. Yoshlar diniy qadriyatlarga qiziqsalar-da, ularning ahamiyatini hali chin dildan sezmaydilar. Ushbu respondentlarning yarmidan ziyodi (53 foizi), ilm-fan, adabiyot va san'at asarlaridan, imkoniyatlaridan ko'proq foydalanish lozim, deb hisoblaydilar. Chamasi ular badiiy ijod namunalari, zamonaviy ilm-fan yutuqlari shaxs ma'naviyatiga kuchli ta'sir etish imkoniyatlariga ega ekanini yaxshi sezadilar.

«O'zingiz diniy marosim va tadbirlarning qaysi birida muntazam qatnashasiz?» degan savolga respondentlarning 48 foizi «namoz o'qish va juma namozlariga qatnash», 20 foizi «Qurbon hayiti va Ro'za hayitida qatnashish», 17 foizi «Qur'oni karimni mutolaa qilish», 6 foizi «muqaddas qadamjolariga borish», 2 foizi «diniy-axloqiy asarlarni o'qish va teleko'rsatuvlarni tomosha qilish», «amri ma'rifatlarga qatnashish» deb javob bergan. Ko'rinib turibdiki, namoz o'qish va juma namozlari uchun machitlarga qatnash yuqori ko'rsatkichga ega. Respondentlar mamlakatimizda dinga, diniy

qadriyatlariga yuqori ahamiyat berilayotganini to'g'ri ilg'ab olishgan va o'zlarining vijdon erkinligi huquqidan unumli foydalanishga intilishadi. Shu bilan birga ayrim yoshlarda «namoz o'qish va machitga qatnash har bir kishi uchun shartdir» degan tushunchalar ham qaror topayotgani ko'zga tashlanadi. Respondentlarning 23 foizi juma namozlarida ilm-fan, adabiyot, san'at, ijtimoiy hayotdagidan ko'ra ko'proq «qoniqish», ma'naviyat, axloqiy fazilatlar olayotganini, shaxs ma'naviyatini, axloqini faqat «shunday diniy tadbirlargina tuzatishi mumkin», deb qayd etadilar. To'g'ri, taqvodorlar yig'iladigan joy, maskan ularda ma'lum bir umumiy axloqiy, ijtimoiy fazilatlarini shakllantiradi, ularni inoq, ahil bo'lib yashashga undaydi. Shu bilan birga shaxs ma'naviyatining shakllanishi faqat machitga bog'liq emasligini unutmazlik darkor. Ilohiylikni ulug'lashga qaratilgan tadbirlar inson ruhiga, qalbiga, axloqiga qanchalik pozitiv ta'sir ko'rsatmasin, biz Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev uqtirganidek «Imom-xatiblarimizning ma'ruza va suhbatlari ko'pincha tor diniy mavzuda cheklanib qolmasligini istaymiz».[6] «Ilohiylik faqat Allohni tan olishdangina iboratmi? Uning negizi yana nimalar bilan bog'liq deb o'ylaysiz?» degan savolga respondentlarimizning 38 foizi «ota-ona bilan», 31 foizi «vatan tushunchasi bilan», 19 foizi «barchaga mehr-muhabbat bilan» 8 foizi «tinchlikni, hayotni asrash bilan», 4 foizi «farovon yashash bilan» deb javob berishgan. Ilohiylik tushunchasini imon, e'tiqod bilan bog'lashsa-da, uning negizida boshqa qadriyatlar ham borligini unutmazlik darkor. Ota-onani hurmat qilish, ularning roziligiga erishish farzandlar uchun ham qarz, ham farz. Muhammad payg'ambar degan: «Uch toifa kishilar borki, ular jannatga kirmaydilar: Ota-onasiga oq bo'lgan farzand; Ichkilikka mukkasidan ketgan kishi; Bergan xayru ehsonini yoki yaxshiligini minnat qiluvchi odam» [7]. Demak, ota-ona oldidagi burchini ado etish ilohiyga oid fazilatlaridan biridir, kishi ushbu fazilati orqali Allohga, komillikka, ma'naviy barkamollikka yaqinlashadi.

Vatanni sevis, unga xizmat qilish ham ana shunday fazilatdir. Buni aksariyat respondentlarimiz to'g'ri anglashadi. Shu bilan birga, ular barcha kishilarga mehr-muhabbat bilan qarash zarur, degan insonparvarlik g'oyasini ham qo'llab-quvvatlashadi. Yuqori ko'rsatkich (4 foiz) bermasa-da, ayrim respondentlar, ularning 79 foizini 30 yoshgacha bo'lgan kishilar, asosan talaba va o'quvchi yoshlar tashkil etadi, «farovon yashash» fikrini bildiradilar. Aslida farovon yashash yomon, salbiy istak emas, ammo ilohiylik tushunchasini u bilan qanday bog'lash mumkin degan savolga ularning aniq javob berishi qiyin. «Diniy tadbirlardagi irfoniy va ma'naviy-axloqiy suhbatlar, mavzular kishilarning ma'naviy barkamolligiga ta'sir etadimi?» degan savolga respondentlarimizning 72 foizi «ha», 17 foizi «unchalik emas», 9 foizi «yo'q» deb javob bergan. Demak, diniy-ma'rifiy va axloqiy tadbirlar kishilarning ma'naviy barkamolligiga ta'sir etadi, ularda ma'lum bir ma'naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirishga xizmat qiladi. E'tiborli joyi shundaki, «ha» deb javob berganlar ichida katta yoshdagilar 71 foizni, talaba va o'quvchilar 72 foizni tashkil etadi. Yoshlar zamonaviy qarashlarga, san'at va ilm-fan yutuqlariga ko'proq ishonsa-da, diniy tadbirlarda inson ma'naviy-ruhiy olamiga ta'sir etuvchi imkoniyat borligini rad qilmaydilar. Ammo «unchalik emas» (17 foiz) va «yo'q» (9 foiz) respondentlar o'tkazilayotgan diniy tadbirlardan, ulardagi axloqiy-ma'naviy mavzulardagi suhbatlardan hali qoniqmayotganlarini bildiradilar. Xullas, kishilar diniy, e'tiqodiy maslaklarini ham hayotiy motivlariga, ehtiyoj va qiziqishlariga qarab tanlashi, baholashi yoki o'zgartirishi mumkin. Aynan ushbu omillar 17 foiz respondentlarni «unchalik emas», 9 foiz respondentlarni esa «yo'q» deb javob berishga undagan.

Kishilar diniy-irfoniy qarashlarga ega bo'lgan va ma'naviy-axloqiy ehtiyojlari oshgan sayin ularning diniy tadbirlarga talabi ham yuqoriga ko'tariladi, endi ularni quruq va'zlar yoki hayotdan uzoq pand-nasihatlar, tautologik suhbatlar emas, balki real, hayotiy muammolarga, ruhiy-ma'naviy ehtiyojlarga to'la javob beradigan tadbirlar qoniqtirishi mumkin.

#### ADABIYOTLAR

1. Abu Homid al – G'azzoliy. Mukoshafat – ul qulub. Qalblar kashfiyoti. I – kitob. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004. -52 b.
2. Avloniy A. Tanlangan asarlar. –Toshkent: Ma'naviyat, 2006. -44 b.
3. Dildfuza, D. (2017). HUMANITY AND DIVINITY RESEARCHES IN THE ORIENTAL PHILOSOPHY. *Theoretical & Applied Science*, (10), 51-53.
4. Djumaniyazova, D. (2021). Humanity And Divinity Are The Objects Of Sufi Teachings. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 16-26.
5. Komilov N. Tasavvuf ikkinchi kitob. Tavhid asrori. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at, 1999. -19 b.
6. Mirziyoyev Sh.M. Ijtimoiy barqarorlikni ta'minlash, muqaddas dinimizning sofligini asrash-davr talabi // Xalq so'zi, 2017, 16 iyun.
7. Jumaniyazova, D. (2022). ISSUES OF PERSONAL SPIRITUALITY FORMATION IN UZBEKISTAN. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(07), 43-46.
8. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Т.2. – Москва: Наука, 1980. -49 с.
9. Hotamov G', Hamroyev Sh. Bir bolaga yetti mahalla ota – ona yoxud vakhobiylik, ilmsizlik, loqaydlik haqida / Islom: bag'rikenglik va mutaassiblik. – Toshkent, 1998. -63 b.
10. Zairov, A., & Muhammadiyeva, O. (2021). YANGILANAYOTGAN O'ZBEKISTONDA JAMIYAT ISLOHOTLAR TASHABBUSKORI. *Scientific progress*, 2(7), 209-215.

*O'zbekistonda shaxs shakllanishi va jamiyat rivojida diniy bilimlarning ahamiyati*

**Annotatsiya.** Maqolada diniy bilimlar tafakkurni, sub'ektiv qarashlar va transtsendental fikrlarni shakllantirishdangina iborat emasligi, ular jamiyatning ma'naviy yangilanishi, kishilar o'rtasida insoniy fazilatlarini barqaror voqelikka aylantirish uchun zarurligi haqida fikrlar yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Tafakkur, shaxs, din, insoniylik, ilohiylik, qadriyat, respondent, falsafa

*Роль религиозных знаний в формировании личности и развитии общества в Узбекистане*

**Резюме.** В статье утверждается, что религиозные знания – это не только формирование мышления, субъективных взглядов и трансцендентных мыслей, они необходимы для духовного обновления общества, превращения человеческих качеств в устойчивую реальность среди людей.

**Ключевые слова:** Мышление, личность, религия, человечество, божество, ценность, респондент, философия

*The role of religious knowledge in the formation of personality and development of society in Uzbekistan*

**Summary.** The article argues that religious knowledge is not only the formation of thinking, subjective views and transcendental thoughts, they are necessary for the spiritual renewal of society, the transformation of human qualities into a stable reality among people.

**Key words:** Thinking, personality, religion, humanity, deity, value, respondent, philosophy

## БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ТАРБИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАР ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ҲАҚИДА

Фарҳодов Ф. Б.

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги талаба ва ўқувчиларнинг маънавий юксалишига  
қўмаклашиш маркази*

Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий жараёнларни бошқариш, бошқарувчи раҳбар шахсига қўйиладиган талаблар муаммоси долзарб аҳамият касб этган. Чунки раҳбардаги адолатлилик, бир сўзлик, қатъиятлик ва принципиаллик каби сифатлар жамият аъзолари ўртасидаги муаммоларни бартараф этишга ҳам ёрдам берган. Бундан ташқари жамиятда ижтимоий муносабатлар ўзига хос равишда ижтимоий мавқе жиҳатидан кимнингдир юқори даражада туришини тақозо этса, иккинчи томондандан, ижтимоий ҳаёт, инсонларнинг турмуш тарзи ва фаровонлиги мана шу раҳбар шахсига, унинг раҳбарлик сифатлари ва фаолиятига беvosита боғлиқдир. Шу муносабат билан халқ оғзаки ижоди, Шарқ маънавий мероси, Ғарб файласуфлари, замонавий педагогика, психология, менежмент соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда ҳам раҳбар маънавияти, психологияси ва унинг фаолиятини ташкил этишга доир изланишлар олиб борилмоқда.

Шарқ маънавий меросида ҳам бошқарув муаммосига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида халқни ижтимоий бошқарувида фозил одамлар шахрида шахар аҳолиснинг маълум бир хусусиятларга кўра гуруҳларга – табақаларга ажратиш муҳим эканлиги айтиб ўтилган. Бундай табақаланиш жамият аъзоларининг ўз-ўзларини бошқаришлари асосида жамиятнинг ҳам ўзини-ўзи бошқарилишига олиб келиши уқтирилади. Форобийнинг таъкидлашича “Шуларнинг ҳаммасини икки йўл билан олиш мумкин. Биринчидан, юқоридаги ҳодисалар аслида қандай мавжуд бўлса, инсон қалбига, кўнглига ўшандай ўрнашиб қолса, бошқаларнинг кўнглида бу билимлар қиёсий ёхуд тақлид асосида вужудга келади. Баъзи одамлар ўша нарсаларни ўзлари ҳис этишлари туфайли кўнгилларида шу билимлар вужудга келади. Иккинчидан, ушбу сифатларга эга бўлмаган одамлар бирикмаси эса, жаҳолатдаги ва адашган шахарларнинг аҳолисини ташкил қилади. Фикрлаш-лар, ғазаб, ҳасад, нафратга асосланган бундай шахар аҳолиси доимо бир-бирларига қарши курашиб бир-бирларига душманлик қиладилар, энг кучлилари бошқаларга нисбатан мукамалроқ тузилган бўлади. Ғолиб келганлар ҳам бир-бирларини йўқотишга уринадилар, гўё бошқа мавжудотлар номукамалдай, уларнинг борлиги буларга зарар келтирадигандай, ёхуд бошқалар уларга фақат қўлдай хизмат қилиш учун яратилгандай, барчаси бир-бирини эзиб ишлатишга интилишади”[1].

Шу билан бирга Форобий фозил шахарни ташкил этишда ушбу шахарга раҳбарлик қилувчи шахс бир қатор ижобий сифатларга эга бўлиши ва ёмон одатлардан ўзини халос этишга интилиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди: “Кимки бировни бахт ва саодатга эриштириш учун зарур бўлган иш-ҳаракатларга руҳлантира олиш қобилиятига эга бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди. Улар йўл-йўриқларни ўтмишда яшаб ўтган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак ўтмишдаги расм-русм, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим топса, турмуш шароити тақозосига қараб ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди”[1]. Энциклопедист олим, файласуф Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида бошқарув ва бошқарувчи хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, ундаги бошқарувчилик қобилияти бажараётган ишларида, ўз ишини бошқара олишида намоён бўлишини алоҳида таъкидлайди. Бошқарувчиликка доир ғоясини ривожлантирган ҳолда шундай деб таъкидлайди “Табиати жиҳатидан бошқариш ва сиёсат ишларига кизиқувчи, бошлиқ бўлишга фазилат ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадда саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилиб олган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши олдида турғун тоғлар сингари маҳкам бўлиб, у буйруққа қўп вақтлар ва узок замонлар ўтсада, кейингилар ҳам бўйсундилар”[2].

Беруний раҳбар шахсидаги адолатлилик, илмлилик, донишмандлик каби сифатларни жуда қадрлайди. Унинг таъкидлашича, ўз табиатида кўра бошқарувчи бўлган ҳоким ўз ғоя ва фикрларида қатъий туриши, бошқарув жараёнида атрофидаги донишмандлар билан кенгашиши, уларнинг доно қарашларини қабул қилиши лозим. Юртни бошқаришда олий насаблар ва паст табақадагилар, кучлилар ва кучсизлар, бой ва камбағаллар ўртасида тенглик ўрнатишга интилган, қарорлари адолатли бўлган, таълим ва илм-фан тараққиётига ғамхўрлик қилган раҳбар одил раҳбар ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожиб эса раҳбардаги камтарлик сифатини жуда қадрлайди: “Киши қанчалик юқори мартабага эришмасин, у барибир камтар бўлиб қолиши лозим”[3]. Нафақат Осиёда, балки бутун дунёда ўзининг адолатлилиги, бошқарувчилик, раҳбарлик ва ҳарбий тактикаси билан машҳур бўлган йирик давлат арбоби Амир Темур “Тузуқлар”ида бошқарувчилик маҳорати ҳақида ўз муносабатлари ва тажрибаларини қайд этиб ўтган. Амир Темур ўз қарашларида давлатни бошқариш



тамоийллари хусусида ҳам муносабат билдирган: “Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим: кенгаши; машварату маслаҳат; қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; эҳтиёткорлик” [4].

Бундан ташқари Амир Темур ишбошқарувчиликда қатъийлик ва тадбирлиликни ҳам қадрлайди: “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир” [4]. Бадиий адабиётда ўз ўрнига эга бўлган ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижтимоий муаммолар қаторида бошқарув масаласига ҳам тўхталиб ўтган. У “Садди Искандарий” достонидаги бош образ Искандар образида бошқарув маҳоратига доир сифатларни мужассам этган. Искандар образини таърифлар экан, Алишер Навоий “Дили, нияти пок, хайр ва саховатли, камтарин ва мулоийм шахс, доно подшо ва дунё сирларини билишга қизиқувчи ақл-заковат эгаси раҳбар бўлиши керак. Подшо бўлишда манманлик, ўзини бошқалардан устун қўйиш, ўзгаларни писанд қилмаслик, авом халқ билан бирга бўлолмаслик хислатлари нуқсондир” дея фикр билдиради [5]. Тадқиқотлар амалиёти шуни кўрсатадики, тарбиявий жараёнлар бевосита таълим сифатининг назарий ва услубий асосини ташкил этувчи муҳим омидир.

Тарбиявий фаолият эса, бевосита тарбиявий жараёнлар ва уларни замон талаблари асосида мукамал бошқариш орқали амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, таълим муассасаларида талаба ва ўқувчиларнинг ҳаётий компетенцияга эга бўлиши, уни жамиятга қўшилиши, фуқаролик позицияси, ижтимоий фаоллигини эгаллашига қаратилган ташкилий ва тарбиявий тадбирларнинг асосини ташкил қилиши, шубҳасиздир.

#### АДАБИЁТЛАР

- 1.Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б. 170.
- 2.Беруний Абу Райхан. Индия. Соч., т.2. –Тошкент: «Фан», 1963.– С. 8.
3. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Фан», 1972. – Б. 163
4. Амир Темур ўғитлари: Тўплам. Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов. –Тошкент: Наврўз, 1992. –Б. 75.
- 5.Навоий, Алишер. Садди Искандарий. <https://forum.ziyouz.com/index.php?topic=5385.0>

*Буюк алломаларимизнинг тарбиявий муносабатлар жараёнларини бошқариш механизмлари ҳақида*

**Резюме.** Мақолада буюк алломаларимизнинг тарбиявий муносабатларни бошқаришнинг механизмлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек мақолада буюк алломаларимизнинг тарбия жараёнларига оид рисолалари, ижод намуналари ва соҳага тегишли махсус адабиётлар асосида таҳлил этилган ва унинг замонавий тузулишини яратиш бўйича таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** раҳбар, олий таълим, профессионализм, бошқариш, билим, интеллект, қобилият.

*О механизмах управления процессами воспитательных отношений наших великих ученых*

**Резюме.** В статье рассматриваются механизмы управления воспитательными отношениями, разработанные нашими великими учеными. В статье также проанализированы трактаты наших великих ученых о воспитательных процессах, образцы их творчества и специальная литература, относящаяся к данной области, и даны предложения по созданию ее современной структуры.

**Ключевые слова:** руководитель, высшее образование, профессионализм, управление, знания, интеллект, способности.

*On the mechanisms of managing the processes of educational relations of our great scientists*

**Summary.** The article talks about the mechanisms of managing the educational relations of our great scientists. The article also analyzes the treatises of our great scientists on educational processes, examples of creativity and specialized literature related to this area, and offers suggestions for creating its modern structure.

**Key words:** leader, higher education, professionalism, management, knowledge, intellect, abilities.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ - ЯНГИ САЙЛОВЛАР ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР НИГОҲИДА

**Ҳайдаралиев Ш.**

*Наманган Давлат Университети*

Ўзгариб бораётган сиёсий жараёнларнинг хилма хиллиги, сиёсий онг ва тафаккурнинг тараққий этиш борасида Янги Ўзбекистонда мисли қўрилмаган юксалиш ва ўзгаришларга юз тутмоқда. Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда инсон омили ва сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берганини таъкидлаган ҳолда Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага қўтарилди. Маълумки, сайловлар кишилиқ жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида пайдо бўлган институтдир. Сўнгги вақтларда шаффоф ва демократик тамойилларга асосланиб ўтказилаётган сайловлар тобора оммавийлашиб бораётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, “Сайлов тизимлари бўйича халқаро жамғарма томонидан ўтказилган махсус тадқиқотларга кўра, 1950 йилларда дунё мамлакатларида олий даражадаги ҳокимият органларига 200 га яқин сайлов ўтказилган бўлса, 1990 йилларда уларнинг сони 600 тани, 2010 йилларда эса ўртача 800 тани ташкил этган” [1].

Ўзбекистонда ҳам сайловлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатда демократик сайловлар ўтказиш, том маънода, муҳим ижтимоий-сиёсий анъанага айланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан буён 5 та Президентлик сайловлари ўтказилди. Ўтказилган барча сайловларнинг сиёсий моҳиятига эътибор берадиган булсак Янги Ўзбекистон сиёсий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар тарихимизнинг эскирган принципларини тўлдириб келаётганлигидан дарак беради. Ҳозирги халқимиз олдинги хатоларини ва камчиликларини тақроламаслика ҳаракат қилмоқда. Муқаррар бўлиб ўтган сиёсий жараёнларда партиялар ўз номзодлари

танлашда халқ иродаси ва хоҳшининг инобатга олинмаслиги туфайли сайлов жараёнида кўпроқ кўзланган мақсад ва натижаларига эриша олмас эди. Халқ билан сиёсий партиялар ўртасида ўзаро ишончсизлик ва бўшлиқ етишмас эди. Мамлакатимизда ўтказилган сайловларга дунёдаги нуфузли ташкилотларнинг кузатувчиларининг фикр ва эътибори ҳам юқори даражада эмаслиги халқаро миқёсида бизнинг мавқеимизни пасайтириб юборди. Натижада нуфузли ташкилотлар ЕХХТ, ШХТ, МДХ кабиларнинг кузатувчилик миссияларида Ўзбекистон Республикасидаги Сайлов кодексининг халқаро ҳуқуқий нормаларга тўла мос эмаслиги борасида юқори минбарлардан бир неча бор танқид қилиб ўтганлиги тарихимизда қолди.

“Сўнги йилларда Ўзбекистон билан ЕХХТ ва унинг тузулмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросининг (ДИИХБ) билан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексни қабул қилиш ва такомиллаштириш доирасида ҳамкорлик олиб бормоқда” [2, 360-361] деди Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда очиқлик ва ошкоралик, сўз ва матбуот, фикр эркинлиги турмуш тарзимизга айланиб бораётганини халқимиз яққол ҳис қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолияти кескин юксалиб, уларда соғлом танқидий ва таҳлилий руҳ кучайди. Юртдошларимиз ўз фикрини очиқ-ошкора, ҳадиксиз, дадил айтаётганини халқаро экспертлар, халқаро ташкилотлар ҳам кенг эътироф этмоқда. Бунга “2019 йили мамлакатимиз Парламенти ва маҳаллий Кенгашларга илк бор Сайлов кодекси асосида “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган сайловлар ёрқин мисолдир” [3]. Ўтган қисқа вақт давомида сайловга оид 21 та қонун ишлаб чиқилиб, Бу галги президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қилинган Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтди. Сайловлар халқаро стандартлар ва меъёрларга тўла мос ҳолда ташкил этилди.

Шуни кайд қилиб ўтиш керакки ўтказилган Президентлик сайловининг савияси ва юқори даражада ўтганлигига қуйидаги омиллар сабаб бўла олади: Сайлов олди компанияларида сиёсий партияларнинг ўрни ва иштироки янги даражага кўтарилди; Президентликка номзодлар таниқли ва фаол сиёсий лидерлардан танлаб олинди; Оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш ҳуқуқи берилди; Фуқаролар ўз хоҳиш ва иродаси билан сайловларда кўтаринки руҳ билан конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб иштирок этишди; Халқимизнинг Янги Ўзбекистон келажагига бефарқ эмаслиги яққол кўрина бошлади, фуқароларнинг сиёсий саводхонлиги ва сайлов жараёнларида семинар тренинг, ўқув машғулоти, дебатлар, давра суҳбатлари ўтказилди; Халқаро кузатувчиларнинг сони ортди; Сайлов участкаларининг замонавий стандартлар асосида жиҳозланди; Ёшларнинг фаоллиги ошганлиги ва хоришдаги фуқароларимизнинг иштироки юқори даражада ўтказилди.

Ўзбекистонда 24 октябрь куни бўлиб ўтган президентлик сайловларига бир қатор халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ташриф буюриб, сайлов жараёнларини кузатдилар. Ўзбекистонда ўтказилган президентлик сайловларида кузатувчи сифатида иштирок этган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, ЕХХТ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг вакиллари сайловлар «юқори сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий даражада ўтганини» таъкидлади. Асосийси дунёда энг нуфузли сайлов жараёнларини кузатувчи ташкилот ҳисобланмиш ЕХХТнинг махсус координатори Рейнхольд Лопатка “Ўзбекистондаги сайлов жараёнининг яхшиланганини кайд этган. Юртимизда бўлиб ўтган сайловларда янгича жаҳон стандартлари асосида кетётгани ва биз тўғри йўлда эканлигимизни айтиб ўтди” [4]. Таъкидлаш жоизки бу йилги сайловларда илк бор ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ), ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа парламентнинг қўшимча миссияси Президентлик сайловини кузатди. Ўзбекистонда ЕХХТ ДИИХБ миссия иштирок этаётган тўққизинчи сайлов ҳисобланади. Миссия 1999, 2004, 2009, 2014, 2019 йиллардаги — парламент сайловларини ҳамда 2007, 2015 ва 2016 йиллардаги — президент сайловларини кузатди. 2016 йилги президент сайловида ДИИХБ илк бор кенг таркибдаги миссия билан иштирок этганди. Худди шундай миссия 2019 йилги парламент сайловларини ҳам бевосита кузатган эди. Миссия кузатув давомида Ўзбекистоннинг ЕХХТ олдидаги сайловларни ўтказиш мажбуриятлари, шу жумладан, демократик сайлов стандартлари ва бошқа халқаро мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, сайлов ўтказилиши жараёнларини юқори баҳолайди. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Бош қотибининг ўринбосари, ШХТ кузатувчилар миссияси раҳбари Ерик Ашимов Ўзбекистон президентлик сайловини ошкора, ишончли ва демократик тарзда ўтказилганини тан олади.

МДХ Кузатувчилар миссияси раҳбари, Бошқарув раиси Сергей Лебедев “бўлиб ўтган президент сайловлари Ўзбекистон Конституцияси ва Сайлов кодекси талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилганини таъкидлади” [5]. Улар ушбу сайловларда аҳолининг сайлов жараёнига фаол иштирок этишини алоҳида кайд этди. Ўтказилган сайловлар халқаро стандартлар ва меъёрларга тўла мос ҳолда ташкил этилган эътироф этилиши ҳам бизнинг ва халқимизнинг ютуғидир.

«Уларнинг ҳам нияти — Ўзбекистонни ривожлантириш. Шунинг учун уларнинг дастуридаги халқимизга маъқул таклифларни албатта инобатга оламиз. Биз кеча рақобат қилган бўлсак, энди бир мушт бўлиб, ҳаракат қилишимиз керак. Мен халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, орзу-умидларини ушлатириш, фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч-ғайратим ва салоҳиятимни сарфлашга ваъда бераман. Янги Ўзбекистонни ҳаммамиз биргаликда қурамиз» [6], – деди Шавкат Мирзиёев. Бу йилги Президентлик сайловлари жуда кўтаринки руҳ ва сиёсий фаоллик кайфиятида бўлиб ўтди. Янги Ўзбекистоннинг умумэътироф этилган халқаро демократик сайлов тамойилларига садоқатининг, мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг амалдаги яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган адолат, очиқлик, ошкоралик ва эркинлик каби демократик тамойилларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилди. Фуқароларнинг ўз хоҳиш иродаси сиёсий ва

конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб Янги Ўзбекистонда ўзлари ишонган номзодни танлаб олиш орқали келажакка ва юксалишга қадам қўйганлиги яққол кўриниб турди. Бу халқимизнинг руҳияти, кайфияти, сиёсий маданиятидан далолат. Бунинг ҳаммаси ҳаётимиз ўзгаргани, сиёсий онгимиз ўсганлигини ва халқимиз келажакка умид билан Янги Ўзбекистонда демократик ислохотлар олиб боришда иштирокини натижасидир. Шу ўринда яна бир бор халқимиз хоҳиш иродаси билан сайланган Президентимизнинг қуйдаги мақсадлари қанчалик улуғлигини айтиб ўтишимиз лозимдир. Яна бир марта айтмоқчиман: “орқага йўл йўқ энди Ўзбекистон фақат олға боради», — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган вақт давомида Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ҳамда сайловларни ўтказиш юзасидан демократик тамойилларни тўлақонли ўзида акс эттирган тизим яратилди. Ушбу тамойиллар асосида ўтказиб келинаётган Президентлик, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларига ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ), ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа парламентнинг, ШХТ, МДХ ва қўлаб халқаро ташкилот ва кузатувчилар томонидан юқори баҳо берилмоқда. Ўзбекистон халқи ўз сайловлари орқали мамлакатимизнинг ўз тараққиёти ва келажакнинг янги сарлавҳаларини очиб берди. Президент сайлови халқимизни янада аҳиллик, юксак илму маърифат ва фаровонлик сари бошлайдиган, мамлакатнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўладиган улкан имконият яратди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ: КЕЧА ВА БУГУН. Илҳом ДЖУРАЕВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази Давлат ва жамият қурилиштириш бўлими бош мутахассиси. 18 авг. 2021 й.
2. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. 4-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон. 2021. – Б. 360-361.
3. Хуррият газетаси, 2021 йил, 3-март. 9-сон. Янги сайловлар: қонунчиликдаги муҳим ўзгариш.
4. Газета .уз. 2021 йил. 25 октябрь.
5. Халқ сўзи. 2021 й. 25 октябрь. № 227 сони.
6. Халқ сўзи. 2021 йил 26 октябрь, № 228 (8008)

*“Жаңа Ўзбекистанда – жаңа сайлаўлар” халық аралық шөлкемлер нэзеринде*

**Резюме.** Мақалада “Жаңа Ўзбекистанда – жаңа сайлаўлар” ураны астында болып өткен сайлаўлардың әхмийети ашып берилген. Халық аралық ҳуқық нормалары тийкарында өткерилген сайлаўлардағы абрайлы шөлкемлер ЕҚШС, ҒМДА, ДИИХБ, ШБШ, Парламент Ассамблеясы қатнасыўы хәм гүзетиўинде ашықтан-ашық сайлаўлар болғанлығын айтып өтеди.

**Гилт сөзлер.** сиясий партиялар, сөз еркинлиги, ғалаба қурал, семинар, сиясий ҳуқық, миссия.

*Новый Узбекистан - новые выборы в глазах международных организаций.*

**Резюме.** В работе освещены выборы, проведенные под девизом «Новые выборы в новом Узбекистане». Отмечается, что на выборах, проведенных в соответствии с нормами международного права, отражается прозрачность выборов, признанная участниками и наблюдателями влиятельных организаций, таких как ОБСЕ, СНГ, БДИПЧ, ШОС, Парламентской ассамблеи.

**Ключевые слова:** политические партии, свобода слова, пресса, политическое право, миссия.

*New Uzbekistan - new elections in the eyes of international organizations.*

**Summary.** The paper covers the elections held under the motto "New elections in a new Uzbekistan". It is noted that the elections held in accordance with international law reflect the transparency of the elections, recognized by participants and observers of influential organizations such as the OSCE, CIS, ODIHR, SCO, and the Parliamentary Assembly.

**Key words:** political parties, freedom of speech, press, political law, mission.

## KERDER MADANIYATI HAQIDA YOZMA MANBALAR VA ARXEOLOGIK TADQIQOTLAR

Hakimniyazov J. X., Utebergenov F.J.

*Qoraqalpoq davlat universiteti*

Oʻrta asrlardagi arab, fors va xitoy mualliflarining yozib qoldirishicha, Amudaryoning Orol oldi deltasi boʻylarida odamlarning boʻlak oʻzlari alohida yashagan har xil oʻrinlari, sugʻorish kanallari va boshqalar mavjudligi aytiladi. Yaqin kunlarga qadar ularning tarqalgan yerlari arxeologik izlanishlarning toʻliq olib borilmaganligi uchun gʻoyat qiyin masala boʻlib kelgan. XAEE Orol oldi deltasidagi keng turdagi olib borilgan arxeologik tadqiqotlari, oʻrta asrlardagi mualliflarning berib ketgan maʼlumotlarini tasdiqlashga imkoniyat yaratib berdi.

Kerder degan nomlari (Kunder, Kardar, Kurdar) manbalarda bot-bot uchraydi. Kerder nomini ertaroqdagi at – Tabariy asarlarida uchratish mumkin. 728-yili Kerderda yashovchi xalqlar arablarga qarshi koʻtarilishga turklarning yordamida chiqqanligi aytiladi (*Annales quos scripsit Abu -Djofar Mohammed ibn Djarir ot -Tovari. Cum ollis edilardt M. I Da Goeje II, str 1525*). Taniqli rus orientalisti V. V. Bartoldning fikricha, bu yerda Xorazmning oʻsha vaqtdagi Shimoliy chegara shahri Kerder haqida soʻz etilmoqda deb hisoblaydi (B.B.Бартольд К истории орошения Туркистана. СПб, 1914, стр.82).

Bundan soʻnggi muallif arab geografi Ibn-Xurdotbek taxminan 865 yillarda, «Kunder koʻllari» deb atalgan yaʼni Orol dengiziga quyuvchi daryo haqida yozib qoldirilgan, V. V. Bartoldning fikricha, daryo deltasidagi joylashgan shahar nomida shunday atalgan (B.B.Бартольд Сведения об Аральском море и низовьях Аму-Дарьи с древнейших времен до XVII в. Изв. Туркест. Отдела РГО, Ташкент, 1902, стр. 31). Va shundan kelib chiqib Ibn-Xurdotbekda 826-827 yillari Xalifalikdagi hududlarni, ulardan yigʻib olingan (xiroj) soliqlarning hajmini alohida deb emas, umumiy summada hisoblagan (Ибн-Хордабек. Китаб месалек ва-л-мемалик. Материалы по истории туркмен и Туркменний (далее МИТТ), т. I, М.-Л., 1939, стр. 146). «Tan sulolasi tarixi» da VIII asrdagi Xorazm haqida shunday yozilgan :

«Хо-сун hokimligi yoki Xolisimi va Boli Uxu daryosining janub tomonida joylashgan» (Н.Веселовский. Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве. СПб, 1877, стр. 8). Хо-сун hokimligi allaqachon Xorazm bilan yaqindan birlashib ketgan (Сборник трудов Орханской экспедиций, т. VI, СПб. 1903, стр. 134. С.П.Толстов. По следам древнехорезмской цивилизации. М.-Л., 1949, стр. 208).

Diqqat bilan e'tibor bersak, xitoy manbalarida Xorazmni ikkita bo'limga bo'ladi: Xolisimi (hozirgi Xorazm) va Boli. Tabiiyki xitoy manbalaridagi Boli degan nom arab manbalaridagi Kerder degan nomlari bilan bitta viloyatni o'zida mujassamlashtirib, Xorazm bilan mustahkam aloqada bo'lgan va xitoy manbalarida birlashtirib Хо-сун deb atalib, yuqorida Ibn-Xurdotbek asarida Xorazm va Kerder soliqlarni (xiroj) birgalikda qo'shib to'laganligi aytilgan. Yana keng turdagi ma'lumotni, boshqa arab geografi al -Istaxriyning 930 -933 yillari yozilgan «Kitab mesalik al -memalik» nomli asarida ko'rish mumkin. Bu yerda biz, birinchi marta aniq Kerder nomidagi qal'aning (Al - Istaxri, Kitab mesalik al - memalik. МИТТ, I, стр. 178), xududi o'sha nomdagi kanalning yoqasida bo'lganligin ko'ramiz (Al - Istaxri, Kitab mesalik al -memalik. МИТТ, I, стр. 179). Al -Istaxriy Kerder hokimligining o'rnini taxminiy turda shunday ko'rsatadiki : «Jayhun va Kerder oralig'ida Mizdaxkan volosti...» bor (O'sha yerda, стр. 179). Balki, bu yerda Kardardan quyidagi kanal nazarda tutilgan bo'lishi kerak. Kerder qal'asining aniq joylashgan o'rnini, Xorazm shaharlarining orasidagi masofalarning yozilishlaridan ko'rish mumkin (O'sha yerda, стр. 181).

Al -Istaxriyga qaraganda kengroq ma'lumotni, Al -Mag'disiyning 985 yillar atrofida yozib qoldirgan «Asxan at -Takasim fi-Marifat ol -Akalm» asarida ko'ramiz. Al -Mag'disiy Kerder shahriga o'ng tomondan, uning aytishicha Amudaryoning «Xaytal» tomonidan borilgan. Al -Mag'disiy shu bilan birga bir Kerderni chap tomonda «Xuroson» yoqasida deb aytadi. «Xaytal» tomondagi Kerder ikkinchisiga qiyoslab, maydoni jihatdan katta va qal'a shahar ekanligi aytiladi (Al -Mag'disiy. Asxan at -Takasim fi-Marifat al -Akalm, МИТТ, I, стр. 187). Bundan tashqari Al -Mag'disiy Kerder kanali haqidagi ma'lumotida, o'sha kanalning bo'yida Kerder qal'asi joylashganligini aytadi (Al -Mag'disiy. Asxan at -Takasim fi-Marifat al -Akalm, МИТТ, I, стр. 189). Kerder haqidagi ma'lumotlar yetarli emas, biroq kamroq ma'lumotlarni noma'lum fors muallifi asari «Hudud al -Olam» va Yoqutning 1224 yili yozilgan «Kitab mudjam al buldun» asarlarida uchramiz. Biroq u yerda Yoqut Xorazmga borgan vaqtdagi, ya'ni 1219 yilgi Xorazm haqidagi ma'lumotlar keltirgan. Bu asarning birinchisida, «Kardar-shaharchasida xalq zich joylashganligi, u yerda ekinzor yerlarning mavjudligi hamda u yerdan tashqariga ko'plab qo'zi terilari olib ketilgan»ligi aytiladi (Hudud al - Olam МИТТ, I, стр. 217). Yoqut Kerder to'g'risida shularni yozadi: «Kardar - o'ni Xorazm viloyatida ya'ni uning turklar bilan chegarasida joylashgan. U yerdagi yashovchi xalqlarning tili turkcha ham, xorazmcha ham emas. U yerda ko'plab qishloqlar; poda - poda mollar bor, biroq ular g'oyat qahrli odamlar. Menga Ibn-Kassam al -Xabam ular haqida shunday deydi» (Yoqut. Kitab mudjam al buldun. МИТТ, I, стр. 431). Bundan keyingi davrlardagi manbalarda Kerder degan nomlar uchramaydi. 1958 yili O'zbekiston Respublikasi Qoraqalpog'iston birlashgan ilmiy tadqiqot instituti tarix sektori Xorazm ekspeditsiyasining boshlagan qazish ishlarini Amudaryoning o'ng tarafidagi deltasi bo'yidagi yodgorliklarni o'rganish bilan davom ettirdi. 1958-1959 yillari tadqiq etilgan arxeologik yodgorliklar katta davrdagi vaqtni - antik davrdan e'tiboran XVIII-XIX asrlargacha o'z ichiga oladi. To'k-qal'a estaligi birinchi marta 1946 yili Xorazm ekspeditsiyasi tomonidan avianazorat orqali o'rganilgan.

To'k-qal'a esdaligi Nukus shahridan 14 km shimoli-g'arbda (11 m balandlikdagi) unchalik baland bo'lmagan tepalikda joylashgan. Umumiy 8,2 gektar maydonga ega. Olib borilgan arxeologik izlanishlar, yig'ilgan materiallar tahlil qilinsa esdalik mil.avv III-II asrlardan XII-XIII asrlarga bo'lgan davrni qamrab olganligi ma'lum bo'ladi.

To'k-tog'dan 5 km janubiy-sharqda unchalik baland bo'lmagan toshli tepalikdan, To'k-qal'a yaxshi ko'rinib turadi. U doirasimon loy tepalik ko'rinishda bo'lib, mahalliy aholi uni Don (minora) deb atagan. Ushbu atama 1905 yilgi o'n chaqirimli xaritada shunday atalgan (Карта низовьев Аму-дарьи. Масштаб: в одном английском дюйме 10 верст. Под ред. Подполковника Родионова, издание Туркестанского топографического отдела). yodgorlik qoldiqlariga qarab, u antik davrdagi To'k-qalaning nazorat qiluvchi minorasi bo'lganligi bilan sifatlanadi.

Nukus shahridan 13 km janubdagi Qizketken posyolkasi atrofida, hajmi 30 x 30 x 5 sm bo'lgan xom g'ishtlardan o'rigan, unchalik katta bo'lmagan qurilish bor. U Amudaryoning bo'yidagi eng baland toshloqning ustiga qurilgan. Tepalikning barcha yerlariga musulmon qabrlari qo'yilib, Qushxona deyiladi. Qurilishning rejasi kvadrat uzunligi 7,5 m tashkil etadi. Devorning saqlanib qolgan balandligi 3 m ga teng. Qurilishning ichida bitta hujra bor, uning ichiga hozirgi mozar joylashgan. Qurilish atrofida IX asrlar bilan aloqador g'oyat ko'plab kulol idish bo'laklari va 34 - 32 x 30 - 28 x 5 - 4 sm ga teng bo'lgan pishgan g'isht bo'laklari topilgan. Tok-qal'adan shimoli-g'arb tomonga, Amudaryo bo'yida, 4 km meridional yo'nalishga cho'zilgan Qirantaw tepaligi bor. Uning eni 600 - 700 m dan oshmaydi. Ko'ndalang uch tepalikka bo'lingan. Janubdagi tepalik ustida katta makon izlari bor. Bu yerdagi kulol idish bo'laklari taxminan 21 gektarga qadar cho'zilgan. Ayrim yerlarda kulol idishlarning to'planib qolganligini ko'rish mumkin. Qirantaw kulol idishlari xronologik jihatdan uch guruhga bo'linadi. Unga mill.avv II-I asrlarga tegishli bo'lgan, unchalik ko'p bo'lmagan xumlarining bo'lagi, venchigi, egni kiradi. Ular qizgich angob (bo'yoq) bilan bo'yalgan. Ikkinchi guruhga III-IV asrlarga tegishli so'nggi kushon materiallari kiradi. Ularning barchasi qizil angob bilan bo'yalgan. Idishlarning barchasi hunarmandchilik usulida ishlangan. Qirantawdan topilgan asosiy kulol idishlarning ko'plari VI-IX asrlarga taalluqli. Shu bilan birga IX-XI asrlarga tegishli bo'lak shakldagi kulol idishlar ham uchraydi, biroq qo'ldan yopishtirish usulida ishlangan (лепной) kulol idishlar deyarli uchramaydi.

Makonda kulol idishlardan tashqari, 19 x 19 x 4 sm va 22 x 19 x 5 sm ga teng bo'lgan pishgan g'ishtlar uchraydi. Bu g'ishtlar yashil va ko'kimtir rangda bo'lib, ularning tepa yog'och to'shaladigan joyiga ba'zan qorishma surtilgan. Sobiq Kegeyli tumani (hozirgi Nukus tumani) Cho'rtanboy kanalining chap yoqasida Hayvon qal'a qal'asining xarobaxonasi joylashgan. 1947-yili Hayvon qal'ada Xorazm ekspeditsiyasining etnografik guruhi tadqiqot olib borgan. Bu yerdan yig'ilgan kulol idishlarning bo'laklari E. E. Nerazik tomonidan chop etilgan (E.E.Неразик. Керамика



Хорезма..., стр. 253, рис. 11, 8, 10.). S. P. Tolstovning aniqlashicha Hayvon qal'a «afrig'iylar davri qal'asi bo'lib, ilk o'rta asrlarda ham hayot davom etgan» (С.П.Толстов. По следам древнехорезмской цивилизации. М., 1948, карта) deb aytsa, Ya. G'. G'ulomov bu qal'ani VI-IX asrlar bilan belgilaydi (Я.Г.Гулямов. История орошения Хорезма. Ташкент, 1957, стр. 117.). Hayvon qal'ada qo'yilgan shurfda va madaniy qoplamdan IX-XI asrlarga tegishli kulol idishlar ham topilgan. Hayvonqal'adan sharqda shimoli-sharq tomonda Dariqal'a joylashgan. Bu qal'a hech bir aniq manbalarda uchramaydi va u hech bir xaritada ham tushirilmagan. Hozir uni suv bosib ketgan. Bu qal'a to'rt burchakli bo'lib, uzunligi 120 m ga teng. Darvozasi g'arb tomonga bo'lgan deb taxmin qilish mumkin. Qal'aning devorlaridan pishgan g'ishtlarni va IX-XI asrlarga tegishli unchalik ko'p bo'lmagan kulol idishlar yig'ilgan. Bundan tashqari XVI-XVII asrlar bilan tegishli kulol idishlar ham topilgan. O'sha yerda Amudaryo bilan Erkindaryoning bo'lingan katta sohasida, unchalik katta bo'lmagan Porlitog' tepaligi bor. U shimoldan janubga qarab 3 km ga cho'zilgan, eni 500 m dan oshmaydi. Tepalikning g'arb tomonidagi etagida Qopaqko'l ko'li joylashgan. U yerdan ilgari Amudaryoning eski o'zani 3-4 km g'arbroqdan oqib o'tgan bo'lishi kerak. Porli-tog' tepaligining eng baland yeridan, taxminan 12 ga maydondan kulol idishlarning mayda bo'laklari, pishgan g'ishtlarning siniqlari topilgan. Maydonning barcha yeriga kulol idishlar yoyilgani bilan hech qanday qurilish o'rinlari yo'q. Porli-tog' kulol idishlari kamtar va aniq bir ajralib turadigan tuzilishni ko'rsatib bermaydi. Faqatgina ayirim belgilari bo'yicha kushonlar davri bilan belgilash mumkin.

Ko'kcha-qal'a mudofaa qal'asini birinchi marta Kaulbarsda ko'rishimiz mumkin (И.В.Каульбарс. Низовья Аму-Дарьи. Описания по собственным исследованиям в 1873 г. «Записки Русского Географического общества по общей географии», т. IX, СПб., 1881, стр. 144). ХАЕЕ ning 1949-1953 yillardagi olib borgan ishidagi xaritada XVIII-XIX asrlarga tegishli hovli shunday nomlanadi (Карта работ Хорезмской археолого-этнографической экспедиций АН СССР, «Труды ХЭ», т. II.). Ko'kcha-qal'a yodgorligi Kegeyli tumanining Jdanov hududida joylashgan. Bu yerda aniq so'nggi feodal xarobasi saqlanib qolgan bo'lib, u hozir Ko'kcha-qal'a nomi bilan ma'lum. Bu xaroba atrofi katta maydonni olgan, u hozir tashlandiq yerga aylangan. Uning tagidan yaqin o'tmishda kanal qazip o'tkazilgan, bu qazib o'tkazishlar vaqtida, madaniy qoplamalar (yashil soz loy), kulol idish parchalari hamda 25 x 25 x 5 sm ko'lamdagi pishgan g'ishtlar topilgan. Bu yerdan yig'ilgan unchalik ko'p bo'lmagan kulol idishlar, IX-XIV asrlar oralig'idagi davrlarni qamrab oladi. Tadqiq etilgan arxeologik esdaliklar orasida unchalik katta bo'lmagan mudofaa Qirg-yigit qal'asi bor. U Qoraqalpog'iston Respublikasining Qorao'zak tumanining shimoliy tomonidagi mu'ytan qishlog'idan bir yarim kilometr g'arbda joylashgan. Yozma manbalarda bu mudofaa qal'a haqida yozilmagan. U to'g'ri burchakli bo'lib, devorlari buzilib oqib tushib, doirasimon holga kelib qolgan. Mudofaa qal'a devorlari 110-120 metrni tashkil etadi. Ichida hech qanday qurilish izlari saqlanmagan. Shaharchaga shurf qo'yilgan, biroq madaniy qatlam izlari topilmagan. Yuqori materiallar umuman yo'q. Qolgani faqatgina qurilish rejasi bo'yicha ilk o'rta asrlar bilan og'zaki davrlashtiriladi.

Taxtako'pir tumaniga 18 km yerda, Qizil O'rdaga boradigan yo'lning o'ng tomonida Qorg'oncha yodgorligi va shuningdek, Qoblan qal'a nomi bilan ataladigan esdalik joylashgan. Bu esdalik birinchi marta 1945 yili Xorazm ekspeditsiyasi tomonidan tadqiq etilgan (С.П.Толстов. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция АН СССР 1945 г. «Известия АН СССР», СИФ, 1946, № 1, стр. 85), esdalik Y.G'. G'ulomov tomonidan tavsif berilgan (Я.Г.Гулямов. История орошения Хорезма. Ташкент, 1957, стр. 111-113). S. P. Tolstov Qorg'oncha yodgorligini so'nggi antik davr deb belgilab, u yerda afrig'iylar davrida hayot davom etganligini aytadi. Y.G'.G'ulomov Qo'rg'oncha yodgorligi II-III asrlarda vujudga kelgan va ba'zi bir uzilishlardan so'ng afrig'iylar davrida hayot davom etgan deb hisoblaydi. Bu shahar to'g'ri emas to'rtburchakli reja bo'yicha qurilgan bo'lib, uning maydoni 400 x 300 x 50 x 350 metrga teng. Devorlari oqib ketganligi uchun, uning konstruksiyasi, darvozasi noma'lum. Qal'aning shimoli-g'arb va shimoli-sharq burchagida minoralar dumpayib turadi. Shahar markazida musulmon qabrlari va 2 m balandlikdagi tepalik bor bo'lib, aholi uni Qoblan botir qabri deb hisoblaydi. Qo'rg'oncha yodgorligi atrofida qal'aga ega emas katta kenglik joylashgan. U yerda tepaliklar, alohida uylarning o'ni saqlanib qolgan. Y. G'. G'ulomov Qo'rg'onchada hayot davom etishini eramizning II-III va IV-VII asrlar oralig'ida katta uzilishlarga uchrab, oqib turgan Amudaryoning sharqiy o'zani bilan bog'laydi (Я.Г.Гулямов. История орошения Хорезма. Ташкент, 1957, стр. 131). Hozirda qal'adan yarim kilometr shimoliy tomonda, qurib qolgan o'zan ko'rinib turadi.

Esdalikdan yig'ilgan kulol idishlar ikki guruhga bo'linadi. Birinchi guruhda ko'proq qo'lda biriktirib ishlangan «eftaliy-turk» tipidagi idishlar bo'lib, ular Kuyuk-qal'a (С.П.Толстов. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция 1955-1956 гг. стр.130 стр.132, рис. 29; Е.Е.Неразик, Ю.А.Рапопорт. Куюк-кала в 1956 г., стр.134-137, рис. 6-8) va To'k-qoladan ma'lum. Ikkinchi guruhga hunarmandchilik usulda ishlangan afrig'iylar tipidagi idishlar kiradi. Demak biz, Qo'rg'oncha qal'adagi kulol idish topilmalarida, To'k-qal'a va Kuyuk -qal'adagi afrig'iy va «eftaliy-turk» ko'rinishidagi kabi kulol idishlarni ko'ramiz. Shunday qilib, Qal'acha ham o'sha arxeologik madaniyatga tegishli demakdir. Hozirgi Amudaryoning o'ng tarafidagi deltasi qismida olib borilgan izlanishlarni tahlil qilib, bu hududning odamlar tomonidan o'zlashtirilishining asosiy bosqichlari sxematik turda aniqlab beriladi.

Deltaning ichki bo'limida odamlarning paydo bo'lganligini tasdiqlovchi dastlabki yetarli topilmalar mil.avv II asrning oxiri - I asrlarga tegishli (О появлении в дельте населения в более раннее время имеются сведения только для района западных протоков верхней дельты Акча-Дарьи, где зафиксированы отдельные находки первобытной керамики.). Bu davrga tegishli bo'lgan materiallar To'k-qal'a va Qirantaw esdaliklaridan topilgan.

Bag'dod qal'a yodgorligi Amudaryoning o'ng tomon deltasida Qorao'zak tumani «Kuralpa» ovulining qazaqli qishlog'ida joylashgan. Esdalik 1946-yili Y. G'. G'ulomov tomonidan tadqiq etilgan. Keyin 1958-1963-yillari O'zbekiston Respublikasi fanlar Akademiyasining Qoraqalpog'iston filiali N. Davqaraev nomidagi tarix, til va adabiyot Instituti arxeologik otryadi tomonidan tadqiqotlar olib borildi. (Гудкова А.В., Ягодин В.Н., Археологические

исследования в правобережной части дельты Амударьи в 1958-1959 гг. Материалы Хорезмской истории и культуры Каракалпакской АССР. Вып. 1, Нукус, 1985).

IV asrlarga tegishli yetarli ma'lumotlarni faqatgina To'k-qal'a, Qirantaw va Porlitaw materiallaridan ko'ra olamiz. To'k-qal'ada olib borilgan qazish ishlari natijasida, yoritilgan punktlarning barchasida Kushon imperiyasining chegara qal'alari bo'lganligini tasdiqlaydi. Bu davrdagi esdaliklarning barchasi faqatgina Amudaryo bo'ylarida yoki uning eski soli va pastki oqimi bo'ylarida joylashgan. VI-VIII asrlarda deltada to'lig'i bilan sahro qavmlarining makonlari bo'lgan. Bular Kuyuk-qal'a, Qo'rg'oncha, To'k-qal'a, Qirantaw va Hayvon qal'a. O'xshash madaniy madaniyatga ega qavmlar, Qazalidagi «botqoqli-qal'a» va «Yeti asar» esdaliklari guruhlarida bor bo'lib, ularda bu madaniyatning, erta bosqichlari uchraydi. Buni yaxshilab o'ylab qarasak, Amudaryo deltasidagi VI asrda vujudga kelgan bu madaniyatning, o'sha davrdagi Xorazm madaniyati bilan genetik tarafdin aloqasi yo'q bo'lib, ular Xorazmga shimoliy tomondan ko'chib kelgan qavmlar bo'lib va qadimdan sharqiy Orol hududlarida yashab kelgan qabilalar hisoblanadi. Balki, bu Amudaryo deltasida vujudga kelgan yangi element, arab xalifaligi davrida yoritilgan manbalarda Xorazmdan mustaqil Kerder hokimligini tashkil qiluvchilar bo'lishi kerak, sababi ularning tili (Xorazmcha ham, Turkcha ham emas) o'zgacha til bo'lgan, uni S. P. Tolstov eftaliylarning bir shevasi deb fikr bildirgan.

Shuningdek, Kerder madaniyatida yashovchi xalqlar afrig'iylar va yettiasarliklar o'rtasida yashagan xalqlar bo'lib, ular orasida qalin madaniy aloqalar bo'lgan, buni olib borilgan qazish ishlari orqali topilgan arxeologik ma'lumotlar tasdiqlaydi. Shunday bo'lsada Kerder madaniyatidagi yodgorliklari arxeologik qazish ishlarini chuqurroq o'rganish orqali, ularning ko'mish marosimlari, xo'jaligi, etnogenezi va etnomadaniyatini o'rganish taqozo etiladi. Sababi XI asrdan so'ng Kerder haqida manbalarda ma'lumot uchramaydi.

Shunday bo'lsada olib borilgan qazish ishlari natijasida, Kerder madaniyati va unga tegishli yodgorliklar ikkita bosqichga bo'linadi.

#### *Kerder madaniyati haqida yozma manbalar va arxeologik tadqiqotlar*

**Rezyume.** Maqolada Kerder nomi va Kerder madaniyatiga oid ma'lumotlar, o'rta asr mualliflarining Al-Tarobiy, Ibn Xo'rdbek, Al-Istaxriy, Al-Maqdisiy va Yoqutiyy yozma manbalarida o'z aksini topgan, shuningdek, Xorazm arxeologik ekspeditsiyasi tomonidan olib borilgan qazishmalar va so'nggi arxeologik tadqiqotlar natijalari yoritilgan.

**Tayanch so'zlar:** Kerder madaniyati, tarixiy esdaliklar, arxeologik ekspeditsiya, o'rta asr mualliflari.

*Письменные источники и археологические исследования кердерской культуры.*

**Аннотация.** В статье подвергнуты сведения касающиеся названия Кердер и кердерской культуры и отраженные в письменных источниках средневековых авторов как Аль-Таробий, Ибн Хордабек, Аль-Истахрий, Аль-Макдиси и Якуты, а также освещены результаты раскопки, осуществленных Хорезмской археологической экспедицией и последних археологических исследований.

**Ключевые слова:** кердерская культура, исторические воспоминания, археологическая экспедиция, средневековые авторы.

*Written sources and archaeological research on Kerder culture*

**Summary.** The article presents information concerning the name Kerder and the Kerder culture and reflected in the written sources of medieval authors such as Al-Taroby, Ibn Khordabek, Al-Istakhri, Al-Maqdisi and Yakuty, and also highlights the results of excavations carried out by the Khorezm archaeological expedition and the latest archaeological research.

**Key words:** Kerder culture, historical memories, archaeological expedition, medieval authors.

## ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР ТУФАЙЛИ ИШ ЮРИТИШНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Кучкаров Х.З.

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети*

Жиноят процесси асосий вазифаларидан бири – жиноятларни тез, сифатли ва тўлиқ очиш, айбдорларни фош этиш ва жиноят содир этган ҳар бир шахсни адолатли, қонун асосида жазолаш, ҳамда ҳеч қандай айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тўғри қўлланилишини таъминлашдан иборат. Мазкур вазифалар жиноят процесси барча босқичларида, хусусан янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш босқичида ҳам қайта қўрилиб, ҳал этилади.

Жиноят процессида унинг вазифаларига эришиш ҳуқуқий қафолатлар тизими билан таъминланади, улар орасида жиноят процесси ўзи алоҳида босқичлар тўплами сифатида қурилади. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти жиноят процессининг мустақил босқичи сифатида одил судловда қонунийликни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур босқич процессуал назарияда етарлича илмий жиҳатдан ўрганилмаганлигини, мазкур босқичда жиноят-процессуал қонунчилигида ҳуқуқий бўшлиқлардан борлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқаради, аксарият ҳолларда фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади. Шу сабабли, жиноят процессида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти илмий, назарий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Ҳар бир манфаатдор шахс қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги шубҳа туғдираётган ҳар қандай суд қарорини қайта қўриб чиқиш орқали ўзгартирилишини ҳамда бекор қилилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳолатда жиноят процессини иштирокчиларининг бузилган

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклашда қонуний кучга кирган суд қарорларини янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти муҳим аҳамиятга эга. Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш оид нормалар ЖПКнинг 57-бобида алоҳида ва мустақил бобида баён этилган. Мазкур бобнинг 522-моддасида янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асослар белгиланган бўлиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими янги очилган ҳолатлар туфайли бекор қилиниши ҳамда иш юритиш қайтадан бошланиши мумкин. Янги очилган ҳолатлар суднинг ҳукми ёки ажрими қонуний кучга кирган пайтда мавжуд бўлган, бироқ судга маълум бўлмаган ҳолатлардир.

Янги очилган ҳолатлар қуйидагилардан иборат: 1) жабрланувчининг ёки гувоҳнинг бида туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг бида туриб ёлғон хулоса берганлиги, худди шунингдек ашёвий далиллар, тергов ва суд ҳаракатлари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг сохта эканлиги ёки бида туриб нотўғри таржима қилинганлиги қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги; 2) суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз ҳукм, қонунга хилоф ёки асоссиз ажрим чиқарилишига олиб келган жиноий хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги; 3) муайян жиноят ишини кўриш чоғида судья томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги; 4) ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлиги даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган шахснинг ёки ўзига нисбатан иш тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-664-сонли қонуни билан янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш институти такомиллаштирилди. Жумладан, ЖПК нинг 522-моддасида янги очилган ҳолатларнинг турлари аниқ белгилаб берилди. Бундан ташқари, ЖПКнинг 524-моддасида маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи ҳамда унинг вакили кассация инстанцияси судига янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида мурожаат қилиши белгилаб қўйилди. Мазкур норманинг белгиланиши томонлар тенглиги принципини таъминлаш учун янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритишни тиклаш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқи томонларга ҳам тақдим этилди. Илгари ушбу ҳуқуқ фақат прокурорда мавжуд эди. Мазкур институт судлар томонидан ишни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланмаганлиги туфайли йўл қўйилган бир томондан қонуний, адолатли бўлган, лекин, иккинчи томондан старли даражада асосланмаган суд қарорларини тўғрилашнинг кенг имкониятларини, яратади. Асосийси, жиноят-процессуал соҳада шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланганлигига бўлган ишонч туйғусини янада оширади. Юридик адабиётларни таҳлил қилиш мобайнида жиноят-процессуал ҳуқуқининг мазкур институти ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан бир қатор фикрлар билдириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Л.С.Морозова ва И.М.Зайцев таъбирича, янги очилган ҳолатларнинг аҳамиятлилиги шундаки, бу ҳолатларнинг очилиши иш бўйича дастлабки суд қарорининг ҳаққонийлигини рад этади [1., 3] ёки унинг ноқонунийлиги, асоссизлиги ёки нотўғрилигини англатади [2., 22]. У.А.Тухташева, янги очилган ва янги ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайта тиклаш – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, унда ўзининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари суднинг, шунингдек, прокурорнинг адолатсиз қарори билан бузилган жиноят процесси иштирокчилари томонидан ташаббусқилинган иш юритиш асосида суд хатоларини тузатиш орқали суд назорати вазифалари амалга оширилади [3., 48] – деган фикрни қўллаб қувватлаш мумкин.

С.Саҳадиновнинг, янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш, мамлакатимизнинг амалдаги ЖПК бўйича, жиноят процессининг мустақил босқичи эмас – деган фикри билан мутолақа қилишга бўлмайдди [4., 352]. Бизнинг фикримизча, жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган суд қарорларини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриш босқичи махсус субъектлар таркиби, объекти, мазмуни, қайта кўриш асосларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жиноят процессининг алоҳида мустақил босқичи сифатида кўриш мумкин.

Ш.Шорахметов таъриф беришича, бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўймайди [5, 428]. Бу институтнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда суд хатоликларга йўл қўйилмаслигида, янги очилган ҳолатларнинг муҳим аломатларидан бири унинг иш учун аҳамиятлилигидир. Суд қарорларининг янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши суд қарори нотўғри эканлигини англатмайди. Бундай хулосага фақатгина дастлабки суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқилган суд қарори билан солиштирилганда қилиш мумкин. Янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриб чиқишнинг яна бир муҳим жиҳати – бу ушбу ҳолатларнинг суд қарори эълон қилингунга қадар мавжуд бўлганлигида кўриш мумкин. Яъни, янги очилган ҳолатларнинг қайтадан очилиши дастлабки чиқарилган суд қарорини бекор қилишга асос бўлади. Демак, мазкур босқичда жиноят-процессуал қонунчилида кўрсатилган ҳолатлар қайтадан очилади, чунки улар амалда ишни кўриш жараёнида мавжуд бўлган. Бундан билиш мумкинки, ЖПК нинг 522-моддасида назарда тутилган суднинг қонуний кучга ҳукми ва ажримини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриш асослари суд қарори кучга киргунга қадар мавжуд бўлиши керак.

Мазкур институт судлар томонидан ишни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг аниқланмаганлиги туфайли йўл қўйилган бир томондан қонуний, адолатли бўлган, лекин, иккинчи томондан старли даражада асосланмаган суд қарорларини тўғрилашнинг кенг имкониятларини яратади. Кейинги янги

очилган ҳолатлар учун ўзига хос бўлган аломатлардан бири – бу уларнинг мавжудлиги суд ва аризага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра маълум бўлмаганлигидир. Янги очилган ҳолатларнинг аризачи ва судга номаълумлиги фақатгина суднинг билиши мумкинлиги ҳолатидан англашилмайди, чунки янги очилган ҳолатларнинг номаълумлигига бошқа шахсларнинг жиноий оқибатлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яна бир муҳим ва янги очилган ҳолатларни бошқа ҳолатлардан фарқловчи аломатлардан бири – бу суд ҳукми ва ажрими қонуний кучга киргандан кейин ушбу ҳолатларнинг аён бўлганлиги. Агарда ушбу ҳолатлар суд қарори қонуний кучга киргунига қадар аниқланса, ушбу жараёнда аниқланган ҳолатлар таҳлил қилинаётган институтда кўриш учун асос ҳисобланмайди. Назаримизда, ҳозирги кунда янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришдаги муаммо ЖПКда янги очилган ҳолатлар предметига оид нормалар мавжуд бўлсада, ушбу институтни тартибга солувчи тушунча мавжуд эмаслиги кўришимиз мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар бу – суд қарори қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин судга маълум бўлмаган ёки маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг қайтадан очилиши натижасида дастлаб қонуний кучга кирган суд қарорини қабул қилишга асос бўлган далилларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига солувчи юридик далиллардир.

Шу ўринда, ЖПКнинг рус тилидаги таҳрири 57-бобига эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур боб “Возобновление производства ввиду вновь открывшихся обстоятельств” деб номланиб, унинг нормаларида ҳам “вновь открывшиеся обстоятельства” тушунчалари қўлланилган. Рус-ўзбек тилидаги лугатларини ўрганиш давомида, “вновь” сўзи “қайтадан”, “янгитдан”, “қайта” деган маъноларни англатишини кўришимиз мумкин.

Айрим манбалардан ҳам мазкур ҳолатга оид бир қатор таҳлиллар бериб ўтилган [6., 13]. Бизнинг фикримизча, Жиноят-процессуал кодекси 57-боби ва унинг нормаларидаги “янги очилган ҳолатлар” ўрнига “қайтадан очилган ҳолатлар” жумласини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, “янги очилган ҳолатлар” деганда, суднинг иш кўриш жараёнида мавжуд бўлмаган ва фақат суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг вужудга келадиган процессуал жараёни тушунишимиз лозим. Бинобарин, ишларни янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш учун асос бўладиган ҳолатлар суд ишни кўришда мавжуд бўлган, аммо ўша пайтда судга маълум бўлмаган бўлиши талаб этилади. Қайта очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) қандайдиган кўра, иш бўйича исботлаш предметининг таркибий қисмини ташкил этиб, суд қарорларини қайта кўриш учун асос бўлган ҳолатлар янгидан ва ўзгарган ҳолатлар эмас, балки қайтадан очилган бўлиши керак. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Жиноят-процессуал кодексининг 57-бобига мазкур институтга оид нормаларига “қайтадан очилган ҳолатлар” тушунчасини киритиб, уларни қуйидагича юртиш ўринли бўлар эди. Қайтадан очилган ҳолатлар (вновь открывшиеся обстоятельства) – ишни кўриш вақтида мавжуд бўлган, лекин объектив сабабларга кўра судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатларнинг суд қарори чиқарилгунига қадар вужудга келиши натижасида дастлабки чиқарилган қонуний кучга кирган суд қарори қабул қилишга асос бўлган фактларни инкор этувчи ёки уларни шубҳа остига олувчи ҳуқуқий далиллардир.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида қонуний кучга кирган суд қарорини янги очилган ҳолатлар туфайли қайта кўриш институтини илмий таҳлил қилиб ўрганиш, жиноят-процессуал қонунчилигида шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарали фойдаланиш, қонуний кучга кирган суд қарорларини барқарорлиги, ишончлилиги ва қонунчилигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунчиликни бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Морозова Л. С. Пересмотр решений по вновь открывшимся обстоятельствам. - М., 1959. – С. 27. 3.
2. Зайцев И.М. Пересмотр по вновь открывшимся обстоятельствам решений, определений, постановлений, вступивших в законную силу // Советская юстиция, 1967. № 18. – С. 22.
3. Тухташева У.А. Уголовно-процессуальные пути устранения судебных ошибок. Автореферат докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам. – Тошкент, 2020. – Б. 48.
4. Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм илмий-амалий шарҳ / Масъул муҳаррир: Б.Х.Пўлатов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 352 б.
5. Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи: (Дарслик). – Тошкент: Адолат, 2007.
6. Проект ПРООН. Аналитическая справка. Институт пересмотра судебных решений по вновь открывшимся обстоятельствам в Узбекистане. –Ташкент: 2013.

*Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашнинг ўзига хос айрим жиҳатлари*

**Резюме.** Мақолада янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашнинг ўзига хос айрим жиҳатлари илмий таҳлил қилинган ва амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** янги очилган ҳолатлар, юқори инстанция судлари, ҳукм, оқланган шахс.

*Some aspects resumption of production in view of newly discovered circumstances*

**Резюме.** В статье проанализированы некоторые аспекты возобновления производства по вновь открывшимся обстоятельствам, разработаны научные выводы и предложения по совершенствованию действующего уголовно-процессуального законодательства.

**Ключевые слова:** вновь открывшихся обстоятельств, суды вышестоящей инстанции, осужденный, оправданный.

*Some aspects resumption of production due to newly discovered circumstances*

**Summary.** The article analyzes some aspects of the resumption of proceedings on newly discovered circumstances, develops scientific conclusions and proposals for improving the current criminal procedure legislation.

**Key words:** newly discovered circumstances, higher courts, sentence, acquitted.



## PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF ECOLOGICAL ISSUES IN THE TEACHINGS OF JUDAISM

Adilov Z.

Urgench State Pedagogical Institute

**Introduction.** Judaism, one of the oldest national religions in the world, originated in Egypt around the 2nd millennium BC. According to the teachings of this religion, 12 Jewish tribes were born from Prophet Abraham and from his grandson Israel's 12 children. It is based on the belief that the "best" of the nations on the face of the earth, that the Messiah will come as a savior among the Jews and that he will punish the enemies of the Jews, that there is an afterlife, and that they believe in the Holy Books. The holy books of Judaism are the Torah (the Torah, part of the Old Testament) and the Talmud written as its commentary[1]. According to data, the total number of Jews today is 14 million people. The largest Jewish communities are the USA (5.6 million people), Israel (5.6 million), Canada (350 thousand), France (310 thousand), Great Britain (280 thousand), Germany (230 thousand), Russia (230 thousand), available in countries such as Argentina (200 thousand), Australia (110 thousand), Brazil (110 thousand)[2]. With faith in One God, the holy book and the prophets, Judaism is distinguished from national religions, and by its nationalization, it is distinguished from divine religions.

Representatives of Judaism are mentioned in historical and literary-artistic sources with names such as "Jew", "Hebrew" and "sons of Israel". Based on the assumption that one of the 12 sons of Jacob, the son of Prophet Isaac, who is considered to be the founder of the 12 tribes of Bani Israel, was named "Yuda" or "Judah", the term "Jew" was formed after his name. In the Quran, we see that among the prophets, the name of Moses was mentioned most often – 136 times. The religion of Judaism is related to the Torah revealed to Moses, a book containing 1000 chapters, each of which contains 7000 religious instructions. In the Torah, the halal and forbidden animals that are commanded to be eaten by God's servants are known. From these, we see that the following requirements are imposed to determine the animals and creatures that are permissible for human consumption. Among them: in order for animals to be halal, they must be cloven hooves and deep, ruminant animals, and these are: sheep, goats, camels, cattle, rabbits, etc.; fish with scales and other fish from sea creatures; from insects, grasshopper and its species, salam, hargol, hagob and their species. The forbidden animals and creatures are: hooves chew their cud, but their hooves are not cloven, they are unclean; the pig's hoof is split, but it does not chew its cud, so it is unclean; four-legged beasts: lion, tiger, leopard, wolf, fox, etc.; horse, donkey; rodents: mouse, rat, woodpecker, apple (hamster); lizards, chameleons, etc. reptiles; birds include crows, swans, storks, ostriches, owls, owls, skunks, bats, hawks, kites, hawks, sea eagles, great eagles, blackbirds, and other birds that eat death, as well as winged, four-legged animals, and reptiles.

Also, the carcasses of animals and animals that are forbidden are also forbidden[3]. In this holy book, we can see that the division of all animals in nature into halal and haram in terms of consumption is based on ecological principles related to human health.

**Materials and methods.** The Talmud, the holy book of this religion, describes the ceremonies, traditions and customs of Judaism, and the Talmud is usually called the "Oral Torah". The Talmud has 613 verses, of which 365 are prohibitive and 248 are permissive. All of the Qidas are based on the Torah[4]. Бу ўринда ҳам "ман этиш-рухсат бериш" да инсон саломатлиги, баркамоллиги асосий таянч мезон сифатида қаралган.

In this place too, human health and well-being are considered as the main criteria in "prohibition-permission".

The Torah, the holy book of Judaism, consists of five books, and its book "Leviticus" (Heb. - "Vaikra") consists of 27 chapters, which contain the main moral principles and religious instructions of Judaism, atonement for sins, forbidden things to eat, prohibited marriages, religious issues related to rituals, festivals and sacrifices are illustrated.

Among the holidays (Moed) of this religion, the main ones are: Shabbat (every Saturday) - the memory of the creation of the world; Rosh HaShanah (September-October, 1-2 Tishrei in the Jewish calendar) - New Year's holiday; Yom Kippur (October - 10 Tishrei) - the day of forgiveness of sins; Pesach (Easter, March-April, Nisan 15-22) - associated with the arrival of spring and the liberation of the Jews from slavery in Egypt[5]. Judaism has strict dietary restrictions (kashrut rules). For meat, an animal (cattle, cow, goat) must be slaughtered in accordance with certain religious rules. For this, special courses have been organized in Jewish religious educational institutions. Those who complete it are called Shochet (butcher). Slaughter laws are called "Shechita". According to it, the four organs of the slaughtered animal that are eaten by humans must be healthy: the skin should be free from various diseases such as scabies and dandruff; when checked by pouring water into the lungs, water does not come out of it, that is, there are no holes; absence of stones or worms in the liver; there must be no objects such as stone, iron and glass inside the blind, which can cause death when it is opened. In addition, it will be necessary to completely remove the blood from the slaughtered meat. If there is fish meat, it must be with bones and fins. If we pay attention, the information related to the life and experiences of the people of Israel in the desert, the extraction of water from the rock, death and healing by means of the snake are given in the book "Numbers" (Hebrew - "Bamidbar") consisting of 36 chapters. In the Holy Qur'an, when Moses asked God water for his people, he said, "Strike the stone with your rod!". And twelve springs gushed forth from it. Each tribe knew its own water. Eat and drink from God's provision. Do not commit mischief upon mischief on earth" (Surah Al-Baqara, verse 60), the information finds its proof through this verse.

In connection with this issue, Allah the Exalted said to Muslims in the Holy Qur'an in verses 172-173 of Surah Al-Baqara: "O you who believe! If you worship only Allah, eat of the pure things that We have provided for you and give thanks to Him! He forbade you (to eat) carrion, blood, pork, and that which has been slaughtered other than Allah. However, if he is forced to eat without being oppressive or aggressive, there is no sin on him. Verily, Allah is Oft-Forgiving and Merciful"[6]. In this place, Allah Ta'ala forbids blood for Muslims. Although blood is prohibited in

Judaism, this is where we can find differences between Judaism and Islam. For Jews, the blood left in the veins after slaughtering an animal is also considered haram, but for Muslims, it is the opposite. In *Rovai'ul Bayan Tafsir Muhammad Ali Sabuni*: Scholars agreed that blood is haram, najis (haram) and that it should not be eaten or used. Allah mentions blood here in an absolute state, and in Surah "An'am" He mentions it as spilled blood. Say: "What has been revealed to me from (the Qur'an) is that it is forbidden for the one who eats it to eat, except for Say: "What has been revealed to me from (the Qur'an) is that it is forbidden for the one who eats it to eat, except for death, spilled blood, swine's flesh - it is indeed impure - and (in slaughtering) anything other than the fisq (animal) named after Allah." I can't find it." So, whoever remains in necessity and does not oppress (others) and does not exceed the limit (of necessity), surely your Lord is Forgiving and Merciful., spilled blood, swine's flesh - it is indeed impure - and (in slaughtering) anything other than the fisq (animal) named after Allah." I can't find it." So, whoever remains in necessity and does not oppress (others) and does not exceed the limit (of necessity), surely your Lord is Forgiving and Merciful[7]. That is, the blood that flows from the body when the animal is slaughtered is said to be impure. But the blood left inside the meat, in the veins, is not haram. Ikrima (may God bless him and give him peace): "If it were not for this verse, the Muslims would have avoided the remaining blood in the veins of the meat like the Jews and would not have eaten it"[8]. In addition, the Prophet Muhammad, peace be upon him, forbade eating the meat of aquatic animals in addition to donkeys, fish in the water, and suspiciously dead fish in the water. These evidences we have presented show that the ideas related to ecology and human health in religious sources are still relevant today.

In the sacred source of Judaism, that is, in the first chapter of the first book of the Prophet Moses from the Torah, called "The Creation of the World", we encounter the following information about the creation of night and day, heaven and earth. In it Yahweh exclaims: "Let the earth grow green plants: let the grass that yields seeds increase, let it gather various fruit trees with seeds in their fruit", "day and night, he created the lights of the sky and divided them into seasons"[9]. In addition, God said: "Let the water boil with swarms of animals, let birds fly across the dome of the sky above the earth", "Be blessed, multiply, fill the waters of the sea." Let birds multiply on the earth," he said. God then said, "...he created humans. May he rule over the fish in the sea, over the blue-faced birds, over the cattle, over the whole earth and over all the creatures that move on the ground," he said. God reminds humans of the gifts of nature given to man: "Behold, I have given you all the grass yielding seed and the tree yielding fruit with seed on the whole earth, available for your consumption. ...Besides, I have created all kinds of grasses, which will be food for all wild animals that have a living soul, and for all the birds that fly in the sky, and for all the creatures that are alive on the earth," he said. It is recognized that God created the flora, fauna and natural components that nourish man, and it is not difficult to understand that the principle of determinism is manifested between them. In the "Torah" it is said: "Do not stop the mouth of the ox that is threshing the grain", which means that the ideas of nobility, such as not oppressing the creatures under your control and treating them well, were mentioned in religious sources 3 thousand years ago. Also, after the Torah, the most authoritative and main source is the Mishnah. "Mishnah" is a Hebrew word that means, "To learn, to repeat" in the dictionary.

**Result and discussion.** In Aramaic, the word "mitna", which means, "to tell a story", to learn and to study, is considered an appropriated variant of "Mishna". The word "Mishna" refers to a set of rulings, teachings, interpretations, commentaries, fatwas and wills regarding the Jewish religion, which are passed down orally from generation to generation. "Mishnah" has the same power as the verses of the Torah, the holy book of Judaism. Mishnah consists of 6 parts and 63 sections. Zeraim – a part of crops and seeds. This part includes religious rulings related to crops, fields, and gardens, and consists of 11 sections. We quote these sentences from the Torah as a proof of our above thoughts. Yahweh said, "Behold, I will give you every seed on the earth and every tree bearing fruit. They will be yours to eat. Moreover, I will give all green plants for food to all the animals of the land, to all the birds of the sky, and to everything that moves on the earth that has the breath of life." It can be seen that in Judaism, all the blessings on earth are for the ecological maturity of people, and we come to the conclusion that every person is obliged to act on them. In the Holy Torah, the word "Water" 217 times, "Soil" 27 times, "Tree" 46 times, "Animal" 54 times, "Mountain" 67 times, and "Wheat" 34 times are mentioned. In this book, the names of many prophets who showed love to nature-loving animals are mentioned, and information about their exemplary and good deeds is also given. For example, the name of Prophet Noah is mentioned as the first person who tilled the soil and planted a vineyard in his time after flooding the earth. The word grape appears 17 times in the Torah. However, all the prophets served to protect nature, make good use of the land, and serve the well-being of the population. This, in turn, shows that those who believe in religion appreciate nature, work on the land, engage in good deeds, and follow the footsteps of the prophets. In addition, in the Tehaarot - ablution, i.e. purification part of this source, thoughts, orders and returns regarding medicines, cows, wells and places of purification, remains of fruits are highlighted. In the religious sources of Judaism, information is given about the coming of Jesus, the prophet of Christianity, and the holy book being revealed to him, being a Jew. The book of the Bible is considered sacred in Judaism and Christianity, this source includes religious books and treatises written by various authors during almost 15th century (13th century BC to 2nd century AD). The word Bible in Greek means book, scroll. This name was first used in the 4th century by Christian scholars John Chrysostom and Epiphanius of Cyprus. The Bible is one of the oldest written monuments, consisting of religious teachings, beliefs, prophecies, prayers, chronicles, parables, epics, stories, narratives and letters. The books included in the Bible are different in different branches of Judaism and Christianity. It consists of the Old Testament and the New Testament. The Old Testament was written in the XIII-IV centuries BC (in some sources - XII-I centuries). In two languages: Hebrew, the ancient Jewish language, partially written in Aramaic (Masoretic) and translated from this language into ancient Greek (Septuagint) in the III-II centuries BC. The New Testament was written in ancient Greek in the 1st-2nd centuries AD

and consists of 27 books. The Christian religion has the same views on the relationship between man and nature and ecological issues as in other religions, and the issue of eliminating these problems is still very important today. In order to increase the ecological knowledge of the young generation, by providing them with ecological religious education, serious attention is paid to environmental problems in order to prevent the damage caused to nature and biosphere in the world as a result of human socio-economic activity. As the theologian V. N. Lossky noted: "The increase in anthropogenic influence on the environment shows that we are changing the world around us in accordance with our inner world, before we can change nature, we must change ourselves"[10]. Indeed, both Judaism and Christian religions call on people on earth to treat flora and fauna as beautifully as God commands. In nature, the law created by God is valid. The order created by God is one and all. The non-existent and living beings in the universe are connected like chains. Man, thanks to his non-belonging to the animal world, was able to live his consciousness, ability, potential, dimensions, norms, intelligence and effective mental thinking. It is through them that a new thinking should be formed in society.

**Conclusion.** Arthur L, deputy Center for the management of the ocean, coastal area of the UN Environmental Protection Program. Dal believes that "new thinking applies to all the people of the country, only environmental crises are prevented if they operate in a single state." Consequently, the concept of ecological balance was classified by scientists around the world eighty years ago. The question of the relationship between the balance in the atmosphere and the ecological balance was considered among the constant problems of the world community. It is regularly noted that such natural imbalances are the driving force of the biosphere's life indicators.

For humanity, there is only one source of life – planet Earth. Regardless of what gender each person represents, what religion they believe in, or whether they follow a sect, age, nationality, race, preserving the biosphere is obliged to be his most first-time human duty.

#### REFERENCES

1. Hasanboev U. Relations between the state and religion in Uzbekistan: religious organizations, currents, current directions of ideological struggle. - Tashkent: Tashkent Islamic University, 2014. - p 303.
2. The Global Religious Landscape. Pew Research Center – Washington: D.C, 2012. -P.43.
3. Bible. Institute for translation of the holy book - Tashkent, 2016. - p 367-370.
4. Zyuber V., Poten J. Dictionary of religions: Judaism, Christianity, Islam / Per. from French Teryukova E. - St. Petersburg. : Peter, 2008. - P.120.
5. Yablokov I. N. Religious Studies: A Textbook and a Minimum Educational Dictionary in Religious Studies. –M: Gardariki, 2000.
6. The author of the translation and comments is Abdulaziz Mansur. - Tashkent: Tashkent Islamic University, 2009. - P.36.
7. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. Tafsir Hilal. Surah An'am. 7-8 bribes. - M.: Shams, 1996. - B 147.
8. Muhammad Ali Sabuni. Rovayul Bayan tafsiryru ayatil ahkami minal Qur'an. Part 1. - Maktabatul Asiyriyya Beirut-Lebanon, 2017. - B.145.
9. Bible. The first book of the Prophet Moses from the Torah. Genesis. psalm. - Turkey, Sacred Book Society. 1995. -B.616-617.
10. Khribar S.F. Ecological in Bible. - Kyiv, Kyiv Ecological and Cultural Center, 2003. - P.28.

#### *Judaizm ta'limotida ekologik masalalarning falsafiy tahlili*

**Rezyume.** Maqolada qadimgi yahudiy diniy manbalarida aks etgan ekologik inqirozni bartaraf etish muammolari ko'rib chiqiladi, shuningdek, yer yuzida insonning paydo bo'lishi va uning tabiat oldidagi mas'uliyati masalalari tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Yahudiylik, Avraam, Yahve, Messiya, Tavrot, Ibroni, Talmudda, Mishna, Shabbat, Nuh, Isroil o'g'illari.

#### *Философский анализ экологических проблем в учениях иудаизма*

**Резюме.** В статье рассмотрены проблемы устранения экологического кризиса, отраженных в древнееврейских религиозных источниках, а также анализированы вопросы возникновения человека на земле и его ответственности перед природой.

**Ключевые слова:** Иудаизм, Авраам, Яхве, Мессия, Тора, иврит, Талмуд, Мишна, Шаббат, Ной, Дети Израила.

#### *Philosophical analysis of ecological issues in the teachings of judaism*

**Summary.** The article examines the problems of eliminating the ecological crisis, reflected in ancient Jewish religious sources, and also analyzes the issues of the emergence of man on earth and his responsibility to nature.

**Keywords:** Judaism, Abraham, Yahweh, Messiah, Torah, Hebrew, Talmud, Mishnah, Shabbat, Noah, Children of Israel.

УДК 1 (091) (5) Чархий: 304.42

#### **ЯЪКУБИ ЧАРХИЙНИНГ “РИСОЛА ДАР МАНОҚИБ ВА АҚОИД” АСАРИДА ЖАМОА ТИНЧЛИГИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Зойиров Э. Х.**

*Бухоро муҳандислик технология институту*

**Кириш.** Тасаввуф ва унинг нақшбандия тариқатининг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш ва ундаги ижобий томонларидан миллий истиқлол мафқурасининг теран илдизлари сифатида фойдаланиш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ёрдам беради. Жамоанинг тинчлиги ва осойишталиги масаласи тасаввуф аҳлининг мунтазам диққат марказида бўлган. Яъкуби Чархий фикрича, Баҳоуддин Нақшбанд ва Алоуддин Атторнинг “кутб ул-иршод” даржасида бўлиб, юрт ишларига аралашиб турган. Профессор Г.Наврўзова Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид тадқиқотларида мутасаввифнинг подшоҳлар билан мулоқотга киришини қуйидагича келтиради: “Тунда танишларимдан бири менинг олдимга келди. “Халил номли бир турк шайхзодаси сени йўқлапти”, – деди. Хурсанд бўлиб ўрнимдан турдим. Куз фасли эди. Бухоро неъматларидан бироз ҳадя олдим ва бордим. У ерда бир хона бўлиб, дарвеш хонанинг бурчагида ўтирган экан. Олдида бир

гуруҳ киши бор эди. Салом қилиб ўтирдим. Сўнг ўша тушни айтиш истаги туғён урди. Шу пайт менга туркчалаб: “Улким сенинг кўнглингадур, ўзи бизга аёндир, айтмоқ не ҳожат?”, деди. Ҳолим ўзгарди, унга майлим янада зиёда бўлди.

Мен унинг мулозаматида бўлдим. Унинг ҳузурида ажойиб ҳолатларни кўрдим. Олти йилдан сўнг унга Мовароуннаҳр подшоҳлиги муяссар бўлди. Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуғ ҳолатлар рўй берарди. Унинг олти йиллик салтанати даврида яна унга мулозим бўлдим, подшоҳлар хизматидаги одобларни ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим.”[1.41.] Демак, Нақшбандия тариқати аҳли ҳам ижтимоий ҳаётдан узоқ турган эмас. XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқати ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат “ихтилот” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди – келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

Бундай аъёнлар Марказий Осиё халқлари ижтимоий — иқтисодий ва маданий - маънавий ҳаётида юз берган Уйғониш даврининг кейинги босқичида (XIV—XVI асрлар) диёримиздан етишиб чиққан йирик мутасаввифлар Яъкуби Чархий, Хожа Аҳрори Валий (1404—1499), Муҳаммад Қози (1447 - 1516), Махдуми Аъзам (1461-1542) каби мутасаввифлар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди. Улар вужудга келган ижтимоий - сиёсий ва маданий - маънавий шароит таъсирида ўз салафларининг инсон жамоаларининг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги ғояларини ўзига хос равишда талқин қилиб, жамиятнинг раванқ топиши учун аввало жамиятда мамлакатлараро ва халқлараро уруш ва қирғинликлар, динлараро адоват, инсонлараро низо - жанжаллар барҳам топиб, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ишонч ва мурося устувор мақсадга айланиши кераклигини таъкидлаганлар.

